

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 8 (159)

2010 йил, август

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

www.jad.uz

МУНДАРИЖА

НАСР

Дино БУЦАТТИ. <i>Хикоялар</i>	3
Пауло КОЭЛЬО. Иблис ва Прим хоним. <i>Роман</i>	24
Эдуард Бульвер-ЛИТТОН. Помпеянинг сўнги кунлари. <i>Роман</i>	64

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ. Эй қатра, бўлай десанг дур... <i>Рубоийлар</i>	19
Амрита ПРИТАМ. Мен бор эдим.	61

ДРАМА

Самуил АЛЁШИН . «Йўк, ўлмаيمان мен буткул»	98
---	----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Нодир НОРМАТОВ. Тасвир – тафаккур қаноти	145
Исматуллоҳ МЎЪЖИЗИЙ. Муסיқа тарихи	154

НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

Ясунари КАВАБАТА. Япония чиройидан нур эмган	162
---	-----

АДАБИЙ ҲАЁТ

Евгений РЕЙН. Синмаган қадаҳ сири	170
--	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Санобар ТЎЛАГАНОВА. Шарқнинг олтин кўприги	173
---	-----

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Пиримкул ҚОДИРОВ. Сўзи кўнгилга муносиб	176
А.РАСУЛОВ, А.ТОЖИЕВ. Доимий ҳамроҳ	178
Шоира НОРМАТОВА. Акбаршоҳ америкалик тадқиқотчи нигоҳида	183

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Абдуурофе РАБИЕВ. Сўнги аргумоқ. Қисса	186
---	-----

ТОШКЕНТ
АВГУСТ

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир хайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Абдулла АРИПОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Анвар ЖАББОРОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Абдураҳим МАННОНОВ
Авазжон МАРАҲИМОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдулла ОРИПОВ
Баҳодир ХОДИЕВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ

Навбатчи муҳаррир Алимурод ТОЖИЕВ
Техник муҳаррир Ульяна КИМ
Мусаҳҳиҳ Дилдора АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Улугбек САИДОВ

Жаҳон адабиёти, 8. 2010

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 11.08. 2010 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1440 нусха. 264 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2010 й.

ДИНО БУЦЦАТИ

Ҳикоялар

КОЛОМБР

Стефано Рой ўн икки ёшга тўлганида денгиз капитани, тезюарар елканли кеманинг эгаси бўлган отасидан туғилган кунда совға ўрнига уни ҳам денгизга олиб чиқишини сўради.

– Катта бўлганимда, – деди Стефано, – худди сиздек денгизда сузаман. Сизга ўхшаб кема эгаси бўламан. Кемам сизникидан катта-роқ ҳамда чиройлироқ бўлади.

– Худо хоҳласа, албатта бўлади, ўғлим, – деб жавоб қилди отаси. Кеманинг жўнаши айнақ туғилган кунга тўғри келган эди, шунинг учун отаси болани ўзи билан олиб кетди.

Кун ойдин, кўёш чарақлаб турганди.

Денгиз тинч-осойишта эди.

Стефано ҳали бирон марта кемада сузмаганди. Ҳозир эса палубада бахтиёр кезинар, елканларнинг виқорли ҳаракатларини ҳайратланиб томоша қиларди.

Болакай матрослардан тез-тез бир нималарни қизиқиб сўраб-суриштирар, матрослар ҳам табассум қилиб бажонидил жавоб қайтаришар эди.

Болакай кеманинг кўйруғида туриб денгизни томоша қила бошлади. Сув юзасида, тахминан кемадан ярим милча олисда, нақ кеманинг изида алланима дам пайдо бўлиб, дам йўқолиб қоларди. Гарчи анчагина кучли шамол кемани тўлқинлар устидан шиддат билан олға итариб кетаётган бўлса-да, негадир ўша қора нарса билан кема ўртасидаги масофа мутлақо узаймас эди. “Қизиқ... Нима экан у?” ўйлади Стефано. Бу номаълум, сирли нарса уни ўзига оҳанрабодек тортиб, қаттиқ қизиқтириб қўйди.

Ўғли кўринмай қолганида капитан уни баланд овозда чақирди. Жавоб бўлавермагач, кўприкчадан тушиб, уни қидира кетди.

– Стефано, бу ерда нима қилиб турибсан, ўғлим? – сўради у болакай ёйдек эгилган кўйи денгиз сатҳидан кўз узмай тикилиб турганини кўриб.

– Ота, бу ёққа келинг. Ана унга қаранг!

*Рус тилидан
Раҳимжон ва
Фаррух ОТАУЛИ
таржималари*

XX аср жаҳон ҳикоячилигининг бетакрор намояндаларидан бири италян адиби Дино Буццатидир. У 1906 йилда Италиянинг Беллуно вилоятида туғилиб, 1972 йилда Миланда вафот этган. Кўп йиллар Миландаги “Коррьера делла Сера” газетасида ишлаган. Ёзувчининг “Тоғли Барнаббо”, “Эски ўрмон сири”, “Татар чўли”, “Муҳаббат” романлари, “Йириклаштирилган қиёфа”, “Айиқларнинг Сицилияга гаройиб босқини” ва бошқа қиссалари, кўпгина ҳикоя ва драмалари машҳур. Чунончи, “Татар чўли” романи билан “Қизиқ воқеа” драматини француз тилига Альбер Камю таржима қилган. “Татар чўли” романи Борхеснинг шахсий кутубхонасидаги энг ардоқли асарлар-

Капитан ўглининг ёнига келиб, у кўрсатган тарафга қаради, лекин кўзига ҳеч нима кўринмади.

— Ота, ана у ерда қандайдир қорамтир нарса чиқиб турибди. У шундоқ ортимиздан сузиб келяпти.

— Қирчиллама қирқ ёшимда кўзим ҳали ўткир, — деди ота. — Бироқ ростдан ҳам ҳеч нимани кўрмаяпман-да, ўғлим?

Болакай бўш келмади. Шунда отаси бинокл олиб чиқиб, денгиз сатҳини синчиклаб кўздан кечирди. Кутилмаганда кўркувдан унинг ранги оқариб кетди.

— Нима экан у, ота?.. Сизга нима бўлди?

— Эҳ, болам, негаям сенинг сўзингга кирдим-а! — афсусланиб бош чайқади капитан. — Энди ҳаловатим бўлмайди. Ўша сен кўрсатган қора нарса оддий нарса эмас, у коломбр¹ — ўта даҳшатли ва сирли наҳанг бўлади! У жаҳондаги ҳамма денгизчилар кўнглида даҳшат уйғотади. Одамнинг ўзидан ҳам минг карра айёрроқ махлуқ-да у! Сабабини ҳеч ким билмайди, лекин айтишларича, “коломбр” деганлари одамлар орасидан кимгадир кўз тикса, уни йиллар мобайнида, ҳаттоки бутун умр таъқиб қилиб, ниҳоят, ўлжасини ютиб юборгач тинчланар экан. Энг ажабланарли жойи шундаки, коломбрни у кўз тиккан одам билан унинг энг яқин қариндошларидан бошқа ҳеч ким кўролмасмиш!..

— Бу эртакмасми? — кулиб сўради Стефано.

— Йўқ, бу эртақ эмас, айти ҳақиқат, ўғлим! Тўғри, мен ўзим шу пайтга қадар коломбрни ҳеч қачон кўрмаганман. Ҳозир бошқалардан кўп маротаба эшитганларимга асосланиб дарров таниб турибман: турқи кўтосникидек совуқ, тишлари тимсоҳникидек сўйлоқ, ваҳшийликда тенгсиз махлуқ у! Шўримиз қуриди энди! Афтидан, у ўлжа сифатида сени танлаб, сенга кўз тикибди. Демак, токи денгизда сузар экансан, энди сенга нажот йўқ! Тезда бандаргоҳга қайтиб кетмасак бўлмайди. Менга ваъда бер, ўғлим: ҳар қандай шароитда ҳам сен бундан кейин қуруқликни тарк этиб, сувга тушмайсан. Денгиз энди сен учун хатарли. Бунга кўникишинг керак! Ўйлайманки, ўз бахтингни қуруқликда ҳам топа оласан.

Капитан шундай дея, тезда кемани ортга буришга буюрди. Бандаргоҳга келиб, ўглининг мазаси қочиб қолди, деган баҳона билан уни соҳилда тушириб қолдирди-да, ўзи тагин денгизга қайтиб кетди.

Кема устунлари то уфққа сингиб кетгунга қадар болакай уни кузатиб, юраги ўртаниб соҳилда тураверди. Бандаргоҳга кираверишни ажратиб турган тўлқинқайтаргичнинг нариги томонидаги денгиз хувиллаб қолди. Лекин, барибир, Стефано диққат билан тикилиб,

¹К о л о м б р — гавдаси катта ва кўриниши қўрқинчли улкан балиқ; жўда-жўда ноёб. Ер юзининг турли жойларидан уни турлича атайдилар: коломбер, кахлоубра, калонга, калу-бюау, чалунгга. Табиатшунослар нимагадир коломбрга эътибор бермайдилар. Кимлардир ҳатто у муғлақо мавжуд эмас, дея даъво қилади.

дан бири ҳисобланган. Ёзувчининг 1958 йилда чоп эттирган “Олтмиш ҳикоя” тўплами ўша пайтдаги Италиянинг “Стрега” деб номланган энг обрўли адабий мукофотларидан бири билан тақдирланган. “Ла Скала”даги шов-шув” ҳикоясини эса, Андре Моруа иккинчи жаҳон урушидан кейинги бутун Европа адабиётида дунёга келган энг ҳаққоний асар сифатида баҳолаган.

Дино Буцатининг сеvimли ёзувчиларидан бири Эдгар По бўлгани бежиз эмасдир. Ёзувчи Мопассан, Тагор, Чехов, О. Генри, Стефан Цвейг, Эдгар По, Сабоҳиддин Али, Азиз Несин, Муҳаммад Али Жамолзода каби жаҳоннинг машҳур ҳикоянавислари қаторида туради. Адиб қаламига мансуб жами икки юзга яқин ҳикояларнинг аксарияти кўпгина тилларга таржима қилинган.

сув юзасида ўқтин-ўқтин кўриниб қолаётган ўша кичкина қора нуқтани — “ўз коломбри”ни кўргандек бўлди.

Назаридида унинг коломбри учрашувни бетоқатлик билан кутиб, бир жойда безовталаниб айланмоқда эди.

Ота ўғли денгизни буткул унутиши учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилди. Уни соҳилдан юзлаб чақирим олисдаги шаҳарга ўқишга жўнатди. Янги муҳитда Стефано денгиз махлуқини бир муддат унутди. Ёзги таътил ҳам келди. У уйига қайтди-да, бўш вақт топди дегунча соҳилга шошилди. Гарчи ич-ичдан қатъий ишонч ҳосил қилмаган бўлса-да, балки таъқиқ-табуга аччиқма-аччиқ, ўз тақдирини синаб кўриш иштиёқида ёна бошлади у. Ахир, орадан шунча вақт ўтди. Отаси айтган гаплар рост бўлган тақдирда ҳам, коломбр балки уни таъқиб қилишдан воз кечгандир?

Аммо Стефано денгизга тикилиб қарагани заҳоти баайни нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб, юраги ҳаприқиб кетди: тўлқинқайтаргичдан салгина нарида, очик денгизда ўша ёвуз балиқ оҳиста сузмоқда эди! Вақти-вақти билан у бошини сувдан чиқариб “Стефано Рой қачон пайдо бўлар экан?” дея сўраётгандек бетоқатлик билан соҳилга тикилар эди.

Энди уни кечаю-кундуз безовта-бетоқат кутаётган ёвуз махлуқ ҳақидаги фикр хаёлидан кетмай қолди. Ҳаттоки денгиздан олис шаҳарда ҳам у гоҳида ярим тунда қаттиқ кўрқиб-асабийлашиб уйғониб кетар эди. Тўғри, бу ерда, коломбрдан ажратиб турган юзлаб чақирим олисда Стефано ўзини хавф-хатардан холи ҳис қилар эди. Лекин тоғлар, ўрмонлар ва водийлар ортида ёвуз махлуқ уни илҳақ кутаётганини ҳис этарди. Назаридида, қитъанинг энг ичкарасига қочиб борганида ҳам коломбр ўша ердаги яқинроқ денгизда тақдир тақозосига кўра қатъият билан уни таъқиб этадигандек эди.

Стефано жиддий ва тиришқоқ ўспирин эди. Шунинг учун ҳам ўқишда талайгина ютуқларга эришди. Улғайгач, ўзи бола кезларидаёқ келиб қолган шаҳардаги савдо билан боғлиқ обрўли ва фойдали бир хизматга жойлашди. Бу орада отаси ҳасталаниб вафот этди. Унинг ажойиб кемаси бева томонидан сотиб юборилди. Натижада ўғил каттагина мулкка меросхўр бўлди. Хизматчилик, улфатлар, йигитчиликнинг вақтихушликлари ва ишқивозликлари беҳисоб — энди Стефанонинг ҳаёти сермазмун эди. Бироқ коломбр ҳақидаги фикр дам кўрқитиб, дам ўзига оҳанрабодек тортувчи сароб янглиғ ҳамиша таъқиб қилар эди. Вақт ўтиши билан Стефанонинг қизиқиши камаймади, аксинча, тобора ошиб борди. Бир маромдаги самарали иш фаолиятдан дилидаги қониқиш катта, лекин ўйининг тагига етиб, жумбоқни узил-кесил ечиш иштиёқи ундан ҳам кучлироқ эди.

Ниҳоят, Стефано йигирма икки ёшга тўлганида хизматни ташлаб, дўстлари билан хайр-маъзур қилиб, она шаҳрига қайтиб келди. Келган заҳоти онасига отасининг ишини давом эттириш аҳдида қатъийлигини маълум қилди. Бироқ сирли наҳанг хусусида лом-мим демади. Она ўғлининг аҳду қароридан қаттиқ қувонди: у ўғли денгизни шаҳар шовқинига алмаштириб, оилавий анъанага қарши чиққанига ич-ичдан қаттиқ афсусланиб юрар эди.

Шундай қилиб, Стефано денгиз ҳавосини олиб, ўзидаги жасорат ва сабот-матонатни тарбиялаган кўйи денгизда суза бошлади. Қаерда бўлмасин, кечасию кундузи, шамол ва ҳатто довул кунларида ҳам унинг кемаси ортидан коломбр узлуксиз эргашиб юрар эди. Стефано бу ўзига хос тавқи лаънат, ўлим ҳукми эканини билар ва эҳтимолки, шунинг учун ҳам бостириб келаётган кулфатдан ҳалос бўлишга

жазм қилолмасди. Кемада ўзидан бошқа ҳеч ким, табиийки, коломбрни кўролмас эди.

— Қаранг, анови нарса нима ўзи? — деб кема ортидаги из томон ишора қилатуриб гоҳида сўрарди у ўз дўстларидан.

— Қани? Ҳеч нима кўринмаяпти-ку. Нимани айтяпсан?

— Шунчаки кўзимга кўринди, шекилли-да...

— Мабодо, сен коломбрни кўриб қолмадингми? — дея кулишарди дўстлари кўрқиб-қалтираб, “Хавф-хатардан Ўзинг асра!” деган маънода палуба тўсиғига бармоқлари билан урар эканлар.

— Сизлар нимага куляпсизлар? Тагин тўсиқни тақиллатишингиз нимаси?

— Чунки коломбрдан шафқат кутиб бўлмайди. У кўз тикдими, бас, билинги, биттамитез тез орада ўламиз.

Лекин барибир, Стефано бўш келмас эди. Бош устидаги хавф, назарида, аксинча, денгизга интилишини баттар кучайтирар, хатар билан кураш лаҳзалари жасоратига жасорат кўшарди.

Тез орада Стефано денгиз ишини мукамал эгаллади. Отасидан қолган маблағга ўртача катталиқдаги юк кемасини шериклари билан бирга харид қилди. Сал ўтмай ўзи кеманинг якка-ёлғиз эгасига айланди. Денгизга бир неча муваффақиятли чиқишларнинг шарофати билан кейинчалик ҳақиқий улкан савдо кемаси сотиб олди. Унинг кўз олдида яна-да кенгроқ уфқлар очила бошлаган эди.

Ютуқлар ва бойлик Стефано кўнглига ўрнашиб олган ва уни қийнаётган хавотирни бутунлай тарқата олмади. Аммо у ўз кемасини сотиб юбориш, денгиз билан хайрлашиш ва қуруқликда бошқа бирор ишнинг бошини тутишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди.

Унинг ягона хоҳиши бетиним сузиш ва яна сузиш эди. Узоқ сафарсаёҳатдан кейин соҳилга қадам қўйган заҳоти қайта йўлга чиқишни бесабрлик билан қута бошларди. Стефано у ерда ўзини коломбр кутаётганини биларди, лекин жиловлаб бўлмас истакларига бўйин эгиб, чарчоқ нима билмай денгизлар ва уммонлар оша, ўз ўлимига қарши исён кўтаришни, денгиз ҳаёти учун курашишни истарди.

Мана, ниҳоят, кунлардан бир куни Стефано дафъатан шуни сезиб қолди, у қариб улгурибди! Нега у катта бойликка эга бўлатуриб, азоб-уқубатлари чексиз денгиз ҳаётидан буткул воз кечиб кетолмаётганини ҳеч ким тушунолмасди. Стефанонинг ўзи ҳам алланечук чарчоқ ва нажотсизликни ич-ичдан ҳис қила бошлади. Ахир, бутун умри мана шу кўзга кўринмас аёвсиз душман билан шиддатли ва беҳуда-бемаъни курашларда ўтди. Лекин ҳозир ҳам ҳар доимгидек бойлик ва тинч-хотиржам турмушга кўра ҳақиқатнинг тагига етишни афзалроқ кўрарди.

Ажойиб кунлардан бирида кечқурун унинг олиймақом кемаси қадрдон бандаргоҳда лангар ташлаб турганида Стефано шуни ҳис қилдики, унинг вақти-соати келди — куни битди.

У ишончли ёрдамчисини чақириб, ўзининг хоҳишини сўзсиз адо этиш ваъдасини олди. Ёрдамчи виждонини ўртага қўйиб қасам ичди. Шунда қари капитан ҳайратдан донг қотиб ўтирган ёрдамчига ўзини қарийб эллик йил мобайнида изчил таъқиб этиб келаётган коломбр ҳақидаги бутун сир-синоатни гапириб берди.

— У менинг ортимдан дунёнинг у чеккасидан бу чеккасигача сузиб келди, — деди капитан гапини яқунлаб. — Бу билан энг ишончли дўстимдан ҳам кучлироқ садоқат кўрсатди. Энди ўзимнинг ўлимим яқинлигини сезиб турибман. Унинг ўзи ҳам худди

мендек қариб, қаттиқ ҳолдан тойгандир. Энди мен унинг умидини пучга чиқаролмайман.

Шундай дея у ёрдамчисини кучоқлаб, видолашди-да, қайиқни сувга туширишини сўраб, балиқ овлайдиган махсус найзани қўлига олиб:

— Ана энди биз учрашамиз! Майли, ҳақиқат ва адолат тантана қилсин: у ўз ҳаққини олиши керак. Аммо мен ҳам сўнгги томчи қоним қолгунича курашаман,— деди.

Стефано эшкакни амал-тақал эшиб, кемадан узоқлашди. Матрослар ой нурлари остида ғира-шира кўриниб турган ўз капитанларини тун зулмати оғушидаги узоқ уфқ бағрига сингиб кетгунига қадар кузатиб турдилар.

У ўзини узоқ қийнашига зарурат қолмади. Тўсатдан коломбрнинг даҳшатли тумшуғи унинг кўз олдида намоён бўлди.

— Мана, мен сенинг хузуринга келдим, — деди Стефано, — Қани энди кўрамиз, ким кимни ютар экан!

У бор кучини тўплаб, найзасини санчиш учун кўтарди.

— Уҳ-ҳ! — оғир уҳ тортди коломбр. — Сени қанчалик узоқ кутганимни билсанг эди! Мен ҳам ўлгудек чарчаб-толиқдим. Сен мени денгизда озмунча овораи-сарсон қилдингми! Ҳар гал қочиб кетавердинг, тутқич бермадинг... Ҳалиям сен ҳеч нимани тушунмабсан...

— Хўш, нимани тушуним керак эди?! — ғазаб билан хитоб қилди Стефано.

— Сен нима деб ўйлагандинг, мени ҳалок этиш учун таъқиб қилиб юрибди дебми? Аслида эса, денгиз шоҳи сенга мановини бериб қўйишимни буюрган эди.

Коломбр тилини чиқариб унинг учидан турган ялтироқ шарчани қари капитанга узатди. Стефано уни эҳтиёткорлик билан қўлига олди. Бемисл катталиқдаги марварид донаси эди бу! У ўз соҳибига омад, куч, муҳаббат ва руҳий хотиржамлик ато этувчи машҳур Денгиз Марваридини бир қарашдаёқ таниди.

Аммо энди жуда-жуда кеч эди.

— О, қандай кўргилик бу! — алам билан бош чайқаб хитоб қилди Стефано. — Мен қанчалик янглишибман-а. Ўз умримни ўзим азоб-уқубатга айлантирибман. Сенинг умрингни ҳам хазон қилдим!

— Алвидо, бахти қаро инсон, — деган овоз эшитилди бунга жавобан ва коломбр қоронғулик қўйнига абадий сингиб кетди.

Орадан икки ой ўтиб тўлқинлар соҳилдаги қояга бир қайиқни келтириб урди. Уни балиқчилар кўриб қолдилар-да, қизиқиб яқинига сузиб келдилар. Қайиқ ичида қоқсуяк бўлиб қолган одам ўтирарди. Унинг панжа суяклари бебаҳо марварид донасини маҳкам қистанча тош қотган эди...

АВЛИЁНИНГ ҚАЙТИШИ

Тушлиқдан кейин авлиёлар учун миллиард нур йилига тенг юксакликда ҳавода муаллақ турган, қалай билан ўралган шишасимон тиниқ деворлар ораллигидаги кенг хиёбонда сайр қилиш кундалик одатга айланган эди. Деворлар устида том йўқ. Чексиз осмон том вазифасини ўтайди. Сирасини айтганда, томга ҳожат ҳам йўқ-да. Ахир у ерда — етти қават осмони-фалакнинг устида қор-ёмғир ёғмайди-ку.

Жаннат дарвозаси томон бораверишдаги чап қўл деворда кўпгина каттакон тўртбурчак дарчалар бўлиб, улар орқали хиёбонга ажойиб жаннатий ҳаво кириб келар, бу ҳавонинг бир ютуми биздек оддий инсонларга мислсиз ҳузур-ҳаловат, ором-фароғат бахш этиши мум-

кин эди. Бу шундай илоҳий бахт-саодатки, ожиз ақлимизга сифмайди. Бу дарчалар орқали узоқ-узоқлардан тақводорларнинг хониши элас-элас қулоққа чалинади. Ҳзимизда муайян тасаввур ҳосил қилишимиз учун бу хонишни эҳтимол бизнинг Еримиздаги кечалари қишлоқларда қулоққа чалиниб қоладиган ва юракни сел қилиб юборадиган деҳқон қўшиқларига қиёслаш мумкин. Фақат жаннатий хониш улардан қўп маротаба, миллион маротаба таъсирчанроқ.

Ҳнг томондаги девор ҳеч бир дарчасиз яхлит ойнадан иборат. Аммо шу тиниқ ойна орқали Коинотнинг совуқ ва ёлқинли ёритқичлари абадий ҳаракатда айланиб турганини баҳузур томоша қилиш мумкин. Ҳша жойда туриб катта ва кичик юлдузлар, сайёралар ва ҳатто уларнинг йўлдошларини ҳам аниқ-тиниқ кўриш мумкин. Зеро, жаннат аҳлининг кўриш қобилиятлари чегара нималигини билмайди.

Табиийки, авлиёлардан ҳеч бири биз томонга қайрилиб қарамайди. Бу дунё ташвишларидан буткул халос бўлганларнинг жаннатдек оромжон жойда биз билан нима ишлари бор дейсиз! Ахир, ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ, ўз-ўзидан авлиё бўлиб қолмайди-да, одам! Лекин мабодо улардан бири сайр чоғи жонон суҳбатни узмаган ҳолда оҳиста юриб, Ҳнг томондаги ойнабанд деворга яқинлашса-да, ўзларига тегишли, оёқлари остида учиб юрган юлдузларга, бошқа осмон жисмларига қараса, бу ҳеч кимни ажаблантирмайди ҳам, эриш туюлмайди ҳам. Аксинча. Черков оталари ҳатто гоҳида умумкоинот манзараларини кузатишни тавсия қиладилар. Чунки бу эътиқодни мустаҳкамлар экан.

Мана, шундай бўлдики, авлиё Гермоген ажойиб кечалардан бирида (биз “кеча” сўзини тамомила шартли равишда қўлламоқдамиз, зотан, у ёқда — етти қават осмони-фалакнинг устида кеча ҳам, тонг ҳам бўлмайди, балки фақатгина ёруғлик ва абадий роҳат-фароғат бўлади!) биродари билан суҳбатлашатуриб Ҳнг тарафдаги деворга яқин келди-да, ойна орқали пастга кўз ташлади.

Авлиё Гермоген — жуда обрўли қария эди. (Олийтабақа зодагонлар оиласига мансублиги ва Худо ўзига чақириб олгунга қадар йирик мансабдор бўлгани бу одамнинг айби эмас-ку!) Бошқа авлиёлар унинг қанчалик иштиёқ билан ўз фазовий жисмини астойдил жаннатий либосга ўрашини кўриб, энг баркамол чоғлардаги Фидиянинг ҳам тушига кирмаган улугворлик касб этишига қараб бегараз ҳазил-мутойиба қилардилар. Осмони-фалакда кичик инсоний ожизликлар мутлақо бўлмайди деб ўйламанг. Ахир уларсиз энг улугвор азиз-авлиёлик ҳам ниҳояти ёритадиган, лекин иситолмайдиган оддий неон чироғига ўхшаб қолган бўлар эди-да.

Шундай қилиб, мутлақо кутилмаган тарзда Гермоген ойнадан қараб, азбаройи ўзи чиқиб келган жой, яъни кавлаб ташланган, булганган, ғорат қилинган Ер — инсоннинг азалий қўнимгоҳига яна бир маротаба шунчаки кўз ташлаш мақсадида кўзини бироз қисди. Ва яна тамомила тасодифан ер юзидаги минглаган турли хил нарса-ҳодисалар орасидаги бир хонага кўзи тушди.

Хона шаҳарнинг марказида жойлашган, анчагина кенг, лекин қарийб бўм-бўш эди. Бу ердаги ҳамма нарса камбағалликни аён кўрсатиб турар эди. Шипда осилган улкан чироқ нурлари ундаги ёшлар — қуйидаги тартибда жойлашган саккиз нафар йигит ва қиз устидан ёғилиб турар эди: йигирма ёшлардаги қувноқ ва ғоят гўзал қиз икки ўсмир йигитлар ўтирган диван суянчигини ушлаб олган. Яна иккитаси уларнинг рўпарасида гапларини диққат билан тинглаб тик туришибди. Бошқалари — икки қиз ва бир йигит — уларнинг оёқлари олдида ерга

ўтириб олишибди. Эски патефондан Жерри Маллиган мусиқаси таралмоқда. Диванда ўтирганлардан бири ўзи ҳақида га-пиряпти, ўзининг келгусидаги режалари, қиладиган буюк ва эзгу ишлари, шунга ўхшаш ҳавойи орзу-умидларини тўкиб соляпти. Бундан тушуниш мумкин эдики, ёш санъаткор мухлислар олдида ўз кўнглини очмоқда. Гарчи фақатгина ўзигагина тегишли бўлса-да, қалбини қаттиқ тўлқинлан-тирган, ташқарига йўл қидираётган кечинмаларини изҳор қилмоқда; у шунақанги жўшиб, келажакка шунақанги ишончу умид-билан нутқ ирод қилмоқда эдики, ҳамма тингловчилар нотикнинг кайфиятидан таъсирланиб, ўзи ҳақида ўйлар, ўзининг, эҳтимолки, соддадилларча, мантиқдан анчагина йироқ орзуларига бериларди; барчалари ўша лаҳзада ёхуд ўша соатда келажак кунлар ва йиллар, тонг бўсағасида томларнинг қоп-қора бўғотларига тушган нур, туғилаётган кундузнинг илк жилвалари, ўзларини кутаётган шон-шуҳратли, ажойиб тақдирлар осмонида учиб юрардилар.

Авлиё Гермоген кўз қири билан қисқагина фурсатда бирровгина нигоҳ ташлади. Лекин шунинг ўзиёқ етарли бўлди.

Собиқ ватани — Заминга кўз ташлашдан аввал авлиё Гермогеннинг қиёфаси бошқача эди. Ўз қадрдонига қайта мурожаат қилганида унинг қиёфасида, юзаки қараганда, ҳеч бир ўзгариш рўй бермади, аслида эса, тамомила бошқача тус олди. Бизлардан биронтамиз содир бўлган бу ўзгаришни пайқашимиз амримаҳол. Лекин авлиёлар бундай ҳодисаларни илғашда жуда зийрак бўладилар. Шунинг учун дўсти ундан сўради:

— Гермоген, нима бўлди сенга?

— Менгами? Ҳеч нима, — жавоб қилди Гермоген. Бу ёлғон эмас эди, зотан, авлиёлар ёлғон гапирмайдилар. Шунчаки у ўз кўнглидан нималар кечаётганини ҳали англаб улгурмаган эди.

Бироқ шу уч сўз (“Менгами? Ҳеч нима”)ни тилга олиш асносида — айни шу лаҳзада Гермоген дафъатан ўзини ниҳоятда бахтсиз ҳис қилди. Бу ҳол шу заҳотиёқ барчанинг эътиборини ўзига тортди. Чунки авлиёлар ораларида кимдир руҳий ҳаловат ва фароғатдан мосуво бўлса, буни дарров сезадилар.

Энди насронийларча ҳамдардлик билан тушунишга уриниб кўрайлик. Унинг кўнглидан нималар кечмоқда эди? Авлиёни нима бахтсиз қилиши мумкин? Нима сабабдан у ўзининг абадий фароғатини тўсатдан йўқотиб қўйди?

У, гарчи бир лаҳза бўлса-да, улкан ҳаёт остонасида турган йигитқизларни кўриб ўз ёшлигини, ўзининг интилиш-талпинишларини эслади — маълум бўлдики, у буларни эслай олар экан! О, ёш куч, ёшликнинг жўшқинлиги, талпинишлари, кўз ёшлари, изтироблари, келажакнинг илғаб бўлмас кенгликлари кўз ўнгингда яққол намоён бўлувчи ўспиринликнинг асов қудрати!..

У эса, бу ерда, фақатгина ором-фароғату ҳузур-ҳаловатлар маскани бўлган юсакликларда, бошқа ҳеч нимани хоҳлаб бўлмайдиган, бугун, эртага, эртадан кейин ва ундан кейинги кунлардаги абадий, битмас-туганмас, асрлардан асрларга ўтаверадиган доимий ором-фароғат, ҳузур-ҳаловатдан тўйиб кетди у! Нақ ҳиқилдоғига келди! Ҳа...

Ҳа, ёшлик кўз очиб, юмгунча ўтиб кетди! Ларзалар, умидсизликлар, бетоқатликлар, соғинчлар, орзулар, изтироблар, ошиқи шайдолик, ақлни қўйиб, туйғу измида кезинишлар... ҳамма-ҳаммаси бир зумда ўтди-кетди.

Гермогеннинг ранги оқариб, ҳаракатсиз қотиб қолди. Дўстлари бу ҳолдан кўрқиб, ундан йироқлашдилар. У ўзини алланечук бегона ва

ўтакетган бахтсиз ҳис қилди. Қўллари икки ёнига беҳолгина шалвираб тушди.

Ана шунда ёнидан тасодифан ўтиб кетаётган Парвардигори Олам уни кўриб, гаплашиш учун тўхтади. Елкасига қоқиб сўради:

— Нима бўлди, оқсоқол Гермоген?

Гермоген бармоғи билан ишора қилиб пастни кўрсатди.

— Мен у ёққа қараб бир хонани кўрдим... анови ўспиринларни...

— Ва ўтиб кетган ёшлигингни кўмсаб хазин тортдинг, шундайми? Шу ўспиринлардан бирига айланишни истаб қолдингми?

Гермоген тасдиқ маъносида бош силкиди.

— Сен шу бир истак измида жаннатдан ҳам воз кечишга тайёрмисан?

Гермоген тагин бош чайқади.

— Бироқ сен улар ҳақида нимани биласан? Шон-шухратни орзу қилдилар, холбуки истиқболда эҳтимол уларни ном-нишонсиз йўқолиб кетиш хавфи кутиб турибди. Бойлик истайдилар, лекин улар очликка маҳкум бўладилар. Ишқ ўтида ёнадилар, лекин хиёнат оловида ўртанадилар. Узоқ яшашни орзу қилдилар, эҳтимол, улар барвақт ўладилар...

— Бу муҳим эмас, — жавоб қилди Гермоген, — муҳими, улар шу топда орзу-умидлар оғушида яшайдилар.

— Лекин уларнинг ҳамма орзу-умидлари сен учун ушалган-ку, Гермоген. Буни сендан ҳеч ким қайтариб ололмайди. Бу абадий бахт-саодат-ку. Бас, шундай экан, ўз изтиробларингда мантиқсизлик кўрмаяпсанми?

— Сен ҳамиша Ҳақсан, Худойим, бироқ уларда, — Гермоген тагин ўша нотаниш ёшларга ишора қилди, — яхшиси ҳам, ёмони ҳам — ҳаммаси олдинда-да! Нима бўлганда ҳам, уларнинг қалблари инсонга қанот бағишловчи орзу-умидларга лиммо-лим! Мен бўлсам... Илоҳий роҳат-фароғатда яшаб турган авлиёда қандай орзу-умид бўлсин!

— Тўғри гап тўғри-да, — чуқур тин олди Парвардигори Олам. — Орзу-умиднинг йўқлиги — жаннатнинг энг катта камчилиги. — Бахтинга, — қўшимча қилди у қулиб, — бу ерда ҳар хил вақтихушликлар шунақанги кўпки, буни, афсус, ҳеч ким сезмайди.

— Мен нима қилай, — сўради энди авлиё бўлмай қолган авлиё Гермоген.

— Сени ортинга, пастга қайтаришимни истайсанми? Оқибати хусусида ўйлаб ҳам ўтирмай ҳаммасини қайта бошдан бошлашни хоҳлайсанми?

— Ҳа, Худойим, мен гуноҳкорни кечир, лекин айнан шуни хоҳлаб турибман.

— Агар сени омадсизлик кутаётган бўлса-чи? Агар бу гал менинг иноятим сени четлаб ўтса-чи? Агар сен бориб тушган муҳитингда ўз руҳингни пок сақлаёлмай қолсанг-чи?

— Начора, барибир энди мен бу ерда ҳаловатимни йўқотдим.

— Майли, ихтиёринг, бора қол! Лекин билиб қўй, суюкли бандам, биз сени кутамиз. Ақлингни йиғ, орзуингни ушата олсанг, ушат, лекин дилингни пок сақла-да, ортинга омон-эсон қайтиб кел!

Шундай дея, Парвардигори Олам уни енгилгина туртди. Гермоген пастга, баҳри муҳитга учиб кетди. Бир зумда ўзини ўша йигит-қизлар жам бўлган хонада кўрди. У худди шу йигит-қизлардек роп-па-роса йигирма ёшда бўлиб қолган эди: эгнида бўзранг фланел шим билан свитер, кўнглида эса, санъат ҳақидаги чалкаш фикрлар уммони, безовталиқ, исён, жилов билмас хоҳиш-истаклар, маҳзунлик, руҳий изтироблар... У бахтли эдими? Асло! Лекин шу билан бирга хотирага ўхшаш тилда ифодалаб бўлмас қандайдир бир гўзалликни, эҳтимолки, савқи табиийликни ҳис қилди; аини шу куч

олис уфқдаги чироқлар каби ўзига чорлар, мафтун-маҳлиё этарди. Ўша жойда — олисларда уни бахт-саодат, руҳий фароғат, муҳаббат кутмоқда эди. Бу ўзига чорловчи нур — абадий ҳаёт эди. Унга етиб бориш учун ҳар қанча заҳмат-машаққатлар ва азоб-уқубатлар чекса арзийди. Фақат ўша манзилга яна етиб бора оладими?

— Танишишга рухсат этинг! — мурожаат қилди у хонага кириб, қўлини узатар экан. — Менинг исмим Гермоген. Умид қиламанки, биз дўст бўламиз.

ПАСТГА УЧАЁТГАН ҚИЗ

Ўн тўққиз яшар Марта осмонўпар бино томида туриб пастда хуфтон туманига чулғонган кўйи ястаниб ётган шаҳарга қаради-да, боши айланиб кетди.

Ўзидан фавқулодда нур таратиб турган зангори осмон ва ундаги шамол ҳайдаб юрган паға булутлар оғушида кумушдек товланаётган осмонўпар бино яна-да кўркам ва маҳобатли кўринарди. Айни соатда шаҳар шу қадар жозибадор эдики, фақат кўзи ожиз одамгина унга мафтун-маҳлиё боқмаслиги мумкин. Баландда турган қизнинг нигоҳига кунботардаги шафақ нурлари оғушига чўмган кўчалару кўп қаватли бинолар ажиб тарзда жилваланиб кўринар, уларнинг оқ тизмаси тугаган жойда эса, кўм-кўк денгиз ястаниб ётарди — тепадан қараганда денгиз тоққа ўрлаб чиқмоқчидек туюларди кишига. Шарқдан тобора шиддатлироқ тарзда оқшом зулмати бостириб келмоқда, шаҳар чироқлари эса, унга қарши чиқмоқда, бу мафтункор тўқнашув ажиб жимжима касб этарди. У ерда — пастда ўз ҳукмини ўтказувчи эркаклар ва ҳукмини яна-да кучлироқ ўтказувчи аёллар, қимматбаҳо кийимлар ва чолғу асбоблари, ярқираган автомобиллар ва ресторан пештоқлари, уйқудаги саройларнинг йўлаклари, фавворалар, жавоҳирлар, сукунат қўйнига чўмган кўҳна боғлар, байрам шодиёналари, хоҳиш-истаклар, ишқ-муҳаббатлар... Буларнинг барчаси устидан буюклигу шон-шуҳрат хусусидаги орзу-истакларни алангала-тувчи кеча жозибаси ўз ҳукмини ўрнатмоқда эди.

Пастга қарар экан, Марта беихтиёр олдинга энгашиб, махсус тўсиқ оша эгилди ва... учиб кетди. У худди ҳавода парвоз қилаётгандек эди. Лекин, аслида, бундай эмас эди — у пастга қулаб тушаётган эди. Осмонўпар бино даҳшатли даражада баланд, шунинг учун кўчалар ва майдонлар ҳали жуда узоқ туюларди — ким билади, уларга қадар қанчалар узоқ учиб тушар экан! Ҳарқалай, у тобора пасайиб бормоқда эди.

Кечалари юқори қаватларнинг деразали ва очиқ айвонларида зебзийнатга беланган бой-бадавлат хонимлар ва жаноблар жам бўлиб, коктейл ичишар ва дунёнинг ишлари хусусида суҳбат қураддилар. Узуқ-юлуқ мусиқа оҳанглари қулоққа чалинмоқда эди. Марта уларнинг жуда яқинидан учиб ўтди. Шунда одамлар ҳайрон бўлишиб, уни кузатиш учун айвон тўсиғига интилдилар.

Осмонўпар бинодан бу тарзда учиш — аксарият ҳолларда бу айнан қизлар билан содир бўларди — тез-тез рўй берар ва бу ҳодиса эрмакталаблар учун анчагина қизиқарли томоша ҳисобланар эди: эҳтимол, шунинг учун ҳам юқори қаватлардаги хонадонларнинг нархи жуда баланд бўлса керак-да.

Куёш бутунлай кўздан йўқолмаган эди. Унинг сўнгги нурлари Мартанинг кўйлагини жозибали тарзда ёритиб турарди. Бу тайёр либослар дўконида арзон-гаровга сотиб олинган одмигина баҳорги кўйлак эди. Аммо шафақнинг жилвакор ёғдусида у бежирим, ҳатто-

ки серҳашам, ораста кўринарди.

Хушмуомала миллиардерлар ўз айвонларида туриб қизга қўллари-ни, қўлларидаги гуллар ва қадаҳларини узатардилар.

— Синьорина, шаробдан бир қултум ичишни хоҳламайсизми?.. Эй, гўзал капалак, бирпас ёнимизда ўтиринг!

Ҳавода парвоз қилатуриб, айнаи чоғда, тўхтовсиз пасга учар экан, Марта бахтиёр табассум ила жавоб берарди:

— Йўқ-йўқ, ташаккур, дўстларим, лекин иложим йўқ. Жуда шошиб турибман.

— Қаёққа шошяпсиз?

— Эҳ, асти сўраманг! — Марта “алвидо!” деган маънода қўл сил-китарди.

Қандайдир баланд бўйли, сочлари тим қора, яхши кийинган йигитча уни тутиб қолишга ҳаракат қилди. Йигит Мартага ёқди, лекин унинг дарров ғазаби келди:

— Нега ҳаддингиздан ошяпсиз, йигитча? — дея ёнидан учиб ўтатуриб йигитнинг бурнига энгилгина чертиб улгурди.

Демак, бу олийҳиммат жаноблар унга қизиқиб қарамоқдалар — бу қизга жудаям хуш ёқар эди. У ўзини гоят мафтункор, гоят замонавий маданият соҳибаси, деб ҳис қилди. Бинонинг юз томонидаги гулларга бурканган очик майдончаларда оппоқ кийинган хизматчилар у ёқдан-бу ёққа бориб келишар, дилрабо мусиқа эшитилар, одамлар ёнларидан тиккасига учиб ўтаётган бу қизга бир лаҳза эътибор бериш учун чалғишарди. Баъзилар уни жуда чиройли деб ҳисобласа, бошқалари — ўртамиёна дердилар, лекин бу қиз барчани ўзига жалб қилган эди.

— Сизнинг бутун ҳаётингиз ҳали олдинда, — дейишарди улар, — шундай экан, намунча шошмасангиз! Югуриб-елишу учиб-қўнишларга улгурасиз ҳали. Биз билан озгина ўтиринг, бу ерда биз кичик бир дўстона зиёфат уюштирганмиз, умид қиламизки, афсусланмайсиз.

Қиз жавоб беришни истарди. Бироқ тезлик кучи уни нафбатдаги икки, уч, тўрт қават пастга шиддат билан олиб ўтди — ўн тўққиз ёшда пастга учиб нақадар қувончли!

Тубанликка, яъни, ерга қадар масофа ҳали олис эди. Гарчи аввал-бошдагига нисбатан камроқ бўлса-да, ҳарқалай, анчагина олис эди.

Шу орада қуёш денгизга бош қўйиб, худди улкан қизғиш кўзиқоринга ўхшаб сувда қалқиб турарди. Унинг яшнатувчи нурлари энди қизнинг қўйлагини ёриштириб, ўзини учар юлдузга ўхшатмас эди. Яхшиямки, осмонўпар бинонинг барча деразалари ва айвонлари ёритилган ва қиз бу ёруғликнинг ёнидан ўтар экан, бир муддат ёрқинлик касб этар эди.

Энди унинг йўлида фақат хушчақчақ давралар дуч келмас эди; пастроқда идоралар бошланди — столлар, қора ва кўк либос кийган масъул ходим ва ходималар. Кўпчилик қизлар унга тенгдош, баъзилари ундан ҳам ёшроқ эдилар. Иш кунининг ниҳоясида улар чарчаб-ҳориб, қоғоз ва ёзув машинкаларидан бош кўтарардилар, шунда уни кўриб, дераза ёнига югуриб келардилар:

— Қаёққа учяпсан? Кимсан? — қичқиришарди улар. Овозларида ҳасадга ўхшаш нимадир бор эди.

— Мени пастда кутишяпти, — жавоб қилди қиз. Мен ушланиб қололмайман, узр! — Ва яна пастга шўнғир экан, кулди. Бироқ бу аввалгидек шўх-шодон кулгу эмас эди.

Тун билинтирмай ўз чодирини ёйди. Марта совуқни ҳис қила бошлади.

• Айни лаҳзада Марта пастга кўз ташлаб, бинонинг чироқларга чулганган қандайдир йўлагини кўрди. Унга тим қора автомобиллар би-

рин-кетин келиб тўхтарди (тепадан қараганда улар чумолидек майда кўринарди), эшикчалар очиларди ва муҳтарама хонимлар-у жаноблар тезда бинога кириб, кўздан ғойиб бўлардилар. Бу чумоли уясида у ҳатто қимматбаҳо тақинчоқларнинг ялт-юлт товланишини аниқ-тиниқ кўраётгандек эди. Йўлак шамолда ҳилпираб турган байроқлар билан безатилганди.

Афтидан, у ерда катта қабул маросими бўлаётган эди. Бундай маросимларда қатнашиш Мартанинг болалик орзуларидан бири эди. У албатта маросимга қатнашмоғи керак. У ерда уни бахту омад, севги достони, янги ҳаёт кутмоқда! Улгурармикан у?

Кутилмаганда Марта ўзидан ўттиз қадамча нарироқда, қарийб у билан барабар яна бир қиз ерга учиб тушаётганини пайқаб қолди-ю алами келди. Нотаниш қиз унга нисбатан аниқ-равшан гўзалроқ ва қимматбаҳо оқшом либосига ўралган эди. У қиз нимагадир ўзига нисбатан каттароқ тезликда учарди, шу боис бир неча дақиқада Мартадан ўзиб кетди. Марта унинг ортидан нимадир деб қичқирди. Бироқ у кўздан йўқолиб улгурган эди. “Бу қизча байрамга мендан аввалроқ етиб бориши аниқ; ҳаммасини олдиндан ҳисоб-китоб қилганми, нима бало!” деб ўйлади у.

Тез орада Марта шунга иқрор бўлдики, учаётганлар шу икковигина наси эмас экан. Осмонўпар бинонинг ён тарафидан жудаям ёш аёллар тўдаси ҳам пастга интилмоқда; юзлари учиш завқидан бўғриқиб, қўллари бамисоли қанотдек ёзилган. “Қаранг, биз бу ердамиз! — гўё хитоб қиларди уларнинг бутун туриш-турмушлари. — Бу бизнинг вақти-сотимиз, дарди-дунёмиз, бизни кутиб олинг, бизни шарафланг!..”

Демак, бу мусобақами ҳали? Устига-устак, ҳамма рақиблари энг зўр бичиқчи-тикувчиларнинг либосларига ўралиб-чирмалишган! Кўпларининг яланғоч елкаларида антиқа мўйналар! Унинг эғнида эса, бор-йўғи бир ғарибгина тайёр кўйлакча! Аввалига унинг ўзига ишончи мустаҳкам эди, мана, энди эса, қандайдир ички титроқни ҳис эта бошлади: шунчаки совуқдан, эҳтимолки, “Тузатилмас хатого йўл қўйган бўлсам-чи?” деган қўрқувдан ҳам...

Атроф тун оғушида эди. Бирин-кетин чироқлар ўчди. Мусиқа қарийб эшитилмасди. Идоралар ҳувиллаб қолган. Йигитлар энди ўз айвонларидан унга қўл чўзмасдилар. Қизиқ, соат неча бўлдийкин? Пастда, бинога кираверишда — бу вақтга келиб бино шу қадар катталашган эдики, энди унинг бутун бўй-бастини яхлит-яққол кўриш мумкин эди — ҳамон чироқлар ёруғ нур сочмоқда. Бироқ автомобиллар келиб тўхтамасди. Аксинча, ичкаридан меҳмонлар кичик-кичик гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб келишмоқда, кўнгилхушлиқдан чарчаб-ҳориб турли тарафга тарқалишмоқда. Мана, йўлак чироқлари ҳам ўчди.

Марта ўзининг юраги сиқилаётганини аниқ ҳис қилди. Афсус, у энди байрамга улгуролмайди! Тепага қараб, бутун темир-бетонли қаққайиб турган осмонўпар бинога назар ташлади. Бино энди қопқора эди. Фақат энг юқори қаватлардаги яккам-дуккам ойналар нур тарағиб турарди. Бино устидаги осмон эса, аста-секин ёришмоқда эди.

Йигирма саккизинчи қаватда қирқ ёшлардаги эркак тонги рўзномага кўз югуртирган кўйи қаҳва ичмоқда, хотини эса, бу вақтда хоналарни йиғиштирмоқда эди. Девордаги соат чораккам тўққизни кўрсатиб турибди. Шу вақт дераза ортида бир соя шиддат билан лип этиб ўтди.

— Альберто! — қичқирди хотини. — Кўрдингми? Бир аёл учиб ўтди.
— Қандай аёл? — сўради эркак газетадан кўз узмаган ҳолда.

— Кампир, — жавоб қилди хотини. — Титраб-қақшаган бир кампир.
— Ҳар доим шунақа! — тўнғиллади эри. — Бу пастки қаватларда фақат кампирларни кўрасан. Гўзал қизларга фақат беш юзинчи-ю ундан тена қаватлардагина мафтун-махлиё боқиш мумкин! У ёқларда хонадонлар шунинг учун ҳам қиммат туради-да!

— Лекин биздаги пастки қаватларда, — эътироз билдирди хотини, — уларнинг кўприк устига чалпак бўлиб тушишлари аниқ-тиниқ кўриниб ва эшитилиб туради.

Эркак қулоқ тутиб, бир муддат жим қолди.

— Бу гал ҳеч нима эшитилмади-ку! — деди у афсусланиб бош чайқар экан. Сўнгра тагин қаҳва ҳўплашда давом этди.

СЕҲРЛИ КИЙИМ

Гарчи мен бежирим кийинишни қадрласам-да, бироқ, атрофдаги одамларга назар ташлаб, одатда уларнинг кийимлари қанчалик бекам-му-кўст тикилганига кўпам эътибор қилавермайман.

Фақат қайсидир бир кечки қабул чоғида — бу Миланда бўлган эди — кўринишидан қирқ ёшлардаги бир одамни учратдим. Унинг кийими мукамаллиги билан мени лол қолдирди.

Бир-биримизга таништирилганимизда одатда бундай вазиятларда бўлиб турадиган ҳолат бўлди, яъни, унинг исмига кўпам аҳамият бермадим. Кейинроқ бир маҳал икковимиз рўпара келиб, гаплашиб қолдик. Мен дарров тушундимки, суҳбатдошим — зиёли, бироқ унда қангдайир бир яширин қайғу, гамгинлик бор эди. Афтидан, мен унинг башанг кийинганини очиқчасига ҳаддан ташқари мақтаб юбордим, шекилли-да. Худойим ўшанда мени хатардан сақлаганида эди!.. Ҳатто унинг тикувчиси кимлигини сўрашга журъат қилибман-а, буни қаранг!

У шу саволимни кутиб тургандек алланечук ғалати жилмайди.

— Тўғри, усталикка уста, лекин бу тикувчини кўпчилик билмайди. У ўзининг кайфиятига қараб ҳушига келганида тикади. Доимий мижозлари ҳам йўқ.

— Бундан чиқди, агарда мен?..

— Йўқ, нимага энди, ҳаракат қилиб кўришингиз мумкин. Унинг исми-шарифи Кортичелла. Альфонсо Кортичелла. Виа Феррара, ўн еттинчи уй.

— Жудаям қимматга тикса керак-а?

— Билишимча, шундай. Тўғриси айтсам, анигини билмайман. Бу костюмни у менга уч йил аввал тикиб берган эди, бироқ ҳалигача ҳисоб-китоб қоғозини жўнатмади.

— Демак, Кортичелла, виа Феррара, ўн етти?

— Худди шундай! — янги танишим менга таъзим қилиб узоқлашди.

Феррара кўчасидаги ўша уй бошқа уйлардан ҳеч бир жиҳати билан фарқ қилмасди. Альфонсо Кортичелла хонадони ҳам оддийгина тикувчининг устахонаси экан. Эшикни хўжайиннинг ўзи очди. Сочлари қоп-қора, ҳойнаҳой, бўялган, жиккаккина чол.

Ажабланарли жойи шундаки, у саволга ўрин қолдирмади. Ҳатто шундай бир мижознинг ўз оёқлари билан кириб келишини муштоқлик билан кутаётганга ўхшарди. Унинг уй манзилини қандай билиб олганимни, яхши тикувчилигини билиб келганимни айтиб, менга ҳам костюм тикиб беришини илтимос қилдим. Биз биргаликда майингина бўзранг жун газламани танладик. Кейин у ўлчовларимни олди-да, биринчи бор кийдириб кўриш учун уйимга боришга ихтиёр билдирди. Мен нархини сўрадим. У шошилишнинг ҳожати йўқ, биз

нарх масаласида ҳар қанақасига келиша олишимизга қатъий ишонч билдирди. Уйидан чиқар эканман, қанчалик илтифотли одам экан, деб ўйладим. Бироқ салдан кейин уйга келганимда чол билан муомаладан сўнг кўнглимда қолган қандайдир ёқимсиз, изтиробли бир ҳиссиёт мени қийнади. Эҳтимол, унинг бачкана, одамда нохуш таассурот қолдирувчи истеҳзоли кулгиси бунга сабаб бўлгандир. Ҳарқалай, менда уни яна кўриш истаги йўқ эди. Аммо, начора, буюртма бериб қўйилган. Уч ҳафтадан кейин у тайёр бўлади.

Костюмни олиб келганлари заҳоти кўзгу олдида уни кийиб кўрдим. Бу олдийгина кийим эмас, санъаткорона тикилган кийим эди! Бироқ, сабабини аниқ-тиниқ айтиб беролмайман, эҳтимол чол ҳақидаги нохушроқ хотиралар бунга сабабдир — костюмни кийиб юришни истамадим. Кийишга қарор қилганимга қадар бир неча ҳафта ўтиб кетди.

Ўша кунни бутун умрга эслаб қолдим. Бу воқеа апрелда, сешанба кунни рўй берди. Ёмғир ёғарди. Мен шимимни, нимчамни, костюмимни кийдим-да, уларнинг қулайлиги, кўпинча янги кийим кийилганда бўладиган ҳолатнинг акси ўлароқ, ҳеч қаери сиқмай ё осилиб-шалвирамай, эгнимда чиройли турганини мамнуният билан ҳис этдим. Қадди-бастимга бирам ярашиб турибдики!

Менинг ўнг чўнтагимга бир нима солиш одатим йўқ. Барча қоғозларни одатда чап чўнтагимга соламан. Шунинг учун икки соатдан кейин офисда ўтирганимда тасодифан қўлимни ўнг чўнтагимга суқдим-да, у ерда қандайдир қоғоз қўлимга текканида қаттиқ ажабландим. Нима бу, тикувчи солиб қўйган нарх-наво қоғозими?

Йўқ, ўн минг лиралик қоғоз пул эди бу!

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ўзим у чўнтакка пул солган бўлишим мумкин эмас, буниси аниқ! Наҳотки тикувчи Кортичелла ҳазиллашмоқчи бўлган?.. Аҳмоқона фикр. Эҳтимол, уйимни йиғиштиришга келадиган хизматкор аёл қилгандир бу ишни? Тикувчидан бошқа ким ҳам менинг костюмимга дахл қила олиши мумкин. Лекин бу иш ҳам мутлақо ақлга сиқмайди. Пул қалбаки бўлса-чи? Мен пулни чироққа тутиб қарадим, бошқалари билан солиштириб кўрдим. Йўқ, қалбаки эмас, ҳақиқий пул!

Ҳақиқатга бирмунча яқин бўлган ягона эҳтимол қолган эди — Кортичелланинг паришонхотирлиги. Эҳтимол, биронта мижоз олдиндан белгиланган тўлов билан келгандир. Айни лаҳзаларда тикувчининг қўлида ҳамёни бўлмагандир, шунинг учун пул ҳар жойда ётмасин деган ўйда манекенда осилиб турган костюмим чўнтагига солгандир. Шундай бўлиши мумкин-ку.

Котибани чақириш учун тугмачани босдим. Кортичеллага хат ёздираман-да, пулни қайтараман. Бу қанақаси... Ана шунда, нима учунлигини ўзим ҳам билмайман, қўлимни тагин ўнг чўнтагимга суқдим.

— Сизга нима бўлди? Тобингиз қочдимиз? — котибанинг овози кулоғимга чалинди.

Афтидан, рангим докадек оқариб кетган бўлса керак. Қўлим яна бир қоғозни пайпаслади. Ҳалигина бўшаган чўнтакда тагин нима бўлиши мумкин?

— Йўқ-йўқ, хавотир олманг. Шунчаки салгина бошим айланди. Толиқдим, шекилли. Илтимос, синьорина, сал туриб киринг, бир хат матнини ёзиб оласиз.

Котиба хонани тарк этган заҳоти мен қоғозни чўнтагимдан чиқаришга журъат қилдим. Яна ўн минг! Қўлимни тагин чўнтагимга суқ-

дим ва... учинчи қоғоз пулни чиқардим!

Юрагим қаттиқ уриб кетди. Чамаси, мен қандайдир сеҳрли қудрат таъсирига тушиб, болаларга айтиладиган ва ҳеч ким ишонмайдиган аллақандай эртакка ўхшаш бир нимага гирифтор бўлиб қолган эдим.

Ўзимни беморликка солиб ишдан кетдим. Ёлғиз қолишим керак эди. Яхшиямки, хизматкор уйни йиғиштириб бўлган экан. Мен эшикни кулфлаб, пардаларни ёпиб, титраб-қақшаб, шоша-пиша тубсиз бўлиб туюлган чўнтагимдан қоғоз пулларни бирин-кетин чиқара бошладим.

Алаҳсираб туш кўраётгандек эдим. Асабим таранглашиб, мўъжиза ҳадемай тугаб қоладигандек кўнглимни қўрқув-хавотир чулғаб олди. То миллиардларни тўпламагунча чўнтагимдан бутун оқшом, тун бўйи пул чиқараверишга тайёр эдим. Бироқ тўсатдан силлам қуриб, ҳолсизланиб қолдим.

Олдимда қоғоз пуллар тоғдек уюлиб ётарди. Энди буларни ишончли жойга яшириш керак, токи бирон жон исини сезмасин. Гидамлар билан тўла эски қутини очиб, ичидагиларни ерга тўкиб ташладим. Унинг тагига пул тахламларини бирйўла санаган ҳолда чиройли қилиб тера бошладим. Роппа-роса эллик саккиз миллион чиқди.

Эрталаб хизматкор уйғотиб, ечинмасдан ётиб қолганимга қаттиқ ажабланди. Мен кечкурун кўпроқ отиб юборганман, шекилли, деб ҳазиллашган бўлдим.

Шунда яна бир муаммо туғилди: аёл фикимланган жойларини дазмоллаб ёзиш учун костюмимни ечиб беришимни илтимос қилди.

Мен шошганимдан тезда кетишим кераклигини, кийимимни алмаштиришга вақтим йўқлигини айтдим. Кўчага чиқдим-да, тайёр кийимлар дўконига йўл олдим. Айни шундай газламадан тикилган шунга ўхшаш бир костюмни харид қиламан-да, хизматкорга берман — ана, истаганча дазмоллайверсин. Саноқли кунларда мени оламдаги энг қудратли инсонга айлантира оладиган “ўзимнинг” костюмимни эса, ишончли жойга яшириб қўяман.

Менга нима бўлаётганини охиригача англаб етолмасдим: ўнгимми, тушимми? Бошимга бахт қуши кўндими ё бошим узра қора қуюн айлана бошладими? Дўконга кетатуриб сеҳрли чўнтагимни тўхтовсиз силаб-сийпалардим. Ҳар гал яп-янги қоғоз пулнинг одамни тетиклаштирувчи ва сархуш этувчи шиқирлашини мато устидан ҳам ҳис қилиб, енгил тортиб борардим.

Лекин тез орада ғалати қонуният ширин хом хаёлимни тўзғитиб, хушёр торттирди. Ўша кун тонгги газеталарнинг биринчи саҳифаларида аввалги кун содир этилган катта ўғрилиқ ҳақида хабар пайдо бўлди. Инкассаторнинг зирҳли машинаси шаҳобчаларни айланиб чиқиб банкнинг марказий бўлимига қайтаётган экан. Пальмаро хиёбонида тўрт нафар қуролланган босқинчилар машинага ҳужум қилиб, бутун йиғилган пулларни олиб кетибди. Гангстерлардан бири тўпланган оломон орасини ёриб чиқишга уриниб ўт очибди. Бир йўловчи ўлибди. Аммо мени энг ҳайратга солган нарса ўғирланган пуллар миқдори ҳақидаги хабар бўлди: эллик етти миллион (роппа-роса мендаги пул миқдори!)

Тасодифан бойиб кетишим билан қарийб бир вақтда содир этилган босқинчилик ўртасида қандайдир боғланиш бўлиши мумкинми? Бу ақлга сиғмайди. Мен иримчи эмасман-ў, лекин шунда ҳам кўнглим қаттиқ безовталанди.

Пулинг қанчалик кўпайгани сайин яна-да кўпайишини истайсан. Камтарона кундалик эҳтиёжларимга нисбатан олиб қараганда мен

энди ҳақиқий бой эдим. Лекин чексиз-чегарасиз, сарҳад билмас ҳашаматларга эга бўлиш иштиёқи менга тинчлик бермасди. Ўша кеча яна ишга киришдим. Энди бир маромда, хотиржам, асабимни зўриқтирмаган ҳолда ҳаракат қилар эдим. Ўша кеча бойлигимга яна бир юз ўттиз беш миллион қўшилди.

Тун бўйи сира ухлаёлмадим. Нима мени қийнарди? Яқинлашиб келаётган хавф-хатарни олдиндан сезишми? Худди эртақлардагидек ҳадсиз-ҳисобсиз, лекин ҳалол ишлаб топилмаган бойлик эгасига айланган одамнинг безовта виждоними? Афсус-надомат ё тавба-тазаруми? Тонг отиши билан тўшакдан сапчиб туриб қийиндим-да, газета дўконига чопқилладим.

Хабарни ўқишим билан томоғим ғиппа бўғилди. Нефт сақланадиган омбордаги ёнғин Сан-Клоро кўчасидаги, қоқ марказдаги бинони таг-туғи билан қулини кўкка созурибди. Олов кўчмас мулк билан шуғулланадиган йирик ҳиссадорлик жамиятининг сейфларини ҳам омон қолдирмабди. Сейфларда бир юз ўттиз миллиондан кўпроқ нақд пул сақланаётган экан. Икки ўт ўчирувчи ҳалок бўлибди.

Бу ерда менинг бирин-кетин содир этган жамики жиноятларимни санашга зарурат бормикан? Ҳа, зарурат бор, чунки мен чўнтагим саховат билан тухфа этаётган пуллар ортида жиноят, қон, вайронгарчилик, ўлим турганини энди билардим. Бу пуллар менга дўзахдан чиқиб келяпти. Бироқ маккор, муғомбир, ғаразли ва истехзоли идроким содир бўлаётган воқеалардаги жавобгарлигимни зиғирча тан олишни истамас эди. Натижада яна нафсимга эрк бердим: менинг қўлларим — қанчалик осон! — яна ва яна чўнтагимга лип этиб кирар, бармоқларим эса, ёқимли титраб янги пулларни силаб-сийпаларди. Пуллар, қудратли пуллар!..

Мен кўзларни шамғалат қилиш учун эски уйимда яшайвердим, лекин тез орада муҳташам вилла сотиб олдим, ҳатто қимматбаҳо сувратлар тўпламининг эгаси бўлиб қолдим. Мен олиймақом лимузинларда сайр қилардим, соҳибжамол аёллар билан дунё кезардим. “Соғлигимнинг ночорлиги сабабли” ўз корхонамни ташлаб қўйдим.

Мен билардим — костюмининг чўнтагидан пул чиқардимми, бас, жаҳонда одамларга кулфат, ғам-ғусса келтирувчи қандайдир бир даҳшатли корҳол бўлади. Бироқ бу фикр ниҳоятда туманли ва бетайин, ҳеч бир мантиқий далил билан асосланмаган эди. Ҳар бир “топилдиқ”-дан кейин менинг виждоним тобора мажруҳлашиб, тубанлашиб бораверди. Тикувчим?.. Орани очиқ қилиш учун унга сим қоқдим. Ҳеч ким гўшакни кўтармади. Шунда мен Ферраре кўчасига йўл олдим. Сўраб-суриштиришларимга жавобан тикувчининг хорижга кетганини айтишди. Қай мамлакатга — ҳеч ким билмасди. Афғидан, ўзим англамаган ҳолда иблис билан ҳамтовоқ бўлиб қолганга ўхшайман.

Бу ҳол то кунлардан бир куни ўзим кўп йиллардан буён яшаб турган уйда бахтсизлик рўй бергунича шундай давом этаверди. Олтмиш яшар аёл газдан заҳарланиб ўлибди. У ўзининг бир кун аввал қўлига олган ва менинг чўнтагимга келиб тушган ўттиз минг лира нафақа пулидан ажраб қолганини кўтаролмай ўз жонига қасд қилибди!

Бас, етар! Агар мен тубсиз жарликка бутунлай йиқилиб тушишни истамасам, иложи борича тезроқ бу костюм деган балойи азимдан қутулмоғим шарт! Фақат уни ҳеч кимга бермаслик керак бўлади. Мўмай пулдан воз кечишни ким ҳам истайди? Йўқ, костюм бутунлай йўқотилмоғи керак!

Машинага ўтириб, кимсасиз Алп водийсига бордим-да, нарёғига дарахтлар билан қоплаган тоққа қараб пиёда кўтарилма бошладим. Ат-

рофда жон асари кўринмайди. Ўрмон тугаб, тоғ дараси бошланди. Шу ерда, икки улкан қоя ўртасида халтамдан лаънати костюмни чиқардим-да, устига бензин қуйиб ёқиб юбордим. Бир неча лаҳзалардан кейин ўрнида озгина кул қолди, холос.

Аммо оловнинг сўнгги ёлқини чоғида кимдир шундоққина орқамда, қоқ елкамда туриб тантанали хитоб қилди: “Кеч, жуда кеч!” Мен кўрқиб-қалтираб ортимга бурилдим. Ҳеч ким йўқ! Тошдан-тошга сакраб овоз соҳибини тўрт тарафдан қидирдим. Ҳеч ким йўқ. Яланг тошлар.

Бошимдан кечирган кўрқувга қарамай, жуда енгил тортган кўйи водийга тушиб бордим. Ниҳоят, озодман. Ҳамма тортган азоб-уқубатларнинг ҳосиласи сифатида бойман ҳам!

Лекин машинамни ўз жойида тополмадим. Ортимга қайтиб кўрдимки, менинг олиймақом виллам ҳам йўқолибди. Теп-текис ўтлоқзорда икки таёқчага қоқилган эълон тахтаси турибди: “Муниципалитет мулки бўлган ер майдони сотилади”. Вилламдан қолгани шугина, холос. Менинг бутун банк ҳисоб рақамларим ҳам мутлақо тушунарсиз тарзда ёпилиб қолибди. Кўпдан-кўп яширин хазиналаримдаги катта-катта акциялар боғламлари ҳам йўқолибди. Эски қутида эса, фақатгина гард-губор, бошқа ҳеч вақо қолмабди!

Яна ишлашимга тўғри келди. Бироқ энди ишимни амал-тақал удалаяпман. Энг қизиғи шунда эдики, менинг тўсатдан банкрот бўлганим атрофимдаги биронтаям тирик жонни зиғирчаям ҳайратга солмас, мутлақо ажаблантирмас эди.

Лекин мен биламан, яхши биламан, шу билан ҳаммаси туггани йўқ. Эртадир-кечдир эшигим кўнғироғи албатта жиринглайди. Уни очгани бораман ва рўпарамда истехзоли тиржайиб мендан сўнгги тўлов сифатида ҳақини талаб қилиб турган ўша иблис тикувчини кўраман.



Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ

Эй қатра, бўлай десанг дур...

Рубоийлар

* * *

Топмоғу йўқотмоқ тўла йўлдир бунда,
Ҳар орзу-хаёллар майи мўлдир бунда.
Қўлингни тутар қўлини тутсанг кимнинг,
Наф-манфаат асли қўлма-қўлдир, бунда.

* * *

Эй бедор дил, покла табъинг хонасини,
Лоф дафтарининг ўқима афсонасини.
Не фойда ипак тўшақда бедор ётсанг,
Тарк эт бу ипак тўқувчи корхонасини.

* * *

Ҳар дийда агар олмаса ибрат кўрдир,
Ҳар овқат агар бермаса лаззат шўрдир.
Ўзгармаса ҳар кийим кафанга ўшар,
Уй топмаса табдил сира мисли гўрдир.

* * *

Фафлат менга кўп жабру ситамлар этди,
Охират хавфи тарк этди — кетди.
Дедимки, кўзимни очая тавба қилай,
Очгунча кўзимни сўнгги муҳлат етди...

*Форсчадан
Эргаш ОЧИЛ
таржимаси*

Абулмаоний – Маънолар отаси номи билан машҳур бўлган забардаст шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил ёшлигидан турли фанларга қизиқиб, Шайх Камол, Шох Фозил ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан сабоқ олган. Араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал билган. Шарқ халқлари адабиёти ва тасаввуфни чуқур ўрганган. У 120 минг мисрадан ортиқ шеърий ва кўпгина насрий асарлар ёзган. «Чор унсур» («Тўрт унсур»), «Ирфон», «Тилсими ҳайрат» («Ҳайрат тилсими»), «Муҳити аъзам» («Улуғ уммон»), «Тури маърифат» («Маърифат тоғи»), «Ғазалиёт», «Рубоийёт» ва бошқа асарлари машҳур. Бедил ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва унинг бой адабий-фалсафий меросини халққа етказишда Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Шавкат Шукуров, Ҳамиджон Ҳомидий, Нажмиддин Комилов каби олимлар, Фафур Фулом, Назармат, Шоислом Шомухамедов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким каби таржимонлар муайян ишларни амалга оширганлар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

19

* * *

Жисм олами ичра ранги фитрат бошқа,
Эл кибру гурурга масту ҳиммат бошқа.
Тахмину хаёл билан этарлар талқин,
Аслида мажоз бошқа, ҳақиқат бошқа.

* * *

Дарди йўқнинг фаҳми-да ҳар дам кам эмиш,
Бу дардга ўлимдан ўзга малҳам кам эмиш.
Билса бўлади қараб сочу тирноққа:
Қон кам жойда сезгию ҳис ҳам кам эмиш.

* * *

Дунё ишида йўқ сира тартибу низом,
Симоб каби билмас у ҳаловат, ором.
Денгиздиру у мавжи паришонлигимиз,
Бир гавҳари ноёб беғам бунда мудом.

* * *

Бой зотининг фикри мудом хом бўлади,
Ўз кибру гурури ўзига дом бўлади.
Узук кўзидек кўнгли тош бу тоифанинг,
Манглай ажини ўз-ўзига ном бўлади.

* * *

Ҳар қайда агар лутфу карам бўлгайдир,
Дилларга илиқлик ҳамдам бўлгайдир.
Ахлоқ тиламанг тубан табиатлардан,
Совуқ урган гул ҳиди кам бўлгайдир.

* * *

Иззат тиласанг, мумсиклардан уз дил,
Комил кишилар соясида тут манзил.
Ҳеч ким ариғу чашмадан дур топган эмас,
Эй қатра, бўлай десанг дур, уммонга қўшил!

* * *

Эй рофил, мол йиғишда сен афсона,
Бўлма бу қадар ҳирс ўтига парвона.
Молга тўлибон уйинг, эшик ҳалқасидек
Қолма кўчада ўзинг бўлиб ҳайрона.

* * *

Дунёнинг иши ранжу ситам — ўзга нима?
Ишлаб чиқарар қайғу алам — ўзга нима?
Бу дунё мисоли шатранж тахтасидир:
Ҳар хона учун жанг чинакам — ўзга нима?

* * *

Кўрдим бу жаҳонда кимдан ранжу ситам,
Жаҳд этмадим интиқом олишга сира ҳам.
Феълига қараб шеър айтдим ҳар бирининг,
Ҳар гал ўқиганда уни тарқалди алам.

* * *

Йиллар эшигу томимни вайрон кўраман,
Меҳру оқибат қасрини яксон кўраман.
Ҳар тонгда кўзимни уйқудан очганда,
Бир ўзга қиёматни намоён кўраман.

* * *

Ўткинчи жаҳонга сира йўқдир ҳавасим,
Мол, ҳирсу ҳаво бўлмади дому қафасим.
Бор зийнати мен туфайли бу бўстоннинг,
Кўклам хабарини келтиради нафасим.

* * *

Йўқлик тугалиб, то бу жаҳон уйғонди,
Минг нафсу ҳавойи суву нон уйғонди.
Беҳуда эмас кўз очилиши ҳатто,
Кўзга кўшилиб тил ҳам шул он уйғонди.

* * *

Бедил, кечма замон қувончу гамидан,
Осон қийинидану кўпу камидан.
Кир тонг елидек бўлиб ҳаёт гулшанига,
Кетма этагингни силтаб оламидан.

* * *

Бир қанча киши мадрасада жам бўлмиш,
Қайдан бу қадар улар мукаррам бўлмиш?
Шарт нўхта, тўқим, айил эшак бўлмоққа,
Топмасдан уларни, ночор "одам" бўлмиш.

* * *

Мақсад йўлида мудом қароринг сингай,
Ёлғон ваъдалардан дили зоринг сингай.
Кўксингда авайлаган умид шишасини
Ур товлаб тошга то хуморинг сингай.

* * *

Соз бермас овоз тегмас экан то тирноқ,
Дур бўлмаса, ришта ялтирарми ҳеч чоқ?
Шамдек куймай, обрў топиш осонмас,
Қон ютмас экан, бўлмади ёкут порлоқ.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

Бир шоҳ сочу соқолга тамом солди қирон,
Бекор қилди ўзгаси тож кийгани он.
Жундан ўзга нарса кўпу кам бўлган эмас,
Бу икки ҳукм шарофатидан бегумон.

* * *

Дилда ойина бор эди — билмай ўтди,
Акс этди баҳор — наззора қилмай ўтди.
Ғафлат чангу ғуборидан дунёда
Элнинг кўзи бир лаҳза очилмай ўтди.

* * *

Этди қарилик қанча ҳужуму ғорат,
Ҳар аъзодан олди тобу дилдан тоқат.
Дўстлар дийдори бизга бўлди ҳасрат,
Дўстларга эса бизни кўришлик ибрат.

* * *

Номусу ордан кимда бўлса асар,
Давлатдир унга фақирлиги, билсанг агар.
Мард иши эмас заифни поймол этиш,
Тиғ қанча ингичка бўлса, тездир шу қадар.

* * *

Бедил, бизга сафсатабозлик шон эмас,
Шеър мадҳи амиру таърифи султон эмас.
Шундан нима сўз биздан эшитсанг, эй дўст,
Ҳақ барчаси, ҳеч биттаси ҳам ёлғон эмас.

* * *

Ҳарчанд умр хирмани иқболдир,
Ё елга учар эртага, ё поймолдир.
Дондек эзиб ун қилмиш учун бизни фалак
Тегирмон ўзи, ғалвир ўзи - не ҳолдир?!.

* * *

Сен уқбо¹ деганинг сира ҳам уқбо эмас,
Оллоҳга яқин этувчи бир маъво эмас.
Бил, қайдаки гавҳар билан олгин бўлса,
Бу дунё бўлар у, сира у дунё эмас.

* * *

Менинг қўшиғимда олами найранг жо,
Фаҳм этсанг агар, унда ажиб оҳанг жо.
Ўтма сира ғафлатда сўзим сайридан-ей,
Кўклам тонгидек нафасимда ранг жо.

¹У қ б о — охират, у дунё.

* * *

Дард ичрамизу нақди савдо шулдир,
Бир банди хаёлимизу тамошо шулдир.
Ҳар шеър ичига озгина оташ қўшамиз,
Ишқ масжидида биздаги тақво шулдир.

* * *

Ул кунки, вужуд мақоми аъло топди,
Дил пайдо қилиб, рамзи ашё топди.
Тупроқни совутиб, темир қилди уни,
Ойна ясаб сўнгра, тамошо топди.

* * *

Чўзилса узоқ, қувончда худди ғамдир,
Тўй ҳаддидан ошса, охири мотамдир.
Ҳар нарса-да ўз меъёрида бўлгани соз,
Ғарқ этса, сув ҳам душмани одамдир.

* * *

Доғ бўлдию дил, бўлмади асло хуррам,
На фақру на давлатга қизиқди бир дам.
Яъники, узук кўзи каби ер юзида
Биз бор ерда яшолмади хотиржам.



Пауло КОЭЛЬО

Иблис ва Прим хоним

Роман

Бу гал тўйиб ухлаб олишига кўзи етган Шантал уйга келгандигина хатни ўқиб кўрди: Мусофир илк тўқнашган жойларида учрашув белгилаганди, у танҳо ёки қизга қулай бўлса ҳамманинг олдида гаплашиб олиш зарурлигини кўшимча қилган эди.

Шантал нафақат титроққа тушди, балки унинг пайдо бўлганидан хурсанд бўлди. Бу — хавфли инсонларга ёт бўлмиш ўзни йўқотиш хиссининг Мусофирда намоён бўлганидан дарак берарди. Буюк тинчликпарвар Ахав: “Аҳмоқнинг икки тури мавжуд. Бири хавфни сезиб, бошлаган ишини ташлаб қўяди, иккинчиси уни ўзим енголаман деб ўйлайди”, — деган сўзларни такрорлашни яхши кўрган.

Шантал хатни бурда-бурда қилиб ҳожатхонага ташлаб юборди, иссиқ сувда чўмилиб чойшабига ўралиб олди ва жилмайиб қўйди. У хоҳлаган ҳамма нарсага, жумладан, Мусофир билан юзма-юз гаплашиб олиш истагига ҳам эришди. Қиз ғанимини энгмоқчи экан, дастлаб унинг нималарга қодир эканини аниқлаб олиши лозим.

У бир зумда осуда уйқуга кетди.

Бир кечани у Ёвузлик, иккинчисини Эзгулик ва Ёвузлик билан, учинчисини эса фақат Ёвузлик билан ўтказди. Уларнинг ҳеч бири мақсадига эришолмади, чунки улар яқиндагина қиз қалбини забт этиш учун жанг бошлагандилар.

Мусофир келгунига қадар Шантал ёмғирдан ивиб кетди — яна бўрон кўтарилганди.

* * *

— Об-ҳавони қаранг, — деб огоҳлантирди қиз, — худди челақдан қуйгандек. Мен панароқ бир жойни биламан.

У ўрнидан туриб, брезент филофга ўралган узунчоқ бир нарсани олдига сурди.

— Билишимча, бу — қурол, — деди Мусофир.

— Қурол.

— Мени ўлдиришни хоҳлайсанми?

— Эҳтимол. Айнан сизни ўлдиришга ишончим комил бўлмасаям, шундай қилишни хоҳлардим. Лекин қуролни бошқа мақсадда олганман: эҳтимол йўлда “лаънати бўри” дуч келиб қолар, кўрибсизки, уни отиб ташлайман, вискосликлар ичида обрўйим ортади. Кеча тунда бўрининг увиллашини эшитгандим, лекин ҳеч ким менга ишонмади.

— “Лаънати бўри” — бу нима?

Давоми. Боши ўтган сонда.

Шантал ўзига душман деб ҳисоблаган одам билан очиқчасига гаплашиш арзирмикан, дея бир зум ўйланиб қолди. Бу ерда китоб сотиб олиш, пулни зое кетказиш ҳисоблангани учун, Шантал доим меҳмонлар қолдириб кетган китобларни фарқига бормаё ўқиб юрарди. У японларнинг жанговор санъатига оид китобни эслади. Унда рақибни чалғитишнинг энг яхши усули — ўзингни унинг мақсадларига ён босгандай тут, деб ёзилганди.

Шамол ва ёмғир остида йўл босишар экан, Шантал Мусофирга бир воқеани гапириб берди. Бундан икки йил олдин вискослик темирчи ўрмонда сайр қилаётиб бирдан болалаган она бўрига дуч келиб қолади. Одатда бундай вазиятда бўри қочиб қолади. Лекин она бўри болаларини ҳимоя қилиш учун темирчига ташланиб, унинг оёғини тишлаб олади. Касб тақозоси ила девдай кучга эга темирчи бўрининг бошига шундай зарба берадики, оқибатда у болаларини олиб ўрмонда ғойиб бўлади; одамлар уни бошқа кўришмаган, фақат бўрининг чап кулоғида оқ доғи борлиги маълум, холос.

— Нега у “лаънати” номини олган?

— Йиртқич ҳайвонларнинг энг ашаддийси ҳам инсонга биринчи бўлиб ҳамла қилмайди, фақат болаларини ҳимоя қилиш лаҳзалари бундан мустасно. Агар ҳайвон инсон қонининг мазасини билиб олса, у бора-бора одамхўрга айланади. Бизникилар пайти келиб, ўша бўри яна одамга ташланади, деб ўйлайдилар.

“Мен ҳақимда экан”, — деб ўйлади Мусофир.

Шантал ўзининг ёшлиги, бу йўлларни яхши билиши боис ҳамроҳини абгор этиш, ундан руҳан устун бўлиш учун шаҳдам одимлаб юрди. Лекин Мусофир ҳам ортда қолмади, оз-моз ҳаллослаган бўлсада, қиздан секинроқ юришни илтимос қилмади.

Овчилар беркиниб, ўлжани пойлайдиган қапага келдилар, совуқдан кўкариб кетган кўлларини ишқалаб, пуфлаб иситдилар.

— Сизга нима керак ўзи, — деб сўради қиз. — Нега мен билан кўришмоқчи бўлдингиз?

— Сенга бир топишмоқ айтгим келди: ҳаётимизнинг қайси куни ҳеч қачон келмайди? — деди ва жавобини кутмай ўзи гапирди: — Эртанги кун. Сен эртанги кунга ишонсанг керак, йўқса, мен хоҳлаган нарсани ўша кунга қолдирмасдинг. Бугундан дам олиш кунлари бошланади, одамларга менинг гапларимни етказмасанг, бу ишни ўзим қилишга мажбур бўламан.

Шантал қападан чиқиб, хавфсизроқ жойга кетди ва филофни ечиб, ундан қуролни чиқарди. Мусофир бунга парво ҳам қилмади.

— Қани айт-чи менга, — деди Мусофир, — агар олтин воқеасига оид китоб ёзишингга тўғри келиб қолса, наҳотки сен фарзандларини ўқитиб, едириб-ичириш учун кун бўйи терлаб-пишиб меҳнат қиладиган одамлар, турли машаққатлар сабаб тақдирларидан бир неча бор нолиган китобхонларнинг олтинларни ўғирлаб кетишингга хайрихоҳ бўлишади, деб ўйласанг?

— Билмадим, — дея Шантал милтиққа биринчи ўқни жойлади.

— Мен ҳам билмайман. Айнан шундай жавоб керак эди менга.

Энди қўшотарга иккинчи ўқ ҳам жойланганди.

— Бўри ҳақидаги чўпчагинг билан мени чалғитмоқчи бўлган эсангда, аслида мени ер тишлатишга тайёрсан. Ҳечқиси йўқ, зеро, бу қилмишинг саволимга жавоб бўла олади: арзимас пул учун қишлоқи қиз одам ўлдиришдек жиноятга тайёр экан, демак, бутун одамзод Ёвузлик гирдобига фарқ бўлган. Мен жон бераман, лекин менга бир умр азоб берган жавобни олганим учун энди тинчгина кўз юмаман.

— Ушланг, — деб Шантал милтиқни Мусофирга тутқазди. — Бизлар таниш эканимизни ҳеч ким билмайди. Меҳмонхона қайдномасини ёлгон тўлдиргансиз. Истаган пайтда бу ерларни тарк этишингиз, билишимча, дунёнинг исталган бурчагида яшириниб олишингиз мумкин. Нишонга олиш ҳам шарт эмас, шунчаки милтиқни мен томонга йўналтиринг-да, тепкини босинг. Ўқ майда қўргошин бўлакчаларидан қилинган ва айланма ҳаракат билан учади. Бундай ўқ билан йирик ҳайвонларни ўлдиришади, шунингдек, одамларни ҳам. Ўқ баданимни бурда-бурда қилишини кўргингиз келмаса, бошқа томонга ўгирилиб олсангиз ҳам бўлади.

Мусофир милтиқни қизга нишонлаб, бармоғини тепкига қўйди. Шантал овчилардек моҳирлик билан қуролни бошқарганини кўриб, ҳайрон қолди. Шу алфозда иккиси узоқ жим қотди: Шантал Мусофирни бирор ҳайвон ёки қуш қўққисдан хуркитиб юборса, у тепкини ногоҳ босиб юборишини биларди.

Шунда қиз қалб истаги уни нақадар болаларча ҳаракат қилишга ундаганини, Мусофирнинг бировлар қилишини хоҳлаган жиноятга унинг ўзини мажбур қилмоқчи бўлганини тушуниб етди.

Мусофир эса қизни нишондан қочирмас, ҳатто унинг қўллари ҳам титрамасди. У ўзига шарт қўйган қизнинг ҳаётига нуқта қўйиш ёмон гоё эмаслигига амин эди. Шантал раҳм қилишини сўраб, унга ёлбормоқчи ҳам бўлди, лекин Мусофир олдинроқ милтиқни туширди.

— Сендаги кўркүвни ҳатто жисман ҳис қила бошладим, — деди у милтиқни қизга қайтариб бераркан. — Мен юзларингдан томаётган тернинг ҳидини, гарчи у ёмғир томчиларига аралашиб кетган бўлсам, — сездим; дарахтларни жаҳаннам шовқини билан силкитаётган шамолга қарамай, юрагинг қинидай чиқай деб дукиллаб ураётганини эшитдим.

— Бугун кечқурун сизнинг сўраганингизни бажараман, — деди қиз Мусофирнинг айна ҳақиқатни гапирганига парво қилмагандек, ўзини гўлликка солиб, — қалбингизда Эзгулик ва Ёвузликнинг қай бири устун эканини билмоқчи бўлгандим. Ҳозиргина сизга бир нарсани англатдим: сизга бўлган ҳис-туйғуларим бор-йўқлигига қарамай тепкини босишингиз мумкин эди. Лекин бундай қилмадингиз. Биласизми, нега? Чунки кўрқдингиз. Қалбингизни қийнаётган ички низолар учун бировдан фойдаланишни биласиз, лекин ўзингиз уларни ҳал этишга ожизсиз.

— Бир немис файласуфи шундай деган экан: “Ҳатто Худонинг ҳам ўз жаҳаннами бор, бу унинг инсонларга бўлган Муҳаббатидир”. Йўқ Шантал, мен кўрқоқлик қилганим йўқ. Мен шундай қуролларни ишлаб чиқиб дунёга сотганманки, уларнинг олдида ушбу милтиғинг битта ўйинчоқдир. Барча ишни қонуний — ҳукумат руҳсати, экспорт ва бошқа солиқларни тўлаган ҳолда амалга оширганман. Севган аёлимга уйланиб, шириндан-шақар иккита қиз кўрганман, ҳаётда менга тегишли нарсаларни талаб қилиб, ундира олганман.

Доимо қисматидан нолиб юрувчи сенга қарши ўлароқ, мен эртанги кунга интилиб яшаганман, қарши минглаб кучлар билан қурашганман. Бир жангда ютқазсам, иккинчисида, албатта, ютардим, зеро, инсон қисматида ғолиблик ва мағлубият ажралмас бутунлик эканини тушунганман. Фақат кўрқоқларнинг қисмати бундан мустасно, чунки улар ғолиб ҳам бўлмайдилар, мағлуб ҳам.

Бир қанча китоблар ўқиганман, черковга бориб турардим, Худодан кўрқардим, унинг амрига итоат қилардим. Катта бир ташкилот-

нинг улкан маошга эга раҳбари эдим. Ҳар бир қурол савдосидан ўз улушимни олардим, аёлим, болаларим, набираларимнинг фаровон кун кечириши учун етарли маблағга эга эдим, зеро, дунёдаги энг сердаромад бизнес — бу қурол савдосидир.

Мен хорижга жўнатилаётган ҳар бир молнинг нақадар муҳимлигини билганим боис уларни ўзим назорат қилардим; қонунбузарликка йўл қўйган айрим ходимларимни ишдан ҳайдаб, ноқонуний савдога чек қўйганман. Менинг қуролим жамиятдаги тартибни сақлаб туриш учун зарур, деб ўйлардим, чунки бусиз тараққиёт ва бунёдкорлик бўлмайди.

Мусофир қизга яқин келиб, унинг елкасидан қучди: у Шанталнинг кўзларида ҳақиқатнигина кўришни истарди.

— Эҳтимол, сен курраи заминда қурол савдогарларидек ёмон инсонлар бўлмаса керак, деб ўйларсан? Балки бу ҳақиқатдир. Лекин гап шундаки, ибтидоий даврда ғорларда яшаган аждодларимиз ҳам қурол ишлатганлар — дастлаб қорин тўйғазиш, кейин эса бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш учун. Одамлар деҳқончилик, чорвачилик, дин ва мусиқа пайдо бўлгунига қадар ҳам уларсиз яшаган, лекин қуролсиз бир кун ҳам яшашмаган.

У ердан тошни олди.

— Мана она табиат бизларга икром қилган биринчи қурол, аждодларимиз илк бор ундан йиртқич ҳайвонлардан ўзларини асраш учун фойдаланганлар. Мана шу қурол сен ва мени дунёга келишимизга дахлдор авлодлар ҳалқасининг бошида турган аждодимизни ўлимдан асраб қолган. У бўлмаганда гўштхўр ҳайвонлар аждодимизни, унга қўшиб миллионлаб одамларни ямлаб ютган бўларди.

Шамол кучаяр, ёмғир иккаласининг юзини томчилари билан юварди. Лекин Шантал ва Мусофир бир-бирларидан кўзларини узмай тик турардилар.

— Кўпчилик овчиларни ёмон кўриши, лекин Вискос улар ҳисобидангина кун кўриши, айримлар буқалар жангини ёқтирмаслиги, лекин корридан сўнг буқалар “шарафли” ўлгани учун уларнинг гўштини харид қилишади. Баъзи одамлар қуролсозларни ёмон кўрадилар — лекин ер юзида бирорта қуролланган одам қолмагунча уларга бўлган эҳтиёж сўнмайди. Зеро, битгаси қуролланган бўлса, албатта иккинчисида ҳам қурол бўлиши шарт, йўқса, мувозанат хавфли томонга оғиб кетади.

— Вискосга бунинг нима дахли бор?! — сўради Шантал, — Илоҳий қонунларни бузиш, жиноят, ўғрилик, инсон табиатининг моҳияти — буларнинг сиз айтган нарсаларга нима дахли бор? Эзгулик ва Ёвузликнинг-чи?

Бирдан Мусофирнинг нигоҳини зафаронлик қамради, кўзларида чуқур қайғу пайдо бўлди.

— Дастлаб сенга айтган гапларимни эсла: мен доим қонун юзасидан фаолият олиб борганман ва ўзимни одамлар таъбири билан айтганда “интизомли, покиза инсон” деб ҳисоблардим.

Кунларнинг бирида телефон жиринглади. Гўшақдан ҳеч бир ҳиссиётга дахлсиз, майин аёл овози эшитилди. У мени террорчилар номидан хотиним ва қизалоқларим ўғирланганидан хабардор қилди. Оилам эвазига улар мен эгалик қилган кўпгина қуролларни ва ушбу суҳбатни сир тутишимни талаб қилишди. Борди-ю, талабини қондирсам, оила аъзоларимга зиён етмаслигига ваъда бердилар.

Нотаниш аёл ярим соатдан сўнг вокзалдаги телефон автоматдан кўнғироқ кутишимни айтганча гўшақни қўйди. Шунингдек, у хоти-

ним ва қизларимни ҳеч ким хафа қилмаслигини айтиб хавотирлан-маслигимни, электрон почта орқали хориждаги филиалларимиздан бирига фармойиш жўнатишимни қўшимча қилди. Адолат ҳаққи-ҳурмати шуни айтаманки, гап гарчи ноқонуний қурол савдоси ҳақида борсаям, агар бу ишни амалга оширган тақдиримда мен ишлаётган компанияда бунини ҳеч ким сезмай қолиши ҳам мумкин эди.

Аввало қонунга итоат қилувчи ва унинг паноҳини кўзлаган инсон каби полиция маҳкамасини бу воқеадан хабардор қилдим. Мана шу ондан бошлаб, мен ўзи қарор қилиб, унга ўзи шахсан жавоб берадиган журъатли одам эмас, оиласиниям ҳимоя қилолмайдиган арзимас бир шахсга айландим ва атрофим нотаниш кимсалар билан музокаралар олиб борилажак тинимсиз телефон қўнғироқларига қалашиб кетди.

Мен айтилган телефон хонасига кирганимда, қаердан қўнғироқ қилинаётганини аниқлаш мақсадида замонавий аллабало жиҳозлар билан қуролланган бир талай мутахассислар ер ости телефон кабелига уландилар. Керакли манзилга етиб бориш учун вертолёт, машиналар, тиш-тирноғигача қуролланган махсус зобитлар шай турардилар.

Бир-биридан олисда ва турли қитъаларда жойлашган давлатлар ҳукуматлари воқеадан хабардор бўлиб, террорчилар билан бирон-бир музокара олиб борилишини тақиқладилар; мендан буйруқни бажариш, мутахассислар уқтиргандек ўзимни тутиш ва керакли гапларни айтиш талаб қилинганди.

Оқшомда асирлар сақланаётган уй ишғол қилинди, улкан сиёсий ташкилотларнинг майда зарралари бўлмиш тажрибасиз ўғрилар — иккита йигит ва бир қиз ўқдан илма-тешик бўлиб кетганди. Лекин бунга қадар жинойтчилар хотиним ва қизларимни ўлдиришга улгуришганди. Яратганнинг яратмишига боғлиқ ўз дўзахи бор экан, оддий одам учун жаҳаннам бир қадам — бу унинг оиласига бўлган муҳаббатидир.

Афтидан, Мусофир ҳаяжонини ошкор этмаслик учун жим қотди. Ўзини бироз қўлга олгач, ҳикоясини давом эттирди:

— Полициячилар ҳам, террорчилар ҳам менинг фирмам қуроллари-дан фойдалангандилар. Заводларимда ишлаб чиқилган қурооллар қай тахлит террорчилар қўлига тушиб қолганини ҳеч ким билмасди. Алқисса, бунинг зиғирча аҳамияти йўқ, муҳими, қурол уларга етиб борганди. Ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ қонунларнинг бирор ҳарфини бузмасликка ҳаракат қилганим билан ҳам, балки кошона ҳамда ресторанларда овқат маҳали об-ҳаво ва сиёсатдан гап сотиб пуллаган қуроолларимдан хотиним ва ширин қизалоқларим нобуд бўлди...

У яна жим бўлди, энди гап бошлаганда Шанталнинг қаршисида аввалги Мусофирдан кескин фарқ қилувчи бошқа одам намоён бўлгандек эди.

— Мен қурол ва ўқ-дориларни яхши тушунганим сабаб, террорчилар оиламни қандай отиб ўлдирганини ҳам тасаввур қила оламан.

Ўқнинг учи сенинг жимжилоғингдан ҳам кичкина бўлади. У суякка теккач, тўртга бўлинади ва ўз йўлида дуч келган — буйрак, юрак, ўпка — ҳаммасини аёвсиз янчиб боради. Каттиқроқ жисм, дейлик, суякка теккан қўрғошин бўлаклари ички аъзо ва тўқималарни парчалаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартиради. Бу жараён уларнинг инсон баданидан ташқарига йўл топгунларига қадар давом этади. Танадан очилган ўша тўртга дарчанинг катталиги менинг муштимдай келади ва ўқнинг кучи шу даражада бўладики, оқибатда инсоннинг ички аъзолари, мускул парчалари, мажақланган суяклари хонанинг ҳар тарафига сачраб кетади.

Бу икки сонияга қолмай юз беради: икки сония оздек туюлиши мумкин, лекин ажалнинг ўз вақт ҳисоби мавжуд. Мени тушунаётган бўлсанг керак, деб ўйлайман.

Шантал бош силкиди.

— Ўтган йилнинг охирида хизматдан кетдим. Тўрт томоним — қибла, дея дунё кездим, наҳотки инсон шундай ёвузликка қодир бўлса, деган саволлар билан ич-этимни еб, танҳоликда қон-қон йиғладим.

Бу дунёни тираб турган энг муҳим устун — яқинларга бўлган ишонч туйғусидан маҳрум бўлдим. Мен фақат Эзгулик ва Ёвузлик кўлидаги арзимас бир қурол эканимни ваҳший йўл билан менга исбот қилиб берган Тангрининг бу қароматидан ҳам кулардим, ҳам йиғлардим.

Бора-бора раҳм-шафқат туйғусидан мосуво бўлдим, юрагим ириб-чириди, менга яшашнинг ҳам, ўлишнинг ҳам ҳеч қандай мазмун: моҳияти қолмади. Лекин ўлишдан аввал оиламни тутқинликда ушлаб туришган жойда айнан нима содир бўлганини англашим зарур.

Нафрат ёки севги ҳисси билан одам ўлдиришларини тушунаман, лекин ҳеч бир сабабсиз, фақат келишув амалга ошмагани боис, бегуноҳ одамларни қурбон қилишларини тушунолмайман.

Эҳтимол, фикру ёдим сенга кулгили туюлар, ахир ҳар қуни одамлар пул учун бир-бирларини ўлдирадилар, лекин бунинг менга қизиғи йўқ: мен фақат хотиним ва қизларимни ўйлайман. Ўша террорчиларнинг хаёлидан нималар кечганини билишни хоҳлайман. Бир сония бўлсин уларнинг қалбида ачиниш пайдо бўлиб, ахир хотиним ва қизалоқларим билан жанг қилишмаётганларини тушуниб, уларни қўйиб юборсакмикан, деган тараддуд пайдо бўлганми-йўқми, шуларни билишни истайман.

Эзгулик ва Ёвузлик жангида атиги сониянинг ўндан бир қисмида Эзгулик устун келганмикан, шуларни билишни истардим.

— Нега Вискос, менинг шаҳримни танладингиз?

— Дунёда ҳеч қандай ҳукумат назоратсиз ҳам қурол ишлаб чиқараётган заводларга қарамай, нега оилам айнан мен ишлаб чиқарган қуроллар қурбони бўлди?

Жавоби оддий: тасодиф туфайли.

Менга ҳамма бир-бирини биладиган ва ҳеч ким бировга ёмонликни раво кўрмайдиган чекка бир қишлоқ керак эди. Юртдошларинг берилажак мукофот нима эканини билганларидан сўнг Эзгулик ва Ёвузлик ўртасида жанг бошланади, оилам қурбон бўлган ўша хонадондаги воқеа энди сенинг шаҳрингга содир бўлади.

Чор атрофдан ишғол бўлгани ва енгилганларини билсалар ҳам террорчилар аҳмоқона анъаналарига содиқ қолиш учун одам ўлдирдилар. Сенинг Вискосинг мен маҳрум бўлган нарса — танлаш имкониятига эга бўлади. Ҳамшаҳарларинг гир-атрофдан ёпирилиб келаётган очкўзлик қуршовида қоладилар, уларнинг пешонасига она шаҳрини асраб қолишдек улкан шараф ёзилганига имон келтирадилар ёки уларнинг асирни ўлдириш ёки тирик қолдиришдек қарорни қабул қилишга лаёқати етарли бўлар. Бори шу: мен бошқа одамларнинг ўша қўллари қонга ботган ўсмирлардан фарқли ўлароқ, ўзгача йўл тута олармикан ё йўқ, шуни кўрмоқчиман.

Эсингдами, биринчи учрашувимизда сенга шундай дегандим: “Бир инсон қисмати — бутун инсоният қисматидир”. Бу дунёда раҳм-шафқат бор бўлганида эди, тақдир менинг бошимни ёргани билан бошқаларникини силаши мумкинлигини тушуниб етган бўлардим. Лекин бу туйғуларимни ўзгартиролмайди, оиламни ҳам қайтариб беролмай-

ди, бироқ шунга қарамасдан қадамма-қадам мени таъқиб этаётган Шайтонни йироққа ҳайдаган бўлардим. Режамни синаб кўрмоқчиман.

— Ўғирликка қодирманми ё йўқ, нега буни билмоқчи бўлдингиз?

— Сабаби — оддий. Эҳтимол, сен жиноятни оғир ва арзимас қисмларга бўларсан. Лекин аслида бундай эмас. Ишончим комилки, ўша террорчилар ҳам шу тарзда дунёни иккига бўлишган: улар одамларни ҳузур, муҳаббат, нафрат ёки пул учун эмас, ўзлари ишонган шарафли иш учун ўлдираётганларини билганлар. Борди-ю, сен олтинни ўғирлаганингда эди, аввало бу жиноятни ўзингга, кейин менга тушунтириб беришингга тўғри келарди ва шунда мен учун азиз бўлган инсонлар қатлидан қотиллар ўзларини қандай қилиб оқлаганларини тушуниб етардим. Балки сен неча йиллардан бери бўлиб ўтган мудҳиш воқеа сабабларини тушунишга интилаётганимни англагандирсан. Топган жавобим қалбимга таскинлик берармикан, буни билмайман, шунингдек, бу жардан чиқишнинг бошқа йўлини ҳам кўрмайпман.

— Олтинни ўғирлаганимда мени бошқа кўрмасдингиз.

Ярим соатдан бери давом этаётган суҳбат давомида биринчи бор Мусофир жилмайди:

— Қуроллар билан ишлаганимни, демакки, иш фаолиятимга маҳсус хизматлар кирганини унутма.

Мусофир Шанталдан дарёгача кузатиб қўйишни сўради, йўқса, адашиб қолишини айтди. Қиз кейинги пайтлар асаблари таранглашганини ов тинчлантирар деган баҳонада танишидан олган қўшотар милтиқни яна брезент гилофга солди, кейин икковлон пастликка қараб юрдилар.

Йўл давомида иккиси ҳам чурқ этмади, дарё ёқасида Мусофир хайрлашди:

— Нега бу ишни пайсалга солаётганингни тушунаман, лекин ортиқ кутолмайман. Шунингдек, ўзингни енгиланг учун мени яхши билишинг керак эди. Энди мени яхши биласан.

Мен — Иблис ҳамроҳлигида Ер юзида тентираб юрган одамман. Ундан қутулиш ёки унга қул бўлиш учун айрим саволларга жавоб топмоғим даркор.

Жума оқшомида барда ўтирганлар санчқи билан чертилган қадаҳ товуши томонга ўтирилдилар. Шантал Прим хоним ҳамманинг жим бўлишини сўради.

* * *

Бир зумда ҳаммаёқ жимжит бўлди. Мижозларга хизмат қилувчи оддийгина қизнинг бундай қилиқни ўзига эп кўриши ҳали Вискос тарихида содир бўлмаганди.

“Эй Худойим, ишқилиб, бирор муҳим гапни гапирсин, — деб хавотирга тушди соҳиба аёл, — гарчи бу қизга гамхўрлик қиламан, деб энасига ваъда берган бўлсам ҳам бугуннинг ўзидаёқ паттасини қўлига бераман”.

— Менга қулоқ солинлар, — деб гапини бошлади Шантал ва Мусофирга ишора қилди, — дастлаб меҳмонимиздан бўлак ҳамма биладиган бир ҳикояни, кейин, меҳмонимиздан бўлак ҳеч ким билмайдиган бир воқеани айтиб бераман. Гапим сўнггида дам олиш куни ҳордифингизни бузиб тўғри қилдимми ё йўқ — бу қилмишимга ҳукм чиқаришни ўзларингизга ҳавола қиламан.

“Хатарли ишни бошлади бечора қиз, — деб ўйлади Руҳоний, — у биз билмагани қаерданам биларди. Гарчи унинг ночор, ўксик етим

қизлигига қарамай, бу қилмишидан сўнг хўжайинидан уни ишдан бўшатмасликка қўндириш мушкул кечадиган бўлди ”.

Илло, унчалик қийин бўлмас, дея ўйлашда давом этди Руҳоний. Ҳаммамиз осий бандамиз. Соҳиба икки, уч кун хафа бўладида, кейин қизни кечиради. Бутун Вискосни қидирсанг ҳам бу ерда ишлашга рози одамни тополмайсан. Бу иш ёшларники, ёшлар эса шаҳарда қолмаган.

– Шаҳримизнинг бор-йўғи учта кўчаси, Хоч ўрнатилган майдончаси, қабристонга элтувчи бир неча вайрона уй ва черкови бор, – деб гапини бошлади Шантал.

– Бир дақиқа! – Мусофир қизнинг гапини бўлди. У чўнтагидан диктофонни чиқариб, қизнинг олдига қўйди, – мени Вискосга алоқадор барча нарса қизиқтиради, шунингдек, бирорта сўзингизни ёддан чиқаришни хоҳламайман. Гапларингизни ёзиб олишим сизга халақит бермас, деган умиддаман.

Шантал халал берадимиди-йўқми, буни билмасди, лекин вақтини зое кетказгиси келмади. Бундан бир неча соат муқаддам у ўзининг қўрқувлари билан курашаётганди, энди эса бор журъатини йиғиб гапира бошлади. Агар яна гапини бўлсалар нима бўлади, бу ёлғиз Худога аён эди.

– Вискосда учта кўча, марказига Хоч ўрнатилган майдонча бор, бир неча уйлар вайрон бўлиб кетган, қолганлари ҳозирча бутун, шунингдек, меҳмонхона момифига ўрнатилган почта қутиси ва қабристонга туташган черков мавжуд.

Иккинчи уринишда қиз шаҳарга тўлиқроқ таъриф берди, энди у ҳаяжонланмасди.

– Барчамизга маълум, ҳозирда тартиб-интизомли одамлар истиқомат қилаётган бу шаҳар ўтмишда авлиё Савинийнинг буюк халқпарвар Ахавни иймон йўлига киритгунга қадар ва шундан сўнг уни обод этгунча, дайди, қароқчиларнинг макони бўлган.

Лекин бизнинг хорижлик меҳмонимиз Ахавнинг қандай йўл билан ўз режаларини амалга оширганини билмайди. Мана шу ҳақда гапириб бермоқчиман. У бирор кимсага ўз режаларини тушунтирмаган ва бу борада ҳеч вақо қилмаган, зеро, ҳалолликни – заифлик деб билиб унинг ҳукмини тан олмагувчи инсон табиатини яхши тушунган.

У бошқача йўл тутган – қўшни қишлоқдан бир талай дурадгорларни чақириб, уларга бир лойиҳани беради ва ҳозирда Хоч турган майдонга нимадир қуришни буюради. Ўн кун давомида шаҳар аҳли болғаларнинг тақиллаши, арраларнинг фириллашини эшитиб, дурадгорларнинг ходаларни ташиб, уларни рандалаб, миҳлар қоқаётганига гувоҳ бўладилар. Ва ўн биринчи кун майдон ўртасида усти филофланган улкан бир нарса пайдо бўлади. Унинг тантанали очилиш маросимига Ахав бутун Вискос одамларини чақиради.

У ҳеч қандай нутқ сўзламай шунчаки филофни тортади ва ҳамма майдон ўртасида савлат тўкиб турган – Дорни кўрадилар. Унга асалари мўмиёси суртилган бўлиб, дорга ҳеч қандай қор-ёмғир таъсир қилмасди.

Кўплаб одамларнинг йиғилганидан фойдаланиб, Ахав ўз қонунларини ўқиб эшиттиради: бу қонунлар миришкорларни ҳимоя қилиб, чорвадорларни рағбатлантирар, Вискосда янги дўкон ёки устахона очган одамлар учун мукофотлар ваъда қиларди. Ахав гапининг сўнггида бундан кейин одамлар ё ҳалол меҳнат билан кун кўриши, йўқса, бу ерни тарк этишга мажбур бўлишини таъкидлайди.

Ахав бошқа ҳеч нарса демаган, кейинчалик бирор марта бўлсин бу “қурилма”ни тилга олмаган. Чунки у дўқ-пўписанинг таъсирига ишонмайдиган одамлардан эди.

Тантанадан сўнг одамлар бу ҳодисани шарҳлай бошлайдилар. Кўпчилик руҳоний Ахавни алдаган, агар йўлбошчининг аввалги довжораклигидан асар қолмаган экан, энди уни ўлдириш керак, деган қарорга келадилар ва режалар тузиб, уни амалга ошириш йўлларини ахтардилар. Бироқ улар майдондаги Дорни кўриб беихтиёр “Нега у қурилган?”, “Балки янги қонунларни тан олмаганлар учундир?”, “Кимлар Ахав томонда — кимлар унга қарши?” — каби саволларга чўмганлар.

Дор одамларга қараб турарди, одамлар — Дорга. Секин-аста кўзголончилардаги жасурлик ва қатъият ўрнини кўрқув, даҳшат эгаллай бошлайди, зеро, улар Ахавнинг бир сўзли, жазм қилган ишини охиригача етказишдан тоймайдиган инсон эканини тушуна бордилар. Айрим кимсалар шаҳарни тарк этадилар, бошқалари эса борадиган ери йўқлиги сабаб, ўзларига янги иш топадилар. Эҳтимол, бунга аввало майдонда қаққайиб турган Ўлим қуроли сабаб бўлгандир.

Вақт ўтиб, Вискосда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сура бошлайди. Чегарада жойлашгани сабаб, бу ерда савдо-сотик ишлари гуркираб яшнайтиди, одамлар олий навли жун ва энг сифатли буюдойларни четга сота бошлайдилар.

Дор ўн йил туради. Унинг ёғочига бирор зиён етмаган, фақат вақти-вақти билан одамлар сиртмоқли арқонни янгилаб туришган. Бу Дордан бирор марта фойдаланилмаган, Ахав эса уни ҳеч қачон тилга олмаган. Унинг ёрдамида ҳукмдор жасурликни — кўрқувга, ишонч — шубҳага, норозиликни — ризоликка айлантира олган. Вискосда қонун, тартиб мутлақ ўрнатилгандан сўнг, Ахав Дорни буздириб ташлаб, унинг ўрнига Хоч ўрнатишни буюради.

Шантал жим бўлди. Атрофга чўккан сукунатни фақат Мусофирнинг қарсағи бузди:

— Ажойиб ҳикоя, — деди Мусофир. — Ҳақиқатан Ахав инсон табиатини англашда даҳо бўлган экан: инсонлар жазодан кўрққанлари учунгина қонунга бўйсундилар. Ҳар бир инсоннинг юрагида ўз Дори бор.

— Ана энди, — деди Шантал, — Мусофиримиз илтимосига кўра, майдонда турган Хочни олиб ташлаб, ўрнига бошқа Дорни ўрнатмоқчиман.

— Карлос, — деди ўтирганлардан бири, — меҳмонимизнинг исми Карлос. Одоб юзасидан уни “Мусофир” эмас, ўз исми билан атасанг бўларди.

— Менга унинг исми номаълум. Унинг қайдномадаги маълумотлари ҳам ғирт ёлғон. Эслаб кўринг, у бирор марта кредит картасидан фойдаланмади. Биз унинг қаердан келиб, қаёққа кетаётганини ҳам билмаймиз; аэропортга қилган қўнғироғига келсак, бу чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Одамлар Шанталдан кўзларини узмай ўтирган Мусофирга қарадилар.

— У ҳақиқатни гапирганда сизлар ишонмадингиз, у ростдан ҳам қурол заводида ишлаган, бошидан кўп мусибатларни ўтказган ва ҳаётда меҳрибон ота ҳам, золим ишбилармон ҳам бўлган. Сиз — Вискос одамларига ҳаёт сиз ўйлагандан кўра мураккаброқ ва маънолироқ эканини тушуниш насиб етмаган.

“Ҳайтовур, гапларига изоҳ бермасе бўларди”, деб ўйлади меҳмонхона соҳибаси, бироқ Шантал изоҳ беришга ўтди:

—Тўрт кун аввал у менга ўнга олтин ёмбисини кўрсатди. Бу бойлик яқин ўттиз йил ичида одамларимизнинг фаровон яшаши, шаҳарда муҳим ўзгаришлар қилиш, Вискосда эртами-кеч болакайларнинг кулгилари пайдо бўлиши учун хиёбон қуришга етиши мумкин. У олтинларини кўрсатиб, яна ўрмонга кўмиб қўйди. Қарга кўмганини мен билмайман.

Одамлар яна Мусофирга қарадилар, у қизнинг сўзларини маъқуллаб бош силкиди.

— Бу олтинга Вискосликлар эга бўлишлари мумкин, қачонки, яқин уч кун ичида орамизда кимдир ўлдирилса. Бу ҳодиса юз бермаса, Мусофир олтинларини олиб Вискосни тарк этади.

Учинчи бор йиғилганлар Мусофирга ўгирилдилар, бу гал ҳам у бош силкиб, қизнинг гапларини маъқуллади.

— Бу қиз табиатан яхши ҳикоянавис экан, — деб Мусофир диктофонни ўчирди ва чўнтагига солиб қўйди.

Шантал ўгирилиб, идишларни ювишга киришди.

Гўёки Вискосда вақт тўхтаб қолгандай — ҳеч ким чурқ этмасди. Фақат сувнинг шариллашию, биллур шишанинг мармар тўсиқдан сирпаниши ва олисдаги яланғоч дарахтларни силкитаётган шамолнинг шовқинигина қулоққа чалинади.

Ўртага чўккан қабристон сукунатини шаҳар Ҳокими бўлди.

—Полицияни чақирамиз

— Зўр ташаббус, — деди Мусофир, — мен уларга мана бу ёзув тасмасини бераман, бу ерда фақат “бу қиз табиатан яхши ҳикоянавис экан”, деган сўзларимгина бор.

— Сиздан илтимос, — деди меҳмонхона соҳибаси, — Хонангизга кириб, нарсаларингизни йиғиштиринг-да, зудлик билан шаҳримизни тарк этинг.

— Мен бир ҳафта яшаш учун олдиндан ҳақ тўлаганман ва тўлиқ бир ҳафта тураман, гарчи бунинг учун полиция чақирин зарур бўлсаям.

—Уша ўлдирилажак инсон сиз бўлиб чиқишингиз хаёлингизга келмадимми?

—Албатта, келди. Лекин бунинг менга аҳамияти йўқ. Шунинг биланги, бу ҳолда жиноятни сиз содир қилган бўласиз, ваъда қилинган мукофотни эса фақат тушингизда кўрасиз.

Йиғилганлардан дастлаб ёшлар, кейин катталар аста ўринларидан туриб кета бошладилар.

Барда Шантал ва Мусофиргина қолдилар.

Қиз халтасини олиб, палтосини кийди ва кетаётиб остонада тўхтади:

— Кўп изтироблар чеккансиз, қасос олишни хоҳлайсиз. Юрагингиз тошга айланган, қалбингиз зулмат қаърида. Ҳозир сизни доимо таъқиб қилаётган Иблиснинг қувончи ичига сиғмаётган бўлса, ажабмас. Чунки унинг ўйинини бошлаб бердингиз.

— Илтимосимни бажарганинг учун сенга катта раҳмат, шунингдек, Дор ҳақидаги ажойиб ва ҳақгўй ҳикоянг учун ҳам.

— Ўрмонда айрим саволларга жавоб излаётганингизни айтгандингиз, ўйлаб топган режангиздан аёнки — ёвуз қилмишгина тақдирланажак; агар Вискосда ҳеч ким ўлдирилмаса, у ҳолда эзулик қуруқ мақтовгагина сазовор бўлади. Мақтов билан эса қорин тўймайди, болаларингни боқолмайсан, нураётган шаҳарни ҳам қайта қуролмайсан. Фикри ожизимча, сиз саволингизга жавоб топишни эмас,

Ўзингиз ишонмоқчи бўлган ҳақиқатга исбот изламоқчисиз. Бу ҳақиқатнинг эса маъноси шундай: бу дунё разолат ботқоғига ботиб бўлган.

Мусофирнинг нигоҳи ўзгарди ва буни Шантал сезди.

— Ростдан ҳам дунё ёвузлик, разолат ботқоғига ботиб кетган экан, унда сиз кечирган фожиа ҳам ўринли, — давом этди қиз. — Демак, хотинингиз ва қизларингиз жудолигига сабр қилиш осон кечади. Агар эзгулик устун келса, гарчи бунинг аксини исботлашга уринсангиз-да, у замон ҳаётингиз жаҳаннам ўтида қоврилади.

Биласизми, Тақдир сизни қопқонга туширган, гарчи бунга но-лойиқ бўлсангиз-да. Йўқ, сиз оламни нурафшон бўлишини хоҳламайсиз, сиз фақат унинг зулмат қаърига чўкиб кетганига аниқ-тиниқ амин бўлмоқчисиз.

— Нимага шама қиляпсан? — Мусофирнинг овози ундаги ички ҳаяжонни пардалай олмасди.

— Мен шартингиз талаби адолатли бўлишини истайман. Агар уч кундан сўнг Вискосда ҳеч ким ўлдирилмаса, унда шаҳар ўнта олтин ёмбисига эга бўлади. Токи бу одамларнинг илоҳий қонунларни буз-маганликлари учун мукофот бўлсин!

Мусофир кулиб юборди.

— Мен эса бу лаънати ўйинда иштирок этганим учун битта олтин ёмбисини оламан.

— Мен бу қадар аҳмоқ эмасман. Агар шартингга рози бўлсам, ҳозироқ буни одамларга айтиб берасан.

— Тўғри, бунда таваккал бор. Энамнинг руҳи ва иймоним билан қасам ичаманки — бу ишни қилмайман.

— Бу камлик қилади. Худо қасамингни эшитаётганини, қалбингда эса иймон борлигини ким билади?

— Бундай қилмаслигимни биласиз, чунки ўзим Вискос майдонига яна ўша Дорни тикдим. Айёрлик қилишимни дарҳол фаҳмлайсиз. Айтган тақдиримдаям улар сўзимга ишонмайдилар. Бу “Мана бу олтин сизларга, Мусофир шартига келсак, хоҳланг бажаринг, хоҳланг бажарманг”, дейиш билан баробар. Юртдошларим меҳнат билан кун кўришга кўникканлар. Улар шунчаки осмондан пул ёғишига ишонмайдилар.

Мусофир тамаки тутатди, қадахда қолганини ичиб, ўрнидан турди. Шантал остонада унинг жавобини кутар, ташқаридан изғирин шамол ёпирилиб кирарди.

— Фирромлик бўлмасин, — деди у, — барибир билиб оламан. Инсон табиати борасида билимим Ахавникдан кам эмас.

— Шубҳам йўқ. Демак, “ҳа” демоқчимисиз?

Мусофир бу кеча яна бир бор жимгина бош силкиди, розилигини билдирди.

— Яна бир гап: инсонларнинг олий туйғуларига ҳали ишончингиз тўла сўнмаган, йўқса бунинг аксини исботлаш учун ушбу ўйинни бошламаган бўлардингиз.

Шантал эшикни ёпиб, Вискоснинг бўм-бўш кўчасидан юриб кетди. У ҳиқиллаб йиғлар, кўзёшларини ҳечам тўхтатолмасди. Истакка қарши у ҳам ўйинга аралашиб қолди: атрофни тобора фарқ қилаётган Ёвузликка қарамасдан, бу ўйинда инсонлардаги дину диёнат, меҳр-шафқатга бўлган ишонч учун — ўзини, ўзлигини тикди. Энди у ҳеч қачон бировларга Мусофир билан кечган суҳбатини гапириб бермайди, негаки энди қиз бу беллашувда кимлар голиб келишини билишни истарди.

Кўчада жин ҳам кўринмасди, лекин қиз пардалар тортилган қоронғи деразалардан Вискоснинг ҳар бир одами уни уйигача кузатиб ту-

ришини яхши биларди. Майли, кузатса кузатишсин, барибир улар бундай зулматда унинг йиғлаётганини кўролмайдилар.

Мусофир тунги аёз бир зум бўлса-да ичидаги Шайтон овозини ўчиришини хоҳлаб, хона деразасини очиб ташлади.

* * *

Мусофир кутганидек бундан наф чиқмади, чунки яқиндагина Шантал билан бўлган суҳбатидан Иблис айюҳаннос солгани эшитиларди.

У неча йиллардан бери биринчи бор Иблиснинг бўшашганини, айрим пайтлар вужудини тарк этганини сизди. Лекин Иблис тез орада ҳорғин ҳам, жўшқин ҳам бўлмаган аҳволда қайтиб келарди. У Мусофир миясининг онг ва мантиққа масъул чап яримшарига жойлашиб олганди, бироқ бирор марта бўлсин, итоаткори кўз олдида гавдаланмаганди. Шунинг учун Мусофир ичидаги Иблисни тасаввур қилиб кўрарди, холос. Унинг тасаввурида Иблис минг хил алфозда — ҳали ундоқ, ҳали бундоқ, энг оддийси шохли, думли Шайтондан тортиб — сочлари узун оқбадан қиз қиёфасида намоён бўларди.

Мусофир охир-оқибат уни йигирма ёшдан ошган, тимқора сочли, зулмат ранг шим кийган ва бошига хиёл букилган беретни кийиб олган йигит тимсолида тасаввур қилишни маъқул топди.

У ишлардан бўшаб, биринчи бор оролга борганда Иблиснинг овозини эшитганди. Ушанда у денгиз соҳилида унсиз йиғлар, бор идрок билан ўзини бу изтиробларнинг бир кунмас-бир кун тугашига ишонтирмоқчи бўлганди. Шу дам Мусофир ботаётган қуёшни кўрди — умрида бундан-да гўзал манзарага дуч келмаганди. Унинг қалбида яна алам, ўқинч тўфони кўтарилиб, уни тубсиз жарлик ёқасига келтирди: бундай гўзал манзарани хотини ва қизалоқлари ҳам кўришса бўларди-ку, улар бунга арзийдиган инсонлар эди-ку?!

Мусофир золим тақдир улоқтирган бу тубсиз жарликдан чиқолмаслигини ҳис қилиб, уввос солиб йиғлади.

Шу пайт дўстона овоз унинг ёлғиз эмаслиги, ҳаётида содир бўлган барча воқеалар зоҳирий бир маъно важдан бўлгани, маънонинг моҳияти эса — ҳар ким пешонасига ёзилганини кўришдан иборат экани, инсон ҳар қанча чиранмасин фожиадан қочиб қутулолмаслиги, у қадамма-қадам Ёвузликка элтувчи йўлни ўзгартиролмаслигини уқтирди.

“Эзгулик — мутлоқ йўқ нарса. Яхшилик — бу қўрқувнинг битта кўриниши холос, деган овозни эшитди у, — буларни тушунган инсонга бу дунё фақат Худонинг кўнгилхушлик ўйинчоғи экани аён бўлади”.

Шундан сўнг овоз кимга тегишли экани, овознинг Эгаси бу оламга ҳукмрон бўлиб, фақат угина дунёда нималар содир бўлишига оид барча илмлар соҳиби эканини айтди ва Мусофирни соҳилдаги одамлар қисматида хабардор қила бошлади:

— Болаларининг кийинишига қўмаклашаётган бу ибратли ота котибаси билан дон олишишни хоҳлайди, лекин хотинининг ғазабидан ҳайиқади.

Бу хотин ишлаб, мустақил бўлгиси бор, лекин эридан чўчийди. Мана унинг ўзларини одобли тутаётган болалари, аслида улар жазодан қўрққанлари учун ҳам ўзларини шундай тутишга мажбур қиладилар.

Соябон остида ёлғиз китоб ўқиб ётган ҳув анави қиз ўзини бамайлихотир қилиб кўрсатяпти, лекин у бир умр ёлғиз қолиб кетишдан қўрқади.

Теннис ракеткасини ушлаб олган мана бу йигит эса ота-онасининг ишончини оқдолмасликдан теран хавф сезади.

Бой мижозларга тропик коктейл улашаётган ушбу официант исталган вақтда ишдан бўшатиб юборишларидан қўрқади.

Бу талаба қиз эса, аслида раққоса бўлишни орзу қиларди, лекин кўни-қўшнилариининг ғийбат, миш-мишларидан қўрқиб, адвокат бўлишга тайёрланаяпти.

Ичиш ва чекиш жонига текканидан ташлаганини валдираб юривчи бу оқсоқол, аслида ўлимдан ўлгудек қўрқади.

Мана — денгиз тўлқинлари сувини сачратиб кулишаётган ёш эрхотин — аслида уларни пайти келиб қариб, заиф бўлиб қолишдек овозсиз қўрқув ичларини кемирмоқда.

Мана, ҳамманинг олдида қиммат автомобилени кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган жаноб кимгадир қўлини силкитиб, кулиб турибди, аслида яқин орада содир бўлажак инқироздан юраги така-пука бўлиб ётибди.

Бу эса ўзи ҳам тинмай, ўзгаларга ҳам тинчлик бермайдиган меҳмонхона Эгаси, барчанинг қувноқ ва мамнун бўлиши учун бу жаннатмаконни кўздан кечиряпти — аслида унинг қалбини даҳшат қамраган, чунки қанчалик ҳалол, пок иш юритмасин, агар амалдорлар хоҳлаб қолсалар, унинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида исталганча камчилик ва хатолар топилишини аниқ билади.

Ажойиб соҳил, гўзал оқшом, бу гўзалликдан дил яйрайди, лекин бу ердаги ҳар бир одамнинг дилида қўрқув, даҳшат яширинган: ёлғизлик қўрқуви, жунбушга келган тасаввурдаги Иблисларга тўлиб кетажак зулмат даҳшати, ёзилган ва ёзилмаган одоб қоидаларини бузиб қўйиш қўрқуви, одамлар қарғишидан қўрқиш, хатоингни кечирмайдиган қонунлар олдидаги қўрқув, таваккалчиликдан, бор-бурдиндан ажралиш қўрқуви, бойиб атрофдагилар ҳасадини уйғотиш қўрқуви, севиб-севилмаслик қўрқуви, маошингни оширишларини сўраганиндаги қўрқув, таклифнома олиш, бегона юртларга бориш, чет тилида тушунтиролмаслик, керакли таассурот қолдирилмаслик қўрқувлари, қариш, жон бериш қўрқувлари, камчиликларингни фош бўлиши, иқтидоринг беъътибор қолиб кетиши олдидаги қўрқувлар, яхши фазилат ва нуқсонларинг билан четда қолиб кетиш қўрқуви... — ва бунинг ниҳояси йўқ.

Қўрқув, қўрқув, қўрқув. Ҳаёт фақат қўрқув ва хавф панасида одимлаб боради.

“Булар сени биров бўлса-да тинчлантирар, деган умиддаман, — деган Иблисининг овозини эшитди Мусофир. — Даҳшат исканжасида яшаётган биргина сен эмас — ҳамма шундай яшайди. Бошқалардан фарқинг — сен энг қийин чиғириқдан ўтиб олдинг: ҳаммасидан энг қўрққан нарсанг ҳаётингда юз берди. Йўқотадиганинг қолмади, бошқалар эса доим даҳшатни ҳис қилиб яшайдилар, айримлари буни тушунади, бошқалари эса бунга эътибор қилмайдилар, лекин ҳар бир одам даҳшат ёнгинасида турганини, пайти келиб маҳв этилишини билади”.

Ҳолбуки бунга ишониш қийин бўлса-да, лекин гўё ўзгалар ҳасратидан даъво топаётгандек Мусофир бу гаплардан анча енгил тортди.

Ўша кундан бошлаб Шайтон унинг доимий ҳамроҳига айланди. Бу ҳол икки йил давом этди. Мусофир Иблиснинг бутун вужудини эгаллаб олганидан на хурсанд бўлди, на ғамга чўкди. Янги ҳамроҳига кўникиб бораркан у Иблисдан Ёвузлик табиати ҳақида сўрашга кўп уринди, лекин бирор марта аниқ жавоб ололмади.

“Не сабадан мавжудлигимни англаш бесамардир. Наинки сен тушунишни истар экансан, у ҳолда ўзингга ўзинг айтишинг мумкин: мен маҳзун лаҳзада борлиқни яратишга қарор қилган Худонинг ўзига берган жазосидирман”.

Шайтон ўзи ҳақида гапиришдан қочаркан, Мусофир қиёмат куни ҳақидаги маълумотларни излашга киришди. У деярли барча муқаддас диний китобларда ҳаётлигида жамиятга қарши жиноят қилган кимсаларнинг руҳи “жазо макони”га юборилишини билди. Ҳа, айнан жамиятга, шахсга қарши эмас. Айрим китобларда ёзилишича, инсон танасини тарк этган Руҳ дарёдан ўтади, итга дуч келиб, бир эшикка киради ва у ердан ҳеч қачон қайтиб чиқмайди. Майитни эса қабрга қўмадилар, шунинг учун унинг Руҳи жазоланажак жой — ер остидаги зулмат маскани, деб аталади. Вулқоннинг отилиши одамларнинг ер қаъридаги Мангу оловнинг гуноҳкор руҳларни ямлаётганидан дарак, деб тасаввур қилишга туртки бўлган.

Мусофир арабча китобларнинг бирида охиратдаги азобларнинг ажойиб тафсилотларига дуч келди: инсон вужудини тарк этган Руҳ қилдан ҳам ингичка кўприк устидан ўтишга маҳқум бўлади (бу кўприкнинг қайга бориши китобда ёзилмаган). Унинг ўнг тарафида жаннат, чап томонида эса ер қаърига элтувчи доира йўллар ястаниб ётади. Гуноҳкор ўнг қўлида қилган яхшиликларини, чап қўлида гуноҳларини кўтариб кўприкдан юради. Фоний дунёдаги қайси ишининг юки оғир келса, у шу томонга қулайди.

Исо таълимотларида эса йиғи ва тишлар ғичирлаши эшитилиб турадиган жой тасвирланган.

Мусовийликда эса — маълум сондаги руҳларни сиғдира оладиган ер ости гори ҳақида ёзилган. Дўзах тўлиб кетган кун — қиёмат бошланади.

Ислом дини жаҳаннамни гуноҳкорлар жазоланадиган оловли жой, деб таърифлайди.

Ҳиндларда жаҳаннам мангу азоб маскани бўлмайди. Бу дин вакиллари маълум вақтдан сўнг инсон Руҳи қилган гуноҳларини ювиш учун ўша ерда, яъни ер юзида қайтадан туғилишига ишонадилар. Шунга қарамасдан, улар динида нариги дунёнинг 21 хил азоблари тасвирланган, уларнинг ҳар бирига “ер ости ўлкаси” деб аталувчи маълум жойлар бириктирилган.

Буддавийликда ҳам у дунёдаги азоблар турларга бўлинган: унда саккизта олов ва саккизта муз жаҳаннам мавжуд, бундан ташқари гуноҳкор учун на совуқ, на иссиқни сезадиган, аммо мангу очлик ва ташналикка маҳқум этиладиган макон борлиги айтиб ўтилган.

Бироқ ихтирода ҳеч бири хитойликларга тенг келолмайдилар: улар жаҳаннамни ер остида деб ўйлаганларга қарши ўлароқ, гуноҳкор бандаларнинг руҳи Кичик Темир Қўрғон деб аталувчи тоққа равона бўлишини ёзадилар. У ер эса Катта Темир Қўрғон билан ўралган бўлади. Уларнинг ўртасида саккизта дўзах жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўн олтига кичик дўзахларни бошқаради, ўз навбатида ҳар бир кичик дўзахнинг қўл остида ўн миллион дўзах мавжуд бўлади. Шунингдек, хитойликлар беҳисоб инс-жинслар тўдаси жазосини ўтаб бўлган гуноҳкорлардан ташкил топишига ишонадилар.

Хуллас, Ёвузликни ўзларида синаб кўриб, уларни бировга соқит қилиш орқали мангу жазо ҳалқасини яратган хитойликларгина Иблисининг келиб чиқиши ва табиатини ишончли ифодалаб берганлар.

“Балки менда ҳам шу жараён кетаётгандир”, деди Мусофир ўзига-ўзи Шанталнинг сўзларини хотирлар экан. Унинг гапини Иблис

эшитиб қолди, не азоблар эвазига ишғол қилган ҳудудининг бир қисмидан жудо бўлганини англади. Бой берилган вужуд қисмини қайтаришнинг битта йўли қолган — у ҳам бўлса Мусофир қалбида шубҳа пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим.

“Ҳа, сен шубҳадасан, — деди Иблис, — лекин барибир кўркув қолади. Дор ҳақидаги ҳикоя яхши, у ҳаммасини тушунтириб беради: кўркув бор эканки, одамлар эзгуликка қодирлар, лекин улар табиатан ёвузликка мойил ва уларнинг ҳаммаси — менинг зурриёдларим”.

Мусофир совуқдан титрар, бироқ ойнани ёпишга журъат қилолмади.

—Эй Худойим, берган азобингга лойиқ гуноҳ қилмагандим, гарчи бу савдони менга маъқул кўрибсан, у ҳолда мен ҳам уни бошқаларга раво кўришим мумкин. Бу адолатдан бўлади.

Иблис кўрқиб кетди, лекин жим бўлди, чунки ўзининг ҳам кўрқаётганини билдиргиси келмади. Унинг итоаткор қули гуноҳга ботиб, ўз қилмишини оқламоқчи бўляпти. Мана икки йилдан бери Иблис биринчи бор Мусофирнинг кўкка илтижо қилганини кўрди.

Бу — ёмон аломат.

Нон ташувчи машинанинг овозини эшитган Шанталнинг хаёлига келган биринчи ўй шу бўлди: “Бу — яхшилик аломати”.

Вискосдаги ҳаёт бир маромда кечарди: одамлар уйларидан чиқиб, нон сотиб оладилар, ҳали олдинда шанба, якшанба кунлари турибди, бу вақт мобайнида улар Мусофирнинг соғлом одам ақлига сифмас таклифини муҳокама қиладилар, душанба кунини келгач, беармон келгиндининг шаҳарни шармандаларча тарк этишини кузатгани тўпланадилар.

Ана шунда Шантал ҳамшаҳарларига Мусофир билан қандай баҳс бойлагани ва ютиб чиққанини гапириб беради. Қиз бу жангда одамларнинг ғолиб чиқиб, бойиб кетганларини маълум қилади.

Йўқ, албатта, одамлар уни Савиний каби авлиёлар қаторига киритишмайди, лекин ўн йиллар давомида қизнинг шаҳарни Ёвузликнинг иккинчи ҳамласидан халос қилган инсон сифатида эслайдилар; эҳтимол, одамлар у ҳақда афсоналар тўқиб, болаларига айтиб беришар — бор экан-да йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, Вискос деган шаҳарда Шантал исмли бир қиз яшаган экан. У одобли, хушрўй бўлиб, Вискосни тарк этган ёшлардан фақат угина тақдирига битилган Эзгу ишларни амалга ошириш учун шу жойда қолган экан.

Қари кампирлар унинг руҳини шод қилиш мақсадида шамлар ёқишади, бўй йигитлар эса бу қаҳрамон қизни кўролмаганларидан ҳасрат доғида қовриладилар.

Қалби ғурурга тўлган Шантал бирдан ўзига тегишли олтин ҳақида бировларга гуллаб қўймаслиги зарурлигини эслади, йўқса одамлар бу бойликни бўлишмасанг, сени авлиё атаб бўлмайди, дея уни кўндиришлари мумкин.

Нима бўлгандаям қиз Мусофирнинг иймонини сақлаб қолишига ёрдам беради, албатта бунини у дунёда сўроқ пайти яратган Тангри инобатга олади.

Шантални Мусофир тақдири унчалик ҳам қизиқтирмасди ва мана шу икки куннинг тезроқ ўтишини орзу қилди, чунки унинг сир сақлашдан тоқати тоқ бўлаётганди.

Вискос аҳли бошқа шаҳарликлардан кам ҳам эмасди, ортиқ ҳам, бироқ қиз бир нарсага муғлоқ ишонарди — қотиллик қилиш уларнинг қўлидан келмайди.

Олтин ҳақидаги гаплардан ҳамма хабардор бир пайтда ҳеч ким ўзбошимча ташаббус кўрсатолмайди; биринчидан мукофот барчага

тенг тақсимланади, Шантал эса бировнинг улушини ўзлаштиришга журъат қиладиган бирорта кимсани билмайди, иккинчидан, агар одамлар қотилликка жазм қилсалар, бунга Шантал бир сония ҳам ишонмайди, у ҳолда қотилликда Вискоснинг ҳар бир одами иштирок этиши лозим, албатта танланган қурбон бундан мустасно бўлади. Агар бунга биргина одам қарши бўлса, ҳеч ким қолмаган тақдирда бу одам унинг ўзи бўлади, — Вискосликларнинг ҳаммаси қотилликда айбланиб, қамоққа олинадилар. Қамоқда бадавлат бўлгандан кўра, эркинликда қашшоқ ва ҳақсўз бўлган афзал.

Зинадан тушаётиб қиз ҳатто учта кўчаси бор шаҳар ҳокимлигига ўтказилган сайлов ҳам жўшқин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, одамларни турли фирқаларга бўлиб ташлаганини эслади. Шаҳарнинг куйи қисмида болалар хиёбонини қуриш ғояси пайдо бўлганда одамлар шундай тортишиб кетдиларки, оқибатда қурилиш бошланмасидан тўхтаб қолди, — айримлар Вискосда болаларнинг ўзи йўқлигини рўкач қилса, бошқалари хиёбон қурилгач, таътилга келган ёш ота-оналар буни кўриб, болаларини ота юртига қайтариб кела бошлайдилар, деб ҳисоблашган.

Бу ерда исталган мавзуда баҳс бошланиб кетиши мумкин — нон сифати, қушларни отишга рухсат берадиган лицензияларнинг нархи қанча бўлиши, лаънати бўри борми-йўқми, кампиршо Бертанинг ғалати одатлари, Шантал Примнинг айрим меҳмонлар билан алоқаси Тўғри, бу борада қизнинг ўзига гапиришга ҳеч кимнинг юраги довламади.

Шантал умрида биринчи бор Вискосда энг муҳим мавқени эгаллаган одамдек нон машинасининг олдига келди. Бугунга қадар у ҳимоясиз қолган етим қиз, официант ва фаррош, жуфтини излаётган арзимас кимса бўлиб келганди.

Икки кун ўтсин — ҳамма унинг оёғини ўпади, ундаги сахийлик ва олийҳимматликни олқишлайдилар, ким билсин, балки келаётган шаҳар ҳокимлигига ўтказиладиган сайловда унинг номзодини қўрса-тишар.

Фургон олдига йиғилган одамлар жимгина нон сотиб олардилар. Ҳамма Шанталга қаради, лекин ҳеч ким чурқ демади.

— Вискосингизга нима бўлди, ахир, — деди ҳайдовчи, — биров ўлиб қолдимми?

— Йўқ, — деди нонга келган Темирчи, гарчи шанба куни узоқроқ мизғиб олиши мумкин бўлсаям, эрта турганди. — Шунчаки ичимизда кимдир ўзини ёмон тутяпти ва бу бизни хавотирга соляпти.

Шантал нима бўлаётгани тушунмай турарди.

— Нега қаққайиб турибсан, керагини олсанг-чи, — қиз кимнинг-дир овозини эшитди, — ҳайдовчи шошилиб турибди.

Қиз тезда пулни узатиб, нонни олди. Фургон ҳайдовчиси нима бўлаётганини тушунмай елка қисиб қўйди, қизга қайтимини бергач, жўнаб қетди.

— Ана энди сизлардан сўрайман: Вискосингизда нималар бўляпти, ўзи, — деди қиз одоб изн бермаган оҳангда бақириб.

— Нималар бўлаётганини ўзинг яхши биласан, — деди Темирчи. — Пул учун бизларни жиноят қилишга тақаяпсан.

— Сизларни ҳеч қаёққа тақаетганим йўқ! Мен фақат Мусофир сўраган нарсани қилдим. Нима бало — ҳаммангиз ақлдан озган-мисизлар?!

— Кўриниб турибдики, ақлдан озган — сенсан. Бу телбанинг топшириғини бажаришга қандай ҳақдинг сиғди? Бунинг сенга нима ке-

раги бор? Бундан нима ютдинг? Шаҳримиз Ахав гувоҳ бўлган жаҳаннамга айланишини хоҳлайсанми? Сен ор-номусингни йўқотибсан!

Шантал қалтирарди.

— Йўқ, кўриб турибманки, ҳаммангиз ақлдан озибсизлар! Наҳотки, ичингизда кимдир бу баҳсни жиддий қабул қилган бўлса?!

— Қизни холи қолдиринглар, — деди меҳмонхона соҳибаси, — нонуштага қаҳва дамлашимиз керак.

Одамлар аста-секин тарқадилар. Шантал нонни кучоқлаганча дағ-дағ титрар, ўрндан жилишга ҳам мажоли қолмаганди. Турли сабаблардан доимо тортишиб юрадиган ҳамшаҳарлари бугун биринчи бор уни айбдор санаб, битта қарорга келдилар! На Мусофир ва на баҳс, йўқ, фақат Шанталгина уларни жиноятга тақаббатган эмиш. Балки, дунё ақлдан озгандир?!

Қиз нонни эшигининг тагида қолдириб, шаҳарни тарк этганча тоғлар томон йўл олди. Унинг на егиси, на ичгиси келарди. Ҳеч нарсани хоҳламасди. Бирдан муҳим нарсани англаб етди ва англагани юрагини даҳшат, саросимага тўлдирди.

Нон сотувчисига ҳеч ким ҳеч нарса демаганди.

Бундай воқеани ажабланиб ёки қулиб муҳокама қилсаям бўларди, лекин нон ташувчи Вискосда нима бўлаётганидан беҳабар қолди. Гарчи барда бўлиб ўтган гаплардан ҳамма хабардор эса-да, бугун одамлар илк бор бир ёқадан бош чиқариб, уни ётлардан сир тутишга қарор қилдилар. Улар англамаган ҳолда сукут сақлашга тил бириктирдилар. Эҳтимол уларнинг ҳар бири ақлга сифмас нарсани тасаввур қилиб, имконсиз нарсага имкон қидиргандир.

Берта қизни олдига чақирди. Кампир ўша-ўша шаҳар ҳаётини бе-корчиликдан кузатиб ўтирарди. Кузатувнинг бефойдалиги шунда эдики, тасаввурдагидан ҳам хавфлироқ хатар Вискосга кириб бўлганди.

— Гаплашгим келмаяпти, — деди Шантал, — на ўйлашга, на ҳаракат қилишга, на бирор нарса дейишга мадорим қолган.

— Унда ёнимда ўтиргин-да, қулоқ сол.

Эрталабдан бери қизга дуч келганлар ичида фақат Бертагина уни тушунгандай муомилада бўлди. Қиз ўтирибгина қолмай, кампирни кучоқлади. Бир неча дақиқа улар шу алфозда ўтирдилар, сўнг кампир орадаги сукутни бузди:

— Ўрмонга бориб, соғлом идрок қилиш учун, тинчланиб ол. Ўзинг яхши тушуниб турибсан — гап сенда эмас. Улар буни тушунишади, лекин уларга айбдор керак.

— Бу — Мусофир!

— Иккимиз унинг қандайлигини яхши биламиз. Фақат биз — бошқа ҳеч ким. Одамлар ўзларига нисбатан хоинлик қилинганига ишонини истайдилар, чунки уларга бу ҳақда олдинроқ айтиб беришинг керак эди. Лекин сен уларга ишонмагансан.

— Хоинлик қилинган?

— Худди шундай.

— Нега бунга ишончлари комил?

— Ўзинг бир ўйлаб кўр.

Шантал ўйга чўмди. Уларга барча айбни ағдариш учун бир одам керак, мана шу одам — бўлажак қурбон бўлади.

— Билмадим, бу савдо нима билан тугаркан, — деди кампир, — шаҳримизда тартибли одамлар яшайдилар, лекин сен айтгандек, улар қўрқоқ, шунинг учун маълум вақтгача бу ердан узоқроқ жойларга кетсанг яхши бўларди.

Қария балки ҳазиллашаётгандир — ким ҳам Мусофирнинг таклифига кўнарни. Ҳеч ким. Бундан ташқари Шанталнинг борадиган жойи

ҳам, пули ҳам йўқ. Нега йўқ бўлсин? Ўрмонда уни интиқлик билан кутиб турган олтин-чи? Унинг ёрдамида дунёнинг истаган ерига кетишинг мумкин.

Лекин Шанталнинг бу ҳақда ўйлагиси келмади. Шу пайтнинг ўзида тақдир тақозоси билан тоққа йўл олган Мусофир уларнинг ёнидан ўтиб қолди.

Мусофир уларга яқинлашгач, жимгина бош чайқаб саломлашди-да, йўлида давом этди. Берта диққат билан уни кузатиб ўтирар, Шантал эса саломлашишганини бировлар кўрмадимикан, дея атрофга назар солди. Одамларнинг қиз Мусофир билан тил бириктириб, махфий имо-ишоралар билан гаплашади, дейишларини Шантал хоҳламасди.

— Бугун негадир унинг авзойи бузук, — деди Берта.

— Эҳтимол, ҳазил тариқасида бошлаган ўйини зил кетаётганини англагандир.

— Йўқ, йўқ, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Тушунолмадим... лекин... менимча... ақлимга сиғдирилмаяпман.

“Эрим буни билиши керак”, деб ўйлади кампир чап томонида пайдо бўлган хавотирнинг узоқ туриб қолганини ҳис қиларкан. Лекин ҳозир эрим билан гаплашишнинг мавриди эмас.

— Мен Ахавни эсладим, — деди Берта.

— На Ахав, на бошқасини эшитишни хоҳлайман! Мен фақат бир нарсани — яхшими-ёмонми Вискос битта телба одамнинг режасидан ҳалок бўлишини хоҳламайман.

— Менимча, шаҳримизни қанчалик севишингни ўзинг ҳам билмайсан.

Шантални яна титроқ босди, у кампирни кучоқлаб елкасига бошини қўйди. Берта бефарзанд бўлса-да, Шантални гўё ўз қизидай бошини силади.

— Ахав одамларга жаннат ва дўзах таърифини айтиб берган, бу қисса авлодлардан-авлодларга ўтиб келган, бироқ ҳозирда унут бўлган.

Бир кун ийўлда одам, унинг оти, ити кетиб бораркан. Улар бир улкан дарахт олдидан ўтаётганларида, унга чақмоқ тегиб ёниб кетибди ва қулаб, ўша уч жонзотнинг ҳаётига зомин бўлибди. Бироқ инсон бу дунёни тарк этганини фаҳмламай, от ва ити билан йўлида давом этибди. Баъзида марҳумлар учун рихлатни англашларига бироз вақт керак бўлади.

Берта бирибир эрини ўйларди, у эса қизни ушлаб турмасликни, кампирида муҳим гапи борлигини айтиб безовталанарди. Кампир чолнинг аллақачон ўлиб кетгани, шунинг учун унга бировнинг гапини бўлмаслик кераклигини тушунтириб қўйишнинг вақти келмадимикан, деб ўйлади.

— Улар узоқ йўл юриб, жазирама қуёш ва чанқоқдан азоб чекишибди. Бирдан муюлишда мрамарли кўшк, унинг ортида эса соф олтин билан қопланган майдон пайдо бўлибди. Майдон ўртасидаги фавворадан муздек зилол сувлар оқармиш. Йўловчи у ерни кўриқлаб турган соқчига яқинлашибди.

— Ассалому алайкум.

— Ва алайкум ассалом.

— Бу ажойиб манзилнинг номи нима?

— Бу — Жаннат.

— Жаннатга етиб келганимизга шукр, биз чанқаганмиз.

— Кириб хоҳлаганча сувдан ичишинг мумкин, — дебди соқчи.

— Лекин менинг отим ва итим ҳам чанқоқдан азоб чекишяпти.

— Афсус, — дебди у, — бу ерга ҳайвонларнинг кириши мумкин эмас.

Йўловчи бундан хафа бўлибди, чунки сувсизликдан тинкаси қуриган, лекин бир ўзи чанқоғини қондиришни хоҳламай, соқчига раҳмат айтиб, йўлида давом этибди. Улар қир ёқалаб узоқ йўл юришибди ва барчасининг мадори қурибди. Шунда бахтига эски ёғочли деворлар билан ўралган бир қишлоқ пайдо бўлибди. Девор ортидан икки четига дарахтлар экилган бир йўл ястаниб ётармиш. Дарахт соясида бир одам ухлаб ёткан экан.

— Салом, — дебди йўловчи.

Нотаниш жимгина бош силкибди.

— Мен, отим, итим — ҳаммамизнинг чанқоқдан мадоримиз қуриган.

— Хув, анави тошлар ортида чашма бор, тўйгунингизча ичиб олинглар.

Йўловчи, от ва ит тўйгунларича сувдан ичибдилар. Йўловчи миннатдорчилик билдириш учун ҳалиги одам олдига келибди.

— Хоҳлаганингизда келиб, сув ичиб кетинг. Биз фақат хурсанд бўламиз, — дебди нотаниш кимса.

— Бу ер қандай номланади?

— Жаннат.

— Жаннат? Мармар Кўшк соқчиси у ерни жаннат деганди.

— Йўқ, у ер жаннат эмас — дўзах.

— Нега уларга жойларини бошқа ном билан аташларига йўл қўйиб беряпсизлар? — деб ҳайрон бўлибди йўловчи. — Ахир бу ёлгон одамларни ҳақ йўлдан адаштириши мумкин—ку?

— Ҳеч қачон. Аслида улар бизларга катта ёрдам қиляптилар, зеро, уларнинг маконида содиқ дўстларига хиёнат қилишга қодир кимсаларгина қолиб кетади.

Бу маконда Эзгулик ва Ёвузлик тинмай олишаётганини сезгандек, Берта қизнинг бошини силарди. У Шанталга ўрмонга бориб, шаҳар қай томонга бориши лозимлигини она Табиатдан сўрашни маслаҳат берди.

— Илло, бу тоғларга туташиб кетган жаннатимиз ҳам содиқ дўстига хиёнат қилишга тайёр турганини юракдан ҳис қилиб турибман.

— Йўқ, Берта, сен янглишяпсан. Сен — бошқа авлод вакилисан, томирингда қачонлардир Вискосни макон қилган зolimларнинг қони бор, менда эса улар аралашиб кетган. Бу ерлик одамларда ғурур бор. Ғурур кетса унинг ўрнини ишончсизлик эгаллайди, ишончсизликдан кейинги манзил — қўрқув бўлади.

— Майлига, мен адашаётган бўлай. Лекин сен айтганимни қил — Табиат овозига қулоқ сол.

Шантал кетганидан сўнг, Берта эрининг арвоғига юзланиб, қиз ақлини пешлаш учун унга маслаҳат бераётган бир пайтда одамнинг гапини бўлиш ёш эмас, кимсан кап-катта оқсоқолга ярашмаслигини айтди, чолидан ўзини босиб олишини сўради.

Кампир ўзини қандай ҳимоя қилишни билади, энди Вискосни асраш вақти келган.

Кампирнинг эри эса эҳтиёт бўлиш зарарлиги, Шанталга кўп маслаҳат бермаслик лозимлигини айтди, чунки бу воқеанинг нима билан тугаши ҳеч кимга маълум эмас.

Ўликлар ҳамма нарсани билишади, деб ўйлаган Берта ҳайрон қолди, ахир эрининг ўзи яқинлашиб келаётган хатардан огоҳлантирган эди—ку? Эҳтимол, чолининг мияси айниб қолгандир, шўрвани фақат битта қошиқда ичишдан бўлак, яна бирор ҳунар чиқарган бўлса, ажабмас.

Чоли эса кампирнинг ўзи қариб қолганини, ўлганларнинг ёши ўзгармаслигини уқтирди. У яна ўзининг тириклар билмайдиган ай-

рим нарсалардан хабардор бўла олишини, бунга бирдан эмас, маълум вақт ўтгандан сўнг — фаришталар қароргоҳига боргандан кейингина муваффақ бўлишини айтди. Шунингдек, марҳум чол ҳаётни тарк этганига эндигина ўн беш йил бўлгани боис, гарчи озмунча наф келтиролса-да, ҳали олдинда кўп нарсаларни ўрганиши, англаши зарурлигини айтиб берди.

Берта фаришталар макони қандай бўлишига қизиқиб қолди. Бунга жавобан эри тентакликни бас қилишни, бор кучни Вискосни асраб қолишга сарфлаш кераклигини уқтирди.

Аслида бу иш чолни кўпам қизиқтирмасди, чунки у аллақачон фоний дунёни тарк этган, бошқа вужудда оламга қайтиш масаласи эса (юқорида бу борада айрим мулоҳазалар юритилган бўлса-да) жиддий муҳокама қилинмаганди. Агар бошқа танда қайта тирилиш (реинкарнация) мумкин бўлганида эди, чол янги ҳаётни бошқа номаълум жойдан бошлашни афзал кўрарди. Шунинг учун у кампирининг қолган умрини тинч ва осуда кечиришини хоҳларди.

“Бундан хавотир олмасанг ҳам бўлади”, деб ўйлади кампир. Лекин эри унинг гапини тушунмади: қоққан қозикдек ўтирмай, ҳаракат қилиш керак, деди. Ёвузлик атиги учта кўча, майдон ва черкови бор кичкина бир шаҳарни мағлуб этса, бундан кейин у кучайиб — бутун водийни, мамлакатни, қитъаларни, денгизларни ва жумлаи жаҳонни забт этиши мумкин.

Вискосда бор-йўғи 281 нафар одам истиқомат қилаётган бўлсаям (уларнинг ичида энг ёши Шантал, энг кексаси Берта ҳисобланади) уларни — сайёҳларнинг келиб-кетишига масъул меҳмонхона Соҳибаси; эътиқод раҳнамоси Руҳоний; овчилик лицензиясини берувчи Ҳоким, ҳоким ва ҳоким қарорлари билан шуғулланувчи ҳокимнинг Хотини; лаънати бўри ҳамласидан омон қолган Темирчи ва ниҳоят шаҳар атрофидаги катта ернинг Эгасидан иборат беш киши бошқарарди. Айнан ер Эгаси болалар хиёбони қурилишига қарши чиққанди, чунки у яқин келажакда Вискос яна жонланиши, кенгайиши мумкинлиги сабаб, ўша ерга дангиллама уй қуриш ниятида эди.

* * *

Вискоснинг қолган аҳолисини шаҳарда нималар содир бўляпти-бўлмапти, булар кам қизиқтирар, улар туну кун ўзларининг қўйларни, бугдойи, оиласини боқиш билан овора эдилар. Улар аҳён-аҳёнда бирга овқатланишар, қонунларга бўйсунушарди, темирчига ўроқ ва чалғисини чархлатиб, баъзида ер сотиб олиб, унга ишлов беришарди.

Катта ер Эгаси ҳечам барга кирмас, у ердаги узун-қулоқ гапларни унга хизматкор аёли етказиб турарди. Ўша кунги воқеани аёл ҳаяжонланиб дастлаб дугоналарига, кейин хўжайинига гапириб берди: меҳмонхонага бадавлат бир ажнабий келганмиш, борди-ю бирорта аёл ундан бола орттириб олса борми, турган гап унга бойлигининг ярмини бериши мумкин эмиш.

Вискоснинг келажагидан, бундан ҳам кўпроқ Шанталнинг бу қилмиши сайёҳларни чўчитиб қўйишидан хавотирга тушган ер Эгаси зудлик билан мажлис чақирди.

Шантал ўрмонга йўл олган, Мусофир ўзининг сирли йўллари-дан адашиб қолган, Берта марҳум эри билан шаҳар тақдири ҳақида суҳбатлашаётган бир пайтнинг ўзида черков омборида шаҳарнинг олди одамлари жамланганди.

— Полицияни чақириш керак, — деди ер Эгаси, — қилишимиз керак бўлган ягона иш шу. Ҳеч қанақа олтин йўқ. Бу Мусофир хизматкоримни бошини айлантириб, тузоғига туширмоқчи, деб ўйлайман.

— Нима деяётганингизни ўзингиз ҳам тушунмаяпсиз, чунки у ерда бўлмагансиз, — деди Ҳоким. — Олтинлар мавжуд, йўқса, исботдалилсиз Прим хоним ўз номини бадном қилишини яхши тушунади. Лекин бу масала моҳиятини ўзгартирмайди — полицияни чақириш керак. Мусофирнинг одил суддан қочиб юргани кундек равшан, балки уни топишлари учун мукофот ваъда қилинган бўлса ажабмас, бу ерда эса у ўғирлаган ўлжасини яширмоқчи бўлган.

— Бўлмағур гап! — деди меҳмонхона соҳибаси. — У ҳолда Мусофир чурқ этмасдан юрарди.

— Умуман олганда, бу муҳим эмас. Вақт ўтмасидан полицияни хабардор қилиш керак.

Бу фикрга ҳамма қўшилди. Йиғилганларнинг попугини бироз пайсайтириш мақсадида Руҳоний ҳаммага бир қадаҳдан шароб қуйди. Уларнинг ҳар бири исбот йўқлиги боис, полицияга нима дейиш кераклигини чамалаб кўрди, йўқса, иш Шантал Примнинг жиноятга уриниши айби туфайли ҳибсага олиниши билан тугайди, холос.

— Ягона далил — бу олтин. Усиз биров гапимизга ишонмайди.

Ҳақиқатан шундай. Лекин олтиннинг ўзи қани? Уни бир одам кўрган, бироқ у ҳам қаерга кўмилганини билмайди.

Руҳоний ҳаммани йиғиб, ҳар бир қарич ерни титиб чиқиш керак деса, меҳмонхона соҳибаси қабристон кўзга ташланиб турувчи дераза пардасини суриб, тоғлар ва ўртадаги водийга ишора қилиб деди:

— Бунинг учун бизларга юз нафар одам ва юз йил керак бўлади.

Ер Эгаси ичида шундай ажойиб жойни қабристон эгаллаб ётганига афсусланди, ахир ўликларга ётган гўридан қандай манзара кўзга ташланишининг фарқи йўқ-ку.

— Қабристон борасида сиз билан гаплашиб оламиз, — деди унинг хаёлида нималар кечаётганини тушунган Руҳоний, — майитларга бошқа дурустроқ жойни таклиф қилишим мумкин, бўшаган ердан керакли мақсадда фойдаланган бўлардик.

— Ҳеч ким бу ерни сотиб олиб, иморат қурмайди.

— Буни фақат ўзимизникилар билади, лекин сайёҳларга келсак, бу ерга дала ҳовли қуришлари мумкин. Фақат бизникилар жим бўлсалар бўлгани. Қарабсизки, шаҳар ҳам, ҳокимият ҳам пулга чўмилади.

— Сиз ҳақсиз, ростдан ҳам одамларга қабристон ҳақида чурқ демасликни айтиш керак. Бу иш қийинмас.

Бирдан ўртага узоқ жимлик чўкди ва буни ҳеч ким бузишга ботинолмади. Хотинлар бу ердан кўзга ташланиб турган манзарага боқиб шар, Руҳоний кичкина бронзадан ишланган хочни артиб ўтирарди, ер Эгаси қадаҳига яна шароб қуйди, Темирчи бошмоғи ипини ечиб, қайтадан боғларди. Ҳоким эса бошқа муҳим ишлари ҳам борлигига ишора қилиб, тез-тез соатига қараб кўярди.

Лекин ҳеч бири ўрнидан қимирламади: йиғилганлар бирор ёт кимса бу жойдан ер сотиб олмоқчи бўлса ҳамшаҳарлари қабристон ҳақида чурқ этмаслигини билишарди. Шаҳарда янги бир оила пайдо бўлишига қизиққанлари учун ҳам жим бўлишади, лекин улар бир тийинга бойишолмасди. Борди-ю, яхши даромадга эга бўлишса-чи? Ўзлари ва болаларига етиб ортадиган маблағга эга бўлишса-чи?

Шу пайт омборхона ичида иссиқ шамол тафти сезилди.

— Хўш, нима қиламиз, — деди Руҳоний узоққа чўзилган беш дақиқали сукутдан сўнг.

— Одамларимиз ростдан ҳам қабристон ҳақида оғзидан гуллаб қўйишмаса, ўйлайманки, музокарани бошлашимиз мумкин, — деди катта ер Эгаси. У гапини қинғир ёки нотўғри тушунмасликлари учун ҳар бир сўзини ўйлаб кўрганди.

— Бизникилар ажойиб меҳнаткаш ва камтарин одамлар, — деди меҳмонхона соҳибаси ер Эгаси усулини қўллаб, унинг сўзларини маъқуллар экан, — бугунги воқеани олиб кўрайлик: нон ташувчи шаҳарда нималар бўлаётганини сўраганда, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳамшаҳарларимизга ишонса бўлади.

Яна ўртага жимлик чўкди. Бу жимлик йиғилганларни оғир юк билан эзар, ниқобларини ечиб ташлашга мажбур қиларди. Шунга қарамай ўйин давом этар, энди Темирчи сўз олди:

— Гап одамларимизнинг камтарлигида эмас, — деди у, — гап — била туриб, ёмон ишга қўл ураётганимизда.

— Унда нима қилиш керак?

— Қабристонни сотиш керак.

Бирдан ҳамма ўзини енгил ҳис қилди. Масаланинг амалий томони ҳал бўлди, энди унинг маънавий томонини муҳокама қилиш лозим эди.

— Вискосимизнинг аста-секин нураб бораётганини, ота-боболаримиз бўлмиш кельтлар ва Ахавнинг орзу-умидлари бу ерда яшаётган сўнгги авлод — яъни бизлардан сўнг ерга қоришиб кетишини жимгина томоша қилиб туриш — бу расволикнинг ўзи, — деди ҳокимнинг Хотини, — яқин орада бизлар ҳам Вискосни тарк этамиз — кимдир рихлатга равона бўлса, айримлар қартайиб, ҳеч бир ишга ярамай ажодларимиздан қолган меросни асраб қололмаганидан мулзам бўлиб, катта шаҳарларга кўниколмасдан, болалари бўйнига юк бўлишга мажбур бўлади.

— Ҳақсиз, — рози бўлди Темирчи, — хароба бир даврда яшайпмиз, шаҳримиз нураб бўлганда экинзорларимиз қаровсиз қолади ёки кимдир томонидан арзимас пулга сотиб олинади, машиналар пайдо бўлиб, йўллар қурилади. Боболаримизнинг пешона тери эвазига қурилган уйлар бузилиб, ўрнига пўлат миноралар қурилади. Буғдойни машиналар етиштиради, кундузлари одамлар ишга келиб, кечкурунлари олисдаги уйларига қайтиб кетадилар. Қандай уятли замонга қолди бизнинг авлод — фарзандларимизни олдимизда олиб қололмадик, уларни катта шаҳарларга кетиб қолишига йўл қўйиб бердик.

— Ҳар қандай бадал эвазига бўлсин, барибир бу шаҳарни сақлаб қолишимиз керак, — деди ер Эгаси.

Фақат унгагина Вискоснинг дарз кетиши катта даромадлар ваъда қилаётганди: хоҳласа у ерни сотиб олиб, кейинчалик бирорта йирик компанияга пуллаши аниқ эди, бироқ бағрида бойлик бўлиши мумкин, бу ерларни арзон гаровга пуллашдан манфаатдор эмасди,

— Сиз нима дейсиз, Руҳоний ота? — деб сўради ундан меҳмонхона соҳибаси.

— Менинг фақат динимизга тишим ўтади, унинг асосини эса — биргина қурбон бутун инсониятни сақлаб қолгани ташкил этади.

Учинчи бор орага узоққа чўзилмаган сукунат чўкди.

— Шанба издиҳомига тайёргарлик кўришим керак, — деди Руҳоний, — келинлар, кечга томон яна йиғиламиз.

Йиғилганлар бунга рози бўлиб, келаси учрашув вақтини белгиладилар. Уларнинг юзларида гўё жиддий нарсага қўл уришгандек, ишчан ва хавотирли ифода акс этганди.

— Сиз эндигина тилга олган нарса жудаям қизиқ, — деди Ҳоким, — Маъруза учун яхши мавзу. Бугун ҳаммамиз черковда ўтадиган ибодатда қатнашмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Шантал йўл-йўлакай олтинни нима қилишни ўйлади ва ҳайиқмасдан “У” шаклидаги харсангтошга яқинлашди.

Уйига қайтгач, қора кунига асраб қўйган бор пулини олади, обҳавога қараб тузукроқ кийинади, катта йўлга чиқиб, йўловчи машинага ўтиради. Ва ҳеч қандай шарт-партга қараб ўтирмай, бу ердан кетади, чунки бу ерликлар бошига қўнай деб турган бахт қушига лойиқ эмаслар. Қиз Вискоснинг чиройли ва кераксиз тарихини, унинг олийжаноб ва қўрқоқ одамларини, ҳар куни бир хил мавзуни чайнашга кўникиб қолган мижозларга тўла барни, бормай қўйган черковини — ҳаммасини ташлаб кетаётганини билмасликлари учун жомадонини олмайди. Мусофир қизни ўғирлик ва ҳоқозоларда айблаб, полицияга мурожаат қилсагина, уни вокзалда миршаблар тутиб олишлари мумкин.

Лекин Шантал ҳозирнинг ўзида ҳар қандай таваккалга шай эди.

* * *

Қизни ярим соат аввал қамраган нафрат ўрнини энди бошқа бир ширин туйғу эгаллаб олди — у қасос олмоқчи бўлди.

Ўзларини содда ва меҳрибон қилиб кўрсатишни яхши кўрадиган ҳамшаҳарларини қалбида аслида қандай Ёвузлик яшириниб ётганини фош қилиш нияти қизга ҳузур келтирарди. Уларнинг ҳар бири жиноят қилишни ўйлагани билан бирортаси бунга жазм қилолмайди. Улар умрининг сўнгги дақиқасигача қандай олийжаноблиги, қонунга қарши иш қилмасликларини ўзларига уқтириб яшайдилар, лекин шу билан бирга фақат кўрққанлари учун беғуноҳ одамни ўлдирмаганликларини яхши тушунадилар. Кундузлари имони бутунлигидан ўзларини кўкка кўтарсалар, кечалари бундай имкониятни бой берганлари учун ўзларига лаънат ўқийдилар.

Улар яқин уч ой ичида барда ўтириб олиб, Вискосда фақат олийжаноб ва бамаъни инсонлар яшаши ҳақида гап сотадилар. Кейин ов мавсуми бошлангач, одамлар сайёҳларга Худо ёрлақанган ўлкага ташриф буюрганлари, уларнинг атрофини фақат дўсту биродарлар ўраб туриши, бу ўлкада эгзу амалларгина ҳукм суришини гапирадилар, Табиат нақадар сахий, меҳмонхона соҳибаси таъбири билан айтганда, бу ердаги “дўконча”да сотилаётган маҳаллий маҳсулотлар холисона меҳр-муҳаббатга йўғрилган, деб ўйлашлари учун эски мавзуни тилга олмайдилар.

Муҳожирлар асл ҳақиқатни билмаганлари маъқул.

Ов мавсуми тугагач, одамлар яна эски мавзуга қайтадилар. Лекин бу гал ҳар кун кечалари бой берилган бойликни ўйлаб чиққани боис, энди улар — ўнта олтин ёмбиси бадалига кампиршо Бертани тун қўйнида гумдон қилишга бирорта мард топилмаганининг сабабини қидирадилар.

Ҳар куни сурувни тоғ бағрида боқишга одатланган чўпон Сантьяго ов маҳали нобуд бўлиши ҳам мумкин эди-ку?

Одамлар дастлаб уят, кейинчалик ғазаб ҳисси билан бой берилган имконият сабабларини қидиришда давом этадилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Орадан бир йил ўтгач, Вискосга улкан бир имконият берилгани, лекин у қўлдан кетгани учун одамлар бир-бирларини ғажишга тайёр бўладилар. Шунда улар Мусофир беркитган олтинни олиб, беиз йўқолган Шантални эслашади. Ана ўшанда энасида ажраб, ҳеч вақосиз қолган етимчага ҳар ким ёрдамани аямагани, эрга тегиб бу ерлардан кетолмагач, барга ишга кирволган қиз келган ҳар бир меҳмон билан дон олишгани, дурустроқ чойчақа дардида ёши улуғ эркакларга кўзларини сузгани ҳақида ғийбат қилишиб, қизнинг гўрига ғишт қалайдилар.

Ва ўзлари ҳам гўрга киргунларига қадар ачиниш ва нафрат ҳиссига ем бўладилар. Шантал эса улардан қасосини олгач, бахтиёр яшайди.

Нонга келган одамларнинг гўё қўрқоқлигини қиз фош қилиб кўяётгандек, ундан жиноят ҳақида жим бўлишини талаб қилиб қараган ёвқарашларини ҳеч вақт унутмайди.

“Нимчамни, чарм шимимни кийиб оламан. Қатма-қат кўйлак кийиб, олтинни белимга тутаман. Нимчамни, чарм шимимни кияман...”

“У” шаклидаги харсангтош олдида турган Шанталнинг хаёлидан мана шундай ўйлар ўтганди. Унга яқин жойда аввали ишлатган калтак ётарди. Қиз ўзини ҳалол инсондан ўғри кимсага айлантираётган шу дамни тўлиқроқ ҳис қилиш учун бироз тек турди.

Бўлмағур гап. Мусофирнинг ўзи қизни шундай йўл тутишга ундади, қиз эса уз улушини олади, холос. Бу — мудҳиш ўйинда иштирок этгани учун унга тўланган бадал бўлади. Нон фурғони олдидаги одамларнинг ёв қарашларига бардош бергани, Вискосда бир умр чидаб яшагани, уч кеча кўз юммагани, борди-ю, одамлар Руҳи ва уларнинг азобларга йўлиқиши ҳақидаги гаплар рост бўлса, демакки иймонидан маҳрум бўлгани учун ҳам — қиз бу олтинни олишга ҳақлидир.

Шантал нам тупроқни кавлаб, олтинни олаётган пайтда қандайдир товушни эшитди. Қизни кимдир кузатарди. Қиз ҳозир бу ишни қилиш бефойдалигини тушуниб, тезда чуқурни кўмиб қўйди. Сўнг ўғирлик устида қўлган тушган одамдек, ўзини оқлаш мақсадида товуш томонга ўтирилди. Қиз кузатувчига яқин орадан Мусофир ўтганини кўргани, бугун эрталаб ушбу ковланган жойга дуч келиб, унда хазина бор деб ковлаб кўрганини айтмоқчи ҳам бўлди.

Лекин олдида турган жонзодни кўриб, тилдан қолди, чунки уни на хазина, на Вискосдаги ғала-ғовур, на ҳукм қизиқтирарди. Уни фақат тирик жонзотнинг қайноқ қони қизиқтирарди.

Чап қулоғида оқ доғи бор лаънати бўри.

У қиз ва дарахт ўртасидаги йўлни тўсиб турарди. Шантал гўё бўрининг мовий кўзларидаги қарашдан қарахт бўлиб қолди, миясида “нима қилсам экан?” деган савол гужғон ўйнади. Калтакни отсаммикан? — У нозик, қуролга ярамайди. Харсангтошга чиқиб олсаммикан? — У жудаям паст. Бу бўри ҳақидаги афсонани унутиб, уни қўрқитиб кўрсаммикан? Бу иш хатарли, яхшиси ҳар қандай афсона негизида ҳақиқат ётганига ишонган маъқул.

“Бу — менга берилган жазо”.

Доимо қизнинг ҳаётида рўй берадиган адолатсиз жазолардан бири; гўё Худо одамларга бўлган нафратини шу қиз орқали намоён қилаётгандек.

Бўйсунмас ҳиссиёт қошида Шантал калтакни ерга ташлади, бўри ғажиб ташламаслиги учун бўйинини қўллари билан тўсиб олди — бу лаҳза минг йилларга чўзилгандек туюлди. Қиз чарм шимини кийиб олмаганига афсусланди: чунки инсоннинг сони заиф жой ҳисобла-

нади, агар бўри қон томирларини тишлаб олса, қиз ўн дақиқа қон-талашиб, нобуд бўлиши мумкин. Овчилар узун этик кийиб юришларини шундай изоҳлашади.

Бўри тисланиб, хавфли ириллади. У қўрқитмади, балки сакрашга тайёрланди. Гарчи Шантал бўрининг сўлак оқаётган ўткир тишларидан дағ-дағ титраса-да, лекин кўзларини бўридан узмади.

Тез орада бўрининг нияти аён бўлади: ё ташланади, ёки нари кетади. Лекин қиз бу дамда унинг кетмаслигини тушунди. Қиз туртилиб кетмаслик учун оёқлари остига қаради ва ҳеч нарсани кўрмади. У бўрига пешвоз юришни мўлжаллади — майлига, тишласин, қиз шу йўсинда дарахтга етиб олади. У оғриққа чидашни маъқул топди.

Шантал олтинни эслади, тез орада уни олиб кетмоқчи ҳам бўлди. Қиз ўткир тишларнинг баданига, эҳтимол, суягигача ботишини ўйлаб, атрофдан нажот кутди.

Олдинга чопишга шайланган ҳам эдики, шу пайт худди киноларда учраганидек, бўрининг ортида кимдир пайдо бўлганини кўрди. Бўри ҳам буни сезди, лекин орқасига ўгирилмади, қиз кўзларини бўридан узмай тураверди.

Шантал бўрининг сакрашини нигоҳи билан тўхтатиб тургандек, ўзини бундан ҳам баттарроқ хатарга солгиси келмади: кимдир ростдан ҳам бу ерда пайдо бўлган бўлса, демак, қизнинг омон қолишига умид кўпаяди, тирик қолиш учун битта олтин ёмбиси сатқай сар бўлсин.

Нотаниш кимса эгилиб, чап томонга сурилди. Шантал у ерда дарахт борлиги, унга тирмашиб омон қолиш мумкинлигини биларди. Шу пайт ҳавода нимадир шивиллаб, бўрининг олдига бир тош келиб тушди. Ҳайвон зудлик билан хавф келган томонга ўгирилди.

— Қочиб қол! — деб бақирди Мусофир.

Шантал ягона паноҳи — дарахт томонга шошилди, Мусофир эса эпчиллик билан олдидаги дарахтга чирмашди. Бўри етиб келгунча у хавфсиз баландликка кўтарилиб олганди.

Бўри ириллаб дарахтга сакрарди.

— Шох-шабба синдилинг, — деб бақирди қиз.

Лекин Мусофир қарахт бўлиб қолганди. Шантал уч марта бақиргандан сўнггина, Мусофир дарахт шохларини синдириб, бўрига ота бошлади.

— Йўқ, йўқ, шохлардан даста қилиб уни туташтиринг! Менда гургурт йўқ — Шанталнинг овозидан гўё жар ёқасида турган одамнинг алами сезиларди.

Мусофир бир неча шох-шаббани синдириб, уни туташтиргунига қадар орадан юз йил ўтгандек бўлди, чунки кечаги ёмғирдан новдалар намиққанди, бу фаслда куёш камдан-кам кўриниш беради.

Шантал машғаланинг дурустроқ ёнишини кутди. Агар ихтиёрида бўлганда эди, бутун дунёга қўрқув солмоқчи бўлган бу Мусофирни тонггача шундай қолдирарди — қани ўзлариям қўрқувдан бир татиб кўрсинлар-чи. Лекин Шантал бу ерлардан кетмоқчи, шунинг учун истакка қарши Мусофирга ёрдам беришга мажбур эди.

— Ана энди, бир эркаклигингизни кўрсатинг-чи, — деди қиз, — дарахтдан тушиб машғалани бўрига ниқтанг.

Лекин Мусофир гарансиб қолганди, ўрнидан қимирламади.

— Қани бошланг! — Шантал яна бақирди, шундагина Мусофир қиз овозидаги амр оҳангидан ўрнидан кўзгалди. Қиз овозида қўрқув ва азобни орқага суриб, бир зумда қарор қабул қилиш қобилиятига эга куч сезди.

Мусофир юзларини куйдираётган олов учқунларига қарамасдан пастга тушди. У олдидаги тишларини қайраб турган ҳайвонни кўриб, баттар даҳшатга тушди.

Хотин, болаларини ўғирлаб кетишганда ҳам у бирор қарорга келолмагани, ҳеч бўлмаса энди нимадир қилиш керак.

— Бўрининг кўзларига қаранг! — У Шанталнинг овозини эшитди.

Мусофир буйруққа бўйсунди, дақиқалар ўтган сайин ўзини енгил ҳис қила бошлади: энди душман қўлидаги қуролга эмас, унинг кўзларига қараш керак. Улар бир хил ҳолатда — бир-биридан кўрқардилар.

Оловдан кўрққан бўри ортга тисланди; у ириллар, сакрар, лекин ўлжага яқинлашолмасди.

— Уни қисиб боринг!

Мусофир бўри томонга бир қадам ташлади, ҳайвон тисланди.

— Унга ташланинг! Ҳайданг уни!

Машғала энди гуриллаб ёнар, Мусофир қўли куяётганини сезди. У ҳеч нарсани ўйламасдан, бўрининг мовий кўзларига синчков юзланганча олдинга юрди. Бўри ириллаш, сакрашни бас қилиб қайрилди-да, ўрмонга ғойиб бўлди.

Шантал бир зумда дарахтдан тушди, дарҳол ердаги қуриган ўтланлардан машғала ясади.

— Бу ердан тезроқ кетиш керак!

— Қаёққа?

Қаёққа эмиш? Олов ҳам кутқаролмайдиган қамалда қолиш учун Вискосга боришсинми?!

Беллари зирқираб, юраги така-пука бўлаётганидан қиз ерга ўтириб олди.

— Гулхан ёқинг, — деди қиз Мусофирга, — ўйлаб кўришим керак.

Қиз қимирлаб, елкасида пайдо бўлган оғриқдан инграб юборди. Мусофир шох-шаббаларни йиғиб, гулхан ёқди. Шантал ҳар бир ҳаракатидан кучли оғриқни сезди, балки дарахтга чиқаётиб лат егандир.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мусофир қизнинг оғриғини кўриб, бирор еринг синмаган. Менда ҳам шундай бўлган — ортиқ кучланган пайтда мускуллар қисқаради. Кел, елкангни уқалаб қўяман.

— Менга тега кўрманг. Ёнимга келманг. Мен билан гаплаша кўрманг.

Оғриқ, кўркув, уят. Шубҳа йўқки, қиз олтинни ковлаган пайтда Мусофир яқин-атрофдан уни кузатган, чунки унга Иблис ҳамроҳлик қилади, у эса ўз навбатида инсон фикру ўйини очиқ китобдек ўқий олади, демак, Шанталнинг олтинни ўғирламоқчи бўлгани Иблисга аён бўлган.

Мусофир ушбу дақиқаларда бутун шаҳар аҳли жиноят қилиш орзусида юрганини, шунингдек, у бунга ҳеч ким жазм қилолмаслиги боис, қотиллик рўй бермаслигини билади, лекин Ниятнинг ўзи ҳам уни қийнаган саволга жавоб бўла оларди: инсон, аввало, Ёвузликка мойил хилқат.

Мусофир Шанталнинг қочмоқчи бўлганини билган, пировардида бойланган баҳсга келсак, унинг маъноси қолмаган, у хазинага тегмай, шубҳа-гумонларини тасдиқлаганча келган жойига (аслида, у қаердан келган?) қайтиб кетиши мумкин.

Шантал қулайроқ ўтирмоқчи бўлди, лекин бунга имкон йўқлигидан, қимирламади. Гулхан бўрини узоқ масофада ушлаб туриши мумкин, бироқ у яқин-атрофдаги чўпонлар диққатини тортиши, бу ерга келиб, иккисини кўриб қолишлари турган гап эди.

Мусофир бугун шанба кuni эканини эслади. Бу кун одатда одамлар бетаъб матою, машхур асарларнинг сохта нусхалари, ав-

лиёларнинг ганчдан ясалган ҳайкалчаларига уйқаш бўлиб кетган уйларида пашша қўриб ўтиришади — яқин орада эса Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ҳали бирор марта содир бўлмаган ажаб-товур воқеа гувоҳига айланишади.

— Мен билан гаплаша кўрманг.

— Бир оғиз ҳам гапирганим йўқ.

“Ўкириб йигласаммикан?”, — деб ўйлади Шантал, лекин Мусофирнинг олдида йиглагиси келмади, шунинг учун ўзини қўлга олди.

— Мен ҳаётингни сақлаб қолдим, энди олтингга ҳақлиман.

— Сен эмас, аслида мен сени асраб қолдим. Бўри сени ғажиб ташлашга тайёр турганди.

Асли бу гап тўғри.

— Лекин бошқа томондан олиб кўрсак, — деди Мусофир, — сен қалбимдаги ниманидир авайлаб қолдинг.

Сийқаси чиқиб кетган тузоқ. Қиз ўзини нима ҳақида гап кетаётганига тушунмагандай кўрсатди, унинг назарида бу ҳолат — қизнинг бойликка эга бўлиб бу ўлкани ташлаб кетишига имкон бериши керак эди. Шунда ҳаммасига яқун ясаларди.

— Мен кечаги келишувимизни назарда тутяпман. Шундай оғриқларни ҳис қилганманки, ўзгаларни қийнаш эвазигагина ҳовуримни босмоқчи бўлганман. Сен ҳақсан.

Мусофирнинг Иблисига бу гап мутлоқ ёқмади, шунинг учун Шанталнинг Иблисига имо қилиб, ёрдамга чақирди. Лекин Шанталнинг Иблиси яқиндагина пайдо бўлиб, ҳали қиз вужудини тўлиқ ишғол этолмагани учун, ёрдам беришга ожизлик қиларди.

— Бу нимани ўзгартиради?

— Ҳеч нарсани. Бизлар баҳс бойладик ва унда ютиб чиқишимга ишонаман. Лекин ўзимнинг ярамас эканимни биламан ва бунчалар тубан кетишимга ноҳақ жазоланганимни сабаб деб билдим.

Шантал ўрмондан қандай қилиб кўзга ташланмасдан чиқиб кетишни ўйларди: ҳали сахар вақти, лекин бу ерда ортиқ қолиб бўлмайди.

— Бу олтин учун ҳалол тер тўқдим, агар қарши бўлмасангиз, уни олиб кетмоқчиман, — деди қиз, — сизга ҳам шуни маслаҳат бераман: иккимизнинг Вискосга қайтишимиз ноўрин; келинг, водийга тушиб, дуч келган йўловчи машинани тўхтатамиз, кейин ҳар ким боши оққан тарафга равона бўлади.

— Кетсанг-кетавер. Лекин билиб қўй: айнан шу дамда Вискос аҳли кимни қурбон қилишни ҳал қиляпти.

— Эҳтимол, шундайдир. Улар икки кунлик муддат тугамагунча бунини ҳал этишади, кейин икки йил ким қурбон бўлиши кераклилиги ҳақида тортишадилар. Эҳ, ҳамшаҳарларимни яхши биламан: улар ҳаракат қилиш керак бўлган пайтда — журъатсиз, кимгадир айбни ағдариш керак бўлса — устасифаранг одамлар. Борди-ю, сиз Вискосга қайтиб бормасанг, улар бошини ҳам қашиб қўйишмайди, буларнинг барини Шантал тўқиб чиқарган, деб қўя қолишади.

— Вискос бошқа шаҳарлардан бирор нарсаси билан фарқ қилмайди. У ерда нималар бўлаётган бўлса, билгинки, бу нарса бошқа шаҳарларда, қишлоқларда, қитъаларда, ибодатхоналарда бўлиб ўтади — қаерда бўлишининг фарқи йўқ. Лекин сен бунини тушунмайсан, шунингдек бу сафар менга керакли одамни топишимда омадим чопганини ҳам билмайсан.

“Ҳа, хув жилага ёнида ўтирган қизни танлаш керак: у тўғрисиўз ва меҳнаткаш кўрингани билан, аслида одамлардан қандай ўч олишни ўйляпти. Душманни кўриш бизга насиб этмаган, зеро, Интиҳо кел-

гач, ҳақиқий душман — Яратганнинг ўзи эканини, бу савдоларни бошдан кечиришга мажбур қилганини англаймиз, шунинг учун бахтсизлик ва тушкунликдаги ғазабимизни атрофдагиларга сочамиз. Ва ҳеч қачон қасос олишга бўлган чанқоғимизни қондиrolмаймиз, зеро, у — ҳаётнинг ўзига қарши қаратилгандир”.

— Нима ҳақда гаплашяпмиз, ўзи? — деб сўради Шантал, дунёда энг ёмон кўрган одамнинг унинг қалбида нималар кечаётганидан хабардорлигидан жаҳли чиқиб, — шунчаки олтинни олиб, бу ерлардан кетсак бўлмайдими?

— Кеча мен бир нарсани тушуниб етдим: бир пайтлар сабабсиз хотиним ва қизларимни ўлдиришгандек, мен учун энг жирканчли нарса — инсон ўлдиришини талаб қилиш билан, аслида ўзимни асраб қолишга уринаётганимни англаб етдим.

Эсингдами, иккинчи учрашувимизда бир немис файласуфи сўзларини мисол келтиргандим? Худонинг ҳам ўз дўзахи бор — у ҳам бўлса инсонларга бўлган муҳаббати, чунки унинг мангу ҳаёти давомида инсонлар уни қийнаб келадилар. Эсингдами?

Шунингдек, ушбу файласуф бошқа бир фикрни ҳам айтган: инсоннинг мукамалликка эришмоғи учун, унда пинҳона разолат ҳам бўлмоғи лозим.

— Тушунолмадим.

— Авваллари мен фақат қасос олишни ўйлардим, ҳамшаҳарларингга ўхшаб бу ҳақда туну кун режалар тузиб, тахминлар қилардим — бироқ амалда ҳеч нарса қилмагандим. Бир неча вақт газеталардан худди мендек яқинларини йўқотган инсонлар қисматини кузатдим, лекин улар мутлақ бошқача йўл тутгандилар: улар қурбонларни ёқлагувчи гуруҳлар тузиб, адолат тантанаси йўлида кураш олиб борганлар. Бу билан жудолик дардини ҳеч қачон, ҳеч қандай қасос даволай олмаслигини ўзларича исботламоқчи бўлдилар.

Мен ҳам бўлиб ўтган воқеага бошқа — олий ҳимматли деймизми, нуқтаи назардан қарамоқчи бўлдим. Кўлимдан келмади. Мана энди юрак довлаб, йўлнинг сўнгига келганда, бу зулматнинг энг тубида бир ёруғликни кўрдим.

— Давом эт, — деди Шантал, чунки у ҳам шундай ёруғлик кўрганди.

— Мен инсонларни тубан ва худбинлигини исботламоқчи эмасман. Бошимга тушган бу савдога онгимдан ташқари ҳолатда лойиқ эканимни исботламоқчиман; зеро, мен қисмат қаҳрига лойиқ расво инсонман.

— Худо адолатли эканини исбот қилмоқчимисан?

Мусофир бироз ўйга толди.

— Эҳтимол.

— Мен Яратганнинг адолатли эканини билмайман. Нима бўлгандаям, марҳаматини кўп кўрмадим, энг ёмони — ожизлигимни ҳис қилиш доим қалбимни пароканда қилган. Мен ўзим хоҳлагандек яхши инсон бўлолмайман, шунингдек, қанчалар лозим бўлмасин — ёмон ҳам бўлолмайман. Бир неча дақиқа олдин Худо одамлардан қасос олиш учун мени танлаган, деб ўйлагандим.

“Сени ҳам ўшандай шубҳалар қамраб олган, деб ўйлайман, фақат уларнинг доираси кенг — сен яхши эдинг, лекин бу рағбатсиз қолди”.

Шантал бу сўзларни эшитиб ҳайрон қолди. Мусофирнинг Иблиси қизнинг елкасида ўтирган Фариштадан таралаётган нурнинг кучаяётганини кўрди.

“Ҳаракат қилсанг-чи!” — деб у Шанталнинг Иблисига буйруқ қилди.

“Харакат қиляпман, — деб жавоб берди Шанталнинг Иблиси, — лекин бу мушкул олишув”.

— Йўқ, сенга Худонинг бешафқатлиги эмас, — деди Мусофир, — доимо вазият қурбони бўлишни танлаганинг азоб беряпти. Мен бундай аҳволга тушганларнинг кўпини биламан.

— Масалан, сен.

— Йўқ, мен қисматимга қарши бош кўтардим ва бу — одамларга ёқадими-йўқми, мени қизиқтирмайди. Сен эса бунинг акси — одамлар севиб, аяшларини лозим бўлган бечора етимқиз ролини танлагансан, доимо меҳр-мурувват кўролмаганинг учун, севгига бўлган ташналик сен англолмаган қасос ҳиссига айланган. Қалбинг тубида ҳамшаҳарларингдан ҳечам фарқ қилишни хоҳламайсан, зеро ҳаммамиз кимгадир ўхшашни истаймиз. Лекин сенга нисбатан тақдир бошқача йўл тутган.

Шантал жимгина бош силкиди.

“Бирор нарса қилсанг-чи, ахир, — деди Шанталнинг Иблиси шериғига, — қиз “йўқ” дегани билан унинг қалби очилиб “ҳа” демоқда.

Мусофирнинг Иблиси итоаткорини жим қилолмаётганини шериғи кўриб турганидан мулзам бўлиб қолди.

“Сўзлар ҳеч қаерга олиб бормайди, — деб жавоб берди сўнг у, — майлига, гаплашиб олишсин, зеро, ҳаётнинг ўзи уларни гапларига қарши йўл тутишга мажбур қилади”.

— Гапингни бўлмоқчи эмасдим, — деди Мусофир, — илтимос, давом эт. Худо каромати ҳақида нима деяётган эдинг?

Шантал нимани эшитишни хоҳламаса, шунини эшитмаслик мумкинлигидан хурсанд эди.

— Билмадим, буни тушунтира олармиканман? Атрофимиздаги бошқа шаҳарларда бўлгани каби бизнинг Вискосда ҳам черков бор, лекин одамларимизда диний эътиқод суслигини ўзинг ҳам сезгандирсан. Айнан шунинг учун авлиё Савиний туфайли ҳақ йўлни танлаган Ахав, аҳолининг кўпи қароқчилар бўлганидан, руҳонийларнинг таъсирига шубҳа қилган; Ахав руҳоний оталар қанчалар мангу азоблар ҳақида гапирмасинлар, барибир одамларни жиноятдан қайтаролмаслигини яхши англаган. Йўқотадигани қолмаган одам мангуликни ўйламайди.

Турган гап, одамлардан биринчи руҳоний етишиб чиққанда Ахав хавфни сезган. Буни даф қилиш учун яҳудийларнинг бир удумини жорий қилган. Бу — Кечириш куни бўлиб, маросимларни Ахавнинг ўзи ўйлаб топган.

Йилда бир марта вискосликлар ўз уйларига қамалиб олиб, иккита рўйхат тузганлар, баланд тоғларга юзланиб, биринчи рўйхатни осмонга қаратганлар. “Мана, Худойим, сенинг олдингда қилган гуноҳларим рўйхати”, — деган улар ва уни ўқий бошлаганлар. Рўйхатда қилган зинолари, шайтонликлари, фирромликлари, ноҳақликлари ва ҳоказолар ўрин олганди. “Худойим, сенинг олдингда қилган гуноҳларим кўп. Сенга шунча азоб берганимни кечиришингни сўраб, илтижо қиламан”.

Кейин одамлар иккинчи рўйхатни шу тарзда ўқиганлар: “Худойим, бу эса банданг олдидаги Сенинг гуноҳларинг; — мени ҳаддан зиёд ишлашга мажбур қилдинг, дуоларимга қарамасдан қизим оғриб қолди, ҳалол яшамоқчи бўлдим, лекин мени тунаб кетишди, чидаб бўлмас азобларни тортдим”.

Иккинчи рўйхатни ўқиб бўлишгач, одамлар маросимни ушбу сўзлар билан яқунлаганлар: “Мен сенга нисбатан адолатсизлик қилдим, Сен ҳам менга адолатсизлик қилдинг. Лекин бугун — Кечириш

куни, гуноҳларимни унутсанг, мен ҳам сеникини унутаман ва бизлар яна бир йил тинч яшаймиз”.

— Доимо яратиб, яксон қилгувчи... — деди Мусофир.

— Суҳбатимиз керагидан ортиқ шахсий тус оляпти, — деди Шантал, — сизга панду насиҳат қилишга ёшлик қиламан.

Мусофир индамади.

“Менга бу нарса ёқмаяпти”, деб ўйлади Иблис Мусофир елкасининг иккинчи томонида пайдо бўлаётган хира нурни кўриб, зеро, у бунга йўл қўймаслиги лозим эди. Бундан икки йил муқаддам Иблис денгиз соҳилида бу нурни бартараф қилишга эришолганди.

Рухоний бу ўлка одамлари никоҳ, суннат ва дафн маросимларини ўтказиб, Мавлуд ақидаларида иштирок этсалар-да, бу ерда ривоят ва афсоналарнинг кўплиги, протестант ва кельт ақидалари чуқур илдиз отгани, ўтмишда бу маконни қароқчи ва каззоблардан тозалаган бир араб таъсири сабаб, Вискосликларда диний эъдиқоднинг сустигини яхши биларди.

Шанба ва якшанба кунлари соат ўн бирда ўтказиладиган ибодатга озчилик келгани билан Рухоний ҳеч бўлмаса Вискосга тайинланганини оқлаб туриш мақсадида маросимларга ўзи бошчилик қиларди. У ўзини муҳим вазифани ўтаётган солиҳ бандадек кўрсатишни хуш кўрарди.

У черковнинг меҳробигача одамлар тўлиб кетганини кўриб ёқа ушлади. Диққинафасликдан ҳамма терлаб кетгани боис, Рухоний нафақат электр иситгични ўчиришни, балки икки томондаги деразаларни ҳам очиб қўйишларини буюрди. У одамларнинг бундай терлаб кетишини ё диққинафасликдан ёки ҳаяжондан, деб билди.

Черковга арафада айтган гапларидан уялгани сабаб бўлса керак Прим хоним ва ҳамма жодугарга чиқариб қўйган Берта кампирдан (бундайлар насроний маросимларига тоқат қилолмайдилар) ташқари бутун Вискос халқи йиғилганди.

— Ота, ўғил ва муқаддас Рух номи билан.

Черков гумбази узра кўпчиликнинг “омин” деган сўзлари янгради. Рухоний диний қўшиқларни ижро этиб, Инжилдаги битикларни қатъий ва алоҳида-алоҳида қилиб ўқиди. Кейин жойи борларга ўтиришни, қолганларга оёқда туришди сўради.

Маъруза вақти етиб келди:

— Лука “Инжили” да хабар қилинади: *Нозимлардан бири Ундан сўради: Мурувватли Устоз! Боқий умрга мушарраф бўлиш учун не қилмоғим даркор? Исо унга деди: нега мени Мурувватли атадинг? Фақат Тангригина Мурувват соҳибидир.*

Узоқ йиллар давомида Муқаддас Ёзувдаги ушбу оятлар мағзини чақарканман, нега пайгамбар ўзини Мурувватли ҳисобламагани устида ўйладим. Асосини меҳр-мурувват ғояси ташкил этувчи насроний эътиқоди нега ўзини Ёвузлик вакилиман, деб ҳисоблаган инсон ўғитларига йўғрилган? Ва ниҳоят мен тушундим: ўшанда Исо инсон табиатига ишора қилган, бу нуқтаи-назардан у ёвузликка тўла, Тангрининг битта юзи — Ёвузликдир.

Йиғилганлар унинг гапини тушуниб олишлари учун Рухоний бироз жим турди. Бироқ, у ўзини ўзи алдарди, негаки ҳалиям Исо нимани назарда тутганига ақли етмасди, зеро, инсон табиати Ёвузликка тўла бўлса, унинг сўзи ҳам, амали ҳам шунга йўғрилган бўларди. Бу ҳақда дин уламолари бош қотиришсин, ҳозир эса бераётган изоҳлари ишончли кўриниши лозим.

— Бугун қисқароқ гапираман. Фақат ҳаммамиз бир нарсани англаб олишимизни хоҳлайман: табиатан — биз ўзгарувчан ва гуноҳқормиз,

шу сабаб Исо бутун инсониятни қутқариш учун ўзини қурбон қилмаганида, бизлар Дўзах оловида ёнишга маҳкум бўлардик. Такрорлайман: Исонинг ўзини қурбон қилиши — бизларни асраб қолди. Бир инсоннинг ўлими — бутун инсониятни қутқариб қолди.

Сўзим якунида Қадим Аҳд муқаддас китобларидан бири бўлмиш “Аюб китоби” дан мисол келтираман:

Худо даргоҳига Шайтон келади. Худо унинг қаерларда бўлганини сўрайди.

— Дунёни кездим, — деб жавоб беради Шайтон.

— Сен қулим Аюбни кўрдингми? Унинг менга бўлган эътиқоди ва мен учун ҳар қандай қурбонликка тайёрлигини биласанми?

— Ахир Аюбнинг ҳамма нарсаси бор, нега энди Сенга шукр қилиб, қурбонлик келтирмасин? — деди Шайтон кулиб. — Берган нарсаларингни тортиб олгин-чи, кўраимиз, сенга эътиқод қилармикан яна.

Худо бандасини синашга рози бўлади. У йилдан-йилга солиҳ бандасининг бошига турли кулфатларни ёғдиради. Аюб бу Худонинг амри эканини билиб, унга сажда қилишда давом этади. Охир-оқибат у бойлиги, болаларидан жудо бўлиб, бутун баданига тошган яралардан азият чекади ва сабр косаси тўлиб, Яратганга ҳасрат қилади. Ана шунда Худо унга тортиб олган ҳамма нарсасини яна қайтиб беради.

Мана бир неча йиллардан бери сиз билан биз шаҳримизнинг аста нураб бораётганига гувоҳмиз. Энди ўйлаб қолдим: яшаётган жойимизни, бугдой етиштираётган даламизни, сурувлар боқаётган яйловларимизни, ота-боболаримиз орзу қилган уйларимизни йўқотаётганимизни жимгина кузатиб турганимиз учун Худонинг қаҳрига учрамадикмикан? Худо Аюбнинг сабрини тўлдириб, нола қилишга мажбур қилган экан, балким бизларни ҳам шунга ундаётгандир?

Нега Худо Аюбни бош кўтаришга мажбур қилди? Инсон табиати гуноҳкор бўлиши, Худо ато этган нарсалар бандасининг яхши одоби учун эмас, унинг кароматидан эканини исбот қилиш учун. Ўзимизни керагидан ортиқ яхши ҳисоблаб, манманлик ботқоғига ботдик, оқибатда жазосини тортяпмиз.

Худо Шайтон билан баҳс бойлайди. Бир қарашда адолатдан эмасдек. Унинг бундай йўл тутганидан Аюб ўзига хулоса чиқарди, зеро, у ҳам сизу биздек ўзини тақводор ҳисоблаб, манманликка берилиб кетганди ва охири Яратганга тавба-тазурру қилганини эслаб, ўйлаб кўринг.

Ҳеч ким мурувватли эмас, дейди Исо. Ҳеч ким. Узимизни авлиё санаб, Худонинг қаҳрини келтиришни бас қилмоғимиз лозим, ожизлик ва гуноҳкорлик бизларга хослигини тан олиш вақти келди, агар Шайтон билан баҳс бойлашга тўғри келиб қолса, Худо ҳам кули бўлмиш Аюбнинг имонини сақлаб қолишда шундай йўл тутганини ёдга олайлик.

Маъруза тугади. Руҳоний барчанинг ўрнидан туришларини сўраб, маросимни давом эттирди.

Шубҳа йўқки, йиғилганлар Руҳоний ўғитларидан яхши хулоса чиқариб олгандилар.

— Кетдик. Ҳар ким ўз йўлига: мен олтинимни оламан...

* * *

— “Олтинимни оламан!” деб Мусофир қизнинг ғашига тегди, — у ҳали сеники эмас!

— Нарсаларингизни йиғиштириб, кўздан ғойиб бўлсангиз бўлгани. Агар бу олтинни олмасам, Вискосга қайтишимга тўғри келади,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

соҳиба тезда мени ишдан бўшатади, ҳамма мени алдамчига чиқаради — шарманда бўламан. Менга бундай қилолмайсиз, ҳаққингиз йўқ. Бу олтинни ҳалол ишлаб, эгалик қилаётганимга рози бўлинг.

Мусофир ўрнидан туриб, гулхандан бир неча шохни олди.

—Бўри доим оловдан қочади, шундай эмасми? Мен эса Вискосга қайтаман. Нимани тўғри деб билсанг, шуни қил — хоҳла ўғирла, қочиб кет, яшириниб ол, бунинг менга қизиғи йўқ.

—Шошмай туринг! Бу ерда мени ёлғиз ташлаб кетманг!

—У ҳолда кетдик.

Шантал бирпасда гулханга, “У” шаклидаги харсангтошга, қўлида ёнаётган шохларни ушлаб нари кетаётган Мусофирга боқди. У ҳам янги машғала ёқиб, олтинни ковлаб олиб, тўғри водийга йўл олса бўларди — уйига қайтиб, лаш-лушларни олишининг маъноси йўқ. Қиз кўшни шаҳарга етиб олгач, олтиннинг нархини суриштиради, сўнг уни пуллаб, кийим-кечак, жомадон сотиб олади. Оҳ, ниҳоят, хурриятга чиқади.

—Шошмай тур! — деб бақирди қиз Мусофирга, бироқ у Вискос томон йўлини давом эттирди ва тезда кўздан ғойиб бўлиши аниқ эди.

“Тезроқ ўйла”, деди қиз ўзига-ўзи.

Бир нарсани ўйлашга фурсат йўқ эди, Шантал ёнаётган калтаклардан бир нечасини олиб, харсангтош олдига келди ва у ердан олтинни ковлаб олди. Ёмбини қўлга оларкан, уни артиб тозалади ва учинчи бор унга тикилди.

Қизни даҳшат қамраб олди. У олтинни чоҳга ташлаб, яна гулхандан ёнаётган шохларни олди-да Мусофир изидан тушди. Ҳалиям унга нафрат тинчлик бермасди: бир кунда иккита бўрига дуч келди — бирини олов билан кўрқитди, иккинчини эса ҳеч нарса билан кўрқитиб бўлмасди —зеро, у ҳаётидаги энг қадрли нарсаларидан мосуво бўлган, энди эса йўлида дуч келган нарсани кўр-кўрона вайрон қилишга тайёр эди.

Қиз оёқларини қўлга олиб югурди, барибир Мусофирга етолмади. Эҳтимол, у лаънати бўрини олишувга чорлаб, оловни ўчирганча ўрмоннинг бир четига беркиниб олгандир, зеро, ундаги ўлишга бўлган иштиёқ, ўлдириш чанқоғидан устун эди.

Вискосга келгач, Шантал гўё Бертанинг чақираётганини эшитмагандек, черковдан чиқаётган оломонга қўшилиб кетди. Қиз маросимга бутун шаҳар кўчиб келганига ҳайрон бўлди. Мусофир одамларнинг жиноят қилишларини кўзлаган, лекин ҳамма нарса Руҳоний ўйлагандек бўлиб чиқди — гўё Худони алдаш мумкиндек, бу ҳафта тавба-тазарру ва маърузаларга бағишланди.

Одамлар Шанталга қарадилар, лекин ҳеч ким у билан гаплашмади. Қиз унга қадалган нигоҳларга тап тортмай қарар, зеро, айбдормаслигини, ибодатда тавба қилишга ҳожат йўқлигини биларди — чунки у қонунларини кеч англаган, англагач ундан ҳазар қилган шафқатсиз бир ўйиндаги оддий пиёда эди.

У хонасига кириб, ойнадан ташқарига қаради. Оломон тарқалган, бироқ Шантал ғалати бир нарсага дуч келди: дам олиш кунига қарамасдан Вискос шаҳри хувиллаб қолганди. Одатда бу кунни бир пайтлар Дор, ҳозирда Хоч турган майдонда одамлар гала-гала бўлиб, гап сотиб туришарди.

У бир неча вақт ойнадан тушаётган кўёш нури юзини қиздираётганини сезган ҳолда яйдоқ кўчага қараб турди. Агар майдонга одамлар тўпланишганда борми, улар об-ҳавони, ёмғир ёғишию қурғоқчиликни муҳокама қилишарди. Лекин бутун уларнинг ҳаммаси уйларига қамалиб олишган, бунинг сабаби Шанталга қоронғи эди.

Ойна қаршисида узоқ турган сари, қиз ҳамшаҳарларидан ҳечам фарқ қилмаслигини тушуниб етди — ўзини бошқача ҳисоблаб, одамларнинг етти ухлаб тушига кирмаган режани тузган — унинг ўзи бўлади-ку.

Қандай шармандалик! Шу билан бирга — қандай енгиллик: у шу ерда Вискосда, тақдирнинг бешафқатлигидан эмас, у шунга лойиқ эканидан ҳам шу ерда. Қиз бир умр ўзгача ҳис қилгани билан, энди бировлардан фарқ қилмаслигини тушунди. Уч марта олтинни ковлаб олди ва ҳар сафар уни олиб кетишга журъат қилолмади.

Ҳа, қиз фақат хаёлдагина гуноҳ қилди, лекин ҳаётда уни амалга оширолмади, қурби етмади.

Гапнинг тўғриси, хаёлда ҳам бундай айб ишни қилмаслиги керак эди, ҳолбуки, бу режа жозиба ҳам, синов ҳам эмасди, у — тузоқ эди.

“Нега тузоқ бўлсин?” — деб ўйлади қиз. Нимадир унга мана шу олтинда Мусофир томонидан қўйилган масаланинг ечими яширинганини айтди, лекин қанчалар уринмасин, ечим нимадалигини тополмади.

Янги ташриф буюрган Иблис Прим хоним елкасида бир пайтлар ярқ этган нурнинг аста-секин сўниб бораётганини кўрди. Афсус, бу ерда унинг шериги йўқ, ушбу галабани энди бировга кўз-кўз қилолмайди.

Лекин Иблис фаришталарнинг ҳам айёрона усуллари борлигидан беҳабар эди, зеро, Прим хоним елкасидаги нурнинг сўниши Иблисни чалғитиш учун кўрилган бир чора эди, холос.

Фаришта фақат қизнинг бироз ухлаб олишини, бу фурсатда у одамзотга хос даҳшат ва айбдорлик ҳиссидан холи қизнинг қалби билан суҳбатлашмоқчи бўлганди.

Шантал ухлаб қолди. Ва у тушида эшитиши зарур бўлган нарсани эшитди, англаш керак бўлган нарсани англаб етди.

— Ортиқ ер ва қабристон ҳақида сўз юритмаймиз, — деди ҳокимнинг Хотини яна черковда “биринчи шахслар” йиғилганларидан сўнг, очиқчасига гаплашамиз.

* * *

Бешовлон бунга розилигини билдиришди.

— Бизнинг падре, — деди зодагон, — Худо айрим ножўя ишларимизни оқлашига мени ҳам ишонтирди.

— Фирромлик қилманг, — деди Руҳоний, — ҳаммасини тушуниш учун деразадан ташқарига бир қарашнинг ўзи кифоя. Шайтон бизларга қўшилмоқчи бўлгани учун ҳам — иссиқ шамол эсмоқда.

— Тўғри, — деди Ҳоким, гарчи Шанталга ишонмаса-да, — бизни бирор нарсага ишонтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун қимматли вақтимизни беҳудага совурмай, очиқ-ойдин гаплашиб оламиз.

— Ижозатингиз билан мен бошласам, — деди меҳмонхона соҳибаси, — барчамиз Мусофир таклифини қабул қилишга ён босяпмиз. Бошқача қилиб айтганда, жинойт тарафдоримиз.

— Яъни қурбонлик келтиришга, — дея тўғрилаб қўйди уни диний атамаларга кўниккан Руҳоний.

Черков даҳлизида чўккан жимлик барчанинг розилигини англатарди.

— Фақат кўрқоқларгина сукут сақлайдилар. Келинлар, фақат Вискосни асраб қолиш учунгина бундай йўл танлаганимизни Тангри эшитиши учун овозимизни чиқариб илтижо қиламиз. Ҳамма тиз чўксин.

Йиғилганлар тиз чўкдилар, гарчи қалбан норози бўлсалар-да, чунки улар Ёвузликни била туриб, содир этилажак гуноҳ учун Худодан кечирим сўраш бефойда эканини яхши билардилар. Улар Ахавнинг

“Кечириш кунни”ни эслаб, яна шундай кун қайтиб келса, ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб, Худони жиноят қилишга мажбур қилгани учун айбламоқчи бўлдилар.

Руҳоний ҳамма унинг ортидан дуони қайтаришларини талаб қилди: — Худойим, бу дунёда ҳеч ким мурувват пешаси бўлмаслигини ўзинг айтмаганмидинг, Сенинг кароматингдан баҳраманд ва Сенигагина чексиз муҳаббат ҳис қилгувчи биз осий бандаларингни кечир. Муқаддас Қуддусни озод қилиш йўлида мусулмонларни қириб ташлаган Хочлиларни кечирганинг, церковларнинг поклигини сақлаб қолмоқчи бўлган инквизиторларни афв этганинг, Сени таҳқирлаб, Голгоф тапалигига олиб чиққанларни гуноҳларидан ўтганинг каби бизларни ҳам кечир, зеро, шаҳарни қутқариш учун қурбонлик келтиришга мажбурмиз.

—Энди масаланинг амалий томонига ўтсак, — деди ҳокимнинг Хотини, — ким қурбон бўлишини ва бу ишни кимлар қилишини ҳал қилиб олайлик.

—Бизлардан доимо мурувват кўриб келган қиз Вискосга Шайтонни етаклаб келди, — деди бир пайтлар Шантал билан бир кечани ўтказган ва бир кун келиб қиз унинг хотинига гуллаб кўйишидан кўрққан зодагон, — ёмонликка фақат ёмонлик бас кела олади, шунинг учун қиз жазога лойиқ.

Йиғилганлардан иккиси Прим хонимнинг ўзини бошқалардан айри ҳисоблаб, пайти келганда бу ерларни ташлаб кетишини яшириб ҳам юрмайдиган ягона кимсалигини таъкидлаб, рози бўлдилар.

—Қизнинг онаси йўқ, энаси ўлган. Унинг гумдон бўлганини биров сезмайди, — деди Ҳоким ва бу таклифни кўллаб-қувватловчи учинчи одам бўлди.

Лекин унинг хотини бунга қарши чиқди:

— Дейлик, қиз олтинларнинг қаердалигини билади, ахир уларни ўз кўзлари билан кўрган ягона инсон ҳам у. Бундан ташқари, бу ерда таъкидланганидек, фақат угина Шайтонни етаклаб келгани, фақат қизгина ҳаммани жиноятга ундагани боис қизга ишонса бўлади. Нима десангиз денг, борди-ю қолган одамлар сукут сақлашса, у ҳолда, қизнинг сўзи табаррук зотларнинг, яъни бизларнинг сўзимизга қарши бўлади.

Ҳар доимгидек Ҳоким хотинининг фикрларига шубҳа билан қаради:

— Нега Шантални ҳимоя қилмоқчи бўляпсан, ахир уни жиннинг суймасди-ку?

— Негалигини мен биламан, — деди Руҳоний, — ким бу фожиани бошлаб берган бўлса, ўша бунинг бадалини тўласин. Токи у умрининг сўнгги дамигача исноддан қутулолмасин, эҳтимол, у ҳам Исо Масиҳни сотган Иуда кунига тушар, зеро, сотқин охир-оқибат ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, алам доғида ўз жонига қасд қилганди.

Ҳокимнинг Хотини Руҳоний келтирган далилдан ёқа ушлади, чунки аёл айнан шулар ҳақида ўйлаганди. Шантал эркакларни ақлдан оздирар даражада сулув эди. У вискосликлар каби яшашни хоҳламаслигини айтиб доим ҳасрат қиларди, гарчи бу ўлкада талай нуқсонларига қарамасдан меҳнатсевар ва интизомли одамлар яшасаларда ва ҳаттоки айримлар дастлаб бу жойда қолишни орзу қилган бўлсалар ҳам (бу ердаги осуда ҳаёт охири жонига тегиб, шаҳарни тарк этган чет элликлар назарда тутилмоқда).

—Бу қизнинг ўрнида бошқа бировни тасаввур қилолмайман, — деди меҳмонхона соҳибаси. У дастлаб Шанталнинг ўрнига бошқа одам то-

пилмаслигини ўйлаб қолди, кейин эса олтиндан ўз улушини олгач, “дўкони”ни ёпиб, узоқларга кетиши мумкинлигини тушунди. — Дехқон ва чўпонлар уюшқоқ ва оилали одамлар бўлиб, кўпчилигининг Вискосни тарк этган фарзандлари бор. Агар шаҳарликлардан бирортасига қандайдир кор-ҳол бўлса, қариндошлари дарҳол буни пайқайдилар. Прим хоним эса — изсиз йўқолиши мумкин бўлган ягона инсон.

Беғуноҳни айблаган одамларни лаънатлаган Исони хотирларкан, Рухоний ҳеч кимга бармоғини кўрсатмади. У кимни қурбонликка келтиришни биларди, лекин у шундек қилиши керакки, токи бу инсон ҳаммага аниқ бўлсин.

— Вискос аҳли эртадан-кечгача меҳнат қилади. Ҳар қим ўз вазифасини адо этади: бу вазифа ҳаммада, ҳатто ўз мақсади йўлида Шайтондан фойдаланишни кўзлаган ўша бечора қизда ҳам бор. Бизлар озчиликмиз, шундай экан меҳнатга яроқли бир кимсадан шунчаки маҳрум бўлолмаймиз.

— У ҳолда ҳазрати олийлари, ҳеч кимни қурбон қилолмаймиз. Мўъжизани кутиш керак, бугун Вискосга янги бир меҳмон келганда эди... Аслида бу ҳам хавфли, эҳтимол, у оилалик бўлиб чиқар, излаб қолиши мумкин. Шаҳримизда ўша фургонда келадиган нонни сотиб олиш учун ҳамма оғир меҳнат қилади.

— Сиз ҳақсиз, — деди Рухоний бу гапга жавобан, — Эҳтимол, кечадан бери қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдираётгандирмиз. Вискосда истиқомат қилувчи ҳар бир одамнинг яқини бор ва керакли пайтда “ундан қўлингни торт” дейиши мумкин. Фақат шаҳримизда уч киши ёлғиз тунайди — бу камина, кампиршо Берта ва Прим хоним.

— Нима, ўзингизни қурбонликка келтирмоқчимисиз?

— Юрт фаровонлиги учун нималарни қурбон қилмайсан, киши.

Қолган бешовлон енгил тортдилар—бирдан улар Шанба куни чароғон ва ҳеч нарса содир бўлмаслигини тушундилар.

Шаҳидлик бўлади.

Шу пайтгача черковда ҳукм сурган оғир муҳитга қандайдир сеҳр барҳам бергандек ва меҳмонхона соҳибаси ўзини Рухонийнинг оёқлари остига ташламоқчи ҳам бўлди.

— Фақат битта мушкуллик бор, — дея сўзини давом эттирди Рухоний, — сизлар ҳамма одамларга диндор ва тақводорларни ўлдириш оғир гуноҳ бўлмаслигини тушунтириб чиқишингиз керак.

— Буни ўзингиз одамларга тушунтириб берасиз! — дея ҳайқириб юборди Ҳоким бўлажак пуллар ҳисобига қандай ислоҳотларни ўтказиш, газеталарда қандай рекламалар бериш, солиқни камайтириш эвазига қандай сармояларни жалб қилиш, ҳозирда муаммо бўлиб турган алоқани тиклаш учун янги кабеллар ўтказилиб, меҳмонхона таъмирлангач, сайёҳлар оқими нақадар кўпайиб кетишини ўйлаб руҳланиб кетди.

— Йўқ, мен бу ишни қилолмайман, — деди Рухоний, — халқ ўлдирмоқчи экан шаҳидлар бунга қарши чиқмайди. Лекин улар ўзларига ўлим изламайдилар, зеро черков доимо ҳаёт. — Худонинг туҳфаси эканини уқтириб келади. Одамларга ўзингиз тушунтиринглар.

— Бизга ҳеч ким ишонмайди. Уттиз чақа учун Иуда Исони сотгани каби, бизларни ҳам тақводор инсон ҳаётига зомин бўлган энг ярамас қотиллардан деб биладилар.

Рухоний елкасини қисди. Яна қуёш чекиниб, черковда таранг вазият вужудга келди.

— У ҳолда фақат Берта хоним қолди, — деди зодагон.

Узоқ сукутдан сўнг Рухоний гап бошлади:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Кўринишидан кампир жудоликдан кўп азият чекапти: неча йилдан бери об-ҳавога қарамасдан куни бўйи эшиги олдида бекор ўтиради. У ҳеч нарса қилмайди — фақат эзилади, менимча, бечоранинг эси оғяпти: ёнидан ўтаётиб кўп марта ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирганига гувоҳ бўлганман.

Яна хонада енгил шамол эсди, йиғилганлар дераза ёпиқлигини кўриб, кўрқиб кетдилар.

— Унинг ҳаёти изтиробларга тўла бўлди, — деди меҳмонхона соҳибаси. — Эрининг ёнида бўлиш учун кампир ҳеч нарчасини аямаган бўларди, деб ўйлайман. Улар қирқ йил турмуш қурганини биласизми?

Буни ҳамма биларди, лекин ҳеч кимнинг бу билан иши бўлмаган.

— Кампир жудаям улуғ ёшда, дейиш мумкинки, бир оёғи гўрда, — кўшимча қилди зодагон. — Шунингдек, шаҳримизда бирорта иш билан банд бўлмаган ягона инсон. Бир гал кампирдан нега сиз ҳатто қиш пайтиям эшик олдида ёлғиз ўтирасиз, деб сўраб ҳам кўрдим Биласизми, нима деб жавоб берди Берта хоним? Шаҳарда Ёвузлик пайдо бўладиган кунни ўтказиб юбормаслик учун пойлоқчилик қилаётганмиш.

— Вазиятга кўра, у вазифасини удалолмаган.

— Билъакс, — деди Руҳоний, — сўзларингиздан шуни англадимки, Вискосга Ёвузликни киритган одамнинг ўзи уни ҳайдаб чиқаради.

Йиғилганлар яна жим қотдилар ва барча ниҳоят қурбон танланганини тушундилар.

— Охирги гап, — деди меҳмонхона соҳибаси, — бизлар шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши учун қачон ва кимни қурбон келтиришни биламиз: ушбу маросим туфайлигина унинг пок руҳи заминдаги азобли умрни тарк этиб, риҳлатга равона бўлади ва у ерда бахтиёр бўлади. Фақат буни қандай амалга оширамиз, шуни аниқлашгина қолди.

— Вискосдаги жами эркаклар билан гаплашиб кўриш керак, — деди Руҳоний. — Соат тўққизда шаҳардаги майдонда йиғилишсин. Ундан олдин бизлар бу ерга йиғилиб, бегоналарсиз гаплашиб оламиз.

Руҳоний йиғилганлар тарқаётганда ҳокимнинг Хотини ва меҳмонхона Соҳибасидан майдондаги йиғилиш пайти Бертанинг олдига бориб, уни чалғитиб туришларини сўради.

Ҳолбуки кампир кечалари ҳеч қасққа чиқмасаям, эҳтиёт чораси ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган.

Одатдаги вақтда Шантал барга келди. У бўм-бўш эди.

* * *

— Бугун кечқурун шаҳар майдонига Вискоснинг жами эркаклари йиғилишяпти, — деб тушунтирди меҳмонхона соҳибаси.

У бошқа ҳеч нарса демади — Шантал шундоқ ҳам нималар бўлишини биларди.

— Олтинларни ўз кўзинг билан кўрганмисан?

— Кўрдим. Лекин сиз Мусофирдан олтинларни шу ерга келтиришини сўрашингиз керак. Режаси амалга ошгач, бу ерлардан гумдон бўлиши ҳам мумкин.

— У тентак эмас-ку?

— Тентак.

Меҳмонхона соҳибасига бу фикр ёқиб тушди. У Мусофирнинг хонасига кирди ва бироздан сўнг қайтиб келди.

— Рози бўлди. Олтинлар ўрмонга яширилганини ва эртага уларни олиб келиши айтди.

— У ҳолда бугун керагим бўлмаса керак?

— Йўқ, кераксан. Сен ўз шартномангиздаги ишларни бажаришинг керак.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Соҳиба черковда бўлиб ўтган гапларни қизга қандай етказишга тараддулданди, чунки қизнинг бунга муносабатини билишга қизиқаётганди.

— Бу ишлардан бошим қотиб қолди, — деди у, — етти ўлчаб бир кесиш кераклигини биламан...

— Етти марта эмас, етти юз марта ўлчаб кўришсин, барибир кесишга юраклари дов бермайди.

— Эҳтимол, — деди соҳиба. — Қарор қилишса, унда сен нима қилган бўлардинг?

Аёл қизнинг фикрларига қизиқар, қиз эса Вискосда қанча яшамасин, уни Мусофирчалик билмаслигини англаб етди.

Майдондаги йиғилиш! У ерда Дорнинг йўқлигига минг афсуслар бўлсин.

— Хўш, нима қилган бўлардинг? — деб соҳиба қизни қистовга олди.

— Бу саволингизга жавоб бермайман, — деди Шантал, гарчи нима қилишини аниқ билса-да, — фақат Ёвузлик ҳеч қачон ортидан Эзгуликни етаклаб келмаслигини айтаман. Кундузи бунга ўзим амин бўлдим.

Меҳмонхона соҳибаси ичида бундай беҳурматликдан аччиқланган бўлса ҳам, донолик билан баҳс қилмасликни, Шантал билан тортишмасликни лозим топди, бу кейинчалик кўп муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. Бугунги даромад пулини ҳисоблашни баҳона қилиб (шу ондаёқ билдики, топган баҳонаси, фирт аҳмоқликнинг ўзи, чунки меҳмонхонада биттагина одам турарди) кўздан ғойиб бўлди.

Соҳибанинг кўнгли тинч эди — Прим хоним нималар бўлаётганини билгандан кейин ҳам норозилигини кўрсатмади. Нима ҳам дерди, қизгаям пул керак, кўп пул керак, чунки унинг ҳаёти ҳали олдинда, балки қиз ҳам Вискосни аллақачон тарк этган ўз тенгқурларидан ўрнак олар. Шанталдан ёрдам бўлмас экан, демак, у бировга тўсиқ ҳам бўлмайди.

Бемаза кечки таомдан сўнг Руҳоний черковдаги ўриндиқда танҳо ўтирди. У бироздан сўнг келадиган Ҳокимни кутарди.

*Русчадан
Улуғбек ДОЛИЕВ
таржимаси*

Давоми бор

Амрита ПРИТАМ

Мен бор эдим...

ЎЗГА АЁЛ

Ковоғимдан ёққанида қор
Вужудимда гуллади анбар
Булутларни шамол бағрига
Аста боғ-боғ қилиб боғладим.
Мангуликка нақш этдим сени.
Сен ва менинг соямиз узра
Аёл келиб беғам ухлади
Бу унинг бир мажнунлигим?
Бошоқларни бўлишдик биз ҳам
"У" табиий эди — иккимиз
Дил тубида тўйган тўйғулар
Аёл макри афсонаси — бу
Ўтмишларда қолган эски гап...

БОШҚА ТАСВИР

Мен бор эдим, балки сен ҳам мавжудсан
Соя ичра рақс тушувчи сояман
Сен ҳам рангин соясан балки
Зулматнинг қўйнида тун парчалари
Аmmo у воқеа буткул тарихий...
Тун ва дарахтларнинг қора чодири
Шарпамизни яшириб бўлгандир, балки.
Ва қуёш нурлари тушиб тонг саҳар
Ўтиб кетди вужудимиздан
Ва боқий тошларга мангу нақшланар.
Фақат вужудгина — оининг ўроғи
Бу оламнинг ўзга сувратидир, боқ!

*ЎКТАМОЙ
таржималари*

XX аср иккинчи ярмидаги ўзбек-ҳинд адабий алоқалари силсиласида машҳур панжоб шоираси Амрита Притамнинг ўрни алоҳида эътиборга молик. Хусусан, унинг суюкли халқ шоири Зулфия билан ижодий ҳамкорлиги ибратли. А.Притам панжоб, ҳиндий ва урду тилида баравар ижод қилган серқирра шоира эди. Унинг жонажон диёримизни илҳом ила тараннум этган шеърлари ўз вақтида мўътабар шоир ва таржимонларимиз томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Шоира Ўктамой дўстона алоқалар аънанасига содиқ қолган ҳолда А.Притам ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган айрим шеърларини тағлама ёрдамида журналхоналаримизга ҳавола қилмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

61

Яшил рангни тўлдирад барглар,
 Сут рангида эди булут либоси
 Гуллар ҳам оқ-қизил — турли тус олди,
 Осмон ҳам чалқанча узанди кўкка
 Тасвир — бу ўтмишда қолган санъатдир...

БОШҚА АСАР

Мен бир малак эдим самодан тушган,
 Сув тусига кирмоқ эди тилагим.
 Оташдек фош бўлмоқ сенинг тилагинг,
 Сўнг оташ жилваси сувда балқийди.
 Аммо у бутунлай ўтган гап эди.
 Мен бир тупроқ эдим, чанқоғим
 Дарёнинг сувини ичиб қуритган;
 Менинг орзуимнинг яшил орзуси
 Сенинг ўрмонингни бир ямлаб ютган;
 Менинг тувакдаги ғамгин ниҳолим
 Хушбўй ҳидларингдан беҳуш, маст эди...
 Кўм-кўк орзунг, гўзал умидинг
 Тупроқ тўшагида беғам ухлайди.
 Бу икки вужуднинг хушбўй исидир
 Ва бу ҳақиқатнинг ўзга асари,
 Ўтмишнинг бағрида қолган асардир...

БОШҚА ХОТИРА

Вужуд хотирасидан тортиб
 Вужуд обрўсигача мен эдим.
 Вужуд ҳуснидан тортиб
 Вужуд ишқигача сен эдинг.
 Мен бир мангуликнинг илми эдим —
 Менга сабоқ берган, эзгулик берган.
 Сенсан мангуликнинг илк тантанаси
 "У"ни тан олган қўрқувдан холидир,
 Менинг, сенинг ва "у"нинг ҳаёти
 Инсон хотираси мозийда қолган
 Ҳаётнинг чўнг тасвири эрур...

БОШҚА КИТОБ

Мен бор эдим, балки сен ҳам бўлгансан
 Балки бир нафаслик оралиқдамиз.
 Балки бир лаҳзалик зулматда эдим,
 Кўчасига кирдим одамийликнинг.
 Аммо у бутунлай тарихий гапдир.
 Борлигимиз эди бу иккимизнинг
 Дунёнинг тилига айланган китоб.
 Мени билишлари мангуликка дохил
 Сени билишлари дохил абадиятга.
 Улар бошқа бир тилда китоб ёздилар
 Ва олиб кирдилар адабиётга.
 Дийдорлашув эди бу иккимизнинг
 Ухладик қаттиқ тош тўшакда

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ва кўзу лабимиз, бармоқ бўғини ҳам
 Вужудимиз менгзар абадиятга
 Улар тилмочидир ўзга китобнинг
 Риведа¹ мозийда қолган асардир...

* * *

Дардларим бор эди
 Уларни тамаки чеккандек чекдим жим
 Шеърларим бор эди — уларни
 Тамаки қулидек тозалаб ташладим.

МЕНИНГ МАНЗИЛИМ

Бугун мен ўз уйимнинг рақамини ўчиртириб ташладим
 Ва кўча пештоқидаги кўча номини ҳам олдириб ташладим,
 Кўчамга олиб келувчи йўлни ҳам бузиб ташладим,
 Аммо агар сизга мен керак бўлсам
 Унда ҳар мамлакатнинг, ҳар бир шаҳарнинг
 Ҳар кўчасининг дарвозасини тақиллатинг.
 Бу бир қарғиш, бу бир дуо ва қаердандир
 Озод руҳ ялт этиб кўринса кўзга,
 Билинги, бу менинг уйимдир.

БОШҚА ҚЎШИҚ

Мен бор эдим, балки сен ҳам бўлгансан
 Чексиз бу сукунат ҳокимлигида
 Сўлиган япроқлар каби тўкилган
 Ё дарё сатҳида эриган кумдек.
 Аммо у бутунлай қолиб кетган гап...
 Кўча муюлишидан чақирдим сени
 Сен қайрилиб жавоб берганинг кезде
 Шамолнинг бўғзида бошланди титроқ
 Тупроқ ҳам бир шовқин кўтарди тўзиб
 Ва дарё шивирлар ими-жиммида
 Дарахтнинг шохлари бирлаша бошлар
 Барглар ноласида чинқириқ
 Ниҳоллар кўзларин қисади тажанг
 Бир қуш қанот қоқди, бу қанот қоқиш
 Илк қўшиқ эди мен тинглаган
 Еттита товушнинг бирлашуви бу
 Ўтмишларда қолган жуда эски гап...

¹«Риведа» афсонаси.

Эдуард БУЛЬВЕР-ЛИТТОН

Помпеянинг сўнгги кунлари

Роман

УЧИНЧИ КИТОБ

I БОБ

Помпеяда форум

Эрталаб ҳамма Форумга боради: ишлари борлар ҳам, бекорчилар ҳам. Ҳозирги Парижга ўхшаб, ўша вақтдаги Италия шаҳарларида бўлганидек эркаклар ҳамма вақтларини уйдан ташқарида ўтказар эдилар. Сирасини айтганда, жамоат бинолари, Форум, пештоқлар, ҳаммомлар, эҳромлар улар учун ҳақиқий уй эди; Помпеяда бу севимли жойларни ҳашамдор қилиб безашлари ва улар билан фахрланишлари ажабланарли ҳол эмасди. Помпеядаги форум дарҳақиқат ўша вақтда жуда гавжум бўлар эди. Йирик-йирик мармар тахталар ётқизилган кенг йўлчаларда гурас-гурас одамлар тўпланар, қарийб ҳар бир сўзда қўллари билан ишоралар қилиб қизгин гурунглашар эдилар, бу тахлитда гаплашиш ҳалигача Италия жанубидаги аҳолига хос нарса. Устун ёнидаги етти дўконда саррофлар ўтирарди, уларнинг олдида танга уюмлари ялтирар, атрофда эса ола-була либосдаги маллоҳлар ва савдогарлар гужғон эди. Устунларнинг нариги томонида узун тўга кийган одамларни кўриш мумкин эди, улар суд кетаётган муҳташам бино томон ошиқар эдилар; булар ишлар бўйича тиниб-тинчимас, сергап, зукко хусусий оқловчилар эди.

Майдоннинг ўртасидаги шоҳсупаларда ҳайкаллар қад кўтариб турар, улардан энг ажойиби Цицерон ҳайкали эди. Бино тўғри ва симметрик дорий устунлари билан қуршалган, мана шу устунлар тагида иш туфайли каллаи саҳардан форумга келиб олган бир қанча одам Италия одатига кўра нонушта қилар ва нонни шаробли косада ивитганча ўтган тундаги зилзила ҳақида ўзаро гап сотар эди.

Форумда чакана савдогарлар кезиниб юришарди. Бири қишлоқ оймчасини тасма сотиб олишга ундар, бошқаси семиз деҳқонга қавшларини мақгарди, учинчиси ҳозир Италия шаҳарларида кўплаб учрайдиган аравачали сотувчи қорни оч одамларга жажжи кўчма ўчоқдаги иссиқ овқатни таклиф этарди. Шундоқ яқинда эса ўша тало-тўпли ва шу билан бирга маърифатли замон учун зиддиятли ҳолат намоён эди — устоз ёш шогирдларига лотин сарфу наҳвидан сабоқлар берарди. Пешайвон устидаги энсиз ёғоч зинадан кўчага тушиш мумкин бўлган йўлак ҳам одамларга тўла, бироқ бу ерда кўпроқ муҳим ишлар муҳокама қилинганидан одамлар пастроқ ва жиддийроқ суҳбатлашар эдилар.

Давоми. Боши журналимизнинг ўтган сонларида.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

64

Вақти-вақти билан халойиқ Юпитер эҳромга (у ҳам шу ерда, Форумда бўлиб, Сенатнинг Мажлислар уйи бўлиб хизмат қиларди) йўл олган ва дўстлари ёки танишларга ясама камтарлик билан бош ирғаган битта-яримта сенаторга йўл бериб, эҳтиром ила ўзларини четга олар эдилар. Ранг-баранг ва қимматбаҳо кийимлар орасида жамоат омборларига йўл олган, яқин-орадаги қишлоқлардан келган деҳқонларнинг бесўнақай гавдаларини кўриш мумкин бўларди.

Эҳром билан ёнма-ён зафар арки қад кўтариб турарди ва унинг орқасидаги узун кўчада одамлар гавжум эди. Арkning тоқларидан бирида қуёш нурларида қувноқ йилтираб фаввора отилиб турарди, арк устида эса булутсиз ёз осмонида чиройли товланиб император Калигуланинг жездан ишланган отли ҳайкали қад кўтарган. Саррофларнинг дўконлари ортида бир бино бўлиб (у ҳозир Пантеон¹ деб аталади), шаҳарлик одамлар қўлтиқларида саватлар билан кичкина вестибюл орқали ичкарига ғолибона ўтиб келар эдилар. Қурбонликлардан қоҳинлар ихтиёрида қолувчи ҳамма нарса сотиладиган устунлар оралиғидаги саҳнга одамлар сал қисилиброқ юриб ўтишарди.

Жамоат биноларидан бири олдида усталар устунлар тикламоқда эдилар, улар болғаларининг тақ-туқлари дам-бадам халойиқ говурини босиб кетарди. Бу устунлар бугунги кунгача ўша-ўша чалалигича қолиб келмоқда!

Булар барчаси биргаликда расм-русумлар, насл-насаблар, урф-одатлар, машғулотларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хилма-хиллигини ташкил этарди. Ҳаётнинг катта беҳаловатлиги, хушчақчақлиги, жонлилиги, қайнаши ва жилваланишини тасаввур этиш қийин. Бу ерда дилхушлик ва савдо-сотик, бекорчилик ва меҳнат, хасислик ва кибру ҳаво ўзларининг хилма-хил ва шу билан бир вақтда уйғун оқимларини битта қилиб қўшиб юборган шиддаткор тамаддуннинг барча қиёфаларини кўриш мумкин эди.

Юпитер эҳроми олдидаги зинада эллик ёшлардаги бир одам қўларини кўкрагида боғлаган ва нафратомуз хўмрайганча тик турарди. Унинг эгнидаги кийимлар ғоят жўн эди, унда Помпеядаги барча тоифа одамлари тақиб юрадиган тақинчоқлар йўқ эди; тақинчоқларга сабаб: улар бундай тақинчоқларни яхши кўрар эдилар, аммо яна бир сабаб шунда эдики, тақинчоқлар сеҳр-жоду афсунларидан ва ёмон кўзлардан асровчи жонли мавжудотлар шаклида ясалган бўларди. Ҳалиги одамнинг пешонаси дўнг ва тепакал бўлиб, энсасидаги тўкилмай қолган бир тутамгина сочини ридосининг қалпоғи яшириб турарди, бинобарин, уни кўтариб ва тушириб қўйса бўларди, ҳозир эса у бошини қуёшдан сақлаш учун олдинга тортиб қўйилганди. Бу одамнинг кийими Помпеяда расм бўлмаган жигаранг тусда бўлиб, қирмизи безаклари йўқ эди. Камарга мўъжазгина давоқ қистириб қўйилганди, услуби — ёзиш учун учи йўнилган чўпак ёзгич ва катта-катта мумланган қоғоз найчалар. Кўзга айниқса яққол ташланиб турган нарса камар орқасида катмоннинг йўқлиги эди, Помпея аҳолиси учун майли, ичи бўм-бўшдир, — начора! — аммо унинг бўлиши зарурий саналарди.

Шаҳарнинг қувноқ ва ўзини яхши кўрадиган аҳолиси атрофдагиларга камдан-кам эътибор қилар эди, аммо мана бу одамнинг дадил нигоҳида шу қадар аччиқ нафрат бор эдики, у эҳром зиналаридан кўтарилиб келаётган диний намоишга қараб турганида, кўпларнинг кўзи беихтиёр унга тушди.

¹Юнонча «Пантеон» сўзи барча худоларга бирдек бағишланган эҳромни англатади.

– Анови киник¹ ким бўлди? – сўради бир савдогар ўзининг заргар кўшнисидан.

– Бу Олинф, – жавоб берди заргар, – таниқли насоро, масиҳий. Савдогар чўчиб тушди.

– Даҳшатли мазҳаб! – деди у шивирлаб. – Айтишларича, масиҳийлар ҳар доим ўзининг тунги маросимларини янги туғилган чақалоқни ўлдиришдан бошлармиш. Тагин ўзларини тақводор дейишларига ўласанми! Разиллар! Тақводор эмишлар! Агар ҳамма улардан ўрناق олса, савдогарларнинг, заргарларнинг ҳам ҳоли не кечади?

– Ҳаққол-рост, – деди заргар. – Улар қимматбаҳо дуру гавҳарлар тақмайдилар, илонни кўрганда сўкинадилар. Помпеяда эса барча тақинчоқлар илон шаклида ясалади.

– Ана, кўрдиларингми, – деди учинчи одам, жез коса ва ҳайкалча-лар қуйиладиган устахона эгаси, – муборак қурбонлиқ намойишига бу насоро қанақа қараяпти! Унинг нималарни бидирлаётганини эшитаяпсизларми? У эҳромга лаънатлар ёғдираяпти, ишонаверинглар. Биласанми, Цельцин, бу одам яқинда устахонам олдидан ўтиб кетаётди ва менинг Минерва ҳайкалини ишлаётганимни кўриб, бурнини жийрди ва: "Аттанг, жездан экан-да, агар мрамардан бўлганида, чилпарчин қилиб ташлардим", – деди. "Маъбудани-я?!" – жон-поним чиқиб кетди менинг. "Қанақасига маъбуда экан! – деди шу даҳрий. – Бу иблис, шайтон-ку". Кейин сўкиниб-сўкиниб йўлига равона бўлди. Наҳотки, биз бунга тоқат қиламиз? Ўтган тундаги ер қимирлашидан ажабланмаса бўлади, – у кўксидан мана шу даҳрийни улоқтириб ташламоқчи бўлганди. Даҳрий дейиш ҳам камлик қилади. У санъат кушандаси. Борди-ю, шундай одамлар қонун ўрнатадиган бўлиб қолишсами, биз ҳайкал усталарнинг шўри қуриди дейверинглар!

– Нерон даврида Римнинг кулини кўкка совурганлар шулар, – ух тортди заргар.

– Шу тариқа улар масиҳийнинг шаънига "дўстона" таъналар ёғдиришар экан, Олинф уларнинг диққатини ўзига тортаётганини сизди. У атрофга назар солди ва теварагига одамлар тўпланаётганини, унга қарашаётганини ва пичир-пичир қилишаётганини кўрди. Уларга ўқрайиб ва шу билан бирга ачиниб қараб қўйди-да, у ридосига ўраниб, баланд овозда гудранганича у ердан кетди:

– Гумроҳ бутпараслар! Наҳотки ўтган тундаги зилзила ақлларингни киритмаган бўлса? Эвоҳ! Қиёмат кунида ҳолларинг не кечаркин?

Бу кароматни эшитганларнинг ҳар бири уни ўз жаҳолати ва қўрқоқлиги даражасида ўзича тушунди, бироқ барчалари унинг даҳшатли қарғиш эканида ҳамфикр эдилар, улар насорога инсон зотининг душманига қарагандек қараб туришарди...

Оломон ичидан чиққач ва форумнинг энг чекка жойигача етиб боргач, Олинфнинг кўзи юзи оппоқ ва жиддий бир кишига тушди. Уни дарҳол таниди. Коҳинлик либосини яшириб турган ридосига ўранган Апекид сал бўлмаса ўзига огдириб олган янги, сирли дин ихлосманди Олинфга ҳали унчалик ишонмас эди.

– Наҳотки у ҳам ёлғончи бўлса? Наҳотки шундай одми кийинган, кўриниши ҳам соддагина бу одам, наҳотки у ҳам, Арбак сингари, ўзини жиддий кўрсатиб, асл башарасини яшираётган бўлса? Наҳотки Веста чодирни бундай иллатни хаспўшлаб турган бўлса?"

¹Киникларнинг эрамизгача IV асрнинг иккинчи ярмидан мавжуд бўлган фалсафий мактаби барча турмуш фароғатлари қадриятини инкор этган, ягона фароғатни руҳий хотиржамликда кўрган. Бу ерда янги дин вакиллари – масиҳи (христиан)ларни Рим диктаторлари халққа ёмон кўрсатиб, бўҳтон, иғволар қилгани, халқ эса жамоа бўлиб аҳил яшовчи масиҳийларни янглишиб, Диоген каби якка яшовчи киникларга ўхшатади. (Тарж.).

Барча насл-насаблардаги одамларни кўравериб кўзи пишган ва ўз яқинларини яхши билган масихий Олинф Исиданинг янги қоҳини Апекиднинг юзидан қалбида нималар кечаётганини фаҳмлади. У қоҳиннинг синовчан нигоҳини хотиржам, очиқ ва самимий бир тарзда қарши олди.

— Сенга тинчлик тилайман, — салом берди Олинф ёш қоҳинга.

— Сенга ҳам тинчлик бўлсин, — алик олди қоҳин. Унинг овози шу қадар ҳазин чиқдики, масихийнинг унга раҳми келиб кетди.

— Бу салом-алиқда, — деди Олинф, — ёруғ дунёдаги барча яхши нарсалар мужассам, — ахир яхшилик бўлмаса тинчлик бўлармиди? У камалакка ўхшайди, ўзи ерга тираниб туради-ю, учи осмони фалакларда кўринмай кетади. Фалаклар уни мунаввар қилиб туради, у булутлар орасида макон тутайди, мангу сўнмас қуёшни акс эттиради, хотиржамлик бағишлайди. Бундай хотиржамлик, эй йигит, юракни яшнатади, мангу нурни ўзида намоён этади. Салом, тинчлик тилайман сенга.

— Афсуски!.. — гап бошлади Апекид, бироқ барчага отнинг қашқасидек таниқли масихий билан Исиданинг қоҳини нима тўғрисида гаплашишлари мумкинлигини билишга муштоқ бекорчиларнинг қизиқиб қарашаётганини кўриб — жимиб қолди ва аста кўшиб кўйди: — Бу ерда гаплашиб бўлмайди. Дарё бўйида кўришайлик, у ерда бир йўлка бор, айнаи вақтда у ер холи.

Масихий Олинф бош ирғади. Ҳар томонга зийраклик билан нигоҳ солганча, у кўчалардан тез-тез юриб кетди. Аҳён-аҳёнда йўловчилардан айримлари билан маънодор кўз уриштириб кўяр ёки билинар-билинмас бош ирғар эди, уларнинг кўпчилиги кийимларига қараганда, қуйи тоифаларга мансуб бўларди, зеро, бошқа барча нарсаларга, шу жумладан тарихдаги буюқдан кўра мундайроқ эврилишларга ўхшаб, насронийлик даставвал авомуннос қалбида хантал уруйдек келадиган заррача эди, холос.

II БОБ

Жамоа

Масихий, унинг изидан эса Апекид ҳам Сарин дарёси соҳилига етиб келди. Эндиликда бир кичик жилғага айланиб қолган бу дарё ўша вақтларда денгиз томонга шовуллаб оқар, унда сонсиз кемалар сузар, сувларида эса Помпея боғлари, узумзорлари, саройлари ва эҳромлари акс этиб турар эди. Шовқинли ва гавжум соҳилга етиб келгач, Олинф дарёдан атиги бир неча қадам нарида соядор дарахтлар тагидан кетувчи йўлкага бурилди. Оқшомлари бу ерда шаҳарликлар сайр қилишни ёқтиришарди, кун иссиғида югуриб, ўйнаб юрган бола-бақралар ва битта-яримта ўйчан шоир ё баҳслашган файласуфларни ҳисобга олмаганда бу ерга одам камдан-кам келарди. Йўлканинг ҳув охирида шамшоднинг ям-яшил шохлари нафис чайқалади, уларга фавн ва сатирлар ёки Миср эҳромлари ё бўлмаса шаҳарнинг ҳамма севган биронта машҳур фуқаросининг бадхат имзоси кўринишида дид билан шакл берилган. Кўпол дид бўлса-да, ўзининг қадимийлиги билан барибир яхши.

Тушки қуёшнинг қия нурлари шохлар орасидан бу йўлкага тушиб турган ушбу паллада у мутлақо кимсасиз эди, ҳарҳолда Масихий Олинф ва ёш қоҳиндан бошқа бу яқин-атрофда ҳеч зоғ кўринмасди. Улар дарахт остидаги ўриндиқлардан бирига ўтиришди. Дарё томондан эсаётган енгил шабада уларнинг юзига салқин урилар, рўпараларида дарё суви мавжланиб, ярақларди. Бу таажжубланарли жуфтлик эди: энг янги дин ихлосмандию жаҳон динлари ичида энг қадимийсининг қоҳини!

— Ўшанда мени тўсатдан ташлаб кетганингдан буён яхши юрибсанми? — сўради Олинф. — Коҳинлик либоси остида юрагинг осойиш топдими? Эй, Тангри сасига муштоқ банда, Исида соҳибкароматларида унинг акс-садосини топа олдингми?.. Сен хўрсинаётирсан, тескари қараётирсан, кўнглим сезган жавоб шу бўлади.

— Ҳайҳот, — жавобан деди Апекид хўрсиниб, — рўпарангда бир бадбахт гуноҳқорни кўриб турибсан! Болалигимдан яхшилиқни орзу қилардим. Мағораларда ва хилват гўшаларда олий мавжудотлар билан мулоқотда бўлган одамларнинг табаррукликларига ҳавас қилар эдим. Кунларни бўронли ва лойқа орзуларда ўтказардик, тунлари эса... тунлари вужудимга ғалати, аммо тантанавор арвоҳлар меҳмон бўларди сохта кароматгўйликларга алданиб, мен мана шу либосни кийдим. Кейин эса юрагимни (сенга ошқора иқроор бўламан) кўрганларим ва иштирок этишга мажбур бўлган кунларим безовта қилди. Ҳақиқатга интилиб, мен алдов қулига айландим. Сен билан учрашганимиз ўша оқшомда бу каззоб (Арбак) дилимга янги умидлар солди, аслида мен уни яхшироқ билишим керак эди... Аммо буниси муҳим эмас! Ўзимнинг таваккалчилигимга мен қасам ичишдек жиноятни ва гуноҳни кўшдим. Аммо энди кўзим очилди. Мен фариштага таъзим қилдим деб ўйловдим, аммо у шайтон бўлиб чиқди! Дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди, билмадим, унинг устидан хўжайинлик қиладиган худолар борми, йўқми? Ёки биз тасодиф кўғирчоқларимизми ва бу қисқа ва қайғули ҳаётимиз ортида нима кутаётибди бизни — зулматми ёки янги ҳаётми? Менга ўз диним ҳақида сўзлаб бер, шубҳаларимни тарқат, агар ростданам бу сенинг қўлингдан келса.

— На сенинг аччиқ хатоларинг, — деди насоро, — на ҳозирги шубҳаларинг менга таажжубли эмас. Атиги саксон йил муқаддам одамларда ягона Худога ва нариги дунёга ишонч йўқ эди, аммо энди қулоғи эшитадиганлар учун янги илоҳий қонунлар эълон қилинган, — ҳақиқий Олимп осмон эканлиги кўзи борларга кўриниб турибди. Энди диққат билан эшит.

Ўзи диндор ва бошқани ҳам динга тортган одам сифатида масиҳий тантанали сувратда Инжил фарзларининг ҳақиқийлигига Апекидни ишонтира бошлади. У Исо Масиҳнинг азоблари ва мўъжизалари тўғрисида ва халоскорнинг меърожи тўғрисида йиғлаб сўзлаб берди. У мўъминлар учун тайёрланган мусаффо ва беғам-беташвиш арши аълони ва гуноҳкорлар учун тайёрланган дўзах оламини тасвирлаб берди.

Исо-Масиҳ томонидан инсониятни зулмдан халос қилиш учун ўзини қурбон қилишга кейинги вақтда юзага келган шубҳалар ўша замонлар маъжусийининг ҳаёлига ҳам келиши мумкин эмасди. У "худолар"нинг ерда яшаганларига, одам қиёфасига кирганларига, одамлар меҳнати, азоб-уқубати ва бахтсизликларини баҳам кўрганларига ишонар эди. Алменанинг ўғли¹ инсоният насли учун меҳнат қилмаганмиди? Шу сабабли маъжусийлар уни азиз билиб, меҳроблар ўрнатиб, қурбонлик учун хушбўй исириқ ёқадилар. Дорийлик ер остига кириб, сирли гуноҳи учун тавба-тазарру қилмаганмиди? Фалакдаги илоҳлар одамларга қонунлар улашар ёки уларга раҳмат нурини ёғдирар эдилар, одамларнинг миннатдорликлари эса саждага айланар эди. Шу боис Исо-Масиҳнинг осмондан ерга тушиши, илоҳнинг бандага айланиши ва ажал болини тотиши халққа ғайриоддий ва ғалати бўлиб кўринмас эди.

¹Юнон қабилалари орасида Аполлон худосига энг кўп дорийлар сажда қилар эдилар.

— Кетдик, — деди насоро ёш қоҳинга унинг сўзлари қандай таъсир қилганини кўриб. — Бизлар, озгина диндорлар тўпланадиган камтарингина уйга борайлик. Бизнинг дуоларимизни эшитиб кўр, тавба-тазарруда тўккан кўз ёшларимизни кўр, биз билан биргаликда оддий-оддий қурбонликлар қил, — кўзичоқларни эмас, гулчамбарларни эмас, балки қалб меҳробига нисор этиладиган ёрқин фикрларни қурбонлик қил...

Олинфнинг бу руҳлантирувчи сўзларида Апекидга қандайдир сахий эзгулик бордай туюлиб кетди. Тўлқинланиб, у бўйсунди. У ҳозир ёлғизликни кўтара олмас, бунинг устига у қизиқувчан бир ҳолатда эди — у бу қадар мавҳум ва бир-бирига қарши миш-мишлар юрган урф-одатларни кўрмоқчи эди. У шошмади, ўзининг либосига қаради. Арбакни эслади ва даҳшатдан сесканиб, насорога қаради. Кейин яхшироқ яшириниш учун ридосига чирмалди ва деди:

— Бошла. Мен изингдан бораман.

Суюниб кетган Олинф унинг қўлини қисиб қўйди ва дарёга тушиб, қайиқлардан бирини чақирди — бундай қайиқлар бу ерда кўп эди. Улар қайиққа тушишди. Чодир уларни куёшдан ҳимоя қилар ва ёт нигоҳлардан яширарди, қайиқ сув юзида тез сузиб кетди. Сал наридан сузиб ўтиб кетаётган қайиқларнинг биридан паст мусиқа кулоққа чалинади, қайиқнинг тумшуғи гуллар билан безатилганди, қайиқ денгиз томон сузиб борарди.

— Ана шунақа, суюнган ва ўз хатоларидан беҳабар ҳолда бу роҳат ишқибозлари уларни бўрон ва ҳалокат кутаётган баҳри муҳитга сузиб кетмоқдалар, — деди Олиф. — Уларнинг ёнидан билдирмай сузиб ўтиб кетамиз-да, соҳилга етиб оламиз.

Апекид кўзини кўтариб, чодирдаги тешиқдан қайиқдаги йўловчи аёллардан бирини кўрди — бу опаси Иона эди. Қоҳин хўрсиниб қўйди ва яна жойига ўтирди. Улар ифлос, чекка кўчаларга яқин жойда қирғоққа келиб қўнишди. Олинф қайиқдан тушиб, Апекидни чалкаш кўчалардан бошлаб кетди ва ниҳоят, қўшниларникидан каттароқ бўлган уйнинг қулфлог эшиги олдида тўхтади. У уч марта тақиллатди — эшик очилди ва Апекид йўлбошловчиси билан изма-из остонадан ҳатлаб ўтиши ҳамон эшик ёпилди.

Улар бўм-бўш атрий — йўлак орқали ўтиб, чоғроқ хонага кирдилар, эшик устидаги кичкина дарчадан ёруғлик тушиб турарди, холос. Остонада тўхтаб ва эшикни қоқиб, Олинф деди: "Саломлар бўлсин!" Ичкаридаги овоз сўради: "Ким керак?" — "Мўъминлар!" — жавоб берди Олинф ва эшик очилди. Бесўнақай ёғоч хоч олдида, афтидан, муроқабга берилиб, ярим доира шаклида ўн тўрт одам индамай ўтирарди.

Олинф ичкарига киргач, улар бошларини кўтаришди, аммо чурқ этишмади. Насоронинг ўзи гап қотишдан олдин хоч олдида тиз чўкди ва Апекид унинг унсиз ибодат қилаётганини кўрди. Ибодат қилиб бўлгач, Олинф тўпланганларга мурожаат қилди:

— Дўстлар ва оғайнилар, орамизда Исида қоҳинини кўриб таажжубланманг. У кўрлар қаторида эди, бироқ табаррук руҳ унга нозил бўлди, у ўзи ҳаммасини кўрмоқчи, эшитмоқчи ва тушунмоқчи.

— Иршод, — деди ҳали Апекиддан ёшроқ бир йигитча, унинг ҳам юзи шундай заҳил ва оғир, сўнгсиз тахайюллардан беҳол эди.

— Ҳасанот, — деди бошқа каттароғи; унинг қорача териси ва шарқона юз-андоми шомликларга тортарди — ёшлигида у қароқчи бўлган эди.

— Ҳасанот, — деди учинчиси.

Коҳин улар томон ўтирилди ва оппоқ, узун соқолли чолни таниб қолди — у бойвачача Диомеднинг кули эди.

— Ҳасанот, — такрорлади бошқалар ҳам, паст тоифаларга мансуб иккитаси бундан мустасно эди. Бу икковининг бири посбонлар бошлиғи ва иккинчиси Искандария тожири эди.

— Биз сендан сирларга риоя этишни талаб қилмаймиз, — яна сўз қотди Олинф. — Заиф оғаларимиздан айримлари қилганидек, биз сендан сотмасликка қасам ич демаймиз. Тўғри, жамоамиз қонун билан тақиқланган эмас, аммо ҳукмдоридан баттар ёввойироқ халойиқ бизлардан интиқом олишга муштоқ. Шундайн, дўстларим, прокуратор Пилат иккиланганда, оломон: "Исони чормихга торт!"¹ деб қичқирган эди. Аммо ўз хавфсизлигимизни деб биз сени қасам билан боғлаб қўймаймиз, йўқ! Бизни халойиққа сот, айбла бизни, ёмонла, истасанг, устимиздан ғийбат қил. Биз ўлимни писанд этмаймиз, биз арслон қафасига жон-жон деб кириб боришга ёки жаллод дарраси остига ётишга тайёремиз, биз қабр зулматини оёқости қилиб ташлаймиз, зеро, жиноятчи учун ўлим жоиз бўлгани каби, насроний учун — абадият хосдир.

Маъқуллаган овозлар эшитилди.

— Сен бизникига меҳмон бўлиб келгансан ва истасанг, қолишинг мумкин. Бизнинг динимиз қанақалигини билмоқчимисан? У қаршингда турибди. Мана бу хоч — бизнинг ягона муҳибимиз, мана бу қоғоз найчада Церларимиз ва Элевсинларимиз² нинг сирлари бор. Бизнинг ахлоқимизми? У бизнинг ҳаётимизда. Биз ҳаммамиз гуноҳкорлар эдик, аммо энди бизни ким жиноятчиликда айблаётларди? Биз ўтмишдан покландик. Буни бизнинг хизматимиз деб ўйлама — худонинг иродаси шу бўлди. Бу ёққа кел-чи, Медон, — Апекиднинг қолишига учинчи бўлиб розилик билдирган кекса кулга имо қилди у. — Сен орамиздаги ягона кулсан. Аммо арши аълода биринчилар охириги бўлиб қолади. Бизнинг орамизда ҳам шундай бўлсин. Қоғоз найчани оч-да, ўқи.

III БОБ

Дарбон, қиз ва гладиатор

Диомед уйининг эшиги очиқ эди ва кекса кул Медон зинанинг пастки пиллапоясидида ўтирарди. Бой тожирнинг бу данғиллама уйини шаҳар дарвозасидан ташқарида, Даҳмалар Йўлининг энг бошида ҳозир ҳам кўриш мумкин. Ушалар билан қўшни бўлишига қарамай, бу маҳалла қувноқ эди. Кўчанинг нариги томонида, дарвозагача атиги бир неча қадам қолганда катта мусофирхона, така бор эди, бу ерда Помпеяга иш билан келган ёки бу ерда кўнгилчоғлик қидирган одамлар тамадди қилгани ё ҳордиқ чиқаргани кўнар эдилар. Хонақоҳ дарвозаси олдида энди юк ва йўловчи ташийдиган аравалар турарди — бир хиллари ҳозиргина келган бўлса, бошқалари йўлга тушмоқчи бўлиб турар, атрофда тўс-тўполон ва жонланиш ҳукм сурарди. Эшик олдидаги думалоқ хонтахтада бир неча деҳқон ўтирарди ва эрталабки бир коса шароб устида ўз ишлари ҳақида гап сотар эдилар. Эшикка неча замонлардан буён одамларга таниш бўлган шатранж катаклари чи-

¹Инжил ривоятига кўра, Исо Масих Иудея қозихонасига Рим ҳукмдори (прокуратори) Понтий Пилат Исонинг айбдорлигига шубҳа қилган (у Иудея шоҳи бўлишни орзулаган эмиш) ва уни қатл этишни истамаган.

²Аттикадаги Элевсин бутун қадимги дунёда машҳур сирли «элевсин учлиги» — маъбудалар Деметра ва Персефона ҳамда Ёхус динининг маркази эди.

зиб ташланганди. Уйнинг томида ойнаванд айвон қурилганди, у ерда аёллар, пастда гап сотиб турган деҳқонларнинг хотинлари ўтирар ёки турар эдилар ва панжара устидан энгашиб, танишлари билан гаплашар эдилар. Уларнинг ёнида, кўшни чуқур саҳндаги мато қопламали ўриндикда иккитами-учта камбағал одам кийимларидаги чангни қоқа-қоқа дам олмоқда эди.

Уйнинг орқа томонида катта биёбон ястаниб ётарди, бир вақтлар бу ерда илгарироқ яшаган қадимги халқнинг собиқ қабристони эди бу, — энди бунда ўликлар куйдириларди. Биёбон узра кўм-кўк довдарахтга кўмилган чиройли муҳташам иморатнинг айвонлари савлат тўкиб турарди. Нафис ва хилма-хил, гуллар ва дарахтлар билан қуршалган даҳмаларнинг ўзи кишини ғамга чўқдирмасди.

Шаҳар дарвозаси олдида, кичкина саҳнда ҳаракатсиз ва қоидага итоаткор рим легионери посбонликда турарди. Унинг дубулфаси ва қўлида ушлаб олган найзасида куёш акси ялт-юлт қиларди. Дарвоза уч йўли арқдан иборат эди, ўртадагиси юк ва йўловчи ташийдиган аравалар учун, икки чеккадагилари эса пиёда йўловчилар учун мўлжалланганди. Бу йўлларнинг ҳар икки тарафида қалин деворлар қад кўтариб турарди. Бу деворлар турли даврларда — уруш, вақт ва зилзила бу фойдасиз истехкомларни вайрон қилгандан кейин қайта-қайта таъмир қилинган. Деворлар устида бир-бирига яқин қилиб қурилган чорбурчак миноралар қад кўтариб турарди, кўркам совуқлиги билан деворларнинг бир хиллигини бузиб, шундоқ ёнидаги янги оқ уйларга ярашиб турарди.

Геркуланум йўли бурилиб, устидан Везувий тоғ чўққиси тунд хўмрайиб турган узумзорлар орасида ғойиб бўларди.

— Янгиликни эшитдингми, қария Медон? — сўради кўза кўтарган ёш аёл, қул билан гаплашгани Диомеднинг эшиги тагида тўхтаб, — аёл кўзасига сув олгани ва ўткинчилар билан гап сотгани хонақоҳга бормоқда эди.

— Янгилик? Қанақа янгилик? — қул бошини кўтарди.

— Бутун тонгда дарвозадан қандай меҳмон кириб келганини билганингдайди, сен албатта бу вақтда уйқуни ураётган бўлсанг керак!

— Ҳа-а, — деди қул бепарво.

— Ҳа, бу худо ярлақагур Помпониандан совға.

— Совға? Ахир ҳозиргина ўзинг айтмадингми меҳмон келди деб?

— Ҳа, бу бирданга ҳам меҳмон, ҳам совға. Билиб қўй, ҳой аҳмоқ чол, бу ёш чиройли шер, у яқинда бўладиган ўйинларда иштирок этаркан. Эшитяпсанми, Медон? Ўзиям томошамисан — томоша бўлади-да! То уни кўрмагунимча киприк қоқиш менга ҳаром. Айтишларича, у ёмон ўкирар эмиш!

— Шўрлик нодон қиз, — деди Медон ғамгин ва нафратомуз.

— Мени нодон демай қўя қол, қари тўнка! Шер — бу зўр нарса, айниқса, у битта-яримгани тилка-пора қилиб ташлаганида. Тушуна-япсанми, Медон, энди бизда арслон ҳам бор, шер ҳам бор! Фақат иккита боптароқ жиноятчи етишмай турибди, шунинг учун ҳам биз энди улар бир-бири билан қандай олишишини кўришимизга тўғри келадиганга ўхшаяпти. Айтганча, сенинг гладиатор ўғлининг бор-а, чиройли ва кучли йигитча. Сен уни шерга қарши чиқишга кўндирсанг бўларди. Кўндирсанг, бир умр сендан миннатдор бўлиб қолардим, бир менинг эмас, бутун шаҳарнинг савобига қолардинг.

— Кет, — совуқ деди қул. — Менинг бечора боламнинг ўлими ҳақида вайсагандан кўра ўз жонингни ўйласанг бўларди.

— Ўз жонимни? — ҳайрон бўлди қиз ва кўрқиб атрофга аланг-жаланг қаради. — Ҳув, башаранг гўрда чиригур! Илоё тилинг ўз бо-

шингни есин! — Шундай дея қиз бўйнида осилиб турган туморни ушлади. — Менинг жонимга нима бўлар экан?

— Бир неча кун бурун ер қимирлаганди — бу эҳтиётингни қил дегани эмасми? — деди Медон. — Ёки ернинг овози йўқми? У ҳаммамизга: "Ўлимга тайёрланинг, интиҳо яқин", — деб айтмадимми?

— Хаҳ, шуни айтаяпсанми ҳали! — деди қиз тунукасини тўғрилаб. — Сен худди масиҳийларнинг гапини айтаётирсан — тагин сен ҳам ўшаларнинг биттаси бўлмагин. Бўпти, сен билан валақлашиб барака топадиганга ўхшамайман, қари қарға. Олашақшақдай шақиллайсан, холос. Хайр! Оҳ Геркулес, бизга шер учун битта ва яна арслон учун битта жиноятчини юбор!

Эҳ, полвонлар бизни хурсанд қилгувчи,
Бизга эрмак учун улар ўлгувчи.
Алкменанинг ўғли каби баҳодир,
Бизга эрмак учун ўлишга қодир.
Ана, шер ва инсон майдонга тушди,
Бу жангда қайраймиз ақл ва ҳушни.
Эҳ, қонлар оқар қумли майдонда,
Бизга мазза дорул омонда!...

Қўнғироқдай овозда бу ёқимли қўшиқни хиргойи қилганча ва йўлда чанг қилмаслик учун туникаси барини кўтарганича қиз мусофирхона томонга енгил юриб кетди.

— Бечора ўғлим! — уҳ тортди кул. — Наҳотки беҳуда кўнгилочарлик деб ўлиб кетаверсанг? Оҳ Исо Масиҳ дини, сенга жон-жон деб тазарру қилардим, аммо кўрқаманки мана бунақа қонхўр иштиёқлар жонимизга қасд қилаётир.

Чолнинг юраги бир тутам бўлди. У хаёлларига чўмганча жим бўлиб қолди, дам-бадам енги билан кўзларини артарди. У бутун юраги билан ўғлига вобаста эди. Кимнингдир тез, шахдам одимлар билан дарвозага кириб келганини у кўрмади. То бу одам тўхтаб, уни аста: "Ота!" — деб чақирмагунча кўзини кўтармади.

— Болажоним! Лидоним! Наҳотки бу сен бўлсанг? — суюниб кетди чол. — Ҳозир сени ўйлаб тургандим.

— Бундан бошим осмонга етди, ота, — деди гладиатор кекса қулнинг тиззалари ва соқолига қўлларини теккизиб. — Тез орада мен билан хаёлда эмас, ўнгингизда бирга бўлиб қолишингиз мумкин.

— Ха, ўғлим, аммо бу дунёда эмас, — қайғуланди кул.

— Ундай деманг, падари бузрукворим. Ўзингизни тутинг, чунки мен сезиб турибман... Фалаба қозонишимга ишонаман. Мен оладиган олтин эса сизга озодлик келтиради. Отажон, бир неча кун олдин мен алдашни истамай, ишончини оқламоқчи бўлган одам устимдан кулган эди. У барча шерикларидан сахийроқ экан. У римлик эмас, афиналик, ўша устимдан кулди, голиб қанча олади деб сўраганимда, у мени нафси бузуқликда айблади. Афсус, у Лидоннинг юрагини яхши билмас экан!

— Оҳ ўғлим, ўғлим-ей! — деди чол ва пиллапоядан аста кўтарилди, уни бу иморатда атрий эмас, перистил бўлган танобий уйга олиб кирувчи ўз хужрасига олиб борди.

Мана шу хужра ҳозир ҳам сақланиб қолган, ўнгдан учинчи эшик (биринчиси — зинапояга, иккинчиси бронза ҳайкал турган хилват саҳнга олиб чиқарди).

— Бўлмаса-чи, юрагинг олийжанобликка, муҳаббатга, тақвога тўла, — деди Медон улар хужрага киришгач, — аммо сен қилаётган иш гуноҳи азим: отангнинг озодлиги деб сен ўз қонингни тўкмоқчисан — буни ҳам кечирса бўлади. Аммо ғалаба қозониш учун сен бировнинг қонини тўкишинг керак. Бу эса оғир гуноҳ, ҳеч қанақанги мақсад уни оқлай олмайди. Шу ерда тўхта! Бундай қийматга озодлик олганимдан кўра, умрбод қул бўлиб қолганим яхши!

— Ўзингизни босинг, отажон! — деди Лидон бетоқат. — Биламан, сиз янги динга иймон келтиргансиз, аммо илтимос, мен билан у тўғрида гаплашманг, чунки менга куч берган худолар мени доноликдан қисганлар, сиз кўпинча миямга қуядиган сўзларнинг биттасини ҳам тушунмайман. Сиз янги динга иймон келтиргансиз дедим, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги гапларингиз ҳам ғалати эшитилади қулоққа. Агар сизни хафа қилган бўлсам, кечиринг. Аммо ўзингиз ўйлаб қаранг!.. Мен кимга қарши жанг қиламан? Сизни деб мен қанақанги ҳарис ва тубан одамлар орасида яшаётганимни билганингизда, улардан биттасини ўлдириб, ерни тозалаганинг қолди, деган бўлардингиз. Булар қонхўр йиртқичлар, ёввойи ҳайвонлар бари. Улар кўрсатган жасорат — эзгулик эмас, турган-битгани розолат. Улар қутурганлар, ҳиссизлар, тошюрақлар бари, улар учун ҳеч қанақанги қутлуғ нарса йўқ дунёда. Тўғри, улар кўрқув нималигини билишмайди, улар фақат ғалаба тўғрисида, аёвсиз ўлдириш, ҳадиксиз ўлиш тўғрисида ўйлашади! Ким бўлишларидан қатъи назар, сиз айтган худо бундай одамлар билан олишаётган ўғлингиздан газабланиши мумкинми, отажон, фалақдан ерга қанақанги кучлар кўз тикиб турган бўлмасин, кекса отасини деб танги ўғли қилган қурбонликдан қутлуғроқ бурчни улар топа олмайдилар!

Ўзи билим нуридан маҳрум ва фақат яқиндагина насронийлик динига иймон келтирган шўрлик чол бу қадар гумроҳ ва шу билан бирга ўз хатосида бу қадар гўзал жаҳолатга қандай зиё бағишлашни билмасди. Унинг бир кўнгли ўзини ўғли кўксига ташлаш бўлса, иккинчи истаги — оёғини қўлига олиб, ундан қочиш эди, у Лидонга таъна қилишга тайёр эди, аммо у йиғидан гапира олмаётганди.

— Агар ўша худонгиз (у битта шекилли, шундайми?) ўзингиз айтганингиздай, бу қадар меҳрибон бўлса, — давом этди Лидон, — айнан сизнинг унга бўлган ишончингиз сиз ҳозир қоралаётган нарсада тўғри қарорга келганимни билади.

— Қанақасига? Нималар деяпсан? — деди чол.

— Ўзингиз биласиз, гўдаклигимда мени яхши кўриб, эркинликка чиқариб юборган одамга сотишган. Сизни кўриш учун Помпеяга шошганман, сизни қартайиб қолганингизда кўрганман, инжиқ ва баджаҳл хўжайинда хизмат қилар экансиз ва шундан аҳволингиз бадтар ёмонлашган экан. Янги дин сиздаги сўнгги хотиржамликни ҳам йўққа чиқарибди, қулликни адолатли деб ҳисобламай қўйибсиз, бу фикр эса кўпинча бизга қийинчиликка чидашимизга ёрдам беради. Қул сифатида сизга ёқмайдиган жуда кўп нарсаларни қилишга мажбурлигингиздан, аммо масиҳийлар учун гуноҳ ҳисобланишидан менга арз-дод қилмаганмидингиз? Мана бу ларарийга¹ лоақал ноннинг куйигини қўйишга мажбур бўлганимда пушаймондан юрагим порадора бўлиб кетади, демаганмидингиз? Юрагим ҳар доим кураш иштиёқида ёнади деб айтмаганмидингиз? Ҳатто бўсафа олдида шароб сузаётиб ва шунда қандайдир юнон шоҳининг номини айтиб, Тан-

¹Л а р а р и й — Лар-руҳларнинг тасвири турадиган бурчак.

таллардан-да даҳшатлироқ азоб-уқубатларга, Тартардагидан ҳам кўра мудҳишроқ абадий жазога гирифтор бўлишдан кўрқаман деган ким эди? Ахир ўзингиз айтмаганмидингиз буларни менга? Мен ҳайронман, ҳеч нарсага ақлим етмай қолди, ҳозир ҳам ҳеч нарса ни тушунмаяпман, Геркулес ҳаққи; аммо мен сизнинг ўғлингизман ва менинг бирдан-бир бурчим сизга ёрдам бериш. Сизнинг оҳ-воҳларингизни эшитишга, сизнинг даҳшатга тушганингизни, муттасил азоб чекиб ётганингизни кўришга қандай тоқат қилай? Қандай жим қараб турай?! Йўқ, мангу худолар ҳаққи! Олимпдан чақнаган чақмоқ сингари менда бир фикр пайдо бўлди... Менинг пулим йўқ, аммо кучим бор ва ёшман — мана менинг хазинам, мен сиз учун шуни сотаман! Сизга озодликни сотиб олиб бериш учун қанча пул кераклигини, енгган гладиаторга икки баравар кўп тегишини билиб олдим. Мен гладиатор бўлдим, ўзимни ҳаммага бирдек газаб ва нафрат билан қарайдиган мудҳиш одамларга боғладим, мен уларнинг ҳунарини ўргандим ва шунга шукур қиламан — у отамнинг озод бўлишига ёрдам беради!

— Оҳ, Олинфнинг гапларини эшитганингда борми! — деди қария хўрсиниб, ўғлининг мардлигидан тобора ҳайратга тушган, аммо унинг нияти жинояткорона эканига амин бўлган ҳолда.

— Истасангиз, мен ҳар қандай одамнинг гапини эшитишга тайёрман, — қувноқ жавоб берди гладиатор, — аммо сиз куллиқдан озод бўлганингиздан кейин, албатта. Ўзимизнинг бошпанамиз остида, отажон, менинг ноқис ақлимни керак бўлса кун билан ҳайратга солинг, агар шундан маза қилсангиз, тунлари ҳам шундай қилинг. Мен сиз учун яхши бир жой топиб қўйганман — шаҳарнинг жанубий қисмидаги эски Юлия Феликснинг тўққиз юз тўқсон тўққиз дўконидан биттасини. Кундузи бўсағада офтобда тобланасиз, мен эса сизнинг ўрнингизда ёғ ва шароб сотаман, кейин эса, агар Венера хоҳласа (ёки хоҳламаса, чунки сиз уни ёмон кўрасиз, менга эса бари бир), кейин, мен сизга айтсам, сиз қиз болага эга бўлишингиз мумкин, у сизнинг кексалингизни сақлайди ва сиз болаларнинг овози сизни бобо деб аташларини эшитасиз. Шунда мендан бахтли инсон бўларми? Ҳамма нарсага пул етарли. Хафа бўлманг, падари бузрукворим... Энди эса мен борай. Ҳадемай кеч тушади, мени ланиста кутаяпти. Дуо қилинг, отажон!

Шу гапларни айтиб, у қоронғи хужрадан чиқди ва энди улар шивирлаб гаплашишда давом этганча илгари Медон ўтирган жойга бордилар.

— Сени худо ўзи қўлласин, ботир болам! — деди Медон қизгин. — Барча юракларни ўқийдиган буюк куч сенинг мардлигингни кўрсин ва сенинг хатонгни кечирсин!

Барваста гладиатор енгил, аммо мағрур одимлар билан йўлакдан жадал юриб кетди. Кул то у кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб қолди, сўнг ўз жойига ўтириб, яна бошини кўксига солинтирди. Унинг унсиз ва ҳаракатсиз гавдаси бамисоли тошдан йўнилганга ўхшарди. Аммо юраги... Бизнинг янада хушбахт асримизда бу юракдаги азоб-уқубату галаённи ким тасаввур этишга қодир?!

— Кирсам майлими? — сўради майин овоз. — Бекангиз уйдадилар?

Кул бепарво қўл силкиб қўйди, бироқ келган қиз буни кўрмади, у ҳайиқибгина сал баланд овозда саволини яна такрорлади.

— Айтдим-ку сенга! — гудранди дарбон ғижиниб. — Киравер!

— Раҳмат, — деди синиқ овоз ва шундагина кул бошини кўтариб, кўр Нидияни таниди.

Ҳам босганда одам ўзгаларнинг бахтсизлигига ачинади. Кул ўрнидан турди, қизни бошқа зинагача олиб бориб қўйди (у пастга, Юлианинг хонасига олиб борарди), у ерда эса чўри қизни чақириб, Нидияни унга топширди.

IV БОБ

Помпея гўзалининг хос хонаси
Юлия ва Нидия ўртасида бўлиб ўтган муҳим суҳбат

Мафтункор Юлия канизаклар қуршовида ўз хонасида ўтирарди. Туташ хобгоҳ сингари бу хона гарчи ихчам бўлса-да, барибир одатдаги хобгоҳлардан каттароқ эди; улар деярли ҳар доим шунақа мўъжазгина бўлар эди, уларни кўрмаган помпеяликлар, афтидан, тунни ўтказишни ёқтирадиган ҳужрани элас-элас кўз олдиларига келтиришлари мумкин. Аслида "каравот" қадимгиларда бизга ўхшаб уйда ундай муҳим роль ўйнамасди. Уриннинг ўзи гоаят энсиз ва калта кушеткага ўхшаб кетарди ва шу қадар енгил бўлардики, қулларнинг ёрдамисиз ҳам уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эди; ҳойнаҳой, кўпинча уни уй соҳибининг хоҳишига қараб ёки йил фаслларига боғлиқ равишда хонама-хона кўчириб ўтказишгандир, чунки Помпеяда бир хил ойларда истиқомат қилишган хоналар бошқа ойларда бутунлай ҳувиллаб ётган. Бундан ташқари, италияликлар ўша замонларда чароғон кундузги нурдан ўзларини тортганлар. Уларнинг қоп-қоронғи хоналари (аввалига буни режанинг хомлигига йўйганлар) махсус шунга ҳисоб-китоб қилинган. Пешайвонларда ва боғчаларда хоҳлаганлар офтобшувокда тобланганлар, уйнинг ичкарасида эса улар соя ва салқиндан баҳраманд бўлганлар.

Йилнинг бу фаслида Юлия пастда, шоҳона хосхоналарда истиқомат қиларди. Унинг хоналари деразалари боққа очиларди. Тонгги ёғду бу ерга фақат ойнаванд эшикдан кирарди ва барибир Юлианинг нимқоронғиликка ўрганган кўзлари унга қайси ранг кўпроқ ярашишини, нафис қизил бўёқнинг қайси тури унинг тим-қора кўзларига кўпроқ чанқоқлигу юзларига тароват бағишлашини бип-бинойидек кўрарди.

Унинг олдидаги хонтахтада силлиқ сайқалланган, пўлатдан ясалган думалоқ кўзгу турарди, атрофда эса суркагичлар ва суртмалар, атир-упалар, жавоҳироту тароқлар, тасмалару олтин тўғноғичлар бир текисда териб қўйилган, улар ёрдамида санъат ва инжиқ урф унинг табиий гўзаллигини янада жилвагарроқ қилиб юбориши керак эди. Фирашира хонада помпеяча дид билан ишланган жонли ва ранг-баранг тасвирлар ёрқин товланарди. Юлианинг оёқлари остидаги хонтахта ёнида шарқча гилам ташлаб қўйилган. Ёндаги бошқа хонтахтада кўзали кумуш тоғора, мирт дарахти соясида дам олаётган Купидоннинг нафис қиёфаси кўринишидаги ўчиқ шамдон ва Тибуллнинг юракни оқизиб юборувчи марсиялари бўлган кичкина қоғоз найча бор эди. Хобгоҳга олиб кирадиган эшикка бой зардўзлик каштали парда тортилган. Ун саккиз аср аввалги гўзаллар оромгоҳлари ана шундай бўлган.

Соҳибжамол Юлия ўриндиқда эринибгина ўзини орқага ташлади, машшота эса бу орада унинг бошига майда зулфлардан ясалган бутун бошли иншоотни тикламоқда эди, у сочини баландроқ турмаклаш учун ясама сочларни қўшиб ўргани-ўрган эди.

Ёқут рангли, қоп-қора сочни ва қорача юзни яхши ажратиб турадиган туника кенг-кенг букламлар билан Юлианинг оёғига тушиб турарди, у нозик тақинчоқлари атрофидан чилвирлар билан боғланган юмшоқ туфлида эди; қирмизи матодан тикилган туфлига дурлар қадалган ва ҳозирги турк туфлиларига ўхшаб, уларнинг тумшуклари хиёл эгик бўлган эди. Пардоз-андоз ишларининг хўп ҳадисини олган кекса, тажрибакор чўри хотин билагига Юлианинг жавоҳиротга кўмилган кенг камарини ташлаганча машшота олдида турарди ва

дапкур-дапкур бу меъморга кўрсатмалар берар экан, ҳар икки гапнинг бирида бекасининг шаънига мақтов сўзларини қалаштириб ташламоқда эди.

— Мана бу тўғноғични ўнгроқдан ва пастроқдан қада, эсини қурт еган! Кўрмаяпсанми ахир, бегойимнинг қошлари тўғри ва чиройли-лигини? Худди башараси буришиқ Кориннанинг сочини турмаклаётгандайсан. Энди рангларга келсак... Э, қўй бунингни, аҳмоқ, бу оч қизилинг кетмайди, ахир сен уни Хлориданинг чўтир ёноқларига танламаётибсан-ку, фақат ранглар керак, дуркун Юлиямизга фақат улар ярашади.

— Секинроқ-да! — деди Юлия жаҳлдан оёқчаси билан ер тепиниб. — Худди ёввойи ўт юлгандай, сочимдан тортқилайсан!

— Лақма! — давом этди ишбилармон машшота. — Хонимингнинг нозиклигини наҳотки билмайсан? Ахир Фулвия бевасининг от ёлини тарамаяпсан-ку. Энди эса тасмани бер, ана шундай. Қани, ҳуснда тенгсиз Юлия, энди бир кўзгуга қара-чи, ўзингдан чиройлироқ биронта қизни кўрганмисан?

Беҳисоб танбеҳлар ва гимир-гимир ҳаракатлардан кейин ғалати минора ниҳоят тикланиб бўлгач, қовоқ ва қошларга қора упа тортиб, кўзларга енгил ғамза берилди, яримой шаклида қирқилган ва ол дудоқларга маҳорат ила ёпиштирилган энсиз тасмача оғизни бежирим, тишларни дурдай оппоқ қилиб кўрсатардики, бу табиий оппоқликни ҳатто табиатнинг ўзида ҳам учратиш амри маҳол эди.

Шунгача ишсиз ўтирган бошқа чўри хонимга жавоҳиротни тақши керак эди. Дур сирғалар (ҳар бир қулоққа иккитадан), залворли олтин билакузуклар, олтин занжир (унда биллур тумор осилиб турарди), чап елкага — Психея тасвири чиройли кўз қўйилган нафис тўға, бир-бирига чирмашган икки илон кўринишидаги тўғали, бой зардўзи каштали қирмизи камар ва ниҳоят ингичка, оппоқ бармоқларнинг ҳар бир бўғинига кўплаб узуклар тақилди. Энди сўнги римча урф бўйича пардоз-андоз ниҳоясига етганди. Гўзал Юлия кўзгуга сўнги бор кибр билан назар солди ва ўриндиқда ўзини орқага ташлаб, бефарқ оҳангда, ўзининг энг ёш чўриларидан бирига Тибуллниг инжа шеърларидан ўқиб беришни сўради. Чўри Нидияни етаклаб кирганида, шеърхонлик ҳали тугамаганди.

— Салом Юлия! — деди ожиза қиз, соҳибжамол хоним ўтирган жойдан бир неча қадам нарида тўхтаб ва қўлларини кўксида чалиштириб. — Сен мени чақирган экансан, келдим.

— Хуш келдинг, гул сотувчи, — деди бека. — Бери кел, ўтир.

Қуллардан бири Юлианинг ёнига ўриндиқ қўйди ва Нидия унга чўкди.

Юлия бирмунча вақт қизга тикилиб қараб турди ва хижолатли сукут сақлади. Сўнг имо билан хизматкорларга уларни холи қолдиришни ва эшикни ёпиб қўйишни амр қилди. Улар танҳо қолишгач, Юлия беихтиёр ундан тескари ўгирилиб ва қиз унинг юзини кўра олмаслигини эсидан чиқариб сўради:

— Эшитишимча, сен Ионага хизмат қилаётган эмишсан?

— Ҳа, ҳозир мен уникидаман, — жавоб берди Нидия.

— Одамлар айтганидай, у ростданам шунақа яхшими?

— Билмадим, — деди Нидия. — Буни мен қаяқдан билардим?

— Аҳ, бутунлай унутибман! Аммо сенинг қулоқларинг бор. Бошқа қуллардан нималарни эшитдинг? У чиройли эканми? Қуллар ўзаро суҳбатлашганида, бировни ортиқча мақташмайди.

— Чиройли дейишаяпти.
 — Ҳм! Бўйи баланд эканми?
 — Ҳа.
 — Мен ҳам шунақаман. Сочи қора эканми?
 — Шунақа дейишаяпти.
 — Меники ҳам. Главк уникада тез-тез бўлиб турар эканми?
 — Ҳар куни, — жавоб берди Нидия, хўрсинигини босиб.
 — Наҳотки ҳар куни бўлса? Қиз йигитга ёқарканми?
 — Ҳа-да, чунки улар яқинда турмуш қуришади.
 — Турмуш қуришади?! — қичқирди Юлия, ҳатто пардозда ҳам оқариб ва сапчиб ўрнидан турди.

Унинг чехрасида қандай туйғулар акс этганини Нидия, албатта, кўрмади. Юлия узоқ жим қолди, бироқ қизнинг кўтарилиб-тушаётган сийнаси ва чақноқ кўзларига қараб, зийрак одам унинг иззатнафсига қанчалик зарба берилганини дарҳол англаган бўларди.

— Сени фессалиялик дейишаяпти, — деди Юлия ниҳоят, жимликни бузиб.

— Тўғри айтишган, — деди Нидия.

— Фессалия — сеҳр-жоду ва ромчилар, тумор-тутатқилар ва иссиқ-совуқ қайтармалар мамлакати.

— Ҳа, бир вақтлар у ўзининг афсунлари билан шуҳрат топганди, — кўрқа-писа жавоб берди Нидия.

— Битта-яримта ишқий афсунни биласанми?

— Менми? — қизариб кетди қиз. — Қаёқдан? Йўқ, онт ичаман!

— Билмаганинг — ёмон, мен сенга шунча олтин берган бўлардимки, сен пул тўлаб, озодликка чиқиб олардинг.

— Нима учун соҳибжамол Юлия бу ҳақда бир шўрлик чўридан сўраб ўтирибди? — деди Нидия. — Ахир у бадавлат, ёш, гўзал эмасми? Унда шунча фусунлар бўла туриб, сеҳр-жоду унга нега керак бўлиб қолибди?

— Бу фусунлар ҳаммани забт эта олади, фақат бир кишидан бошқа, — жавоб берди Юлия такаббуруна. — Аммо назаримда, сенинг кўрлигинг бошқаларга ҳам юқибди... Буям бир гап-да.

— Ким экан у одам? — сўради Нидия ташвишли.

— Бу Главк эмас, — жавоб берди Юлия, беихтиёр одатдаги аёллар макрига ўтиб. — Йўқ, Главк эмас.

Нидия сал бемалолроқ нафас олди, Юлия эса бирпас сукут сақлаб, давом этди:

— Главк ва унинг Ионага бўлган туйғулари ҳақидаги суҳбатимиз менга у йигитни иситиб олган ишқий афсунларни эслатиб юборди, холос, аммо бунинг менга қизиғи йўқ. Кўр қиз, мен кимни севаман ва — кўрдингми, Юлия қай даражага етган! — Севгиси — жавобсиз. Бу ғуруримни ерга уради... йўқ, ерга урмайди, балки лат едиради. Мен бу ношукурни оёқларимга йиқилишга мажбур этаман, уни кўтариб турфазиш учун эмас, балки тегиб учуриб юбориш учун. Сенинг Фессалиядан эканингни эшитгач, ўйлаб қолдим, сен мамлакатингнинг махфий сирларини билсанг керак деб.

— Афсуски, йўқ, — бидирлаб деди Нидия. — Агар билганимда!..

— Ташаккур, ҳеч бўлмаганда яхши ниятинг учун, — деди Юлия, бечора қизнинг кўнглидан нелар кечаётганидан беҳабар ҳолда. — Лекин менга айт-чи, сен қулларнинг суҳбатини эшитасан, улар эса ҳар доим бу сирларга қизиқадилар, ўзларининг ярамас хоҳишларини қондириш учун жодугарликка мурожаат қилишга тайёрдирлар — бу шаҳарда сен билмайдиган санъатга эга битта-яримта шарқ жодугари

йўқмикан? Манман деган кароматгўй ҳам эмас, бозорчи кўзбойлогич ҳам эмас, балки Ҳиндистонми ёки Мисрданми чиққан қудратли сеҳргар йўқми?

— Мисрдан? Э-ҳа! - деди Нидия титраб. — Помпеяда Арбакни билмаган одам бор эканми?

— Арбак! Тўғри! — деди Юлия. — Айтишларича, бу одам шунчаки иссиқ-совуқ қилувчилардан баланд турармиш, у юлдузлар ва Туннинг қадимги маъбудаси сирларидан хабардор эмиш. Шундай бўлгач, ишқий сирларни нега билмасин?

— Ёруғ оламда ҳақиқий, қудратли афсунгар бор бўлса, бу ўша, даҳшатли Арбак бўлади.

— Пул билан ёрдам берай десам, у ҳаддан ташқари бадавлат эмиш, — давом этди Юлия. — Унинг ҳузурига борсам бўладими?

— Унинг уйи ёш гўзаллар учун нобоп жой, — жавоб берди Нидия. — Бундан ташқари, эшитишимга қараганда, бетоблик, ановидан кейин...

— Нобоп жой! — чўрининг сўзини бўлди Юлия, дастлабки сўзларни эшитиб. — Нима учун?

— Унинг тунги ишратлари қўрқинчли! Ҳарқолда шундай мишмишлар бор.

— Цицера, Пан, Кибела ҳаққи, мени даҳшатга солиш ўрнига қизиқшимни ортдираяпсан, холос! - деди инжиқ ва эркатоёй гўзал. — Мен уни топаман-да, унинг санъати ҳақида суриштираман.

Нидия ҳеч нима демади.

— Мен уни бугуноқ қидириб топаман, — давом этди Юлия. - Ҳозироқ.

— Ҳозир у заиф, бунинг устига кундуз, сен албатта ҳеч нарсадан қўрқмасанг бўлади. — Мисрлик ростдан ҳам иссиқ-совуқ амалларни билишини у кўп марталаб эшитган, шунинг учун Нидия ҳам қизиқиб қолган эди — буни у яшириб ҳам ўтиргани йўқ.

— Бадавлат Диомеднинг қизини хафа қилишга ким журъат этади? — калондимоелик билан деди Юлия. - Мен унинг ҳузурига бораман.

— Унинг сенга нима деганини билиш учун бу ерга яна келсам майлими? — сўради Нидия тўлқинланиб.

— Мени ўп, кўриб турибман, сен Юлиянинг номусини қадрляяпсан, — деди соҳибжамол. — Ҳа, албатта. Бугун оқшом биз меҳмон бўламыз, эртага худди шу соатда кел, ҳаммасини билиб оласан. Ҳозир эса бора қол... Шошма, мукофот учун мана бу билакузукни ол ва эсингда бўлсин: агар Юлияга хизмат қилсанг, у сахий ва меҳрибон бўлишни жойига қўяди.

— Менга совғанг керак эмас, — жавоб берди Нидия билакузукни хонтахта устига қўярган. — Гарчи ёш бўлсам-да, аммо беғараз севадиганларга хайрихоҳ бўлиш қўлимдан келади.

— Офарин! — ҳайрат ила деди Юлия. — Сен худди озод аёлдай гапираяпсан. Озод бўласан ҳам! Яхши бор!

V БОБ

Юлия Арбакни қидириб топади. Улар суҳбатининг индаллоси

Арбак деразалари боққа қараган хонада ўтирарди. Кечирган изги-робларидан ранги оқариб кетган ва заҳил эди, бироқ у энди галаба қозондим деб турганида шум режаларини барбод қилган мусибатнинг энг ёмон оқибатларидан унинг темир вужуди ўзига келиб қолган эди. Муаттар шабада Арбакни тетиклантирди ва шунча кунлар томирларида сустлашиб қолган қони тезроқ оқа бошлаганди.

— Начора, — ўйларди у, — тақдир бўрони бостириб келди-да, ўтиб кетди, ҳаётимга таҳдид солган мудҳиш каромат содир бўлди ва мен омон қолдим! Юлдузлар каромат қилган ҳамма нарса бўлиб ўтди, энди мени узоқ, беғалва, бахтли ҳаёт кутмоқда, мана шу сўнги хатарга ҳам чап беришга муваффақ бўлдим. Энди келажак боғимдаги гуллардан бемалол узиб олаверамаң. Ҳатто муҳаббатдан ҳам олдин биринчи севинчим қасос бўлажак! Йўлимда гов бўлиб турган манови ёш юнон режаларимни барбод қилди, ханжарим унинг ҳаром қонини тўкишга шай бўлиб турган паллада у қўлимдан сирғалиб чиқиб кетди, келаси сафар у мендан қочиб кетолмайди! Аммо қасоснинг қайси йўлини танласам экан? Буни яхшилаб ўйлаб олишим керак! Оҳ, Ата, борди-ю, сен чинданам маъбуда бўлсанг, қалбимга энг жасоратли илҳомни жо эт!

Мисрлик хаёлга чўмди, аммо қасоснинг битта ҳам муносиб усули миясига келмади. У бир режадан бошқасини хаёлида ўтирганча тўшақда тўлғонарди, бироқ ўша заҳоти ундан воз кечарди. Бир неча марта у кўксига муштлиди ва ночор ғазаб ичида қаттиқ оҳ тортди.

Шу орада ёш қулвачча қўрқа-писа хонага кириб келди. У эғнидаги кийимига ва унга ҳамроҳлик қилиб келган ягона қулнинг қўйлагига қараганда зодагонлиги аниқ кўриниб турган бир аёл пастда кутиб турганини ва Арбак билан гаплашмоқчи эканини маълум қилди.

— Аёл? — Мисрликнинг юраги тезроқ ура бошлади. — У ёшми?

— Юзига тўр ташлаб олган, аммо қад-қомати тик ва дуркун.

— Айт, кирсин, — деди мисрлик. Бир лаҳза хаёлидан Иона оёғимга бош уриб келибди-да, деган кибрли ўй кечди.

Бироқ меҳмон аёл кириб келгач, у бир қарашдаёқ умиди унга панд берганини англади.

Тўғри, бу ҳам бўй-басти билан Ионанинг ўзи эди, ҳатто ундан ёшроққа ҳам ўхшарди, нав-ниҳол, аммо гўзал неополитан қизининг ҳар бир ҳаракатидан мана мен деб турувчи у жўшқин ва таърифга сизмас назокат, кийимларидаги камтарлик ва одамийлик, киши ҳавасини келтирувчи хиромонлик, аёлга хос улуғворлик, иффату исмат қаёқда!

— Сенга пешвоз чиқмаганим учун мени маъзур тутгайсан, аммо ўрнимдан туришим қийин, — деди Арбак нотаниш аёлга қараб. — Ҳали беморликдан яхши тузалиб кетганимча йўқ.

— Ташвишланма, эй буюк Мисрий! — жавобан деди Юлия, вужудини қамраб олган кўркувни мақтов сўзлари билан хаспўшлашга уриниб. — Сенинг ҳикматларингдан таскин қидириб келган бу бадбахт аёлни кечир.

— Яқинроқ кел, соҳибжамол нотаниш қиз, — деди Арбак. — Бемалол гапиравер, қўрқма.

Юлия мисрликнинг ёнига келиб ўтирди ва хонага қизиқиб кўз югуртирди — ундаги нафис дабдаба олдида отаси уйининг муҳташамлиги ҳеч нарсага арзимас эди. Қиз ваҳима ичида деворлардаги иероглифларга, ҳар бир бурчакдан унга тикилиб қараб турган сирли ҳайкалларга, сал нарида турган учоёққа ва энг асосийси, Арбакнинг тунд ва сирли афт-ангорига бир-бир разм солди. Унинг қарға қанотидай қоп-қора сочини яшириб турган оқ мато ерга тушиб турар, заҳиллик бу одам юзини маънодор қилиб кўрсатар, қора тийрак кўзлари бамисоли чодирини тешиб ўтиб, унинг кибрли ва бадбин юрагидаги сирларни ўқиётганга ўхшарди.

— Не ҳожат билан келмишсан, ҳой қиз, — тинч, бир текисдаги овоз эшитилди, — Шарқдан келган бир нотаниш одамнинг даргоҳига нечук азимат қилдинг?

– Унинг шуҳрати етаклаб келмиш, – жавоб берди Юлия.

– Қанақа шуҳрат экан? – сўради Арбак галати, сезилар-сезилмас табассум билан.

– Тагин сўрайсан-а, эй доно Арбак! Ахир бутун шаҳар сенинг донолигинг борасида дув-дув гап қилмоқда-ку!

– Дарҳақиқат, мен қандайдир илму амаллардан хабардорман, – жилмайди мисрлик. – Аммо бу сиру синоатларнинг сендек ҳурилиқо қизга қандай фойдаси тегар экан?

– Эвоҳ! – деди Юлия, ўрганиб қолган мақтов сўзларини эшитиб, у бироз дадилланди. – Ғам доноликдан таскин қидирмайдими, севгиси жавобсиз қолган одам ғам чекмайдими!

– Нима! – деди Арбак. – Бу қадар соҳибжамол, ҳусни таважжуҳи ҳатто мана бу қимматбаҳо либослар тагидан кўришиб турган аёлнинг севгиси бежавоб қолиши мумкинми? Сарвдек қоматинг каби юзинг ҳам шундай чиройли эканини бирров кўришим учун, ҳой қиз, малол келмаса, чодирингни мундоқ кўтар.

Юлия, афтидан, ўз ҳусни жамолини кўз-кўз қилиш ва шу билан бирга афсунгарни ҳам шайдо этиш фикридан йироқ эмасди, шу боис озгина тарадудланиб турди-да, чодирни кўтариб, юзини очди, машшотанинг маҳоратини ҳам ҳисобга олганда, қиз мисрликка чиндан жозибадор кўринди.

– Севгида омадинг чопмабди, – деди у. – Сенга маслаҳатим: юзингни ўша нобакор томон ўгир. Бундан дурустроқ маслаҳат бериш қийин сенга.

– Такаллуфларингни бир четга қўй! Менга ишқий афсунлар билан ёрдам беришингни илтимос қиламан.

– Ҳой соҳибжамол нотаниш қиз! – деди Арбак нафрат аралаш. – Ишқий афсунлар тунлари мен мой сарфлайдиган¹ синоатлар сирасига кирмайди.

– Ростданми? Унда мени кечир, буюк Арбак. Хайр.

– Шошма, – деди Арбак, Ионага иштиёқманд бўлишига қарамай, у меҳмоннинг жамолига ҳам бепарво қолмаётгани, агар ночор аҳволда бўлмаганида, эҳтимол, ғайритабиий доноликдан кўра бошқача воситалар билан гўзал Юлиянинг кўнглини олган бўлармиди. – Шошма. Гарчи фақат бу ҳунар билан шуғулланадиганларга турли гиёҳлар ва дори-дармонлар берганимга иқрор бўлсам-да, эҳтимол шу гиёҳлардан фойдаланган гўзаллик ва ёшликка ўзим барибир бефарқ эмасман. Агар мен билан самимий муносабатда бўлсанг, сенга ёрдам беришим мумкин. Аввало менга айт-чи, турмушга чиққанмисан? Кийимингга қараб қандай ўйласам бўлади?

– Йўқ, – деб жавоб берди Юлия.

– Давлатга эга бўлмай туриб, қандайдир бой куёвни ўзингга асир айламоқчимисан?

– Мени рад этган одамдан бойроқман.

– Қизик, ғоят қизик! Сен уни севасанми?

– Севиш-севмаслигимни билмайман, – жавоб берди Юлия гердайиб, – аммо рақибим устидан галаба қозонмоқчиман, мени рад этган одам келиб оёғимга бош уришини, мендан афзал кўрганидан юз ўгиришини истайман.

– Одатдаги аёлларга хос манманлик, – гапнинг тўғрисига кўчди, коҳин. – Яна бир гап, гўзал қиз, сен севган ўша одамнинг исмини айт. Наҳотки Помпеяда бойликдан ҳазар қилувчи ёки гўзалликдан кўз юмувчи шундай одам бор бўлса?

¹Яъни китоблар устида уйқусиз тунларни ўтказган; қадимгилар мойчиноқ ёқишган.

— У афиналик, — ерга қаради Юлия.

— Ҳа! — деяри қичқириб деди мисрлик ва қизариб кетди. — Помпеяда фақат битта ёш ва зодагон афиналик бор. Демак, сен Главк ҳақида гапираётган экансан-да?

— Оҳ! Бағримни тиглама! Бу ростданам ўша.

Тожирнинг қизига ўйчан қараган ва ўзича нималарнидир гудранганча мисрлик ўзини орқага ташлади. Шунгача қизнинг фақат соддадиллиги ва кибру ҳавоси унга завқ бермоқда эди, аммо энди у ўйлаб қолди: уни қасос қуроли қилиб олса бўлмасмикан?

— Кўриб турибман, сен менга ёрдам бера олмайсан, — деди Юлия унинг узоқ сукут сақлаганидан кўнгли оғриб. — Ҳеч бўлмаса сиримни ошкор қилма. Яна бир қарра хайр!

— Гўзал қиз, — деди мисрлик жиддий, — илтимосингдан таъсирланиб кетдим, мен сенга ёрдам берганим бўлсин. Кулоқ сол бўлмаса. Мен ўзим бундай икир-чикирлар билан ҳеч қачон шуғулланган эмасман, аммо бу синоатлардан хабардор бир хотинни биламан. Везувий этагида бир кучли жодугар яшайди. Янги ойнинг мўл шудринглари остида у севгини уйғотувчи гиёҳларни терарди. Унинг маҳорати севганингни оёғинг тагига келтириб ташлаши мумкин. Уни топ-да, сени Арбак юборганини айт, у бу номни эшитиб, типирчилаб қолади ва сенга энг кучли гиёҳларни беради.

— Афсус! — жавоб берди Юлия. — Сен айтган ўша хотиннинг уйига қандай боришни билмайман! Тўғри, йўл унча узоқ эмас, аммо қизлар учун у хатарли, ота уйдан анча ташқарига чиқиб кетилади. У ердаги ёввойи узумзорлар остида турли бало-офатлар яшириниб ётибди. Нотаниш йўлбошловчига ишоналмайман, менинг ёшимдаги аёлнинг яхши номи осонгина ёмонга чиқади. Менга барибир, Главкни севишимни билишса, билишаверсин, аммо унинг севгисига сеҳр-жоду билан эришганимни гапиришларини истамайман.

— Ўйлаб олишим учун менга лоақал яна уч кун керак, — деди мисрлик, у ўрнидан турди ва гўё кучини чамалаб кўрмоқчидай, хонада аста-аста одимлай бошлади. — Ўшанда сени ўзим олиб бораман. Кутишга тўғри келади.

— Аммо Главк анов жувонмарг неаполли қизга уйланапти.

— Уйланапти?

— Ҳа. Келаси ойнинг бошида.

— Мунча тез? Сен буни аниқ биласанми?

— Менга унинг ўз чўриси айтди.

— Бундай бўлмайди! — деди мисрлик қатъий оҳангда. — Ҳеч нарсадан кўрқма, Главк сеники бўлади. Аммо унга гиёҳни қандай ичирасан?

— Отам Главкни индин зиёфатга чақираяпти, чамамда у неаполли қиз билан бирга келади. Мен унга ичира оламан.

— Тамом! — Мисрликнинг кўзлари севинчдан ваҳшиёна ёнди, буни кўриб Юлия титраб кетди ва кўзини ерга олди. — Эртага оқшом тахтиравон тайёрлаб қўйишларини буюр. Тахтиравонинг борми?

— Албатта, бор, — деди Юлия, ўзининг бойлигидан гурурланиб.

— Айт, шай қилиб қўйишсин. Шаҳардан сал нарида кўнгилочар бир жой бор, у ерда кўпинча бой одамлар бўладилар, ажойиб чўмилиладиган жойлар ва сўлимликда тенгсиз боғлар бор. Сен гўё ўша ёққа бораётгандай тутасан ўзингни ва мен у ерда, агар унгача ўлиб қолмасам, сени Силен ҳайкали ёнидаги дарахтзорда қарши оламан. Оқшом юлдузлари чиқиб, пода ва подачилар дам олгани кетишгунча кутиб турамиз, шунда қоронғилик бизни яширади ва йўлда ҳеч ким учрамайди. Энди эса уйга бор ва ҳеч нарсадан кўрқма. Аид ҳаққи онт

ичаман, сенга миср афсунгари Арбак сўзим - Иона ҳеч қачон Главкка турмушга чиқмайди!

— Главк меники бўлади! — қувватлади Юлия.

— Айтганинг бўлсин, — деди Арбак.

Олдиндаги учрашувдан хавотирда бўлса-да, севгидан ҳам кўпроқ рашк ва ғазабдан ақлини йўқотган Юлия барибир шунга жазм этди.

Бир ўзи қолгач, Арбак деди:

— О ёрқин юлдузлар, сиз ҳеч қачон алдамайсиз, аллақачон ваъдангизни бажаришга киришингиз — муҳаббатда муваффақият ва душманлар устидан ғалаба. Қасос учун восита тополмай турган бир соатда менга йўл кўрсатиш учун мана бу соҳибжамол тентакни юбордингиз. — У чуқур хаёлга толиб жим бўлиб қолди.

— Ҳа, — давом этди у хотиржамроқ, — мен унга ўзим заҳар бера олмас эдим, бирдан изимдан тушишлари ва афиналикнинг ўлимида айблашлари мумкин эди! Аммо жодугар — менинг режаларим учун энг қулай қурол.

У қулини чақирди, тезроқ Юлиянинг орқасидан боришни ва унинг ким эканини билиб келишни буюрди. Шундан кейин у айвонга чиқди. Осмон мусаффо ва булутсиз эди, шамол узоқдаги уфқдан аста ҳайдаб келаётган бир қанча булут парчаларидан унинг ўзгарувчанлигини яхши билган Арбак момақалди роқ яқинлашаётганини англади.

— Бу менинг қасосимга ўхшайди, — деди у. — Осмон мусаффо, аммо булут босиб келаяпти.

VI БОБ

Жануб жаласи. Жодугар гори

Кундуз жазирамаси сал шаштидан қайтгач, Главк билан Иона тоза ҳаво олгани йўл олишди. Ўша вақтда римликлар турли аравалардан фойдаланар эдилар. Ҳамроҳсиз юрганларида бой одамлар одатда қўш от қўшилган, юқорида таърифлаганимиз аравалардан фойдаланишарди; зодагон матроналар (бегойимлар) кўпинча икки гилдиракли извошларда юрар эдилар; бундан ташқари қадимгилар яна каттакон тахтиравонларни ишлатганлар, улар ҳозиргидан кўра қулайроқ бўлган, чунки уларда ўтириш эмас, ётиш ҳам мумкин бўлган, шунда нохуш силкинишлардан азият чекилмаган. Яна узоқ саёҳатлар учун ҳам, шаҳар чеккаларида сайр қилиш учун ҳам мўлжалланган, усти очилиб-ёпиладиган кенг аравалар ҳам бўларди — унга учта ёки тўртта йўловчи бемалол сиғарди. Ана шундай аравада Ионанинг чўриси ҳамроҳлигида ошиқ-маъшуқларимиз сайрга йўл олдилар. Шаҳардан ўн милча нарида юнонларники эканлиги кўриниб турган қадимги эҳром харобалари бор эди, Главк ва Иона учун барча юнонча нарсалар азиз бўлганидан улар мана шу харобаларни томоша қилиш учун ўша ёққа йўл олишди.

Аввалига йўл узумзорлар ва зайтунзорлар оралаб ўтарди, кейин чувалиб, Везувийга томон кўтарилиб бораверарди, тепага чиққан сайин йўл ғадир-будирлашиб, отлар секин ва қийналиб юрар эди; дарахтлар оралигидаги ҳар бир ёриқдан Стратон таърифлаганидек, оловдан куйиб уйилган қоялар, кулранг, тунд ғорлар кўриниб қоларди; кейинчалик лава оқимлари ва узоқ замонлар уларни инсоният кўзидан яширган. Кунботиш томон эгилаётган қуёш тоққа узун ва қуюқ нурларини сочаётганда, ҳали эман ва қора қайинзорлардан подачи болаларнинг найи овози эшитилиб қоларди. Гоҳо улар қияликда ипак юнгли, бурама шохли, мафтункор мовий кўзли архарни кўрар экан-

лар, у ҳозир ҳам Авзония осмонида Марон эклогасини¹ безаб туради, қизғиш тус ола бошлаган узум занглари дарахтлардан чамбар-чамбар бўлиб осилиб турарди. Пардай енгил булутлар гўё бир қарашда қимир этмаётгандек туюларди, ўнг томонда эса денгиз ойнадай ярақларди, унда қандайдир бир кема сузиб борарди, сувда қуёш нурлари турфа рангларда жимжима қиларди.

— Нечоғли гўзал! — деди Главк босиқ овозда. — Она-еримизни шундай аташимиз бежиз эмас, шекилли-а? У ўзининг фарзандларига бирдек шафоатли ва саховатли, шундай эмасми? Ҳатто табиат ўз саховатини дариф тутган ерлар ҳам кулиб қараяпти. Ертут шохларига ва бу сўнган ёнартоғ этагидаги қуруқ тупроқларни эгаллаб олган зангларга бир қара. Оҳ, ушбу соатда бу ерда фавннинг² кулиб турган чехраси мана шу ям-яшил гулчамбарлардан чиқиб турганини ёки қалин шохлар орасидан тоғ парисини кўриб турганимизни тасаввур этиш осон. Аммо нимфалар, гўзал Иона, сен туғилганда ғойиб бўлганлар!

Харобалар олдига келиб, улар аждодларимизнинг ноёб ёдгорликларини ҳузур билан томоша қилдилар. То Геспер қизараётган осмонда пайдо бўлгунга қадар ўша ерда бўлишди ва уйга қайтишда олдингидан камсўзроқ эдилар, зеро шом қоронғулигида, юлдузлар остида ҳар иккаласи бир-бирига нечоғли севишини кучлироқ ҳис этмоқда эдилар.

Бу орада мисрлик каромат қилган жала булути осмонда тобора қуюқлашиб борарди. Аввалига узоқдан эшитилаётган момақалдиروқ табиатнинг олдинда турган қурашидан дарак берарди, сўнгра осмондан булутлар қаторлашиб тез югуриб ўтди. Бу ерларда жала жуда тез ёғиб ўтади, у вақтларда миялари хурофотга тўла одамлар "худо"лардан ғазабга келишлари ҳеч гап эмасди. Йўл бўйидаги дарахтларнинг шохлари орасидан йирик-йирик томчилар оғир келиб тушар, кейин эса чақмоқ чарақлаб, чор атрофни ёритиб юборар ва қуюқ зулмат кўйнида маҳв бўлар эди.

— Тезроқ бўл, азиз етакчим! — қичқирди Главк. — Жалада қолиб кетадиганга ўхшаймиз!

Қул ҳўкизларни ниқтади, улар тошлоқ йўлдан лўкиллаб кетишди, булут эса тобора қуюқлашиб борар, момақалдироқ тобора яқинлашиб келар ва ёмғир кучлироқ савалар эди.

— Қўрқаяпсанми? — шивирлади Главк, момақалдироқдан фойдаланиб, у Ионага яқинроқ сурилди.

— Сен борингда ҳеч нарсадан қўрқмайман, — жавоб берди қиз оҳиста.

Шу топ шалоқ ва парти кетиб шарти қолган арава (чиройли бўлишига қарамай, амалда улар ўша пайтларда кенг истеъмолда эди) қулаган дарахт кўндаланг ётган чуқур ўнгурга кириб келди. Аравакаш қиз ҳўкизларни аямай савалай бошлади, бироқ гилдирақлар ўқдан чиқиб, арава тўнкарилиб қолди.

Главк тезда арава остидан чиқди-да, Ионага ёрдамга шошилди. У, хайриятки, шикастланмаганди. Аравани бир амаллаб кўтаришди ва у бутунлай ишдан чиққанини кўришди: аравани кўтариб турган пружиналар отилиб кетган, ўриндиқлар ёмғир сувига тўлганди.

Нима қилиш керак? Шаҳаргача ҳали анча узоқ эди, атрофда эса ёрдам бериши мумкин бўлган на уй-жойлар ва на одамлар бор эди.

¹ Авзония — Италия (авзонлар — Италия қабилаларидан бири номи). Марон — Публий Вергилий, эрамизгача I асрда яшаган рим шоири. Машҳур «Энеида» достонидан ташқари, одатда буколика ёки эклога деб аталувчи чўпоний шеърлар ёзган.

² Фавн — юнон мифологиясида ўрмон руҳларидан, шўх чол қиёфасида.

— Шу яқинда бир темирчилик устахонаси бор, — деди аравакаш қиз. — Бориб қарай-чи, зора темирчи аравамизни қараб берса. О Юпитер, ёмғирни қаранг, ёмғирни! Қайтиб келгунимча хоним ёмғирда ивиб кетади.

— Чоп тезроқ, — деди Главк. — Биз ҳозирча бирор жойда беркиниб турамыз.

Йўл бўйида дарахтлар ўсиб турарди, Главк Ионани шулардан энг каттаси остига бошлади. Эгнидан ёмғирпўшини ечиб, қизга кийдирмоқчи бўлди, аммо азбаройи ёмғир кучлилигидан ёмғирпўши бирпасда жиққа ҳўл бўлди. Главк соҳибжамол ҳамроҳига далда сўзларини шивирлаб айтиб турганида бирдан ёнгиналарига даги дарахтга яшин келиб урилди ва қаттиқ қарсиллаб, йўғон дарахтнинг тит-питини чиқариб ташлади. Улар хатарни ҳис этиб, тузукроқ жой қидира бошлашди.

— Биз ҳозир Везувийнинг ёнидамыз, — деди у. — Ҳув тоғ ён-бағрида тоқлар ўсиб ётган битта-яримта гор бўлиши керак. Нимфалардан қолган бу бошпаналарни қидириб топиш керак, холос.

Шу сўзларни айтиб, у дарахтлар остидан чиқди ва тоғ томонга гамгин нигоҳ ташлаб, сал нарида зулмат ичида милтиллаётган қизғиш оловни кўрди.

— Ҳойнаҳой, бу биронта подачи ё боғбоннинг ўчоғидаги олов бўлса керак, унинг ёруғи бизни меҳмондўст бир уйга олиб келади. Сен шу ерда бўлиб тур, мен унғача... йўқ, мен сени хатарда қолдириб кетолмайман!

— Мен сен билан бораман, — деди Иона. — Бу шохларнинг хиёнаткорона панасидан очиқ жой яхши.

Ионани деярли кўлида кўтариб, титроқ босган чўри ҳамроҳлигидаги Главк ҳамон ёниб турган қизғиш олов томон юриб кетди. Улар очиқ даладан ўтишди, энди эса ёввойи тоқлар юришга халақит берарди, йўл кўрсатувчи олов эса аҳён-аҳёнда бир кўриниб қоларди. Жала кучайиб борарди. Чақмоқ кўз очирмай ярақлар ва йўловчилар агар оловни кўздан йўқотсак, биронта уйча ёки гор қидириб топармиз, дея умид қилар эдилар. Чалкаш ток занглари тобора қалинлашиб борарди, олов бутунлай кўздан йўқолганди, бироқ тез-тез ва узлуксиз чақаётган чақмоқлар ёғдусида бу қадар қийналиб юриб бораётганларни энсиз сўқмоқ олдинга олиб кетмоқда эди. Ёмғир бирдан тинди. Уларнинг рўпарасида қотган лаванинг палахса-палахса ва ғадир-будур қоялари хўмрайиб осилиб турар, чақмоқ ёғдусида улар янада кўрқинчлироқ кўринарди. Гоҳо чақмоқлар ғазабини тўкиш учун муносиброқ бирон нарса қидиргандек аллақачон тўс қоплаган ёки пастак дарахтлар босиб кетган кулранг кул ғарамлари устида осилиб қоларди; баъзан эса қуруқликни зулмат ичида қолдириб, улар энли йўл бўлиб, денгиз узра ястанар эди, кейин эса пастга интиларди, сув бамисоли порлаб кетганга ўхшаб туюларди ва бу шуъла шу қадар ёрқин бўлардики, кўз ўнгингизда ҳатто узоқдаги бурунлар манглайи дўнг абадий Мизенадан тортиб тоғлар билан ўралган гўзал Суррент-гача аниқ-таниқ намоён бўлар эди.

Ошиқ-маъшуқларимиз саросималаниб тўхташди, бироқ икки чақмоқ оралиғида қуюқлашган зулмат яна уларни қуршаб олди ва улар ўзларидан баландда, аммо жуда яқинда ҳалиги сирли ёғдуни кўришди. Янги чақмоқ ер ва осмонни ёритиб юборди. Яқин-атрофда уйлар йўқ эди, аммо у ерда, горда, осмондаги чақин энди ўчириб қўймаётган олов яна кўрина бошлади. Улар горга кўтарилиб боришга қарор қилишди. Улар баъзи жойларини буталар босиб кетган қоялар оралаб

боришга мажбур бўлишди, аммо тобора яқинлашиб боравердилар ва ниҳоят ғор оғзида пайдо бўлдилар, у тоғдан кўчиб тушган ва бири-бирига мингашиб ётиб қолган улкан харсанглардан вужудга келгани кўришиб турарди, шу туришида ғор икки томони нишабли томга ўхшарди. Қоронғиликка тикилиб қараб, иккаласининг ҳам беихтиёр хурофий ваҳмдан тиллари калимага келмай қолди.

Ғорнинг тўрида олов ёнарди, ўчоқда катта қозон осибди эди, баланд ва ингичка темир таёқда дағал мойчироқ осилиб турарди, ёнида олов ёнаётган деворга қуритиш учун ҳар хил гиёҳлар бир неча қатор қилиб осиб ташланганди. Олов ёнида бир тулки ётарди. Хурпайиб ва бўғиқ ириллаб, у чақноқ қизғиш кўзлари билан келганларга қаради. Ғорнинг ўртасида уч бошли махлуқнинг сополдан ясалган галати нусхаси турарди - булар ит, от ва қобоннинг бош суяклариди эди; мана шу барча сиғинадиган Гекатанинг ваҳшиёна тасвири олдида пастак учоёқ бор эди.

Аммо ичкарига кўрқиб қараб турган йўловчиларнинг томирларидаги қонни музлатган ғордаги нарсалар эмасди, балки унинг эгасининг кўриниши эди. Олов ёнида бир кампир ўтирар ва олов ёдуси унинг юзини ёритиб турарди. Эҳтимол, ҳеч бир мамлакатда Италиядагидек кўп кўрқинчли кампирни кўрмасангиз керак, ҳеч бир мамлакатда ёш ўтиши билан ҳусну жамол бунақа бадбуруш ва жирканч тасқараликка айланмаса керак. Аммо бу кампир тасқара эмасди, аксинча, унинг юзида хушбичимлилиқ, қатъият ва виқорли ифодалар сақланиб қолганди; тагида шу ифодалар қотган ҳаракатсиз нигоҳини уларга тикканида, кампирнинг юзи баайни ўликка ўхшаб қоларди - хира кўзлари қотган, қимтилган лаблари кўм-кўк, юзлари осилиб тушган, сийрак сочлари оппоқ, бадани мурдалардай кўкарган, бамисоли лаҳадга тушиб улгурмасданоқ қабр тупроғи сепилгандай.

— Бу мурда, — деди Главк.

— Йўқ, у қимирляпти. Бу алвасти! — бидирлади Иона тутила-тутила ва йигитга ёпишди.

— Қочдик бу ердан! — тез гапирди чўри қиз. — Бу Везувий жодугари!

— Кимсизлар? — сўради бўғиқ, қабрдан чиққандай овоз. — Бу ерда сизларга нима керак?

Овоз кўрқинчли ва ҳиссиз эди, аммо сўзланаётган кампирга жуда мос бўлиб, кўпроқ тирик банданинг эмас, балки Стикс соҳилида кезиб юрган қандайдир жисмсиз арвоҳнинг овозига ўхшарди. Ташқарида момақалди роқ авжга чиқаётганига қарамай, Иона кетишга тайёр эди, аммо Главк кўрқа-кўрқа бўлса-да, уни ғорга олиб кирди.

— Биз шаҳарда яшаймиз, жалада қолиб кетдик, — деди у. — Биз оловга келдик, жой бер. Ўчоғингда исиниб олсак майлими?

Шу гапларни айтиб турганида тулки шартта туриб, келганларга ташланди, оппоқ тишларини тиржайтириб, янада ўчакишиброқ ириллай бошлади.

— Ёт! — қичқирди жодугар.

Бекасининг овозини эшитиб, тулки дарров ётди, тумшугини думи билан ёпди ва унинг маконига бостириб кирган одамларни зийраклик билан кузатишдан ўзга чораси қолмади.

— Ана олов, борсаларинг бора қолинглар, — деди кампир Главк ва унинг икки ҳамроҳига ўтирилиб. — Мен бойўғли, тулки, бақа ва илондан бошқа биронта тирик жонни севмайман, шунинг учун сизларни бажонидил таклиф этолмайман. Аммо таклиф қилмасам ҳам ўтираверинглар, бунақа мулозаматнинг кимга кераги бор.

Кампир гапларига қандайдир янада қадимийроқ ва дағал лаҳжадаги сўзларни аралаштириб, ғалати ёввойи лотинчада гапирарди. У жойидан қимир этмади, аммо Главкнинг Иона эғнидан ридони авайлаб олишини ва уни форда ўтирса бўладиган ягона буюм — харига ўтқазishi тош қотган нигоҳи билан кузатиб турди ва кўмирни пуфлаб яллиглантирди. Хўжайинларининг жасоратидан руҳланган чўри қиз ҳам узун ридосини ечди ва ўчоқ олдига, улардан четроққа келиб чўнқайди.

— Ишқилиб, сизни безовта қилиб қўймадикми? — деди Иона чиннидай овозда.

Жодугар жавоб бермади. Унинг кўриниши шунақа эдики, гўё у бир лаҳзага ўликлар ичидан тирилиб келган-у, энди яна мангу уйкуга кетгандай.

— Сизлар ака-сингилмисизлар? — сўради у узоқ жимликдан кейин.

— Йўқ, — деди Иона қизариб.

— Эр-хотинмисизлар?

— Йўқ, — жавоб берди Главк.

— Ҳа-а, севишганлармиз денглар! Ваҳ-ҳа-ҳа! — Жодугар азбаройи қаттиқ кулганидан фор жаранглаб кетди.

Кампирнинг ҳе йўқ-бе йўқ бирданига қувнаб кетганидан Ионанинг юраги орқага тортиб кетди. Главк шоша-пиша дуолар ўқий бошлади, чўри қиз ҳам жодугарнинг ўзидай оқариб, тирик мурдага айланганди.

— Нимага кулаяпсан, қари жодугар? — сўради Главк қошини чимириб, аммо ҳадик аралаш, дуоларни замзама қилиб бўлгандан кейин.

— Қачон кулдим? — талмовсиради жодугар.

— У ақлдан озган, — шивирлади Главк ва дарҳол кампирнинг ғазабнок ва чақнаб ёнган нигоҳини тутди.

— Ёлғон айтаяпсан, — деди кампир калта қилиб.

— Жудаям меҳмондўст эмасга ўхшайсан, — гудранди Главк.

— Жим! Жаҳлини чиқармаслик керак, азизим Главк! — шивирлади Иона.

— Сизларнинг ошиқ-маъшуқлар эканингизни билганимдан кейин нима учун кулганимни айттайми сенга? — сўзлаб кетди кампир. — Қари-қартанглар ва қасанғилар сизларга ўхшаган ёшларни кўрганда маза қиладилар, сизлар бир-бирингизни ёмон кўриб қоласизлар, ёмон кўриб қоласизлар, ҳа, ваҳ-ҳа-ҳа!

Энди Иона бу даҳшатли ваҳийга қарши дуолар ўқиди.

— Худолар бизни ўз паноҳида асрасин! — деди у. — Афсуски, эй шўрлик хотин, севгини тушингда ҳам кўрмаганинг билиниб турибди, акс ҳолда севги ўзгармаслигини билган бўлар эдинг.

— Мени ёш бўлмаган деб ўйлайсизларми? — жавранди кампир. — Ҳа, энди мен қаридим, жирканчман, кўрқинчлиман. Одамзотнинг жисми шунақа, юраги ҳам шунақа.

Гўё баданини ҳаёт тарк этганидек, у яна машъум сукутга чўмди.

— Бу ерда анчадан бери яшайсанми? — сўради Главк бирпасдан кейин, бу сукутдан у ўзини ғоят ноқулай ҳис этмоқда эди.

— А? Ҳа, анчадан бери.

— Бошқа дурустроқ жой қуриб кетганмиди?

— Дурустроқ жоймиш! Дурустроқ ҳам гапми — тагимизда дўзах бор! — деди кампир қоқшол бармоқлари билан пастни кўрсатиб. — Мен сенга бир сирни очаман: шайтонлар у ерда, ернинг тагида юқорида яшаётганлардан, сизлардан, беғам ва сулув ётлардан ғазабга келишяпти.

— Бу аччиқ сўзларинг меҳмондўстликка тўғри келмайди, — деди Главк. — Бошқа сафар сенинг форингда яширинишдан кўра очиқ ҳавода жала остида қолишни афзал кўраман.

— Яхши қиласан ҳам. Хўрланганлардан бошқа ҳеч ким мени қидир-маслиги керак!

— Хўрланганлардан бошқа дейсанми? Нима учун? — сўради афиналик.

— Мен шу тоғнинг жодугариман, — жавоб берди кампир риёкорона жилмайиб. — Менинг ишим — тушкунликка тушганлар кўнглида умид уйғотиш: севгида бахтсиз бўлганлар учун менда қайтариқ гиёҳлари бор; очкўзлар учун — бойиб кетиш усуллари; гаддорлар учун — қасос воситаси; бахтли ва яхши одамлар учун менда лаънат ва қарғиш бор! Энди эса мени тинч қўйинглр.

Форнинг маъюс мезбони яна сукутга чўмди, бу сукут шу қадар қаттиқ ва тунд эдики, Главкнинг уни тагин суҳбатга тортиб қилган ҳаракатлари беҳуда кетди. Унинг ҳаракатсиз ва маъносиз башарасидан ҳатто кампирнинг гапини эшитаётгани ёки йўқлигини ҳам билиш қийин эди. Хайриятки, қанчалик шиддатли бўлса, шунчалик қисқа давом этган жала тинди, ёмғир тобора сусайиб борарди, ой мўраллади ва унинг тиниқ шуъласи жодугарнинг хилват масканига тушди. Ой нури, эҳтимол, ҳеч қачон мусаввир мўйқаламига бундан-да муносиброқ одамлар гуруҳини ёритмаган бўлса керак. Ёш, гўзал Иона кўпол ўчоқ олдида ўтирибди, жодугарнинг борлиги ҳам эсидан чиққан ошиқ Главк унинг пойидан жой олган, у маъшуқасининг юзига қараб, алланималарни шивирламоқда, сал нарида эса кўркүвдан ранги қув оқариб кетган чўри қиз ва уларга ўзининг даҳшатли кўзларини тикиб олган ёвуз жодугар қотиб ўтиришарди. Аммо ажибу фаройиб нарсаларга тўла бу қоронғу ва овлоқ ғорда гўзал жуфтлик хотиржам ва жасоратли кўринарди (зеро севги юракка жасорат бағишлайди). Ўз ётган бурчагидан тулки уларга ғазаб билан қараб турибди ва шундагина жодугар томонга ўтирилган Главкнинг нигоҳи кампирнинг пойида бошини кўтариб, кўзлари чақнаб турган илонга тушди; афтидан, афиналикнинг Иона устига ташлаб қўйган ялтироқ ридоси ранги уни ғазабини келтириб юборганди; илон неапол қизига ташланмоқчи бўлиб, таҳдид ила бошини янада баландроқ кўтарди; Главк тезгина ўчоқдан катта чала ёнган ходани суғурди, илон эса бундан дарғазаб бўлиб, ётган жойидан ўрмалаб чиқди-да, қаттиқ вишиллаб, қарийб юноннинг бўйи баравар юқорига чўзилди.

— Жодугар! — қичқирди Главк. — Анови балонгни йўқот, бўлмаса мен уни ўлдираман!

— Унинг тиши суғуриб ташланган, — жавоб берди жодугар уйғониб.

Аммо шу гапни айтар-айтмас илон Главкка ташланди. Юнон ҳушёр турган эди, у бир томонга сакради-да, илоннинг бошидан шунақанги қаттиқ зарба бердики, у биланглаб тўғри оловга бориб тушди.

Жодугар ўрнидан турди ва Главкка юзма-юз бўлди. Унинг башараси энг баджаҳл фуриялар жамолининг ўзгинаси эди, ундаги ифода ҳаддан ташқари шиддатли эди, аммо шунда ҳам у гўзаллик нишонларини сақлаб қолганди.

— Мен сенга бошпана бердим, — деди жодугар секин, хотиржам оҳангда, бу унинг юзидаги ифодага сира қовушмаётганди, — ўчоғим оловида исиндинг, сен эса яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтардинг, сен мени севган ва меники бўлган, боз устига, худолар бошқалардан кўра кўпроқ ярлақанган ва одамлар сиғинадиган бир тирик мавжудотни урдинг ва, эҳтимолки, ўлдирдинг. Сени нималар қутаётганига қулоқ сол. Жодугарлар ҳомийси Ой ва ғазаб элтувчиси Орк номи билан онт ичаманки, сенга лаънатлар бўлсин! Икки дунёда ўнгмагин! Севгинг бошингдан ордона қолсин, илоё отинг ўчсин,

рўшнолик кўрма, то абад дўзахдан бери келма, илоё, юрагинг гўрда чирисин! Ҳа, бир кун ажалинг етганида Везувий жодугарининг кароматини эслайсан ҳали! Сен эса... — деб давом этаркан, у шартта Иона томонга ўтирилди ва ўнг қўлини кўтарди.

Аммо Главк унинг гапини бўлди.

— Жодугар! — деди у. — Тўхта! Сен мени қарғадинг ва мен ўзимни худолар ихтиёрига топшираман. Мен кўркмайман ва сендан нафрат қиламан. Аммо агар унга қарши лоақал бир оғиз сўз айтгудек бўлсанг, ўша қарғиш сўзлари чиққан ифлос оғзингдан ҳиқ этиб жонинг ҳам чиқажак. Эҳтиёт бўл!

— Бўлар иш бўлди, — деди жодугар даҳшатли жилмайиб, — чунки сенинг қисматингда сени севган у ҳам қарғиш олди. У исмингни шивирлаб айтганини эшитдим, энди сени иблисларга ҳавола қилиш йўли менга маълум. Главк, сени қарғиш уриб бўлди!

Шундай дея жодугар афиналикдан тескари ўтирилди, илонни оловдан суғуриб олди ва ўзининг тўлғанаётган суюқлиси ёнида чўк тушиб, ортиқ уларга бурилиб қарамади.

— Оҳ Главк! — Ионани даҳшат чулғади. — Нима қилиб қўйдик! Кетдик бу ердан! Жала тинди. Ҳой яхши хотин, бизни кечир, сўзларингни қайтиб ол, ахир у фақат ўзини ҳимоя қилганди-ку. Сулҳ белгиси сифатида мендан мана бу совғани ол. — Иона эгилиб, кампирнинг тиззасига зилдай ҳамённи қўйди.

— Йўқол! — деди ғазаб билан кампир. — Йўқол! Фақат Паркалар¹-гина қарғиш тугунларини еча оладилар.

— Кетдик, жоним! — қақирди Главк сабри тугаб. — Наҳотки осмондаги ва ер остидаги "худолар" ақлдан озган жодугарнинг дийдиёларини эшитса? Кетдик!

Жодугарнинг қаҳ-қаҳ уриб кулган овози ғорда узоқ жаранглаб акс садо бериб турди. У меҳмонларга ортиқ бир сўзни ҳам раво кўрмади.

Очиқ ҳавога чиқиб, ошиқ-маъшуклар енгил нафас олишди. Бироқ ғор ҳақидаги жодугарнинг гаплари ва қаҳқаҳаси Ионани ҳамон тарк этмаётганди, ҳатто Главкнинг ўзи ҳам оғир туйғулардан қутулолмаётганди. Жала тинганди, фақат узоқларда, қоп-қора булутлар орасида аҳён-аҳёнда қисқа чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлаб кўярди. Бир амаллаб улар аравалари турган йўлга чиқиб олишди. Аравани амалтақал қилиб созлаб олишганди, ҳайдовчи эса хўжайин қаёққа кетдиларкин деб Геркулесга таваллолар қилиб ётган экан.

Главк Ионага тасалли беришга беҳуда уринарди, қиз бутунлай беҳол бўлиб қолган эди, йигитнинг ўзи ҳам олдингидай машқи баланд эмасди. Кўп ўтмай улар шаҳар дарвозасига етиб келишди. Уларни қўйиб юбориш учун дарвоза очилганда, тахтиравон кўтарган қуллар кўринди.

— Бунақа бемаҳалда шаҳардан чиқиш ман этилган! — қичқирди посбон тахтиравондаги одамга.

— Ҳали унчалик бемаҳал эмас, — жавоб овози эшитилди, бу овозни эшитиб, ошиқ-маъшуклар сесканиб тушишди, чунки у яхши таниш эди. — Мен Марк Полибийнинг уйига боришим керак, тезда қайтаман. Мен мисрлик Арбакман.

Посбон тинчланди ва тахтиравон йўлида давом этди, унинг аравага туртиниб кетишига бир баҳя қолди.

— Шундай пайтда Арбак бу ерда нима қилиб юрибди? Касалдан энди бош кўтарди-ку! Шаҳардан не мақсадда чиқиб кетаётган бўлса? — деди Главк.

¹П а р к а л а р — Юнон-Рим мифологиясида инсонларнинг тақдирини тўқувчи «илоҳалар».

— Эвоҳ! — йиғлаб юборди Иона. — Юрагим ёмон нарсани сезаяпти. Худолар бизни ўз паноҳида асрасин! Ҳеч бўлмаса, — деб қўшимча қилди у ўзича, — менинг Главкимни ўз паноҳида асрасин!

VII БОБ

**Олов камар соҳиби ва унинг ёрдамчи қизи.
Тақдир ваҳийни оловли ҳарфлар билан иншо этган,
аммо уни ўқиш кимга насиб этаркин?**

Арбак жала ўтиб кетгунча кутиб турди ва тун қоронғилиги остида Везувий жодугарини қидириб топишга йўл олди.

Арбак ўтирган тахтиравонни бақувват қуллар кўтариб борарди. У ўзининг сирли саёҳатларида шуларга ишониб ўрганиб қолган, тахтиравонда ётар экан, у сирли севинч ила қасос ва муҳаббат ҳақида ўйларди. Масофа унча узоқ бўлмаганидан, Арбак кўп ўтмай, афсуски, ошиқ-маъшукларимиз учратмаган энсиз йўлга чиқиб олди. Қалин тоқзорлардан айланиб ўтиб, йўл тўғри жодугарнинг масканига олиб борарди. Шу ерда у тахтиравондан тушди ва қулларига тасодифий ўткинчилар кўзидан тоқзорда яшириниб туришни буюриб, узун таёққа таянганча эҳтиёткор одимлар билан бир ўзи қоронғу ва тик ёнбағирдан ўрлаб кетди.

Тип-тиниқ осмондан бошқа бир томчи ҳам ёмғир тушмади, аммо зилдай занглардан сув ғамгин оқиб тушмоқда ва чуқурча ҳамда ёриқларда ҳалқоб бўлиб тўпланмоқда эди.

"Файласуфга ярашмайдиган бу эҳтирослар, — деб ўйларди Арбак, — мени, ўлим тўшагидан базўр оёққа турган ва дабдабаларга ўч бўлган одамни тун чоғи йўлга бошлаб чиқса! Аммо мақсадга йўналтирилган Эҳтирос ва Қасос Тартарни Елисей далаларига айлангириши мумкин".

Баланд осмонда ёрқин ва ғамгин Ой осилиб турарди. Маъюс йўловчига йўлни ёритганча у ҳар бир ҳалқобда акс этар эди. Кейин Ой тоғ ортига яширинди. Арбак унинг қурбонлари кўрган ёғдуни кўрди, бироқ энди, қоп-қора — қизғиш булутлар йўқолган, айна вақтда у қондай қип-қизил бўлиб кўринмаётганди.

Ниҳоят, Арбак нафасини ростлаганча ёрдан сал нарида тўхтади, кейин, ҳар доимгидек, фикрини бир жойга тўплаб нопок масканга кириб келди.

У кириб келгач, тулки ирғиб турди ва узоқ улиб, бекасини янги меҳмон келганидан огоҳ қилди.

Жодугар эса ўликдай қимир этмай, ҳамон ўз жойида ўтирарди. Унинг оёқлари олдидаги қуруқ хас-хашаклардан қилинган тўшақда яраланган илон ётарди. Илоннинг ўчоқ ёруғида тангачалари йилтиллаб, оғриқдан ва ночор ғазабдан эшилиб тўлғонаётгани мисрликнинг ўткир нигоҳидан яшириниб қолмади.

— Ёт! — буйруқ берди жодугар тулкига аввалгидек ва тулки индамай, ётди, аммо ҳушёр кузатарди.

— Қоронғу Тун ва Эребнинг хизматкори, кўзғол! — деди Арбак амрона. — Катта оғанг сенга саломлар келтирди! Уни кутиб ол!

Жодугар мисрликнинг новча қомати ва қоп-қора юзига бир-бир, узоқ ва диққат билан қаради, Арбак эса қўл боғлаганча унинг рўпарасида турар, юзидан виқор ва кибр ёғилар эди.

— Кимсан эй ўзини оташин далалар жодугари ва қирилиб битган этрусслар қизининг катта оғаси деб атаган одам? — сўради жодугар охири.

— Менми? — жавобан деди Арбак. — Шимол ва Жанубдаги, Шарқ ва Ғарбдаги, Ганг ва Нилдан тортиб Фессалия соҳиллари ва лойқа Тибр қирғоқларигача бўлган барча афсунгарлар итоаткорлик билан билимлар сўраган зот бўламан.

— Бу жойларда фақат биттагина шундай одам бор, — деди жодугар. — Унинг фазилатлари ва сирли шухратини билмаган одамлар уни мисрлик Арбак деб аташади. Бошқалардан баландроқ ва донороқ одамлар учун эса унинг исми — Хермес, Олов Камар соҳибидир.

— Қара, — деди Арбак. — Бу мен.

Шу сўзларни айтиб, у ридосини кенг очди, белидаги камар чарақлаб кетди, унинг туғросига афтидан жодугарга таниш бўлган аломатлар чекилганди. Жодугар сапчиб ўрнидан турди ва ўзини Арбакнинг оёғига отди.

— Бу сенмисан, эй Қудратли Камар соҳибини! — деди у итоаткорлик билан. — Саломимни қабул айла.

— Тур! — амр қилди мисрлик. — Сен менга кераксан.

Арбак Иона ўтирган ҳалиги хариға ўтирди ва имо билан жодугарни ҳам ўтиришга таклиф этди.

— Демак, — гап бошлади у, жодугар келиб ўтиргач, — сен тоғларда яшаган қадимги этруск қабиласининг қизиман дединг, этруск шаҳарларини қуршаб олган деворлар ҳалигача уларнинг қадимги мулкларини босиб олган қароқчи халқнинг турар-жойлари узра қад қўтариб турибди. Этруссларнинг бир қисми Юнонистондан келган, бир қисми янада жанубийроқ ва қадимгироқ ерлардан ҳайдаб юборилган. Аммо нима бўлганда ҳам сен Мисрдан келиб чиққансан, зеро туб илотларни¹ қул қилган юнонлар Нилнинг безовта ўелонларидир, у уларни ўз баҳридан ҳайдаб юборган. Шундай қилиб, эй жодугар, садоқатда менинг аждодларимга сиғинган аждодлардан келиб чиққансан. Сен насл-насабинг ва ҳунаринг сабабли Арбакка итоат қилгайсан. Шунга рози бўл ва бўйин сун!

Жодугар бошини эгди.

— Афсунгарликда санъатимиз ҳар қанча буёқ бўлмасин, — давом этди Арбак, — биз ўз мақсадимизга етишимиз учун гоҳо табиий воситалар қўллашга мажбур бўламиз. Узук, биллур, кул, гиёҳда очилган фол баъзан хато чиқади; шунга ўхшаб Ойнинг олий сирлари Олов камар соҳибини лоақал оддий мақсадларга етишиш учун оддий инсоний воситалар қўллаш заруриятидан халос эта олмайди. Диққат билан қулоқ сол. Биладан, барча гиёҳларнинг сирли қудратидан хабардорсан, улар бадандан жонни ҳайдаб юборадилар ёки ўлдирадилар, ёхуд томирлардаги қонни шундай музлатиб қўядики, уни биронта ҳам қуёш эрита олмайди. Санъатингни меъёрдан ортиқ мақтаб юбормаяпманми? Тўғриси айт!

— Эй, қудратли Хермес, улар ҳақиқатан ҳам менга аён. Бир қур менинг қўрқинчли, қуриб қолган юзимга боқ, у ўликка айланган, чунки кечасию кундузи бу қозонда заҳарли гиёҳларни қайнатаман.

Бунини эшитиб, мисрлик юракни увиштирувчи қозондан нари сурилди.

— Яхши, — бош ирғади у. — Қўриб турибман, "Жисмдан ҳазар қил, зеро у ақлни ўтмаслаштиради" дея хитоб қилган олий тамойилни мен англаб етдим. Хўп, ишга қайтайлик. Эртага юлдузлар битта-битта ёна бошлагач, ҳузурингга кибрли бир қиз келади ва севгилисини бошқа қиздан тортиб олиб, ўзига иситиш учун сендан гиёҳ сўрайди. Бундоқ қил, ўз иссиқ-совуқ дори-дармонларинг ўрнига унга

¹Қадимги Спартадаги давлат қуллари шундай аталган. Улар ўз келиб чиқишларини юнон - дорийлар эрамизгача XI-X асрда забт этган Пелопоннеснинг туб аҳолилари билан боғлайдилар.

энг кучли заҳарни бер. Жазман ўз ишқий онтларини арвоҳлар қулоғига айта қолсин.

Жодугарнинг аъзои бадани титраб кетди.

— Узр! Кечир... даҳшатли устоз! — деди у тутилиб. — Аммо бу қўлимдан келмайди. Бу шаҳарларда қонун қаттиқ ва хушёр, мени тутиб, қатл этишлари мумкин.

— Унда гиёҳларинг ва дори-дармонларингни бошимга ураманми, эй такаббур жодугар? — сўради Арбак мийиғида кулиб.

Жодугар қўллари билан бадбашара юзини беркитди.

— Оҳ! Кўп йиллар муқаддам, — деди у бирдан ғамгин ва оҳиста, — мен жавоб севгисига мунтазир эдим ва ўшани севаман.

— Бу ерда сенинг муҳаббатингга бало борми? Нима буюрсалар, шуни қил, — жаҳли чиқиб деди Арбак.

— Шошмай тур, — давом этди кампир. — Шошмай тур, ёлбораман. Мен севар эдим. Бошқа қиз, менга ўхшаб унча чиройли эмас, ҳа, Немесида ҳаққи, унчалик чиройли эмасди! — ўша менинг суйганимни ўзига авраб олди. Мен қора афсун сирларини ҳаммадан яхши билладиган сирли этруск қабиласидан бўламан. Онам ўзи жодугар эди, у менга хайрихоҳ эди. Унинг севгисини қайтариши лозим бўлган гиёҳни ва рақибамни заҳарлаши керак бўлган оғуни унинг қўлидан олгандим. Оҳ, йиқилинг устимга, даҳшатли деворлар! Қўлларим дағдағ қалтирар эди, косаларни адаштириб қўйгандим. Севгилим ростданам оёғимга йиқилди, лекин тирик эмас, ўлик йиқилди! Шундан бери кўрган куним курсин менинг. Мен тез қаридим ва ўзимни қабиламизнинг сирли касбига бағишладим. Аммо қандайдир эплаб бўлмас куч мени қўлга олган ва мен ўзимни даҳшатли қарғишга бахшида этдим: шундан буён энг заҳарли гиёҳларни қидираман, шундан буён гўё манфур рақибамни заҳарлаётгандай ҳис қиламан ўзимни. Мен оғуни косага қуяман-да, у рақибам жамолини кўйдириб кул қилишини кўраман. Тунлари уйғониб кетаман ва севикли Авлимнинг типирчилаётган баданини, лабларидаги кўпикни, қотиб қолган кўзларини кўраман, ҳа, уни мен ўз қўлим билан ўлдирган эдим! — Шундай дея қовжироқ кампир бутун вужуди билан титраб кетди.

Унга қизиқиш билан қараб, Арбак ўйлади:

"Шундай мараз махлуқда ҳам инсоний ҳислар сақланиб қолган-а! Арбакни кўйдириб кул қиладиган олов қолдирган кулда у ҳамон жингиртоб бўлиб ётибди! Ҳаммамиз шунақамиз! Олийларни ва тубанларни бирлаштириб турадиган бандаларнинг ҳолини тушуниб бўлмайди".

Жодугарнинг тинчишини пойлаб, у узоқ сукут сақлаб ўтирди. Кампир энди ҳар томонга чайқалган ва ҳаракатсиз кўзларини Арбакка тиккан кўйи ўтираркан, сўник башарасидан йирик-йирик томчилар думалаб тушмоқда эди.

— Булар дарҳақиқат қайғули гаплар, — деди Арбак. — Аммо одам бундай ҳисларни ёшликда бошдан кечиради, ёш ўтган сайин одамнинг дийдаси қотиб бораверади ва биз фақат ўзимизнигина ўйлайдиган бўлиб қоламиз; қисқичбақа косасида ҳар йили битта қатлам ортгани каби, юрагимизни қоплаб олган қобиқ йилдан-йилга қалинлашиб бораверади. Ёшликнинг бу телбаликларини унут! Энди эса менинг гапларимга қулоқ сол. Мен қасос олмоқчиман ва амр этаман сенга — бўйин сун! Сени шунинг учун қидириб келдим. Мен йўқ қилмоқчи бўлган одам афсунларимга қарамасдан йўлимда ғов бўлиб туриб олган. Унинг турган-битгани олтин ва қирмиздан, табассумлар ва нигоҳлардан иборат, унинг на юраги бор, на ақли бор, ундаги бор-йўқ нарса — бу ҳусн, гўзаллик — минг лаънат унга! — ва Орк билан Немесида ҳаққи, мана бу қурт, мана бу Главк ўлиши керак.

Ҳар бир сўзида куйинган Арбак, ўз ночорлигини, галати тингловчисини, қасосдан бошқа ҳамма нарсани унутганча катта-катта одимлар билан қоронғи горда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Главк! "Главк" дедингми, эй қудратли устоз! — деди жодугар ва унинг хира кўзлари ёлғиз ва хўрланганларда майда ҳақоратлар туғдирадиган нафратдан ёниб кетди.

— Ҳа, унинг исми шундай. Аммо исмининг нима аҳамияти бор? Яна уч кундан кейин у мурданинг исми бўлиб қолиши керак!

— Гапимга кулоқ сол, — деди жодугар мисрликнинг сўзларидан кейин бироз хаёлга чўмиб олгач. — Мен сенинг чўрингман, хизматкорингман. Менга раҳминг келсин! Борди-ю, сенга ўша айтганингни, Главк учун заҳарни бергудек бўлсам, албатта изимдан тушадилар — марҳумлар ҳар доим қасоскорларни топадилар. Бу ҳол майли, даҳшатли ҳукмдор; борди-ю, Главкка бўлган нафратинг ошкор бўлгудек бўлса, жон сақлаб қолишинг учун барча сирли санъатинг сенинг ўзингга асқотиб қолади.

— Нима! — Арбак тахта бўлиб қолди.

Сўқир эҳтирос ҳатто энг зукко одамларни ҳам ана шундай тахта қилиб қўяди. Узини ўзи қандай балога гирифтор қилаётгани эҳтиёткор ва ҳушёр Арбакнинг миясига биринчи марта келди.

— Аммо, — давом этди жодугар, — борди-ю, унинг юрагини тўхта-тиб қўядиган оғу ўрнига ақлни қуритиб ва оздириб қўядиган, уни ичган одамни ҳеч нарсага ярамайдиган, зулматга чўмган бир шўрлик телбага айлантириб қўядиган, эрта қаритиб, эрта чуритадиган бошқасини берсам-чи? Ахир ишқилиб сен ўз мақсадингга етсанг бўлдику, шундай эмасми?

— О жодугар! Сен энди менга чўри эмас, Арбакка муносиб опа бўлдинг! Ҳатто қасосда ҳам аёл зотининг ақли бизникидан нечоғли топқирроқ бўлади! Бундай тақдир ўлимдан ҳам нечоғли мудҳишроқ!

— Бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, — давом этди жодугар, ўзининг ёвуз режасидан суюниб, — чунки одамлар тагига етишдан қўрқадиган кўплаб сабаблар туфайли қурбонимиз ақлдан озиши мумкин. У узумзорда бўлиб, нимфани¹ кўриши ёки шаробнинг ўзи шундай таъсир қилиши мумкин, ҳа-ҳа-ҳа! Худолар аралашиши мумкин бўлган нарсани одамлар у қадар синчковлик билан текширишмайди. Ҳатто бундан бадтарроқ нарса бўлганида ҳам буни ишқий афсунларга йўйсинлар, ҳечқиси йўқ: ахир қайтариқ гиёҳлар кўпинча ақлдан оздирадилар, ҳатто уни ичрган соҳибжамолга ҳам хайрихоҳлик кўрсатишади. Эй қудратли Хермес, менинг усулимдан хурсандмисан?

— Бунинг учун умринг йигирма йилга узаяди, — жавоб берди Арбак. — Опноқ юлдузлар орасида умринг чизигини бошқатдан тортаман — Олов камар соҳиби олийжаноблик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяжак. Бундан ташқари, эй жодугар, мана бу олтин қуроллар сенга шинамроқ бошпана бунёд қилажак: менга ҳожатбарорлик кўрсатиб, минглаб жоҳил деҳқонларга ғалвир ёки тигда фол очганингдан кўра кўпроқ пул ишладинг, ҳа.

Шундай дея у жаранглатиб, залворли ҳамённи ерга ташлади, унинг жаранги менсимай юрган қулайликларни сотиб олиши мумкинлигига ақли етган жодугар кулоғига мойдай ёқди.

— Яхши қол, — деди Арбак. — Қара, ухлаб қолма тагин, эрталабгача гиёҳларингни қайнатиб чиқ. Йигинларингда ҳомийинг ва дўстинг — мисрлик Хермес эканини сўзлаб берганингда, барча опа-сингилларинг оёғингга бош уради. Эртага оқшом кўришамиз.

¹Қадимгиларнинг тушунишича, нимфа билан кўришув одамни жинни қилган ва жинни ҳақида «уни нимфа урган» деб айтишган.

Жодугарнинг хўшлашуви ва миннатдорлигига қулоқ ҳам солмай, Арбак тез-тез одимлаб, ёрдан ойдинга чиқди ва тоғдан пастга шошилди.

Арбакни ёр оғзигача кузатиб қўйиб, жодугар унинг ортидан узоқ қараб қолди ва ой нури унинг арвоҳсимон гавдасини ва ўлик тусли юзини ёритганда, гўё Арбак жуда устомонлик билан даҳшатли Орклан ючиб кетаётганга ўхшаб кўринди, жодугар эса қора дарвоза олдидаги даҳшатли қўлкалар оломони рўпарасида турар экан, уни қайтаришга беҳуда таваллолар қилар ва у билан яна бирга бўлишни орзулаб, хўрсинарди. Сўнг жодугар аста ёрга қайтди, оғир уҳ тортиб, ердан ҳамённи олди, шамдонни кўтариб, ёрнинг тўрига ўтди. Бу ерда қоп-қоронғи йўл бор эди, у пастга тик тушиб кетарди, харсанг ва қоялар яшириб тургани боис уни фақат жуда яқинга борибгина кўриш мумкин эди. У мана шу қоронғи йўлдан пастга тушди, йўл тўғри ернинг киндигига олиб борадиганга ўхшарди, бир тошни кўтариб, хазинасини чуқурчага қўйди, шам ёруғида у ердаги турли қийматли, ишончли ва олийҳиммат одамлардан олинган тангалар чарақлаб кетди.

— Сизларга қарашни яхши кўраман, — деди кампир, — чунки сизларни кўрганимда, ўзимни ростдан ҳам қудратли ҳис этаман. Сизларни кўпайтириш учун йигирма йил кўпроқ яшайман! О буюк Хермес!

Жодугар тошни қайта бостириб қўйди ва текис ҳамда чуқур тешик олдида тўхтади. У эшилди-да, ғалати ва бўғиқ гувиллаган овозни эшитди, агар оддий, аммо ҳаққоний ўхшатишдан фойдаланиб айтсак, у чархланаётган пичоқнинг овозини эслатарди. Қора тутун буралиб-эшилиб, ёр ичига кириб кетмоқда эди.

— Арвоҳлар бугун бошқача шовқин солишяпти, — деди жодугар, оппоқ бошини силкиб. Тешикдан қараб, у хув пастда, узоқда узун-узун олов тимсолларини кўрди. — Қизиқ, — у ортига тисланди. — Атиги икки кун бурун хирагина ёғду кўриниб турганди. Бу нимадан дарак беради?

Бекаси ортидан изма-из келаётган тулки ғашланиб улиди-да, орқага, ёр томонга отилди. Унинг бесабаб улишидан жодугар сесканиб кетди — ўша хурофий замонларда бу хосиятсиз аломат саналарди. У қарганиб қўйди-да, ёрга шошилди, у ерда гиёҳларга афсунлар ўқий-ўқий мисрликнинг илтимосини адо этишга тутинди.

— У мени ақли суюлган кампир деди, — деди у, бу орада биқирлаб қайнаётган қозондан қуюқ буғ кўтарилди. — Жағинг осилиб, тишларинг тўкилиб, юрагинг зўрға уриб турганда ақлинг суюлса, ачинарли, албатта. Аммо, — давом этди у тантанавор жилмайиш билан, — ёш, хушрўй ва кучли бўла туриб, бирдан ақлдан озиш бу даҳшат! Ён, олов, қайна, сув, шиш, шоҳ, пиш, бақа, — мен уни қарғадим, плоё, қарғиш уриб, икки дунёда хор бўлсин!

Арбак ва жодугар ўртасида мана шу мудҳиш сўхбат бўлиб турган ўша тун ва ўша соатда Апекид хочга чўқинди.

VIII БОБ

Воқеалар давоми. Фитна етилиб келмоқда

— Юлия, бугун оқшом Везувийдаги жодугар олдига, тагин бояги даҳшатли одам билан бирга боришдан кўрқмайсанми?

— Нега кўрқар эканман, Нидия? — жавоб берди Юлия ҳадик билан. — Сен ростданам бу кўрқинчли деб ўйлаяпсанми? Ўзларининг сеҳрли ойналари, галвирлари ва ойдинда йиққан гиёҳлари билан бу

қари жодугарлар, менимча, фирт ёлгончилардир. Улар, эҳтимол, менга маълум афсунлардан бошқа ҳеч балони билмасалар керак, бу афсунлар эса дала гиёҳларию шифобахш ўсимликлар ҳақидаги билим натижаси, холос. Бунинг нимаси кўрқинчли экан?

— Ҳамроҳингдан-чи, ундан ҳам кўрқмайсанми?

— Кимдан, Арбакданми? Диана ҳаққи, мана шу афсунгардан ортиқроқ ҳурматли эркакни мен ҳеч қачон кўрган эмасман! Агар қорачалигини айтмаса, ундан хушрўйроқ одам йўқ.

Гарчи Нидиянинг кўзи кўрмаса-да, Юлия Арбакнинг хушомад қилишидан кўрқмайдиган қизлардан эканлиги унга маълум бўлди. Шу боис у ортиқ гапни чўзиб ўтирмади, аммо унинг серғулу юрагида ҳақиқатан ҳам жоду ёрдамида севганини ўзига илитиш мумкинлигини билиш истаги тобора ортиб борарди.

— Мени ёнингга олиб ол, олийҳиммат Юлия, — деди у охири. — Сенга ҳимоячи бўлиб хизмат қилолмасман, аммо ёнингда бўлганим яхши, ҳар ҳолда.

— Маъкул, — жавоб берди Диомеднинг қизи. — Бироқ бу ёғи қандоқ бўлади? Биз, балки, кеч қайтармиз, сени эса уйда кутиб қолишади.

— Иона яхши қиз, — деди Нидия, — агар сен уйингда тунаб қолишимга рухсат берсанг, унга Юлия менинг эски ҳомийим бўлади, уйига таклиф қилди ва кун бўйи унга фессалия кўшиқларидан айтиб бердим, дейман...

Оқшом чўккач, Юлия ўзининг кенг тахтиравонига ёнбошлади, Нидия ҳам унинг ёнига жойлашди, сўнгра улар Арбак айтган шаҳар ташқарисидаги ҳаммомлар томон йўл олишди. Тахтиравонни кўтарган қулар Юлиянинг буйруғи бўйича одамлар гавжум жойлардан айланиб ўтиб, доирасимон ихчам майсазорга етиб келишди, бу ерда юлдузлар ёғдусида Силен ҳайкали оқариб турарди, пойида қоплон ётган қувноқ Фавн қояга ёнбошлаб олган, оғзида узум шингилини тутиб турибди, у, афтидан, ейишдан олдин томоша қилиб завқланарди.

— Афсунгар кўринмайдими, — деди Юлия атрофга олазарақ қараб.

Шу топ дарахтлар ортидаги мисрлик аста чиқиб келди ва унинг узун кийимида хира нур жилваланди.

— Салом, соҳибжамол! — деди у. — Шошма-шошма. Ёнингдаги ким? Бизга гувоҳлар керак эмас.

— Бу бор-йўғи ожиза гулфуруш қиз, эй доно афсунгар, — жавоб берди Юлия. — У фессалиялик.

— Э-ҳа, Нидиями, — таниди мисрлик. — Мен уни биламан.

Нидия ортага чекинди ва титраб кетди.

— Сен менинг уйимда бўлган эдинг, — қизнинг кулоғи устида овоз янгради. — Қасаминг ёдингдандир? Чурқ этиш йўқ, ҳаммаси сир, акс ҳолда ўзингдан кўр. "Барибир ҳам, — кўшимча қилди у ўзича, — ишимизга ҳатто кўр қизни-да аралаштиришимиз шартмикан?" — Кейин Юлияга юзланди: — Наҳотки менга ишонмайсан? Сен ўйлагандек, мен унақа ёмон одам эмасман. — Шундай дея у аста Юлиyani бир четга олиб борди. — Ҳузурига бирданига кўп одам келишини жодугар ёқтирмайди, — деди у. — Нидия сени шу ерда кутиб тура қолсин, унинг бизга ҳеч кераги йўқ. Сенинг ҳуснинг ва насабинг — сени ҳимоя қилиш учун кифоя. Ҳа, Юлия, мен сенинг исмингни биламан.

Аввал кўрганимиздек, такаббур Юлия кўрқоқлардан эмасди. Арбакнинг такаллуфлари унга хуш ёқаётган эди ва у Нидиянинг ҳаммомлар олдида кутиб туришига бажонидил рози бўлди: Нидия ҳам ортиқ қисталанг қилмади. У мисрликнинг овозини эшитганда юра-

гидаги даҳшат яна бор бўйи билан ростланди ва у улар билан бирга бориши керакмаслигидан суюнди ҳам.

Нидия ҳаммомлар томон юриб кетди ва ечиниш хоналаридан бирига бориб ўтирди. У ерда абадий қоронғиликка кўмилиб ўтирар экан, қўллаб аччиқ ўйлар хаёлини банд этди. У ўзининг шум қисмати, ватанидан узокдалиги, она меҳридан маҳрумлиги ҳақида ўйлади. У кундуз ёруғидан бебаҳра эди ва ёт одамлар унга йўл кўрсатарди. Ягона гўзал туйғу эса унга фақат мусибат келтирарди, холос - унинг севгиси қадрсиз эди ва муҳаббат жозибалари кучи ҳақида ўйлаганидагина унинг шуурида умид учқуни хира милтиллаб қўярди.

Табиат бу шўрлик қиз қалбига униб чиқиш насиб этмайдиган савоат уруғини сепганди. Мусибат ҳар доим ҳам инсон юрагини юмшатавермайди, кўпинча уни тошбағир қилиб қўяди. Борди-ю, тақдир бизга бошқаларга қараганда кўпроқ қаттиққўллик қилди деб ҳисоблайдиган бўлсак, бутун дунёни ўзимизга душман деб билишдан тоймаймиз, унга ўчакишамиз, ўзимиздаги эзгулик туйғусини тийиб қўямиз, адолатсизликдан осонгина лов этиб ёнадиган бадбин эҳтиросларимизга эрк берамиз. Ҳали болалигиданоқ қулликка сотиб юборилган Нидия ёмон хўжайинга тушди, кейин эса, уни яна сотишганида қизгинанинг қисмати янада аччиқроқ бўлди, унинг қалбида яшаётган беғубор туйғулар хўрлангандан хўрланди.

Вақт ўтиб борарди. Ниҳоят хонада ҳамон маъносиз хаслларга чўмиб ўтирган Нидиянинг қулоғига енгил қадам товушлари чалинди.

— Мангу худоларга шукурлар бўлсин, — деди Юлия, — бу даҳшатли ғордан қайтиб келдим! Кетдик, Нидия. Тезроқ!

Фақат тахтиравондагина Юлия яна тилга кирди.

— Оҳ! У ердаги манзара! Қандай даҳшатли жодугарлик! Анови жодугар кампирнинг башараси ўликдан бадтар. Кел, бу гапларни қўяйлик. Мен гиёҳни олдим, унинг таъсир қилишига кафиллик берди. Рақибамнинг ундан кўнгли совийди ва Главк мени, фақат мени севиб қолади.

— Главк! — деди Нидия.

— Ҳа! Мен сенга севганим у эмас деган эдим, аммо қарасамки, сенга ишонса бўлар экан. Мен шу чиройли юнон йигитини севаман!

Нидияни даҳшат чулғади. У Главкни Ионадан ажратишга ёрдам берибди-ку! Аммо афсун кучи билан уни бошқа бир қиз ўзига оғдириб олиш учунгина шундай қилибди. Унинг юраги тарс ёрилай дерди, у бўғилди, аммо тахтиравондаги қоронғиликда Юлия ундаги ўзгаришни пайқамади, у гиёҳнинг таъсири ва ўзининг Иона устидан галабаси яқин қолгани ҳақида сўзлашда давом этарди, ора-сира даҳшатли манзара - Арбакнинг тош башарасини, кўрқинчли жодугарнинг унга итоатгўйлигини эслаб қўярди.

Бу орада Нидия ўзига келиб олганди. Миясида бир фикр йилт этди: ахир у бугун Юлия билан битта хонада ухлайди-ку, иситма гиёҳни ўзи олиб қўя қолса-чи?

Диомед уйига етгач, улар Юлиянинг хосхонасига тушишди, у ерда кечки овқат уларга мунтазир эди.

— Шаробдан ичиб ол, Нидия, совқотган бўлсанг керак. Бугун кун совуқ бўлди, музлаб қолдим.

Шундай деб, Юлия киприк қоқмай ўткир шаробдан симирди.

— Дамламани бер, ушлаб турай, — деди Нидия. — Вой, бунча кичкина идишда у? Ранги қанақа экан суоқликнинг?

— Худди биллурдай тиниқ, — жавоб берди Юлия, идишни Нидиядан тортиб оларкан. — Уни сувдан ажратиб бўлмайди. Жодугарнинг

айтишича, дамлама бутунлай таъмсиз эмиш. Кичкина идишда бўлса ҳам одамда бир умрга севги пайдо қилишга бемалол етаркан.; дамла-мани ҳар қандай сувоқликка қўшиб ичса бўларкан. Ичганини Главк ҳатто сезмайди ҳам, аммо афсун таъсири, албатта билинади.

— Демак, кўриниши сувнинг ўзгинасимми?

— Ҳа, рангсиз ва тиниқ. Тип-тиниқ. Бамисоли ойдиндаги шудринг дейсан. Оҳ, оппоқ ичимлик! Умидимни нечоғли чароғон қилдинг, биллур идишда чарақлашингдан ўзим айланай!

— Оғзи нима билан ёпилган?

— Бир тиқин, холос. Мана, уни суғуриб олдим. Ҳеч қандай ҳиди-пиди йўқ. Жуда қизиг-а: бирон-бир туйғуни ҳис этмайдиган дамлама барча туйғуларга баравар ҳукм юргизишга қодир.

— У дарров таъсир қиларканми?

— Кўпинча ҳа. Бироқ гоҳо таъсир қилгунча бир неча соат ўтар экан.

— Оҳ, қандай хушбўй ҳид! — деди Нидия хонтахтадан атирли шишачани олиб.

— Сенга ёқаяптими? Шишача қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган. Кеча билагузук берувдим, олмагандинг, энди шу атирни ола қол.

— Бу атир ожиза қизга сахий Юлияни эслатиб туради. Агар шишача жуда қиммат турмаса...

— Э, менда бундан қимматроқ шишачалардан мингта. Ола қол уни, жонгинам!

Миннатдорлик билдириб, Нидия бош эгди ва атирни кийими остига яширди.

— Дамлама-чи? Уни ким берса ҳам бирдек таъсир кўрсатарканми?

— Ҳатто дунёдаги энг тасқара кампир берса ҳам, у Главкка гўзал бўлиб кўринади ва у ундан бошқа ҳеч кимни севмайди!

Юлия шаробни ичиб, жонланди. У хандон ташлаб кулар, ҳар хил нарсаларни вайсар эди ва тонг отарга яқингина кийимларини ечдириш учун чўриларини чақирди.

— То ишга солмагунимча мен мана бу ичимликдан ажралолмайман. Қани, ёстигим тагига кира қол, ёрқин руҳ ва менга ширин тушлар юбор!

Шундай дея у идишчани ёстиги тагига қўйди. Нидиянинг юраги қаттиқ уриб кетди.

— Нега сув ичаяпсан, Нидия? Олдингда шароб турибди-ку.

— Қизиб кетаяпман, — жавоб берди кўр қиз. — Салқин тортмоқчи-ман. Сувни тўшагим олдиға қўяман, уйқу шабнами лабларни суғормаганда ёз тунлари сув баданни тетиклаштиради. Гўзал Юлия, эрта-лаб Иона мени кутади, мен сеникидан эрта чиқиб кетаман, балки сен уйғонмасдан олдинроқ. Шунинг учун менинг табрикларимни қабул қил.

— Миннатдорман. Биз яна кўришганимизда Главк оёқларим остида бўлади.

Улар ётишди, ташвиш ва ҳаяжондан чарчаган Юлия тезда ухлаб қолди; энг кичик товушни ҳам илғашга ўрганиб қолган Нидия сал ўтмай Юлиянинг тош қотиб ухлаётганига амин бўлди.

— Энди мени ўзинг қўлла, Венера! — деди Нидия пичирлаб.

У оҳиста ўрнидан турди, Юлия совға қилган атирни мрамар фаршга тўкиб ташлади, идишчани бир неча марта сувда чайди, кейин эса Юлиянинг тўшагини осонгина топиб (тун унинг учун кун билан баравар эди), титроқ қўлини ёстиқ тагига суқди ва дамламали шишачани ушлади. Юлия қилт этмади, унинг нафаси кўр қизнинг ёниқ юзини елиб ўтди. Шунда Нидия тиқинни суғуриб, ичидагини ўзи-

нинг шишачасига ағдарди, унисини эса, Юлия айтгандай, дамламага ўхшайдиган тиниқ сув билан тўлдирди ва идишни аввалги жойига қўйди. Кейин ўз тўшагига бориб сукулди ва безовта хаёллар ич-этини кемирганча тонг отишини кута бошлади.

Куёш чиққанда Юлия ҳамон уйкуни урарди. Нидия шовқинсиз кийинди, хазиначасини кийими остига обдон яширди, таёқни олдида, шошиб уйдан чиқди.

У зинадан қўчага тушиб келар экан, дарбон Медон эркалаб унга салом берди. Аммо қиз буни эшитмади, унинг миясида фикрлар чарх урар эди ва ҳар бир фикр эҳтиросга лиммо-лим эди. У чеҳрасига муздек тонг ҳавоси келиб урилганини ҳис этди, аммо ҳаво унинг ёниқ қонини совутолмади.

— Главк, — шивирлади у. — Дунёдаги барча иситма-совутма дамладалар сени мен сени севганчалик севишга мажбур этолмайди! Иона!.. Аммо, йўқол, ҳей шубҳалар! Йўқол, ҳей пушаймон! Главк, менинг қисматим сенинг табассумингда! Сенинг қисматинг ҳам шундай! Оҳ, умид, оҳ, қувонч! Оҳ, Ҳаяжон! Сенинг тақдиринг менинг қўлларимда!

Давоми бор

*Русчадан
Амир ФАЙЗУЛЛА,
Маҳкам МАҲМУД
таржимаси*



Самуил АЛЁШИН

Йўқ, ўлмайман мен буткул...

Икки пардали пьеса

Қатнашувчилар

О в о з.
Булгаков.
Елена Сергеевна.
Сталин.
Поскрёбишев.
Енукидзе.
Авенир Платонович.
Католикос.
Берия.

БИРИНЧИ ПАРДА. 1930 ЙИЛ.

О в о з. Бу воқеа ҳам аянчли, ҳам ибратлидир. У ўз истеъдоди кўламини яхши билган ва унга содиқ қолган одам ҳақида ҳикоя қилади. Гап Булгаков ҳақида бор-япти. У ҳамма вақт азобу уқубатда яшади. Нафақат ношуд, қобилиятсиз одамлар, ҳаттоки унинг лаёқатини қадрловчи вале баъзида уни тушуна олмаган теран истеъдод соҳиблари ҳам Булгаковнинг ижод йўлига ғов бўлишди. Бундай тўсқинликлар унда ўз кучи ва лаёқатига нисбатан шубҳа уйғотиши мумкин эди, аммо у бўш келмади, чидади. Унга қарши қаратилган маънавий изтиробларга жисмоний азоблар ҳам келиб кўшилгандан кейин у... ўлди. Қандай шону шарафларга сазовор бўлганини билмай, кўп асарларининг нашр этилганини кўрмай ўлиб кетди. Шону шарафларга у фақат ўлиmidан кейин муяссар бўлди. Ҳа, унинг ёнида садоқатли дўстла-

Қодир
МИРМУҲАМЕДОВ
таржималари

Замонавий рус драматурги Самуил Иосифович Алёшин 1913 йилда туғилган. У 1935 йилда Моторлаштириш ва механизациялаш ҳарбий академиясини битиради. Техника фанлари номзоди. Дастлабки юмористик ҳикоялари 1941 йилда газета ва журналларда чоп этила бошлайди. Алёшиннинг автомобил заводи кишилари ва уларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи биринчи пьесаси "Директор" 1950 йилда Москва Драма театрида қўйлади. Кейин унинг "Талабчан киз" /1953/, "Ёлғиз аёл" /1956/, "Ҳаммаси одамларга қолади" /1959/, "Таянч нуқтаси" /1960/ пьесалари Москва ва Ленинград театрларида сахналаштирилади. Бу пьесаларда замонавий ахлоқ, инсоний бурч, илм-фан масалалари ёритилган. Булардан ташқари "Гогол" /1962/, "Страдфорд фуқароси" /"Шекспир" 1954/, "Дон Жуан" /1960/ каби тарихий-биографик мавзудаги пьесалар ҳам Алёшин қаламига мансубдир. Алёшин драматургиясида ўткир психологик ихтилофлар, ҳаётни фалсафий нуқтаи назарда идрок этиш масалалари олдинга сурилган.

С.И.Алёшин ўзининг М. А. Булгаков ҳақидаги "Йўқ, ўлмайман мен буткул..." пьесасига ёзган сўз бошида қуйидагиларни баён қилади:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ри бор эди. Лекин адабнинг энг асосий суянчиги — ўз истеъдоди ҳамда рафиқаси Елена Сергеевна бўлди. Айнан шу аёл Булгаков ҳаётининг сўнгги ўн йили давомида юзага келган энг машаққатли, оғир юкни эри билан биргаликда елкасига ортмоқлаб келди. Бу мўътабар аёл Булгаковнинг асарларини биз учун авайлаб асради ва эрининг ўлиmidан кейин уларни тартибга келтирди. Акс ҳолда, биз Булгаков яратган асарлардан бебаҳра қолган, қандай одамни йўқотганимизни билмаган ва бу топганимиз улғу зотнинг қадрига етмаган бўлардик. Ва ниҳоят... Ушбу воқеани ёзиш жараёнида тасодифий далиллардан чекинишга тўғри келди */воқеа тизимига шикаст етказмаган ҳолда, албатта/*.

Биринчи кўриниш

Булгаковлар хонадони. 1930 йил, 28 март.

Булгаковлар хонадониди емакхона. Елена Сергеевна икки киши учун тушлик таом тарадудини кўрмоқда. У дам-бадам ошхона билан емакхона ўртасида қатнаб тураркан, патефонга қўйилган пластинкадан шипиллаб оҳиста кўшиқ эшитилади: Массеннинг “Элегия” сини Обухова куйлайди */Ҳа, бўлган шундай ёзув, гарчи “Элегия”ни одамда эркак овози, масалан, Шалапин ижро этган бўлса ҳам/*. Елена Сергеевна энгига узун кизил халат кийган, унинг заррин сочлари чиройли таралиб турмакланган. У тушлик тарадудини кўриб бўлиб, патефонни ўчиради ва баланд креслода оёғини тагига босиб ўтиради. Қўлига газета олиб унга қарайди, лекин ўқимайди. Телефон жиринглайди.

Е л е н а С е р г е е в н а */гўшакни кўтаради/*. Ҳа! Эшитаман! А, Вика, сенмидинг? Йўқ, ҳали келмади. Ҳа, ўқидим. Биз энди кўникиб қолдик бунақа гийбатларга. Илож қанча? Кутяпман. Биз аёлларнинг пешонамизга эрларимизнинг жанг майдонидан қайтишини кутиш ёзилган. Лекин қанақаям жанг қилиши мумкин қўли боғлиқ, оғзи тўсиқ одам? Ўзимни сал латофатлироқ кўрсатишга ҳаракат қиляпман. Айтгандай, бу ҳам биз аёлларнинг қисматимиз. Ўзингнинг ишларинг қалай? Ранги қанақа? Туфли-чи? Шуми ҳали сенинг “ёмон эмас”инг? Тўхта! Менда битта брошка бор. Жуда мос тушади ўша кўйлагингга. Бўлди, бўлди, бас қил, ҳеч қандай эътироз қабул қилинмайди. Жим. Миша келганга ўхшайди. Телефонга ёпишиб турганимни кўрса, жони чиқиб кетади. Сени ўпиб қоламан. Хайр. */Шоша-пиша гўшакни қўяди./*

Булгаков киради. Елена Сергеевнанинг гўшакни қўйганини кўради.

Б у л г а к о в. Ким кўнғироқ қилди?

Е л е н а С е р г е е в н а. Вика. У...

Б у л г а к о в. Яна янги латта-путта харид қилгандир-да. */Яқин келиб Елена Сергеевнани ўнади./* Мақтангани кўнғироқ қилган, шу

“Мен бу пьесани анча бурун ёзишга чоғланган эдим; у пайтда М.Булгаковнинг беваеси Елена Сергеевна ҳали тирик эди. Мен бу мўътабар аёл билан танишиб, уйига тез-тез бориб турдим, уни ўзимнинг пьесаларим бўйича саҳналаштирилган спектаклларга таклиф қилдим. Фақат шундан кейингина ниятимни унга ошкор этдим. Елена Сергеевна бу фикримга қизиқиб қолди, у менга Михаил Афанасьевичнинг ўша пайтларда дунё юзини кўриши мумкин бўлмаган асарлари */“Ит юрак”* ва б./кўлөзмаларини ўқигани бериш билан чекланмай, Булгаковнинг оилавий ҳаёти тўғрисида ҳам бажонудил ҳикоя қилиб берди. Унинг айтишича, Булгаков баъзи-баъзида ёлғиз ўзи, гоҳо Елена Сергеевна билан биргаликда Сталин билан бўладиган фаразий суҳбатни артистона намойиш қилишни яхши кўрар экан. Сталиннинг шахси уни доимо қизиқтириб келган экан.

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтиб, Елена Сергеевнанинг деразаси тоқчасида Булгаковнинг чет элларда нашр этилган тўп-тўп асарлари тахлана бошлади. Шунингдек, Иттифокда ҳам энди уни тез-тез тилга оладиган бўлиб қолишди. “Уста ва Маргарита” нашр этилди, театрларнинг саҳналарида унинг пьесалари кўрсатила бошлади. “Мосфильм” Булгаковнинг “Ватангадолар” асари бўйича филм суратга олди.

Лекин, афсуски, 1970 йилда Елена Сергеевна 77 ёшида вафот этди. Мен ушбу пьесамни унга кўрсатишга улгурмадим, чунки уни фақат эндигина */1989 й./*ёзиб битирдим.

Бу ўтган йиллар мобайнида Булгаков ҳақида анча-мунча гоётада салмоқли ва жиддий илмий ишлар эълон қилинди. Улар ичида энг эътиборлиси, менинг фикримча, М.Чудакованинг “Михаил Булгаковнинг ҳаёти” асаридир. Бинобарин, Булгаков шахси ҳақида-

баҳонада ҳамдардлик ҳам билдирмоқчи бўлган. /Газетага ишора қилди./ Мана бу яна бир гийбат ҳақида нима дейсан?

Е л е н а С е р г е е в н а. Парво қилма.

Б у л г а к о в. Бу айтишга осон. Эътибор бергандирсан — ўзлари ўз фикрларига қарши чиқишяпти! “Турбинлар” саёз асар, ҳадемай саҳнадан тушиб кетади”, деб айюҳаннос солишганди. Лекин ўшанда сиёсий тамға ёпиштиришмаганди унга. Энди бўлса, “Турбинлар” муваффақият билан намойиш қилина бошлагач, сиёсий хато ахтара бошлашди.

Е л е н а С е р г е е в н а. Сабаб?

Б у л г а к о в. Сабаб — иштаҳа хуруж қилганда, газакка ҳар бало ярайверади. “Зойканинг квартираси”ни тақиқлаб қўйишди, кетмакет, “Ватангадолар”ни ҳам чавақлаб ташлашди. Энди “Арғувон орол”ни қоралашяпти, “Турбинлар”ни ҳам яна тилга ола бошлашди. Саҳнадан олиб ташлашса керак. Айт, қандай кун кечирамиз? Нима мақсадда яшаймиз?

Е л е н а С е р г е е в н а. Мана, мени деб яшайсан. Нима, камми?

Б у л г а к о в. Сен, яхшиси, мени ташлаб кет, Люся. Бошингта урасанми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Анойи йўқ! Генерал эримни ташлаб келганман-а сени деб. Бор, қўлингни юв, овқатланамиз.

Б у л г а к о в. Нега бу ерга стол туздинг, ошхонагамас? Байрам йўқ шекилли бу яқин орада?

Е л е н а С е р г е е в н а. Шунинг учун ҳам.

Булгаков чиқади. Елена Сергеевна ошхонага киради. У ердан суюқ овқат идишини кўтариб чиқади. Булгаков киради; у хонаки тўқ жигарранг духоба куртка кийган. Келиб стол ёнига ўтиради. Елена Сергеевна унинг ликопага овқат сузиб узатади.

Б у л г а к о в. Ўзингга-чи?

Е л е н а С е р г е е в н а. Хипча бел бўлмоқчиман.

Б у л г а к о в. Демак, менинг белим ҳам энди ҳеч нимага яроқсиз бўлиб қолибди-да?

Е л е н а С е р г е е в н а. Овқатингни ич. Кейин гапирасан. /Чиқиб кетиб иккинчи /қуюқ /таомни кўтариб киради./

Б у л г а к о в. Бунисидан ерсан, ҳар ҳолда?

Е л е н а С е р г е е в н а. Бел керак-ку ахир.... қилдай бўлса ҳам!

Б у л г а к о в. Мантиқан тўғри.

ги маълумотлар энди кўпчиликка аён бўлди. Ва лекин илм-фан билан мусобақа қилиш санъатнинг иши эмас. Шунингдек, Михаил Булгаковдай буюк кўламдаги ёзувчининг асл сиймосини яратаман, деб даъво қилиш ҳам ўзига ортиқ даражада бино қўйиш бўлган бўларди. Михаил Афанасьевич ҳақида эълон қилинган хотираларда, ҳаттоки у билан яқин мулоқотда бўлган одамларнинг ўз оғизларидан эшитганим ҳикояларда ҳам Булгаков шахси ниҳоятда мураккаб сиймо бўлиб гавданаларди.

Буюк адибнинг истибдод исканжаси сиқувида бўлган юраги қандай тепаётганини тасвирлашга уриниш, санъаткорга, унинг аниқ асарларигагина суюнган ҳолда баҳо бериб, таржимаи ҳоли саналарини ёритиш — бу бошқа масала. Мен ана шу мақсадни рўёбга чиқариш имконига эга эканлигимни ҳис қилдим /турган гапки, адибнинг асл шахсиятига имкон қадар яқинроқ ёндашишга уринган ҳолда/. Бу пьесани ёзишдан ўз олдимга қўйган асосий мақсадим: санъаткор — Булгаков билан мустабид ҳукмдор — Сталиннинг бир-бирларини кесиб ўтган тақдир чизикларини ёритиб беришдан иборат, холос.

Хусусан, Сталин Булгаковга телефон қилганида гўшакни Елена Сергеевна эмас, балки унинг ўша пайтдаги хотини Л.Белозёрская кўтарганлигини мен билардим, албатта. Лекин Булгаков ўшанда бу янгиликни айтгани шу заҳотиёқ Елена Сергеевнанинг олдига борган, зеро, уларнинг муносабати у пайтда анча таранглашган бўлган. Шуни ҳам биламанки, “Батум” пьесасини ўқиб бериш учун Кавказга кетаётган Булгаковни Елена Сергеевна кузатиб борган /уйда қолмаган/. Қолаверса, Сталиннинг кўнғироғидан ке-

Икковлари овқатланишади.

– Учинчисига нима еймиз?

Е л е н а С е р г е е в н а. Биласанми...

Б у л г а к о в. Тушунарли.

Е л е н а С е р г е е в н а. Йўқ, қўшнимиздан қарз олсам бўларди, лекин...

Б у л г а к о в. Асло ола кўрма. Ширинсуханлик қиламиз ширинлик ўрнига.

Е л е н а С е р г е е в н а. Олдин идишларни йиғиштириб олай.

Б у л г а к о в. Йўқ, олдин гаплашиб оламиз.

Икковлари бир неча сония жим ўтиришади.

– Қани, сўра мендан қаерда бўлганимни.

Е л е н а С е р г е е в н а. Қаерда эдинг?

Б у л г а к о в. Кўп ерда. Бадий театрда актёрлар худди мурдага рўпара келгандай қарашди менга. Тўқнаш келишганда фақат маъюс бош эгиб қўйишди. Лекин мен тирикман-ку – гапирдим уларга. Улар ҳайрон. Нима ҳақда сўрамай, ҳеч ким ҳеч нима билмайди. Ҳаммалари қаёққадир шошишади. Фақат мен бекорчиман, уларнинг оёқлари остида ўралашиб юрибман. Бир оз сандироқлаб юрдим-да чиқиб кетдим.

Е л е н а С е р г е е в н а. Кўй, худо олсин уларни. /Идишларни йиғиштира бошлайди./

Б у л г а к о в. Шошма. Нашриётда бўлдим. Биласанми, нима деб жавоб қилишди: “Қоғоз танқис бўлгани сабабли...” миш. Ҳоказо ва ҳоказо. Журналга борсам, қўлёзмамни қаёққадир тиқиб ташлашибди – топиша олмади. Умуман, негадир ҳаммани орқасидан қувишим керак. Биттасини илинтириб, берган ваъдасини эсига солган эдим, у: “Кечир, қария, иш бошдан ошиб ётибди, жуда ўралашиб қолганман”, – деб гапириб улгурмай зинадан югуриб тушиб кетди. Айт-моқчиманки, қўшнидан қарз олишни ўйлама ҳам.

Е л е н а С е р г е е в н а. /газетани кўрсатиб/. Мақола тўғрисида нима дейишяпти?

Б у л г а к о в. Ҳеч ким чурқ этмади. Қара, қандай нодир назокат! Лекин ҳамма одамлар мени кўриб, ўзига бедаво дардни юқтиришдан қўрққандай ҳар тарафга қоча бошлашди. Тўғри, Бадий театрда биттаси топилди. Қўлларимни орқамга чоғиштириб турган эдим,

йин Булгаковни МХАТга таклиф қилиш ўша кечаси эмас, анча кейин юз берган. Яна, “Батум» учун берадиган қалам ҳақи, таассуфки, бутунлай бошқача тарзда бўлган. Яна бошқа тахминлар ҳам борки, улар, менинг фикримча, муҳим аҳамиятга эга эмас, чунки улар асарда келтирилган ҳодисаларнинг вақти ва моҳиятига монелик кўрсатмаган ҳолда пьесанинг асосий ғоясини ёритиб берадилар.

Яна бир гап. Сталин ўз табиати ва тутган мавқеига кўра /бу ҳақда ҳам бир қатор илмий ишлар юзага келганки, улар билан мубоҳаса қилмоқликка ҳожат йўқ/, жуда ишчан одам бўлган, шунинг учун ҳам, пьесада у фаол шахс сифатида гавдаланади. Булгаков эса унинг ёнида ланж одам бўлиб кўриниши мумкин. /Қаранг, у нима қилади? Изтироб чекади, таҳқирларга чидайди, ёзади ва кутади, кутади, кутаверади... /ҳолбуки, икковларининг фаолияти нафақат ахлоқан бир-бирига мутлақо зидлиги билан /бу аниқ/, айна чоғда, ўзаро ҳеч ҳам муқояса қилиб бўлмайдиган ҳар турли чора-тадбирлар билан ифодаланади.

Натижада, бутун ҳокимият мустабид ҳукмдор қўлида – у қатл этиши ҳам, шафқат қилиши ҳам мумкин. Вале бу ҳукмдор қаршисида гўё ҳимоясиз, ночор одамдай кўринган санъаткор ихтиёрида эса, фақат СЎЗЛАР борки, бу СЎЗЛАР нафақат ўз муаллифидан кейин ҳам мангу яшайвериши, шунингдек, ҳамма нарсанинг ҳақиқий қийматини очик айтиб бериши ҳамда ўз муаллифига боқийлик ато этиши мумкин”.

Таржимон

кимдир бирдан қўлимни хайрихоҳлик билан сиққандай бўлди. Ўғирилиб қарасам, у анча нарида кетяпти... кўзлари олазарақ бўлиб. У ҳам ҳеч бир сўз айтмади менга.

Елена Сергеевна. Қўрқоқ.

Булгаков. Йўқ, ундаймас. Бошқалар ҳатто шунга ҳам журъат этолмадилар-ку. Ҳа, майли, булар мажбур эмаслар. Лекин юқоридагилар-чи? Улар нега ўзларини олиб қочишади?

Елена Сергеевна. Бунинг сабаби кундай равшан. Лавозимдан тушишса — қўлларидан ҳеч қандай иш келмайди- да.

Булгаков. Раҳбарлик қилишади.

Елена Сергеевна. Биласанми, генерал эрим билан яшаб турган пайтимда, бир куни мен бир қизил аскардан: “Прохор, агар сенга бир стакан ароқ ичиришса, ишлай олармидинг?” — деб сўрагандим, у менга худди эси паст овсар хотинга қарагандай тикилиб қолди. “Икки стакан ичсанг-чи?” — деб сўрадим. “Ишлайверамаман”, — деди. “Уч стакандан кейин-чи?” — деб сўраган эдим, у: “Ишлашга ишлолмайман — у аммо-лекин раҳбарлик қилишим мумкин”, — деганди.

Булгаков. Эҳ, Люся, айтувдим-ку, сенга — ўша генералингдан қочиб қутулгансан-у, адашиб қолиб, менга тутилгансан.

Елена Сергеевна. Гапнинг лўндасини айтайми? /Ўзини кўрсатиб./ Мана бу бўйинтуруқдан энди сен умрбод айрилолмайсан.

Булгаков. Барибир, нимадир қилишим керак.

Елена Сергеевна. Сен — ёзишинг, мен — сени боқишим керак. Яхшигина тикувчиман, тўқишни ҳам биламан. Ишлай бошласам, буюртмачиларнинг кети узилмайди уйимдан. У ёқда Вика ҳам бор яна.

Булгаков. Ҳазил қиляптиларми хоним? Ёзадиган бўлсанг ким учун ёзаётганингни билишинг керак ахир. Ахлат ўрасига ташлаш учун ёзмайман-ку.

Пауза

Елена Сергеевна. Биласанми, Миша? Сен Сталинга ёз.

Булгаков. Фойдаси йўқ.

Елена Сергеевна. Бошқалар ёзишяпти.

Булгаков. Етар. Ёзганман. Енукидзегга ёздим. Горкийга ёздим. Нима бўлди? Ҳеч нима!

Елена Сергеевна. Сен Сталинга ёз. У “Турбинлар”¹ни бир неча марта бориб кўрибди. Ёққанки борган. Ёқмаса битта спектаклни қайта-қайта кўрармиди?

Булгаков. Нима, унинг “Ватангадолар” ҳақида Билл-Белоцерковскийга ёзган хати эсингдан чиқдими? Ҳамма мусибатлар шу хатдан кейин бошланиб кетди-ку!

Елена Сергеевна. Ёзсанг, ҳеч нима йўқотмайсан ахир.

Булгаков. Демак, хатим мана бундай бўлади: “Ўртоқ Сталин, сиз “Ватангадолар” ҳақидаги ўз мулоҳазангиз билан мени чалажон қилган эдингиз; энди сиз шу ишни маромига етказадиган биронта ишқибозни топиш масаласида фармойиш беролмайсизми? Ишқибозлар топилади бизда. Ушбуни ёзғувчи — Мишка Булгаков, кечирасиз, ёзувчи Булгаков — бундай дейишимга сабаб, мақолалардан бирида ман ҳақимда “ёзувчи” деб маълумот берилганди”. Қалай?

¹Булгаковнинг «Турбинлар кунлари» пьесаси. Буни муаллиф ўзининг «Оқ гвардия» романи асосида ёзган.

Елена Сергеевна. Бўлаверади. Бир уриниб кўрардим сенинг ўрнингда.

Булгаков. Ҳа, яхши. Фараз қилайлик, мен — Сталин, сен — Булгаковсан.

Елена Сергеевна. Йўқ. Мен — Булгаковнинг хотиниман.

Булгаков. /Ўрнидан туради, у ёқдан-бу ёққа юриб, грузинча талаффузда гапиради/. Айтинг-чи, Елена Сергеевна, эрингиз... Булгаков шекилли фамилияси, нима, эси сал кирди-чиқдироқми, менга хат ёзибди?

Елена Сергеевна. Ҳамма бало шунда-да — унинг эси жойида. У истеъдод соҳиби. Буни нафақат мен — унинг хотини эътироф этапти. Театрдаги энг яхши, бообрў кишилар эримнинг пьесаларини саҳналаштиришни ва у пьесаларда рол ўйнашни хоҳлайдилар. Лекин бунга йўл қўйишмаяпти. Очиғини айтсам, сиз ўзингиз сабабчисиз шундай бўлишига.

Булгаков /чапак чалиб/. Ҳей, ким бор? Олиб кетинглар мана бу хотинни! /Талаффузсиз./ Нима қилганинг? Тушуняпсанми ўзи ким билан гаплашаётганингни?

Елена Сергеевна. Хўп, пардон... Қисқаси, унга зўғим қилишяпти, эримни сизга хат ёзишга мен кўндирган эдим. Кун кечиримиз учун ҳеч вақоимиз йўқ. Лекин муҳими бу эмас. Энг муҳими, драматургнинг пьесалари қўйилмаётгани, у яшашдан умидини узган. Бундан ўзга иложи қолмади унинг...

/Ҳаяжонланганидан тугилиб-тутилиб гапиради./

Булгаков. /Талаффуз билан/. Ўзингизни босинг, ўртоқ Булгакова Е.С. Аниқлаймиз. Халқ билан маслаҳатлашамиз. /Елена Сергеевна олдига яқин келиб, унинг кўзига тикилади. Одатий ўз овозида./Э, қўйсанг-чи, Люся. Шунга ҳам хафа бўласанми? ... Қўй, кўнглингга кўп ҳам яқин олма.

Елена Сергеевна. /аччиғланиб/. Сен ўтир ва ёз.

Булгаков. Бордию акси бўлса-чи? Ёзганимдан кейин ўтқазиб қўйишса-чи?

Елена Сергеевна. Жинни бўлма. Мана сенга қоғоз, перо, сиёҳ...

Булгаков. Унда сен нима қиласан?

Елена Сергеевна. Столни йиғиштираман, ниҳоят. /Идишларни олиб чиқиб кетади./

Булгаков стол ёнига ўтириб ўйга толади.

Елена Сергеевна қайтиб чиқади ва ўтириб иш тўқий бошлайди.

Булгаков /паузадан кейин/. Демак, бундай. Хатни Сталинга ёзмайман. Совет ҳукуматига ёзаман. Ана шунақа. Ундан пастроғи тўғри келмайди бизга. Билиб қўйишсин кимлигимизни!

Елена Сергеевна. Сен ёз, чалғима.

Булгаков ўрнидан туриб юра бошлайди, кейин ўтириб ёзишга киришади. Қоронғилик. Яна чироқ ёнади.

Булгаков. Эшит, Люся, бошланиши шундай бўлади. /Ўқийди/. “Мен ушбу хатим билан СССР Ҳукуматига мурожаат қилмоқчиман. Барча асарларим тақиқланганидан кейин, мени ёзувчи деб эътироф этган кўпчилик фуқаролар фақат битта маслаҳат билан менга мурожаат қила бошладилар. Уларнинг маслаҳатига кўра, мен Ҳукумат

номига кечирим сўраб хат ёзишим керакмиш. Шундай қилсам, ҳар хил таъқиблардан, қашшоқликда ўтаётган ҳаётимдан ва булар ниҳоясида юз беражак ўлимдан қутулиб қоларканман. Мен бу маслаҳатга амал қилмадим. Зеро, мен мазмунида нопок, боз устига, саёз сиёсий майнавозчилик бўлган хат ёзиб, Ҳукуматга ўзимни яхши томондан кўрсата олмасдим, албатта”. Бундан бу ёғига, ўн йиллик адабий фаолиятим давомида мен ҳақимда уч юз битта тақриз ва мулоҳазалар эълон қилинганини, улардан фақат учтасида мақтов, қолган икки юз тўқсон саккизтаси — таҳқир ва адоватдан иборат эканлигини ёзаман ҳамда улардан энг ноёбларини санаб ўтаман. У тақрирларда мени “меҳмонлар қусуғи аралашган сарқитларни йиғиб олувчи адабий фаррош” деб таърифлаганлар, “ишчилар синфига ва унинг коммунистик идеалларига заҳарли сўлагини сочувчи махлуқ” деб ёзганлар. Уларнинг фикрича, “Турбинлар кунлари”дан “қўланса ҳид анқир”миш, “Арғувон орол” — “жуда заиф асар ва революцияга қарши ҳақорат”миш. Кейин “Зойканинг квартираси”... О, “Мольер” ҳақида-ку Бошрепертком...

Е л е н а С е р г е е в н а. Қўй, гапирма, Миша. Ҳаммаси эсимда.

Б у л г а к о в. Лекин хатда ёзишим керакми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Хатда ҳаммасини ёз!

Б у л г а к о в. Хат охири бундай бўлади. /Уқийди/. Шу нарсага эътибор беришингизни илтимос қиламанки, менинг ёзмаслигим — тириклайин қабрга кўмилишимдир.

Мен СССР Ҳукуматидан, шошилинич равишда СССРни тарк этиб чиқиб кетишим ҳақида буйруқ чиқаришни илтимос қиламан. Мен инсонпарвар Совет ҳокимиятига мурожаат қилиб, менга, яъни ўз ватанида ҳеч қандай наф келтира олмайдиган ёзувчига мурувват кўрсатиб, озодликка чиқариб юборишини сўрайман.

Бордию, ёзган асарларимни номақбул ҳисобласалар ва мени СССРда умрбод гунг бўлиб яшашга мажбур этсалар, Совет ҳукуматидан, мени касбимга монанд иш билан таъминлашда, масалан, режиссёр сифатида ишга олишларида ҳомийлик қилишни сўрайман. Агар режиссёрликка ярамасам, статист бўлиб ишлашим ҳам мумкин. Мабодо, статистликка ҳам мени лойиқ топмасалар, саҳна ишчиси қилиб ишга олақолсинлар. Ҳокимиятдан илтимосим шуки, мени ўзи лозим топган ишга қўйсин, лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, мен, яъни бешта пьеса ёзиб, СССРда ҳамда чет элларда танилган драматург ҳозирги дамда қашшоқлик, дарбадарлик ва ҳалокат жари ёқасида турибман”. Ўттизинчи йил, йигирма саккизинчи март. Имзо. Нима дейсан?

Е л е н а С е р г е е в н а. Майли, бўлганча бўлар.

Иккинчи кўриниш

Сталиннинг кабинети. 1930 йил, 2 апрел.

Кремлда Сталиннинг кабинети. Деразадан ибодатхоналарнинг гумбазлари кўриниб турибди. Сталин дераза олдида турганча, шу ибодатхоналардан кўз узмайди. Поскрёбишев киради.

П о с к р ё б и ш е в. Енукидзени нима қилай, ўртоқ Сталин?

С т а л и н. Нима бўпти унга?

П о с к р ё б и ш е в. Ўн беш дақиқадан бери кутиб ўтирибди.

С т а л и н. Нега кутади?

П о с к р ё б и ш е в. Кўк нуқта турибди-да. Қизил нуқта қўйганингизда...

С т а л и н. Дарров айтишинг керак эди! Сенга шундай нуқта кўяйки, кейин ҳеч адашмайдиган бўласан. Чақир!

Поскрёбишев чиқади. Енукидзе киради.

Е н у к и д з е. Салом, ўртоқ Сталин.

С т а л и н. Кечир, Авел, чалкашлик юз берибди. Сени куттириб қўйибди анави овсар Поскрёбишев. Келганингни менга ҳозир айтди, бўлмаса, дарҳол...

Е н у к и д з е. Парво қилманг. Атиги чорак соат... Кўк нуқта, холос. Ўзим ҳам кутмагандим қизил нуқта бўлишини.

С т а л и н. Сен қаёқдан билдинг бунди?

Е н у к и д з е. Тешик кулоқ, эшитаркан... Мен ҳеч хафа эмасман сиздан, ўртоқ Сталин.

С т а л и н. Хафа эмассану расмиятчилик ниқобини кийиб олибсан, “Сиз”лайсан, “ўртоқ Сталин” дейсан. Қўйсанг-чи. Сен мендан икки ёш каттасан, жуда кўп йилдан бери биламиз бир-биримизни. Икковимиз ҳам Турухан ўлкасида сургунда бўлганмиз. Ташла расмиятчиликни.

Е н у к и д з е. О, у қачонги гап, унутиб ҳам юборганман.

С т а л и н. Йўқ, ҳаммаси эсингда, ҳаммасини биласан. Лекин бу яхшими ё ёмонми – билмадим. Ахир айтадилар-ку, кўпни билсанг, тез қарийсан, деб.

Е н у к и д з е. Қариш менга энди хавф туғдирмайди.

С т а л и н. Нима, доим ёш бўлиб қолмоқчимисан, а? Тўғри, кўринишинг бинойидай. Фақат гамгинсан негадир. Нега? /Пауза./ Нега индамайсан? Балки гинахонлик қилмоқчидирсан менга?

Е н у к и д з е. Нега чақиртирувдинг, Сосо?

С т а л и н. Ҳали сен кирганингда дераза олдида тургандим. Ёмон эмас-а манзара, нима дейсан?

Е н у к и д з е. Ҳа, чиройли манзара. Бутхона гумбазлари, жомелар...

С т а л и н. Чиройли жойлар кўп дунёда. Лекин бу — ўзига хос ягона манзара. Гумбазлар, жомелар... О, нималарни кўрмаган бу гумбазлар? Қанча- қанча жазолар, қатллари... Иванов майдонида одамларни дарра билан савалашганда уларнинг доди- фарёди бутун майдонни бошига кўтарган. Қизил майдондаги қатлгоҳ супада ўқчи аскарларнинг калласи чопилган. Баъзилари қозикқа ўтқазилган. Кремлнинг иккинчи томонида — Болотада Пугачёвни тўрт чорак қилиб нимталаганлар. Ҳа, ўтмишда шундай воқеаларга шоҳид бўлган бу жомеларнинг гумбазлари. Мана энди улар халқимизнинг фаровон истиқболини ҳам кўришлари керак. Бунга эришиш учун биз ҳеч нимани ва ҳеч кимни аямаслигимиз лозим. Ҳатто энг яқин кишиларимиз ва дўстларимизни ҳам. /Мулоим жилмайиб, қўлини Енукидзенинг елкасига қўяди./Фикримга қўшилсанми, Авел?

Е н у к и д з е. Мен бирон гуноҳ иш қилиб қўйдимми, Сосо?

С т а л и н. Нега ундай дейсан? Гуноҳи йўқ одам асло безовта бўлмаслиги керак.

Е н у к и д з е. Ҳарҳолда, нимага чақиртирувдинг мени?

С т а л и н. Чақиртирмадим, таклиф қилдим. Қани, ўтирайлик.

Икковлари ўтиришади.

Менга айтишди, сен тўқсон иккинчи йилда Батумда бўлган стачка ва намойиш ҳақида бир рисола ёзганмишсан. Яхши ўйлабсан. Лекин негадир мени эсга олмабсан. Шу гап тўғрими?

Е н у к и д з е. Тўғримас. Сени ҳам эслаб ўтганман, Сосо.

С т а л и н. “Эслаб ўтган”миш. Нима, мен бегона бир ўткинчи одамидим, фақат эслаб ўтасан? Қани, менга айт-чи, ким раҳбарлик қилган эди ўша ҳаракатларга?

Е н у к и д з е. Ленинчи-“искра”чилар. Батум социал- демократ кўмитаси.

С т а л и н. Мен шахсни назарда тутяпман.

Е н у к и д з е. Мен ҳамма воқеани қандай бўлган бўлса шундай ёзганман.

С т а л и н. Сен шундай ўйлайсанми? Ҳолбуки, бошқача ўйлайдиган одамлар ҳам бор. Масалан, ўзинг билган Берия. Майли, ҳар ким қандай ўйласа, ўйлайверсин. Мени бошқа нарса қизиқтиради: умуман, айт-чи, менга қарши қандай хусуматинг бор? Очигини айтавер. Собиқ дўстлигимиз ҳаққи қасам ичаман, ҳеч қандай ёмонлик кўрмайсан мендан. Онам ва фарзандларим ҳаёти ҳаққи, сўз бераман.

Е н у к и д з е. Шахсан сенга қаршимми? Ҳеч қандай хусуматим йўқ.

С т а л и н. Унда нега очик гаплашмаяпсан мен билан? Аллақандай тасодифий одамлар билан мулоҳаза юритармишсан. Нима, мен тушунмасмидим сени? Нима қиласан бегоналар билан тил бириктириб? Кел, яхшиси, ўзимиз дилкашлик қилайлик. /Бир шиша вино, иккита қадаҳ ва ҳўл мевалар олиб столга қўяди./“Киндамараули” ичамиз. Кейин садоқатли дўстлардек, яна оммавий ишимиз билан машғул бўламиз.

/Вино қуяди/. Сенинг соғлигингга.

Иккови ичади.

Е н у к и д з е. Мен кескин чоралар қўлланишига қарши эмасман. Тушунаман, фуқаролар уруши бўлди. Тушунаман, душманларимиз бор эди. Лекин сен, фикрингга қўшилмаганларнинг ҳаммасини душман ҳисоблаяпсан. Нега? Нима, ўзинг хато қилмайсанми? Нима учун эътироз билдирганларни ёмон кўрасан? Ахир улар кекса болшевиклар, сиёсий сургунда бўлганлар, жанговар командирлар, қамоқ азобини бошидан кечирган одамлар-ку... Нима сабабдан уларни бир-бирига гиж-гижлайсан?

С т а л и н. Ўзлари бир-бирлари билан ўчакишиб ётишибди. Бу донгдор воизлару, сафсатавозлару, вайсақи маҳмадоналару, тутуруғи йўқ назариячиларнинг талашганлари минбар! Нима, Троцкийга ачиняпсанми?

Е н у к и д з е. Троцкий-ку — майли. У билан ҳатто Ленин ҳам кўпинча келишолмасди. Лекин Каменев, Зиновьев-чи? — ахир улар хатоларини бўйниларига олишди-ку.

С т а л и н. Улар Бухарин билан Риковга қарши тиш қайраб ётишибди. Биз Бухарчикни хафа қилдириб қўймаймиз! Яна нима? Айтавер ҳаммасини!

Е н у к и д з е. Яна ҳарбийлар масаласи. Майли энди, Фрунзедан айрилдик, яхши хотира қолсин ундан. Лекин ҳозир мияси тўла янги кўмондонлар етишиб чиқяпти. Масалан, Тухачевский...

С т а л и н. Нима, Ворошиловнинг, Будённийнинг мияси пўлами?

Е н у к и д з е. Қилич чопишда ҳеч ким тенг келолмайди уларга. Улар кўрсатган жасоратларни ҳеч ким ҳеч қачон унутмайди. Лекин — улар фуқаролик уруши даври қаҳрамонлари. Ахир ўзинг ҳам, истиқболни кўзламоқ керак, деб ўргатасан-ку. Истиқболда эса бошқача

уруш бўлади. Қилич билан, милтиқ найзаси билан зафар қозонолмайсан. Техника, илм-фан кўмаги керак бўлади. Тухачевский эса...

С т а л и н. /сўзини бўлиб/. Ҳеч ким чертмоқчи ҳам эмас ўша Тухачевскийнингни! Ундан кейин, сен қаёқдан биласан, эҳтимол, мен ўша айтганинг истиқболга кўз тикиб, сен кўрмаётган нарсаларни кўраётгандирман?!

Е н у к и д з е. Балки сен ҳақдирсан. Унда ишонтир мени ҳақлигингга. Ундан кейин, агар кимдир сени тушунмаётган бўлса, лавозимидан бўшат, қурби етадиган бошқа ишга қўй. Ниҳоят, у билан мунозара қил. Ленин шундай қиларди-ку. Брест сулҳини, НЭП ни эсла. Ленин...

С т а л и н. /ғижиниб/. Нега бунча менга Ленинни пеш қилиб қолдинг? Ҳозир замон бошқа. Мулозамат қилишга вақт йўқ! “Агар душман таслим бўлмаса, уни йўқ қиладилар”, — деган Горкий. Таслим бўлса ҳам йўқ қилинса зиён бўлмайди. Қайтага, фойдали иш бўлади. Тарих бизга ўргатади: таслим бўлган душман — барибир душман. Энг ашаддий душман. Махфий душман. Сен уни кечирсанг, у сендан балтарроқ нафратлана бошлайди. Пайт пойлаб, биқинингга пичоқ санчади. Краснов ҳам Троцкийнинг ўзи. Ақлли одам — бу хато қилмайдиган одам эмас. Ҳамма ҳам хато қилади. Балки қилган хатосини такрорламайдиган, ундан ўзига сабоқ оладиган одам ақлдилар.

Е н у к и д з е. Ахир ўзинг айтяпсан-ку — д у ш м а н деб. Булар бўлса...

С т а л и н. Билиб қўй, кечаги оғмачи эртага душман бўлади. Фракциялар курашининг қонуниятини шундай. Сиёсат эса, ўзининг шафқатсиз қонунида: таг-томири билан кўпориб ташла, деб ўргатади.

Е н у к и д з е. Агар одам мутлақо таслим бўлса ва хато қилганини астойдил эътироф этса...

С т а л и н. Мен бунга ишонмайман. Кўзбўямачилик. Сиёсатда болалар бўлмайди. Тушунсанг-чи, Авел, биз қанча олислаб борсақ, ютуқларимиз шунча кўп бўлади. Душман ҳам шунча бешафқат бўлади. Ҳам четдаги, ҳам ичимиздаги душманлар. Давлат раҳбарининг вазифаси — бунинг олдиндан кўра-билиш ва хавфни бартараф қилишдир. Шуни билки, ҳатто дўстларинг ҳам ўзлари қилган хатолар учун сени кечирмайдилар. Эшитяпсанми — ў з х а т о л а р и учун! Нимага? Нимагаки, қилган хатолари учун калтак ейишларини билишсади.

Е н у к и д з е. Тавба, нега энди бошқаларни жазога тортадилар — ахир хатони қилган ўзлари-ку?

С т а л и н. Нимани назарда тутяпсан? Очиқ гапиравер, тортинма. Бугун сен билан биз очикчасига суҳбатлашяпмиз.

Е н у к и д з е. Мана, масалан, коллективлаштиришни олайлик. Озмунча хатоларга йўл қўймадикми... Хўш, ким айбдор?

С т а л и н. Бундан бир ой бурун, иккинчи мартда менинг “Ютуқлардан эсанкираш” деган мақолам босилди. Ўқимадингми?

Е н у к и д з е. Ҳамма ўқиди. Лекин эсанкираганлар кимлар? Ҳамма... сендан бошқа!

С т а л и н. Шунақа ҳам бўлади. Дарвоқе, Брест сулҳи масаласида Ленин тарафдорлари жуда камчилик бўлишган. Деярли ёлғиз бўлганди Ленин. Аммо у ҳақ эди. Сен Ленинни пеш қилишни ёқтирасан. Мана сенга мисол.

Е н у к и д з е. Гап ундамас. Сен ютуқлар ҳақида гапирганинг. Қани ўша ютуқлар?

С т а л и н. Ютуқлар бор, лекин энг муҳими — энди бўлади. Буни ҳамма тушунапти, лекин сен тушунмадинг-а? Афсус.

Е н у к и д з е. Бундан чиқди, мен душманман ва мени йўқ қилиб ташлаш керак, шундайми?

С т а л и н /кулиб/. Кўй, Авел, сийқалаштирма гапни. Сўз бердим сенга. Ишлаб турибсанми? Ишлайвер. Яхшиси, бугун бу ерда сен билан нималар ҳақида гаплашганимизни ўйлаб кўр. Ҳатто тортишиб ҳам қолдик. Сен мубоҳаса қилишни хоҳловдинг. Эришдинг. Айтгандай, нима, йўқми бизда мубоҳасалар? Масалан, адабиётда? Ол ана, ўша Маяковский масаласини.

Е н у к и д з е. Маяковский билан баҳслашишмаяпти, уни таъқиб қилишяпти. Нафақат уни. Яқинда яна битта ёзувчидан хат олгандим. Булгаковдан. Кун беришмаяпканмиш унга. Кўполдан-кўпол таъқиб қилишаётганмиш уни, Сосо.

С т а л и н. Нима кераги бор бу гапларнинг? Ҳозир кураш кетяпти бизда. Бу четдан қараган одамга кўпол бўлиб кўриниши мумкин. Адабиётчилар доим ўзларини таъқиб остида ҳисоблайдилар... агар уларни ардоқлаб қўлга кўтариб юришмаса. /Кўлига қадаҳ олади./ Сенинг соғлигингга..

Е н у к и д з е. Йўқ, энди сенинг соғлигингга.

С т а л и н. Розиман. /Мийиғида кулиб./ Кўрдинг, мен ҳам баъзи масалаларда сенга ён босяпман. /Грузин тилида қўшиқ айта бошлайди. Енукидзе унга жўр бўлади./

Қара, жўр бўлиб қўшиқ айтиш қандай яхши. Лекин принципиалликни кўпинча кўполликка йўйиб адашишади. Эсимда, бир пайтлар Ильич ҳам мени кўполликда айблаганди. Афсуски, Лениннинг ўзи ҳам хато қилишдан холи бўлмаган. Ҳадеб Ленин, Ленин... деяверганинг учун айтяпман бунга. Ленин паноҳ бўлолмайди. Ундан кейин, эсингдами мақол? Иккита қуёш бўлмайди осмонда. /Енукидзе томон энгашиб худди бир сир айтаётгандай дилкашона оҳангда./ Агар менга қарши бўлсанг — ўлдираман.

Е н у к и д з е /донг қотиб қолади/. Бу нима деганинг, Сосо... Етти ухлаб тушимга кирмаган бундай қилиш.

С т а л и н. Яхши, яхши, кечирдим. Сени толиқтириб қўйдим, дам олишинг керак. Менинг ҳам қиладиган баъзи бир ишларим бор... Афсуски, сен унча ишонмаяпсан бу ишларимга... ҳозирча. Уканга салом айт. Ойинг тирикми?

Е н у к и д з е. /ҳали ҳам ўзига келмай/. Ўлган.

С т а л и н. Илож қанча, ҳаммамиз ҳам ўламиз.

Е н у к и д з е. Сенинг ойинг қалай?

С т а л и н. Тирик ҳали. /Ўрнидан туради. Енукидзе ҳам туради. Сталин уни қучоқлаб ўпади./ Яхши бор, Авел.

Е н у к и д з е. /саросимада/. Соғ бўл, Сосо.

С т а л и н. Ҳаракат қиламан.

Енукидзе чиқади. Поскрёбишев киради.

П о с к р ё б и ш е в. Ягода қўнғироқ қилди. Бир неча марта. Сиз билан улашимни сўради.

С т а л и н. Мунча шошади-я... Майли, ула.

Поскрёбишев чиқади. “Шиқ” этган товуш эшитилади.

/Гўшакни кўтаради./ Ҳа. Нега бунча шошасан? Нима, арпангни хом ўрдими Енукидзе? Аппарат маълумот берапти, де? Йўқ, аппа-

рат фақат биз кутган нарсалар ҳақида маълумот беради. Қисқаси, уни тинч қўй... ҳозирча. Аппарат ўз ишини қилсин... қўл қовуштириб ўтирмай. /Гўшакни илади./

Поскрёбишев киради.

/Вино ва бошқа нарсаларга ишора қилиб./ Буларни йиғиштириб ол.

П о с к р ё б и ш е в /Сталин олдига папка қўяди/. Кечки почта. /Вино ва ҳўл меваларни жойлаштиради, қадаҳларни олиб чиқиб кетади./

Сталин қоғозларни кўздан кечиради. Поскрёбишев ювилган тоза қадаҳларни кўтариб киради ва уларни жойига қўяди.

С т а л и н /бир конвертни кўрсатиб/. Бу нима яна?

П о с к р ё б и ш е в. Бу хат Булгаковдан.

С т а л и н. Булгаковдан? Ҳозир уни Енукидзе эслаганди. Нима дебди?

П о с к р ё б и ш е в. Шикоят қилган. Унга кун беришмаётганмиш.

С т а л и н /конвертни қўлига олиб/. Нега менга юборишибди? “Совет ҳукуматига” деб ёзилган-ку бу ерда.

П о с к р ё б и ш е в. Биласиз-ку...

С т а л и н. Вой-бў-ў... ғурури баланд-ку жуда — ҳукумат номига ёзибдилар. Дарвоқе, сен ўз одамларингга топшириқ бер, Маяковский тўғрисида материал тўплашсин, бир йўла Булгаков масаласида ҳам. Бунисида кун беришмасмиш, унисини таъқиб қилишармиш... Жуда мағрур бўлиб кетишди бу ёзувчилар. Ўргилдим классиклардан! Аниқлаш керак улар ичида нима бўлаётганини. Қандайдир икир-чикир ҳаракатлар! Бас, бугунга етар. /Кабинет тўридаги кичик эшикдан чиқиб кетади./

Поскрёбишев чироқни ўчиради ва чиқади.

Учинчи кўриниш

Булгаковлар хонадони. 1930 йил, 18 апрел.

Биринчи кўринишдаги ҳолат. Булгаков креслода китоб ўқиб ўтирибди. Кўчадан Елена Сергеевна киради. Палтосини ечади ва келиб Булгаковнинг бошидан ўпади.

Б у л г а к о в. Кеча дафн маросимида Катаев нима бўлганини эслаб ўтди. Бир кун бурун Маяковский уникага борган экан. Ҳазил-ҳузул, қочириқ гаплар айтиб уни кулдирибди. Эртаси куни ўзини отган. Шундай воиз, шундай жўшқин курашчи... Ақл бовар қилмайди.

Е л е н а С е р г е е в н а. Охир-оқибат шундай бўлиши керак эди.

Б у л г а к о в. Қўй, ундай дема, Люся. Худо кечирсин.

Е л е н а С е р г е е в н а. Ким қўйибди унга раҳматли Есенинга панд-насиҳат қилишни? Ҳар ким ўзи ҳал қилиши керак ҳаётида нима оғиру, нима енгил эканлигини.

/Столда ётган қўлёмаларни кўриб/. Нима, яна иблис ҳақида романми?

Б у л г а к о в. Йўқ. Бу театр ҳақида.

Е л е н а С е р г е е в н а. Босиб чиқаришади, деб ўйлайсанми?

Б у л г а к о в. Энг муҳими ёзиш. Ахир, “Йўқ, ўлмайман мен

буткул”¹ дейилган-ку. Ундан кейин, ҳеч бўлмаса кулиб қолай дедим, йиғлагандан кўра.

Е л е н а С е р г е е в н а. Ҳеч ким кўнғироқ қилмадимми?

Б у л г а к о в. Ҳеч ким. Ҳозир биз одам оёғи етмаган оролдамиз.

Е л е н а С е р г е е в н а. Йўқ, унчаликмас. Оролда бўлсак, мол жигарини қаёқдан олардим? Ҳозир қовураман — ўзинг яхши кўрган тансиқ таом бу.

Б у л г а к о в. Пул қаёқдан келди, мадам?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ўзимни бозорга солдим, мсье.

Б у л г а к о в. Бу гапингизни қандай тушуниш керак?

Е л е н а С е р г е е в н а. Чайқов бозорига борувдим. Битта ҳеч кераги бўлмаган буюмимни бир нусхага пулладим. Бинойидай ҳақ олдим.

Б у л г а к о в. Нима экан ўша буюм, агар сир бўлмаса?

Е л е н а С е р г е е в н а. Эсингдами, бир жуфт оқ қўлпайпоғим бор эди, тирсаккача кийиладиган? Тўр ҳошияли?

Б у л г а к о в. Уни яхши кўрардинг-ку.

Е л е н а С е р г е е в н а. У пайтда ҳаётимиз бошқача эди. Ҳайронман, бошига урадим дейман ўша нусха узун қўлпайпоқни?

Б у л г а к о в. Ортиқча пули бўлган эркак тирсаккача чўзиладиган тўр ҳошияли қўлпайпоқни ҳам сотиб олаверади. Масалан, мен агар бойиб кетсам, минг жуфт шунақа қўлпайпоқ сотиб олардим сенга атаб.

Е л е н а С е р г е е в н а. Ололмайсан. У Париждан келтирилган.

Б у л г а к о в. Айтгандай, Люся, ҳукумат номига хат ёзганим ҳақида ҳеч кимга гапирмовдингми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Йўқ, нега сўраяпсан?

Б у л г а к о в. Биласанми, шу кунларда, почта қутисидан газета олаётганимда, рўпарамиздаги квартирада турувчи ғийбатчи хотин доим эшигидан мўралаб мени кузатади. Бугун ҳам шундай қилди. Мен, албатта, унга таъзим қилиб, “Яхшимисиз, муҳтарама Алевтина Сергеевна”, — дедим. У жавоб қилмай, эшигини “қарс” этиб ёпиб, уйига кириб кетди.

Е л е н а С е р г е е в н а. Чақимчи кампир. Газетада бирон нима, сен тўғрингда яна қандайдир ғийбат босилгандир балки?

Б у л г а к о в. Йўқ. Лекин ўша хат юборган кунимдан бери доим, ҳозир келиб мени шартта ушлаб, олиб бориб авахтага тиқишаётгандай ҳис қиламан ўзимни.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бўлмаган гап. Тўғрироғи, ҳеч қандай жавоб келмайди. Хат юборганингга қанча бўлди?

Б у л г а к о в. Ҳозир ҳисоблаб кўрамиз. Бугун ўн саккизинчи апрел...

Е л е н а С е р г е е в н а. Сал кам уч ҳафта бўлибди. Ҳеч нима кутма. Агар ўшанда гапимга кириб, хатни Сталинга ёзганингда эди...

Б у л г а к о в. Унда, аллақачон қамалишим аниқ эди.

Е л е н а С е р г е е в н а /ўйлаб қолади/. Биласанми, хат ёзганинг ҳақида кимгадир айтгандайман.

Б у л г а к о в. Нега ахир? Айтгандим-ку, сенга...

Е л е н а С е р г е е в н а. Оғзимдан чиқиб кетди. Ҳозир эслаб кўраман кимга айтганимни. МХАТга борувдим, кийим-кечак мутасаддияси Евдокия Ниловнага тўқиган либосимни топширгани. У сени сўради. Ҳа, ўшанга айтувдим, шекилли. Бехосдан айтиб юборибман... Жаҳлинг чиқмасин.

¹А.С. Пушкиннинг «Ҳайкал» шеърдан.

Булгаков /ранжиб/. Турган гапки, шу заҳоти у бутун театрга жар солган.

Елена Сергеевна. Йўқ, бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетган эшитгани. Фаҳмимча, у шунчаки расмиятчилик юзасидан сўровди сени.

Булгаков. Эҳ, Люся!

Елена Сергеевна. Қўй, қотирма бошингни. Романингни ёзясанми? Ёзавер. Менинг ҳам ўзимга яраша ишим бор. Ахир бекорга сотибманми қўлпайпогимни? /Ойхонага чиқиб кетади/.

Булгаков /ёлғиз/. Шунга қарамай, одамзод ўз умрига хотима ясаганида... Ахир айтилган-ку, кўҳна китобда: “Ихтиёр айласангиз бас — анинг коми очилгай!” — деб. /Китобни четга қўйиб, столда ётган қўлёзмаларни кўздан кечира бошлайди./

Телефон қўнғироғи кескин ва тез-тез жиринглай бошлайди.

Елена Сергеевна овози. Ўзим оламан.
Булгаков. Бошқа шаҳарданга ўхшайди.

Телефон ҳамон зўр бериб жирингламоқда.

Елена Сергеевна. /тез чиқиб келиб гўшакни кўтаради/. Эшитаман! Булгаковнинг квартираси. Уйда. Ким сўраяпти? Ким? Кечирасиз эшитолмадим. /Мабюс овозда./ Миша, сени сўрашяпти.

Булгаков. /ўрnidан туради/. Ким экан?

Елена Сергеевна /гўшакни кафти билан ёпиб саросимада/. Сталинмиш.

Булгаков. Фирт бемаъни ҳазил! /Гўшакни олади./ Эшитаман! /Елена Сергеевнага имлаб, тармоқли наушникни эшитишни буюради./ Каттиқроқ гапиринг. Эшитмаяпман.

Сталин овози. Бу ўртоқ Булгаковми?

Булгаков. Ҳа.

Сталин. Салом, Сталин гапиряпти.

Булгаков. Қанақа Сталин?

Сталин. Ўзингиз билган.

Булгаков. Менга қаранг, агар бу ҳазил бўлса...

Сталин. Вақтни бекорга ўтказмайлик, ўртоқ Булгаков. Сиз Ҳукумат номига хат ёзибсиз, биз сизга ижобий жавоб бериш ниятидамыз. Лекин айтинг-чи, биз шу қадар жонингизга тегдикми? Нима, чиндан ҳам бизнинг мамлакатимизни тарк этмоқчимисиз?

Булгаков. Э, худойим-е, мен ишлашни хоҳлайман фақат! Драматург сифатида! Режиссёр сифатида! Ё саҳна ишчиси сифатида! Ким сифатида бўлса ҳам, театрда ишласам дейман. Ҳолбуки, ҳамма эшиклар мен учун ёпилган — на китоб нашр қилдира оламан, на саҳнага чиқа оламан.

Сталин. Сиз бу ҳақда ёзибсиз. Мен ўқидим. Аммо МХАТ нима бўлади? Билишимча, сиз бу театр билан ҳамкор эдингиз.

Булгаков. Газеталарда босилиб чиққан мақолалардан кейин, бу театр жамоаси мен билан ҳеч қандай ҳамкорлик қилишни ё хоҳламаяпти ё журъат этмаяпти ҳамкорлик қилишга.

Сталин. Хоҳламаяптими ё журъат этмаяптими? Фарқи бор бунинг.

Булгаков. Билмайман.

С т а л и н. Менинг назаримда, бу жамоа негадир сизга қизиқиб қолгандек туюляпти.

Б у л г а к о в. Ваҳоланки, менинг барча ҳаракатларим...

С т а л и н. Айтинг-чи, ўртоқ Булгаков, телефон гўшагини кўтарган хотинингизми?

Б у л г а к о в. Ҳа, хотиним.

С т а л и н. Илтимос, мендан салом айтиб қўйинг.

Телефон тез-тез “ду-ду”лай бошлайди.

Б у л г а к о в. Раҳмат. /Гўшакни қўяди./ Эшитдингми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ҳа. Менга салом айтиб гўшакни қўйиб қўйди.

Б у л г а к о в. Тавба, бу қанақаси? Балки бу бир ўйиндир мени чалғитувчи-а?

Е л е н а С е р г е е в н а. Нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдим.

Б у л г а к о в. Ё анови жин чалгур Евдокиянг аллақачон биронта актёрга шипшиганмикин-а? Ўзинг биласан-ку, бу тоифа одамларни. Биронта миш-миш эшитишса бўлди, қолганини дарров тўқиб-чатиб жар соладилар...

Е л е н а С е р г е е в н а. Евдокиянинг бунга дахли йўқ. Мен унга хат нима ҳақда эканлигини айтмагандим.

Б у л г а к о в. Ё Бадий театрдагилардан биронтасини учратиб, ўзим айтиб берсаммикин-а, бор гапни?

Е л е н а С е р г е е в н а. Эҳтимол, бу чиндан ҳам бир ўйиндир?

Б у л г а к о в. Бордию, у ростдан ҳам Сталин бўлса-чи?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ана унда ҳеч нима қилиш керак эмас. Ўзлари сени ер тагидан бўлса ҳам топиб олишади.

Б у л г а к о в. Мен унга: “Бадий театр мен учун ёпиқ”, десам, у: “Негадир менга ундай туйилмаяпти”, — деди. Туюляпканмиш унга. Йўқ, сен нима десанг де, мен бирон чорасини кўришим керак.

Е л е н а С е р г е е в н а. Вой, ошхонада ишим чала қолувдию! /Юзуриб чиқиб кетади./

Б у л г а к о в /ёлгиз/. Агар ростданам ўйин қилаётган бўлишса, топиб, чавақлаб ташлайман ўша ярамасни!

Е л е н а С е р г е е в н а о в о з и. Келақол, овқат суздим.

Б у л г а к о в. Сенга тушунолмай қолдим, Люся. Ёмон хабар эшитсанг — мени бу ерда боқасан. Яхши хабар бўлса — ошхонада.

Е л е н а С е р г е е в н а о в о з и. Ҳаммаси тўғри. Мувозанат сақлаш керак. Аттанг, овқат сал тагига олибди.

Б у л г а к о в. Ҳеч нима қилмайди. /Ошхонага чиқиб кетади./

Саҳна қоронгилашади. Кейин яна ёришади. Елена Сергеевна қарта доналарини териб фол очмоқда. Булгаков у ёқдан-бу ёққа юриб турибди.

Б у л г а к о в /юришдан тўхтаб/. Ҳа, майли. Қани, қандай таъбирлайсан кўрган тушимни?

Е л е н а С е р г е е в н а. Эссиз қўлпайпоқ.

Б у л г а к о в. Сўз бердим-ку — юз жуфтини олиб бераман.

Е л е н а С е р г е е в н а. Минг жуфт дегандинг, шекилли? Мен, тополмайсан, Франция маҳсули, девдим.

Б у л г а к о в. Нима бўпти шунга? Ахир Париж ҳалиям жойида тургандир?

Е л е н а С е р г е е в н а. Сен ҳозир у ёққа боришдан воз кечдинг.

Булгаков /*грузинча урғу билан гапиради*/. Келинг, ўртоқ Булгакова Е. Эс., гап талашиб вақтимизни бекорга ўтказмайлик.

Эшик қўнғироғи қайта-қайта қаттиқ жириглайди.

Елена Сергеевна. Яна телефонми?

Булгаков. Йўқ. Бу эшик.

Елена Сергеевна. Шу бемаҳалда-я? Ярим кеча бўлса!

Булгаков /*ҳаяжонланиб*/. Бунақа пайтдаги ташриф фақат бир нарсани билдиради.

Қўнғироқ кескин-кескин чалинади, эшикни “гурс-гурс” уриб тақиллатадилар.

Елена Сергеевна. Нима қилай?

Булгаков. Демак, ростдан ҳам ўйин қилишган экан.

Елена Сергеевна. Очайми ё йўқми?

Булгаков. Анави гийбатчи кампир бекорга мўраламаган экан.

Эшикни аzza-базза гурсиллатишади. Қўнғироқ чалинади.

Елена Сергеевна. Мен очаман.

Булгаков. Йўқ, ўзим. /*Эшикни очгани чиқади.*/

Шу заҳоти хонага МХАТнинг кекса ходими сочлари хурпайган Авенир Платонович ўқдай отилиб киради.

Булгаков. Нима бўлди сизга, Авенир Платонович?

Авенир Платонович. Менгами?! Нима, ҳеч нимадан хабарингиз йўқми? Кечиринг, огоҳлантирмай бостириб келдим... яна шу бемаҳалда. Лекин бунақа янгиликни айтмай туролмасдим....

Елена Сергеевна. Салом, Авенир Платонович.

Авенир Платонович. О, Елена Сергеевна! Узримни қабул қилгайсиз. Салом.

Булгаков. Хўш, нима янгилик экан ўзи?

Авенир Платонович. Оламшумул!

Булгаков. Яхши гапми ё ёмонми?

Авенир Платонович /*сукут сақлаганча, ишонқирамай, эр-хотинни кузатади*/. Уф... Жин урсин, бутунлай эсимни еб қўйдим чоғи. Ахир ўзингиз ҳамма гапдан хабардор бўлсангиз керак-ку. “Яхши гапми ё ёмонми”, дейсиз-а. О, бунақа хушxabар бўлмаган. Бизга қўнғироқ қилишди. Унинг котибиятидан. Мана шунақа! Энди бўлди! Лекин сиз ҳам Михаил Афанасьевич, анойилардан эмассиз. Ахир ҳамма гапдан хабарингиз бўлган-ку, охирги марта театрға борганингизда. Чурқ ҳам этмадингиз-а! Нега? Шуми эски қадрдонлигимиз ҳурмати?

Булгаков. Кеча театрға борганимда сиз менга ҳатто...

Авенир Платонович. Унутинг! Ҳа, унутинг ҳамма бўлган гапларни! Энди энг муҳими — бўлади га н ишлар! Ҳай-ҳай-ҳай! Ҳатто шипшиб ҳам қўймадингиз-а.

Булгаков. Ўзим ҳам ҳеч нима билмагандим, то бугун ўзи менга қўнғироқ қилмагунча.

Авенир Платонович. Ўзи? Ким у?

Булгаков. Айтяпман-ку — Сталин.

Авенир Платонович. Шу гапингиз жиддийми?

Булгаков. Мен-ку жиддий гапиряпман, лекин уни — билмадим.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Елена Сергеевна!

Е л е н а С е р г е е в н а. Рост айтапти. Биз эндигина кечлик қилмоқчи бўлиб турувдик, шунда у... Яна менга салом ҳам йўллади.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ақл бовар қилмайди. Хўш, нима деди? Аниқ бир гап айтдимиз?

Б у л г а к о в. Нимасига ҳайрон бўляпсиз? “Хўш, ишлар қалай, Миша?” – деб сўради. Мен, чатоқ, дедим. Сизни сўради. “Бадий театрдаги Авенир қалай юрибди, ҳалиям тепакал бошингга тупира-ётгандир? Чидаб ўтирибсанми”, – деди. “Нима қилай, раҳмим келади чолга,” дедим. “Лекин ўшимга тегаверса, аяб ўтирмайман” – дедим. Суҳбат шу тарзда ўтди. Рост – Люсяга салом айтди. Аммо сизга айтиб қўйиш учун ҳеч нима демади.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Майли. Хафа эмасман сиздан. Хўш, энди нима қиламиз?

Б у л г а к о в. Қай маънода? Мол жигарига тобингиз қалай? Ётишдан олдин еса, соғлиққа фойдалимиш. Биз бу ерда жигарга тўйиб кетдик. Биласизми, ҳар кун тансиқ таомлар. Меъдага тегди.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Хулласи салом, ажодларимиз айтганидек: “Қадамларига ҳасанот, уйимизнинг тўри сизники”, демоқчисиз-да. Демак, бундай. “Турбинлар”ни қайта тиклаймиз. Яна нима бор? Нима ёзаяпсиз? Нимани қўймоқчисиз? Умуман, нима қилмоқчисиз?

Б у л г а к о в. Бошланишига гардеробхонада ишласам дедим. Ахир театр, агар адашмасам, вешалкадан бошланади-ку.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. О, ҳеч ўйламагандим сизни бунчалик кек сақловчи одам деб.

Б у л г а к о в. Эҳтимол, биронта рол ўйнашимга руҳсат беришар! Масалан, “Турбинлар”даги гетман ролини! Ё режиссёрга ёрдамчи бўларман. Гапим жиддий.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Қизиқмисиз, ахир булар анчайин ишлар-ку. Сиз асосий, асосий мақсадни айтинг. Театрга нима хабар олиб борай? /*Столдаги қўлёзмага ишора қилиб.*/ Янги пьесаи? Қачон тайёр бўлади? Ҳа-а, биламан сиз – драматургларни. Қани, нимангиз бор заҳирада? Қўйинг столга! Темирни қизиғида босиш керак!

Б у л г а к о в. Қизиғида босадиган ҳеч нима йўқ ҳозир.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Бу энди яхшимас. Яна режаларингизни сир тутаяпсиз. Ишонмаяпсиз кекса Авенирга. Бекор қиласиз. Ахир сизни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳимоя қилган, сизга тиргак бўлган мен эдим-ку... Ҳаётимни хавф остига қўйиб десам ҳам бўлади. Ҳа,ҳа! Бу муболаға эмас! Елена Сергеевна, қандай чидаб келяпсиз-а бу қоққан қоziққа? Бошига бахт куши қўнганини тушунмаяпти. Такаббур бўлиб кетибди жуда. Энди биздан қасд олмоқчи. Нима фойдаси бор? Биз раҳбарлар измидаги одамлар бўлсак... Сиз ёнини олманг. Бутунлайин бизга топширинг уни. Ўзимиз биламиз нима қилишни... Чунки бизда ҳар бир артист, ҳар битта режиссёр – арбоб. Бу кишим бизга димоғ-фироқ қилиб, асарини бошқа театрда бериши мумкин, лекин у ерда спектакл расво бўлади. Сирасини олганда-ку, Булгаков асарини расво қилиши қийин, лекин яхши таассурот уйғотмаслиги аниқ. Биз бўлсак, яқинда Парижга гастролга бормоқчимиз. Буни ҳам ўзимиз билан олиб кетардик Парижга.

Б у л г а к о в. Парижга, дедингизми? О, бу айтиш муддао. Ишим бор у ерда. Қўлпайпоқ харид қиламан. Бир озгина. Тахминан, минг жуфт.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Гапини эшитдингизми? Қўлпай-поққа бало борми? Буниям олиб кетамиз, сизниям, Елена Сергеевна. Вақтида улгурсак. Энг юқоридан келди-я рухсат. Ахир бу ҳазилакам гап эмас. Йўқ, мен бекорга айтмагандим: “Булгаков — бу...” Анави мақолалар — ҳаммаси тутун. Сал вақт ўтмай, тарқаб йўқ бўлиб кетади. Шунга олишимиз керакки, Михаил Афанасьевич, сизнинг ташвишингизни қилган фақат мен эмас. Аксарият, аниқроғи, бутун театр кўп қайғурди сиз ҳақингизда.

Б у л г а к о в. Лекин сизлар бу қайғу ва ташвишларга мардларча чидадингиз. Ҳеч сезилмади қайғураётганингиз... четдан қараган одамга.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Энди бу гапингиз ортиқча. Киноянинг ҳожати йўқ. Биламан, киноя бобида сиз устаси фарангсиз. Лекин эгилган бошни қилич чопмас. Биз ҳаммамиз ҳозир қаршингизда бош эгиб турибмиз.

Б у л г а к о в. Тавба, қизиқ одамсизлар, вазият танлашни биласизлар. Гоҳ орқа ўгирасизлар, гоҳ бош эгасизлар. Қачон юзма-юз келасиз?

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ўзингиз кўриб-билиб турибсиз-ку. Ихтиёр ўзимизда эмас эди-да. Лекин мана энди ҳузурингизга ўз ихтиёримиз билан, ёруғ юз билан келдик.

Б у л г а к о в. Йўғ-е?

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Бўлмаса, нима деб ўйловдингиз? Нима, мен, қари чол ярим кечада олдингизга ҳушомад қилгани югуриб келибманми ўпкамни қўлтиқлаб? Худо ҳаққи, тушуниб турибман, ҳозир кўринишим жуда бемаъни. Лекин, аслида, сизнинг қувончингизга шерик бўлгани шошилиб келгандим. Э, худойим-е, ҳақиқатнинг онда-сонда бўлса ҳам тантана қилиши — чинакам қувонч-ку! Кечиринг, сиз билан театрда учрашганимизда ўзимни бепарводек қилиб кўрсатгандим...

Б у л г а к о в. Ё мени пайқамагандек бўлиб тургандингиз...

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳа, сизни пайқамагандек қилиб кўрсатдим ўзимни, ҳа, мен кўрқоқ, ҳаттоки аблаҳ одам эканлигимни намоёйиш қилдим сизга. Зеро, мен ўз хизмат жойимда эдим. Театрдаги ўрнимдан айрилсам, кимман мен? Нол. Шу театр билан боғлиқ менинг бутун ҳаётим. Ва лекин сиз! Сиз бари бир — Булгаковсиз. Юз карра, минг карра сўкилган, таҳқирланган бўлсангиз ҳам — Булгаков бўлиб қолаверасиз. Мана, ниҳоят мен кўзларингизга тик қараб айтаманки, сизни чин дилдан театримизга таклиф қилгани келганимдан беҳад бахтиёрман. Театримизга боринг, Михаил Афанасьевич, пьесангизни беринг, биз уни қўямиз!

Б у л г а к о в. Яхши. Таклифингиз чин дилдан экан, мен ҳам чин дилдан айтаман: пьеса йўқ менда.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Елена Сергеевна?

Е л е н а С е р г е е в н а. Пьеса йўқ унда. Авенир Платонович. Азбаройи худо. Йўқ.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳеч ишонгим келмаяпти.

Б у л г а к о в. Сиз нима деб ўйлагандингиз — одамни бошига урсалар ҳам, матбуотда уни нажасга кўмиб ташласалар ҳам, бутун ватандошлари кўзи олдида уни шармандаи шармисор қилсалар ҳам, бу ҳам етмагандай, рўпара келганларида унга илтифотсизлик кўрсатиб таҳқирласалар, турли йўллар билан унга хиёнат, мунофиқлик, кўрнамаклик қилишга уринсалар ҳам — у бундай муомаладан гулгул яшнаб, тобора кучига куч қўшилаётганини ва ўзида асар ёзиш иштиёқи жўш ураётганини ҳис қилсинми? Шунақами? А? Ваҳоланки, энг ҳузурли, энг мақбул шароитда ҳам асар ёзиш — бу жуда

оғир, тинкани қуритадиган машаққатли меҳнат. Қаёққа боришингни, қаерда нимани кўришингни, нимага қўл уришингни билмайсан, адашиб кириб қолганинг боши берк кўчадан қандай қутилиб чиқишни ўйлайсан, ана шунда жамики мусибатлардан қандай қилиб ваҳимага тушмасликка, ўзингга бўлган ишончингни йўқотмасликка ҳаракат қиласан. Бу сенинг тинч-осуда вазиятда, ёзув столи ортида ўтирганингдаги ҳолатинг. Ва лекин сени оёғингдан чалиб туришигanda, қўлингни синдирмоқчи, бошингни мажақламоқчи бўлишигanda... устингга ёғилаётган таҳқиру маломатлардан қулоғинг кар, аламу изтироблардан кўзинг кўр бўлганда — айни шу ҳолатда сен асар ёзишинг керакми? Ҳали тамомила янчиб ташланмаганингни, ҳали тирик эканлигингни, миянги оптимистик руҳ ва ижодий режалар билан тўла эканлигини бутун оламга исботлашинг керакми? Сизнингча, драматургга пьеса ёздириш учун, уни ана шунақа биқирлаб қайнаб турган сувга чўмиш лозим, шундайми? Мен оёғи осмондан келган кўнғиздек типирчилаб, сувга фарқ бўлиб ётганимда, булар, бор-йўғи, ўз хизмат бурчларини адо этиш билан машғул бўлганлар, холос! Энди бўлса, Люся, улар менинг аллақачон адои-тамом бўлганимга ишонмаяптилар. Ана шунақа ишонмайдиган бўлиб қолишган менинг дўстларим!

Пауза.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Кечиринг. Мен, дарҳақиқат, эсини еб қўйган қари эшак эканман. Яна бир марта кечирим сўрайман. */Эшик томон оёқ учида кета бошлайди./*

Б у л г а к о в. Тўхтанг. Тушунаман, сиз ҳам — жафо чекканлардансиз. Ўтиринг, Люся, балки чой қўярсан Авенир Платонович билан бизга?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ярим кечада-я? Ундан кўра вино ичинлар. Ҳар ҳолда, баҳона бор бунга.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Йўқ, раҳмат, мен борай. Мени қопга тикишадиган пайт келибди. Кейин ахлатхонага олиб бориб ташлашади.

Б у л г а к о в. Э, қўйсангиз-чи бўлмағур гапни. Қиттай-қиттай оламиз. Рост-да, ахир янгилик-ку бу.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Бу янгилик эмас. Бу тақдир.

Елена Сергеевна уларнинг олдига бир шиша вино, иккита қадаҳ ва печенье қўяди.

Б у л г а к о в. Сен-чи?

Е л е н а С е р г е е в н а. Мен кейин.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. */Елена Сергеевнага/*. Сиз учун ичаман, муҳтарама жафокашимиз. Бу одамни деб сиз не-не мусибатларга бардош бермадингиз.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бу гапингиз ўринсиз. Мен бахтиёр аёлман. Ҳар қандай вазиятда ҳам.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ростданми? Омади бор экан эрингизнинг. */Имо билан столда ётган қўлёмани кўрсатади./* О, ана, столда нимадир ётипти. Пьеса бўлса керак-а?

Б у л г а к о в. Янгилигингиз. Пьеса қачон бўлиши — ҳали номаълум.

А в е н и р П л а т о н о в и ч */хўрсиниб/*. Бир маслаҳат берайми? Қулоқ солмасангиз ҳам майли. Лекин... Сиз пьеса ёзиб кўринг у ҳақда.

Б у л г а к о в. Ким ҳақида? Ким у?

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ким бўларди? */Мўйлов силаётгандай ҳаракат қилади./* У жуда фалати муносабатда сиз билан. Бир куни

“Турбинлар”ни кўраётганида: “Булгаковни эҳтиёт қилинглар. Дарвоқе, аҳволи қалай унинг?” деб сўрагани. Бу ёқда Маяковскийнинг нобуд бўлганини айтмайсизми! Ким билсин, балки ўйлаб қолгандир... Шунинг учун ҳам кўнғироқ қилгандир сизга.

Булгаков. Эҳ, ҳали сиз ҳам бу воқеаларда уйғунлик бор, деб ҳисоблайсизми? Мен бўлсам мутлақо бошқа нарсани ўйловдим, лекин...

Авенир Платонович. Сиз ёзинг, хўпми?

Булгаков. Оқибати нима бўлади? У — менга, мен — унга, шундайми? Йўқ, бу инсофдан эмас, диёнатли кишилар, зиёлилар бундай қилмайдилар.

Авенир Платонович. Йўқ, гап ундамас. Шунчаки... У қизиқарли шахс. Биламан, сиз Мольер образини яратиш учун жуда кўп куч сарфлагингиз. Сизга нима туртки бўлганини ҳам биламан. Лекин бу одамнинг тарихи янада жўшқинроқ бўлса ажабмас. Ёзинг. Ахир ким ёзади сиз ёзмасангиз?

Булгаков. Ана холос. Ёзган асарларим учун чеккан азобларим каммиди? Ҳа, энди жўшқинроқ асар ёзишим етмай турувди. Бунақада, хаш-паш дегунча каллангдан жудо бўлганингни ҳам сезмай қоласан.

Авенир Платонович. Қўйинг бу гапни. Ахир у негадир сизнинг каллангизни ҳимоя қилипти-ку. “Турбинлар” ни бўлса, бир неча марта келиб кўрди! Буни қандай тушуниш керак? Назаримда, у ўзининг айрим хислатларини одамларда кўрса керак. Бир марта у бизда бўлганида театримизга асос солганларнинг портретларини кўздан кечираркан, Станиславский ҳақида: “Софдил одам”, деганди. Немирович тўғрисида бўлса; “Мана бу — муғомбир фирибгар”, деганди. Йўқ, албатта ёзиш керак унинг тўғрисида. Сиз, сиз ёзишингиз керак.

Булгаков. Ёзадиганлар топилади менсиз ҳам.

Авенир Платонович. Бошқаларники яхши чиқмайди. /Соатига қарайди./ Вой, бў-ў! Иззатим битибди-ку. Кечиринг, Елена Сергеевна, бемаҳалда уйингизга бостириб келганим учун. /Унинг қўлини ўпади. Урндан турган Булгаковга./ Мени кузатманг.

Булгаков. Биз тарбия кўрган одамлармиз. Ҳаммани ҳам қабул қилавермаймиз. Лекин қабул қилсак, кузатиб ҳам кўямиз.

Авенир Платонович. Маслаҳатимга бепарво бўлманг. Тунингиз хайрли бўлсин.

Эркаклар чиқишади. Кўча эшикнинг “қарс” этиб ёпилгани эшитилади. Булгаков қайтиб киради.

Булгаков. Ўзи ёмон одаммас. Яхши одам деса ҳам бўлади. Лекин не кўйларга солади-я кишини кўрқув...

Елена Сергеевна. Берган маслаҳатига нима дейсан?

Булгаков. Биласанми, рус-япон уруши пайтида бир генералга солдатларни чириган чармдан тикилган этиклар билан таъминлаши учун катта миқдорда пора бермоқчи бўлишибди. Барибир, солдатлар этикни йиртилгунча кийишга улгуришмайди, деб... Лекин генерал шундай жавоб қилибди: “Нариги дунёга ҳеч нима олиб кетолмайман, бу дунёда мендан фақат булганган таъзиянома қолади”. Мен ҳам ўз таъзияномам ташвишини қилишим керак.

Елена Сергеевна. Гап ундамас. Авенир ҳақ. Қизиқарли мавзу.

Булгаков. Фақат ҳақиқат қизиқарли.

Елена Сергеевна. Лекин, барибир, сен ёлғонни ёзолмайсан.

Булгаков. Ҳақиқатни эса аниқлаб бўлмайди.

Е л е н а С е р г е е в н а. Ахир истеъдод нимага берилган? Аниқлашинг керак.

Б у л г а к о в. Аниқлаш... Бу ўринда мен ўзимни дорбоз арқони устида юргандек ҳис қиламан. Сал четга қадам қўйсам — ўламан.

Е л е н а С е р г е е в н а. Сен, шундоқ ҳам, умрбод дорбозлик қилиб келяпсан.

Б у л г а к о в. Шундай арқонлар борки, сал четга чиқсанг, шу заҳоти у бўйнингга сиртмоқ бўлиб боғланади. Сезиб турибман, бу ўшанақа арқон.

Е л е н а С е р г е е в н а. Унда, кераги йўқ, ёзма. /*Столдаги шиша, қадаҳлар ва печеньени олиб ошхонага чиқиб кетади, кейин қайтиб киради.*/

Б у л г а к о в. Лекин қизиқарли фикр. Бу шундай гулдастаки... агар зарурий нуқтасини топсанг...

Е л е н а С е р г е е в н а. Йўқ. Мен ҳам ўйлаб кўрдим. Ёзма.

Б у л г а к о в. Оббо Авенир-е!

Е л е н а С е р г е е в н а. Сен дам олишинг керак. Яхшиси, ҳеч қандай ташвиш келтирмайдиган бирон нима ёзиб бер уларга. Эсингдами, “Ўлик жонлар”ни инсценировка қилиш ҳақида гап бўлганди. Шуни қилиб бер. Бир-икки йил тинчгина яшаймиз. Кейин бир гап бўлар.

Б у л г а к о в. Кейин — чумчуқдан кўрққан...

Е л е н а С е р г е е в н а. /*азза-базза*/. Йўқ, йўқ, Миша! Ҳатто ўйлама ҳам.

Б у л г а к о в. /*бошини бир силкиб қўйиб*/. ...тариқ экмас...

ИККИНЧИ ПАРДА. 1938—1940 ЙИЛЛАР.

Тўртинчи кўриниш

Сталиннинг кабинети. 1938 йил, май.

Сталин бир китобни варақлаб ўтирибди. У варақ четларига белгилар қўяди. Поскрёбишев киради.

П о с к р ё б и ш е в. Ўртоқ Сталин, католикос¹ни олиб келишди. С т а л и н. Нега бунча кечикишибди?

П о с к р ё б и ш е в. Бу ёққа келишдан олдин у икки марта кийимини алмаштирибди. Олдин бирёқлама тугмали очранг костюм кийиб чиқибди. Сўнг қайтиб кириб, черков либосида чиқибди. Бу ҳам ўзига ёқмабди шекилли, яна кириб кетиб, икки ёқлама тугмали қора костюм кийиб чиқибди. Антиқа костюм, чет эл маҳсулоти.

С т а л и н. Сен қаёқдан биласан?

П о с к р ё б и ш е в. Бизда бунақа тикишмайди. Биздаги костюмларнинг энглари — мана бунақа. /*Бармоқларнинг учини кўрсатади.*/ Уларда бўлса — қадама енг бир сантиметр чиқиб туради. У костюмлар шалвираб осилиб турмайди худди қозикқа илингандай. Нима дейсиз, католикосни олиб кирайми? Қизил нуқта турибди.

С т а л и н. Сен, Поскрёбишев, шевашунос олим бўлишинг керак. Қизил нуқтани қачон қўйгандим? У келмасидан олдин. У бизни куттириб қўйди, кийим алмаштириш билан овора бўлиб, тўғримми? Демак, энди биз ҳам уни сал-пал тузлаймиз. Ҳозир ўқишим зарур бўлган нарсалар бор. /*Китобга ишора қилади.*/

П о с к р ё б и ш е в. Халқ оғзида ҳозир, Сталин ҳар куни беш юз

¹К а т о л и к о с — арман ва грузин черковида бош руҳоний.

саҳифа текст ўқирмиш, деган гап тарқалган. Бадиий адабиётдан, албатта. Хизмат қоғозлари бундан мустасно.

С т а л и н. Ана кўрдингми? Халқ оғзида шундай гап юрган экан, уни оқлаш керак.

Мен — халқ хизматкориман ахир.

П о с к р ё б и ш е в. Дам олсангиз бўларди, ўртоқ Сталин, қачон қарамай, ишлаганингиз-ишлаган.

С т а л и н. Сен билан биз, Поскрёбишев, нариги дунёда дам оламиз. Агар ўша дунё бўлса. Буни биз ҳали католикосдан сўраб биллиб оламиз. Сен менга, яхшиси, ўзинг ҳақингда гапир. Кейинги пайтларда негадир гамгин кўринасан. Кўзимга қарамайсан.

П о с к р ё б и ш е в /*Сталиннинг олдига папка қўяди*/. Буни... Ўзингиз биласиз... Мана, расмийлаштириш керак. Биринчи тоифа бўйича.

С т а л и н /*рўйхатларни кўздан кечиради*/. Шошма. Бу — сенинг хотининг шекилли?

П о с к р ё б и ш е в /*маънос*/. Ҳа.

С т а л и н. Нима жин уриб... гафлатда қолдинг?

П о с к р ё б и ш е в. Айб менда, ўртоқ Сталин.

С т а л и н. Биладан, айбдорсан. Бошқа хотин қуриб қолганмиди, а? Нима, синглиси Троцкийнинг ўғлига текканлигини билмасмидинг?

П о с к р ё б и ш е в. Кечиринг, ўртоқ Сталин.

С т а л и н. “Кечиринг, кечиринг!” Эҳ, Поскрёбишев, Поскрёбишев. Энди нима қилсам экан сени? /*Пауза*/. Нега хўрсиняпсан?

П о с к р ё б и ш е в. Жуда қаттиқ изтиробдаман... хушёрлик қилмаганимдан.

С т а л и н. Бўлди, бўлди. Бор. Беш дақиқадан кейин католикосни киритиб юбор. Ўшанда мени ҳеч ким билан улама.

Поскрёбишев чиқади. Сталин туриб, таширф қилувчи одам учун стулни олдин бир ерга, кейин бошқа ерга қўяди. Ўзи диванга ўтиради, ўрнидан туради. Сухбат қилиш учун қулай мизансцена танлаётгани сезилиб туради. Католикос киради. Бу тахминан Сталин ёшидаги одам. У соқол қўйган, сочлари узун. Эшик олдида бир зум тўхтаб қолади.

— Кир, киравер. Салом, Гиви.

К а т о л и к о с /*киради*/. Яхшимисиз... Иосиф Виссарионович.

Сталин унга пешвоз боради. Кўришади.

С т а л и н. Биринчидан, мени отамнинг исми билан қўшиб чақиришларини ёқтирмайман. Оддийгина — ўртоқ Сталин, вассалом. Тушунаман, сен грузин черковининг олий ҳазрати католикоссан, мен бўлсам оддий бир даҳрийман. Хуллас, ғоз чўчқага ўртоқмас. Топдимми?

Католикос қимтинади.

— Ким ғозу, ким чўчқа — билмайсан-а? Майли, айтақолай: сен — ғозсан. Иккинчидан, биз бир-биримизни жуда кўпдан бери, диний семинарияда ўқиб юрган пайтимиздан биладимиз. Битта скамейкада ёнма-ён ўтирардик. Бас, шундай экан, нега мен сени “сен”лайману, сен мени “сиз”лайсан? Бу демократияга зид. Ўтирайлик, нега турибмиз? /*Католикосни етаклаб бориб диванга ўтқзади, ўзи стулга*

ўтиради. / Мен, одатда, фақат душманларим вакиллари “сиз”лайман. Лекин сен билан, гарчи черковлар бизда давлатдан ажратилган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, дўстона вазиятда суҳбатлашармиз, деган умиддаман!

К а т о л и к о с. Энг яқин ва энг қадрдон дўстлардек. Зеро, сиз камоли эҳтиромга лойиқ зотсиз.

С т а л и н. Камоли эҳтиромга лойиқ зот. Жуда ошириб юбординг. Бу гапингдан шахсга сифинишнинг иси келяпти. Тўғри, сен худога сифинувчи руҳонийсан, лекин сифиниш, сажда қилиш биз, ҳақиқий коммунистлар учун мутлақо ёт унсур — қандай шаклда бўлмасин. Аммо мен хурсандман — ҳануз менинг дўстим бўлиб қолганингдан. Демак, яна кўнглингни топдим. Кўрдингми, ҳозир мен шунақа топқир бўлиб қолганман. Бу борада баъзи бир муваффақиятларга эришдим ҳам. Тўғри, сен ҳам ўз соҳанг бўйича айрим ютуқларни қўлга киритгансан. Шунга кўра, бу учрашувимизни нишонласак гуноҳ бўлмайди. Қаршимасмисан?

К а т о л и к о с. Бағоят хурсандман... дийдор кўришганимиздан.

С т а л и н. Жуда яхши-да. /*Кўнғироқ тугмасини босади.*/

Поскрёбишев киради.

Қани, ҳаракатингни қил. Олий мақомда бўлсин. Энг улуг меҳмонни қабул қиляпмиз.

Поскрёбишев чиқади.

Энди гапир, Гиви, ишлар қалай кетяпти бизнинг диний фронтимизда? Ҳеч нимани яширма, худди бир пайтлардагидек. Эсингдами, девор ошиб қизларнинг бўлмасига кирганимиз? /*Хохолаб кулиб, католикоснинг биқинига туртади. У қимтинибгина жилмайиб қўяди.*/ Сочи жингалак қиз эсингдами? Сен уни мендан илиб кетгандинг.

К а т о л и к о с. Чунки сен уни ёқтирмагандинг, фақат шундан кейин мен унинг бошини айлантирган эдим.

С т а л и н. Йў-йў-йў. Сен мени аҳмоқ деб ўйлама.

Поскрёбишев гилдиракли столчани итариб кириб келади; столчада вино, ҳўл мевалар ва газаклар бор. Чиқади.

Қани, ол. Кўрқма. Сени заҳарлагани чақирганим йўқ. Мен гина сақламайман.

Икковлари тамадди қиладилар.

Билишимча, сен ҳозир қандайдир диний конгрессдан келдинг. Конгрессми, съездми, анжуманми, нима деб аташларинг эсимда йўқ. Қисқаси, фақат черковгагина дахлдор ишлар мени қизиқтирмайди. Лекин сенга берадиган баъзи бир саволларим бор. Мана яқинда, март ойида Гитлер Австрияни босиб олди. Айт-чи, сизларнинг раҳбарларингиз, энг олий черков намоёндалари бу аншлюс¹ни қандай қабул қилишди? Умуман, сизлар, яъни диндорлар фашизм тўғрисида, хусусан, Гитлер ҳақида қандай фикрдасизлар?

¹А н ш л ю с — Австриянинг Германия томонидан истило қилиниши.

К а т о л и к о с. Тамомила манфий бизнинг фикримиз. Ўзинг ҳам билсанг керак, дин арбоблари, умуман, ҳар қандай ирқчилик сиёсатига қаршилар. Шунинг учун ҳам Гитлер уларни таъқиб қилмоқда.

С т а л и н. Ҳа. Нафақат уларни. Сен нима дейсан, у Австрия билан чекланиб тўхтармикин?

К а т о л и к о с. Йўқ, албатта. У ўзининг “Майн кампф” китобида ҳаммасини ёзган. Унда Европани ҳам, Россияни ҳам забт этмоқчи бўлгани ёзилган.

С т а л и н. Нималарни ёзмайди одамлар. Очиги, мен ҳам шу фикрдаман: у тўхтамайди. Агар тўхтатмасалар. Хўш, олий мақомдаги раҳбарларингнинг Совет Иттифоқига муносабати қандай?

К а т о л и к о с. Ҳар хил.

С т а л и н. Диндорларингни сиқиштираётганимиз ҳақида гап-сўзлар йўқми?

К а т о л и к о с. Бор.

С т а л и н. Сен бундай миш-мишларни инкор этишга уринаётгандирсан, албатта?

К а т о л и к о с. Бундай қилишим учун асосли далиллар бўлишини истардим.

С т а л и н. Биз нима қилишимиз керак бунинг учун? Аниқ гапир.

К а т о л и к о с. Масалан, янги ибодатхоналар қуриш керак. Тортиб олинган ё ташландиқ ҳолга келтирилган черковларни қайтариб бериш ва қайта тиклаш лозим.

С т а л и н. Янги ибодатхоналар қурмаймиз. Бунга имконият йўқ. Халқ ҳам бу ишимизни нотўғри тушуниши мумкин. Тортиб олинган черковлар масаласига келсак — кел, қўй, ким кимдан қўпроқ нарса тортиб олгани ҳақида гапириб ўтирмайлик. Бунақа тафовут бизни чалғитиб юбориши, иштахамизни бўғиб, қимматли зиёфатимизга путур етказиши мумкин. Лекин ташландиқ бўлиб қолган черковларни қайта тиклаш масаласига келсак — турган гапки, фақат диндорлар ҳисобиға, албатта, — буни амалга оширса бўлади. Олдиндан қатъий бир қарорга келолмайману, лекин ўртоқлар билан маслаҳатлашиб кўраман, аминманки, бу масалада албатта ёрдам қиламиз. Илтимосингни қўллаб-қувватлашга сўз бераман. /Гапирмоқчи бўлган католикоснинг сўзини қўл силтаб бўлади./ Раҳматнинг кераги йўқ. Хўш, қани айт-чи, оғай роҳибларинг шахсан менга қандай муносабатдалар?

К а т о л и к о с. Ҳурмат қилишади, албатта.

С т а л и н. Шуми фақат?

К а т о л и к о с. Нима, бу камми?

С т а л и н. Ҳурмат — бу бир уюм қум. У пойдевор бўлолмайди иморат учун. Бугун мени ҳурмат қилишса, эртага Чемберлен¹ни, индинга Даладьё²ни ҳурмат қила бошлайдилар. Ҳурмат қилмасинлар, кўрқсинлар. Бу дунёда энг мустаҳкам нарса — кўрқув. Эслаб кўр, нима учун мени семинариядан ҳайдашган эди? Нима, революцион фаолият олиб борганим учун, деб ўйлайсанми? Бўлмаган гап. Агар шундай бўлганда, биронта баҳона топиб, аниқроғи, истиффор келтириб ўзимни оқлаб олардим. Уша ҳазратлар сезишганди менинг улардан кўрқмаслигимни. Ҳаммаларинг кўрқардинлар, сен ҳам шу жумладан, аммо мен кўрқмаганман. Демак, тиррақи бузоқни қувиш керак! Бузоқми тиррақи, ё подами — аниқлаш шарт эмас. Сен фақат хафа бўлма, гап келганда айтдим-қўйдим. Мен улар суянган дастур

¹Чемберлен Невил /1869—1940/. 1937-1940 йилларда Буюк Британия премьер министри.
²Даладьё Эдуард /1884-1970/. 1933-34 ва 1938-40 йилларда Франция премьер министри.

ҳақида гапирмоқчиман, холос. Уларнинг назарияси бўйича: одам кўрқмайдими, демак, у хавфли. Хавфли одамни ё бўйсундирадилар, ё йўқотиб қутуладилар. Ҳар қандай йўл билан. Одамзоднинг мижози шундайки, у кимдан кўрқса ўша одамга итоат этади. Ана унда ҳурмат ҳам ишга яраб қолади... худди бетонга қорилган кумдай. Бинобарин, сенга очигини айтаман: одамларнинг кўрқувга асосланмаган ҳурмати мен учун бир пул. Одамларни кўрқадиган қилиш учун нима қилиш керак — мана шу энг муҳим масала.

К а т о л и к о с. Черков бунинг аксини ўргатади ўз қавмларига. Худонинг бандалари бир-бирларини ҳурмат қилиши, бир-бирларига ишониши, бир-бирлари...

С т а л и н /унинг сўзини бўлиб/. Черков ўргатган ўғитларни ўзим ҳам семинарияда эшитганман. Айтадиган гапинг бошқаю, қиладиган ишинг бошқа — бунақа корчалонлар тўлиб ётипти. Лекин шу тарзда иш олиб бориб қандай муваффақият қозонса бўлади? Билмайсанми? Шундай олий мартабада бўлиб ҳам билмайсанми?

К а т о л и к о с. Мен бутун умрим давомида, қавмларимга берган ўғитларим билан қилган амалларимни бир-бирига мос келтиришга ҳаракат қилганман.

С т а л и н. Бу тўғримас. Менга бошқача гапира олмасдинг ҳам. Рутбанг мажбур қилади шундай гапиришга. Қани, олдик. Сенинг соғлифингга.

Икковлари ичишади. Газак қилишади.

К а т о л и к о с. Бўлмаса нима қилиш керак муваффақият қозониш учун?

С т а л и н /мийгида кулади/. О, ана, ниҳоят қизиқиб қолдинг! Майли. Айтаман сенга. Эски кадрдонлигимиз ҳурмати. Мутлақо кутилмаган ҳаракат қилиш керак. Айтган гапингга қилган ишинг мос тушмаса, дарров сиринг очилиб қолади. Аммо ҳамсуҳбатингнинг нияти нима эканлигини олдиндан билолмасанг — бу бошқа гап. Сен, у мени зиёфат қиляпти, деб ўйлайсан, аслида эса, нима?

К а т о л и к о с. Заҳарлаяптими?

С т а л и н. Йўқ. Бу айни кутиладиган ҳаракат. Аслида, фараз қилайлик, у сени ўзига ёллаяпти. Хўш, қалай?

К а т о л и к о с. Лекин ҳаммани ҳам ёллаб бўлмайди-ку.

С т а л и н. Бўлади, Гиви. Ўлимдан кўрққанларнинг ҳаммасини ёллаш мумкин. Лекин сен мени Сосо деб чақиравер, семинариядаги пайтимиздек.

К а т о л и к о с. Агар банда нариги дунё борлигига ишонса-чи, Сосо?

С т а л и н. Нима кераги бор шу гапларни, Гиви? Биз бу ерда ёлғизмиз. Нима, сен ишонасанми нариги дунё борлигига?

К а т о л и к о с. Ишонаман.

С т а л и н. Лекин ўлимдан кўрқасан-а?

К а т о л и к о с. Кўрқаман.

С т а л и н. Мана, келишиб ҳам олдик. Сен ўша нариги дунёингга ишонавер. Ҳар ҳолда, рутбанг шуни талаб қилади. Лекин ўлимдан кўрқ. Ана шунда биз тил топишиб оламиз.

К а т о л и к о с. Бу билан нима демоқчисан?

С т а л и н. Ҳозир тушунтириб бераман. Мен, умуман, мавҳумликни ҳеч ёқтирмайман, шунинг учун ҳамма гапни очиқ айтаман. Ҳаммасини. Фақат мени тушунишни хоҳласалар бўлгани. Мен, би-

ласан, жуда сабр-тоқатли одамман. Қани, овқатга қара. Ҳаммаси ўзимизники — грузин таомлари.

К а т о л и к о с. Раҳмат, Сосо. Сенинг соғлигинга.

С т а л и н. Бизнинг соғлигимизга.

Иккови ичади.

Гиви, менинг қандай ўқиганим эсингдами?

К а т о л и к о с. Ёмон ўқиганинг шекилли — гоё нуқтаи назаридан.

С т а л и н. Билмадинг. Аксинча. Жуда яхши ўқиганман. Эсингда бўлса, мен “Юлий Цезар салтанатининг емирилиши сабаблари” деган иш ёзган эдим. Уни ҳатто, энг яхши иш, деб баҳолаган эдилар. Хўш, Цезарнинг хатоси нимада эди? У ўз ҳамтовоқлари Брут ва бошқаларга ишонганди. Ваҳоланки, у ўзига қарам бўлган, ўз измида бўлган одамларга суянмоғи керак эди. Эсинга тушдими?

К а т о л и к о с. Ҳа, ҳа, ҳа... Неча ёшда эдинг ўшанда?

С т а л и н. Ўн бешда.

К а т о л и к о с. Ақл бовар қилмайди.

С т а л и н. Шунақа. Мен ўша пайтдаёқ тушунгандим буни. Ҳозир мамлакатда жуда мураккаб воқеалар юз берапти. Суд процеслари, масалан. Лекин баъзи бировлар буни тўғри тушунишмаяпти. Шу жумладан, Грузияда ҳам бор тушунмаганлар. Ҳозир сен у ерда улуг одамсан. Художўйлар — бу катта куч. Бу куч сенинг қўлингда. Истагим: одамларга тушунтирсанг менинг ҳақ эканлигимни.

К а т о л и к о с. Грузиядами?

С т а л и н. Нафақат у ерда.

К а т о л и к о с. Яна қаерда? Нариги дунёдами?

С т а л и н. Бунга ҳали эрта. Яна чет элларда. Ўзинг биласан, менинг ҳақ эканлигим сенинг оғзингдан ишонарли бўлиб эшитилди. /Пауза./ Нега ўйланиб қолдинг?

К а т о л и к о с. Ўзи сен ҳақмисан, Сосо?

С т а л и н /паузадан кейин/. Менга қара, Гиви, кўй, мушуксичқон ўйинини қилмайлик. Нима, мен сендан, католикос бўлишинг учун қандай ишларга қўл урганингни сўраяпманми? Ахир сен бу мартабани икона қаршисида тиз чўкиб, худодан илтижо қилиб олмагансан-ку. Қон тўкилган бўлса ажаб эмас. /Католикоснинг қаршилик кўрсатмоқчи бўлганини кўриб./ Йўқ, қон чиқариш шарт бўлмаган. Масалан, мажозан айтадиган бўлсак, бўғиб ўлдириш ҳам мумкин. Ҳеч ким кўрмаган пайтда.

К а т о л и к о с. Худо ҳаммасини кўради.

С т а л и н. Қўйсанг-чи, нима қиламиз баҳслашиб? Худо ҳаммасини кўради? Мана, костюм кийибсан. /Бармоғини юқорига ниқтаб./ Ундан кўрқмаганинг бу. Лекин мендан кўрққансан!

К а т о л и к о с. Ҳа. Зеро, худо мени тушунади, лекин сен — тушунмайсан. Ва, энг муҳими, мен сени тушунмаяпман.

С т а л и н. Мени тушунишинг шарт эмас. Менга ишонишинг керак.

К а т о л и к о с. Лекин сен худо эмассан-ку, Сосо.

С т а л и н. Бундан чиқди, мен ҳамма учун муаллим ва доҳий, энг буюк дарға, бутун дунёдаги миллионлаб меҳнаткашларнинг суюкли отаси ва ҳоказою сен учун жайдари бир осий банда, шундайми?

К а т о л и к о с. Мен ундай демадим.

С т а л и н. Демасанг ҳам, ўйладинг. Хўш, нима жавоб қиласан менинг аниқ таклифимга?

К а т о л и к о с. Мен сени дуо қилишга сўз бераман, Сосо.

С т а л и н. Бу жавоб эмас. Менга сенинг нафақат дуоларинг керак.

К а т о л и к о с. Мен сенинг ҳаққингга ибодат қиламан, Сосо.

С т а л и н /паузадан кейин/. Бўпти. Бориб ибодатингни қилавер. Сени ортиқ олиб ўтирмайман. Соғ бўл, Гиви.

К а т о л и к о с /заиф овозда/. Соғ бўл, Сосо.

С т а л и н. Энди “ўртоқ Сталин” дейишинг мумкин. /Кўнғироқ қилади/.

Поскрёбишев киради.

Ўртоқ католикосни кузатиб кўй.

Поскрёбишев ва католикос чиқадилар.

Сталин китоб шкафи олдига бориб бир китобни олади.

/Ёлғиз/. Хўш, сиз нима дейсиз бунга, ўртоқ Макиавелли?¹ /Китобнинг мундарижасига кўз тикади./

Саҳна ортида шовқин кўтарилади. Поскрёбишев тез кириб келади.

Нима гап?

П о с к р ё б и ш е в. Католикос зинадан тушаётганида тоби қочиб, йиқилиб тушди. Навбатчи врач, инфаркт бўлса керак, деяпти. Уни касалхонага жўнатмоқчи бўляпмиз.

С т а л и н. Тўғри қиласизлар. Фақат жуда авайлаб, эҳтиёт қилиб кўтаринглар! Қара, шундай тетик, бақувват одам-а... Ким ўйлабди, дейсан?... Яна нима?

П о с к р ё б и ш е в. Папкани олсам девдим. Имзо чеккан бўлсангиз.

С т а л и н. Бюрократ бўлиб қолдингми, а? Майли. Эртагача тура турсин. Боравер. Менга Ежовни ула.

Поскрёбишев чиқади. “Шиқ” этган товуш эшитилади.

/Гўшакни кўтаради./ Қулоқ сол, Ежов, бу ерда католикоснинг мазаси қочиб қолди... Вино ичиб суҳбатлашиб ўтирдик, ўтмишни эсладик, кейин негадир, ташқарида, зинадан тушаётганида... айтишларича, инфаркт бўлганмиш. Ҳозир касалхонага олиб кетишади. Бизда медицина кучли. Лекин, айтганларидек, ҳаммамиз ҳам фоний бандалармиз. Хуллас, сен ҳеч нимани кўздан қочирма, имкон бори-ча уриниб кўришсин. Бордию, худо кўрсатмасин, бирон кор-ҳол бўлса, Грузияда барча чораларни кўришсин. Гапимни тушундингми, Ежов? Ҳаракатингни қил. /Гўшакни қўяди./

¹Макиавелли Никколо /1469-1527 / – Италия сиёсий мутафаккири. Унинг фикрича, Италиянинг қашшоқ давлат бўлишига асосий сабаб, унинг сиёсий жиҳатдан майдаланиб тарқоқ ҳолга келганидир. Бундай тарқоқликни фақат энг қудратли давлатгина баргараф қилиши мумкин ва бундай давлатни бошқариш жараёнида ҳар қандай воситани қўллашдан ҳам қайтмаслик керак, деб таълим беради бу олим.

Бешинчи кўриниш

Булгаковлар хонаси. 1938 йил, 30 сентябр.

Булгаков оёқларига плед ёпиб креслода ўтирибди. Унинг кўзлари юмуқ. Елена Сергеевна дам бошқа хонага чиқиб кетади, дам бирон нимани олгани қайтиб киради; кирганида эрига қараб-қараб қўяди.

Сўнг унинг олдига аста юриб келади.

Елена Сергеевна. Миша, ухляяпсанми?

Булгаков. Йўқ.

Елена Сергеевна. Нега кўзинг юмуқ?

Булгаков. Ҳеч нарса кўргим келмаяпти.

Елена Сергеевна. Ҳатто мениямми?

Булгаков. Сениям.

Елена Сергеевна. Ўзингни-чи?

Булгаков. Айниқса, ўзимга қарашдан жирканаман.

Елена Сергеевна. Кўзингни оч.

Булгаков. Нима қиламан очиб?

Елена Сергеевна. Миша, бу яхшимас. Кўзингни юмиб, хаёлинг қочиб паришон ҳолда ўтиришинг менга ёқмаяпти. Яхшиси, ўрнингдан тур, кўчага чиқиб айланиб кел.

Булгаков. Газета ўқий-а? Ўқидим. Кеча Мюнхен битимини имзолашибди. Биласанми, бу нима дегани? Бу Англия билан Франциянинг Гитлер ва Муссолини қаршисида тиз чўккани. Бу — хоҳлаган мамлакатларини босиб олаверсинлар, фақат бизга тегмасалар бўлгани, дегани.

Елена Сергеевна. Сенга нима? Улар бизнинг мамлакатга бостириб киришга журъат этолмайдилар. Бизни ҳеч ким тиз чўктиролмайди.

Булгаков. Сен яна Лебедев-Кумачнинг кўшигини ҳам эсимга сол: “Ёшлар учун бизда йўл очиқ, қариялар бизда иззатда”, деб. Ҳамма бало шундаки, мен ўша кўшиқдаги одамлар гуруҳи ёшида эмасман, на ёшман, на қария. Аксни қараки — қирқ саккиздаман. Шўрим қурсин!

Елена Сергеевна. Демак, менга қарашдан йирганасан, шундайми?

Булгаков. Баҳс ахтарма. Мен ўзимни айтдим.

Елена Сергеевна. Унда, нима қилишимни ўзим биламан.

Булгаков. Хўш, нима қилмоқчисан?

Елена Сергеевна. Сенга хиёнат қиламан.

Булгаков. Ким билан?

Елена Сергеевна. Ўша кўшиқдаги одамлар тоифасининг ё ёши, ё қариси билан... Ахир нима бўлди ўзи сенга, очиқроқ гапирсанг-чи!

Булгаков. Сен, яхшиси, нима бўлади, деб сўра. Тушун ахир, драматургнинг пьесалари қўйилиб туриши керак. Айблашса ҳам, таҳқирлашса ҳам... Фирт гўдак эканман! Мени қанча киши қоралаганини санаб, хафа бўлиб ўтирибман-а! Ахир индамаганлари бешбаттарку! Ўзингни бу дунёда йўқдай ҳисоблайсан.

Елена Сергеевна. Ҳа, бўпти, унда мен сени айблайман.

Булгаков. Йўқ. Матбуотда, Люсенка, матбуотда айблаш керак! Тиним билмай. Шу менинг орзуим. Лекин мана, йил кетидан йил ўтиб боряптию, мен нимага эришдим? Бадиий театрда фақат биттагина “Ўлик жонлар” инсценировкаси қўйилди. Уни ҳам абжағини

чиқариб қўйишди. Қўйишдан олдин икки йилгача роса титигини чиқариб расво қилишди. Олёша айтгандай, нақ кўзларини ўйиб олишди. “Мольер”ни бир неча йил репетиция қилиб, ниҳоят, саҳналаштиришди — шу аҳволнинг ўзи мени жинни қилаёзди. У фақат етти марта қўйилди — кейин тақиқлашди. Сатира театрида “Иван Васильевич”ни қўйишди. Уни ҳам дарров саҳнадан олиб ташлашди. Пушкин ҳақидаги пьесамни бўлса, икки йилдан бери футбол тўпидай тепиб, у театрдан бу театрға ошириб ётишибди. У қачон, қайси театрда қўйилади - маълум эмас. Пьеса чанг босиб ётибди. Мен қарияпман. Жин урсин ҳаммаларини. Ҳеч бўлмаса китоб бўлиб чиқа қолсин, деб Мольер ҳақидаги қиссамни нащ эттиришга уриниб кўрдим. Қабул қилишмади. Айт, нима иш қолди менга? Большой театрда либреттоларни таҳрир қилайми? Масалан, “Иван Сусанин”ни, а? Ё “Минин ва Пожарский”нинг янги либреттосини ёзайми? Бунақада мен Брокгауз ва Ефронга¹ айланиб қоламан-ку. Бундан кўра ўлганим яхшимасми? Бизда, одатда, марҳумларни иззат-ҳурмат қиладилар. Ўлган заҳотинг, ҳамма гуноҳларингни кечириб, эҳтиром кўрсата бошлайдилар.

Е л е н а С е р г е е в н а. Нима дейсан, вахтанговчиларга қўнгироқ қилайми? Газетаданман, деб ёлғон гапираман. /*Овозини ўзгартириб*/. Биз Булгаков тўғрисида маълумот бермоқчимиз. У билан қандай иш олиб боряпсизлар?

Б у л г а к о в. Ҳеч қандай. Уларга “Дон Кихот” инсценировкасини ўқиб бердим. Қарсак чалишди. Энди уларга “Нана”² керакмиш. Сезяпсанми ниятларини? Ҳаммаси ёлғон. Уларга буржуа жамиятини қораловчи асар керакмиш. Умуман олганда, энг мараз инсоний хусусият нима, биласанми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ёлғончиликми?

Б у л г а к о в. Йўқ. Кўрқоқлик. Барча иллату бало-офатлар шундан бошланади: ёлғончилик ҳам, разиллик ҳам, ҳасадгўйлик ҳам — ҳамма-ҳаммаси... Назаримда, улар менинг таклифларимдан хавфсирашяпти. Мен тавсия қиладиган ҳар қандай асардан улар чўчиб қолишган — тагин бир балоси йўқмикин, деб.

Е л е н а С е р г е е в н а. Сен нима деб ўйловдинг, Миша? Ҳамма ҳам фақат бир марта яшайди. Кўрмаяпсанми атрофда нималар бўлаётганини? Хотин эридан, ўғил отасидан юз ўгирияпти. Ҳеч ким хоҳламайди кундага бош қўйишни. Айниқса, бировларнинг айби учун.

Б у л г а к о в. Нима дахли бор бунга кунданнинг? Нима, мен одамларни кундага бош қўйишга даъват этипманми? Йўқ, журъат керак! Янги яратилган чинакам санъат асари журъат ҳосиласидир. Ҳар қандай янгилик ҳам журъат туфайли дунёга келади.

Е л е н а С е р г е е в н а. Лекин булар сенинг асарларинг-ку. Сенинг журъатинг. Уларнинг эса, каллалари бошқа. Атрофимизда не-не каллалар чопилиб кетаётган ҳозирги пайтда...

Б у л г а к о в. Ана, кўрдинг! Улар ҳам шундай ўйлашади. Лекин бу тўғрима. Баски, бу театр экан, драматургнинг тақдири театр тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Театр саҳнасида маза-матрасиз пьеса ўйналаркан — бу актёрлар ҳаётининг бесамар ўтгани! Бу — уларнинг ҳали юзага келмай туриб маҳв бўлган таржимаи ҳоллари. Бу — улар ишлайдиган театрнинг ўз обрўсидан мосуво бўлиши! Мана, вахтанговчилар ҳам шу аҳволга тушишган. “Фалаба йўли”ни қўйишмоқчи. Албатта, расво бўлади бу спектакл.

¹ Брокгауз ва Ефрон — жуда кўп жилдли қомусий лугат яратган немис қомусчилари.

² «Нана» — франсуз ёзувчиси Э. Золянинг романи.

Елена Сергеевна. Сенинг МХАТинг ҳам қолишмайди улардан.

Булгаков. Шунинг учун айтяпман-да: ҳамонки қаршимда девор турган экан, нима қиламан кўзимни очиб?

Елена Сергеевна. Эсингдами, ҳамма нарса ўзгарган эди Сталиннинг хатидан кейин?

Булгаков. Фақат қисқа вақтга. Лекин ўшандан бери орадан саккиз йил ўтди. Аниқроғи, Сталиннинг хатидан кейинмас, қўнғироғидан кейин содир бўлганди ўша ўзгариш. Нима, мен яна янги хат ёзишим керакми? Ёзардим ҳам, лекин жавоб олишимга кўзим етмайди. Ҳозир замон бошқача. Ҳа, бутунлай бошқача. Э, худо! Сenga нима гуноҳ қилган эдимки, бошимга устма-уст оғир савдолар ёғдириб ётибсан?!

Елена Сергеевна. Лекин ўзинг-чи... Ана, ўша Мольерингни ол!... Унинг бошига тушган мусибатлар озмиди?

Булгаков. Мольер — бахтли одам! Тўғри, у жуда кўп мусибатларни бошидан кечирди, лекин кўзлаган энг муҳим ишини амалга оширди — ўзи ёзган асарларининг ҳаммасини саҳнада кўрди! Бунга эришмоқ учун, муғомбирлик ҳам, устомонлик ҳам, ҳатто думини ликилла-тиб ҳушомадгўйлик ҳам қилди. Лекин ниятига эришди! Мен бўлсам...

Елена Сергеевна. Сен ҳам муғомбирлик, устомонлик ва бошқа найрангларни қилиб кўр! Қолаверса, эсингдами, Авенир берган маслаҳат?

Булгаков. Ҳа, бу масалада баъзи нарсаларни чамалаб ҳам кўрганман. Пьесага “Ҳазрат” деб ном қўймоқчи ҳам бўлдим. Бу унинг партиявий лақабларидан бири, шуниси ҳам борки, у ўз фаолиятини диний семинариядан бошлаган.

Елена Сергеевна. Бу қизиқ.

Булгаков. Лекин сен мени бу ҳақда ёзишдан айнитган эдинг, эсингдами?

Елена Сергеевна. Вой, худойим-е! Ўзинг айтяпсан-ку, ҳозир замон бошқа, деб. Ким билсин, агар ёзсанг, балки бошқа ишларинг ҳам юришиб кетармиди...

Булгаков. Ё бутунлай жон берармиди. Ўзим билан бирга.

Елена Сергеевна. Бошқаларни журъатли, таваккалчи бўлишга даъват этияпсан-у, аммо ўзинг...

Булгаков. Мен тайёрман таваккал қилишга. Майли, ҳатто калламни ҳам чопишсин. Фақат — премьерадан кейин.

Елена Сергеевна. Нима деб ном қўймоқчи эдинг? “Ҳазрат” дебми?

Булгаков. Кейин воз кечдим бу номдан. Премьера бўлиб ўтгунча калламни омон сақлашим керак. Балки оддийгина қилиб “Батум” деб атаганим маъкулмикин? Биласанми, бу пьесада ёритиладиган воқеалар, асосан, Батумда бўлган стачка билан боғлиқ бўлиши керак.

Елена Сергеевна. “Батум” зерикарли ном, “Ҳазрат” яхшироқ.

Булгаков. Тўғри. Лекин ҳар битта жиддий ишда тартиб ва чегара бўлиши керак. Дарвоқе, кимдир менга айтувди: бир пайтлар Сталин ўзи билан семинариядан бирга ўқиган католикосни ҳузурига чақирган экан. Демак, бу нарса Сталиннинг хотирасидан ўчмаган.

Елена Сергеевна. Қизиқ, нима ҳақда гаплашишдийкин? Балки сиёсат ҳақидадир?

Булгаков. Черков — бу ҳам дипломатик алоқа воситаси, албатта. Лекин мен унинг ўрнида бўлганимда бошқа мавзуда суҳбатлашардим. Масалан, боқий ҳаёт ҳақида. Худога ишонмайдиганлар

ўлимдан кўрқишади. Хусусан, худо даражасида тақдирлашларига кўникиб қолган одам. Демакки, у ҳам ўзини боқий деб ҳис этишни хоҳлайди. Айниқса, ёши ўтинқираб қолган бўлса.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бундан чиқди, ўйлайсанки...

Б у л г а к о в. Э, нимасини ўйлайман? /*Грузинча талаффуз билан*/. Мен — Сталин, сен — католикос. Қани, айт-чи, азизим, наҳотки мендан ҳеч нима қолмаса ўлганимдан кейин?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ўзга бандалар борасинда бирон нима деёлмайману вале Сталин бунинг ташвишини қилмаса ҳам бўлади. Қанчадан-қанча китобларинг, сенга ўрнатилган мислсиз ҳайкаллар, амалларингни давом эттирувчи издошларинг бор...

Б у л г а к о в /*сузини бўлиб*/. Тфу! Китоблар? Уларни ёқиб юбориш мумкин. Ҳайкалларни ағдариб ташлайдилар, издошлар эса, ҳокимият тақсимлана бошлаган заҳоти мени сариқ чақага сотиб юборадилар. Ҳозир гап шахсан менинг боқийлигим ҳақида боряпти.

Е л е н а С е р г е е в н а. Ахир, Миша..

Б у л г а к о в /*грузинча талаффузда*/. Қанақа Миша, муҳтарам католикос? Очиқ айт. Қандайдир Мишага эмас, менга айт.

Е л е н а С е р г е е в н а. Мен нима дейишим мумкин? Биз ҳаммамиз йўқдан бор бўлганмиз, бо яна йўқ бўлиб кетурмиз. Ва лекин ҳиндилар, одамзот ўлганидан кейин яна бошқа бирон жонли махлуққа айланади, деб ишонадилар. Айтайлик, масалан, мушукка. Қалай? Яхши-а?

Б у л г а к о в. Кечирасан, муҳтарам ҳазрат, мушук бўлиш тўғри келмайди менга. Тушун ахир: мен қандай бўлсам шундайлигимча қолишни истайман! Бу ниятимга эришиш учун мен жуда кўп ишларни амалга оширдим. Ва эвазига ниҳоятда катта ҳақ тўладим.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бу ҳамманинг орзуси. Мен сени тушуниб турибман.

Б у л г а к о в /*жаҳл билан*/. Йўқ, сен мени тушунмаяпсан! Мен шахсан ў з и м ҳақимда гапиряпман. Сен менга ҳ а м м а одамларни пеш қилиб ётибсан. Нима, кўрмаяпсанми орамиздаги тафовутни? Билиб қўй, ҳаммадан юқорида турган одам ҳ а м м а э м а с. Демак, уларнинг тириклигидаги ва ўлганларидан кейинги тақдирлари ҳам бошқа-бошқа бўлиши керак. Мен шундай тушунаман адолатни. Қисқаси, мен, яъни Сталин, мангу барҳаёт бўлиб қоламан, деб умид қилсам бўладими? Агар шундай бўлиб қолсам, бунинг учун нима қилишим керак?

Е л е н а С е р г е е в н а /*жиддий*/. Билмайман. Гуноҳ қилманг. Бу жуда қийин амал. Ҳеч бўлмаса, ўлим олдидан астойдил тавба-тазарру қилиш лозим.

Б у л г а к о в /*талаффузсиз*/. Чаккимас! Ишонарли суҳбат.

Е л е н а С е р г е е в н а. Сенинча, католикоснинг шу жавоби Сталинга маъқул тушармиди?

Б у л г а к о в. Нима қипти? Ахир савдолашиб ўтирмас чайқовчилардек. Сирасини олганда, мен католикоснинг ўрнида бўлишни истамасдим.

Е л е н а С е р г е е в н а. Мана сенга бўлажак “Батум”инг учун тайёр бир саҳна.

Б у л г а к о в. Тўғри келмайди. Батум — бу Сталиннинг ёшлик даври. Одам ёш чоғида ўлимни ўйламайди... Бутун ҳаётим ҳали олдинда, деб ҳисоблайди. Шу боис ўз вақтини, яъни ҳаётини бўлар-бўлмас нарсаларга сарфлай беради. Ёш йигит кўзлаган режаларини амалга оширишига ишонади. У абжир ва эпчил, чарчашни билмай-

ди, йўлини тўсган ғовлардан қўрқмайди. Зеро, пешонаси ҳали метин деворга урилиб ғурра бўлмаган. Унинг ҳамма қилаётган ишлари ўзига ёқади. Азобу уқубатлар кейинроқ бошланади. Ана ўшанда, у бир варақ қоғозга қўл учини теккизиш нақадар жирқанч иш эканлигини тушунади. Қалами қўлидан тушиб кетади. Ёзолмас экан, нима қилади қўлига олиб? Шундоқ ҳам бошқалар ёзавериб қалаштириб ташлашди-ку. Уларга қалам ҳақи тўладилар — одамлар умрини кемтик қилиб эговлаганлари учун. Хўш, натижа нима бўлди? Нима ўзгарди? Ҳамонки барча нарса мудом бир жойда ер депсиниб туришга маҳкум экан, нима учун, ким учун терлаб-пишиб ҳаракат қилиш керак? Ундан кўра, креслода мана шундай ўтириб кўзни чирт юмган... мангу юмган яхшимасми?

Узоқ давом этган пауза.

Е л е н а С е р г е е в н а /оҳиста/. Сен бундай демаслигинг... бундай ўйламаслигинг керак.

Б у л г а к о в. Ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бор.

Е л е н а С е р г е е в н а. Нима, мени ўйламайсанми?

Б у л г а к о в. Сен хиёнат қилмоқчисан-ку менга.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бўлмасам-чи. Биласанми, ким бўлади ўша жазманим?

Б у л г а к о в. Мен қаёқдан билай?

Е л е н а С е р г е е в н а. Билмасанг билиб қўй — мана шу тавия!
/Эрининг кўкрагига ниқтайди/.

Олтинчи кўриниш

Сталиннинг кабинети. 1939 йил, июн.

Кабинетда Сталин билан Берия. Сталин қўлидаги муштукини силкиганча, у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Берия ўтирган ерида пенснесини артади.

С т а л и н. Ёмон, ёмон, жуда ёмон бўлди.

Б е р и я. Ахир ўзинг башорат қилгандинг-ку, шундай бўлишини, Коба. Яқинда, ўн саккизинчи съездда ўзинг: Гитлер уруш бошламоқчи, деб айтгандинг.

С т а л и н. Нима фойда бундай башоратдан? Анави нотавон махлуқлар — Чемберлен билан Даладьё Гитлернинг бошвоғини ечиб юборишди. Австрия билан Чехословакияни унинг қўлига топширишди, ҳозир навбат Полшага келган. Ахир шулар-ку Гитлерни очиқ йўлак билан таъминлаётганлар — унинг бизга қарши келиши учун! Бу ҳам етмагандай, улар бизга қандайдир салмоғи йўқ бир делегация юборишибди — гўё биз билан битим тузишмоқчи бўлгандай... Лекин бу англофранция делегацияси ҳеч қандай ҳуқуқ билан таъминланмаган. Поляклар бўлса, фаразли ниятда уларнинг пинжига киришмоқчи. Ҳолбуки, бу билан ўз бошларига бало орттиряптилар. Улар мени овсар деб ҳисоблашяпти, шекилли. Айни пайтда, уларнинг орқаваротдан Гитлер билан оғиз-бурун ўпишаётганини гўё мен билмайдигандай... Мана сенга башорат! Бирон чорасини кўриш керак. Сенлар менга биронта ҳам қийматли маълумот олиб келмадинглар.

Б е р и я. Маълумот бор: японлар яна гимирлаб қолишибди. Халхин-Гол йўналишида куч тўплашяпти.

С т а л и н. Ҳозир Япония мени ташвишга солмайди. Ўтган йили Ҳасан кўлида таъбирларини ейишган. Бу кам эканми? Халхин-Голда ҳам додини берамиз уларнинг. Лекин Европа...

Б е р и я. Балки Молотовни чақирармиз?

С т а л и н. Молотов нима қила оларди?

Б е р и я. Ташқи ишлар халқ комиссари-ку, ҳар ҳолда.

С т а л и н. Кечагина ишга тайинланди. Май ойида. Биласанми, гимназияда унинг лақаби нима бўлган? “Харсон ҳез”. Молотов ҳеч қандай далил-исботни эшитиб ўтирмай, буюрилган ишни ижро этишгагина ярайди. У “Жаноб Йўқ” — халқаро муҳитда уни шундай деб чақирришадди. Лекин бу масалада пухта ўйлаб кўриш, таҳлил қилиш лозим бўлади.

Б е р и я. Нима қилардик Литвиновни алмаштириб?

С т а л и н. Гитлер уни ёнига ҳам йўлатмасди.

Б е р и я. Демак, нима бўлганда ҳам, Гитлер билан алоқани тиклаш керак, деб ўйлаяпсанми?

С т а л и н. Бир матал бор: “Агар сенга ўғри керак бўлса, уни дор сиртмоғидан ҳам бўшатадилар”. Эшитганмисан? Лекин биз Гитлернинг чираниши қай даражада асосли ё пуч эканини аниқлашимиз лозим. Яна, Полшадан кейин қаёққа тумшуқ тиқишини ҳам.

Б е р и я. Начора, агар у бизга ҳамла қиладиган бўлса, жанг қилаверамиз. Ўзгалар ерида.

С т а л и н. Керилма. Ўзингни Ворошилов қилиб кўрсатма менга. Нима, тушунмаяпсанми? Гитлер билан жанг қилишмас, уни айёрлик билан енгиш керак. Лекин қандай қилиб?

Б е р и я. Биласанми, айёр — бу айёр одаммас, гўл, баёв одам айёр.

С т а л и н. Нима демоқчисан бу билан?

Б е р и я. Демоқчиманки, агар сен Гитлер билан битим тузмоқчи бўлсанг, Молотовни юборишинг мумкин. Фақат албатта азамат бир эркакни унга қўшиб юбор... Жасоратли, фаросатли, ғоятда айёр эркакни.

С т а л и н /шубҳаланиб/. Ўзингни рўпара қияпсан, шекилли?

Б е р и я. Ўзинг ишонадиган одам бўлсин.

С т а л и н. Бунақалар жуда кам. Олайлик, Енукидзе ҳақиқий эркак эди. Уни отишаётганда: “Қонхўр кўппак Сталинга менинг ҳар томчи қоним заҳар-заққум бўлсин”, деб қичқирган экан. Аниқ ифодаладимми гапини?

Б е р и я /ҳайратда/. Буни сенга етказишга ким журъат этди?

С т а л и н /жилмайиб/. Шарт эмас билишинг. Лекин сен буни мендан яширгандинг. Ке, қўй, чалғимайлик. Нима деб ўйлайсан, Гитлерни сал бўлса ҳам тинчителиш учун Тухачевский ва шерикларини йўқ қилганимиз кифоямикин? Мана сенга жумбоқ.

Б е р и я. Бешта маршалдан иккитасини қолдирдик. Нима, улар-нияммми?

С т а л и н. Гитлер уларни сариқ чақага ҳам олмайди. Йўқ, бу ишда бошқача йўл тутиш лозим. Унинг дидига ўтирадиган йўл. Аншлюзга ўхшаган. Кейин, аниқ билиш керак: қандай махлуқ ўзи — бу Гитлер?

Б е р и я. Бандит.

С т а л и н. Бандит сиёсий касб эмас. Бу фақат ҳаракат усулининг таърифи. Баъзида у самара ҳам беради. Энг ишончли ва энг барқарор далил — бу энсага қадалган ўқ. Одам бор экан — муаммо бор, одам йўқ экан — муаммо ҳам йўқ. Ва масала ҳал. Бандит нимани билдиради? Сиёсат нуқтаи назаридан аниқ билиш керак унинг қанақа бандитлигини. Балки у авантюристдир? Телба савдойидир? Мараз махлуқдир? Ё башоратчидир?

Б е р и я. Мюнхенда у ўз режаларини ошкор қилибди.

С т а л и н. Демак, савдойи эмас

Б е р и я. Лекин унинг сиёсий маслағи, ирқий назарияси — бу ахир ғирт аҳмоқона гап-ку.

С т а л и н. Миллионлаб одамларни ҳайратга соладиган аҳмоқона гап — бу жуда катта куч. Фақат ёмон сиёсатчигина буни инобатга олмайди.

Б е р и я. Унинг ўзини тутишига нима дейсан? Айтишларича, газаби қайнаган пайтларда у гиламга ётиб олиб уни ғажий бошлармиш. “Гиламхўр” деб лақаб қўйишибди унга. Фақат тор доирада, албатта. Гиламхўр-а, қалай? Ахир бу...

С т а л и н. Бу унинг шахсий услубларидан бири бўлиши мумкин. Кимдир гилам ғажийди, кимдир — масалан, мен, стулни бошингга уриб синдиришим мумкин. Шундай бир воқеа бошимдан кечган эди. Уғлим Василий билан бўлган воқеани назарда тутяпман. Йўқ, Гитлернинг кўп жиҳатлари ҳали биз учун мавҳум.

Б е р и я. Нега энди сен бутун диққатингни унга қаратиб қолдинг? У ерда, Германияда Крупп, Тиссен, Флик ва бошқалар бор — ўшалар-ку, мамлакат хўжайини. Улар пул тўлайди. Биласан-ку, пул тўлаган мусиқа буюради. Гитлер эса фақат ижрочи.

С т а л и н. Кўғирчоқ, шундайми? Ҳеч қачон оғзингга ола кўрма бу бемаъни гапни. Бу гап газетага ярашади. Тўғри, уни ўша сармоядорлар танлашган. Улар бошқа ҳеч кимни эмас, айнан уни танлашган. Бу — биринчидан. Иккинчидан — сен қўлингга таёқ олганингда, ундан фойдалана билсанг, вазият тамомила ўзгаради. Ана унда қандай мусиқа учун пул тўлашни сен ҳал қиласан. Айтадилар-ку, таёқ ушлаганнинг гапи ҳақ, деб. Яна нима биласан Гитлер ҳақида?

Б е р и я. Биздаги маълумотларга кўра, у ҳаддан ташқари гумонсировчи одаммиш. Бу гапдан, унинг тўғрисида ҳатто, ақли норасо, деб хулоса чиқариш ҳам мумкин.

С т а л и н. Ҳаддан ташқари, дегин? Ким аниқлабди бу миқдорни? Давлат зинасидан қанча юқорироққа кўтарилсанг, шубҳаланишинг учун асос шунча кўпайиб боради. Чунки бу зинанинг пиллапоёлари ёғочдан ҳам, тошдан ҳам эмас. Хўш, нимадан?

Б е р и я /елкасини қисади/. Нима десам экан...

С т а л и н. Билмайсанми? Шунга ҳам билмадинг-а? Майли, айтаман. Одамлардан. Аниқроғи, мурдалардан бунёд бўлган у пиллапоёлар. Мурдалар қанча кўп бўлса, ўзингнинг ҳам кимдир пиллапоя бўлишинг хавфи шунча ортиб боради. Демакки, гумондор бўлишингга тўғри келади. Гарчи четдан туриб қараган одамга бу ҳ а д д а н т а ш қ а р и бўлиб туйилса ҳам. Уни ақли норасо дединг... Агар шу рост бўлса, жуда ҳам яхши бўларди. Дарвоқе, бу қанақа маълумот? Қаёқдан олдинг?

Б е р и я. Бу немис табобатининг энг ҳаққоний ва ишончли хулосаси. Узоқ муддатли кузатув натижаси.

С т а л и н /киноя билан/. Ишончли, де? Ўзинг шунга ишонсанми?

Б е р и я /ўйлаб туриб/. Йўқ.

С т а л и н. Ана шунақа. Доктор Бехтерев эсингга тушдими, а? Унинг бир пайтлар мен тўғримда айтган гапини эсладингми?

Б е р и я /наузадан кейин/. Мен фақат, медицина ходимлари ҳам ғаразғўй бўлишлари мумкин, деб ўйладим. Қолаверса, бу сохта маълумот бўлиши ҳам мумкин — чалғитиш учун.

С т а л и н. Тўғри. Лекин, умуман, унинг соғлиғи ҳақидаги маълумот — бу жуда муҳим. Айниқса, унинг мендан ўн ёш кичик бўлгани — унинг ютуғи.

Б е р и я. Бу фикрингга қўшилмайман. Чунки сен ўн йил ортиқроқ ҳаётини ва сиёсий тажрибага эгасан. Ундан кейин, сенинг соғлигинг... Бизларнинг кавказча чиниққанлигимиз ҳазилакам гап эмас... Биз ҳаммамиз узоқ яшайдиган одамлармиз.

С т а л и н /ранжиб/. “Бизнинг кавказча”, “биз ҳаммамиз”... Мен кўпдан бери рус кишисиман. Сезмаяпсанми? Билишинг керак эди буни.

Б е р и я. Мен фақат...

С т а л и н /сўзини бўлиб/. Ҳа, бўпти. Демак, савдойи эмас. Гитлери гапиряпман. У авантюрист, лекин узоқни кўзлайдиган авантюрист. Умуман олганда, у муайян ва катта куч эгаси. Муроса қилишга тўғри келади. Ўзи ҳам шунга шама қиляпти. Хўп, яхши. Дам олиш керак. Бугун нимани кўрсатмоқчисан? Қайси филмни?

Б е р и я. Ўзинг айтган филмларни. Икковини олиб келишди. “Волга-Волга” билан “Катта валс”ни.

С т а л и н. “Волга-Волга”дан бошлаймиз. Ҳа, айтгандай, сендан сўрамоқчи эдим: Поскрёбишевнинг хотини масаласи нима бўлди? Янги хотинини айтяпман.

Б е р и я. Унга хотинни ўз кадрларимиздан танладик. Жуда аломат бўлди. Поскрёбишев уйига бориб, у ерда бегона аёл ўтирганини кўради. У пистолет ўқталиб: “Кимсан?” — деб сўрайди. Аёл: “Хотинингизман”, — деб жавоб қилади. У: “Ҳужжатингиз!” — дейди. Аёл ҳамма ҳужжатларни, ҳатто никоҳдан ўтганлик гувоҳномасини ҳам биттама-битта кўрсатади. Шунда Поскрёбишев: “Хўш, унда сизни нима деб чақиришим керак?”—деб сўрайди. Хотин: “Ҳужжатда ёзилгандай”. У: “Йўқ, қовушадиган чоғимизда, демоқчиман”. Хуллас, келишиб олишибди: хотин уни — Сашура деб чақирадиган, Поскрёбишев бўлса... эсимдан чиқди нима дегани. Кадримиз келиб бизга ҳикоя қилиб берганди — кулавериб, ичакларимиз узилаёзди.

С т а л и н. Жуда соз, қўша қаришсин. Хотини йўқ одамга қийин. Ўзимнинг бошимдан кечган. Лекин хотиннинг кўпи ундан ҳам ёмон. Тушунгандирсан гапимга?

Б е р и я. Нимани назарда тутяпсан?

С т а л и н. Кўриб турибман — ўзинг тушундинг. Яна қандай янгиликлар бор?

Б е р и я. Айтарли ҳеч... Ҳа-я. Эсингдами, Булгаков — у сенга хат ёзганди?

С т а л и н. Хўш?

Б е р и я. Миш-мишларга қараганда, у сен ҳақингда пьеса ёзиб тутатаётганмиш. “Батум” деган.

С т а л и н /сергакланади/. Нега энди “Батум?” Қандай манбалардан фойдаланибди? Пьеса нима ҳақда экан?

Б е р и я. Сенинг ёшлик йилларинг ҳақида. Революцион фаолиятингнинг бошланиш пайти. Эҳтимол, менинг китобимдан фойдалангандир.

С т а л и н /жаҳл билан/. “Миш-мишларга қараганда”, “эҳтимол”... аниқ билиш керак ҳаммасини.

Б е р и я. Менга етиб келган маълумотларга кўра, у МХАТдагиларга пьесада парча ўқиб берибди. Артистларга жуда ёқибди.

С т а л и н. Нимани ҳам тушунишарди улар? Ҳм... Сиёсатдонлар! Ўзинг ўқиб чиқ уни тайёр бўлганида. Кейин менга айтиб берасан.

Б е р и я. Албатта. Ҳеч безовта бўлма, Коба.

С т а л и н /совуқ/. Мен безовта эмасман. Мана, сен безовта бўлишинг керак, сени муаллиф сифатида тан олмаганлари учун.

Б е р и я. Ҳаммаси яхши бўлади, деб ўйлайман.

С т а л и н. Биласанми, шундай матал бор: курка, ҳадеб ўйлайверганидан жон таслим қилибди. Ҳамиша ёдингда бўлсин: ёзувчилар масаласида — мен истейодли ёзувчиларни назарда тутяпман — доимо ҳушёр бўл. Ҳеч кутилмаган қилиқлар чиқиши мумкин улардан. Сенга у тинч-хотиржам яшаб тургандай кўринади. У бўлса, бирданига ўзини ё пешонасидан отади ё осиб кўяди. Чунки сиёсатчилар эмас улар. Кутишни билмайдилар. Мана, масалан, сен доим ёнингда пистолет осиб юрсанг ҳам ўзингни отмайсан. Улар бўлса...

Б е р и я. Ҳа, асаблари чатоқ уларнинг.

С т а л и н. Ундан кейин, кўп хато қилишади. Тўғри, сиёсатчилар ҳам баъзида янглишишлари мумкин, лекин улар...

Б е р и я. Хушомад қилипти, демаю, лекин мен сенинг бирон марта бўлсин янглишганингни эслолмайман.

С т а л и н. Бу катта сиёсат оламида мени хато қилишдан худонинг ўзи асради. Лекин, умуман олганда... Эсимда, бир воқеа бўлган эди. Бир врач — фамилияси эсимда йўқ, лекин яҳудий эди, менга пластмассадан тиш кўйиб бермоқчи бўлди. Наҳотки ўртоқ Сталин учун Совет ҳукуматида тилла топилмаса, деб сўрадим. У менга тилладан протез кўйиб берди, жуда яхши ўрнашди. Шунда мен доктордан: “Хўш, нима ёрдам қилишим мумкин сизга?” —деб сўрадим. Биласанми, у нима деди?

Б е р и я. Уларнинг ниятини билиб бўлмайди.

С т а л и н. “Агар рухсат берсангиз, сизга аввал таклиф қилганим протезни кўйиб берардим”, деди. Биласанми, кўйиб берди, ҳеч фарқ қилиб бўлмайди ўзимнинг тишларимдан. Мана, қара.

/Тишини кўрсатади./

Б е р и я. Ҳа, бало улар.

С т а л и н. Айтмоқчиманки, Сталин ҳам баъзида янглишиши мумкин. Бу хизмати учун мен унга чет элдаги қариндошларини кўриб келишига рухсат бердим.

Б е р и я. Тўхта, бундан хабарим бор. Фақат у бошқа томонга жўнатиб юборилганди. Оғзидан гуллаб кўймасин, деган мақсадда. Лекин, агар хоҳласанг, уни қайтаришимиз мумкин.

С т а л и н */соатиға қарайди/*. Кеч бўлди. Кетдик “Катта валс”-ни кўргани.

Б е р и я. Олдин “Волга-Волга”ни кўрмоқчи эдинг-ку.

С т а л и н. Сталин ҳам баъзан ўз фикридан қайтиши мумкин.

Еттинчи кўриниш

Булгаковлар хонадони. 1939 йил 27 июл.

Ясанган Елена Сергеевна телефонда гаплашмоқда.

Е л е н а С е р г е е в н а. Вой, Вика, дунёда энг қийин иш кутиш экан. Боядан бери кутавериш жоним ҳалак бўлди. Кутяпман-у у ёқда, театр бадий кенгашида нималар бўлаётганини билолмаяпман. Пьеса бир ярим соат, бор, ана, икки соат ўқилсин. Яна гап-сўз, мулоҳаза учун бир соат, нари борса, бир ярим соат кетар. Ҳаммаси бўлиб уч ярим, майли, тўрт соат, дейлик. Мана, сал кам олти соатдан бери дараги йўқ. Кўнғироқ ҳам қилмади. Ахир тушуниши керак-ку — мен бу ерда ўзимни қаёққа ураримни билмай, худди оёғи куйган товуқдай, зир югуриб ётибман. Худо кўрсатмасин — театрда ҳамиша кутилмаган бирон воқеа юз бериши мумкин. Эшик кўнғироғи. Миша

бўлса керак. Лекин ўзида ҳам калит бор эди-ку! Шошмай тур. /Гўшакни бир четга қўйиб эшик очгани шошиб чиқиб кетади/.

Саҳна ортидан унинг: “Бу ёққа, бу ёққа.

Марҳамат, кираверинлар”, — деган овози эшитилади. Иккита эркак иккита саватда гул кўтариб киради. Улар қимтиниб туришади.

Ҳа-я. Ҳозир. /Улардан бирига пул беради./ Икковингизга.

Эркаклар бир нима деб тўнғиллаб чиқиб кетишади.

/Гўшакни қўлига олади./ Йўқ, Миша эмас. Гул олиб келишди. Бир томондан, гул — бу яхши. Иккинчи томондан — эҳтимол, бу театрнинг илгариги буюртмасидир.

Даҳлиздан : “Ким бор? Хўжайка уйдами?” — деган овоз эшитилади.

Вой, эшикни очиқ қолдиришибди! Шошмай тур, биров келганга ўхшайди. /Яна гўшакни бир четга қўяди./

*Хонага бир эркак гандираклар киради.
У бир даста гул билан юзини тўсиб олган.*

*Э р к а к /хириллаб/. Хўжайка! Қани, чиқар чой пулини!
Е л е н а С е р г е е в н а Вой, нималар деяпсиз ўзи?
Э р к а к. Чой пули бер, деяпман! Бўл тез!
Е л е н а С е р г е е в н а /гулдастани четга суриб, жилмайиб турган эрини кўради/. Вой, Миша! Капалагимни учуриб юбординг-ку!
Б у л г а к о в. /маст овоз билан/. Барри бирр, чой пули берр!
Е л е н а С е р г е е в н а. Нима, ичдингми дейман? /Уни упади./
Йўқ, ўхшамайди. Вой, у ёқда Вика кутиб турибди. /Гўшакни олиб./
Кечир, Вика, Миша кириб келиб безорилик қиляпти. Ҳаммаси яхши, шекилли. Сенга кейинроқ кўнғироқ қиламан. /Гўшакни қўяди./
Б у л г а к о в. /оддий ўз овози билан/. Сен ҳам ҳеч кимга кўнғироқ қилмайсан, бизга ҳам ҳеч ким телефон қилмайди. /Телефонни ўчуриб қўяди./ Бўлди, тамом. Маданият капут!
Е л е н а С е р г е е в н а. Ҳа, яхши. Гапир, нима бўлди?
Б у л г а к о в. Олдин чой пулини чўз.
Е л е н а С е р г е е в н а. Пул биланми ё?... Ҳозир бериб юбордим охирги пулни.
Б у л г а к о в. Мен ҳам сарфладим. Мана бу гулдаста учун. Бу сенга. Мендан.
Е л е н а С е р г е е в н а. Қандай яхши. Гулларни сотсак пул бўлади. Айтасанми нима бўлганини ё йўқми?
Б у л г а к о в. /овозида оқсуякларга хос виқор билан/. Ўзи сиз нима ҳақда эшитмоқчисиз, мадам? Одатий ҳол. Бордим. Бутун ҳайвонот боғи тўпланибди. Оромкурсига ўтирдим. Эсимда, оёғимни чалиштирдим. Мана бундай. /Учуриб кўрсатади./ Йўқ, мана бундай. /Оёғини тескари томонга чалиштиради./ Биринчи пардани ўқидим. Қабристон суқунати. Иккинчи парда ўқилди. “Финг” деган товуш эшитилмади. Уқиб тугатдим. Ҳамма юм-юм йиғлаган. Уринларидан туриб кетишди. Қаллапўшлар осмонга отилди. Кимнидир ирғита бошлашди. Билсам, мени ирғитаётган эканлар. Гулдирок олқишлар... /Соатиға қараб қўяди./ Қирқ дақиқача. Кучоқлашлар. Упишлар... Айтгандай, камзулимнинг орқасида, битта жойда лаб бўёғи доғи бор. Илтимос,*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

134

тозалаб қўйсан. Шиша пўкаклари пақиллаб отила бошлади. Лекин мен — сира-сира... Яна аллакимни иргита бошлашди. Кейин яна мени. Сал қолди тушириб юборишларига. Тагин “ич, ич” деб зўрлай бошлашди. Лекин менинг иродам — пўлат. Уйимга, хотиним олдига тезроқ кетишга уриндим. Бир соат уриндим. Икки соат. Ахири ташқарига отилиб чиқдим. “Извошчи!” — деб қичқирдим. Лекин мени автомобилга ўтқазиб юборишди. Гул сотадиган дўкон ёнида тўхтадим. “Мадемуазел, энг сархил гуллардан бир даста!” Ва ниҳоят уйдаман. Лекин... Э воҳ! Бу қандай шармандалик! Уйимдан иккита бегона эркак чиқиб келаётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Е л е н а С е р г е е в н а. /*эркаланиб*/. Ҳазилни йиғиштир! Мен бу ерда хавотирланиб ўлаёздим.

Б у л г а к о в. /*ўзининг одатий овози билан*/. Деярли ҳамма гапим рост. Жуда яхши қабул қилишди. Яна, дарҳол Батумга экспедиция уюштириш ҳақида қарор ҳам қабул қилишди. Маҳаллий муҳит билан яхшироқ танишиш мақсадида.

Е л е н а С е р г е е в н а. Кимлар борадиган бўлди экспедицияга?

Б у л г а к о в. Режиссёр, рассом, саҳна усталаридан бирон киши ва мен. Хоҳласанг, сен ҳам борасан.

Е л е н а С е р г е е в н а. Вой, Миша, наҳотки шулар ҳаммаси рост бўлса?

Б у л г а к о в. /*ўйланиб қолади*/. Ростимни айтсам, ўзим ҳам ишонмаяпман.

Е л е н а С е р г е е в н а. Э худо! Кошкийди, атиги бир йилгина хотиржам яшасак...

Б у л г а к о в. Энди хотиржам яшай олмасак керак, деб кўрқаман.

Е л е н а С е р г е е в н а. Мунча шошишмаса?

Б у л г а к о в. Сталиннинг юбилейигача, яъни йигирма биринчи декабрғача тайёрлаб улгуришмоқчи. Сталин олтмишга киради. Театр унга бағишлаб спектакл қўйиши керак.

Е л е н а С е р г е е в н а. Унгача тайёр бўлмаса-чи? Шу керакмиди сенга?

Б у л г а к о в. Менгамас, уларга керак.

Е л е н а С е р г е е в н а. Уларга ҳам ҳайронман. “Мольер”ни юз йил репетиция қилишганди. Йўқ, мен уларни айбламоқчимасман. Шошқалоқлик қилишмаса яхши бўларди, дейман-да. Шартмикин албатта юбилейга тайёрлаб чиқариш? Ахир бу санъат-ку. Қачон тайёр бўлса шунда намоиш қилаверишсин.

Б у л г а к о в. Сен шуни менга тушунтирмоқчи бўляпсанми?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ўлибдими, ахир қамашмас уларни, агар спектакл кейинроқ тайёр бўлса.

Б у л г а к о в. Билмайман. Бундай даврада биринчи марта бўлишим. /*Кулиб туриб*/. Ким билсин, балки қамашар ҳам.

Е л е н а С е р г е е в н а. Вой, Мишенка, бу ишга аралашмаганинг яхшимиди!

Б у л г а к о в. Энди кеч. Йўлбарсга миниб олдингми, пастга туша кўрма.

Е л е н а С е р г е е в н а. Бу қандай мусибат!

Б у л г а к о в. Ваҳима қилма. Ҳеч қандай мусибат йўқ бу ишда. Қайтага, аксинча, яхши бўлди.

Е л е н а С е р г е е в н а. Балки биз туш кўраётгандирмиз?

Б у л г а к о в. Унда, бу гулларга нима дейсан?

Е л е н а С е р г е е в н а. Рост. Гуллар туш эмас. /*Ҳидлаб кўради*/. Ҳиди бор.

Эшик кўнғироғи жириглайди.

Б у л г а к о в. Ҳеч кимга кўзимиз учиб тургани йўқ эди-ку. Ўзим очаман.

Булгаков чиқади ва Авенир Платонович билан қайтиб киради.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Салом, Елена Сергеевна. Кечиринг, сизларни огоҳлантирмай келавердим. Лекин телефонингиз ишламаяпти, шекилли?

Е л е н а С е р г е е в н а. Ҳа, Миша узиб қўйганди. Яхшимисиз.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. О, сизнинг Мишангиз бало! Бир йўла баланд дорга осилди ва кузир қартадан юриб ютиб чиқди. Дарров қаёққа кетиб қолдингиз?

Б у л г а к о в. “Дарров”миш. Нима, театрингизда тунаб қолишим керакмиди? Бу ерда хотиним кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирган бўлса...

А в е н и р П л а т о н о в и ч. /тантанавор/. Мана, мурудингизга етдингиз! Табриклайман, Елена Сергеевна.

Е л е н а С е р г е е в н а. Табриклашга шошилманг ҳали. Олдин пьеса саҳнага қўйилсин. Мунча шошмасангизлар?

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳаёт шоширяпти, муҳтарама Елена Сергеевна. Саҳналаштириш масаласида кўнглингиз тўқ бўлсин. Энг кучли артистлар сараланади. Бош ролда ўйнамоқчи бўлганларнинг сон-саноғи йўқ.

Е л е н а С е р г е е в н а. Илоё, айтганингиз келсин.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Нега сўрамаяпсиз нимага келганимни?

Б у л г а к о в. Бу меҳмондорчилик удумига тўғри келмайди. Яхшиши, нега ярим кечада келмадингиз, деб сўрай қолай.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳалиям унутмабсиз-да, а? Ҳа у пайт бошқа эди. Извошчи топилмасди. Машиналар деярли йўқ эди. Шунинг учун югуриб келгандим ўпкамини қўлтиқлаб. Энди унақа югуролмайман. Ёш ўтиб қолди.

Б у л г а к о в. Сизнинг ёшингизми?

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳамманикиям. Лекин ҳозир автомобилда келдим. Сўранг ахир нега келганимни.

Б у л г а к о в. Ҳа, яхши, талаб қилар экансиз, сўрайман: нима жин уриб келиб юрибсиз? Ҳозиргина кўришган эдик-ку.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Ҳаққоний савол. Биласиз, шартномага кўра, сизга аванс берилиши керак. Лекин ҳисобчимиз — эшитмаяпсизми? — ҳатто ҳисобчи, — сизга қалам ҳақини тўла ҳолда тўлашни ўзи учун энг улуғ шараф эканлигини айтди. Мен пулингизни олиб келдим. Илтимос, мана бу ерга имзо чекинг. Пул миқдорини ҳарфлар билан ёзинг. /Ёнидан бир варақ қоғоз ва бир даста пул чиқаради./ Санаб олинг, банкда ўралган бўлса ҳам.

Б у л г а к о в. Кераги йўқ. Мен банкка ишонаман. Сизга ҳам. /Имзо чекади ва пулни Елена Сергеевнага узатади./ Ол, Люсенка, балки сенга асқотиб қолар. Умуман олганда, Авенир Платонович, бекорга овора бўлибсиз. Бунақа матоҳ қалашиб ётибди бизда. Люся, қаёқда ётибди анави пул супуриб оладиган супургимиз? Баъзи пайтларда, биласизми, супуравери қўлларимиз қавариб кетади.

А в е н и р П л а т о н о в и ч. Обқочинг-а! Елена Сергеевнанинг қўли нимадан қаварганини биз яхши биламиз. Мана энди дам олишлари мумкин. Кўзингиз ҳам чарчагандир иш тўқийвериб?

Елена Сергеевна. Сира ҳам. Шу кунларда Мишага свитер тўқимоқчи бўлиб юрувдим қишда кийиши учун.

Авенир Платонович. Сиз, яхшиси, унинг тилини тикиб кўйинг. Жудаям кекчи бўлиб кетган!

Булгаков. Бу — сизни яхши кўрганимдан.

Авенир Платонович. Мен-ку, майли-я. Лекин замон ёмон — тилни тийиш керак. Кўряпсиз, нималар бўлаётганини.

Пауза

Булгаков. Келинг, яхшиси, биз билан овқатлангани қолинг.

Авенир Платонович. Жон деб қолардим, лекин иложим йўқ. Ташқарида автомобил кутиб турибди. Давлат машинаси.

Булгаков. Жўнатиб юборинг. Такси чақирамиз. Бизда пул бижғиб ётибди...

Авенир Платонович. Биламан. Кўрдим. Ҳарфлар билан ёздингиз. Хуллас, қўлингизни ўпай, Елена Сергеевна. Тил масаласида, айтганимни унутманг. Ҳозир у бехосдан бирон гапни оғзидан гуллаб қўйиши мумкин бундай ютуқ таъсирида. Биласиз, ютуқ бор ерда ҳасад бўлади. Ҳасад бўлган ерда эса... /Елена Сергеевнанинг қўлини ўпиб, Булгаков кузатувида чиқиб кетади./

Булгаков /қайтиб киради/. Мана сенга, Люся, иккинчи ҳақиқат — пул.

Елена Сергеевна. Ҳа, жуда вақтида келди. Уйда бир тийин ҳам қолмаган эди. Лекин тил масаласида, Миша, дарҳақиқат...

Булгаков. Нима, Миша? Ишимиз чатоқ бўлса — индамайлик. Яхши бўлса ҳам — гунг бўлиб ўтиришимиз керакми? Ахир қачон гурунглашамиз?

Елена Сергеевна. Шахсан мен гапларингни эшитишга доим тайёрман. Лекин, сирасини олганда, сенинг вазифанг ёзиш. Бас, шундай экан — ёзавер!

Саккизинчи кўриниш

Сталиннинг кабинети. 1939 йил, август.

Кабинетда Сталин ёлғиз. У рўйхатларни кўздан кечириб бўлиб папкага солади. Кўнгирак тугмасини босади. Поскрёбишев киради.

Сталин. Қаёқда Берия?

Поскрёбишев. У келган. Шу ерда.

Сталин. Нега кирмаяпти?

Поскрёбишев. Кайфиятингизни аниқлаяпти, ўртоқ Сталин.

Сталин. Оббо хумпар-е — эҳтиёткор. Чақир бу ёққа.

Поскрёбишев чиқади. Берия эҳтиёткорлик билан кириб келади.

/Рўйхатни кўрсатиб/. Ҳаммаси шуми? Кам.

Берия. Менга мукамал кўринганди. Коба...

Сталин. Кўринган бўлса, дарров чўқиниб ол! Тозалаш — бу муваққат тадбир эмас. Бу — аппаратни соғломлаштирувчи доимий жараён. Билишинг керак.

Б е р и я. Биз ҳаракат қилдик, Коба. Биронта ҳам халқ комиссарлиги эътибордан четда қолмади.

С т а л и н. Одамларинг қаёқда эди?

Б е р и я. Одамларим тузган-да, бу рўйхатларни. Ҳаммалари покиза, садоқатли одамлар.

С т а л и н. Покиза одамлар бўлмайди. Ҳозирча булганмаганлар бўлади. Фақат супурилган жойгина покиза. Ганимни тушундингми, Лаврентий? Уйлаб кўр ва рўйхатни тўлдир.

Б е р и я /хўрсинади/. Яхши.

С т а л и н. Хўрсинма. Нега мен бу рўйхатларда йирик олимлар, конструкторларни кўрмаяпман?

Б е р и я. Ахир улар аппарат ходимлари эмас-ку, Коба. Сўйиш керакмикин тухум қилиб турган товукни?

С т а л и н. Ким сўйиш керак деди? Йўқ, асраш керак. Ўзгалардан холи сақлаш лозим. Шунда жонлари омон қолади. Бошқалар учун — сабоқ бўлади. Билиб қўй, Лаврентий, садоқат қуруқ ерда унмайди. Уни куйинчак боғбондек парваришлаб ўстириш керак. Бундай боғбон кимларни, худди кўчат ўтқазгандай ўтқазиб қўйишни ва нималарни ўташ кераклигини билади... Нега қўлингни силкитасан?

Б е р и я. Ари учиб юрибди. /Яна қўлини силкитади./ Эҳтиёт бўл, Коба, у пешонанг олдида учяпти.

С т а л и н /қўл силтайди/. Буни қара! Бутун замон ва барча халқлар доҳийсини ҳам ҳурмат қилмаса-я. /Кулади./

Б е р и я. Кулма, Коба. Агар чақса... /Арини ҳайдамоқчи бўлади./

С т а л и н /қўл силкитишдан тўхтаб/. Майли, олдин кўнсин. /Берияга./ Сен ҳам ўтир, нима қилиб турибсан?

Берия ўтиради

/Рўйхатларни яна кўздан кечира бошлайди./ Кўн, қани, кўн! Хатардан бутунлай қутулдим, деганингда ўлдираман сени. /Ўз пешонасига “шап” этиб уриб, ўлган арини отиб юборади./ Қўлтигингдаги нима? Яна янги рўйхатларми?

Б е р и я. Ҳа. Лекин булар бошқа соҳадан. /Папкани қўлтиғидан олиб Сталинга узатади./ Менинг фармойишим билан тузилди бу рўйхат. Булар сенинг номингга қўйилган шаҳар ва кўчалардан олинган янги материаллар.

С т а л и н. Нима, одамларингнинг бошқа қиладиган иши йўқми?

Б е р и я. Булар янги ҳайкалларнинг фото суратлари.

С т а л и н /кўздан кечираркан/. Доим фақат қўлига трубка ушлаган мўйловдор одамни кўравериш жонларига тегмасмикин-а?

Б е р и я. Бу ерда шинелда тушган ҳайкалинг ҳам бор. Мана буни-сида бошялангсан. Хуллас, вариантлар кўп. Ҳар битта суратнинг орқасига барча маълумотлар ёзилган: қайси шаҳар, ким ҳайкалтарош ва ҳоказолар. Вақтинг бўш бўлганда кўриб чиқарсан.

С т а л и н /папкани ёпиб, ўзидан нарига суриб қўяди/. Шу бўлмағур нарсалар билан шуғулланишим қолувди энди.

Б е р и я. Нега бўлмағур бўларкан? Булар одамларимизнинг Сталин билан ҳамнафас бўлиб яшаётгани ҳақидаги беғараз далиллардир.

С т а л и н. Неча марта айтиш керак — тилёғламалик қилма!

Б е р и я /бу гапни гўё эшитмагандай/. Агар уларнинг ижодида қандайдир бирхиллик ифодаланган экан, бу — халқимизнинг бирдамлигини, унинг ўз доҳийсига бўлган меҳрини кўпроқ ифодалаши мумкин.

С т а л и н. Нима, гапимни эшитмадингми? Лаганбардорликни ҳам, менга сифинишларини ҳам жиним ёқтирмайди. Камтаринлик энг яхши фазилат бўлиши керак инсон учун. Айниқса, болшевик учун. Ильичдан ўрнак олишимиз лозим. У тобутда ётганида ҳам ҳеч қандай ордени йўқ эди. Шунда кимдир ўзининг орденини тақиб қўйибди унинг кўкрагига. Шартми шу мадҳиябозлик? Мен-ку билан унинг қийматини. Бизга бошқа нарса — самимий садоқат лозим умумий ишимизни амалга оширмоқ учун. Биз бунга албатта эришмоғимиз керак... энг кескин чораларни қўллаган ҳолда... Ҳаммамиз — ҳар ким ўз хизмат жойида. Энди ҳайкаллар ва ҳоказолар масаласига келсак — бу... /*Менсимагандай қўл силтайди.*/

Б е р и я. Бу гоёни мажбуран сингдиrolмайсан.

С т а л и н. Бас қил жаврашни! Митингда эмассан. Яхшиси, қани, менга айт-чи, нималарни билдинг ўз каналинг орқали? Вазият қандай?

Б е р и я. Хавотирли хабар олдик. Масалан, Япониядан.

С т а л и н. Зоргеданми? Уни ўзларига оғдириб олган бўлишлари мумкин.

Б е р и я. Англиядан, Бенеш¹дан.

С т а л и н. У инглизлар хизматидаги қари жосус. Ана шу инглизлар бизни Гитлер билан тўқнаштирмоқчи бўлишяпти.

Б е р и я. Ҳа, бундан провокациянинг иси келяпти. Очиғи, бу фақат инглизларгагина хос анъанавий сиёсат: улар ҳамиша фақат бегона солдатларнинг сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилишини яхши кўрадилар.

С т а л и н /*Берияга диққат билан тикилади.*/ Буни қара-я, бинойидай Англияшунос мутахассис экансан-ку. Менга қара, Лаврентий, сен Кавказдалигингда инглизлар билан илакишмаганмидинг мабодо?

Б е р и я /вахимага тушиб/. Агар мени шундай деб ўйласанг, Коба, буюр, майли, отиб ташлашин мени!

С т а л и н. Вой бў-ў... Шунчалик чатоқми асабинг? Ҳазиллашиб ҳам бўлмас экан-да, а? Ҳазилни ҳам, бошқа нарсани ҳам ўз вақти бор. /*Мулоим жиммайиб қўлини Бериянинг елкасига қўяди.*/ Қисқаси, бизга Гитлерни тинчита оладиган янги самарали тадбирлар керак. Мен унинг бизга муносабатини назарда тутяпман. Эшитганмисан, шундай матал бор: агар қўлингда итни уриш учун таёғинг бўлмаса, олдига нон ташла. Ҳозир масала — Гитлернинг олдига нима ташлаш ҳақида боряпти. /*Пауза.*/ Нега индамайсан?

Б е р и я. Барибир, ҳеч ким сенчалик айтолмайди мақбул фикр-ни, Коба.

С т а л и н /*жаҳл билан.*/ Ҳа, менинг елкамга ортаверларинг ҳамма ишни! Ўлиб қолсам нима қиласанлар? Гитлер ҳаммаларингни қириб ташлайди... худди пашшадай. Ҳа, бўлти, олиб кет мана бу халқ комиссарияти аппарати папкасини.

Б е р и я. Қўл қўймайсанми, Коба?

С т а л и н. Олдин уни тўлдир, кейин қўл қўяман.

*Берия ўрnidан туриб биринчи папкани қўлига олади.
Эшик олдига борганида тўхтабди.*

Б е р и я. Унутаёзибман. Булгаковнинг сен ҳақингдаги пьесаси бенуқсон, яхши чиққан. Воқеа диний семинариядан бошланади. Кейин

¹Бенеш Эдуард /1884 — 1948/. Чехословакия президенти /1935- 38/. Иккинчи жаҳон уруши пайтида у эмиграцияда бўлган.

революцион фаолиятинг. Сургундан қочишинг. МХАТчилар ҳатто Батумга бориб келишмоқчи, шекилли.

С т а л и н /*сергакланиб*/. Нимага энди?

Б е р и я. Ўзинг биласан-ку — артистлар. Аслий муҳитни ўз жойида ўрганмоқчидирлар-да, балки.

С т а л и н /*норози кайфиятда*/. “Балки”, “шекилли”! Сен, Лаврентий, халқ нонини ҳалоллаб емаяпсан... Диний семинария... Нима, пьеса муқаддимаси учун бошқа нарса қуриб қолибдими?

Б е р и я. Ҳаммаси тушунарли, Коба.

С т а л и н. Тушунарли экан, нима қилиб турибсан? Бор! /Дераза олдига боради. Берияга орқа ўтирганча./ Поскрёбишевни айтиб юбор.

Б е р и я. Хайрли тун, Коба. /*Кутади. Сталиндан садо чиқмайди. Кетади.* /

Поскрёбишев киради.

П о с к р ё б и ш е в. Чақирувдингизми, ўртоқ Сталин?

С т а л и н /*ўғирилмай турганча*/. Мен тўғримда музей очмоқчи-мишсанми?

П о с к р ё б и ш е в. Келгуси авлод учун жуда бебаҳо материаллар бор, ўртоқ Сталин. Улар йўқ бўлиб кетмаслиги керак.

С т а л и н. Болалар эрмаги. Столдаги папкани ол. Кўриб чиқиб фармон тайёрла. Ҳар ҳолда, тақдирлашимиз керак одамларни: ҳай-калтарош, архитектор ва бошқаларни. Ўзингни ҳам унутма.

П о с к р ё б и ш е в. Раҳмат, ўртоқ Сталин.

С т а л и н. Эшитдим, хотининг билан турмушинг яхши эмишми?

П о с к р ё б и ш е в. Ҳозирча шикоят йўқ. Берган таълимингиз эсимда. Хушёр бўлишим керак.

С т а л и н. Баракалла. Кетишинг мумкин. Папкани унутма.

Поскрёбишев папкани олиб чиқиб кетади. Сталин стол ёнига келиб ўтиради. Ҳазабланиб столга мушт уради.

Энди шу хашаки торговчилар етмай турганди!

Тўққизинчи кўриниш

Булгаковлар хонадони. 1939 йил, 14 август.

Хонада ҳеч ким йўқ. Телефон жиринглайди. Ҳеч ким гўшакни кўтармайди. Телефон товуши ўчади. Кейин яна жиринглай бошлайди. Кўча эшик очилаётгани эшитилади. Хонага Елена Сергеевна шошиб кириб келади. У эгнига жуда хушбичим палто, бошига серзийнат шляпка кийган.

Е л е н а С е р г е е в н а /*гўшакни кўтаради*/. Эшитаман. А? Ҳа-а, сенмидинг, Вика? Мен бўлсам, Миша, йўлда кетатуриб қўнғироқ қилиптими, деб ўйлабман. Бир зум кутиб тур, ҳозиргина кириб келдим, палтомни ечиб қўяй. Ҳа,ҳа, ўша. Кўчада кетяпман-у, ҳамма менга худди кино юлдузи Лиа де Путтига қарагандай кўз тикади, де. Йўқ, менгамас, албатта, кийган палтомга. Бошимдаги шляпкамга ҳам. Ҳеч қачон ҳеч ким менга бунақа эҳтиросли нигоҳ билан қарамаган эди. Вой, бўлмасам-чи, ёқади албатта, лекин... Шошмай тур. /*Гўшакни четга қўяди ва кўзгу ёнидан ўтатуриб, ўз аксига қарайди. Палто ва шляпкани ечади, яна гўшакни қўлига олади.* / Яна менман... Ҳа, эрталаб кузатиб қўйдим... Вой, вокзалда нималар бўлганини

кўрсанг эди! Одамлар вагон ёнида таниқли артистлар турганини кўриб, уларни ўраб олишди. Бошланди саволу суриштиришлар — “Қаёққа кетяпсизлар? Нимага?” Хуллас, тасодифий митингга ўхшаган нарса бошланиб кетди. Поездга чиқишга зўрға улгуришди. Улар ўзлари билан бир сават хўл мева, ҳар хил егуликлар, анави винодан — оти “қиндамараули”, шекилли, — олиб олишибди. Ҳа, у н и н г яхши кўрган виноси экан. Ахийри, поезд қарсақлар кузатувида йўлга тушди. Миша бўлса, — мен унинг паришон нигоҳидан ҳеч кўз узмадим, — Миша ўзини йўқотиб кўяёзди бу шовқиндан. Э худо, ахир у ҳеч кўрмаган-да, бунақа иззат-икромни. Ўзим ҳам бу бўлаётган муносабатларга ҳеч ишоналмаяпман. Ҳаммаси пьеса ўқилгандаги тантанадан бошланди. Кейин ҳар ёқдан қилинган сон-саноқсиз қўнғироқлар, телефонда муҳаббат изҳор этишлар. Менгамас, Мишага, албатта. Тўғри, мен ҳам куруқ қолмадим ширин такаллуфлардан, худди шоли орқасидан сув ичган курмакдай. Устига-устига, сен яна менга палто билан шляпка харид қилишни уюштирдиг. О, раҳмат, албатта. Умуман, мен ҳанузгача қандайдир... Эшитяпсанми, нукул тинмай гапириб ётибман... ўзимни тўхтатолмай. Мен ўзимни таний олмай қолдим. Ишонасанми, баъзи пайтларда, ҳаётимизнинг яна эски ўзанига қайтишини хоҳлаб қоламан. Йўқ, ноз қилаётганим йўқ. Нукул, назаримда, ҳозир келиб: “Бўлди, бас энди! Томоша тамом!” — дейишадигандай туйилади менга. Шунинг учун кўпинча телефонни узиб қўяман. Ҳеч бўлмаса, шу жим турсин, аввалги вақтдай. Сен нима демоқчи эдинг? Йўқ, худо ҳаққи, бошқа ҳеч нима керакмас. Жуда ҳам хавотирга соляпти мени бу мақтовлар. Сирасини олганда, Миша билан биз буларнинг барига оз-оздан кўникишимиз керак. Ҳеч хаёлга келмаган нарсалар тўсатдан юз берди. Нима қилардим? Уйку дориси ичаман-да, ухлашга уриниб кўраман. Кеча кечаси бир лаҳза ҳам мижжа қоқмадим. Тўғри, биламан, бахтли ҳисоблашим керак ўзимни, лекин... фақат кутиш билан кун кечиролмайман... ҳатто энг эзгу хабарни кутиш билан ҳам. Ҳозир атрофимиздаги ҳамма одамлар ниманингдир тараддуида, кўринишлари ўйчан ва жиддий. Миша билан икковимиз гўё бошқа бир сайёрага бориб қолгандаймиз, у ерда фақат аломат махлуқлар. Тикилиброқ қарасанг, башаралари танишга ўхшайдию, лекин негадир ҳаммалари жуда илтифотли. Нима деб гапирма, ҳамма гапингни маъқуллаб бош иргашади. Ҳайронман, бунақа шароитда, масалан, подшолар, қироллар, ҳукмдорлар, императорлар қандай яшашаркин, чўчиб кетишмасмикин — ҳеч тасаввур қилолмайман. Мен бўлсам ўша заҳоти... Майли, бўлди. Кўп жаврадим. Сени ўпиб қоламан. /Ўшакни илади. Анчагача қимир этмай ўтиради, кейин биринчи пардада қўйгани Обухова ижросидаги пластинкани патефонга қўяди. Нариги хонага чиқиб кетади. Қўлида бир стакан сут билан қизил халатда қайтиб чиқади. Уйку дорисини сут билан ичади. Пластинка айланиб бўлгач, патефонни ўчиради ва оромкурсида оёқларини тагига йиғиб ўтириб мудрай бошлайди./

Саҳна қоронғи. Яна чироқ ёнади. Эшик қўнғироғи жиринглайди. Яна жиринглайди.

/Уйғониб кетиб ўшакни кўтаради./ Ҳа, эшитаман! Гапиринг!

Эшик қўнғироғи яна жиринглайди.

Вой, нима бўлди менга? Эшик экан-ку! /Ўшакни илиб эшик томон кетади./

Унинг: “Вой, Миша?!” деган овози эшитилади. Елена Сергеевна Булгаков билан кириб келади.

Мен бўлсам уйқутираб, телефон деб ўйлабман. Тинчликми? Нима бўлди?

Булгаков. Кечир, сени уйғотиб юбордим. Калитим, билмадим, қаёқда қолибди...

Елена Сергеевна. Мен телеграммангни кутувдим, ё йўлдан қўнғироқ қиларсан, деб ўйловдим. Сен бўлсанг...

Булгаков. Мен — мана, қайтиб келдим. Кўриб турибсан — Батумга етиб боролмадик /*Утиради ва жим қолади.* /

Елена Сергеевна. Нима бўлди? Поездга бир нима бўлдимми?

Булгаков. Поездга ҳеч нима бўлгани йўқ.

Елена Сергеевна. Худога шукур-е! Мен, ҳалокат содир бўлибдим, деб ўйлабман.

Булгаков. Сен тўғри ўйлагансан.

Елена Сергеевна. Гапингга тушунмадим.

Булгаков. Серпуховда бизга телеграмма тутқазиди: “Сафарингизга ҳожат йўқ. Москвага қайтинглар”, — деган. Мен Тулагача бориб, ўша ердан автода қайтиб келдим. Сабабини билишга уриниб кўрдим. Лекин ҳеч қандай расмий изоҳ беришмади. Фақат бир нарса аниқ: ҳамма ҳаракатлар зое кетади энди.

Елена Сергеевна. Нега ахир? Нега?

Булгаков. Айтишларича, Берия пьесани ўқиб чиқиб: “Сталин семинариядан эмас, халқ ичидан чиққан”, — деганмиш. Аниқ ифодаланган фикр шу.

Елена Сергеевна. Бемаънилик! Айтгани билан нима ҳам қила оларди? Берия Сталин эмас. Ҳали маълуммас Сталиннинг нима дейиши. Ундан кейин, башарти пьесанинг у ер-бу ерини тузатиш лозим бўлса...

Булгаков. Кичкина болага ўхшайсан-а. Наҳотки тушунмасанг, Берия Сталин ҳақида ёзилган пьесани ҳеч қачон чиқитга чиқармаган бўларди, агар унинг фикрини билмаса. Ундан кейин, Бериянинг нима дахли бор бунга? Шунчаки, бу гал Сталин ўзига янги тахаллус танлабди, холос. Бу унинг усули: бегонанинг ойболтаси билан қалта чопиш.

Елена Сергеевна. Тсс... /*Телефонни узиб қўяди.* /

Булгаков. У худо-ку. Гард юқмаган покиза қўллари билан мангу яшаши керак халқ хотирасида.

Елена Сергеевна. Миша, мен телефонни ўчириб қўйдим, лекин деворнинг ҳам қулоғи бор ахир.

Булгаков. Мен бўлсам — тилман! Ҳозир шу гапимни унинг юзига айтган бўлардим!

Елена Сергеевна. Қандай бемаънилик! “Халқ ичидан чиққан “миш!”

Булгаков. Йўқ, гап бошқа ёқда. Уни нимадир қаноатлантирмаган. Лекин сабаб нима? Бу ҳақда бош қотириб ўзингни қийнашдан наф йўқ. Барибир, ҳеч ким сен билан тортишиб ўтирмайди.

Елена Сергеевна. МХАТ аҳли нима деяпти?

Булгаков. Серпуховдаёқ поезддан тушиб кетиши. Лекин уларнинг аҳволини тушуниш мумкин. Менинг оғзимдан, худо кўрсатмасин, бирон ноҳўя гап чиқиб кетишидан кўрқашгандир балки.

Елена Сергеевна. Шуми бор-йўқ гапинг?

Булгаков. Яна нимани истайсан? Тўғри, Авенир йиглаб юборай деди. Лекин Бадиий театр аҳлида нима гуноҳ? Менинг тақдирим — бу менинг қисматим. Бу юкни мен ёлғиз ўзим елкамда кўтариб боришим керак.

Елена Сергеевна. Мен қаёқда қолдим?

Булгаков. Кечир.

Елена Сергеевна. Қара, бугун кўнглимга келганди-я шу гап. Бу бўлаётган тантаналар бизга тааллуқли эмасдек туйилганди. На чора, Миша, икковимиз яна ўзимизнинг одатий ҳаётимизга қайтдик деб ҳисоблайвер. Ҳеч хавотирли ери йўқ бунинг. Яшайверамиз. Биз бардошлимиз. Худди кинодагидек: орқага буриб қайтарсак — бўлди.

Булгаков. Э, йўқ. Ҳаётда орқага қайтиб бўлмайди. Ётиш бошқаю, йиқилиш бошқа.

Елена Сергеевна. Лекин сен ҳеч қаёққа йиқилганинг йўқ.

Булгаков. Йиқилдим, йиқилдим. Энди кечирришмайди атрофимиздаги одамлар.

Елена Сергеевна. Атрофимиздаги одамлар? Ахир кўрдингку ўзинг — улар буқаламунлар! Ҳали ўшалардан хижолат бўляпсанми? Энг муҳими — сен ўзингни ёмон отли қиладиган ҳеч бир иш қилганинг йўқ.

Булгаков. Ҳамма бало шунда-да — бор. Мана, ҳозир мен: “Бегонанинг ойболтаси билан”, деб бақирдим. Сен ҳатто телефонни узиб қўйдинг. Бундан чиқди, мен фақат бўйнимга ойболта тушгандагина баъзи нарсаларни тушунибман-да? Нима, илгари тушунмаганмидим? Тишинг ўзганинг лунжида оғримайди-да, тўғрими? Бу ишга киришмаслигим керак эди! Сен ҳам огоҳлантирувдинг...

Елена Сергеевна. Мен бунга назарда тутмагандим...

Булгаков. Аҳамияти йўқ. Сен сезгансан. Сен ҳақ эдинг. Мен бўлсам, анави овсарларнинг гапига кириб ўтирибман!

Елена Сергеевна. Қўйсанг-чи, овсар эмас улар!

Булгаков. Майли — қуллар. Мен ҳам — қулман. Нима қиламан ўз айбимни бошқаларга афдариб? Бу — қароллар удуми! Ахир ўзим уни кўз остимга олгандим-ку... қизиқарли сиймо деб...

Елена Сергеевна. Сен ҳеч бир ёмон иш қилганинг йўқ.

Булгаков. Мен ожизлик қилдим. Драматург ожиз бўлмаслиги керак. Лекин мен, зора шу ишимни, инсоф юзасидан, шикаст етказмай қабул қилишса, ишқилиб, асабни бузиб, тинкани қуритадиган хавф-хатар бўлмаса, деб умид қилгандим. Мен шу умидимга учдим, худди энг мараз...

Елена Сергеевна. Бўлди! Сен ҳалол ишладинг. Пьесангда бир оғиз ҳам ёлғон гап йўқ.

Булгаков. Ёлғон гапирмаслик — ҳали бу ҳақиқатгўй дегани эмас. Нима, бир ишни кўрмаслик, иккинчи иш ҳақида чурқ этмаслик, учинчи ишни маъқул топиш — бу ҳалолликми сенингча? Агар ростини билмоқчи бўлсанг, баъзида ҳақ сўзни ҳайқириб айтиб ҳалок бўлсам дейман — бу аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир ҳалол йўли шу! Шундай қилишга журъатинг етмайдими, хап ўтир! /пауза./

Елена Сергеевна. Хўш, энди нима бўлади?

Булгаков. Эртага Бадий театрда учрашув белгиланган. Нима қилиш кераклигини ўйлаб кўришади. Мен тўйдим. Ҳеч нарсага ҳолим қолмади. Бормайман. Мен негадир... Яхшиси, ётақолай.

Елена Сергеевна. Тобинг қочиб қолмадими, ишқилиб?

Булгаков. Жуда ҳам чарчаганман, холос. /Оромкурсига чўқади./

Елена Сергеевна. Ҳа, ҳа, шунақага ўхшайди. /Эрининг оёқларига плед ёнади./ Ўзи бўладими ярим йўлдан қайтиш. /Кафтини унинг пешонасига қўяди. / Иссиғинг йўқ. Малинали чой дамлаб берайми? Бирон нима ерсан балки? Ваннани ёқсам нима дейсан?

Булгаков /*заифгина жилмайиб*/. Ҳарҳолда, ўзим шифокорман-ку. Ванна — яхши. Малинали чой ҳам. Лекин ҳеч нима егим йўқ.
/Пауза./ Начора, мантиққа зид ўлароқ, менинг ўз одатий ҳаётимга қайтганимни эъгироф этишга уриниб кўрамиз.

Елена Сергеевна. Ўз одатий ҳаётимизга.

Булгаков. Кечир. О, сени салгина бўлса ҳам бахтли қилишга қанчалик умид боғлаганимни билсанг эди!

Елена Сергеевна. Мен бахтлиман сен билан. Кўриб-билиб текканман сенга. Никоҳдан ўтаётганда ҳамма шартларга кўниб... Шодиёна кунларда ҳамнафас, қайғули кунларда ҳамдарад бўлиб, то қазои муаллаққача...

Булгаков. Ҳали ўзининг биринчи ажойиб эрини тарк этган хотиннинг оғзидан чиқяптими шу сўзлар?

Елена Сергеевна. Шунинг учун ҳам ташлаб кетганман-да уни. Ваъда бериб устидан чиқмаслик инсофданмас. /*Узоқлашади. Булгаков пичирлаб гапирди.*/ Бир нима дедингми? Эшитмадим.

Булгаков. Йўқ, ҳеч нима. Ҳа, айтгандай, сен менга... хаҳ, эсимдан чиқди дорининг оти. Қара, ҳозиргина тилимнинг учида турувди-я. Шифокорману эслолмаяпман... Нима жин уриб шифокорлик касбимни ташладим-а? Виждоним пок бўларди.

Елена Сергеевна. У қанақа дори эди?

Булгаков. Ҳозир эслаб кўраман. Йўқ, эслолмаяпман! Миям хувиллаб ётибди... Шифокор бўлганимда кимгадир оз бўлса ҳам ёрдам текканидан, тинчгина ҳаловатда ухлардим.

Елена Сергеевна. Балки мен биларман. Нима безовта қиляпти ўзи сени?

Булгаков. Кўзим. Кўзимга бир нима ботаётгандай. Хира тортган. Худди қора парда тўсгандай.

Елена Сергеевна. Нима дейсан, Авенирга кўнғироқ қилайми? Дарров ташкил қиларди. Шифокорниям, бошқа ишларниям.

Булгаков. Кераги йўқ. Кўй, уни безовта қилмайлик.

Елена Сергеевна. Унда, “тез ёрдам”ни чақираман.

Булгаков. Буни ҳам кераги йўқ. Ўзим шифокорман-ку, ўзим биламан ҳаммасини. Мана, оғриқ қоляпти. Мана, яна кўряпман сени. Бинойидай.

Елена Сергеевна. Яна нималарни кўряпсан? Мендан бошқа!

Булгаков. Шунинг ўзи кифоя. Йўқ, бу ҳазил эмас. Бор, ваннани тайёрла.

Елена Сергеевна эрига шубҳаланиб қарайди, сўнг чиқиб кетади.

/Секингина./ Кетдингми? /Пауза./ Дабдала қилиб юборишди мени. Бу гал бутунлай адойи тамом қилишди...

О в о з. Минг тўққиз юз қирқинчи йилнинг ўнинчи март куни соат тўртдан ўттиз тўққиз дақиқа ўтганда Михаил Афанасьевич Булгаков қирқ тўққиз ёшида ёруғ дунёдан кўз юмди. У қазо қилган куни Сталиннинг котибиятидан кўнғироқ қилиб сўрадилар: “Ўртоқ Булгаков ўлганмиш, шу тўғрими?”. “Ҳа”, - деб жавоб қилдилар. У томонда индамай гўшакни илиб қўйдилар.

Парда

Тасвир – тафаккурнинг қаноти

Сухбат

Нодир НОРМАТОВ: Тўра ака, Сизга яхши маълумки, "Жаҳон адабиёти" журнали таҳририяти ўз анъанасига кўра, тасвирий санъатга оид мақолалар бериб бормоқда. Шунга кўра, келинг, мавзумизни бугун сиз билан жаҳонда ва Ўзбекистонда тасвирий санъат оламида рўй бераётган янгиликларга қаратсак. Бунинг яна бир сабаби – олис Бойсунда ижод қилаётган рассомга жаҳон тасвирий санъати қандай таъсир кўрсатаётгани бизни қизиқтиради. Сизнинг баъзи ишларингизда француз рассоми Гоген асарларининг ижодий таъсири бор. Нима учун айнан шу рассом ижоди билан қизиқиб қолгансиз? Шу кунларда сиз ҳақингизда Ўзбекистон телевиденниси орқали намойиш этилган фильм ҳам "Бойсунлик Гоген" деб номланган. Тўғри, Гоген ҳам сиз каби куллолик, ҳайкалтарошлик ишлари билан шуғулланган. Аммо у асосан, рангтасвирда ном қозонган.

Тўра ШОМИРЗАЕВ: Рангтасвир санъатига келсак, мен институтда ўқиб юрган пайтларим италиялик рассом Ренато Гуттузо таъсирига берилган эдим. У реал тасвирларни шундай юксак чўққига олиб чиққан эдики, уларда ўзидан ўзи абстракт шакллар ҳам келиб чиққанди. Яна бир томонини айтсам, мен учун у айнан бугунги кун рассоми. Кейинчалик Матисс, Ван Гог, Гоген каби рассомлар ижоди мени ўзига жалб эта бошлади.

Ҳамма рассомлар ичидан Гогеннинг Таити оролига бориб ишлагани, яшагани менинг фикримни, қалбимни ром этди. Унинг бир вақтлар чизган суратларини мен ҳозир шунчалик ич-ичдан, қалбдан ҳис этаманки, назаримда, рассом уларда менинг ички туйғуларимни бергандай. Назаримда, ҳеч бир рассом инсонни табиат билан уйғунлашишини Гогендек кўрсата олмаган. У одамларнинг табиатга муносабатлари, боғланишлари, уларнинг ички дунёсини шунчалик ҳис қилганки... Шу боис катта файласуф даражасига кўтарила олган. Ҳаттоки, унинг одамларида ўзимизнинг Сурхондаги қишлоқ одамлари образини кўраман. Мен Гоген ҳақида кўп гапиришим мумкин. Чунки унинг образларида ўзимнинг ички дунём бор.

Н.Н.: Мана бу ерда тўхтасак. Ички дунё сўзини биз одатда кўп ишлатамиз. Ички дунё сиз учун нима, хаёлми, ўйми? Ёки хаёлнинг ифодасими? Сийратнинг суврат билан бирикувими?

Т.Ш.: Охирги гапингиз тўғриёв. Мен файласуф эмас, рассомман. Шу боис, уни кўпам чуқурлаштирмайман. Очиги, ички дунём дейману, у ҳақда сўз очмоқчи бўлсам, каловланиб қоламан. Ичимда қандайдир, ҳаттоки ўзим тушуниб етмайдиган бир дунё яширинган. Ана шу яширин дунёни ташқи дунёдаги нарсаларда, дейлик, Гоген образларида, рус рассоми Врубелнинг "Демон" образларида кўраман. Бир хил пайтлари "Демон" га қараб, бу менми деб юбораман. Ҳаттоки оилам (турмуш ўртоғим демоқчи - Н.Н.) характеримни кўп кузатганда, "Сиз ҳақиқатдан Демонсиз деб ҳазиллашадими-ей... Менга баъзида биз яшаётган макон торлик қилиб қолади, кенглик истаб қоламан. Ёки миниатюраларда ишланган Мажнун образида ҳам ўзимни кўраман. Баъзан ўзимга жой тополмай Гогенга ўхшаб, цивилизация ҳали кириб бормаган, одамлар

онгига ҳали ҳар нарса сингиб кетмаган, дунё ҳақида орзу қилиб ҳам қоламан. Шунданми, баъзан ўзим яратаётган асаримдан кўнглим тўлмайди. Нимагадир улар мени қаноатлантира олмайди. Бу менинг ички дунём, аслида мен шундайман, уни сиртимга, яъни тасвирий санъатга олиб чиқишим керак. Аммо, ўқиш мобайнида бошқача тарбия, бошқача таълим олганман, шунинг таъсирида ташқи дунём ўзгарган, холос. Буни ифодалаш учун турли тасвирий воситалар, турли усуллар қидиришим лозим бўлади.

Н.Н.: Усуллар, тасвир воситалари ҳақида сўз очдингиз. XX асрда ва ҳозирги кунда жаҳонда замонавий тасвирий санъатнинг оқимлари бениҳоя кўпайиб кетди. Бу ҳақда фикрингиз қандай? Уларнинг таъсир кучи аввалги мумтоз асарлар даражасида ёки... Баъзан улар ҳақиқий санъатдан узоқлашиб кетаётгандай эмасми?

Т.Ш.: Бундай ҳолат биргина тасвирий санъатда эмас, балки санъатнинг ҳамма соҳаларида ҳам кузатилмоқда. Қолаверса, бундай кенг "дастурхон" томошабинга кўнглига ёққанини танлаши учун катта имконият яратади. Таъсир кучига келсак... Билмадим. Бунинг учун маълум бир муддат керак, вақт синовидан ўтиш керак. Истаймизми йўқми, бу табиий жараён. Аммо санъатнинг кучи, таъсири муаллифнинг маҳорати қай даражада эканлиги билан ҳам боғлиқ. Ҳар бир янгиликнинг ижобий ва салбий томонлари бўлади.

Н.Н.: Тасвирий санъат бугунги ҳаётимизга жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Одамлар ўз уйларида, идораю ишхоналарида, фирмаларда картина, пейзаж, натюрмортлар осииш урф бўлаётти. Ҳатто айримлар қошона уйларида, айвонлари деворларида амалий санъат безаклари билан бир қаторда, манзаралар чиздиришмоқда... Коллекционерлар кўпаймоқда. Улар орасида хашакию чинакам санъат асарлари – баридан бор.

Т.Ш.: Авваламбор, мана шу жараённинг ўзи қувонарли. Майли, ҳавас қилибми, бировга тақлид қилибми, одам санъат асари йиғишга қизиқар экан, буни фақат табриклаш керак. Оз-оздан ўрганиб доно бўлур дейдилар-ку. Мана шунда ҳақиқий ижодкор асарларини ҳам тушуна бошлаш жараёни юзага келади.

Н.Н.: Ҳақиқий ижодкор деганда нимани назарда тутасиз? Унинг мақоми, ўлчови, мезони нималардан иборат деб ўйлайсиз?

Т.Ш.: Бир пайтлар Москвага борганимда, Пушкин музейида Франциядан кўргазмага олиб келинган Леонардо Да Винчининг "Мона Лиза" портретини томоша қилганман. У ердаги катта навбатни айтинг. Одамлар у ерга кирмасдан, кўрмасдан олдин ушбу сурат ҳақида биланларини гапириб бораётти. Кирдик. Портрет бир деворда осилган, атрофида бошқа ҳеч қандай асар йўқ. Портретнинг икки томонида икки соқчи қурол билан турибди. Портретдан сал нарида арқон тортилган. Сурат кичкина ҳажмда, лекин сеҳри, жозибаси ўзига тортади. Томошабинни тўхташга мажбур қилади. Афсуски, сурат олдида тўхтаб туриш ман этилган. Шунга қарамай, унинг олдида бир кишининг қотиб қимирлолмай қолганини кўрдим. Бу – санъатнинг қудратли кучи.

Бу санъат асарини бебаҳо хазина дейишади. Ҳаққоний гап. Бу асарни Москвадан Японияга денгиз ости йўли орқали эҳтиётлаб олиб ўтганлари бежиз эмас. Мана, санъатнинг буюк кучи, улуглиги. Японияда портретдаги Мона Лизанинг сирли, сеҳрли оғзи, лабини ўрганиш мақсадида энг замонавий техникага таяниб, уни гапиртирган дейишади. Портрет ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган. Санъатнинг инсонга таъсири ҳақида яна бир мисол айтмоқчиман. Третьяков галереясида Репиннинг "Иван Грозний ўз ўғлини ўлдираётти" деб номланган асари бор. Асарда ўғилнинг бетидан оқаётган қон бир офицерга шунчалик таъсир қилганки... Унинг эси оғиб, картинага пичоқ санчиб, йиртган, Кейин у "Мана, унинг ўзи ўлди..." деган.

Ҳар қандай санъат асарига совуққонлик билан қаралса, у сизга ҳеч қандай завқ бермайди. Ҳозирги пайтда, менимча, рассом билан томошабин орасидаги муносабат етарлича эмас... Ҳақиқий ижодкорни тушуниш етишмаяпти. Бу ерда ким айбдор? Балки томошабин ўша, илгариги рассомлар услубида ишлаган расмларни биздан кутишяптимикиан? Йўқ... Замон ўзгаришда, ҳар соҳа ўз йўналиши бўйича ўзгариб, ҳаёт талабига мослашади. Тасвирий санъат, қолаверса, бутун санъат ҳаётдан ажралиб, ўз қобилигида қотиб қолмайди-ку. Бугун санъат

тубдан ўзгариб бормоқда, янгиликларга бойиб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, томошабин ҳали бир йўлдан чиқиб, иккинчи йўлга кириб улгургани йўқ. Гап шу ерда. Бу ўринда санъатшуносларимиз олдида катта ишлар турибди. Бундан ташқари, биз – рассомлар уларни кўрғазма залларига тез-тез тортишимизу, ўз асарларимиз ёнида тўхтата олишимиз керак эмасми?! Мен бир пайтлар Санкт-Петербургда "Ломоносов" чинни заводи музейида чиннидан ясалган катта дастанни кўрган эдим. Чиннининг қалинлиги қоғоздай бўлиб, дунё санъати дурдоналарига кирар экан. Кўрсангиз, уста санъатига қойил қоласиз. Бу амалий санъат. Шундай нарсаларни кўрганда, ўзингни бахтиёр сезасан. Москвадан ўтгиз километр нарида "Абрамцево" деган жойда рассомлар дала-ҳовлиси бор, дача бор. Ёнидан катта анҳор оқади, атрофи дарахтзор, гулзор, эртақдагидек манзарали жой. У ерда XVIII аср охирларида яшаб ўтган, кейинчалик "передвижники" номи билан санъат тарихига кириб келган сайёр рассомлар: Врубел, Левитан, Паленов, Репин ва бошқалар яшаб ижод этишган. У ерда Врубел ишлаган керамика ишлари, керамикани пиширадиган печкаси ҳали ҳам турибди. Ушбу дала ҳовлида рус рассомлари иноқлашиб, бирлашиб, рус санъатини юксак чўққиларга кўтаришган. Ҳозир у ер музейга айлантирилган. Ҳаттоки, Чехов ўша ерда дам олиб, асарларини ёзган.

Н.Н.: Гап ўртасида томошабинни кўрғазмаларга жалб этиш ҳақида гапириб қолдингиз. Менимча, пойтахтимизда бу ҳолат анча жонланган. Йирик кўрғазмаларга жамоалар, талабалар, ўқувчилар навбат билан боришлари ташкил этилмоқда. Аммо уларга санъат оқимларини, асарларни шарҳлаб бериш лозимга ўхшайди. Ўзбек тасвирий санъатида ҳозирги кунда турли-туман оқимлар кўпайиб бормоқда: реализм, сюрреализм инсталляция, видеоарт ва перформанс, постмодернизм санъати – воқелик ҳақида виртуал тасаввур берувчи ҳаёлий образлар яратишлар... Contemporary artга бўлган эҳтиёж... Бу ёғи ижод эркинлиги дегандай, ҳар ким исталган ишини кўрғазмага қўймоқда. Сиз тасвирий санъатни қайси усулда ёки услубда ривожланишини хоҳлар эдингиз? Сон-саноксиз асарлар яратилипти, уларнинг сифати қандай, жойи қай ерда бўлади? Ўзимизни мамнун қилиш учун ишлаётганга ўхшамаянмизми?

Т.Ш.: Бундай саволлар туғилиши табиий. Ҳаёт ҳамиша ўз муаммоларини яратади. Менимча, тасвирий санъатдан кўра, амалий санъатга талаб ўсиб борапти. Мана, ҳозирги даврда ўзбек санъатида эркинлик бор. Азалдан дардларимни очиб берувчи, ички хоҳишларимни ифода этадиган бирон йўл топишни орзу қилганман. Аммо собиқ тузум пайтида сиёсат, мафкура йўл бермасди. Чунки бундай йўл, йўналиш қийинчилик, машаққатли узоқ меҳнат билан пайдо бўлади. Қолаверса, у рассомдан катта куч-қувватни талаб қилади. Нимага Ўзбекистонда биронта рассом сўзана тасвири йўналишидан кетмаган. Жавлон Умарбеков ўз асарларини сўзанага мос таққослайман дейди, лекин бу ҳолат сезилмайди. Сўзанага, менимча, Анри Матисс ишлари яқин. Мен ўзбек рассоми ишида мақом, сўзана, халқ қулоччилиги ва бошқа санъатлар қоришиб, сирли фалсафага эга бўлишини хоҳлар эдим. Тўғри, бу оғир жараён, бунга эришмоқ учун рассом ўз ҳаётини Матиссга ўхшаб бағишламоғи керак. Бунга кўп йиллар, кўп изланишлар туфайли эришмоқ мумкин. Худди шундай фикрларни миниатюра ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чингиз Аҳмаров бу йўналишнинг устаси. Лекин, иккинчи Чингиз Аҳмаров чиқса, бу ёмон. Миниатюрада турли йўл ва изланишлар орқали ютуқларга эришиш мумкин, аксинча уни ўрта аср аслиятларидан кўчириб қўйиш кечириб бўлмайдиган ҳолат. Бу жараённи босиб ўтдик. Шарқ миниатюра санъати ривожини менга ёқади. Миниатюра мазмунга жуда бой ва мураккаб ёдгорлигимиз. Унга ҳурмат билан қараш керак. Уни қалбга сингдириб, ҳали ҳеч ким эришмаган янги йўлга киритиш лозим. Бу ҳам ижодкордан жасорат, матонат талаб қилади. Миниатюрани замон талабига мослаштириб, томошабинга етказиш оғир меҳнат, шу бизни кўрқатиб қўйган бўлса керак. Сўнгги йилларда кўпроқ енгил йўл – миниатюрани шундоқ кўчириб қўйиш билан чалғиб қолдик, шунинг учун бу йўлдан нарига чиқа олмаяпмиз. Чет эл рассомлари бир пайтлар буни уддасидан чиқишган эди. Боболаримиз ютуқларини ўзларига олиб, қайта ишлаб, яна ўзимизга тақдим этишган, ахир... Ван Гог япон гравюрасини "чайнаб",

Ўзининг "мен" лигига келди. Матисс, Миро ва бошқалар ҳам шарқ миниатюра-сидан "чиқишди". Шу ўринда Александр Волковни тилга олмоқчиман. Волков ўзи яшаб ўтган даврнинг ҳаққоний рассоми. У ўзбек ҳаётини ҳис эта билган, халқ дарди ўзининг дардига айланган. Волковнинг "Рассом ҳар бир ёзиш манерасини ҳаётдан излашни керак", деган гапларига унинг ижоди мисол бўла олади. "Анорзорли чойхона" асаридаги ишлаш манераси шу мавзунинг очмоқ истагидан чиқиб келган. Рассом Чингиз Аҳмаровни ҳам миллат санъатининг юраги деса, арзийди. Чингиз ака жуда кўп йиллар изланди. Ўзгарувчанликни аста-секин бир-бирига боғлаб борган рассом санъатни мўъжиза даражасига чиқарди. Деворий ишлари девор билан боғланган, ундан фарқланувчи тасвирий асарлари мато билан боғланиб кетган. Рассом миниатюра санъатини ҳам ўз мақсадларига бўйсундира олган. Бу ижод миниатюрадан кўчирма эмас. Бу Чингиз аканинг миниатюрадан ажратиб олган ўз миниатюраси. Ўзбекистонда яхши рассомлар кўп. Лекин, ўзларини ҳар томонга уриб, айнан ўзбек ҳаёти фалсафасини, унинг ҳамма санъатини англаб, йўналишга кирган рассомлар йўқ. Тўғри, ўзларининг фақат маҳорати, санъати билан машҳур рассомлар - Н.Шин, Ж.Умарбеков, Р.Аҳмедов, М.Кагаров ва бошқа рассомлар бор. Мен айтмоқчиманки, фақат дўнпили ё саллалли ўзбек, рўмолли ўзбек аёлини ишлаш билан ўзбек рассоми бўлиб қолмайди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз халқ мусиқаларини эшитсангиз, миллат қони, юраги, ҳаёти билинади, қолаверса, бу наволар ўша замин тупроғидан чиқаётганга ўхшайди. Бу нарсаларни Александр Волков асарларида сезаман. Француз рассоми Боннар Францияни, арман рассоми Сарьян Арманистонни шундай сеза олган. Уларни ҳақиқатдан миллат рассомлари деса бўлади. Булар абадий рассомлари. Ҳаёт чексиз бўлганидек, санъат қирралари ҳам чексиз. Бу соҳада кўп янгиликлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Абстракционистлар ҳам ўзича тўғри, улар санъати ҳам ҳаётнинг бир кўриниши. Биз қўрққан пайтимиз, ваҳимага тушган чоғларда кўзимизга биз кўрмаган нарсалар кўринади, уни биз ажина, алвасти деган номлар билан юритамиз. Бу мавҳумот эмасми? Менимча, ҳеч ким ҳеч нарсани бошқа сайёрадан юлиб олиб келмайди, шу заминда яшаймизми, ҳар қандай туйғу бизда шу ерда пайдо бўлади. Агар бу ҳодисаларни биз онгли равишда бирор йўлга солмасак, унинг тугунини ечиб бўлмайди. Ҳар қандай нарса ҳақида қанчалик тортишманг, унинг охирига етолмайсиз. Шу тугунларни ўзига мужассам этган фан — фалсафа бўлса керак. Файласуфлар ўз фикрини айтишади, лекин, тортишмайди. Чунки баҳснинг охири йўқ. Менимча, санъат ҳам худди шундай. Ҳа, айтмоқчи, Рўзи Чориев шу мақсадга интилар эди.

Н.Н.: Машҳур рассом Рўзи Чориев билан ҳам Бойсунда тез-тез учрашиб тургансиз. У киши ҳақидаги хотираларингизни биз билан ўртоқлашсангиз.

Т.Ш.: Худо раҳмат қилгур Рўзи Чориев билан Бойсун бағридаги Авлод, Сарийосиё, Сайроб қишлоқларида бирга этюд ишлардик. Тоғнинг олис "Бўри-тахта" деган жойида чодирда ётиб, тонгни, шомни кузатганмиз. Рўзи ака бу ерга Тошкентдан институт талабаларини, шоғирдларини олиб келарди, улар билан ойлаб ишлаб кетарди. Ҳозир кўчада елкасига этюдник осиб юрган кишини учратмайсиз. Нега шундай экан? Бу ўзгаришлар мени ўйлантириб қўяди. Рўзи ака аломат одам эди. Санъатда эринчоқликни билмасди. Шу жиҳатдан одамни оҳанрабодек тортарди. Шу жумладан мени ҳам. Эсимда, 1986 йили турмуш ўртоғим, уч қизим билан Риганинг Скулте деган авиашаҳарчасида дам олдик. Бир куни ёндафтаримни очиб қарасам, бир-икки кундан кейин Ленинград Рассомлар уюшмаси залида, рассом Рўзи Чориевнинг шахсий кўрғазмаси бўлади, деган ёзувга кўзим тушиди. Дарҳол оилам билан, поездга ўтириб, Ленинградга кетдик. Катта зал рассом ишлари билан тўла. Шунда мен унинг нақадар бетакрор рассомлигини англадим. Аммо ижодини ҳалигача тушуниб етолганим йўқ. Питерликлар кўрғазма ҳақида турлича фикр билдиришди, Буранов, Маслов каби катта рассомлар Рўзи ака ижодига юксак баҳо беришди. Муҳими, ҳеч ким бефарқ қолгани йўқ.

Н.Н.: Ҳа, ўша кўрғазма анча шов-шув бўлган эди. Питерликлар Рўзи аканинг портретларига тан беришган эди. Тўра ака, нима учун сиз портрет жанрида кам ишлайсиз. Ахир, сизнинг "Кўнғирот аёллари" портретингиз анча тилга тушган эди. Бошқача бир мақомда ишлагансиз шу асарни.

Т.Ш.: Портрет жанри - энг оғир жанр. Бу ерда бошқа жанрларнинг мураккаблигига қўшимча - унда ҳар бир инсон айнан ўзига ўхшашлигини топиб, ички дунёсини очиб бериш талаб қилинади. Табиатда биронта микроэлемент иккинчисига ўхшамайди. Шундай экан, одамларда бу хусусиятлар яна ҳам мураккаб. Пабло Пикассо шуни ҳисобга олибми, "мен иккита бир хил кўз чизолмайман", деган. Тасвирий санъат тарихида бу жанрда турли йўналишлар, усул ва услублар бўлган. Леонардо Да Винчининг "Мона Лиза" портретидан бошлаб, тў Пикассонинг кубизм портретларигача, кўплаб турли йўналишда портретлар ивланган. Мисол учун, реал йўналишда Леонардо портрет жанрини охириги чўққисига олиб чиққан бўлиши мумкин. Лекин у бошқа йўналишда худди шу чўққига чиқа олганми? Яқинда Швеция rassоми Густав Климтин бир аёл портретини ким ошди савдосига қўйди ва у портрет 134 миллион долларга баҳоланди. Ёзишлариға кўра, шу портретни "Мона Лиза" билан бир залга қўйишмоқчи. Мен ушбу портретни газетда кўрдим. Оддий портрет. Ўзимча ўйладим, бу сурат "Мона Лиза" портрети шаъниға салбий таъсир қилмасмикин? Яъни унинг бебаҳолигини сусайтирмасмикан? Яна ўйлайман. Юнон антик санъати билан ўзимизни солиштирсак, биз қандай ютуққа етганмиз?! Рус rassоми Жилинскийнинг айтишича, "биз санъатда ҳеч қандай янгилик қилганимиз йўқ. Фақат ўзимизни бир бурчакдан иккинчи бурчакка уриб юрибмиз". Тўғри, ҳозирги замон rassомларига оғир. Замон бошқа, талаб бошқа, ривожланиш, информация, техника - буларнинг санъатга таъсири катта. Бугунги rassом томошабинни ўз асари олдида тўхтата билиши керак. Бугунги кун rassомиға тегишли яхши бир сўз бор, яъни маймунға ҳам расм чизишни ўргатса бўлади, ammo ундан rassом қилиб бўлмайди. Бу сўзда катта маъно ётибди. Тўғри, буни тўғри тушуниб етган rassомлар ўзларининг фалсафий ишлари билан томошабин психологиясига таъсир қилиб, бир зум мушоҳадаға чорлайди. Мен шундай асар тарафдориман. Шундай тарзда ишланаётган асарлар йўқ эмас, бор. Мисол, мен рус rassоми Шиловнинг ишларини қабул қилолмайман. Ундай нарсаларни компьютерда ҳам яхши қилса бўлади. Ҳозир Ўзбекистонда Жамол Усмоновға ўхшаган ёш rassомлар чиқмоқда. Агар кимки, замонавий авангард rassомларни тушунмас экан, бу ўзимизнинг айбимиз.

Н.Н.: Менға сизнинг Бойсун ҳаётидан олинган тематик-жанрли асарларингиз ёқади. Тўғри, улар натурадан чизилмагандай таассурот қолдиради. Чунки услубингиз бир қадар Болтикўбўйи rassомлари ижодини эслатади. "Тақдир" асарингизни кўриб, беихтиёр эстониялик Моран деган rassом ишларини эсладим.

Т.Ш.: Балки у ерларда кўп юрганам таъсиридир. Энди тематик- жанрли санъат ва унинг усталари йўналиши ҳақида икки оғиз гапирсам. Менимча, бу жанр тасвирий санъатнинг энг қадимий ва бошланғичларидан бири бўлса керак. Унинг яратилиши эраמידан илгари юрларда, тошларда, овға бағишланган тасвирлардан бошланган. Ўтибор беринг, ҳаттоки, энди қўлиға қаламни, бўёқни олган кичкинтой ҳам расм чизса, ҳаёлиға келган мавзунини ёритишға уринади. Бунға ҳаётни ўзи ундаса керак. Баъзида менға ёш, ҳали ўқиш даргоҳини кўрмаган болаларнинг бирор расми ёқиб қолади. Чунки ҳали уларнинг кўнглиға тўқима, сунъий қонунлар кириб бормаган. Улар ўзларининг юрак амриға қулоқ тутишади. Юракдан чиққан ҳаяжонларини, тасаввурларни тасвирға туширади. Бир вақтлар чет элда болалар чизган расмлар урфға кириб, ҳатто катта rassомлар уларға тақдир қилиб, расм ишладилар.

Илгари rassомлар ўзларининг мавзуларини диний сюжетлардан олишган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳаётий мавзуларға мурожаат қилишди. К.Коро, Ф.Милде, Г.Курбелар биринчи бор ўз ижодларини ҳаётий кечинмаларға бағишлашди. Кейинчалик, тасвирий санъатнинг ўчоғи бўлган Францияда нафақат мавзунинг ўзи, балки, уни очиб беришда қандайдир йўналишлар бошланди. Импрессионизм, гиперреализм, сюрреализм, кубизм, абстракционизм каби оқимлар санъатға кириб кела бошлади. Бу "изм" лар rassомларнинг изланишлари ва табиат билан санъат қонунлари боғланиши мақсадида қўлланилган услублар эди. Ўзбекистон тасвирий санъатига турли оқимлар бирданига кириб келмади. Кўп вақтлар давомида реалистик йўналиши билан ҳозир-

гача етиб келган санъатимизда кўп рассомлар пайдо бўлди. П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, Ч.Ахмаров, Р.Аҳмедов шулар жумласидан. Мен 1990 йилдан бошлаб тасвирий санъат билан шуғуллана бошладим. Тематик ишларимда мени қизиқтирувчи, юрагимни тўлқинлантирувчи сюжетларни тасвирлашга ҳаракат қиламан. Ҳар бир мавзунини очиб беришда унинг ечимига ёрдам берувчи услубларни кўллашга интиламан. Мисол учун, "Тапирувчи тошлар" асаримдаги услубни айнан унга мос деб ўйлайман. Унда рамзийлик бўртиб туради. Ёки "Ўйин оҳанглари" асаримда ўзига хос жўшқин ранглар қўлланган. Иш жараёнида бу нарсалар ўзидан ўзи келиб чиқади. Бу ҳолатга зимдан қаралса, юзаки санъат келиб чиқади. Бундай муносабат ҳеч бир рассомни қаноатлантирмас керак. Ҳаққоний рассом учун асар ишлаш, унга виждони олдида қасамёд ичишдай гап. Тўғриси-ни айтсам, ишларим ўзимни ҳали тўла қаноатлантиргани йўқ. Менда тез-тез янги-янги услубдаги асарлар устидан ишлаш орзуси уйғонади. Лекин, аввало, маҳорат етишмайдами ёки шуурга сингиб қолган эски тушунчаларни ёриб ўтишим қийин бўладими, ишим секин яратилади.

Мен Бойсундан 1959 йил, ўн етти ёшимда чиқиб кетганман. Болалиқда Бойсун тоғ ёнбағирларини кезганим-кезган эди, билмайман, нима ахтарардим? Шу боис, унинг манзаралари, табиати, ҳаёт тарзи кўнглим тўридан жой олган. Балки шулар мени юртга қайтариб келгандир. Мен режиссёр Собиржон Назармухамедовнинг бир гапига қўшилган бўлардим. Шоир ёки ёзувчи бўлиш учун пойтахтда яшаш шарт эмас. Мен талабалигимда таътил бўлди дегунча, қишлоғимга шошардим, ўзим севган сой бўйини бошидан охиригача айланардим, ўтириб тошларни чизардим. Елкамдан этюдник тушмасди. Инсоннинг дунёга, табиатга вақт ўтиши билан муносабати ўзгариб борар экан. Ёшлиқдаги қизиқишини, унинг ўша алангасини ўчирмай ишлаган ижодкор асарлари табиий ҳис-туйғуларни ифода этади.

Расм чизишга энди қадам қўйган пайтларим. Оддий бир гул, унинг ҳар бир барги кўнгилда ҳис уйғотарди. Шунинг эслайману, қани энди ўша таассурот дейман. Биз ижодимиз давомида ана шу ҳис-туйғуларни доим сақлай олмаймиз. Борган сари тонг гўзаллигига, кўёш ботиш олдида унинг тақдим этадиган аланга рангларига бефарқ бўлиб бораемиз. Айниқса, ҳозирги ёш ижодкорларнинг аксарияти табиатдан ажралиб, хонанишин бўлиб қолгандай туюлади менга. Бойсунга рассомлар тез-тез келиб туриб, ишлаб кетишарди. Уларни кўпроқ келишини хоҳлардим.

Н.Н.: Тасвирий ва амалий санъат соҳасида кўплаб мутахассислар тайёрланмоқда. Улар бугунги кунда қатор танловлар ва анжуманларда иштирок этишмоқда. Сиз таниқли ижодкор сифатида улар учун яна нималар муҳим деб ўйлайсиз?

Т.Ш.: Амалиётга кўпроқ эътибор бериш керак. Уни кенг миқёсда олиб бориш зарур. Мен ўзим амалиётдан кўп нарсаларни ўрганганман. Ўқув юртларида устоз-шогирд анъанасини жорий қилиш, амалиётни кўпайтириш лозим. Мутахассислик бўйича фанлар кўпайтирилиши шарт. Тўғри, бошқа фанлар ҳам керак. Аммо уларни (адабиёт ва тилдан бўлак) талаба ўқишни битиргандан сўнг ҳам, ўз хоҳиш-истагига қараб ўрганаверади. Биз кўп шаҳарларда амалиётда бўлиб, кўп билимларни ўрганганмиз. Амалиётсиз қаердан Пикассо, Матисс, Гоген ва бошқа рассомларнинг асл нусхаларини кўрардик, билардик?!

Н.Н.: Сиз ҳар қадамда амалий санъат ҳақида нимаики бўлмасин, унга боғлаб гапирасиз. Қаердаки, хунарманд устами, косибми кўрсангиз, барча ишни ташлаб, ўшанинг суҳбатига ошиқасиз.

Т.Ш.: Бир пайтлар Бойсунда 11 та заргар ишлаган. Ҳозирда уларнинг на номи бор, на издошлари. Бундай йўқотишлар бутун Ўзбекистон бўйлаб собиқ тузум даврида рўй берди. Мана, улар ҳозирда мустақиллик туфайли тиклана-япти. Моҳир усталаримиз ўз хунарларига қайтаяпти. Ҳозир туманимизда ёғочни ўйиб безак бериш, эшик, дарвоза, мебелсозлик, сандиқсозлик ривожланиб қолди. Кулол усталар ўз ўринларига қайтмоқда, гилам, сўзана ва бошқа халқ хунарлари яна қайта шаклланди. Бойсунда ЮНЕСКО томонидан халқ хунарлари маркази ташкил этилди. У ерда йиллар давомида йўқ бўлиб кетган "Алача",

"Жанда" номи билан юритилган матолар қайтадан ишлаб чиқарилмоқда. Уйда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларини соғиш учун кўплаб дўконлар очилган. Заргарлик ишлари ҳам ўрнига қўйилмоқда.

Н.Н.: Санъатшуносларимизнинг бугунги фаолиятига қандай баҳо берасиз? Уларнинг ишларидан кимларни сўнгги пайтларда ўқидингиз?

Т.Ш.: Бу масалани жиддий ўйлаш вақти келди. Мен амалий санъат бўйича ёзаётган Акбар Ҳақимов, Камола Оқилова ва баъзи ёшлардан анча мамнунман. Аммо рангтасвирда бу жараён суст кечмоқда. Ёзганларининг кўплари қуруқ мадҳия. Таҳлил юзаки. Ёки айрим санъатшуносларимиз қийин атамаларни тикштириб, мураккаб жумлалар қуриб, асосий фикрларини ўқувчига етказиша олишмайди. Мен жаҳондаги энг машҳур санъатшуносларнинг китобларини ўқиганман. Улар жуда содда ёзишган.

Бизнинг санъатшуносларимиз мақташга уста, тиллари ширин, шунчалик бўрттириб ёзадиларки, муаллиф асаридан бу фазилатларни излаб топа олмайсиз. Менимча, бундай сентиментал ёндашувлар санъат ривожланишини сусайтиради. Киши кўнглини санъатдан совитади. Аччиқ танқид, тортишувлар бўлмоғи керак. Тортишув ҳақиқатга олиб келади, деган гап бор. Санъатни баҳолашда мен жуда қайсарман. Биз одатда, ким расм ишласа, уни рассом номи билан юритишга ўрганганмиз. Шу тушунча туфайли дунёни рассом босиб кетган. Тўғри, тарих, вақт бунинг ҳаммасини элакдан ўтказиб олади. Кўплар ўзларининг кўнглини тинчитиши учун ишлашади, мен ўзимни ҳам шулардан ҳисоблайман. Биз шу соҳада ўқидик, кўнгилда рассом бўлиш орзуси бўлган. Бу соҳа ичига кириб борган сари тушундикки, рассом бўлиш мураккаб жараён экан. Мисол учун айтсам, спортда ҳаваскор боксчи бор, профессионал боксчи бор. Санъатда ҳам шундай бўлса керак. Мен учун ибрат мактаби – Пикассо, Матисс, Леже, Сальвадор Дали, Гуттузо, Модильяни, Моранди, Футерон, Мондриан, Генри Мур ва бошқа буюк рассомлар. Улар XX аср қиёфасини жаҳон миқёсига кўтариб, ўз асарларида намоён қила олишди. Масалан, Пикассони "Герника" асарида акс этган фожиа бутун дунё одамларининг бошига тушган эди. Рассом бутун инсоният номидан ана шу дардни айтмоқчи бўлади. Уруш – бу даҳшат. Муаллиф асарида мана урушнинг башараси, қисмати деб очиб ташлаган. Ренато Гуттузо дунё халқларини ҳар кунлик оғир ва енгил ҳаётини борлигича, бадиий талқин орқали кўрсатган. Уларни бир миллат рассоми деб бўлмайди. Модильяни бир одамнинг эмас, балки, умуман, инсоният кўнгилида нима сирлари ётибди, шуни ҳис этишга уринади. Мен Модильяни образларида ёки "Мона Лиза" портретларида сирга тўла инсон қалбини сезаман. Модильяни ўз портретларини юрак дарди билан ишлаган. Дунё муаммоларини, халқ дардини ўзлариники деб билган рассомлар туркумига Антуан, Рефрежье, Гоген, Ван Гог, Ганс Эрн, Врубель, Роден ва бошқалар киради. Улар умумбашар вакиллари дидир. Санъатнинг ютуғи, тақдири, тарихи ана шулар билан белгиланади.

Санъатда, тасвирий санъатда "формализм" деган йўналиш бор. Бу йўналишнинг келиб чиқишида рус рассомларининг, хусусан, Малевич, Кандинский, Марк Шагал ва бошқаларнинг хизматлари катта. Улар тасвирий санъат асосларидан – ритм, форма, чизиқлар, яссилик, доғ каби белгилардан фойдаланиб ўзларининг кўнгили, дард оғриқларини матода тасвир этдилар. Бунда матода фақат таъсирчан ва чиройли кўриниш ҳосил бўлади. Бу йўналиш, изланиш юзаки бўлиб, фақат рассомнинг ўз ички дунёси билан боғлиқ. Аммо у тасвирий санъат учун янгилик. Чет элда бу йўналишнинг йирик вакиллари Мондриан, Поллок, Миро ҳисобланади. Менимча, ижодкор қайси йўналишда ишлаётганидан қатъий назар, натурага мурожаат қилиб туриши керак.

Н.Н.: Тўра ака, сиз аслида маҳобатли кулоллик безаш рассомсиз, бу йўлга қандай кириб келгансиз? Бу соҳада эришган натижаларингиз қандай?

Т.Ш.: 1966 йил рассомчилик ўрта билим даргоҳини тугатиб, Москвага, Строганов номидаги олий рассомчилик билим юртига бориб, имтиҳон топширганман. Бир бал етмаганлиги туфайли, Тошкентга қайтдим. Ҳозирги Камолиддин Беҳзод номидаги театр ва рассомчилик институтининг рассомчилик факультетининг керамика бўлимига шу баҳоларим билан қабул қилишган. Инс-

титутда ўқиган чоғларим ўзимни анча тиклаб олдим. Рассомчилик соҳасида турли услубларда ишладим. Керамик сифатида мени, айниқса Фернанд Леже ва унинг ижод йўналиши ўзига жалб эта бошлади. Чунки унинг ишлари замонавий архитектурага мослаштирилган. Ишлаш услуби тез ривожланаётган техник тараққиётга таққосланган.

Инсоният керамика ҳамиртуруши билан, худо яратган тупроқ туфайли қадимда илк бор санъатга кириб келган эди. Қаранг, ҳаттоки кичкина бола ҳам лойдан ўйламай-нетмай бирон бир нарса ясаса, шунда ҳам фалсафа сезилади. Институтда ўқиган чоғларим керамика, айниқса монументал йўналиш мени ўзига жалб этганди. Оромгоҳ боғлари учун мўлжалланган пластик ҳайкаллар, рельефли, интерер учун қўлланадиган катта ҳажмдаги безак лаганлар, интерер ва экстерер деворий монументал паннолар мени қизиқтирарди. П.П.Беньков номидаги рассомчилик билим юртида диплом иши учун бажарилган "Муҳаббат куйи" деб номланган керамика панном ҳозиргача Тошкент Марказий Универмаги кафеси деворини безаб турибди. Институтнинг тўртинчи курсида эса ўша даврда кўзга кўринган монументал санъат рассоми Альфред Мазитов бошчилигида Шота Руставелли кўчасидаги "Либослар уйи" биноси деворининг юзиди "Сулув қиз" деб номланган керамик паннони ишладик. Ўша пайтлар мен тинимсиз изланишда эдим. Айниқса мени нимагадир керамикада архаика ишлари қизиқтирар эди. Архаика ишларида табиий бир самимият, яъни чин юракдан қалқиб чиққан санъат бор. Бу санъат, айниқса, Африка халқлари ишларида яққол кўринади. Институтнинг бешинчи курсини тугатиш пайтим Тошкент халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси Дирекцияси бош рассоми Дилмурод Юсупов боғдаги катта кинолектория биноси деворининг юзига 25 метрли смальтли мозаика қилишга буюртма олган экан, шунинг эскизи ва картонини ишлаш учун мени таклиф қилди.

1971 йил институтни тугатиб, Самарқанд рассомчилик фондига интерер факультетини битирган Шералиев Сайфиддин билан бирга ишга бордик. Биз икки ёш кадрни Самарқандга ишга келганимизни эшитган Самарқанд архитектура институти ректори бизни институтга ишга таклиф қилди. Институтнинг рассомлик кафедрасида ишлаб, дарс бериб, бир вақтда фондда ҳам ишладик. Институт номи архитектура аталгани билан мутахассислик яхши йўлга қўйилмаган экан. Мен шу ҳақда бош қотириб, айнан архитектурага мос расм чизиш усулини қўладим. Бу янгилик ректорга ёқиб тушди. Мени муддатидан илгари Москва архитектура институтига малака оширишга юборишди. Мен у ерда 6 ой мобайнида ўқидим, ўргандим, кузатдим, фикрладим.

Н.Н.: Сиз нима сабабдан кулол рассомликдан рангтасвирчи рассомлик соҳасига ўтиб кетдингиз. Бунинг сабаби буюртмалар билан боғлиқми ёки кўнглингиз истаганими?

Т.Ш.: Рус рассоми Петров-Водкин "Агар менга бошқатдан бир ҳаёт тақдим этсалар эди, ўша ҳаётда ҳам мени рассом сифатида қолдиришларини сўрадим", деб ёзганлари менинг дилимдаги гаплар.

Яна бир ҳақиқат шулки, мен аслида керамикачи рассомман. Ичимдаги безовталиқни, ўзимни тинчйтиш мақсадида бўш пайтларимда расм чизиб тураман. Катта рассом бўлишга уринганим йўқ, шекилли. Катта рассом бўлиш жуда мураккаб жараён.

Н.Н.: Бадиий ижодкорлар уюшмаси фаолиятдан кўнглингиз тўлдими? Сиз ўзингизни унинг фаол иштирокчиси, аъзоси деб ҳисоблайсизми? Унинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун нима ишлар қилиш керак деб ўйлайсиз?

Т.Ш.: Менимча, бирданига кўп савол бериб юбордингиз. Майли, лўндароқ айтиб кўрай. Бундай саволларни ҳар бир ижодий уюшма аъзосига бериб кўриш керак. Нимага деганда, барча ижодий уюшмалар мавқеи ҳам унинг аъзолари ҳаракати, фаоллиги билан мақсадга эришади. Маълумки, бизда уюшма йиғини ҳар йили республикамизнинг турли вилоятларида ўтказиб келинмоқда. Айтайлик, Нукусда, Урганчда, Бухорода, Наманганда. Бу гал Сурхон воҳасида. Яъни мен туғилган юртда. Авваламбор, анжуманни вилоятларда ўтказилишида катта ҳикмат бор. Пойтахт рассомлари, ижодкорлари вилоятлардаги муҳит билан танишади, фикрлар алмашади, қолаверса, уларнинг вилоятдаги маданий-маъна-

вий ўзгаришлар билан маҳаллий ижодкорлар ташвиши-қувончлари билан танишишлари муҳим масала. Энди уюшма фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, у бизу сизнинг хатти-ҳаракатимизга боғлиқ. Унинг асосий мақсади — ижодкорларни маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш. Бир йил ичида пойтахт ва вилоятларда қанчадан-қанча кўргазмалар, тадбирлар бўлиб ўтди. Биргина халқаро IV Тошкент Биенналесини олинг, ёки "Юртимиз жавоҳирлари", "Табиат ва рассом"... Санаб ўтирмайин. Кейинги саволингизга жавобим шу: ўзимни фаол аъзо деб ҳисоблагим келади. Негаки, сўнгги йилларда пойтахтга Бойсундек олис жойдан келиб, икки марта катта шахсий кўргазмамни ўтказдим. Бошқа мамлакатларда рассом асарларини намойиш қилмоқчи бўлса, кўргазма залларига пул тўлашади. Бизда бепул, бунинг устига Мустақиллик йилларида жуда кўп ҳашаматли кўргазма заллари курилди. Тошкентга тез-тез боришга ҳаракат қиламан. Борганимда, албатта уюшмага кириб, уюшма фаолиятига доир ўз фикр-мулоҳазаларимни айтиб келаман. Уюшма ишларини янада такомиллаштириш учун вилоятлардаги бўлимларни янада жонлантиришда гап кўп. Бунда вилоят ҳокимликлари, кейин, қолаверса, биз ижодкорлар ўз ёрдамимизни аямасак, ривожланиш бўлади.

Н.Н.: Тошкентга тез-тез келиб турасиз. Шаҳар безаги, тасвирий, амалий, айниқса, маҳобатли санъат билан безанаётган пойтахт — улар ҳақида таассуротларингиз қандай? Ахир сиз бир пайтлар маҳобатли санъат билан шуғуллангансиз.

Т.Ш.: Гапни узоқдан бошласам, айбга буюрмайсиз. Кечаги Тошкент... Мен уни 1959 йилдан буён биламан. Ўшанда энди ўқишга келган эдим. Бу пайтда ҳали мурғак, озғин бола эдим. Ўша биз ўқиган пайтдаги Тошкент ҳозирги бирор бир туман кўринишида эди. "Нон сотаман, ойнак тузатаман" деб, шаҳар бўйлаб юрганларнинг чақириқлари, уларнинг товушлари ҳозиргача қулогимда садо беради, нидодай эшитилади. Эски Тошкентнинг маҳалла кўчалари отарава, эшак-араваларда жанда оламан деб бақир-чақир қилиб юрганлар билан бисёр, ризқу-рўз жойи бўлган бозорлар кўриниши ўзгача эди. Кўчаларда фақат тақир-туқур юрган трамвайларга кўзингиз тушарди. Ўша пайт учун энг ҳашаматли ва одамга гавжум жой "Алишер Навоий" театри майдони эди. Ундан кейин кўп қурилишлар бўлди, аммо билишимча, шаҳарнинг яхлит қиёфаси кўринмасди. Масалан, қаровсиз қадимий обидаларнинг замонавий бинолар билан мутаносиблиги йўқ эди. Бузуқ йўллар, носоз кўприкларни айтмай қўя қолай. Бугунги Тошкент том маънода гуллаб яшнаётти. Маҳобатли ҳайкаллар, хиёбонлар, боғу роғлар. Санъат кошоналари. Тошкентни тасвирий санъат қўйнидаги шаҳар дегим келади. Биргина, Амир Темури хиёбонини олайлик. Эски, илдизлари чириб кетган дарахтлар олиб ташланган эди, ҳайкал атрофидаги гўзал бинолар таровати ярқ этиб очилиб кетди.

Н.Н.: Тўра ака, мана шу суҳбатимиз Сизнинг Бойсундаги шинам, чаманзор ҳовличангизу кенг нақшу нигорга бой устахонангизда бўлиб ўтди. Бу устахонага кирган киши сира чиққиси келмайди, бу ерни жаҳон тасвирий санъатининг йирик намояндалари ижодига оид репродукциялару миллий санъатимиз намуналари, ўз ижодингиз безаб турибди. Аммо бугунги нафис суҳбатингиз бу маконни янада файзли қилди деб ўйлайман. Омон бўлинг!

Исматуллоҳ МУЪЖИЗИЙ

Муסיқа тарихи

Асарнинг ҳозирги адабий тилдаги баёни

Куй-оҳанг, муסיқа инсон турмушида ҳузур-ҳаловат, хушҳоликлар сабаб-чисидир. Шу боис подшодан гадогача, мусулмондан тарсогача ҳамма одам бу илмдан роҳатланади-шодланади. Аммо бу фаннинг олимлари ва кашфиётчилари, ихлосманд етакчилари кимлар, устозлари кимлар? Буни кўпчилик қўшиқчи ва созандалар то ҳозиргача билмайдилар. Сен муסיқани касб қилгансан, ҳам газал мамлакатининг булбулдек сайровчи хушхони, адабиёт мамлакатининг ширин тўтисидурсан. Шунингдек, яхши ёзгувчи ва дилкаш куйлагучидурсан. Ушбу ажойиб фаннинг кашфиётчилари тўғрисида бир асар ёзиб замон ҳофизу созандаларига ёдгор қолдирсанг қандоқ бўлар экан" деб фармон берилди.

Бу билан гўё бир бечора чумолига тоғ юкланди, гўё бу заифнинг устига осмон кулади. Бу буюк ишни бажаргудек қувват менда йўқ эди. Ҳайрат дарёсига фарқ бўлиб, ночор турганимда: "Дегилки Оллоҳга, унинг элчисига ва ўзларидан бўлган бошлиқларига бўйинсунсинлар..." деган улуғ ояти каримнинг мазмуни хаёлимга келди-ю, бу вожиб фармонни ижросиз қолдиришга чора тополмадим. Тавакқални Тангрига қилиб, бу йирик ишни бажариш учун муносиб тарихий асарларни тўплаб: "Тарихий Рашидий", "Таворихи Табарий", "Равзатус-сафо", "Таворихи ажам" ("Араб бўлмаган халқлар тарихи"), "Таворихи араб" (Араблар тарихи)лардан танлаб ҳамда буюк олимлар, муסיқий устозларидан Абу Турк Хариз, Фисоғурс, Форобий, Ибн Сино, Муҳаммад Куштигир, Абдураҳмон Жомий, Амир Низомиддин Алишер Навоий – устозимнинг бу фан ҳақида ёзган китоб-рисолаларидан фойдаландим. Охир қудратимга лойиқ, қобилиятимга мувофиқ бу асарни ёзиб олам элига совға қилдим. Бу китобга "Таворихи муסיқийун" ("Муסיқа тарихи") деб ном қўйдим.

Ақл эгаларига, катта-кичик хонанда-созандалар, юқори мартабалик ҳамда оддий кишиларга, шоҳу гадоларга номаълум қолмасинки, "Равзат ус-сафо" ("Софлик боғлари") тарихи ва "Тарихи Рашидий" (Тўғри йўлда юрувчилар тарихи) асарларида мана бундай ёзилган: "Нух пайғамбар алайҳиссаломнинг катта ўғли Ёфаснинг Турк исмлики бир ўғли бор эди. Тангри унга бир ўғил берди. Нух алайҳиссалом бу ўғлига Хариз (илмга ташна) деб от қўйди. Бу

Шарқ муסיқа санъатига бағишланган "Таворихи муסיқийун" ("Муסיқа тарихи") асари қадимий маданият марказларидан бўлган Шарқий Туркистонда яратилган бўлиб, унинг муаллифи Мулла Исматуллоҳ бинни Мулла Неъматуллоҳ Муъжизийдир. Асар сўзбошисида айтилишича, у 1854 йилда Хўтан ҳокими Ҳакимбек Муҳаммад Алишер бинни Абдимўминбекнинг топшири-ғига кўра туркий тилда яратилган. Мазкур сўзбошига қараганда, Мулла Исматуллоҳ адабиёт ва муסיқа амалиётида ўз даврининг кўзга кўринган мумтоз санъаткор арбобларидан бўлган.

Муъжизий ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий, Мавлоно Убайдуллоҳ Лутфий, Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва бошқа буюк сиймолар ижодини мукаммал ўрганган ҳамда шарқ муסיқа оламининг машҳур вакиллари яратган ўлмас асарлардан яхши хабардор санъаткор эди. "Таворихи муסיқийун" асаридаги бадий лавҳаларга бой эпизодлар, Омонни-со малика ва Паҳлавон Муҳаммад Кушбигирга оид тасвирлар ҳамда муסיқий анжуманлар тасвири Мулла Исматуллоҳ Муъжизийнинг заковатли адиб ҳам эканлигини кўрсатади.

Ўғтиборингизга "Таворихи муסיқийун" китобидан бир парчани ҳавола қиламиз. Асар тўла ҳолида Тошкентдаги "Мумтоз сўз" нашриётида босилмоқда.

Табдилчи
Ваҳоб РАҲМОН

ўғил (Абу турк) катта бўлиб, арслон, йўлбарс, бўри, тулкиларни тутиб терисидан кийим тикиб кийишни, таомга туз солиб истеъмол қилишни, қонун, танбур, барбат, уд каби созларни ясаб чалишни кашф қилиб олам халқиға ўргатди. У замонда яхши-ёмон кунларда, ҳатто ота-онаси, болалари оламдан ўтганда ҳам, мусибат мотамда ҳам танбур чалиб-йиғлаб куйлаб жасадни куйдириш одати бор эди.

Хариз (Абу турк) Нуҳнинг чевараси, Ёфаснинг невараси эди. Ёрканд, Хўтан вилоятларини шу Абу турк авлодлари обод қилишган. У замондан ҳозиргача беш минг саккиз юз эллик йил ўтган. Хариз у чоғларда ёввойи ҳайвонлар, кўй-эчкиларнинг ичак-пайларини эшиб, танбурга тор ясаб сошлаб чалар эди.

Муסיқа илмининг иккинчи устози (пири) Фисоғурс ҳаким бўлиб, бу киши Сур шаҳридан эди. У саёҳатчиликни кўп яхши кўрар эди. У ҳам халқни илм билан шуғулланишга, яхши фазилатлик бўлишга ундовчи, ёмон ишлардан қайтарувчи одам эди. Ҳаргиз савобдан умид узмас, гуноҳдан қўрқар эди. Савоб ва у дунёни тан олар эди. Шаҳарма-шаҳар юриб илм ўрганар эди. Унинг хурсанд бўлганини ёки хафа бўлганини билиб бўлмас эди. У мол-дунё, бойлик кишилар учун дўст-душманнинг ўртасида турадиган бир нарса, холос, дер эди. Ҳар қачон, ҳар ерда, у бор жойда кишилар муҳим бир муаммога дуч келишса, ундан ёрдам, маслаҳат сўрашар эди. Ҳозирги Фарангистон у чоғлар Антокия (Туркия) шаҳри деб аталар эди. У шаҳарга бориб ўзи кашф қилган сеторни чалиб шеър ўқир эди. У шеърнинг маъноси "Сен ўзингни тузатмай туриб, бошқаларга насиҳат қилма! Айбингни кўрсатиб берган кишини дўст билиб, унинг қадрига ет. Чиройли кийимларни кийиб юргунча, чиройли сўзларни сўзлашни ўрган. Яхши сўзни топа олмасанг, яхши сўзни айтгувчилардан ўрган. Илм ўрганишдан номус қилма, илмсизликдан номус қил! Ҳайвон тилсизлигидан жазо-машаққатларга учрайди. Инсон эса ўз тилидан бало-мусибатларга учрайди", деган мазмунда эди.

Антокия шаҳрида у чоққача шеър, муסיқа деган нарсалар йўқ эди. Одамлар йигирма беш ёшлик бир йигитни гаройиб маъноли сўзларни топиб, ажойиб созларни чалганлигидан беҳад ҳузурланиб, унинг орқасидан эргашиб юришарди. У одамларга чуқур маъноли ва таъсирли насиҳат тарзидаги сўзлардан тузилган шеърларни сетор билан ўқиб берар эди. Бу воқеа подшога етиб борди. Подшоҳ давлат арбоблари билан бирга чиқиб бу воқеани ўз кўзи билан кўрди. Каттиқ ҳайратланиб, Фисоғурс ҳакимни ўрдага таклиф қилиб олиб кетди. Шоҳ таомланганда ҳам, ётиш-туришда ҳам, давлат бошқаруви ишларида ҳам ундан ажралмайдиган бўлди. Уни фарзандим деб атади. Бу илмни элга тарқатиш учун жой ҳозирлаб, халойиққа бу фанни ўргатиш ҳақида фармон чиқарди. Ўн йил ичида 40 минг одам муסיқа илми мутахассиси бўлиб етишиб чиқди. Фисоғурс ҳаким подшоҳдан рухсат сўраб, Ҳиндистонга бориб илми нужум (юлдузлар илми астрономия)ни ўрганди. Ҳинд халқи ундан илми муסיқани ўрганди. Айтишларича, Жамшид, Кайкубод каби подшоҳлардан кейин оламга муסיқа илми уругини сочган доно олим Фисоғурс бўлди.

У Ҳиндистондан ўтиб, Мисрга борди ва қоҳинлардан сеҳр илми билан уч хил тил ва ёзувни ўрганди. Бу ўткинчи дунёдан боқий оламга сафар қилиш вақтида уни беш юз шогирди бор эди. Илғор шогирдларидан бири: "Биз сиздан кейин қандай иш қилишимиз керак?" деб сўраганда, у "Одам авлодига фойдаси тегмайдиган сўз ва ишларни қилмагaysиз..." деб абадийликка кўз юмди. У 93 ёшда Искандар Зулқарнайндан бир йил кейин вафот этди. Ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишларни уддалашни, муҳтожларга хайру саховат қилишни яхши кўрар эди.

Муסיқа илмининг учинчи устози Фороб шаҳрида ўтган Мавлоно шайх Абу Наср Форобийдур. Бу азиз табобат илмида ҳазрат Фахриддин Розийдан, диний илмда Имом Муҳаммад Фаззолийдан ортиқ камолот эгаси эди, тиб фанида Ибн Синодан ҳам юқори эди. Аниқ фанлар, тариқат илми, шарият илми, тафсир илми, фалсафий илмлар, адабиёт, геометрия, астрономия ҳатто нард, шатранж илмларида билмайдигани йўқ эди. Жумладан, муסיқа илмида ниҳо-

ятда юксак маҳоратга эга, унинг назарий томонини ҳам, амалий томонини ҳам чуқур эгаллаган олим эди. Қонунни ўз қўллари билан ясаб, сим тортиб, парда тузиб, уни шоғирларига ўргатган эди. "Рок", "Ушшоқ" ва уларнинг шўба — шаҳобчаларини ижод қилиб, оламга ёйган эди.

"Мақомларни биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо барча бўлимларигача кашф қилган эди. "Рисолаи муסיқийун" деган китобида "Муסיқанинг тилсиз нола-мунглиари инсон руҳига маънавий ўтқи (олов)ни туташтирувчи омилдир; агар унга ғазал, шеър қўшилса, у мунг (жонли оҳанг)ни нима эканлиги маълум бўлади." деб айтади ва яна "... Юз йил ибодат қилиб ололмаган файзни менинг қонуним симларидан олгайсизлар...", дейди. Бу азиз турли фанлар ҳақида бир юз ўн тўртдан ортиқ китоблар ёзди. У китобларнинг бири "Рисолаи муғанийун" (созандалар рисоласи)дир. Бу китоб араб тилидадир. Мен ушбу рисолаи тамом қилганимдан кейиноқ, қўлим кучи етганча ва вақтимнинг борича шу китобни туркий тилга таржима қилишга ният қилдим, Худо хоҳласа!

Бу фаннинг тўртинчи даражадаги устози Мавлоно Али Шсқ ҳазратларидир. У Хуросоннинг Шобук деган жойидан эди. Мавлоно Али бу фанда ўз асрининг тенги йўқ олимларидан эдилар. Бу фан ҳақида "Аслул васл" (Васлнинг негизи) номли бир китоб ёзганлар ва яна "Муртоз" (Нафси жиловловчи) деган яна бир рисола ёздилар. Хонандалар ва созандалар ичида машҳур бўлиб келаётган "Чўли Ироқ" номли мақомни шу азиз Ҳаж сафариди Ироқ чўлларидан ўтиб бораётганда ижод қилиб, шу ном билан атаганлар. Дуторни ҳам шу киши кашф қилганлар. Улар шеър ёзиш ва муסיқа басталаш борасида ўз замонасининг ўхшаши йўқ устозларидан эдилар. У зот бошқа илмлар бўйича ҳам ниҳоятда чуқур маъноли китобларни ёзиб қолдирганлар. Ҳаётларининг сўнгги даврида афюнни кўп истеъмол қилиб қўйганлиги сабабидан ақлдан озиш касалига мубтало бўлиб вафот эдилар.

Бешинчи устоз (пир) Шаҳобиддин бўлиб, бу фанда ўз замонасининг ягонаси эдилар. Улар бу илм бўйича 200 дан ортиқ шоғирд етиштирдилар ва бу фан ҳақида бир неча рисола ёздилар.

Олтинчи устоз (пир) Абдулло Марворид ҳазратлари бўлиб Самарқанддан эдилар. Бу азиз ҳам шу фаннинг устозларидан ҳисобланиб, бу муסיқий илми ҳақида кўп яхши китоблар ёзиш билан бирга юздан ортиқ шоғирд чиқарган эдилар. Ўз замонида ниҳоятда донғи чиққан созандалардан бири эдилар. Ҳижрий 881 йил (мелодий 1476 й.) Ҳисор вилоятида вафот этдилар.

Еттинчи устоз (пир) Ҳазрат Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдилар. Бу азизнинг хислат-фазилатлари хилма-хил китобларда таърифлаб ўтилган. У зотнинг қанчалик буюклигини ва юқори қобилият эгаси эканлигини шундан билса бўладики, у Амир Низомиддин Алишер Навоийдек буюк зотга ҳамма илм ва амалиётлар бўйича устоз эдилар. Алишер Навоийнинг ўзи бу зотни устозим, пирим деб атаганлиги улар таъриф-тавсифи учун етарлидир. Навоий ҳазратлари ўзларининг "Хамса"ларида беш жойда бу азиз ҳақида тўхталган бўлиб, не сўзлар билан таърифлаганликларини кўрсак бўлади.

Бу азиз барча илмда ҳазрат Форобийдек устод эдилар. Уларнинг шоир, олимпикларидан ташқари тасаввуф ва тариқат илмида ҳам забардаст эдилар. Танбур, сетор, қонун сингари созларни чалар эдилар. "Ажам" деган бир мақомни ҳам унинг икки шохобчалари билан ижод қилдилар. Кўтлаб шоғирларни бу илмда мукамал қилиб етиштирдилар.

Бу фан ҳақида "Рисолаи даввор" (Муסיқий рисола) номли бир китоб ёздилар. Амир Алишер ҳазратлари ҳам бу фанни Жомийдан ўргандилар. Ҳазрати Жомий ҳижрий 898 йил (мелодий 1492-1493 йй.) 79 ёшларида Хуросоннинг Ҳирот шаҳрида вафот этдилар.

Саккизинчи устоз (пири) Ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоийдир. Бу азизнинг ҳамма фазилатлари ўзлари ёзиб қолдирган шеър, китобларидан маълумдир. Мен уларнинг "Куллиёти", "Чор девон"ларидан, "Хамса"сидан ҳам ва булардан бошқа олдин-кейин, озу кўп ёзган ўттиз олти китобларидан баҳраманд бўлганман. У зотнинг хислат ва ишқу муҳаббатларидан ҳарорат олганман.

Улар мана шундай илмларнинг устига яна устозлари ҳазрати Жомийдан муסיқа илмини аъло даражада ўргандилар. Ҳар кеча сетор ва танбур чалиб ёзган ғазаллари билан Оллоҳга ҳамд, Пайғамбарга (с.а.в.)га наътлар айтиб беҳуш бўлар эдилар. "Наво" деган бир мақомни ижод қилиб олам аҳлига тарқатдилар. Бу азиз ҳижрий 843 йилнинг (милодий 1439 й) олтинчи ойида дунёга келиб, 63 йил умр кўриб, 63 та китоб ёзиб, ҳижрий 906 йил (милодий 1501 йил) Ҳирот шаҳрида сакта (қон босими) касали билан вафот қилдилар¹.

Бу фаннинг **тўққизинчи устози** Муҳаммад Хоразмий бўлиб, ўз замонасининг муסיқа илми бўйича кўп маҳоратлар кўрсатган эдилар. 200 дан ортиқ шогирдни камолга етиштириб чиқардилар. Бу илмнинг нозик сир-асрорлари ҳақида рисола ёзиб қолдирдилар. Ҳижрий 852 йил (милодий 1448 йил) вафот этдилар.

Унинчи устоз (пир) Мавлоно Нўъмон Самарқандийдир. Бу азиз қорини мураббат бўлиб, 500 киши унинг қўлида Куръони Каримни ёд олган эди. У зот шу билан бирликда хуш овоз ва дилкаш созанда эди. Олимлар суҳбатида ва машойихлар ўлтиришларида соз билан кўшиқ куйлар эди. Бир куни Самарқанд олимлари даврасида Мавлоно Шамсиддин Табризийнинг ғазалларини ўқиб, сеторини чалди. Мажлис аҳлининг бошлари эгилиб тушган ҳолда ажиб ҳолатлар содир бўлди. Бир неча киши беҳуш бўлди. Мавлоно Али Ҳазратлари беҳуш бўлганларича шу жойда бу оламдан кетди.

Бу хабар ҳамма ёққа тарқалди. Подшоҳ буни эшитиб, у азизни зиндонга ҳукм қилди. Беш йил зиндонда ётиб ҳижрий 865 (милодий 1461) йилда вафот этдилар. У зотнинг тарбиясида 300 дан ортиқ моҳир хонанда ва созанда муסיқа илмида камолга етди.

Бир неча юз киши шарият илмида олим бўлди. Неча минг сўфилари бор эди. У тариқати чиштия машойихларидан эди. Муסיқанинг тариқат илмига боғлиқлиги тўғрисида "Меърожи солиҳин" (Солиҳларнинг камолоти) номли бир китоб ёзиб қолдирган.

Ун биринчи устоз (пир) Мавлоно Соҳиб Балхий ҳазратларидир. Бу азиз мадрасада мударрис эдилар. Беш-олти юз талаба унинг тарбиясида шарият илмида камолга етган эди. У зот танбурни сеҳрли бир тарзда сўзлатар эди. Абдулқосим Бобуршоҳ ундан бир нафас айрилмас эди. Кейинги вақтда шоҳнинг буйруғи билан мударрисликдан озод этилди, Абдулқосим Бобуршоҳнинг ҳузурини қолди. Бир куни Кобул шаҳридаги бир боғда шоҳона ўтириш — базм тузилиб, улуг зотлар, амир-вазирлар, уламо ва авлиёларнинг барчаси йиғилди. Турли-туман таомлар тортилиб, дастурхонлар йиғиб олингандан кейин Бобуршоҳ муסיқа чалишга ишора қилди. Бу азиз танбурни қўлларига олиб "Чўли Ироқ" мақомига сошлаб, чалишни бошлади. Куйнинг иккинчи авжидан ўтиб учинчи авжга етганда бир булбул дарахтдан учиб келиб, танбурнинг қулоғига қўниб сайрашни бошлади. Мажлис аҳли орасида ҳайратомуз ғала-ғовур сезила бошлади. Бир неча кишилар беҳуш бўлиб юмаланар эди. Асарнинг энг юқори авжи (турк)га етганда булбул учиб келиб танбурнинг косасига ўзини ура бошлади. Етти, саккиз маротаба ўзини танбурга ургандан кейин, беҳуш бўлиб ерга йиқилди. Ҳаддан зиёд таъсирланган Мавлоно ҳам танбурни ташлаб йиғлаб ҳушидан кетди. Бир вақтдан сўнг беҳуш бўлганларга сувлар сепиб, совуқ гулоблар ичкизилди. Беҳуш бўлганлар хушига келди. Лекин Мавлоно Соҳиб билан булбул хушига келмади, табиблар ҳар қанча чора-тадбир қилдилар фойда бермади. Шундоқ қилиб Мавлоно ҳижрий 844 (милодий 1440) йили оламдан кетди. Бу воқеа Заҳириддин Бобуршоҳ ёзиб қолдирган "Асрори муסיқий" (Муסיқа сирлари) номли китобда алоҳида батафсил баён қилинган.

Ун иккинчи устоз (пир) Шайх Сафои Самарқандий ҳазратларидир.

Бу азиз билмайдиган куй, мақом оҳанглари, у киши чалмайдиган чолғу асбоблари йўқ деса бўлар эди. Бу фан бўйича 200 дан ортиқ шогирдни маҳоратли қилиб чиқарди. "Нашаоти муסיқий" (Муסיқа нашъалари) номли бир китоб ёзди. Бир неча турли куй, ғазаларни ижод қилди. Ҳижрий 869 (милодий 1464-1465) йиллар 56 ёшида фалаж касали билан вафот этдилар.

¹ Матндаги маълумотларни ўзгаришсиз қолдирдик (*тарж*).

Бу фаннинг ўн учинчи устози Қодирхон Ёрқандийдир. Бу илмда ушбу азиз-дек маҳорат кўрсатган устоз камдир. У устоз кўпроқ Низомиддин Алишер Навоий ғазалларини куйга солиб айтар эди. Олам ўтиб унингдек хушовоз ҳофиз бўлмаган деса бўлади. Ироқ, Эрон, Табриз, Хоразм, Самарқанд, Андижон, Истанбул, Кашмир, Балх, Шероз сингари узоқ шаҳарлардан муסיқа илмини мукамал ўрганиш учун келган шогирдлари бор эди. Рубоб ва ҳаштор (8 торлик чолғу асбоби)ни бу азиз кашф қилди. У яна шоир ҳам эди: "Девоний Қодирий" (Қодирхон шеърлари тўплами) бор эди. Булардан бошқа у ўзининг муסיқа илми ҳақидаги китобида чуқур маънолик фикрларни асослар билан ўртага қўйган эди. Жанда-кулоҳ кийиб юрарди. Маълум ва машҳур подшоҳ Абдурашидхон уни бир нафас ҳам ёнидан узоқлаштирмас эди. Қодирхон "Висол" номли бир мақомни ихтиро қилиб шогирдларига ўргатди. У Абдурашидхон подшоҳдан икки йил кейин вафот этди.

Бу фаннинг ўн тўртинчи устози (пир) Ҳазрати Паҳлавон Муҳаммад Куштигирдир. Оллоҳ ўз буюклиги ва қаромати билан бу кишига шундай бир қобилият ато қилган эдики, у ҳам буюк аллома, ҳам катта авлиё, ҳам забардаст паҳлавон эди. Неча асрлар ўтиб, бу кишидек паҳлавон чиқмаган.

У ҳам шоир, ҳам ҳофиз, ҳам бадавлат киши эди. Хулласи калом, у кишидек хушулқ, ёқимли сўзлик одам йўқ эди. У юқорида номи айтиб ўтилган буюк устозлар баробарида муסיқа илми ҳақида китоблар ёзди. Бу илм устида зўр тадқиқотлар олиб борди. Турли-турли куй-қўшиқ, шеър, оҳанглар ижод қилди. У кашф қилган мақом куйларининг бири "Чаҳор зарб" бўлиб, барча устозларнинг куйларидан яхши, ёқимли бўлган ва донг чиқарган асар эди. Машҳур Ихтиро этган машҳур мақомларининг бири "Чаҳоргоҳ" мақоми эди. "Чаҳоргоҳ"га Мавлоно Тўғий раҳматли шоирнинг бу ғазалини солган эди:

Матлаъ:

Соқие, кечди бу кун, маълум эмас тонгла иши,
Биз бу дамни хуш кутайлик, эртани билмас киши.

Мир Бузрук Термизий номига боғланган бу асар ажаб хушоҳанг бўлган.

Далили буки, Хуросон мамлакатаида, Ироқ, Самарқанд ва Ёрқанд халқлари ичида бу куйни билмайдиган хонанда ва созанда йўқ эди. Яна бири "Дугоҳ" мақоми бўлиб бунга Амир Хисрав Деҳлавийнинг ушбу ғазалини солган эди:

Эй юзингнинг шуъласидан ёнди шамъ ҳар хонада,
Халқа-ҳалқа зулфларинг меҳри дили вайронада.

Абулқосим Бобур номига боғланган бу мақом беҳад таъсирли бўлган.

Яна "Панжгоҳ" мақомини ижод қилиб, унга ҳазрати Мавлоно Котибийнинг бир шеърини туширган эдики, уни эшитган киши хузур қилади. Бу мақом Ажам ва Мовароуннаҳр шаҳарларида машҳур бўлди.

Бу азиз булардан бошқа яна беҳисоб ғазал, куй, мақомлар, оҳанглар ижод қилди. Улардан "Мушуврак", "Баёдак" ва бошқа юқорида зикр этилган "Чаҳор зарб", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Чаҳоргоҳ", "Панжгоҳ"лар мағрибу машриқда машҳур бўлди. Уларнинг ҳаммасини бу қисқа асарга сиедириш имконияти йўқ. Бу азиз аввал Абулқосим Бобуршоҳнинг хузурида хизмат қилди, кейин Мирзо Абу Саиднинг саройида юқори мансабларда ўрин тутди. Ундан кейин султон Соҳибқирон Ҳусайн Баҳодурхоннинг саройида маҳрамлик лавозимида бўлди. Паҳлавон Муҳаммад Куштигирнинг катта хурматга эга бўлганлиги шу нарсдан кўринадики, у Амир Низомиддин Алишер Навоийдек олийжаноб шахс билан қирқ йил ҳамсуҳбат, дўст бўлиб ижод қилди. Агар бу кишининг табиатида заррача номақбуллик бўлса эди, Навоийдек буюк зот у кишини дўст тутмаган бўлар эди. Аксинча Навоий: "Мен Паҳлавон Муҳаммад билан қирқ йил ҳамсуҳбат бўлдим. Бу жараён ичида кўнгилга малол бўладиган ҳеч қандай иш содир бўлган эмас, балки дўстлик муҳаббатимиз кундан-кунга ошиб борди",

деб ёзган эдилар. Алишер Навоий қимматли вақтларини бериб, бу азизнинг таърифиди тарих ёзганликлари Паҳлавонга берилган энг юқори баҳо бўлиб ҳисобланади. Бу азиз шеърый муаммо (маъноси яширилган) илмида шу замоннинг ягонаси эди. Бу фан тўғрисида яхши китоблар ёзди. Шу замондаги шоирларнинг юздан бирида ҳам бундай шуур ва қобилият учрамас эди. Шоирлар нима ижод қилсалар Паҳлавон Муҳаммадга кўрсатиб, унинг фикрини сўрар, тузатиш ва изоҳларини олар эдилар.

У Ҳирот шаҳри чорраҳасининг бир обод жойига беш минг кишилиқ меҳмонхонани боғ-роғлари билан қурдирди. Унга "Неъматобод" деб ном қўйди. Фақирлар, дарвешлар, мусофирлар ва йўловчи кишилар бир ой, икки ой, ҳатто бир йил, икки йил қолиб меҳмон бўлар эдилар. Уларга ҳар куни уч маҳал уч турли олий таомлар тайёрланар эди. Уловларига ҳам арпа, пичанлар тайёр эди.

Катта-кичик Ҳирот халқи "Неъматобод"дан таом ер эди. Фақир-мискинлардан бошқа бойлар, шаҳзодалар, вазиру вазораларгача таъминланар эдилар. Ҳатто Султон Ҳусайн Баҳодурхон (Бойқаро)га тайёр бўлган таомдан ҳар куни уч маҳал етказилар эди. Турли тарафлардан келган шайхлар Ҳазрати Паҳлавондан таълим олиб беш-ўн йил шу ерда қолар эди. Бу соҳада Ҳотам Тойидан ҳам ўтиб кетган эди.

У ҳазрати Жомий билан ҳам жуда яқин муносабатда бўлиб, у кишидан тасаввуф соҳасида махсус илтифотлар кўрган эди. Оллоҳ таолога юз минглаб ҳамду санолар бўлсинки, у бу бандасига шундай юксак камолот ва қобилиятни берган эдики, бу бирдан-бир Яратгувчининг ўзидан бошқанинг қўлидан келмас эди. Бу азизни подшоҳдан гадогача дўст тутмайдиган киши йўқ эди. Ҳар қандай одам у билан муомала қилса "Паҳлавоннинг мендан яқин дўсти бўлмаса керак", деган фикрда бўлар эди. Юзлаб, минглаб ёшлар бу азизнинг қўлида Қуръони каримни ёд олди, шариат илмини ўрганиб олим бўлди.

У ҳарбий илмда Султон Ҳусайн Баҳодурхон лашкарининг ҳам ягона устози эди. Шоирлар, хонанда-созандаларни ҳам тарбиялаб келажак авлодга ёдгор қолдирди. Тариқатда ҳам ҳар хил улуғ алломалар, ҳурматли авлиёларнинг ҳам устози эди.

Бу оламда унингдек бой-бадавлат киши йўқ эди. Ҳусайн Бойқаронинг мажлисларида, ўлтириш, маслаҳатлари Паҳлавонсиз ўтмас эди. Унинг маслаҳатисиз иш қилинмас эди. Паҳлавон бир куни тўсатдан беҳуш бўлиб йиқилиб, оламдан ўтди. Подшодан гадогача бутун Ҳирот халқи мотамда бўлиб, гўёки қиёмат қойим бўлгандек бир ҳолат юз берди. Ўзи ҳаёт вақтида тайёрлаб қўйган ва гоҳи-гоҳида келиб, истиқомат қилиб кетадиган қабрига ҳижрий 899 йил (милодий 1493-1494) дафн қилинди.

Ўн бешинчи устоз (пир) Ҳазрати мавлоно Лутфийдир. Бу азиз асли Шарқий Туркистондан эдилар. У олимликда Абу Наср Форобийдек, табобатда ҳазрати Ибн Синодек, шоирликда Амир Низомиддин Алишер Навоийдек, муסיқа илмида Қодирхон Ёрқандийдек эдилар. Бу азизни билмайдиган олим йўқ эди. Замонасининг энг катта олими эди. Унинг қўлида 500 дан ортиқ олим ва қори тарбия олар эди. 200 дан ортиқ киши муסיқа илмида камолот топиб маҳоратлик устоз бўлиб етишган эди. Ўзлари 200 дан ортиқ китоблар ёздилар. Ҳазрат Алишер Навоий илми фасоҳатда бу зотни устозим, дер эди. Лутфий ҳазратлари эса Навоийни "Сен менинг устозимсан" дер эдилар ва "менинг бутун умрим ичида ёзган ўн минг ғазалларимдан сенинг икки мисра ёзган ғазалинг ортиқдур" дер эдилар. Ҳижрий 878 йил (милодий 1474 й.) вафот этиб кетдилар.

Ўн олтинчи устоз (пир) ҳазрати Юсуф Саккокий эдилар. Бу азиз ҳам ҳамма илмларда ҳазрати Форобий, ҳазрати Лутфийдек эди. Минглаб талабалар унинг қўлида турли-турли илмларни ўрганишар эди. Мантиқ илми, фасоҳат илми, балоғат илмида ўз замонасининг ягонаси эди. Шеърят илмида Мўғулистондан чиққан мутафаккирларнинг ҳаммасидан устун эди. Фасоҳат ва балоғат (адабиётшунослик) илми ҳақида, Қуръони карим тафсирилари ҳақида "Талхис" (умумий баён) номли бир китоб ёзди, муסיқа илми бўйича ҳам бир китоб ёзди. Ҳозирги давргача ҳам созанда ва ҳофизлар орасида машҳур бўлиб келаётган "Баёт" номли мақомни шу азиз ижод қилиб, шогирдларига ўргатган эди.

Ўн еттинчи устоз (пир) Малика Омоннисо хоним эди. Бу малика Султон Абдурашидхоннинг хотини эди. У ўз даврининг ягонаси эди. "Девони Нафисий" (Нафисийнинг шеърлар тўплами) номли ширин бир китоб ёзиб қолдирган. У хаттотликда ҳам буюк маҳоратга эга эди. Айниқса, муסיқа илмида шундай камолот эгаси эдики, подшоҳ унга ошиқу беқарор, инон-ихтиёрсиз яхши кўрар эди. Султон Абдурашидхоннинг бу маликани ўз никоҳига олиш воқеаси куйидагича бўлган эди: Султон ўз вазирлари ва лашкарлари билан Ёрканд шаҳридан отланиб чиқиб, Торим дарёси бўйлаб, Таркмакон даштига овга чиқади ва бир неча кун бу ерларда бўлади. Кунларнинг бирида кечаси деҳқонча оддий кийимларни кийиб кўнувчи бир мусофир сифатида саҳро ёқаларидаги уйларга ғарибона мискин кўринишда киради. Шоҳ бу йўл билан амалдорларнинг оддий фуқарога зулм-ситама қилаётганликларини билиш учун камбағалларнинг уйини айланиш одати бор эди. Бир куни Султон Акрам деган бир кўриқчиси билан бир хароба уйга мусофир сифатида киради. Бу уй Маҳмуд деган бир ўтинчининг уйи эди. Бу малика ана шу Маҳмуднинг қизи эди. Подшоҳ уйнинг бурчагида осиб қўйилган бир танбурни кўриб қолиб, ўтинчидан танбурни чалиб беришни сўрайди. Шунда Маҳмуд: "Мен танбур чалишни билмайман, мана бу қизим менга танбур олиб беринг, деб жанжал қилиб олдирган эди. Танбурни қизим чалади", — деб жавоб қилди. Шунда подшоҳ: "Бўлмаса, қизингиз чалиб берсин", — деди. Маҳмуд қизига буюрди. Қиз танбурни кўлга олиб "Панжгоҳ" мақомини шундай чалдики, Султон ҳайрон бўлиб қолди. Қиз ўзи ёзган бир шеърни шу мақомга солиб ўқиди. Султон қизнинг маҳоратига қойил қолиб, ишқи тушиб беҳуш бўлишига оз қолди. У шеърнинг бошланиш қаторлари мана бундай эди:

Эй Худо, сента минг шукрки, бизга одил подшоҳ бердинг,
Фақир-мискинлар учун Абдурашидхонни паноҳ қилдинг.

Бу ғазалнинг охириги мисралари куйидагича эди:

Эй Нафисий, улуг Тангрига кеча-кундуз дуо қилғил,
Агар шоҳ ҳаққида дуо қилмасанг, унда сен қаттиқ гуноҳ қилдинг.

Ғазал тамом бўлганда Султон ундан сўради "Нафисий деган шоир ким? Сиз бу ғазални қаердан олдингиз?" — деб сўраган эди, қиз жавоб берди: "Мен бировнинг ғазалини ёд олиб ўқимасман. Мен Навоий, Фузулий, Залилий ғазалларидан бошқани ўқимаганман. Бу ғазал ўзим ёзган шеърдир. Нафисий менинг тахаллусим" — деб айтди. Султон ундан неча ёшга кирганлигини сўради. Отаси ўн ёшга кирди деб жавоб берди. Шоҳ ундан ҳам ҳайратга тушди. Омоннисо хоним қиз ўзи ёзган бир неча ғазалларини меҳмонларга кўрсатди. Во ажабо, ёзган хати гўёки қизнинг ҳусни билан баҳслашаётгандек чиройли эди. Подшоҳ бу хатни шу кичкина қизча ёзганлигига ишонқирамай ундан сўради: "Қани бўлмаса мен қараб турай, икки қатор шеър ёзинг-чи", деди. Қиз дарҳол қалам-қоғоз олиб келиб, куйидаги байтни ёзди.

Эй Худо, бу банди менга нечук шубҳа билан боқди,
Гўё бу уйда бу оқшом мен учун бир тикон унди.

Султон қолди: "Ишондим-ишондим, мени ҳажв қилманг" — деди. Маҳрам билан ташқарига чиқиб: "Биз яна келамиз", — деб кетди. У лашкаргоҳга бориб, вазирлар, арбоблар билан маслаҳатлашиб, ўтган воқеани баён қилди. Бошига тож қўйиб, устига шоҳлик кийимларини кийди. Дарҳол ўн қўй, шоҳи-атласлар, кимхоблар тайёрлаб, тунда қирқ киши Маҳмуд ўтинчининг уйига келиб мақсадни баён қилди. Подшоҳ ўзини танитди, тўй қилиб, қизни никоҳига олди. Малика Омоннисохон йигирма йил подшоҳ Абдурашидхоннинг никоҳида бўлди. Худойи таоло бу қизга шундай ақл-идрок, фаросат ато қилган эдики, таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. "Девони Нафисий" асарини ёзди. Хўтан, Ёрканд хотин-қизларига насиҳат тарзида "Ахлоқи жамила" (Гўзал ахлоқ) деган бир китобни ёзди. Яна "Шуруҳул қулуб"

(Қалблар шарҳи) деган бир китоб ёзди. Шоирлик, хонандалик ва хаттотлик илмлари тўғрисида бундай маъноли китоб оздир. "Ишратангиз" (Шодлик қўзғовчи) номли бир мақомни шу малика ижод қилган эди. Подшоҳ қаттиқ рашки туфайли бу асарни ўз номидан эълон қилди ва бу мақомни муסיқачиларга ўргатди. Малика Омоннисохон 34 ёшида туғиш вақтида оламдан ўтди. Бу малика вафот этгандан кейин подшоҳ ўзини ўзи ўлдириш ҳолатига етиб, савдойилик касалига мубтало бўлди. Султон охири бу малика ёдида йиғлаб-йиғлаб оламдан ўтди, дейишади.

Хуллас, булардан кейин куй, ғазал, мақом ижод қилгудек етук устозни оламга келганлиги маълум бўлмади. Яна шуни билиш мумкинки, найни Жамшид подшоҳнинг машхур хотини Дилсўз кашф қилди. Сурнайни аввал Кайқубод подшоҳнинг лашкарлари орасида Буғо Мунгузида Ардашер номли бир киши кашф қилди. Нўширавони Одил замонида ёғочдан сурнай ясаб чалдилар. Доирани Сулаймон пайгамбарга девлар ясаб берди. Кичик ва катта ногора Искандар Зулқарнайн замонида кашф бўлди, дейдилар; деб бу китоб Оллоҳнинг ёрдами билан ёзилди ва тамом бўлди.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, муסיқа фанининг устозлари ҳар асрда, ҳар вилоят, ҳар шаҳарда юзлаб, балки минглаб ўтган бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бирининг аҳволотини баён қиладиган бўлсак, бу қисқа китобга сиймайди. Шунинг учун мингдан бири танлаб олинди. Биз бирор куй ёки мақом ихтиро қилган, бирор чолғу асбобини ўз қўли билан ясаб чалган ва у илм тўғрисида бир ёки бир неча китоб ёзиб қолдирган устозлардан айримларини таништирдик, холос.

Худойимга юз минг мақтов-сано хос,
Яна ҳамду шукурлар унга беқиёс.
Алишер Ҳақимбекка берди сипоҳ,
Хўтан элига айлади подшоҳ.

Бу шоҳнинг даврида яшати мани,
Бошга кулоҳу эгним қўйлак кийгани.
Замонада шундай адолат эрур:
Бўрилар қўйларга бож бериб юрур.

Менга бир амр этдики: Тарихни ёз,
Кўлингга дават ол, қаламу қоғоз.
Бу амрига мен ҳам амал айладим,
Ширин сўзлар йиғишни жазм айладим.

Муסיқийга доир рисоаларин,
Тарих оти борки китобнинг барин —
Йиғиб битта қилдим бу тарихда ман,
Ниятим: ўқисин ҳар аҳли Хўтан.

Агар ақлим қисқа, бўйим ҳам ночор,
Хўтанликка қилдим буни ёдгор.
Сабаб бўлди бунга Алишер Ҳақим,
Унга ажрин бергай Худойи Карим.

Ўқиб англаганга будур илтижо,
Алишер Ҳақимга қилинглар дуо,
Мени ҳам унутиб қўймангиз ахир,
Беҳиштга киражак ким бўлса сахий.

Битиб тарҳин тарихини деб эдим,
Билишмасмикан деб ажаб ғам едим.
Тугат сўзни, Мўъжиз, бенаво,
Улуғ йўлга киргил бўлиб Мосуво.

ҳижрий 1271 й, милодий 1854-55 й.

Ясунари КАВАБАТА

Япония чиройидан нур эмган

Гуллар – баҳор учун.
Ҳаққуш – ёз учун.
Тўлин ой – куз учун.
Оппоқ ва совуқ қор –
Қиш учун.

Бу шеърни дзэн устаси Догэн (1200-1253) ёзиб, уни "Ибтидоий қиёфа" деб атаган.

Қишдаги тўлин ой,
Булутлардан чиқиб
Ҳамроҳим бўлдинг,
Совқотмаяпсанми қорда?
Титрамаяпсанми изғириндан?¹

Буниси руҳоний Мёэ (1173-1232) қаламига мансуб шеър.

Мендан, эсдалик учун бир нима ёзиб беришларини сўрашганда ана шу шеърларни ёзиб бераман. Узундан-узоқ, батафсил баён Мёэнинг шеърларига хос, уларнинг маъносини очиб беради.

"1224 йилнинг 12 декабр тунди. Осмон булутли. Ой кўринмайди. Мен Какю залига кириб, дзэнга шўнгидим. Ярим тунда, тунги бедорлик пайтида юқори болохонадан пастга тушганимда, ой булутлар орасидан мўралаб, қор босган ерларни яшнатиб юборди. Бундай ҳамроҳ билан кимсасиз дала-ўнгирларда увиллаган бўридан ҳам кўрқмаган бўлардим. Пастки хонада бир мунча муддат бўлиб, ташқарига чиқдим. Бу вақт ой булутлар ортида ғойиб бўлганди. Ярим тундан кейинги кўнғироқча жиринглагач, мен яна тепага кўтарила бошладим. Ой яна кўриниб, мени кузата бошлади. Юқоридаги зал томон юрдим. Ой эса булутни қувалаб тоғ чўққиси ортига яширинишга шошарди. Кўринишидан, у, биз бирга сайр қилганимизни яширмоқчи".

Кейин юқоридаги шеър келади. Ва давоми:
"Ой тоғ чўққисига кўнганини кўриб, мен залга кирдим.

¹Шеърлар таржимони Мирпўлат Мирзо.

Ясунари КАВАБАТА (1899-1972) япон адибларидан биринчи бўлиб "Японлар онги мохиятини акс эттирган ёзувчилик маҳорати учун" Нобел мукофотиغا сазовор бўлган. Унинг "Идзулик раққоса", "Қушлар ва йиртқичлар", "Қорли ўлка", "Минг қанотли турна", "Тоғлар нидоси", "Кул", "Уйқудаги нозанинлар" сингари номли қисса ва романлари машҳурдир.

Бутун умри давомида ўз жонига қасд қилишни (япониялик адиблардан бир қанчаси шундай қилган) қоралаб, афсуски, ўзи ҳам умрини шундай тугатди.

Мен ҳам беркинаман
 Чўққи ортига.
 Тўлин ой, келгин сен ҳам.
 Бугунги тунни, ундан кейинги тунларни
 Ўтказармиз бирга.

Тун бўйи залда ўтириб фикрларини жамлаган ёки унга сахарда қайтган Мёэ яна ёзадн:

"Хотирларимни жамлаб бўлгач, кўзимни очсам, дераза ортидан Ой, сафари қариган йўловчидек қараб турибди. Шу пайтгача қоронғиликда ўтириб, деразанинг ёришгани нимадан эканлигини дарров тушунолмайд қолдим: менинг кўнглим ёришганиданми ё Ой ёғдусиданми?"

Қалбим менинг
 Таратар ёрқин шуъла.
 Ой эса
 Қалбимни
 Ўзининг акси деб ўйлар.

Сайгё сакура шоири бўлса, Мёэ - Ой куйчиси.

О, бунча ёруғдир, бунча ёруғдир,
 О, бунча ёруғдир, бунча ёруғдир,
 О, бунча ёруғдир, бунча ёруғдир,
 О, бунча ёруғдир, бунча ёруғдир,
 Тўлин ой!

Шеър, бор-йўғи, овознинг ҳаяжонларидан иборат.

Мёэ ярим тундан тонггача "қиш Ойи" ҳақида учта шеър битди. Сайгё айтганидек: "Шеър битаётганингда уларни ижод қилаётганингни ўйлама". Мёэ ўттиз битта бўғинли сўзлар ишлатиб, Ой билан суҳбат қуради, на фақат дўсти, балки яқин одами билан гаплашгандек.

"Ойга термулиб, Ой бўлиб қоламан, Ой эса "мен"га айланади. Эри-иб оқиб, табиат билан кўшилиб кетаман".

Зимистон залда тонггача ўтириб чиққан роҳибдан таралаётган нур Ойнинг назарида, ўз шуъласига ухшайди. Мёэнинг "Мени кузатаётган қишки Ой" шеърига ёзилган шарҳдан кўринишича, у медитация залига кириб, фалсафий ва диний мушоҳадаларга чўмган ва Ой билан пинҳона мулоқотдан олган таассуротларини шеър орқали изҳор этган. Мендан дастхат ёзиб беришни сўрашганда шу шеърни танлайман, жуда дилкаш, енгил шеър.

"О, қишки тўлин ой,
 Беркинасан, булутлар ортига сен.
 Яна чиқиб улар
 Ортидан ёритасан менинг йўлимни.
 Ҳовлига чиққан пайтим совуқ тун ичра
 Сен билан бўлсам мен кўрқмайман
 Водийдаги увлаётган бўридан ҳатто,
 Совқотмаяпсанми қорда?
 Титрамаяпсанми изгириндан?"

Бу сатрларни шунинг учун ҳам дастхатим учун танлайманки, улар табиат ва инсонга бўлган яхшилик, илиқ, жозибали туйғулар билан суғорилган ва шуниси билан японларнинг кўнгли нозиклигини акс эттиради.

Профессор Ясиро Юкио рассом Боттичеллининг дунёга машҳур тадқиқотчиси, Шарқ ва Ғарбнинг ўтмиши ва ҳозирги кун санъатининг билимдони, "Япония санъатининг ўзига хос хусусиятини шоирона бир ибора билан ифодалаш мумкин", деган эди.

Қорга, Ойга ёки гулларга қараганингда яқин дўстинг ҳақида ўйлайсан. Бошқа ҳеч қачон дўстинг ҳақида бунчалик ўйламайсан. Қорнинг ёки Ойнинг гўзаллигига маҳлиё, йилнинг тўрт фасли манзараларига мафтун бўлганингда, онгинг уйғониб, гўзалликдан ҳузур қилганингда дўстингни соғинасан: қувончларингни баҳам кўришни истайсан. Қисқаси, гўзалликни мушоҳада қилиш кучли ҳамдардлик ва муҳаббат туйғуларини уйғотади ва шунда "Одам" деган сўз "дўст" бўлиб янграйди.

"Қор, ой, гул" сўзлари — бири иккинчисининг ўрнига келадиган йил фаслларининг гўзаллиги ҳақида; японларнинг анъанасига кўра, умуман гўзалликнинг: тоғлар, дарёлар, ўт-ўлан ва дарахтлар, табиатнинг чексиз ҳодисалари ва инсон ҳислари гўзаллигининг тажассуми ҳисобланади. "Яқин дўстинг ҳақида, ҳеч қачон қорга, Ойга ёки гулларга қараганингдаги каби ўйламайсан". Худди шундай ҳиссиёт чой маросимида ҳам бўлади. Бундаги учрашувлар ҳам ўша — "ҳиссиётлар учрашуви" дир. Яқин кишилар йилнинг қулай фаслида орзиқиб кутган учрашув.

Айтганча, агар "Минг қанотли турна" қиссамни ўқиган бўлсангиз, инсон қалбининг ва чой маросимининг гўзаллигини кўрсатмоқчи бўпти, деб ўйламанг. Аксинча, мен уни яхши кўрмайман, ҳозирги чой маросимлари кўпинча сохталаштириб юборилишидан сизларни огоҳ қиламан.

Гуллар — баҳор учун.

Ҳаққуш — ёз учун.

Тўлин ой — куз учун.

Оппоқ ва совуқ қор —

Қиш учун.

Агар сиз, Догэн шеърларидаги йил фасллари — баҳор, ёз, куз, қишнинг гўзал тасвирлари ҳақида ўйлаб, табиатнинг японларга азалдан маълум оддий, сийқаси чиққан, чайналган образларни палапартиш териб ташлаган десангиз, деяверинг! Агар сиз буларни умуман шеър эмас, десангиз, ҳам майли! Бироқ булар роҳиб Рёкан (1758-1831) ўлими олдидан ёзиб қолдирган шеърга нақадар ўхшайди!

Нима қолар мендан кейин?

Гуллар — баҳордаги.

Тоғлардаги — Ҳаққуш,

Чинор барглари — куздаги.

Бу шеърда ҳам, Догэннинг шеъридаги каби оддийгина образлар, оддий сўзлар очиқчасига жўн тарзда ёнма-ён қўйилган, лекин, улар Япониянинг кўнглидаги туб моҳиятни акс эттиради. Шоирнинг охириги шеъри ана шундай.

Кун бўйи

Димиққан

Баҳор кунда

Болалар билан мен

Коптоқ ўйнайман.

Шабадалар ҳарир,

Тўлин ой ёрқин.

Хотиралар эса бирам шириндир!

Улар-ла ўтказгум тунни тонг қадар!

Айтар гапим йўқ гарчи

Одамлардан қочмайман.

Бироқ

Ёлғиз қолгим келар менинг.

Рёканнинг қалби шеърларига ўхшайди. У ўт-ўланлардан тикланган кулба билан кифояланди, чориқ кийимда юрди, харобаликларда тентиради, болалар билан ўйнади, деҳқонлар билан валақлашди, эътиқод ва адабиёт тўғрисида бекорчи гаплар қилиб юрмади. Унинг йўли ойдин: "Юзида табассум, сўзида муҳаббат" бор эди. Айнан шу Рёкан ХҮIII аср охирлари ва XIX аср бошлари — Эдонинг кейинги даврида, ўзининг шеърлари ва каллиграфия санъати билан замондошларининг бузғунчи дидларига қарши турди, қадимгиларнинг гўзал услубини сақлаб қолди. Рёканнинг шеърлари ва каллиграфия намуналари Японияда ҳозир ҳам юксак қадрланади, ўзи эса, ўлимидан олдин қолдирган шеърларида "ўзимдан арзигулик ҳеч нима қолдирмаяпман" деган эди. Ўйлашимча, у табиат мендан кейин ҳам шундай гўзаллигича қолаверади" демоқчи бўлган. Мана шу фикр, Рёкан бу дунёда қолдириши мумкин бўлган бирдан-бир нарса эди. Рёкан ишқий шеърлар ҳам ёзган. Мана, эшитиб кўринг:

О, қанчалар
Эзилдим
Ҳижрон-фиروقда!
Энди биргамиз...
Яна мен орзулай нимани?

Ўшанда олтмиш саккиз ёшга кирган Рёкан йигирма тўққиз ёшли роҳиба Гэйсинни учратиб, эс-ҳушини йўқотар даражада севиб қолган. Бу шеър аёлниг мангу гўзаллигини топган, узоқ интизорлик билан кутилган севги қувончи, гапнинг тўғрисида содда қилиб айтиб қўя қолган.

Рёкан ҳозир Ниигата деб аталадиган вилоятнинг Этиго деган жойида туғилган. Мен бу вилоятни "Қорли ўлка" қиссамда тасвирлаганман. Бу, Япониянинг шимолий худуди бўлиб, унга Сибирдан Япон денгизи орқали совуқ шамоллар етиб келади. Шоир бутун умрини шу ўлкада ўтказди. Етмиш тўрт ёшида вафот этди. Кексайиб, ўлими яқинлашиб қолганини сезган Рёканнинг дили равшан бўлди.

Назаримда, ҳаёт билан видолашув яқинлашганда бошқа бир шоир-роҳиб, "Сўнгги нигоҳ" шеъри орқали шимол табиатининг бор гўзаллигини тасвирлаб кетган.

Менда "Сўнгги нигоҳ" деган сурат бор. Унда 1927 йилда ўз жонига қасд қилган Акутагава Рюноскэнинг, мени ларзага соладиган сўзлари бор: "Мен яшаш иштиёқи, ҳаётий куч деган нарсалардан аста-секин маҳрум бўлганга ўхшайман, — деб ёзади Акутагава. — Мен безилаб қолган, муз каби шаффоф асаблар дунёсида яшайпман. Ўз жонимга қасд қилиш фикри менга изма-из эрашиб юрибди. Қизиқ, табиат илгари ҳеч қачон ҳозиргидек гўзал кўринмаган эди! Одамларга галати туюлиши ҳам мумкин: табиатнинг гўзаллигига маҳлиё бўлган одам ўз-ўзини ўлдириш ҳақида ўйлапти! Бироқ, табиат шундай гўзалки, уни сўнгги нигоҳим билан акс эттирмасликнинг иложи йўқ".

Акутагава ўттиз беш ёшида ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйди. Ўшанда мен "Сўнгги нигоҳ" ҳақида мана бундай ёзган эдим. "Бу дунё қанчалик жонингга тегиб кетмасин, ўз-ўзини ўлдириш дил равшанлигидан эмас. Бундай одам қанчалик олийжаноб бўлмасин, у донишмандликдан узоқ. Акутагава билан ҳам, урушдан кейин ўзини ўзи ўлдирган Дадзай Осаму (1969-1948) билан ҳам, буларга ўхшаган ким бўлмасин, мен ҳамдард бўлолмайман. Рассом дўстим булар эди, авангардчи. У ҳам ёш ўлиб кетди, нуқул ўз-ўзини ўлдириш ҳақида гапириб юрарди. "Сўнгги нигоҳ"да унинг ҳам гапи келтирилган, "Ўлимдан юқорироқ турадиган санъат йўқ", "Ўлмоқ, демак яшамоқ" дерди. Будда ибодатхонасида туғилган бу одам ўлимга фарб одамларидан кўра бошқачароқ қарар эди. "Мулоҳазакор одамлар даврасида ким ўзини ўзи ўлдириш ҳақида ўйламабди?"

Шу гап тўғри бўлса керак? Мисол учун ўша Иккюни (1394-1481) олайлик. Миш-мишларга қараганда ўз жонига икки марта қасд қилган экан. Мен "ўша" деб айтаётганимнинг сабаби шуки, уни эртақлар орқали болалар ҳам билиша-

ди. Унинг галати ишлари ҳақида латифалар бор. Айтишларича, ҳатто "болалар соқолини силаш учун тиззасига чиқиб олишаркан, ўрмондаги қушлар кафтидан дон чўқилашар" экан. Афтидан, Иккю ҳаддан зиёд самимий, раҳмдил роҳиб — ҳақиқий "дзэн"чи бўлган. Гапларга қараганда императорнинг ўгли экан. Олти ёшида уни Будда ибодатхонасига беришган, ўшандаёқ шоирлик хислатлари кўринган. Кейинчалик у ҳаёт ва дин ҳақида ўйлаб кўп изтироб чеккан. "Худо бор бўлса, у мени қутқарсин!" деган. Ҳатто ўзини кўлга ташлаган, лекин қутқариб қолишган. Яна шундай ҳодиса ҳам бўлган: Иккю хизмат қилган Дайтокузи ибодатхонасининг роҳибларидан бири ўзини-ўзи ўлдиради, шундан кейин айрим роҳибларни қамоқларга тиқишади. Зиммага олгани "оғир юк" эканини билган Иккю тоғларга чиқиб кетади, ўлгиси келиб ўзини очликка гирифтор қилади.

У ўзининг шеърӣ тўпламини "Кёун" ("Бебош булутлар") деб атади, шу-шу тахаллуси ҳам Кёун бўлиб қолди. Бу тўпланда ҳам, кейингиларида ҳам шундай шеърлар борки, ўрта асрлардаги кёнсида ҳам, дзэн шеъриятида ҳам бунақаси учрамайди. Улар шу даражада шахвонийки, тафсилотлари ўқувчини уялтириб қўйиши мумкин. Иккю дзэннинг қойдаларию тақиқларига риоя қилмаган: балиқ еган, вино ичган, аёллар билан яқинлик қилган. Эрк дея, у монастирча тартибларга қарши чиққан. Эҳтимол, ўша алғов-далғов йилларда инсониятнинг йўли бузилиб, Иккю инсоний мавжудликнинг моҳиятини, ҳақиқий ҳаётини тикламоқчи, одамларнинг руҳига мадад бермоқчи бўлгандир.

Мурасакино ва Киотодаги Дайтокузи ибодатхоналарида ҳозир ҳам чой маросимлари бўлиб туради. Чой ичиш хоналарининг тўрига илиб қўйиладиган какэмоно — Иккю каллиграфиясининг намуналари одамларни ўзига жалб қилади. Менда ҳам унинг иккита намунаси бор. Бирида мана бундай сўзлар ёзилган: "Будда дунёсига кириш осон, Шайтон дунёсига кириш — қийин". Бу сўзлар мени таъқиб қилгани-қилган. Уларни дастхатларимда ишлатаман, ҳар хил тушунса бўлади, маъноси чексиз. "Будда дунёсига кириш осон"ни ўқигандан кейин "Шайтон дунёсига кириш қийин"ни ўқиганимда Иккю ўзининг дзэнча моҳияти билан руҳимга кириб келади. Пировардида, санъат одамлари учун, Ҳақиқат, Яхшилик ва Гўзалликни изловчилар учун "Шайтон дунёсига кириш қийин" деган сўзларда яширинган истак кўрқувда, ибодатда, очиқ ёки яширин шаклда мавжуд. Худди тақдир каби! "Шайтон дунёси"сиз "Будда дунёси" ҳам йўқ. "Шайтон дунёсига" кириш қийин. Руҳан ожизларнинг кучи етмайди.

Санъатнинг шафқатсиз тақдири Синраннинг сўзларида яширин эмасмикин? Дзэн мактабида сиғинадиган тасвир йўқ. Тўғри, ибодатхоналарида Будданинг суратлари бор, лекин машқ жойларида, фикрни жамлаш (медитация) залларида ҳайкаллар ҳам, тасвирлар ва сутралар ҳам йўқ. Бу ерларда доим кўзларни юмиб олиб, дунёдан тўла-тўкис узилмагунча (ўйлаш, мулоҳаза қилиш тўхтайдди, ҳар қандай фикр ва образлар йўқолади) жим, қимирламасдан ўтирилади. Шунда "Мен" йўқолиб, "Ҳеч нима" ҳолати юзага келади. Лекин бу — европаликлар тасаввуридаги "Ҳеч нима" эмас. Аксинча. Бу — бўшлиқ. Ундаги ҳамма нарса тўсиқлар ва чекловлар ортида бўлади, Бўшлиқ — ҳақиқий бўшлиққа айланади. Бу — руҳнинг чексиз Олами!

Дзэнда ҳам устозлар бор, улар шогирдларига мондо (савол-жавоб) усули билан сабоқ берадилар, қадимий дзэн битикларини ўргатадилар, бироқ шогирд ўз фикрларига ўзи ҳоким бўлиб қолаверади ва у дилнинг ғайриихтиёрӣ ҳолатига ўз кучи билан эришади. Бу ўринда мантиқдан кўра, ички ҳиссиёт, бировдан олган билимдан кўра, ичдан уйғониш ҳолати муҳим. Ҳақиқат, олдиндан "чизиб қўйилган" белгилар орқали узатилмайди. Ҳақиқат — "сўздан ташқарида" мавжуд. Бу, Вималакиртининг "гўрдагидек сукут"ида аниқ ифодаланган. Айтишларича, Хитойнинг биринчи роҳибӣ — чань (дзэн), улуғ устоз Бодхидхарма (японча Дарума Дойси) бир ғорга кириб олиб, тўққиз йил деворга қараб ўтирган, уни мушоҳада қилиб, мутлақ сукунатга кириб, фикр-

ларни жамлаб, равшанлик ҳолатини кечирган экан. Ўтириб фикрни жамлаш одати Бодхидхармадан бошланган.

Жавоб қайтарасан — сўрасалар,
Сўрамасалар — бир сўз айтмайсан.
Қалбингда нималар яширин,
Олийжаноб Бодхидхарма?

Юқорида тилга олинган Иккюннинг яна бир шеърини келтираман:

Моҳияти нимада айтгин юракнинг,
Бўшлиқдаги қарағай шовуллашидами?

Тасвирий санъатнинг руҳи мана шунда. Шарқ тасвир санъати — сумиэнинг маъноси — Бўшлиқда, ҳеч нарса билан тўлдирилмаган Бўшлиқда, аранг кўринадиган чизгиларда.

Цзин-Нун бундай деганди: "Агар дарахт шохини қойилмақом қилиб чизиб қўйсанг, ундан шамол ўтаётганини эшитасан". Дзэн устози Догэн шунга яқин гап айтган: "Рухий тиниқишга йўл бамбукларнинг шитир-шитирида эмасми? Қалбнинг барқ уриши сакуранинг гуллашидан эмасми?". Японча "Гуллар йўли"-нинг машҳур устаси (икэбана) Икэнобо Сэнно (1532-1554) ўзининг "Сирли сўзлашувлар" асарида бундай деган: "Бир ҳовуч сув ёки дарахт шохчаси одамнинг тасаввурида тоғларнинг улуғворлиги ва дарёларнинг лиммо-лим оқиши манзараларини ҳосил қилади. Бир онда сон-саноқсиз эврилишларнинг сирларини туяди, киши. Худди сеҳргарнинг мўъжизалари каби".

Япония санъатининг қоидаларидан мураккаброқ, хилма-хилроқ ва икир-чикиригача пухта ўйлаб қўйилган ҳеч нима йўқ, дейиш мумкин. Қул-куруқ ландшафтда йирик ва майда тошларни шундай ўрнатишадик, улар тоғлар ва дарёларни, океаннинг қояларга урилаётган тўлқинларини эслатади. Қисқа ва аниқ, лўнда тасвирлашнинг чегараси — японча бонсай ва бонсэки. "Ландшафт" — "сансуй" сўзи "сан" (тоғ) ва "суй" (сув)дан иборат ва тоғ манзараси ёки боғни билдиради, "ёлғизлик", "қаровсизлик"ни, "ғамгин", "ачинарли" деган ҳиссиётларни ҳам англатиши мумкин. Агар "Чой йўли"да юксак қадрланадиган "вабисаби" — "уйғунлик, эҳтиром, мусаффолик ва хотиржамлик"ни тақозо қилса, қалбнинг бойлигини намоён қилса, кичкинагина, оддийгина чойхона маконнинг бепоёнлигини, гўзалликнинг чексизлигини ўзида мужассам этади.

Биттагина гул юзта гулга қараганда рангни яхшироқ ҳис қилдиради. Икэбана учун очилиб кетган гулгунча ишлатмаслик кераклигини Рикю айтиб кетган эди. Японияда ҳозир ҳам чой маросимида, чойхона тоқчасига битта очилмаган гунча қўйиш одати бор. Гуллар мавсумга қараб, масалан, қишда гаульте-рия ёки "вабискэ" камелияси танланади. Бу гул камелиянинг бошқа турларидан гулбарглари-нинг майдалиги билан ажралиб туради. Битта оқ гунча танлаб олинади. Оқ ранг — энг тоза ва тўйинган ранг. Гунчада шудринг томчиси бўлиши лозим. Унга сув сачратиб қўйса ҳам бўлади. Май ойидаги чой маросими учун оқ пионгул гунчаси танлагани яхши, селадон вазага солиб қўйилади. Албатта, шудринг томчилари бўлиши керак. Қолаверса, томчилар чинни вазада ҳам бўлгани яхши. Шунинг учун унга гул солишдан олдин сирти шундай тозаланадигани, сачратилган сув томчиси туриб қолсин. Японияда, гул қўйиладиган чинни вазалар ичида энг қадрлиси — қадимий ига (XV-XVI) ҳисобланади. Энг қимматбахолари ҳам шулар. Агар унга сув сачратилса, уйқудан уйғонгандек, тирилгандек бўлади. Игалар катта ҳароратларда пиширилади. Сомон тутуни ва кули унинг сиртини сийпаб ўтади, кейин ҳарорат пасайганда ваза юзаси сирлангандек ялтирайди. Бу — устанинг қўли билан ҳосил қилинган санъат эмас, хумдоннинг иши. Фалати ранглар билан жилоланиш хумдоннинг ёки унга қаланган материалларнинг ҳикматидан. Қадимий ига сиртидаги йирик-йирик, оралари очиқ ёрқин доғлар намлик таъсирида нозик ялтирайди,

гулга кўнган шудринг томчилари билан бир маромда нафас ола бошлайди. Чой маросимлари одатига кўра, чой қуйишдан олдин финжонлар ҳам яхшилаб ювиладики, ўз номи билан табиий чақнаб турсин. Икэнобо Сэнно "Сирли сўзлашувлар"ида айтганидек, "Далалар, тоғлар, қирғоқлар кўз ўнгингизда намоён бўлади. У ўзининг икэбана мактаби билан гуллар руҳини қандай англашни ўргатди: синган вазада ҳам, қуриган шохда ҳам гуллар бор ва улар киши дилини равшан қилиш қувватига эга.

"Қадимгилар учун гул дастасини яшаш — эзгуликка йўл" деб ёзган Икэнобо. Дзэн таъсирида унинг юрагида Япониянинг гўзаллигига интилиш уйғонган. Бу, яна шунинг учун ҳам бўлса керакки, у ўзаро низолар чўзилиб кетган даврда яшаган.

Японларнинг ута-моногатарисига тегишли қадимий тўплам "Исэ-моногатарри"да кичкина-кичкина новеллалар кўп. Уларнинг бирида Аривара Юкихира меҳмонларни қандай гул билан кутиб олгани ҳақида ҳикоя қилинади: "У нозик дидли бўлгани учун вазага галати печакгулларни топиб кўярди. Фалатилиги шундаки, банди узун, уч сьяк ва олти сун келарди". Ростини айтсам, банди бунақа узун печакгулларни кўрмаганман, бироқ бунда Хэйан маданиятининг тимсолини кўраётман. Печакгул — ораста, мулойим гул, японларнинг руҳиятига мос. Гуллаганда эгилиб қолади, шамолда энгил тебранади, майин, кўзга ташланавермайди, ёзинг дастлабки кунларидаги тиниқ яшилликлар орасида гоҳ яшириниб, гоҳ мўралаб кўяди. Бундай узун бандли печакгул жуда ёқимли.

Минг йиллар илгари Япония Тан маданиятини ўзлаштириб, улуғвор Хэйан маданиятини юзага келтирди. Японлардаги гўзаллик туйғуси мана шу "Ғайриоддий печакгул" каби мўъжиза. Энг биринчи императорлик шеърий антологияси "Кокинсю" 905 йилда битилган. Насрдаги япон мумтоз адабиётининг биринчи дурдоналари X-XI асрларда пайдо бўлди: "Исэ-моногатарри" (X аср), Мурасаки Сикибу (978-1014)нинг "Гэндзи-монгатарри"си, Сэй Сёнаган (966-1017)нинг "Макура-но соси" ("Ёстиқ узра битиклар")и. Хэйан даврида японча гўзаллик анъаналарига асос солиндики, у кейинги саккиз аср давомида адабиётда ўз муҳрини қолдирди, унинг феъл-атворини шакллантирди.

"Гэндзи-моногатарри" ҳамма даврлар учун япон маданиятининг чўққиси бўлиб қолади, шу вақтгача унинг тенги топилмаган. Энди чет элларда ҳам кўпчилик уни оламшумул мўъжиза, деб эътироф этади, минг йил илгари шундай ажойиб ва замонавий руҳдаги асар битилганидан ҳайратга тушади. Мен болалигимда қадимий тилни яхши билмасдим, лекин хэйан адабиёти намуналарини ўқиб турардим, мен айтаётган асар ўшанда дилимда қолган. "Гэндзи-моногатарри" дунёга келгандан буён япон адабиёти унга интилади. Орадан ўтган асрларда унга қанча тақлидлар бўлмади! Санъатнинг ҳамма турлари амалий санъатдан бошлаб, боғ барпо қилиш санъатигача, ҳаммаси (шеърийат тўғрисида айтмаса ҳам бўлади) "Гэндзи"ни гўзаллик манбаи деб қабул қилади.

Мурасаки Сикибу, Сэй Сёнаган, Цзуми Сикибу, Акадзомэ Эмон ва бошқа машҳур шоирлар — ҳаммаси саройда хизмат қилишган. Хэйан маданияти — сарой маданияти бўлган, шунинг учун у нозик, мулойим. "Гэндзи-моногатарри" ва "Макура-но соси"ларнинг даври — бу маданият чўққига эришган даврдир. Чўққидан ўтгач, заволга кета бошлади. Унда оғир қайғу сезилиб, шон-шухратлар ниҳоясига етганидан дарак бериб турарди. Япония сарой маданиятининг гуллаш даври тугаган эди.

Кейинги қисқа вақтда император саройи шунчалар ожизланиб қолдики, ҳокимият оқсуякларлардан жангарилар — самурайлар қўлига ўтди. Камакура (1192-1333) даври бошланди. Самурайлар давлатни етти асрга яқин, Мэйдзи (1868й) даври бошлагунча бошқариб келишди.

Бироқ, императорлик тизими ҳам, сарой маданияти ҳам йўқ қилинмади. Камакура даврининг бошида япон шеърийтининг яна бир антологияси — "Янги Кокинсю" (1205) бунёд бўлди. У маҳорат бобида Хэйан давридаги "Кокинсю"дан ўзиб кетди. Унда, албатта, сўз ўйинлари ҳам бор, лекин асосан нафосат руҳи (ёэн), кўнгилдаги гўзаллик (югэн), ўта сезгирлик (ёдзё) устунлик қила-

ди ва бу, уни замонавий тимсолий поэзия билан яқинлаштиради. Роҳиб — шоир Сайгё-Хоси Хэйан ва Камакура даврларини бирлаштирди.

У ҳақда ўйлаб,
Мудраб қолибман.
Ва у келди тушимда.
О, билганимда эди,
Уйғонмас эдим.
Тушлар сўқмоғидан
Толиқиш билмай
Эргашгум унга.
Бизлар
Ўнгимизда ҳеч учрашмадик.

Бу — шоира Оно-но Камати қаламига мансуб "Кокинсю" асаридан олинган шеър. Гарчи у тушлар ҳақида бўлса-да, реал воқелик руҳи уфуриб туради. "Янги Кокинсю"дан кейин дунёга келган поэзия эса, буткул табиий чизгиларни эслатади.

Бамбукзор чумчуқлар чуғури билан тўлди.
Куз ранги — қуёш нурларидан.
Боғда ёлғизлик.
Куз шамоли хаги бутасини сийпалаб ўтди.
Кечки қуёш девор ортига чўкди.

Бу шеър император аёл Эйфукунинг "Камакура"си сўнгидан олинган. Японларга хос нафис гамгинликни ифода этган бу шеър менимча, жуда замонавий. Устоз Догэн ёзган "Оппоқ ва совуқ қор — қишда", авлиё Мёэ ёзган "Қиш Ойи мени кузатиб қўяди" шеърлари "Янги Кокинсю" даврига хос.

Мёэ ва Сайгё бир-бирларига ўз шеърларидан ўқиб берганлар, шеърят ҳақида фикр алмашганлар. "Ҳар гал роҳиб Сайгё келганида шеър ҳақида сўз кетади. Шеърга менинг ўз қарашларим бор, дерди у. Мен ҳам гулларни, какку куш, қор ва Ойни, умуман, турли тимсолларни куйлайман. Аслида буларнинг бари кўзларни тўсиб, қулоқларни тўлдириб қўядиган битта манзара. Шунга қарамай, бизнинг кўнглимизда туғиладиган шеърлар Ҳақиқат сўзлари эмасми? Гуллар ҳақида гапирганингда, кўриб турганинг ҳақиқатда ҳам гул эканини ўйламайсан. Худди шунга ўхшаб, Ойни куйлаб туриб, у ростдан ҳам ой деб ўйламайсан. Ўрни келади, илҳом келади, шеър ёзилади. Қизил камалак пайдо бўлади, бўм-бўш осмонга ранг киргандек туюлади. Қуёш чарақлайди, осмон мунаввар бўлади. Ахир осмон ўз-ўзидан бўялмайди-ку, ўз-ўзидан ёришмайди-ку. Биз ҳам осмонга ўхшаб, қалбимизда турли нарсаларни турли рангларга бўяб чиқамиз, лекин ҳеч қанақа из қолдирмаймиз. Айнан мана шунақа поэзия Будда ҳақиқатини ўзида мужассам этади" (бу парча Мёэнинг шогирди Кикай ёзган "Мёэ биографияси" асаридан).

Бу сўзларда Бўшлиқнинг, Йўқликнинг японча, тўғрироғи, шарқча гоёси сезилиб туради.

Танқидчилар менинг асарларимдан йўқлик топадилар. Бу — ғарбликлар тасаввуридаги нигилизм эмас. Бизларнинг руҳий манбаларимиз фарқ қилишидан бўлса керак.

Догэн битган йилнинг тўрт фасли гўзаллигини куйлаган мавсумий шеърлар тўплами "Ибтидоий образ" — дзэн деганимиз бўлади.

Қудрат ДУСТМУҲАММАД
таржимаси



Евгений РЕЙН

Синмаган қадаҳ сири

Бу тарихни менга машҳур шоир гапириб берган. Жуда машҳур шоир. Бу воқеа 1968 йилда кечган эди. Ўша эсда қолган йили Роберт Кеннеди АҚШ президенти бўлишга ҳаракат бошлаганди. Шоиримиз ўша даврда дунё миқёсида шуҳратга эга бўлиб, Кеннедилар оиласи билан яқин дўстона алоқада эди.

Шундоқ қилиб, Янги Англиядаги Кеннеди қароргоҳида байрам дастурхони ташкил этилади. Бу нафақат байрамона, балки тантанавор, намойишкорона дастурхон эди. Тамадди пайтида Кеннеди оиласининг дўсти машҳур дипломат Аверелл Гарриман адлия вазири Роберт Кеннеди ўз номзодини президент сайловида қўйишга қарор қилганлигини эълон қилди. Шундан кейин президентликка янги номзодга табриклар ва қутловлар билдирилган тилак изҳорлари бошланди.

Шунда машҳур шоиримиз ўрнидан туриб муваффақиятлар тилаган ҳолда дил сўзларини айтди. Тилагини чиройли яқунлаш учун у қимматбаҳо, кўҳна биллурий қадаҳни боши узра кўтариб, шундай деди:

— Ҳозир мен, сўзимнинг яқунида, мана шу қадаҳни синдираман ва бу жаноб Кеннедининг сайловолди мавсумидаги муваффақияти гарови бўлади.

Шоир инглиз тилини ёмон билмасди ва у ўз фикрини зукколик билан ифода қилди. Аммо америкаликлар унинг муддаосини тушуниб етишмади. Улар шоирнинг қимматбаҳо қадаҳни синдирмоқчи эканлигини англашди, лекин сайловолди мавсумидаги муваффақиятга бунинг қанчалик даҳли борлигини фаҳмлашмади..

Безовталанган уй бекаси шоирга қадаҳ синдиришда шошилмасликни ва ундан сайловчилар овозини қозонишда синдирилган қадаҳ эрига қанчалик

ёрдам беришини ва булар орасида қанақа боғлиқлик борлигини тушунтириб беришни сўради.

Шоир инглиз тилида ўзига хос сўзлаб, Россияда шундоқ кўҳна одат борлигини, қандайдир тadbирнинг муваффақияти учун қадаҳ кўтарилганида, албатта, унинг уриб синдирилиши зарурлигини ва бу сирли бир жиҳати билан ишнинг муваффақиятини таъминлашини сабр-тоқат билан тушунтирди.

Америкаликлар шоирни яна охиригача англаб етишмади. Ҳайрон қолишиб: бунинг сири нимада? Бунда қандай боғлиқлик бор? Бундай ҳолда биллур қадаҳ эмас, бошқа бирор идиш синдирилса бўлмайдими? Оддий дераза ойнаси синдирилса-чи? — деган саволларни ёғдиришди.

Дастурхонда ёнма-ён ўтирган машҳур америкалик сиёсатчи, у ҳам Кеннеди оиласи яқинларидан, албатта, мана шу қадаҳ синдирилиши шартми, дея сўради.

— Албатта-да, — жавоб берди шоир, — ишнинг муваффақияти учун ичилган қадаҳ синдирилиши керак.

Америкалик сиёсатчи шоирдан, қадаҳни оқ қилиб бўшатиб, унинг ўрнига бошқа бир қадаҳни синдиришни илтимос қилди. Бу қадаҳнинг Кеннеди оиласига эсдалик сифатида қимматли эканлигини айтди. Биринчидан, у ўта қадрли — унга икки юз йил бўлган, балки ундан ҳам ортиқроқ. Иккинчидан, қадим ва олис замонларда Кеннедининг боболари Ирландиядан Америкага кўчиб ўтишганида бу қадаҳни оиладаги табаррук ашё сифатида ўзлари билан олиб келишганди.

Хуллас, бизнинг машҳур шоиримиз мўътабар даврага қанчалик гулгула солиб қўйганлигига шоҳид бўлди. Ва у сиёсатчи билан бошқа қадаҳни ҳам уриб

синдирса бўлади, деган мурасага келди. Бу моҳиятни ўзгартирмайди. Ҳамма қандайдир енгил нафас олди.

Эшик оғасини чақиритиб, унга вазиятни тушунтиришди. Ҳозир қадрли меҳмон рус одатига кўра, қадаҳни отиб чил-чил синдиради. Бу шарт. Руслар нима қилаётганини билишади. Рус шоҳлари шундоқ қилишган. Ленин ва Сталин сайловлар олдида идишларни синдиришган. Шоир кўшимча тушунтириш беришга ҳаракат қилди.

Эшик оғаси ниманидир англаган бўлиб, унга бошқа қадаҳни келтирди, оилада мўътабар саналувчисини эса хизматкорга шоирдан нарироқ кўйишни буюрди. Шу тахлит ҳаммаси жой-жойига тушди.

Шоир янги қадаҳга шампан шаробини тўлдириб, уни кўлида кўтарган ҳолда қадам ташлади. Роберт Кеннедининг ўзи ҳам ўрнидан туриб, шоир билан қадаҳни уриштирди. Шоир шаробни бир томчи ҳам қолдирмай ичиб, қадаҳни бор кучи билан каминнинг чўян панжарасига отиб урди. Бироқ қадаҳ синмади. Теннис коптокчаси каби шифтга теккудек сакради.

Меҳмонлар қарсақ чалиб юборишди, шоир каловланиб, ердаги қадаҳни кўлига олди ва синчиклаб уни кўздан кечираркан, ҳамма нарсани уқди. Эшик оғаси биллур қадаҳни сунъий шишали қадаҳга алмаштириб кўйганди. Эшик оғаси бу таомилни гайрифельликка йўйиб, рус меҳмонининг тантиқлиги, идишни синдириш эса, агар у оддий бўлса ҳам мантиққа зид иш, деб ўйлаганди. Гап унинг қимматлигида эмас, Кеннедилар оиласи пулнинг бетига қарамайдиганлардан, лекин ҳар қалай бу одат ўзига бадастир америка оилаларида қабул қилинмаган. Устига-устак ҳамма нарсага жавобгар эшик оғаси қиммати мингминг доллар бўлган бу қадаҳ чил-чил бўлишига йўл қўймасди ҳам.

Шунда, шоирнинг ўзи ҳикоя қилиб бергандек, уни бир зум совуқ тер қоплади, ичини нимадир тирнаб ўтди. Бу ёмон аломат эди. У Роберт Кеннеди муваффақияти учун ичган эди, келажакдаги унинг зафари учун қадаҳни чил-чил синдирмоқчи эди. Қадаҳ эса синмади. Чил-чил бўлишни хоҳламади. Ўзига хос башорат — тушунмовчи-

лик, ғайирлик, аён бериб, Кеннедининг кўздан пинҳон душманлари ўзларининг кучини кўрсатишди. Кенжа Кеннедининг президентликка кўрсатилиши борасидаги саъй-ҳаракатларнинг хосиятсиз оқибатга олиб боришидан аломат эди бу. Рухи тушиб кетган шоир яна ўзининг фахрий ўрнига келиб ўтирди.

1968 йили 6 июнда эса Сирхан-Сирхан Роберт Кеннедини сайловолди йиғилишида отиб ўлдирди.

Бироқ машҳур шоирнинг америкача идрок тушунчаси билан мураккаб муносабатлари тарихи бу билан якунланмади.

Якшанба кuni эди. Олдимга Иосиф Бродский келди ва биз тушлик қилгани адиблар клубига — эндиликда қисқартма номи удум бўлган ЦДЛга бордик. Бу чошгоҳ пайтидаги вақтда ресторан бўм-бўш эди, фақат камин ёнида Евгений Евтушенко бошчилигидаги гуруҳ давра қурганди. Бу ерда Василий Аксёнов ва яна бир одам — у билан ҳар гал узоқдан салом-алик қилардим — ўтирарди. Бу одам "Знамя" журналининг танқид бўлими мудири эди. Уни Муля деб чақиритар, фамилияси эса Дмитриев эди.

Евтушенко кенг кулоч ёзиб бизни столга таклиф қилди ва қадаҳларга грузин виносидан куйди. Сухбатнинг ройиши ланж эди. Бир вақт залга Ёзувчилар уюшмаси чет эллар билан ишлаш комиссияси ходими Марк Ткачёв отилиб кирди. У биз сари талпиниб, узоқдан қичқирди:

— Қандай бахтсизлик! Ҳозиргина Лос-Анжелосда Роберт Кеннедини отиб ўлдиришди.

Евтушенко улкан қоматини бор бўйи билан тиклади, унинг ранги стол устидаги дастурхондан ҳам оқариб кетганди.

— Нима қилиб отишди? Ким отди? — хитоб қилди у дафъатан ва қадаҳдаги винони дастурхонга сочиб юборди.

— Қандайдир Сирхан-Сирхан исмли араб, — жавоб қилди Ткачёв.

Евгений Александрович ўзини стулга ташлади ва ўкраб йиғлади. Ўртага қабр сукунати чўкди.

Ниҳоят, Евтушенко ўзига келди.

— Биз зудлик билан элчихонага бориб, келувчиларнинг таъзия сўзла-

ри битилувчи китобига ҳамдардлик маъносида ўз сўзимизни қолдиришимиз керак.

Албатта, ҳеч кимнинг элчихонага боришга кўнгли чопмасди, лекин қаршилик билдириш ҳам қандайдир хижолатли эди.

— Ҳаммамиз менинг машинамга сигамиз, — деди қатъий Евтушенко ва ҳисоб-китоб қилиш учун ресторан бекасини чақирди.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинганлар биргаликда унинг кенг-мўл "Волга"сига ўтириб Арбатдаги элчи резиденциясига келдик. Худого шукурки, элчи уйда йўқ бўлиб, ўзининг дам олиш кунларини дала ҳовлисида ўтказаятган экан.

Ҳамма энгил нафас олди, мен эса Евтушенко бу машмашани тўхтатса керак, деган хаёлга бордим. Бироқ беҳуда эди. Биз элчи истиқомат қиладиган қароргоҳ қошидан тўғри элчихона томон йўл олдик. У ерда, тартиб-қоидага биноан, бизни навбатчи дипломат мистер Смит кутиб олди. У Евтушенкога бугун дам олиш куни эканлигини, шу боисдан, элчихонада ундан бошқа ҳеч ким йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Бироқ Евтушенко шаштидан тушмади. У мистер Смитдан элчи дала ҳовлисига кўнги-роқ қилишни талаб қилди. Дипломат бунга ўзига малол билиб, телефон рақамларини терди. О, мўъжиза! Элчи бизни ичкарига киришимизга ва таъзиямизни ёзиб қолдиришга изн этди.

Бу менинг элчихонага ҳаётимда биринчи бор киришим эди. Муля Дмитриевнинг ҳам, эҳтимол. У бир амаллаб ўзини четга олишининг, дарвоза ёнида қолиб кутиб турмоқликнинг пайдан бўлди, бироқ Евтушенко бунақа тисарилишларга мутлақо йўл қўймади.

Бизни лифт орқали элчихонага йўллашди. Хона эшиги ёнида икки пиёда денгизчи қадини гоз тутиб турарди. Мистер Смит қулфдаги муҳрни олиб, эшикни очди. Биз ичкарига кирдик.

Хона жуда шинам ва кўркем, чоғроққина экан. Бир томон деворни юлдузли йўл-йўл байроқ қоплаганди. Стол тепасида президент сурати осифлиқ эди.

Мистер Смит бизнинг олдимизда сейфдан қора саҳтиёнли ўртача катталикдаги дафтарни чиқарди. Унга ҳали бирон ёзув битилмаганди. Шу аснода мистер Смит столдан "Монблан" белгили қимматбаҳо ручкани олди ва негадир уни Муля Дмитриевга узатди. Муля даҳшатдан титраб қўлини тортиб олди, у биринчи бўлиб имзо чекишни истамади.

Мистер Смит тушунган ҳолда жилмайиб, "Монблан"ни Евтушенкога тутди. У шаҳдам ҳолда ручкани қўлига олиб, дафтарга имзо чекди. Иккинчи бўлиб Аксёнов, кейин Бродский, кейин мен имзо чекдик. Мистер Смит ручкани яна Муляга узатди. Тисарилишнинг сира иложи йўқ эди. Эҳтиёткорона ва ўйланган асно Муля саҳифанинг чеккасигагина илғаниб-илғанмайидиган илгакли-гулчин имзосини битди.

Бу даҳмаздан кейин биз ЦДЛга қайтдик.

Орадан бир неча кун ўтди. Шуниси ажабланарли эдики, биз бу ўзбошимчалигимизга ҳеч кимдан таънадашном эшитмаган ва жазо олмаган эдик. Ё ҳукумат бу ҳақда ҳеч нарса билмаганди, ё бу арзимас нарсанинг гап-сўзга айланишини истамаганди.

Тахминан бир ойдан кейин Аксёнов менга "Нью-Йорк таймс"ида чиққан кичкина хабарни деярли мазмунан тўлиқ таржима қилиб берди: "Роберт Кеннеди ўлими муносабати билан Москвадаги Америка элчихонасига ҳамдардлик билдириб таниқли совет адиблари — машҳур шоир Евгений Евтушенко, модернчи ёзувчи Василий Аксёнов ва диссидент-шоир Иосиф Бродскийлар ташриф буюришди. Уларни икки нафар КГБ зобитлари кузатиб келишди".

Бир ойдан кейин эса Муля Дмитриев хизмат жойида, "Знамя" журнали тахририятининг ўзида бевақт ҳаётдан кўз юмди. Шундай қилиб, "зобитлардан" биргина мен қолдим.

"Литературная газета"нинг 2010 йил 24-30 март сонидан олинди.

*Рус тилидан
Мирнўлат МИРЗО
таржимаси*

Шарқнинг олтин кўприги

*«Ўзимиз олам китобини янглиш
ўқиймиз-да, сўнгра у бизни алдади,
деймиз».*

Р.Тагор.

Хинд халқининг улуғ ёзувчиси Рабиндранат Тагор ижоди жаҳон адабиётини бойитган нодир саҳифалардан ҳисобланади. Айниқса, хинд анъанавий тафаккури такомилени бу ёзувчи ижодисиз тўқис ва тугал тасаввур қилиб бўлмайди.

XX аср бошларида Туркистондаги жадидчилик ҳаракати вакиллари миллий уйғониш даври адабиёти тамал тошини қўйиб, миллий адабиётимизни жаҳон адабиёти анъаналари ва тамойиллари билан таништирди. Чорасизликдан йўл қидирган Чўлпон Тагор асарини ўқиди, ўзи билан буюк ижодкор руҳиятида муштараклик борлигини ҳис қилди. 1925 йилда "Маориф ва ўқитувчи" журналида "Улуғ хинди", кейинроқ "Тагор ва тагоршунослик" мақолаларини кетма-кет эълон қилади. Адиб Тагор асарларидан "чинакам қонган" ини эътироф этиб ёзувчини "Шарқнинг олтин кўприги" деб атайди.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Чўлпон ўзбек таржима мактабининг асосчиларидан биридир. Таржимонлик фаолияти шоирга жаҳон бадиий меросини кенгроқ, чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Чўлпон Тагорнинг бир қанча асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Айни чоғда шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Тагор ижодида Ғарб оламига хос бўлган чуқур психологизм, шарқона қадимий хинд фалсафаси қаймоғини асарларига сингдириб ўз миллий адабиётини шакл ва мазмун жиҳатидан янгилади. Чўлпон эса Ғарб ва шарқ анъаналарини ўзлаштирибгина қолмади, миллий-

лаштирди, насрда янги "халқ руҳига" мос адабиёт яратди.

Тагор асарларидаги образлар мустамлакачиликка қарши руҳан исён қилади, уларнинг деярли барчаси ўқимишли, қадимги хинд достонларини, ўз тарихини яхши билади. Улар мустамлакачи инглизлардан нафратланади. Тагор қахрамонлари В.Скоттни, Дантени, Гомерни, Горькийни, Толстойни ўқийди.

Тагор асарларидаги ўзгача услуб, рамзлар, поэтик тафаккур бошқа ёзувчиларнинг асарларидан тубдан фарқ қилади. Ёзувчининг ҳар бир ҳикояси катта романга тенг бўлган бадиий салмоққа эга. Жаҳон адабиётда ҳикоячилик қироллари Мопассан ва Чеховда Тагорга хос йўналишдаги ҳикоялар деярли учрамайди. Тагорнинг бадиий етук ҳикоялари сюжет ва ғоя жиҳатидан Чўлпон асарларига гўё хамиртуруш вазифасини ўтаган. Тагор ва Чўлпон ижодидаги ижодий, фикрий ва руҳий яқинликни чуқурроқ таҳлил қилиш асносида қуйидагилар кўзга яққол ташланади.

Тагордаги "Ташна тошлар" ва Чўлпоннинг "Клеопатра" ҳикояси, "Нур ва соялар", "Узилган умидлар" ҳикоялари ва "Кеча ва кундуз" романида ҳам ўзаро ўхшаш жиҳатлар талайгина. Биз Тагорнинг "Узилган умидлар" ҳикоясига эътибор қаратсак. Ҳикоя тасвиридаги пейзаж билан қахрамон руҳияти тўлиқ ҳамоҳанг. Пейзаж тасвиридаги куюқ ранглар беихтиёр китобхон кайфиятига юқади. Воқеалар Ҳимолай тоғларидаги ғира-шира туманлик, узоқдан эшитилаётган

аёл йиғисининг хабари билан бошланади. Йиғлаётган аёл ким? У нима сабабдан йиғлапти? Бири иккинчисини эргаштириб келадиган саволлар ўқувчини воқеага янада қизиқтиради. Тагор услубининг сеҳри кучга киради. Йиғи афтидан "эски қайғу" бўлса керак. Чунки у юракнинг туб-тубидан чиқиб келадиганлигини англаш қийин эмас. Йиғининг ҳам тури кўп: шодлик, айрилиқ, аламли, мунгли... Ҳар бир йиғи турли эврилишларга тўла инсон руҳиятининг бир кўринишидир. Ҳикоя қаҳрамонининг йиғисидоги армон, соғинч, айрилиқнинг мунгли ноталарини англаш қийин эмас.

Ҳикоя диалог асосига қурилган. Тингловчи ва ҳикоячи. Тингловчи гўё ўқувчи онг ости оқимидаги қизиқишларни сезгандай ўзи сюжетни, воқеаларни бошқаради. Ўқувчининг синчковлиги тингловчининг истак-майллари билан бирлашиб кетади. Ҳикоячи нотаниш аёлнинг олдига бориб, йиғининг сабабини билмоқчи, уни юпатмоқчи бўлади. Бегона аёл уни дарров сирига маҳрам қила олмайди. Ишонтириш учун ишончли сўз топа билиш керак: "Кўркма, рўпарангдаги номусли киши", – дея аёлни тинчлантиради. "Номусли" сўзи ишонч калити. Жавобан аёл: "Мен кўрқиш уёқда турсин, ҳатто уят нималигини аллақачон унутиб юборганман. Юзимни ўзга кўзлардан яширмайман" дейди. Аёл учун кўркув, хавотир, алданиш, уятнинг олдига ҳеч гап эмас. Ор-номус, орият, этиқод масаласи унинг учун ҳаёт-мамотдир.

Ҳикояда танланган образлар жуда ишонарли, ҳаётий. Ҳикоя қилувчи аёл жуда оғир руҳий жараённи бошидан ўтказади. Аёлда юраги ичкарисидан кўпириб келган изтироб тўлқинлари тина бошлагани сабаб, хотирага эҳтиёж туғилди. Ҳозирги мискин кайфиятда руҳий таскинга муҳтож. Дилидагини айтмаса, кўнглидагини ёрмаса, армон ва аламлари юракдан тошиб-кўпириб кетади. Неча йиллаб кутган азиз инсонини топганда, уни йўқотиб қўйганлигини англаб етади. Уларни тақдир тасодифан учраштирган экан.

Аёл бутун вужуди билан ўзича Кешорлалга (йиғитнинг исми) муносиб, лойиқ бўлишни орзу қилади. Бутун умри давомида ўз-ўзи билан курашиб, нафсини енгишга эришади.

Бир умр ўзини ишонтириб, ўзи ишонган ақидаларни мутлақ ҳақ деб билган аёлнинг адашганлиги бирдан маълум бўлиб қолади.

Бу ҳолат ҳикоя бадиий моҳиятига таъсир этмаган. Асосий эътибор аёл ички кечинмаларига қаратилган. Изтироблар маликаси аёлнинг қалб жароҳатлари, оғриқлари қандайдир ички сезги билан китобхонга ҳам юқади. Аёл ҳикоя сўнгида хатосини англаб етади, ишонгани сароб эканини англайди: "Ахир, ёшлигимда мени ўзига чексиз мафтун этган браҳманлиқнинг бор-йўғи, оддий расм-русумгина эканлигини билганми эдим? Мен уни муқаддас асос, дин негизи деб ҳисоблаган эдим? Мен ўн олти ёшимда ота уйдан чиқиб кетдим. Чин садокатимга браҳмандан ҳақорат эшитдим. "О, браҳман, сен ўзингни бир одатингни иккинчи бирига алмаштирдинг, лекин менга йўқотган умр ва ёшлигим ўрнига ким бошқа умр ва ёшлик беради". Ҳикояда акс эттирилган воқеалар англаб етилмаган эътиқод қизнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб, олам ва одам ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилиб юборади.

Худди шунга ўхшаш оғир руҳий ҳолат, маънавий таназзул Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги Раззоқ сўфи образида ҳам учрайди. Бир умр ишонган пири Эшон имонсиз, субутсиз, нафс қули эканлиги бирдан маълум бўлиб қолади. Ҳаётда ёлғиз қизи Зебидан жудо бўлган Сўфи ақлидан айрилади.

Ҳаётдаги икки катта йўқотиш: фарзанд доғи ва ёлғон эътиқод сўфига жуда қимматга тушади. Асар аввалида у Эшон учун ҳамма нарсага тайёр. У ҳақда ҳатто хаёл қилиш, ўйлаш ҳам гуноҳ. У "оллоҳнинг севган қули". Суд воқеасидан сўнг Сўфи боши берк кўчага кириб қолган. Зебини қаматиб

юборадилар. Хотини ақлидан айрилади. Сўфи юрагида бир умр мудраб ётган руҳни алам, ўкинч-исёнга чақиради. "Сен нимасан, пирим? Сен? Худодан зўрмисан? Ердан кучлимисан? Оласан – бермайсан"¹. Руҳнинг уйғониши, қудратли тўлғоқлар ҳосиласидир. Бу каби уйғониш Сўфи ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборади. Пирга нисбатан нафрат пайдо бўлади. Ҳаммасига эшонни айбдор деб билади. Эшоннинг жонига қасд билади. Асар бошидаги итоаткор, жоҳил сўфи роман охирида исёнкор, қасоскор, ишончдан айрилган отага айланади. Фарб олими М.Бартнинг "Инсон ўзгариб турувчи бир код" дир деган сўзлари бу ҳолатнинг аниқ исботидир. Лекин бу жуда оғир инқилобий руҳий жараён. Чунки бирор эътиқоддан воз кечиш учун иккинчисини тан олиш зарур. Зотан, ҳақиқат шафқатсиз заминда ундирилади. Ҳар икки образ мисолида алданиш, адашиш инсоният учун аччиқ қисмат эканлиги яна бир бор таъкидланади. Ҳар икки ёзувчи ўз миллий тафаккур сарҳадларидан туриб ўзига хос рангларда Олий зот – Инсон тақдирини турфа рангларда кўрсатади.

Сўфи руҳиятидаги нохуш вазият, аёлнинг фожиасидан бироз фарқли. Чўлпонда драматик ҳолатлар, таранглашган асабий зўриқишлар ўзгача акс эттирилган. Аёл фожиаси жуда чуқур, аммо у тун сингари сокин. Ўз

ишончига қилинган хиёнатни сўзсиз қабул қилади. Сўфи образида эса эътиқоднинг парчаланиши руҳий портлаш эвазига содир бўлади. Сўфи аламдан қайнаб, азобдан тошса, аёл шунчалик мискин, бенаво. Ҳар икки образда ҳам адашиш, алданиш асосий калит. Шу калит эвазига уларга аччиқ ҳақиқатнинг эшиги очилади. Аёнки, бу асосий калитни топиш уларга осон кечмади. Сўфидаги ўзгарिश жуда тез ва шиддатли юз беради. Воқеалар жуда тезлашиб, таранглашув кучайиб кетади. Сўфи образи тасвирида зўриқиш бордай... Чўлпон ўша даврдаги диндорларга муносабат туфайли балки сўфи образи талқинида бироз шошгандек. Маром бузилгандек. Аммо сўфи фожиасининг кучи туфайли асар муваффақияти, таъсирчанлиги таъминланганлигини эътироф этиш жоиз.

Тагор ҳикоясида аёл йиллаб қидирган муҳаббат ва эътиқодни бир пайтда топиб, бир пайтда йўқотади. Кейин асл ҳақиқатни англаб етади. Сўфида эса аксинча. Айрилиқ – оғир, кўникиш – азоб.

Тагор ҳам, Чўлпон ҳам – ҳаммаша воқеликни шоир нигоҳи билан кўради ва англайди. Уларнинг асарларида фақат биргина насрчи тафаккури эмас, нозик кўнгилли, гўзалликни севувчи, кадрловчи, табиат мафтуни бўлган шоирона қалб кўринади.

*Санобар ТўЛАГАНОВА,
филология фанлари номзоди*

¹Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент: 1994, Б.– 282.

Сўзи кўнгилга муносиб

Ўткир Раҳматов «Юракдаги қуш»
«Маънавият» нашриёти. Тошкент, 2010 йил,
«Хаёл ифори» Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Ўткир Раҳматни мен узоқ йиллардан бери биламан. Самимий ини, дилкаш ҳамсоя, ҳаммаслак, истеъдодли шоир. Энг муҳими, яхши инсон ҳамда кўнгил ошuftаси. Таассуфки, одамлар ёши, мартабаси, молу дунёси, ақли шуури билан турфа қиёфаларга кирадилар, баъзан қирқ йиллик кадрдонингни танимай қоласан, оний шону шуҳратлардан сармаст бўлиб ўз устозларини, ён-атрофидаги кўнгли синиқларни унутиб кўйганидан, димоғи баланд бўлиб қолганидан озроқ ачинасан. Ўткир эса йигирма йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, камгап, камтар, меҳри кўзларида ёниб туради.

Гоҳида шеърларини ўқиб, ўйлаб қоламан, агар у насрда ёзишга жазм қилганида, ундан ажойиб адиб чиқарди. Албатта, Ўткиржон тасвир ва ҳиссиётни бир-бирига боғлаб, унда инжа образларни, теша тегмаган шеърый сатрларни яратишга уста. Лекин унинг шундай "прозаик" шеърлари ҳам борки, уларда воқеа, қаҳрамоннинг ички дунёси ҳамда шоирнинг қалби билан тўлқинсимон тарзда туташади, ўқиган киши олам ва одам дунёсининг оддий, шунинг билан бирга мураккаб қирраларини таъсирланиб юрагидан ўтказади. Ўзига тегишли хулоса чиқаради. Ҳаётининг мазмунини дўпписини бошидан олиб мушоҳада қилишга тушади.

Шундай шеърлардан бири "Синглим" шеъри.

*Йиқилади йўлингга баҳор,
Суюнади сув ҳам сирғалиб.
Офтоб ҳали кўрсатмай жамол,
Йўлга тушдинг кетмонни олиб...*

Шоир ўз синглисига акалик муҳаббати ва ички изтиробни нуқтаи назаридан нигоҳ ташлайди. "Сингил" – тақдир деган китобини тонг саҳардан ўқишга мажбур. У ўз юкини мурғак жуссасида кўтариб далага кетаяпти. Дала унинг ҳаёти. Кетмон унинг тирикчилиги. Уни ўзгартиришга ҳеч ким қодир эмас.

Ака эса куюнади, ўзини гуноҳкордай ҳис этади:

*Ўша дала, ўша ой, офтоб,
Тун кетидан тонглар отади.
Армонларим сўнгсиз бир китоб,
Дардим эса йиғлаб ётади.*

Ахир сингил онадан ёдгор. Лирик қаҳрамон ҳар сафар синглисини кўрса, у онаси қиёфасига киради. Акасига ўзи катта ички қайғулар ичида бўлса ҳам, дардини билинтирмайди, аксинча унга илтифотлар кўрсатади, меҳрибончилигини дарё қилиб оқизади, акасининг теграсида гиргиттон бўлиб, кўнглини олишга, руҳий мадад беришга интилади.

Керак бўлса, мана шу сингил образи бир қиссага етгулик. Ўткир Раҳмат бу образнинг кичик бир шеърда тугал композициясини яратди, ҳаракатини таъминлайди.

*Соғинаман ахир начора,
Йўл қарайди туйғу, ҳисларим.
Меҳрга зор қалбим бечора,
Сендан олар онам исларин.*

Ўткирнинг ҳаётимизда учраб турадиган иллатларга нисбатан кўнглидан ёзғириб ёзган шеърларида ҳам ана шундай кучли драматизм мавжуд. Унинг "Ари уясидай гувиллар давра" деб бошланадиган шеърига мен "Тўй" деб сарлавҳа қўйган бўлардим. Ҳеч кимга сир эмас, айримлар тўйни дабдаба-ю, асъасага айлантириш баҳонасида, ҳакалак отган нафсларини кўрсатишга уринадилар. Табиийки, бундай маросимларда, ўзини шахс сифатида ҳурмат қилган киши юрагини уйда қолдириб келмоғи маъқул. Акс ҳолда бундай даврада кулгига қолиши тайин. Ароқхўрлик, мазмун-матрасиз сўзлар, шахват билан бақрайган кўзлар – ададсиз санчиқлар солади. Айрим инсонларнинг маънавиятга эмас, моддиятга қуллуқ қилаётганини, шу боис ҳаром ва ҳалол маънилари чалкашиб, ғовлаб кетганини, руҳан ўлганларнинг қий-чувини кўрасан.

*Ари уясидай гувиллар давра,
Бодалар ичилар беғам, бетартиб.
Ширакайф ёлғонлар ўтирар яйраб,
Ёғли қўлларини сочиққа артиб.*

Шоир ғала-ғовур тўй даврасининг хунук манзараларини бирин-кетин чизади.

*Ғўддайиб киради тўрт-бешта кибор,
Эгилиб йўл берар хушомадлар ҳам.
Бурчақдан пинҳона кўз ташлар ғубор,
Йўталиб кўяди ўзича алам.*

Хуллас, Ҳофиз айтганидек, "Ҳар неки бор яқун топади". Ушбу дабдабали маросим ҳам ниҳоясига етади.

*Ҳаммаси тугади,
Шовқин ҳам тинган,
Келганлар қайгадир бўлдилар ғойиб,
Оёқлар остида нелардир синган,
Бетартиб дастурхон қолган бужмайиб.*

Эътибор берган бўлсангиз, маросимдаги баъзи одамлар бамисоли шарпалар, шунинг учун ҳам тезда ғойиб бўладилар. Улардан бир зумда асар ҳам қолмайди. Чунки ному нишон одамдан қолади, шарпадан эмас.

Кузатувчан, зукко ва идрокли шоирнинг бу каби ўзида "оғриқ" кўтарган шеърларини "Хаёл ифори", "Юракдаги қуш" китобларида кўплаб учратасиз. Сабаби, ижодкор даврнинг айрим салбий манзараларига нисбатан лоқайд муносабатда эмас. У инсоннинг покланишини истайди, бугуннинг қиёфасидаги баъзи нохушликлар эртанги куннинг гўзал чехрасида зухур этмаслигини хоҳлайди.

*Қошу кўзгинанга
Тушмасин бир гард.*

Мен кўрай, сен асло
 Ҳеч кўрмагин дард
 Эртанг, бугунингдан
 Гўзалроқ, юртим,
 Индини эртадан,
 Тотлироқ юртим.

Дарҳақиқат, Ватаннинг кўзига гард тушмасин. Шоир муаззам ватанимизга ҳар биримиз муносиб бўлишимиз тарафдори. Муносиблар эса, шубҳасиз, юксак маънавиятли, маърифатли кишилардир. Эзгулик, яхшилик, саховат, мурувват, меҳру муҳаббат инсон зийнатидир. Шу каби хайрли фазилатлар билан зийнатланган инсонларгина, буюк мамлакатни ер юзида устувор қилишади. Алалхусус, шоирнинг орзуси, умиди ҳам шудир.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
 Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Доимий ҳамроҳ

Д. Куронов, З. Мамажонов, М. Шералиева
 «Адабиётшунослик луғати»
 «Академнашр» нашриёти. Тошкент, 2010 йил.

Комусу луғатлардан фойдаланмайдиган зиёли йўқ. Ҳамиша мукаммал, етук, луғат, комус, матнга эҳтиёж бўлган. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, «Куръони Карим»нинг изоҳли талқинлари сингари асарлар миллий маънавий қадриятга айланди. Геология, биология, тиббиёт, тилшунослик бўйича яратилган луғатларга қизиқиш ортмоқда.

2010 йилда Бобур номидаги Андижон давлат университетининг Илмий Кенгаши қарори билан Дилмурод Куронов, Зокиржон Мамажонов, Машҳура Шералиеванинг “Адабиётшунослик луғати” нашр этилди. Қирқ йил муқаддам, 1970 йилда “Адабиётшунослик терминлари луғати” (Ҳ.Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С.Иброҳимова) “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган эди. Ўша китобни ўқиб,

“Адабиётшунослигимиздаги ўзлик, миллийлик тугаб бўлган экан” деган фикрга келган эдик. “Куплет”, “космополитизм”, “ижод процесси”, “текст”, “текстология”, “Недоросль”, “Кантата”, “Кўбузчи”, “Частушка” сингарилар худди ўзбекча атамалардай талқин-тахлил қилинган эди. “Қасида”, “қисса” ўрнига “ода”, “повесть” атамаси қўлланган. “Ҳикоя” билан “новелла” бир нарса деб уқдирилган. Ажаб, XX аср 70-йилларида Фарб адабиётида ўзлаштириш эстетикаси, баҳолаш, талқин назариялари кашф қилинган бўлса-ю, юқоридаги луғат муаллифлари «буржуача» қараш дея, янгиликларни инкор этсалар?! Улар атамаларни аксарият ҳолларда рус адабиёти асарлари мисолида тасдиқлашга интилган эдилар.

Профессор Дилмурод Куронов таҳрири остида чоп этилган янги

луғат маънан-моҳиятан мустақиллик даврининг асари. Муаллифлар қайси атама ҳақида фикр юритмасинлар, уларни миллий адабиёти-миз асарлари мисолида исботлаш-га интиланлар. Луғатда Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Атоий, Нодира, Ҳазиний, Хувайдо сингари шоирлар асарларидан олинган мисолларнинг ўзи чоғроққина тўплам бўлади. Муаллифлар XX, XXI асрдаги ўзбек ёзувчилари асарларидан ниҳоятда мўл ва жўяли фойдаланганлар. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Фафур Фулом, Шайхзода, Миртемир, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ижодидан олинган мисоллар сероб. Таҳсинга сазовори шундаки, Шавкат Раҳмон, Тоғай Мурод, Хуршид Даврон, Фахриёр, Мухаммад Юсуф, Эшқобил Шукур, Иқбол Мирзо, Замира Рўзиева, Зебо Мирзаевалар сингари ижодкорларнинг асарлари ҳам илмий-методологик қарашларни исботлаш учун жалб этилган.

“Адабиётшунослик луғати” да беш юз элликка яқин атама, тушунча талкин-тахлил қилинади.

Бизнингча, луғатда ёритилган сўз – атамаларни уч бўлакка ажратиш мумкин. Луғатнавислар асосан, ёш олимлар. Бу ҳолат ишда аниқ сезилади. Етмишга яқин янги атамалар ҳозирги ўзбек адабиётига сўнгги 10–15 йил ичида кириб келган. Модернизм, структурализм, футуризм, биографик, онтологик тарихий-функционал ўрганиш, адресат сингари тушунчалар ҳақида чуқур маълумот берилган. Ҳаётдаги ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёни бадий адабиётда ҳам акс этяпти. Модернизм ҳақида қарийб бир асрдан бери гапирилади. Бу оқимнинг йирик асарлари, моҳир санъаткорлари пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда постмодернизм, неомодернизм ҳақида тадқиқотлар кўпаймоқда. Модернизмнинг “пост-”, “нео-”дан кейинги кўрмишлари пайдо бўлаяпти. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги модернизм ҳақидаги анча эскириб қолган қарашларни ҳануз давом эттираётган эди. “Адабиётшунослик луғати”-

да модернизм ва постмодернизм ҳақидаги қарашлар моҳияти янгича ёритиб берилган.

Муаллифлар ушбу луғатда пост-реализм, неореализм, сюрреализм ҳамда реализмдан кейинги ўзгаришларни кўрсатиб берди. Луғатда социалистик реализм ҳақида ҳам фикр айтилган. Муаллифлар мазкур реализмнинг моҳиятини, келиб чиқилини тўғри кўрсатадилар. Лекин луғат тузганлар соцреализмнинг энг нозик нуқтаси – “воқеликни ҳаққоний, инқилобий тараққиётда акс эттириш” эканлигини унутиб қолдирганлар.

Луғатда футуризм ҳақида кенг маълумот берилган. XX аср бошларида Италияда пайдо бўлган бу оқим Европада кенг ва тез томир отганлиги, унинг намояндалари, машҳур асарлари, хусусан, Россияда машҳур бўлган тўғараги тўғрисида маълумот берилган. Лекин луғат тузувчилар таъкидлаганларидай, футуризм ўз фаолиятини ўтган асрнинг 20-йилларида тугатмаган. Аксинча, шўро ҳукумати, коммунистик мафкура футуризм моҳиятини қабул қилди. Социалистик реализм методи таркибига футуризм хусусиятлари сингдирилди. Ажабки, футуризм имкониятлари ҳилвираб қолган, ҳалокатга маҳкум соцреализм умрини, бироз бўлса-да, узайтирди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Фарбда, Америкада футуризмга эътибор сезиларли даражада кучайди. Футуризм ҳақидаги асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этила бошланди. Хусусан, Озод Шарафидинов “Тафаккур” журналида футуризм ҳақида мақола, “Жаҳон адабиёти” журналида Элвин Тоффлернинг “Учинчи тўлқин” асарини чоп эттирди. Футуризм – истиқбол иқтисоди, сиёсати, маънавияти, глобаллашув ҳақидаги илмий тахминлар, башоратлар манбаи айланди.

“Адабиётшунослик луғати” да герменевтика, интерпретация, полифония, поэтика, архитектуроника, тағмаъно, биографик, ёндашув ҳақида янги қарашлар баён этилган. Яна шунга ўхшаш аксиология, онтология, экзистенциализм, си-

нергетика сингари атамалар ҳақида мақолалар берилса, “Луғат”нинг фалсафий-эстетик қиммати ортган бўларди.

“Адабиётшунослик луғати”нинг аруз вазни, шеърӣ санъатлар ҳақидаги материаллари салмоқли. Луғат тузувчилар аруз вазни, санъатлари ҳақида Фитрат, Содик Мирзаев, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, У.Тўйчиев, С.Ҳасанов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Аъзамов, Ё.Исоқов, Б.Саримсоқов, В.Раҳмонов сингари олимлар тадқиқот яратганлигини айтадилар. Улар аруз, шеърӣ санъатларга оид 150 атама ҳақида тўхталадилар. Навоӣ, Бобур, Огаҳӣ, Машраб, Нодира, Атоӣ, Лутфӣ, Сўфи Оллоёр, Ҳазинӣ, Ҳувайдо, Увайсӣ, Феруз, Сайфи Сароӣ газалларидан мисоллар келтириб, Чўлпон, Фафур Фулом, Ҳабибӣ, Собир Абдулла, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ж.Камолларнинг аруздаги асарлари руҳига кирадилар, шеърӣ санъатларини таъкидлайдилар.

Муаллифлар мумтоз адабиётшунослардан Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, Шайх Аҳмад Худайдод Тарозийларнинг илмӣ-назарӣ-амалӣ қарашларига муносабат билдирадилар.

“Адабиётшунослик луғати”да кўплаб атама ҳақида фикр юритилганки, улар ҳақида ҳамиша, ҳамма ўқув маскани (мактаб, коллеж, лицей, институт, университетлар)да узлуксиз маълумот бериб борилади. Ҳаёлдан бир фикр ўтади: “Айтилган фикрларни такрорлаш шартми?”. Луғат билан танишгач, муаллифлар ҳар бир атама ҳақида охорли фикр айтишга, далил келтиришга, маълумот беришга интиланликлари аён бўлади. Ёши улуғ адабиётшунослар яхши эслайдилар: адабий тур, жанрлар ҳақида қайси дарслик, хрестоматия, илмӣ ишда фикр айтилган бўлмасин, В.Г.Белинскийнинг “Поэзиянинг тур ва жинсларга бўлиниши” мақоласи асос қилиб олинарди. Д.Курунов етакчилигидаги гуруҳ адабий турлар ҳақидаги мулоҳазаларни Афлотуннинг “Давлат” асаридан, Арасту қарашларидан бошлайдилар.

Немис файласуфи Гегель тур ва жанрларга ажралиш нуқтасини “объект” ва “субъект”дан бошлайди. Аслида, В.Белинский тур ва жанрлар ҳақидаги қарашларини Гегел асарларидан ўрганган.

Луғатда “цитата (иқтибос)”, “адресат” ҳақида мулоҳаза юритилди. Шўро даврида цитата ўзга асардан иқтибос келтириш деб тушунтирилган, холос. Ҳануз илмӣ ходимлар, диссертантлар методологик моҳиятдаги асарлардан кўплаб иқтибос келтирадилар. Таҳлил қилинаётган асарда цитатанинг имконияти, қамров доираси ниҳоятда кенглиги айтилган. Қарангки, цитата нафақат ёзма асарларда, балки оғзаки нутқда ҳам кўп қўлланилар экан. Диний мавзудаги суҳбатларда, илмӣ-изоҳли тадқиқотларда Куръони Карим, саҳиҳ ҳадислардан кўплаб иқтибос келтирилган экан. Воизларнинг иқтибосида ўзига хос бошланиш, сўз юритиш одоби сезилиб туради. Кези келганда таъкидлаш керакки, диний илм олганлар тилимизга унутилаёзган кўплаб янги сўз, ибораларни олиб кирдилар: қудум, қирот, ажр-савоб, масоил, икки олам сарвари сингарилар.

Ушбу луғатда “адресат” атамасига кўз тушганда аллақандай норизолик пайдо бўлади: буни ҳамма билади-ку? Алоҳида мақола бериш шартмиди?

“Адресат” ҳақидаги материал билан танишгандан кейин бу илк таассурот тамоман ўзгаради. Маълумки, XX асрнинг 70-йилларида Фарбда ўзлаштириш эстетикаси фани шаклланди. Ўзлаштиришнинг бетакрор тартибот, йўл-йўриқлари мавжуд. Шарқ мумтоз адабиётини ўзлаштириш ўзига хос фан ҳисобланган. Урафо, зурафо, дабирлар – ўзлаштириш мураккаблиklarини ўзлаштирган, юксак малакага эга китобхонлардир.

Ўзлаштириш (адресат) эстетикасида ровий алоҳида масала сифатида ўрганилади. “Адабиётшунослик луғати”да имплицит (яширин) ўқувчи, тасаввурдаги ўқувчи, ички ўқувчи

ҳақида фикр юритилади. Ўқувчи билан ровий муносабатга киришади. Ўқувчи қанчалик фикрчан бўлса, ровий ҳам шунчалик масъулиятли (функция)лидир. Афсуски, бизда ровийнинг вазибалари ҳақида жиддий тадқиқотлар йўқ. Бадиий асарда ёзувчи – ровий, ҳикоячи – ровий, янги авлод ўқувчилари билан мулоқотга киришадиган эстетик ровий кўринишлари мавжуд.

“Луғат”да қизиқ бир ҳолатга дуч келамиз. Муаллифлар гоҳ фақат шарқ мусулмон адабиётидаги вазн, санъатлар ҳақида фикр юритадилар; гоҳ ғарб, рус адабиёти доирасида ўралашдилар. “Сайёр сюжетлар назарияси” мақоласида ХХ асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган методологик қарашлар келтирилади, холос.

Сезиб турибмиз, луғат тузувчилар: “Биз битта назария ҳақида фикр юритиш билан чекланганмиз”, де-йишлари мумкин. Унда бир томонлама ёзилган “Плагиат” мақоласини қандай баҳолаш мумкин? Муаллифлар “плагиат” ҳақида умумий қарашларни қайд этганлар. Плагиат ҳамиша, ҳамма адабиётда бўлган, бор, бўлади. Шўро замонида плагиатнинг турли кўринишлари авж олганди. Матбуотимизда плагиат-асарлар ҳақида танқидий мақолалар ёзилганлигини эслаймиз. Плагиатнинг қонуниятлари, назарий асослари борми? Сайёр сюжетлар бор экан, плагиат учун жон саклаш имконияти мавжуд. Қолаверса, “Араб адабиёти назариясида плагиат концепцияси” (Г.Э.Фон Грюнебаум) сингари тадқиқотлар мавжуд. Араблар плагиатни “сариқат” деганлар. Кўчирмачилик аксарият ҳолларда поэзияда кўринганлиги боис “сариқ-ашшиър” деб номланган. Мавзу, қаҳрамонлар, ҳолатлар, ҳатто банд, байт, мисра ниҳоятда яқин бўлсада, плагиат ҳисобланмаган. Санъаткор кашф этган образлар кўчириб олинган бўлса, уят, сарқ ҳисобланган, кўчирмачилик содир бўлганлиги таъкидланган. Арузда санъаткор ниҳоятда кўп: шоирлар улар-

ни яхши билиши, кўчирмачиликка йўл кўймасликка интилиши шарт бўлган.

Шеъррий санъатлар кўп. Айни чоғда улар насрда ҳам кам бўлмаган. Мақсуд Шайхзода Навоий ҳақидаги мақолаларининг бирида Хусрав Дехлавий насрдаги юзлаб санъатлар ҳақида тадқиқот яратганини ёзади. “Адабиётшунослик луғати”да цикл, тетрология, дилогия, роман, қисса ҳақида кўп маълумотлар берилган. Уйлаб кўрилса, катта, теран концепцияли насрий асарлар кичик жанрлардан ўсиб-униб чиққан. Луғатда ҳикоя, новелла, очерк, эссе ҳақида бир қанча мақола берилган. Муаллифлар ҳикоя ва новеллани алоҳида-алоҳида жанр эканлигини узил-кесил айтиб тўғри йўл тутганлар. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да, рус тилидаги “Хорижий сўзлар луғати”да, қанчадан-қанча луғатларда ҳикоя ва новелла ўзига хос жанрлиги айтилган. Ҳикоя, новелла, очерк, эссе (бадиа) жанри сиртдан бир-бирига яқин. Уларни кўпинча ёзувчилар ҳам, мутахассислар ҳам жиддий фарқламайдилар. 1970 йилда чоп этилган “Адабиётшунослик терминлари луғати”да: “Ҳикоя ёки новелла италян адабиётидаги (novel – нақл сўзидан) эпик тур жанрларидан бири. Кичик ҳажмли (?) бу бадиий асар тури киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди ва шу воқеага қадар бўлган ёки ундан кейин рўй берган воқеаларни батафсил баён этмайди”, – дейилган. Биринчидан, икки жанрни қўшиб юбориш хато. Иккинчидан, жанрни белгилашда ҳажмни асос қилиб олиш нотўғри. Учинчидан, жанр ҳақида умумий мулоҳаза юритиш ўзини оқламайди “Адабиётшунослик луғати” муаллифлари ҳикоя ва новеллани фарқлашда илмий йўлдан, мураккаб мантикий қарашдан келиб чиққанлар. Ҳикоя, уларнинг ёзишлари-ча, “ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлиши” лозим. Хаёлдан бундай фикр ўтади: “М.Шолоховнинг кенг ҳажмли, персонажлари кўп,

Очерк ҳикоя, новелла билан бир сафда бўлгани билан унинг суянган тоғи қиссадир. Ҳаётдаги янгиликлар дастлаб очеркда акс этади. Янгиликлар жамулжами қисса бўлиб юзага келади. "Синчалак", (Абдулла Қаҳҳор) "Ҳилола" (И.Раҳим), "Узоқни кўзлаган қиз" (Н.Сафаров), "Бўтақўз" (Ч.Айтматов), "Қадрим" (П.Қодиров), "Муқаддас" (О. Ёқубов) қандай ша-

роитда вужудга келган эди? «Адабиётшунослик луғати» ҳақидаги қарашларимизни яқунлаб демоқчимизки, проф. Д.Қуронов етакчилигидаги олимлар ҳозирги илғор назарий қарашларни ўзида жамлаган асар яратдилар. У мутахассисларга ниҳоятда зарур, доимий ҳамроҳ қўлланма бўлиб қолишига ишонамиз.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
профессор
Алимурод ТОЖИЕВ,
ЎЗМУ аспиранти

Акбаршоҳ америкалик тадқиқотчи нигоҳида

Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги
(S.M. Burke. Akbar the Greats Mogul).

Таржимон F. Сотимов. «Mumtoz so'z» nashriyoti.
Тошкент, 2009 йил.

Сўнги темурий шаҳзодалардан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жозибадор шахси, жўшқин ҳаёти ва фаолияти ҳамда авлодларига бағишлаб кўплаб илмий-тарихий, бадий асарлар яратилган. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон тарихнавислик илмида «Энг кўп ва хўб» ўрганилган ватандошимиз ҳам Бобурдир. Ҳозирги кун ўзбек ёзувчисига Бобур ва авлодлари ҳақида асар яратган бир неча ўнлаб чет эллик муаллифларнинг номлари таниш. Бирок, шуни ҳам тан олиш лозимки, яқин вақтларга қадар илмий таржима борасидаги оқсаш туфайли улар она тилимизга ўз вақтида ўгирилмади, кенг китобхонлар оммасининг бу борадаги билимлари машҳур номлару, чиройли иқтибослар, қисқа шарҳлардан нарига ўтмай келди.

Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда хорижий тилнинг аслиятдан таржима қилишга қодир бир қатор моҳир билимдонлари етишиб

чикди. 1995 йили "Чўлпон" нашриётида инглиз тарихчиси У.Эрскининг "Бобур Ҳиндистонда" асари Гофуржон Сотимов таржимасида чоп этилди. Мазкур нашр ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш борасида олға қўйилган дадил қадам бўлди. Биринчи тажрибадан руҳланган таржимон орадан кўп фурсат ўтмай, ҳинд тарихчиси Л.П.Шарманнинг 1988 йили Дехлида босилган асарини "Бобурийлар салтанати" номи остида эълон этди. Ҳар икки асар ҳам буюк ватандошимиз тўғрисида хориж тадқиқотчиларининг тасаввурлари, қарашлари ва баҳолари хусусида маълумот берувчи қимматли манба сифатида фоят катта аҳамиятга эгадир.

2009 йили таржимон Халқаро Бобур фонди томонидан юртимизга келтирилган салмоқли тадқиқот - америкалик олим С.М.Беркнинг "Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги" асарини ўзбекчага ўгириб, китоб-

хонлар эътиборига ҳавола қилди. Номининг ўзиёқ айтиб турганидек, асар Бобурнинг набираси – дунёга машхур буюк давлат арбоби Акбарга бағишланган. Ушбу китоб, сўзбоши муаллифлари таъкидлаганларидек, "илмий изчиллиги, манбавий салмоғи ва баён тарзи билан Марказий Осиё ҳақида хорижда яратилган ишлардан жиддий фарқ қилади". Берк Акбаршоҳ шахсияти ва фаолияти мисолида Ҳиндистонда Бобур асос солган, жаҳон тарихига "Буюк мўғул империяси" номи билан кирган салтанатнинг мустаҳкам томир ёзиш жараёнини тасвирлайди. Асар етти бобдан иборат бўлиб, Акбаршоҳнинг бутун ҳаёт йўли, болалик, ўспиринлик, йигитлик йиллари, ҳукмдорлик фаолияти, диний-фалсафий қарашлари, давлатни бошқариш усули, маданият ва санъатга муносабати сингари масалаларни қамраб олади.

Тарихчи расман фойдаланган манбалар сифатида шарқ ҳамда ғарб олимларининг 18 та йирик асарини кўрсатган, улар сирасига Бобур ва унинг авлодлари томонидан қолдирилган хотиралардан тортиб, Акбарга замондош тарихчиларнинг қўлёзмалари, Ҳиндистон тарихига оид тадқиқотлар, XX асрнинг жаҳонга машхур олим ва таржимонларнинг ишлари қиради, бироқ булар фақат бевосита тадқиқотдаги маълумотларни далиллаш учун келтирилганларидир. Муаллифнинг билим ўрганиш доираси бундан-да кенгроқ. Тадқиқотчи Марказий Осиё тарихи, урф-одатлари, эътиқоди, менталитетининг чуқур билимдони эканлиги сезилиб туради. У томирида Темур ва Чингиз қони оқаётган бобурийларга хос зеҳниятни англаб, ҳис этиб қалам тебратади. Кўпчилик хорижий тадқиқотчилар асарларида кузатиладиган дунёқараш бирёқламалиги, ғарбона тафаккур билан шарқона фикрлаш ўртасидаги тафовут сезилмайди. Китоб Акбарнинг буюк аждодлари Амир Темур, Бобур ва Ҳумоюншоҳ таърифидан бошланади. Тарихчининг Темурга берган тавсифи диққатга сазовор: "Аслида у (Амир Темур – Ш.Н.) қадимий туркийлар қавмлардан бўлган барлос

уруғи сардори эди. Тарихнависларнинг ёзишларича, Чингизхон сингари Темурбек ҳам жанговарлик бобида тенгсиз маҳоратга эга бўлган. Тарихда осийлик фотиҳлар ҳам жанговор маҳорати туфайли Юлий Цезарь, Александр Македонский ва Наполеон сингари дунё сахнасидаги маълум ва машхур жангарилар бўлиб етишдилар" (10-бет).

Америкалик тадқиқотчи Бобур ва Ҳумоюнга берган қисқа ва лўнда тавсифларида ҳар икки сиймонинг ҳаёт йўли, давлатчилик тарихидаги хизматлари ва шахсиятидаги энг муҳим жиҳатларни мухтасар тарзда ёритишга эришган. Муаллиф Бобурнинг ҳукмдорлик сиёсати хусусида шундай ёзади: "Бобуршоҳнинг фикрича, фотиҳлик ва ҳукмдорлик ишида юз минг усул қўлланса ҳам ҳақ ва зарур ҳисобланади. Бироқ босиб олинган ерларни, айниқса, бу ўлкаларни ўз салтанати таркибига киритиш режалаштирилган бўлсада, у голиб аскарлар мағлублар мулкини талон-тарож қилишига мутлақо йўл қўймасди" (19-бет). "Бобурнома" ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга сазовор: "Мен бор ҳақиқатни ёздим", дейди муаллиф ва ҳақиқатан ҳам у ўзининг камчиликлари, омадсизликка олиб келган нотўғри хатти-ҳаракатларини ўқувчидан яширмайди" (12-бет).

Олим Ҳумоюн характеридаги муҳим жиҳатларни илғай билади: "Ҳумоюнда саркорлик қобилияти унчалик кўзга ташланмаса ҳам, ижобий фазилатлари кўп эди. У олиму уламолар, фозилу фузалолар ва шоирлар даврасида суҳбатда бўлишни жуда яхши кўрарди" (44-бет).

Берк асарида фақат холис тарихнавис олим сифатида эмас, ёзувчи, руҳшунос, сиёсатчи сифатида ҳам намоён бўлади.

Акбар табиатан нақадар қизиққон, феъли тез бўлмасин, ўз айбига икром бўлиб, шафқат тилаб келганларни кечирганлигига асардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бош вазир Байрамхон ўзбошимчилиги туфайли шоҳнинг ғазабига дучор бўлган, тавба-тазарру қилиб оёғига бош уриб келганда, унга му-

рувват кўрсатиши, ўзига қарши исён кўтарган Али Кулихоннинг мунофиқликларини бир неча марта кечирганлиги, шунда ҳам тийилмаганидан сўнггина уни махв этгани, ўғли Салимнинг хиёнатларидан кўз юмиши ва яна ўнлаб қилмишлари учун узра сўраб мурожаат қилган душманларини афв этиши сингари лавҳалар унинг табиатига хос мардлик ва олижанобликдан далолат беради. Акбарнинг шахсий ҳаётидаги зиддиятлар фарзандлари билан муносабатларига ҳам тааллуқлидир. "Ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган муваффақиятлари чексиз бўлган ҳолда шоҳнинг икки ўғлини рисоладагидек қилиб тарбиялаш вазифасини уддалай олмагани умрининг охири кунларини жуда маъюс ҳолда ўтказишига сабаб бўлди", деб ёзади муаллиф.

Пировардида, тадқиқотчи Акбарнинг тарихдаги хизматларига юқори баҳо беради: "Акбаршоҳ инсонга хос энг ноёб хислатларнинг кўпини мужассам қилган шахс... У қўрқмас жангчи ва паҳлавон курашчи, улуғ фотиҳ, саркарда, жуда топқир ва фаҳм-фаросати ўткир подшоҳ, қобилиятли кишининг қадрига етадиган сардор, ихлосманд илм толиби, санъат ва меъморчиликнинг саховатли ҳомийси, бир сўз билан айтганда, баркамол инсон эди". Китоб хотимасида Монстюарт Элфингстоундан келтирилган иқтибос ҳам ушбу фикрга ҳамоҳангдир: "Унинг ҳукмдорлик мавқеига кўтарилиши инсоният учун Яратганнинг улуғ марҳаматидир. Ички сиёсати туфайли Акбаршоҳ машҳур ҳукмдорлар ичида энг юқори мавқеда туради".

"Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюғи" асарининг фазилатлари ҳусусида гап кетганда, албатта, таржимон Ғофуржон Сотимовнинг хизматларини таъкидлаш зарур. Китоб бадий асардек мароқ билан, енгил ўқилади, баён равон, жумлалар тузилиши ўзбек тили қонуниятларига бўйсундирилган. Кўп ўринларда инглизча сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилишдан қочилади, гап мазмундан келиб чиқиб ўринли муқобили топилади. Бу китобнинг номланишидаёқ кўзга ташланади: сўзма-сўз таржима қилинса, уни "Акбаршоҳ – энг буюк мўғул" (Akbar the

Greats Mogul) деб аталиши лозим бўлар эди. Таржимон сўз тартибини бир оз ўзгартириб ва "мўғул" атамасини "бобурий" насаби билан алмаштириб, аслиятдан узоқлашмайди, чунки мўғул истилоҳининг асл маъноси ҳақида Беркнинг ўзи ҳам изоҳ бериб ўтган эди: "Бобуршоҳ хотираномасида ўзини ва ўз ҳамроҳларини ҳақли равишда "турклар" деб атайди. Бироқ XIII-XIV асрлар давомида мўғулларнинг бир неча ҳужумларини бошидан кечирган ҳиндистонликлар шимолдан келадиган барча босқинчиларни "мўғуллар" деб атаганлар ва ўз навбатида, бу сўзнинг нафақат талаффузи, балки маъноси ҳам бузилиб, Бобуршоҳ кўшинига нисбатан ҳам "Мўғуллар" атамаси ишлатилган". Ғофуржон Сотимов фақат таржимон эмас, бобурийлар салтанатининг тадқиқотчиси, мазкур соҳанинг чуқур билимдони эканлиги ҳам таржима муваффақиятини таъминлаган омиллардандир.

Китобни ўгириш жараёнида тадқиқотчи иборалардан ниҳоятда унумли фойдаланган, инглизча ибораларнинг ўзбекча муқобилларини топа билган: "жон таслим қилди", "ёстигини қуритди", "таъзирини берди" сингари. Бироқ баъзи ўринларда сунъий иборалар, сўз қўллаш билан боғлиқ нуқсонлар ҳам учраб туради. Масалан: "Шоҳ Акбар Ҳаммомни (яқин дўстини – Ш.Н.) Турон ўлкасига элчи қилиб юборганида усиз шоҳнинг томоғидан қил ҳам ўтмаган эди"; "лекин подшоҳнинг бахтига ("бахтга қарши" бўлса керак), зиддиятли шароитда туғилиб ўсган ва давр тақозоси билан атрофини мутаассиб диндорлар қуршаб олган эди"; "Отасининг пўписасидан тетикланган Салим" каби ноўрин жумлалар ишлатган.

Бу каби жузъий нуқсонлар 300 саҳифага яқин ҳажмдаги салмоқли асарга соя сола олмайди, албатта. Мухтарам мутаржим олимимизга ўзбек ўқувчисини кўҳна ва шонли тарихимизга оид хориж илм-фани ютуқларидан баҳраманд қилиш йўлидаги машаққатли ва шарафли ишида муваффақиятлар тилаймиз ва бу борада ундан янгидан-янги тухфалар кутиб қоламиз.

Шоира НОРМАТОВА,
филология фанлари номзоди

Абдуурофе РАБИЕВ

Сўнгги аргумок

Қисса

I

Ёшлар галаба байрамага шод-хуррамлик билан тайёргарлик кўришарди. Ҳар ёнда байроғу шиорлар, плакату расмлар, турли-туман чироқлар кўзга ташланарди. Кекса Аҳмаднинг уйидан эса фақат узук-юлуқ «тақ-туқ», «тақ-туқ» овози келарди.

Чол отига тақа қоқарди: кундачани отнинг оёғи остига кўйиб, бўртиб чиққан миҳларни қайтарди. Мана, у ишни тугатиб, асбобларни латтага ўради. Қоматини тик тутиб, ўйга чўмди. Бундай пайтларда унинг кўз олдидан Галабанинг биринчи куни ўтар эди.

Уша куни урушнинг сўнгги қурбонларини тупроққа кўйишди. Энди жангда ҳеч ким ҳалок бўлмади, деб ўйлашарди. Кўнгиллари дарду алам, ҳисобсиз доғларга тўла бўлса-да, шу кунга эсон-омон етиб келганликлари учун шукур қилишиб, аския айтишар, соз чалиб, кўшиқ-куй куйлашарди. Унча олис бўлмаган Берлинга бориб, Рейхстаг деворларига ўз номларини битиб, ҳаммага нечоғлиқ оғир ва мушкул йўлни босиб ўтганликларини кўрсатиб кўйишни исташарди. Илгарилари юк ташиш билан банд бўлган отларни минишди. Оғир юкдан бўшаган аргумоқлар яшил майсазорлар, баҳмалдек товланиб турган ўт-ўланлар устида енгил елиб борар эди. Ҳар ер-ҳар ерда тўп ва танклар ўқидан ўпирилган ерлар, ярим хароба уйлар, димоққа урилаётган аччиқ тутун ҳиди яқиндагина тутаган урушдан дарак берарди.

Ҳикмат тақачи ва рязанлик Морозовнинг отлари ёнма-ён елиб борарди. Ҳикмат тақа қоқадиган болғачани иккинчи қўлидаги кундага “тақ-туқ” уриб, тоғликлар яхши кўрган қандайдир бир куйни хиргойи қиларди. Морозов эса гармонда рязанча рақс оҳангини такрорларди. Бундан кўнгиллар чексиз шод эди.

Аммо шу пайт тўсатдан бошланган портлашлар оҳангларни босиб кетди. Аҳмаднинг қулоқлари эса битиб қолди. Ваҳимага тушган отлар ўзларини ҳар томонга уришарди. Уларнинг баъзилари кишнаб, оёқларини кўтариб кўкка сапчирди. Суворийлар эса эҳтиёт юзасидан ўзларини эгардан ташлаб, ерга ётиб олишди.

Бир оздан кейин Аҳмаднинг қулоғи аста очилди ва у кимнингдир фарёдини аранг эшитди. У эҳтиётлик билан бошини

Тожикчадан
Омонбой ЖУМАНОВ
таржимаси

Абдуурофе РАБИЕВ — истеъдодли тожик ёзувчиси. Шу кунгача муаллифнинг «Тошқин», «Олтин водий», «Сўнгги аргумок», «Севги ва жасорат» каби кўплаб насрий асарлари босилиб чиққан. Унинг қарийб ҳамма қиссалари бир неча тилларга таржима қилинган. «Сўнгги аргумок» асари эса испан, поляк, булғор тилларига ўгирилган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

186

кўтариб командирни кўрди. Командир қоқила-сурила бундан бир неча дақиқа муқаддам Ҳикмат билан Морозов турган ерга бормоқда эди. Аҳмад Ҳикмат билан Морозовни кўрмай, аста ўрнидан турди. Ҳозиргина дўстлари турган ерда ҳосил бўлган чоҳни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Портлаш зарбидан ҳосил бўлган тупроқ уюмига етиб борган командир бармоқлари билан ерни ковлай бошлади. Аҳмад ҳам гандираклаганича ўша томонга юрди. Унинг қон ва тупроққа қоришган қўлларига тўсатдан бир нарса илинди, бу қўл экан. Эски ярасидан таниди: Ҳикматнинг қўли. Бўғилиб қолмасин деб тезлик билан уни тупроқ остидан чиқариб олишга уринди ва бор кучи билан қўлни тортди. Аммо шу пайт қўл танадан узилиб чиқди.

Аҳмад ҳайкалдек қотиб қолди...

Кейин улар тупроқ остидан Ҳикмат билан Морозовнинг парчаланган жасадларини топишди.

Командир Морозовнинг тупроқ ва қонга беланган, тасмаси узилган гармонини кўксига қаттиқ босди.

— Буни бирга олиб кетаман, — деди у кўзида ёш ҳалқаланиб, — Морозовнинг қўмсаганимда чалиб юраман.

Тақа қоқадиган болғача билан кундачани Аҳмад олди. У ҳеч нарса демади, аммо бу асбоблар унинг учун ҳар нарсадан ҳам азиз ва қадрли экани ҳаммага маълум эди.

Рейхстаг деворига улар ўз номлари билан бир қаторда Ҳикмат билан Морозовнинг номларини ҳам ёзиб қўйишди.

Аҳмад отининг олдига келиб, унинг оёқ ва бўйнидаги яраларига узоқ тикилди. Сўнгра орқасига қайтиб зинапоялардан юқорига кўтарилиди-да, ўз номи ёнига Бўр деб отнинг номини ҳам ёзиб қўйди.

Йиллар ўтди, бу йиллар Аҳмаднинг сочини оқартириб, қаритди. Аммо ҳали ҳам ғалаба байрами арафасида унинг қалбини қандайдир бир ажойиб ҳис чулғаб олади. У байрам олдидан Ҳикматдан эсдалик бўлиб қолган асбоблар билан қари Бўрга тақа қоқади. Сўнгра узоқроққа ўтириб, ўйга толади.

Кечаси билан мижжа қоқмай чиқади.

Ғалаба куни тонг отиши билан аргумоғи олдига келади. Жониворни қашлаб, эгар уради. Уйга кириб, сандиқдан олов тилидай қипқизил чиройли ҳошияли ёпикни олиб чиқиб, эгар устига ташлайди. Бўрга юган салади. Кумуш суви югуртирилган юган. Чол панжаларини Бўрнинг бир томонига тушган текис ва чиройли ёллари орасига қўйиб хаёлга ботади. У жангдан қайтган биринчи кунни эслайди.

...Шарофат унга югурганича пешвоз чиқарди. Йиқилар, аммо яна ўрнидан туриб, истиқболга чопарди.

Аҳмадни елдириб кетди. Бўр олдинга учди. От Шарофатга етган заҳоти Аҳмад бир томонга энгашиб, Шарофатга қўл чўзди ва уни ердан даст кўтариб, эгарга миндирди-ю, оғушига олди.

Қуёш уфққа бош қўйганда, Бўр уларни ҳовлисига олиб келди. Аҳмад остонага қадам қўйдию тўхтади. У ҳайрон эди. Жангга кетаётган пайтида уй деворларини сўзаналар безаб турарди. Тахмонга кўрпалар тахланган, ерга эса гиламу тўшаклар тўшалганди. Уй бурчагида келинлик чимилдиғи ҳануз йиғиштирилмай турарди. Аҳмад фронтда бир неча марта бу чимилдиқни эса олган ва ўшанда қандайдир ажиб бир туйғу унинг қалбини чулғаганди. Аммо ҳозир уйда ҳеч нарса йўқ. Фақат тахмонда устига ранги ўчиб кетган кўрпачалар тахлаб қўйилган сандиқ кўзга ташланади, ердаги эски шолчанинг у ер-бу ери титилган...

Аҳмад чироқ ёқаётган Шарофат томонга қаради ва хотинининг ранги ўчиб, жуссаси ҳам кичрайиб қолганини сезди. Шаҳлонинг кўзлари ҳам хиёл киртайган. У хаста эди. Аҳмад учрашувнинг биринчи дақиқаларида изтиробу ҳаяжон туфайли буларни сезмаган экан.

Шарофат ўгирилиб унга қаради, шунда Аҳмад унинг пешонасидаги сочларида оқ толаларни кўрди ва юрагида қандайдир ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Ахир, Шарофат, ҳали ёш эди-да... Аммо... маълум бўлишича, у ҳам бу ерда анча азоб чекибди. Уйдаги нарсаларни, ҳатто ўзининг зебу зийнатларини ҳам сотиб рўзғорга сарфлабди. Шарофатнинг фронтга юборган совғалари Аҳмаднинг ёдига тушди. Улар ичида ҳамиша шундай жумлалар билан тугайдиган мактублар бўларди: «Мен яхшиман, фақат сизнинг гулдай дийдорингиз етишмайди, ўзингизни эҳтиёт қилинг!».

Ҳамқишлоқлари бирин-кетин ҳовлига кириб келишгач, Аҳмаднинг хаёллари бўлинди.

У ўша кечаси қишлоқ аҳли оғзидан Шарофатнинг икки киши ўрнида туриб ишлаганини ҳам, эркаклардай қўш ҳайдаганини ҳам эшитди.

Меҳмонлар кетишиб, улар икковлон ёлғиз қолишди. Икковининг ҳам юрагида айтадиган гаплари кўп, айтиб тугатиш учун эса бир кеча камлик қилади.

Тонг отиши билан Шарофат сандиқни очиб, ичидан алланарсаларни олди-да, тўшак ёнига қўйди. Аҳмад тош қотиб қолди. Ахир бу ўша тўйлари куни илк бор Бўрни безаган чиройли ёпинғич билан кумуш юган-ку. Кейин Шарофатни Бўрга миндириб, «ёр-ёр» айтишиб, отонасининг уйдан Аҳмаднинг ҳовлисига олиб келишганди.

Аҳмад Шарофатнинг қийинчиликларга бардош бериб, ёпиқ билан юганни сотмай, ёстиқдоши учун азиз бўлган Бўрга сақлаб қўйганини тушунди.

Кейин улар қанча-қанча байрамларни қарши олдилар. Яна кўплаб байрамни бирга кутиб олиш орзусида эдилар, аммо шафқатсиз ўлим Шарофатни у дунёга олиб кетди.

Қулоқни қоматга келтирувчи карнай-сурнайлар садоси чолни ўтган кунлар олаmidан чалғитиб юборди, у маъюс ҳолда сомонхонага борди ва бир тутам хашак олиб келиб, оғилдаги эшаги олдига ташлади. Қайтиб яна уйга кирди. Ранги ўчиб кетган гимнастёркасини кийди, орденларини кўксига тақди.

Сўнг қозикдан Бўрнинг арқонини ечиб, отининг юганидан туганча дарвозадан чиқарди. Одатига кўра, Бўрни минмасди, жониворни етаклаб борарди. Кўчаю деворлар байрамона безатилган. Каттаю кичикнинг эгнида ранг-баранг либос. Чехраларда табассум...

Мўйсафид хушчақчақ кишиларга яқинлашди ва баҳри дили очилиб, ғам-андуҳни унутди.

Одамлар бир томонга ўтиб, унга йўл беришди. Чунки у ўзининг эски ҳарбий кийими ва бутунлай қариб қолган оти билан бу байрамга янгича файз, янгича шукуҳ бағишлаётганди. Айниқса, болалар отни ниҳоятда завқ билан томоша қилишарди. Улар қувнашиб, Бўрнинг кетидан илашиб кетишди. Чолнинг ҳовлиси ёнидаги саккиз қаватли уйда турувчи ўсмир эса отни кузатиб ҳаммадан кейин қайтди. Унинг кўзлари ўйчан ва ғамгин эди. Чол бу болаларнинг аксарияти отни фақат кино ва телевизорда ёки суратларда кўрганларини биларди. Шу боисдан ҳам отни яқиндан кўриш улар учун ниҳоятда қизиқ. Аммо ҳалиги ўсмирнинг маҳзун нигоҳини чол тушуна олмади.

Ҳар гал чол Бўрни кўчаниннг нариги томонига олиб ўтмоқчи бўлганида милиционерлар машиналарни тўхтатишарди. Агар унинг ошна-

си, маҳалланинг бежирим мўйловли милиционерлари, ўша ерда бўлса, чолга ҳамроҳ бўларди. Улар иккаласи анча ергача бирга борар, ҳазил-мутойиба қилишар, завқ билан кулишарди. Гоҳо милиционерларнинг унга ачиниб, «қария, отингизни уйда қолдириб келсангиз бўлмай-дими» дейишлари чолга оғир ботарди.

— Мен ёлғиз жанг қилган эмасман, — қизишиб дерди у. — Бўр йўлдошим бўлган! У ҳам Берлингача борган.

Чол гулчи аёллардан бир даста гул сотиб олди. Орқасига қайтиб, талай кўчалардан айланиб ўтиб, аста шаҳардан чиқди-да, қабристонга йўл олди. Сўқмоқдан аста ўтиб устида бир туп гулхайри ўсиб чиққан пастқам дўнглик ёнида тўхтади. Гулдастани оҳиста дўнглик устига қўйиб, худди тинкаси қуригандай тиз чўкди ва кўзларини бир нуқтага тикканича ўйга ботди.

II

У пайтлар Бўр ҳали асовгина эди. Аҳмад эгарга миниши билан бир жойда турмай, ўйноқлагани-ўйноқлаганди. Бир куни Бўр олдинги оёқларини кўтариб, кўкка сапчиди, шартга бир ёнга бурилди-да, Аҳмадни йиқитиб, қочди.

Аҳмад кўм-кўк майсалар устида ётар, аммо бирон ери лат емаган эди. Фақат бир лаҳза шу ҳолда ётиб дам олишни истар эди. Аҳмад юзини осмонга қаратиб беғубор ва муаттар ҳаводан шимиб-шимиб, кўкрагини тўлдириб, нафас олди. Шу пайт кимнингдир оёқ товуши эшитилди. Қайрилиб, ҳамиша чодирлари яқинида хавотир ва ғамгин ҳолатда Бўрнинг сакрашлари ва Аҳмаднинг отдан йиқилгудай бўлиб силкиниб туришларига термилиб турадиган қизни кўрди. Афтидан, Аҳмад билан Бўрнинг хавфли ўйини қизга ёқмагандай эди.

— Лат едингизми?— сўради қизча.

Аҳмад чурқ этмади.

— Каттиқ йиқилдингизми?— деди яна қизча баттар ташвишланиб.

Бирдан Аҳмаднинг лабларига табассум югурди. У қўлларини ерга тираб ўрнидан турмоқчи бўлди.

Қизча бирдан ўзгарди ва кўзларида яна аввалги норозилик пайдо бўлди.

Аҳмад ёлғондан ўзини отдан ташлаб, мени масхара қилаётти деб, ўйлаган бўлса, эҳтимол.

Қизча орқасига бурилди-да, тез-тез юриб кетди.

Эртасига Аҳмад уни яна чодир ёнида кўрди. Қизча ҳамон норози қиёфада кўзларини Бўрдан узмасди.

Отнинг ўйноқлашидан чарчаб, чанқаб кетган Аҳмад Бўрнинг бошини чодир томонга бурди.

— Бир коса сув...— деди у энтикиб нафас оларкан.

Қизча бир зум унга тикилиб турди-ю, индамай чодирга кириб кетди. Орадан анча вақт ўтса-да, ундан дарак бўлмади. Аҳмад қиз мендан хафа бўлиб, бир коса сувини қизганди, деб ўйлади. У энди орқасига қайтмоқчи бўлиб турганида чодир эшигининг пардаси очилиб, қизча қўлида коса билан чиқиб келди. У сув ўрнига айрон тўла косани Аҳмадга тутди.

— Совуқ сув иссиқ жигарга зарар, — унинг овозида энди илгариги норозилик йўқ эди.

Аҳмаднинг лабларига табассум инди. Қизча эса бу гал табассумдан хафа бўлмади, балки бошини қўйи солганича сукут сақлади. Аҳмад айронни охиригача симирди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бўр энди Аҳмадга анча ўрганиб қолган эди. Қизнинг қалби ҳам хийла тинчлангандай эди. Бир куни Бўр тўсат-

дан кўкка сапчиди-ю, ўйноқлаб тоғ томон ўқдай учиб кетди. У тепаликлар ортига ўтиб, кўздан йўқолди. Қиз лол бўлиб қолди. Ҳойнаҳой Бўр Аҳмадни тошлар устига йиқитиб, майиб қилган бўлса керак, деб ўйлади у. Бўрнинг кетидан чопмоқчи бўлди. Аҳмадни топиб, бошини силамоқчи бўлди...

— Исмалоқ тергани борамиз, қизим, юр.

Қизча чўчиб, чодир томонга қаради ва эшикдан чиқиб келаётган онасини кўрди. Онаси уни тепаликлар томон олиб кетди, аммо Бўр қочган тепаликка эмас, бошқа томонга. Қизнинг эса ҳали ҳам бир кўзи от кетган томонда эди.

— Она, келинг, нариги томонга борайлик,— қизча қандай қилиб бу гап оғзидан чиқиб кетганини билмай қолди.

— У ёқларда исмалоқ кам...

Қиз лом-мим демади. Қизарганича бошини қуйи солди. Она-бола тепаликлар томон кетишди.

Бир оз вақтдан сўнг баҳор ўтлари ўсган бошқа бир тепалик ортидан Бўр отилиб чиқди. Оғзидан кўпик сачрар, танаси эса қоп-қора терга ботганди. Бошини телбаларча кўкка кўтариб, тинмай силкир эди. Эгарда Аҳмад соппа-соғ ўтирибди. Чодирга яқинлашгач, Аҳмад юганни торгди-да, сакраб ерга тушди. Аммо қиз чайладан унга пешвоз чиқмади. Атрофда ҳеч зўғ кўринмас эди. Аҳмад кўлидаги лолаларни чодир ёнига қўйди-да, Бўрни етаклаганича кўм-кўк майсалар қоплаган даштга қараб кетди.

Эртасига тонг отиши билан Аҳмад Бўрни етаклаб, чодир ёнида пайдо бўлди. Ялангликнинг бир четида қизни кўрди ва у томон юрди. Бир кечадаёқ қизнинг ранги ўзгаргандай, унинг назарида қаҳру-газаб ўрнини шарм-ҳаё эгаллагандай эди. Лабларида эса сезилар-сезилмас табассум жилва қиларди. У кўксига тушиб турган рўмоли остига ниманидир яшириб тургандай эди. Аҳмад унга яқинлашганда қиз тандирда ёпилган, қип-қизил бўлиб пишган сомсаларни узатди. Сомсалардан таралган исмалоқнинг хушбўй ҳиди иштаҳани қитиқларди.

— Сиз учун... ўзим пиширдим... — деди уялинқираб қиз.

Аҳмаднинг қалби ажиб бир ҳиссиётдан тўлқинланиб кетди.

— Сиз бошқаларга ўхшамайсиз, — чашма сувининг майин оҳангидек дилнавоз овоз Аҳмаднинг қулоғига чалинди.

Ҳа, худди шу дамда Аҳмад қизнинг кўзига бошқа тоғлик йигитлардан анча ўзгача, юксакроқ кўриниб кетди. Зеро, тоғнинг машҳур кўшиқ ва тароналарида гулу лола ардоқланса ҳам, шу чоққача бирон йигит бирорта гулруҳсор қиз учун гул келтирмаганди. Аҳмад эса тоғликларнинг ана шу эски урф-одатини бузди.

Ҳозир қизнинг қулоқлари остида, қоп-қора сочлари орасида гул-лола ёшлик, шодлик элчисидек, тонг юлдузидек жилваланиб, товланиб турарди.

III

Ўшанга ҳам анча йил бўлди. Энди қария Шарофатнинг ўзига эмас, балки унинг қабрига гул келтиради. Ҳозир эса у ўзга бир удумни бузди. Ахир, бугун бундай гулдасталарни жанг қурбонларининг мужассами бўлган ҳайкаллар пойига қўйишарди. Аҳмад эса гулдастани Шарофатнинг қабри устига қўйди.

— Агар ўша оғир йиллар бунчалар азоб чекмаганида эди, — гўё, Шарофат қаршисида ўтиргандай хаёлан гап бошлади чол, — бугун

биз байрамни биргаликда кутган бўлар эдик. Ахир, фақатгина жангда ҳалок бўлганларни жанг қурбонлари дейиш унчалик тўғри эмас.

— Мана, сени олайлик, Шарофат. Агар уруш бўлмаганида эди, ҳозир мен билан Бўрнинг ёнида турган бўлардинг. Шу боисдан фронт орқасида ҳалок бўлганлар ҳам жанг қурбонлари ҳисобланади, Шарофат.

Чол бир зум хаёлга берилдию, яна гапида давом этди:

— Биз, тоғликларнинг, бир ёмон одатимиз бор. Агар яқин кишиларимиздан биронтаси орамиздан кетса, қайғусини, дарду ғамини юрагимизда сақлаб юрамиз. Аммо унинг биздан унчалик ҳам узоқда эмаслигини унутамиз. Ахир, тириклар билан ўликларни фақатгина икки газ тупроқ бир-биридан ажратиб туради, холос. Қувончли кунларда ҳам, қайғули дамларда ҳам уларни эслаб туриш лозим. Ахир шу яхши кунлар уларнинг ғам-андухлари, ташвишу азоблари эвазига, уларнинг баракали меҳнатлари ҳисобига қўлга киритилган-ку.

Аҳмаднинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Сенсиз қийин, Шарофат, жуда қийин, — ух тортди чол. — Аммо на илож? Энди мен билан Бўрнинг олдига бошқа қайтиб келмайсан. Лекин ҳаёт бизни охири сенинг олдинга олиб боради. Ҳаммамизнинг йўлимиз ана шу ерда тугайди, Шарофат. Биз ҳаммамиз бир бўламиз, бир заминнинг хоки...

Чолнинг кўз ёшлари икки юзини қоплаган ажинлар орасидан сизиб, аста соқоллари устидан оқиб туша бошлади. У Бўрнинг кўзларига ҳам ёш тўлганини сезди.

— Бўр ҳам сен учун ғам чекмоқда, Шарофат. Ана ёш тўла кўзларига бир боқ. Унинг юракдаги дардларини тўкиб солишга тили йўқ, холос. У сени жуда соғинган, Шарофат, — қария бир лаҳза сукут сақлаб, яна қўшиб қўйди. — Бўр ўз тенгқурлари ичида тирик қолган ягона от бўлса, ажабмас. Қариган чоғида у ҳам парваришга муҳтож. Мендан бошқа паноҳи йўқ.

Боши қуйи солинган ҳолда хаёлга толган кўйи, у Бўрни етаклаб қабристондан чиқди. Қанча-қанча кўчалардан юриб ўтди. Анчагача шодон хандалару ёш-ялангларнинг пичир-пичирини эшитмади. Аммо олдинга қўйилган ҳар бир қадам уни ҳозирги оламга олиб келар, меҳрга тўла нигоҳлардан, ажиб табассумлардан қўнгли яйрар эди. Шунда у Бўрнинг ҳам ғам-андухга тўла кўзлари равшанлашаётганини ҳис этди. От бошини юқори кўтариб, қадам қўйиши дадиллашиб борарди.

Замин узра тун пардаси ёйилганда осмон четида ранг-баранг мушаклар турфа гулдасталардек отила бошлади. Болалар “ура” деб қичқирганича мушаклар отилаётган томонга чопишди. Фақат бир оз маҳзун ва ўйчан кўзли бола гоҳ мушакларга, гоҳ Бўрга тикиларди. Мўйсафид ҳам отилаётган мушакларга бир зум қараб-қараб, боланинг ўйчан кўзларини ўйлай бошлади. Кейин Бўрнинг юганидан маҳкам тугтанча, болани ортига қайтарди. Бола бошини ҳам қилганича аста одимлаб кетди.

IV

Чол уйига яқинлашганида унинг кўзига от ёнида кимдир кўрингандай бўлди. Дурустроқ, синчиклаб қаради. Бир бола узангисидан тутиб келарди. Бу ўша саккиз қаватли бинода яшовчи ўсмир эди.

— Бобо, — деди у.

— Ҳа.

— Нега ҳеч отингизни минмайсиз?

Мўйсафид йўлида давом этди ва бир неча дақиқадан кейин бошини аста кўтарди.

— Ҳеч ким нотавон ва муҳтож дўстига юк бўлишни истамайди.

Бола бошқа савол бермади, чол ҳам ҳеч нарса демади. Бола биргалликда мўйсафиднинг ҳовлисига келди. Мўйсафид отини қозиққа боғлади. Ҳали ҳам шаҳарнинг у ер-бу еридан кўкдаги мушакларнинг гўзал шакли кўзни қамаштирарди. Уларнинг ранго-ранг шуъласи остида Бўр гоҳ пушти, гоҳ яшил бўлиб кўринарди. У ҳамон қаримагандай, эндигина эгар-жабдуқ урилган асов ва ёш дулдулга ўхшарди.

Бола чолнинг ҳовлисидан узоқлашса-да, аммо унинг кўз олдидан оқ от кетмасди. Шу пайт боланинг қулоғига эшакнинг ҳантрагани эшитилди. У жойида тўхтаганича чолнинг уйига тикилиб қолди.

Мўйсафиднинг кенг хилват ва тинч ҳовлиси унга ҳамиша сирлидай туюларди. Чолнинг ўзи ҳам афсонавий бир кимсага ўхшаб кетарди. Чунки у ҳовлисида эшагу от асровчи яккаю ягона шаҳарлик эди. Кўп қаватли бинолар ёнида жойлашган, эскича усулда қурилган бу уй боланинг назарида шаҳардаги ҳамма ҳовлилардан чиройли ва жозибадор эди.

Ҳали унинг мурғак хаёлида гўё мўйсафид бутун шаҳар ухлагандан кейин отига минади-да, бола ҳали кўрмаган узоқ, афсонавий жойларда сайр қилиб тонг отганда қайтиб келадигандек туюлади.

V

Уч йил муқаддам чолнинг ҳовлиси ёнидаги эски уйлар бузилиб, текислаб ташланган эди. Бу ерга ўн қаватли иморат қурилади, дейишарди. Аммо негадир қурилиш ҳалигача бошланмаган эди. Эски ҳовлилар ўрнида баҳор келиши билан ўтлар ўсиб чиқади. Мўйсафид уларни ўриб олмасди. У ўт учун шаҳардан четга чиққан кезларида отини ана шу ерга келтириб боғларди. Кечкурун эшагига ўт ортиб қайтарди, қиш ғамини ерди. Аммо у бирон марта ҳам отини ёлғиз кўрмасди. Отнинг атрофида болалар парвона бўлгани, бўлган. Мўйсафид болаларга диққат билан узоқ тикилиб қоларди. «Гўё кечагина эди, — дерди у ўзига ўзи, — биз ўша давр болалари, биринчи машина олдида ана шундай парвона бўлиб юрардик. От эса бизлар учун оддий бир нарса эди. Энди эса болалар от атрофидан нари кетмайди. Машина улар учун оддий бир нарса бўлиб қолган. Бир одамнинг умри давомида ҳаёт қанчалар ўзгарар экан...»

Бир куни чол даладан қайтса, болалар от атрофида тўс-тўполон қилишяпти. Шошганича уларга яқинлашди. Икки бола ёқалашяптию, қолганлари эса уларни ажратиш билан овора. Аммо, халоскорларнинг кучи муштлашаётганларга етмасди. Мўйсафидни кўришлари билан улар бир-бирларининг ёқаларини қўйиб юборишди. Биттаси ўша саккиз қаватли уйда яшовчи ўсмир, иккинчиси эса семиз, баланд бўйли бир бола эди. Ўсмирнинг ёқаси йиртилган, иккинчисининг лаби шишган эди.

— Нега уришдиларинг?— сўради чол.

Ўсмирнинг муштлири яна тугилди.

— Анави отни масҳара қилди, — деди у семиз болани кўрсатиб ва алам билан кўшиб қўйди, — Бўрнинг кўзига тупроқ сочди. От кўзини очолмади...

Чолнинг авзойи ўзгарди. У болаларнинг ўртасида турганича Бўрга тикиларди. Отнинг қизарган кўзларидан ёш оқарди.

— Эҳ болаларим, — деди у ниҳоят, — болаларим...

Чол кимнинг тарафини оляпти-ю, кимга танбеҳ беряпти, ҳеч ким билмасди.

Чол у ёқ-бу ёққа қаради. Безори бола аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди.

VI

Ёз келди.

От атрофида пайдо бўладиган болаларнинг кун сайин камайиб бо- раётганини мўйсафид сеза бошлади. Менинг йўқлигимда ёқалашиб, бир-бирларидан аразлаб бу ерга келмаётгандирлар, кўнглидан ўтказ- ди чол. Ниҳоят, ўсмир боланинг ёлғиз ўзи қолди. Бир куни кечқурун мўйсафид унинг ёнига келиб ўтирди-да:

— Ўртоқларинг қани?— деб сўради.

— Хуршид лагерга кетди,— жавоб қайтарди бола. —Азиз билан Феруз бувилариникига кетишган. Кирмоншоҳни эса дадаси томошага олиб кетди,—у болаларнинг номини бирин-кетин тилга олиб, қаерга кетга- нини айтиб бера бошлади. Охирида: — Ҳозир таътил, — деб қўшиб қўйди.

Мўйсафиднинг кўнглидаги шубҳали хаёллар йўқолди.

— Сен кетмадингми?

— Йў-ў-қ, — бир лаҳза жим қолди. —Менинг бобом ҳам, бувим ҳам йўқ,—деди у ғусса билан. —Дадам билан ойим дам олишимга йўллан- ма олиб келишмади. Лагер ёнида дарё бор, кўрқамиз, дейишди. Да- дам билан ойимга мени ҳам бошқа болалардек томошага олиб бо- ринглар десам, улар “ҳозир таътил вақти эмаски, сенинг орқангдан юрсак”, дейишди.

Чол боланинг кўзларида яна ўша ғам ифодасини кўрди-ю, ўйга толди...

Эртаси куни кечқурун чол отини ҳовлига олиб келгани борганида ўсмирни яна ўша ерда кўрди. Мўйсафид тун пардасини ёпинаётган осмонга ишора қилиб, деди:

— Кеч бўлди, болам, ойинг билан даданг хавотир олишмасин.

— Улар уйда эмас.

Чол ҳайрон бўлиб болага тикилди.

— Қаерга кетишган?

— Кечаси ишлашади. Соат ўн бир-ўн иккиларда қайтишади.

Мўйсафид бир зум ўйланиб тургач, сўради:

— Уйларингда бошқа ҳеч ким йўқми?

— Йўқ.—Боланинг кўзларида яна ўша маҳзун ифода зоҳир бўлди.

Мўйсафидга боланинг кўп вақтлар ёлғиз қолиши энди аён бўлди. Ғамгинлиги шундан экан-да. Ёлғизлик азобини тотган чол болага ачинди. У аста майса устига чўқди. У доимо бежирим мўйлови ўзига ярашиб турган милиционер билан ана шу ерда алламаҳалгача суҳбат- лашиб ўтирар эди. Уларнинг суҳбати кўпроқ ўтмиш ҳақида бўларди. Чунки одамзоднинг ёши ўтиб борган сари ўтмиш улар учун қадрли бўлиб боради. Ахир ўтмишда завқ-шавқларга тўла, гўзал ва дилкаш, болалик ва ёшлик даври қолган. Олдинда эса уни фақат бедаво кекса- лигу ўлим кутарди, холос.

Аммо бир ҳафтача бўляпти, бежирим мўйловли милиционер кўрин- май қолди. Қаерга кетган, чол билмайди. «Бирон иш билан оворадир- да,—кўнглидан ўтказди у. — Ташвишлари мўйловининг толаларидан ҳам кўп. Вақт топса, албатта, келади».

— Кел, ўтир болам, суҳбатлашамиз.

Мўйсафид ўсмир билан суҳбат қуриб, ўзини ва уни ёлғизлик азобидан оз бўлса-да, халос этишни истарди.

Бола ишонқирамай чолга қаради. Мўйсафид мени калака қиляпти деб ўйлаган бўлса ажабмас. Ахир, ўз отаси бирон марта бундай: «Кел, ўтир, суҳбатлашайлик» демаган-ку. Агар бола журъат қилиб, бирон нарса сўраса, ота: «Жим бўл», дея унинг оғзини ёпарди.

Ўсмир аста мўйсафиднинг ёнига чўкди. Лекин у ҳали ҳам ишонқирамай чолга тикиларди. Чунки мўйсафид кўм-кўк майса устига ёнбошлаб хира осмонга тикилганча, гўё болани унутгандай, хаёлга ботганди.

Осмоннинг ғарбида бир неча кунлик ой ўроғи кўринди. Унинг атрофида эса юлдузлар. Чол билан болага яқинлашган Бўр пишқириб кўйди. Шу чоқ чолнинг назарида гўё бепоеён осмонда афсонавий асов отлар чоғиб ўтгандай ва биттасининг туёғидан заррин тақаси узилиб, ўша ерга тушган-у, энди у ой шаклида намоён бўлгандай эди. Юлдузлар эса отларнинг туёқлари остидан сачраган учқунлардек ҳар томонга сочилган.

— Сен бирон марта отлар уюрини яқиндан кўрганмисан?—сўради мўйсафид.

— Йў-ў-қ, — ўсмир чолнинг ўзи билан яқин дўстидек гаплашаётганидан хурсанд эди.

— Мен, — деди, — отлар уйори ичида тойчадек дунёга келганман. Отам уюрбон эди. Юришни ўрганганимдан кейин тойчалар билан бирга чопқиллаб ўйнардим. Бўйнига осилардим. Уларнинг баъзилари мен билан дўст бўлса, баъзилари мендан хуркишар эди. Кейинчалик от минишни ўргандим. Бўрни улоқ чопишга ўргатдим. Жонивор уюр ичида энг шўхи ва энг чиройлиси эди. Ундан зўр улоқбоп от чиқишини билардим. Аммо Бўр билан узоқ чопмасдан жангга кетдим. Бўр нималарга қодир эканлигини ўша ерда кўрсатди. Мени бир неча бор ўлимдан сақлаб қолди, ўзи ҳам бир неча марта яраланди. Агар унга жароҳати азоб бермаганида эди, яна анча улоқ чопар эдик. Урушдан кейин Бўрни аравага қўшдим. Хийла вақт аравакашлик қилдим. Машиналар кўпайди-ю аравалар бекор қолди. Аравани киностудияга топширдим. «Бўрни ҳам бер» дейишди, бермадим, чунки у менга ўз қадрдон жигаримдай бўлиб қолган. Биз иккимиз бир-биримизсиз яшай олмаймиз.

Мўйсафид ўтган кунлар ҳақида гапирар эди-ю, аммо ўзининг болалиги худди ана шу ерда, ана шу шаҳарда, ўттиз-ўттиз беш йил муқаддам биров назарга илмайдиган қишлоқ бўлиб, ҳозирги кунда бир шаҳри азимга айланган жойда ўтганлиги, отлар эса ана шу қишлоқнинг узоқ-яқин яйловларида ўйноқлаб вояга етгани ҳақида индамас эди.

Заррин тақани эслатувчи ой элас-элас қорайиб кўринаётган тоғлар томон оҳиста оғиб борарди. Ниҳоят, у уфқ чизигини кесиб ўтиб, қора чодир ёпинган тоғлар ортига яширинди. Фақатгина оту тойчоқлар туёғи остидан чақнаб чиққан учқунлардай юлдузлар ҳар томонга сочилганича милтиллаб рақс тушарди.

— Бобо...

Бобо хаёллар оғушидан қутулиб, ўсмирга қаради.

— Мен дадамга бир неча марта тойча олиб беринг, дедим...

Чол хомуш эди.

— ...Дадамга радио бўлса, телевизор бўлса, — гапида давом этди ўсмир, — тойчанинг нима кераги бор, дейди. Аммо радиою телевизорлар одамни тушунмайди. Улар фақат бирон нарсани тушунтириб бе-

ришни иташади, холос. Мен эса биронта тирик нарсам бўлса дейман, у ҳам мени тушунсин, мен ҳам уни тушунай.

Мўйсафид ўсмирнинг маҳзун кўзлари маъносини энди англади. Чиройли, аммо жонсиз нарсалар орасида яшаш бола учун нечоғлик қийин ва оғир эканлигини энди англади. Шунингдек, чол боланинг интилишлари, орзу-ҳаваслари бекор эканлигини, чунки шу чоққача шаҳарлик бирон ота ўғли учун тойча сотиб олиб бермаганлигини кўнглидан ўтказди. Бунинг, эҳтимол, иложи йўқдир. Агар иложи бўлганда ҳам, бола истайдими-йўқми, отаси от олиб бермайди. Бу боланинг гапидан ҳам сезилиб турибди. Шу боисдан бундай фикрларни боланинг онгидан чиқариб ташлашга уринди:

— Тойча қиммат, унга дадангнинг пули етмайди, болам.

— Етади...

Чол бир сакраб тушди.

— Дадам кечасию кундузи ишлайди, — гапида давом этди ўсмир, — пули кўп, машина сотиб олмақчи. Машина нимага керак, одамни тушунмаса...

Чол боланинг кўнглига таскин бера оладиган бирон сўз топиб айта олмади. Аммо у ана шу оту тойчалар бўлмаганида ўзининг болалик ва ўсмирлик йиллари гўзал ва ажойиб бир нарсадан бебаҳра бўлишини кўнглидан ўтказди. Умуман одам учун ўзига бўйсундирилган, табиат ва ҳайвонот дунёсидан ажралиб яшаш баъзан қийин бўларкан.

Мўйсафид ўрнидан туриб, болани саккиз қаватли бино олдиғача кузатиб борди. Чунки вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Қайтиб келиб Бўрнинг арқонини ечиб, ҳовлисига жўнади. Нигоҳи яна саккизинчи қаватдаги балконга тушди. У ерда чироқлар ёғдуси остида Бўрга тикилиб турган болани кўрди.

Мўйсафид Бўрни қозиққа боғлаб уйга кирди ва ўрнига ёнбошлади. Уйқуси келмади. У бола ҳақида, унинг ота-онаси ҳақида ўйлар эди. Баъзилар шаҳарлик бўлдим деб, фарзандларини биттадан оширмайди, кўнглидан ўтказди чол. Гўё икки-учтаси ортиқча юк эмиш. Хўш, уларнинг уйларида нима етишмайди, ўтин билан сувнинг гамини емаса, тўрт мучаси соғ бўлса. Бундан ташқари бу ер қишлоқ эмаски, болалар билан бирга даштга чиқиб тойу-отлар, эчкию-қўйлар ўрта-сида чопқиллаб ўйнашса. Бу ер—шаҳар. Кўчалари тўла машина. Ахир, эртага одамлар машинанг бормиди-йўқмиди, деб сўрашмайди. Фарзандинг ким эди, ким бўлди дейишади.

Мўйсафидни ана шу ўйлар чулғаб олган эди. Ўсмир эса бу пайтда иссиқ ва юмшоқ кўрпа ичида ширин уйқуга кетган эди. У тушида от ва тойлар билан бирга бахмал майсалар узра сакраб-сакраб елиб юрганмиш. Қалби шодликларга лиммо-лим. Гўё қанот чиқариб учишга шайлангандай. Тойчалар у билан дўстлашган, фақат битта-иккитасигина ундан қочади, холос. Лекин у бошқа тойчаларнинг ҳам кўнглини топишига ишонади, улар билан албатта дўстлашади, бўйинларига осилади. Ўйин-кулгилардан, шўху шодликлардан, меҳру самимиятлардан кейин дунё кўзига янада гўзалроқ, янада ажойиброқ кўринади.

VII

Чол қаерга борса отининг олдига бир челақ сув қуйиб кетар эди. “Чанқаса ичади”, дерди. Бугун эса отининг ёнига сув қўймай келганлиги энди эсига тушди. Шошганича уйига қайтди. Ҳовлидан челақни тўлдириб чиқди. Отга яқинлашди-ю, қадамлари сусайди. От-

нинг тумшуғи олдида турган пластмасса челакни кўрди. Челакдан нарироқда ўтлар устида эса ўсмир бола чалқанчасига чўзилиб ётарди. Ухлаб қолибди, кўкраги оҳиста кўтарилиб-тушар эди. От эса офтобнинг иссиқ нурларини тўсиб, ўсмирнинг юзига пашша кўнса, уни думи билан ҳайдаб юборарди.

Чолнинг кўнгли шодликка тўлди. У ўсмирнинг олдида аста ўтирди. Ўсмир уйғонгунча у жойидан кўзгалмади. Ҳозир у боланинг тойчали бўлишини, шўх ва чиройли, меҳрибон бола уни тушунадиган тойчага эга бўлишини жуда-жуда истар эди.

Шундан сўнг мўйсафид ҳар оқшом ўсмир билан бирга ўтириб суҳбатлашадиган бўлди. Бежирим мўйловли милиционер келмаса ҳам, ҳатто мўйсафид билан ўсмирнинг ёшларида катта фарқ бўлса-да, улар бир-бирларини тушунишар эди. Бир-бирларини тушунишарди-ю, ёлғизликни унутишарди.

VIII

Ҳар ҳафта отини бир марта шаҳардан ташқарига олиб чиқиш мўйсафид учун одат тусига кириб қолган эди.

“Далага чиқамиз, Бўр, — деди у, — бизлардек кексаларга тоза ҳаво керак, шаҳар ҳавоси ўзингга маълум, чангу тутунга тўла, айниқса, асфальт билан бензин ҳидини айтмайсанми? У узоқ йўл сени толиқтиради, буни мен ҳам биламан, Бўр. Аммо дашт ҳавосини симирсанг, баҳри-дилинг очилади”.

Отнинг арқонидан тутганича эшакка минади. Олдинда эшагу, кетидан Бўр йўлга тушади. Ингичка сўқмоқ уларни шаҳар ташқарисига олиб чиқади.

Тоққа туташиб кетган кенг дашт бошланади. Қаердандир юракни китикловчи ажиб бир овоз кулоққа чалинади, гўё: “Салом мўйсафид, салом Бўр, марҳабо даштга, марҳабо!” — деяётгандай.

Шунда чолнинг кўнгли кенг даштдай очилиб кетарди. Беғубор осмондай ором олар, тоғлардек салобат пайдо қиларди. Кўкси беғубор, мусаффо ҳавога, бутаю ўтлар, исириқлар ҳидига тўларди. Бўрнинг вужудидан қарахлик йўқоларди. Қадами дадиллашиб, боши баланд кўтариларди.

Аммо улар дашт ўртасига етмасданоқ ён томондаги тоғдан портлаш овози эшитилди ва кенг дашт сукунатини бузди. Дашт ларзага келиши билан Бўр ҳам ларзага келди, ҳаяжон ила бошини тоғ томонга бурди. Кўзларида қўрқув пайдо бўлди. Портлаш яна такрорланди, Бўр яна бир сакраб тушдию, қадамини тезлатди. Портлашдан тупроқ ва чанг кўкка чирмашди. Чанг-тўзон сийраклашгач, тоғ тепасидаги тасма-тасма бўлиб ётган чоклар кўзга ташланди. Уларнинг устидан тракторлар чумолидай ўрмалай кетди. Бўр ҳануз қўрқув билан қадам ташлар эди. Мўйсафид унга тикилиб, қўрқиб сабабини тушунди чамаси, оҳиста таскин бера бошлади:

— Қўрқма, Бўр. Бу бизлар жангда кўрган портлашлар эмас. Худо у портлашларни энди сира ҳам кўрсатмасин. Улар ҳалокатли эди. Аммо бу портлашлар... йўл очишяпти.

Чолнинг нигоҳи тоғ устида бир-бирдан палахса-палахса бўлиб ажралаётган ерда тўхтади.

— Бўр, ҳув анави тоғ устидаги ерга қара, парча-парча ерга. Тоғликлар учун ҳар бир қарич ер қадрли. Ҳар йили у ерга буғдой экишар эди, галасини эса отда ташиб келтиришарди. Энди эса йўл қурилаяпти. Бу яхши, албатта. Ажабмас, иш осонлашса. Аммо бу майда ерлар

йўл ҳаражати қоплармикан? Бунисини билмайман. Тоғда ҳар қадам йўлни азоб билан қурадилар. От учун эса катта йўл керак эмас. У ўзининг бориб, келишидан пайдо бўлган сўқмоқ билан тоққа чиқиб-тушаверади. Илгарилари бу кичик ерларнинг ҳосилини отда таширдилар. Қиммат тушмасди. Кейин, эсингдами, Бўр, даштда қанақанги улоқ бўларди, кўплаб чавандозлар тўпланишарди, ўша пайтларда. Одамлар агар йигит от минишни билмаса, ёки чавандозлик қилмаса, йигит эмас, дейишарди. Эркаклар отда синалар эди. Чунки эркаклар чавандозликда тобланарди-да. Хуллас, ҳаёт қанчалик илгарилаб кетмасин, фикримча, меҳнатқаш, вафодор от ҳали ҳам зарур.

Улар портлашлар бўлаётган жойдан узоқлашдилар. Бўр портлаш овози эшитилмаётганига қаноат ҳосил қилди, шекилли, бир маромда одимлаб борарди. Мўйсафид ҳам жим эди. Бўр ўйга толди, бу дамларда унга ҳалал бериш мумкин эмас, деб ўйлаётгандир, балки чол.

IX

Бугун ҳам Бўрни даштга олиб борадиган кун эди. Мўйсафид эшак билан отни дарвозадан олиб чиқди. Кўзи ўсмирга тушди. Унинг бир қўлида челақча-ю, иккинчисида бир неча чақмоқ қанд бор эди.

— Отни тоза ҳавога олиб бораянман, болам,— деди чол.

Ўсмирнинг қиёфаси ўзгарди. Кўзларида мунг пайдо бўлди. — Кечкурун барвақт олиб келаман,— чол ўсмирнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди,— сен учун...

Эшак йўлга тушди. У Бўрни етаклаб кетди. Шаҳар бинолари орқада қолди. Аммо Бўрнинг арқони ҳали ҳам таранг. Мўйсафид орқасига қайрилиб қаради. Отнинг кетидан келаётган ўсмирни кўрди. Унинг авзои ғамгин эди. Челақ ҳам қўлида, оппоқ чақмоқ қанд ҳам.

— Иш-ш, — мўйсафид эшакни тўхтатди. Бўр ҳам тўхтади. Ўсмир ҳам.

Ўсмирнинг кўзларида қўрқув пайдо бўлди. У “мўйсафид қайтиб кет” дейди деб ўйлади. Аммо ўсмир бошқа гапни эшитди:

— Даданг билан ойинг ишдан қачон қайтади?— Ўсмир чолнинг мақсадини тушунмади, аммо шошиб жавоб берди:

— Кундаги вақтда.

— Сени ҳам бирга олиб борсам, уришмайдиларми?

Ўсмирнинг чехраси ёришиб кетди.

— Улар ишдан келишгунча мен қаерларда юраман — билишмайди.

Мўйсафид бир оз сукутдан кейин деди:

— Сени ҳам бирга олиб бораман, фақат бир шарт билан, кечкурун ота-онанга мен билан бирга бўлганингни айтасан.

Ўсмирнинг юзларига қизиллик югурди. Зўрға деди:

— Албатта, айтаман, бобо...

Мўйсафид эшакдан тушди-да, ўсмирнинг қўлидан челақчани олди. Унда ҳозир ҳам сув бор эди. Чолнинг лабларига табассум қўнди. У сувни тўкиб ташлаб, челақчани хуржунга солди, қанд чақмоқларини ҳам. Кейин ўсмирнинг қўлигидан олиб, эшакка миндирди.

Эшак билан от яна йўлга тушди. Ўсмир эгарнинг қошидан маҳкам тутиб олган эди. У биринчи марта эшак минаётгани учун йиқилиб кетишдан қўрқарди. Аммо йиқилмаслигига ишонч ҳосил қилгач, эгардан қўлини олди.

Энди Бўрнинг арқони таранглашмас эди, унинг ажин тўла қора тумшуги баъзан ўсмирнинг елкасига тегиб-тегиб кетарди.

Улар шаҳардан анча узоқдаги, кўм-кўк тоғлар этагидан жўшиб чиқаётган чашма бўйига етиб келдилар. Мўйсафид болани тушириб,

эшак билан отни дарахт шохига боғлади. Ўсмир билан бирга чашма лабига ўтирди. Чашма суви зилол ва сокин эди. Унинг тагидаги майда-майда тошчалар ҳам жилваланиб кўзга ташланарди. Ҳовуз лабини ўтлар, маймунжонлар қоплаб олган эди.

— Бобо... — Чол боланинг чанг қўнган юзларига тикилди.

— Чўмилсам майлими?

Чолнинг нигоҳи чашмага тушди. «Йўқ» десам бола ранжийди, кўнглидан ўтказди, у.

— Майли,—деди-ю, аммо айтганига пушаймон бўлди. Ахир чашма чуқур бўлиши ва бола...

Мўйсафид ўсмирнинг шалолатиб сувга кириб кетганини кўриб шошиб ўрнидан турди. Ўзини сувга отиб, ўсмирни тортиб олмоқчи бўлди. Аммо чашманинг нариги бетидан боланинг боши кўринди. У зилол сувда балиқдай сузар ва бундан завқланиб кулиб қўярди.

Мўйсафиднинг кўнгли бироз таскин топди, дили ёришиб кетди. У болага ҳавас билан тикиларкан, дадаси билан ойиси дарёчадан эмас, балки пулидан қўрқиб лагерга юбормабдилар, деб кўнглидан ўтказди.

Мўйсафид бола томонга бир бор тикилиб қараб қўйди-да, эшак билан от ўтлаб юрган жойга йўл олди. Уларнинг терлари қуригани учун эгар-жабдуқларини олиб, бўш қўйиб юборди. Эшак тупроқли жой топиб, аганаб думалай бошлади. Бўр эса ўтлаб-ўтлаб майсалар устига чўзилди. Жонивор офтобнинг зарҳал нурлари ва тоғдан энди-гина эса бошлаган шамолдан кўзларини қия очиб, чуқур-чуқур нафас оларди. Кейин унинг ярим очилган кўзи ҳовузча бўйига эндигина келиб ўтирган ўсмир болага тушди.

Бўр шу топда ўзининг ёшлик йилларини эслагандир, ҳойнаҳой, ўшанда у ҳам дарё ичида сакраб-сакраб, сувни ҳар томонга сочарди, нақадар тотли эди ўша лаҳзалар, ўша дамлар.

Бир оздан кейин бола ўрнидан туриб, хуржундан бир неча чақмоқ қанд олиб Бўрнинг олдига келди-да, унинг ёнида офтобшувоққа чўзилди. У қандларни дона-дона қилиб кафтига қўйиб Бўрга узатди. Бўр лаблари билан қандни олиб қарсиллатиб чайнади.

Мўйсафид ҳовуздан сал нарида ўт ўрарди. Гоҳ-гоҳ қоматини ростлаб бир сиқим-бир сиқим ўриб, орқасига қўйган ўтларни бир ерга тўпламоқчи бўлиб орқасига ўтирилиб қараса, ўсмир ўтларни йиғиштираётибди. Чолнинг кўнгли миннатдорчилик ва хурсандчилик ҳисларига тўлди.

Кеч кирмай ўтларни эшакка ортиб, Бўрнинг арқонини эшакнинг тўқимига боғлади. Эшак билан Бўр шаҳарга йўл олди. Бола эса мўйсафид билан пиёда келар эди.

Улар буғдойпоядан ўтишди. Мўйсафид ўсмирнинг орқада қолаётганини сизди. Эшак билан отни тўхтатиб ўсмирга қаради. Ўсмир буғдойпоя илдизларини аста-аста босиб оқсоқланиб келарди. Мўйсафид хавотирланди. Шошиб унинг олдига келди. Оёқларининг икки бармоғи қонаб кетган эди. Буғдойнинг қуруқ илдизпоялари сандалининг тешикларидан ўтиб, бармоқларини қонатиб юборган эди. Чолнинг болага раҳми келиб кетди.

— Болам, кел, сени миндириб қўяй,—деди чол. Ўсмир: “Эшакнинг юки бор, қаерига миндирад экан?” деган савол аломати билан чолга тикилди. — Отга миндираман.

—Ўзингиз: “Киши севган дўстига юк бўлмайти”,—деган эдингизку!—деди ўсмир. Мўйсафид бир оз ўйланиб тургач:

—Ҳа, шундай деган эдим. Аммо чоллар болаларни бир жойдан бошқа жойга олиб борсалар, ўзларининг болалик йиллари ёдларига келарди. Бундан эса кўнгиллари шод бўлади,— деди.

Чол ўсмирни қўлтиғидан олиб Бўрга миндирди. Бола шу лаҳзада чолнинг кекса бўлишига қарамай ҳали ҳам анча бақувват эканини сезди. От билан эшак яна йўлга тушди. Бўр ҳар қадам ташлаганда бола эгарда силкиниб борарди. Худди дарё тўлқинлари устида тургандай: лаблари ва пешонасидан тер томчилари дарё сувидек кўзга ташланарди. Роҳатбахш шамол тинган, қуёш олов селини тобора кучлироқ пуркаётган, буғдойнинг қуруқ поялари оёқлар остида қисир-қисир синаётган бу дамда чол сувсиз дашт ўртасида шовиллаган дарё нафасини ҳис этди. Гўё ҳақиқатдан ҳам бир ёнда оқаётган дарё мавжлари соҳилга келиб урилаётгандай, тўлқинлари боланинг юзини силаётгандай... Чолнинг назарида Бўрнинг кўзлари янада равшан тортгандай бўлди. Гўё ҳақиқатан ҳам Бўр ўз болалигини эсга олиб, шодликка тўлгандай эди. Мўйсафиднинг кўнгли ҳам бундан ёришиб кетди.

Х

Хушмўйлов милиционер қайтиб келмади. Унинг ўрнига бир неча кундан буён маҳалла кўчасида ёш милиционер уч гилдиракли мотоциклини елдириб юрарди. Чаккасига қийшиқ кўндирилган шапкаси-ю, кўринишидан ўжарлигини ва чўрткесарлигини англаш қийин эмас эди.

Бир куни чол ундан хушмўйлов милиционерни сўроқлаб қолди:

— Яхши кишини одам бир неча кун кўрмаса, кўмсаб қоларкан, қаерга кетган, кўринмайди?

— Ўзидан сўранг, — жавоб берди ёш милиционер. Унинг жавобида норозилик оҳанги сезиларди. Чол саволини унга оғир ботганлигини фаҳмлади.

Кейинчалик билса, хушмўйлов милиционер нафақага чиқиб кетган экан. Буни унга қўшнилари, таниш-билишлари айтишди. Унинг ўрнига ўша ёш йигит келган экан. Шу боисдан мўйсафиднинг гаплари унга қаттиқ ботибди.

Нега энди бир киши иккинчи бир кишининг ўрнига келса, унинг олдида илгариги киши ҳақида илиқ гап айтиш мумкин эмас? — ўзидан ўзи сўрарди чол. Нега бу янги келган кишининг кўнглига қаттиқ тегади? Олдингиси кўп яхши ишларни амалга оширгандир, ундан ибрат олиш ва унга ўхшаб ишлаши керакдир, балки?

Маҳалланинг хушмўйлов милиционери ҳали ҳам кўринмас эди. Мўйсафид одамлардан уни бошқа шаҳарда яшовчи ўғли ўз уйига олиб кетганлигини эшитди.

Энди чол гоҳ-гоҳ ўсмир билан суҳбат қуради.

Ёш милиционер гўё ўзини кўрсатишдан бошқа иши йўқдай. маҳалла кўчасидан мотоциклини тариллатиб ўтарди. Бир куни кечқурун мўйсафид бола билан суҳбатлашиб ўтирганида ёш милиционер пайдо бўлди-да, уларга яқин келиб мотоциклини тўхтатди.

— От кимники? — деб сўради у.

— Меники, — жавоб берди чол. — Нима қилди?

— Шаҳарда от сақлаш мумкин эмаслигини биласизми?

Чол ўйланиб қолди.

— Биладан.

— Бўлмаса нега қонунни бузаяпсиз? Отингизни сотинг ёки бирон томонга олиб кетинг. Бошқа кўрмай.

Ёш милиционернинг бу гаплари чолнинг кўнглига оғир ботди. Унинг асло отини сотиш ёки бирор жойга олиб кетиш нияти йўқ эди. Агар шундай қилса, унинг ўзи ҳам кетиши керак эди. Лекин у ана шу ҳовлида ўзини таниди, шу ердан фронтга кетди. Жангдан кейин

эса Бўр билан яна шу ҳовлига қайтди. Шарофатнинг тобутини ҳам шу ҳовлидан чиқарди. Раҳбарлар чолнинг кўнглини тушунишиб уйини бузишмади, унинг қулбаси шаҳардаги кўп қаватли уйлар четида жойлашган ягона эски уй эди. Наҳотки, ёш милиционер атрофга назар ташлаб шуни сезмаса, шуни ҳис қилмаса. Наҳотки, Бўр эл кўзига кирган чўп бўлса. Ахир у одамлар учун хизмат қилган, улар орасида яшашга ҳаққи бор-ку?!

Мўйсафид ана шу гапларни янги келган милиционерга айтмоқчи бўлди, аммо у аллақачон мотоциклини тариллатиб кетиб бўлган эди. Мақсадини айтди, бошқаларнинг юрак дарди билан нима иши бор?!

Бир неча кун ўтгач, ёш милиционер яна пайдо бўлди.

— Мўйсафид, нега топшириқни бажармадингиз? Айтган эдим-ку, шаҳарда ҳайвон сақлаш мумкин эмаслигини, — деди истеҳзо билан.

— Иту мушуклар ҳайвон эмасми? — сўради мўйсафид. Ғазабланган милиционер қизарди-ю, аммо лом-лим демади. — Бўлмаса, уларни ҳам йўқотиш керак экан-да? Ахир улар чунонам ҳам кўпки, кечалари шаҳарнинг хилват кўчаларидан бемалол ўтиб бўлмайди.

— Улар кўчани ҳаром қилишмайди.

— От ҳаром қиладими?

— Ҳа!

— Нимаси билан?

— Гўнги...

Мўйсафид мотоцикл кетидан буралиб-буралиб чиқаётган тунга тикилди.

— Отнинг гўнгидан, — ғазабланди у, — ер бақувват бўлади. Аммо сенинг тар-тарагинг тутунидан еру осмон ифлос бўлиб кетган!

Милиционер жавоб бермай, аччиқланганича мотоциклини учириб кетди. Мўйсафид уни қайтиб келмаса керак, деб ўйлаган эди. Аммо бир неча кундан кейин у яна пайдо бўлди.

— Отни ё олиб борасиз, ё олиб кетаман, — деди у.

— Қаерга? — сўради чол.

— Қаерга лозим бўлса, ўша ерга!

Мўйсафид унинг дўқ-пўписасидан кўрқмасди, аммо чўрткесарлигидан кўрқар эди. Чунки ўжар ва қайсар одамнинг қўлидан ҳар иш келиши мумкин.

Тўсатдан мўйсафиднинг қўлига нимадир теккандай бўлди. Бир сесканиб, катта-катта кўзлари билан тикилиб турган ўсмирни кўрди. Унинг кўзларида қайғу, ғам тўла эди.

— Бобо, олиб кетадими? — ўсмирнинг овози қалтираб чиқди.

Чол бир зум ўйланиб туриб, деди:

— Мен билан сендан Бўрни ҳеч ким олиб кетолмайди. — Мўйсафид бу билан ўзига таскин бердими ёки боланинг кўнглига далда бўлсин дебми, билиб бўлмасди.

Ўсмир чолнинг гапларига ишонди. Бўрни улардан ҳеч ким тортиб ололмаслигини билиб, кўнгли таскин топди. Шундан кейин у ўзининг мўйсафид ва Бўр билан чинакам дўст эканлигини сизди. Бўрнинг тақдири учун ўзининг ҳам жавобгар эканлигини ҳис қилди.

XI

Мўйсафид уйига етмасданоқ унга томон ҳаллослаганича қоқила-сурила чопиб келаётган ўсмирни кўрди. Юзларини кўз ёшлари ювган, энтикиб-энтикиб нафас оларди. «Отаси хафа қилдимикан?» — кўнглидан ўтказди у. Яқинда боланинг отаси билан яқинроқ тани-

шиб, у билан дурустроқ суҳбатлашишни ният қилиб қўйган эди. Токи у фарзанд нимаю тарбияси қандай бўлишини билиб қўйсин.

Аммо ўсмир бутунлай бошқа гапни айтди:

— Бобо Бўрни мелиса олиб кетди...

Мўйсафид ялт этиб, эрта билан ўтга кетаётганида Бўрни боғлаган ерига қаради. От жойида йўқ эди. Юраги “шув” этиб кетди, қадамлари тўхтади. Йўл ўртасида ҳайрон бўлганича қотиб қолди.

— Олиб кетманг, деб шунча зорландим... — ўсмирнинг гуноҳқорона узук-юлуқ сўзлари эшитилди, — барибир олиб кетди... Орқасидан йиғлаб бордим. Ҳуштак чалиб, «агар жим бўлмасанг, ўзингни ҳам олиб кетаман», деди. Яна бир кишига мени ушлаб туришни буюрди. Ҳалиги одам мени қўйиб юборганда, Бўр ҳам, мелиса ҳам йўқ эди. — Ўсмир кўз ёшини тиёлмасди.

Мўйсафид биров итариб юборгандай бирданига қоқила-сурила дарвоза томонга юра бошлади. Шошилиб дарвозани очди. Эшакни ҳовлига олиб кирди-да, устидаги ўтни туширди ва оғилга ҳайдаб кириб, эшикни ёпиб қўйди, сўнг ҳовлидан кўчага чиқди. Ҳа, унинг ёш милиционерга айтадиган гаплари бор. Милицияхонага бориб, Бўрни қутқариб олиб келади. Милиционернинг кўзини мошдай очиб қўяди. Бир ишни қилишдан аввал унинг охирини ўйлаш кераклигини яхшилаб ўқтиради.

Аммо сал юрмасидан мотоцикл овози келди, бир оздан кейин мотоциклнинг ўзи кўринди ва тезлигини камайтириб, чолнинг қаршисига келиб тўхтади. Мўйсафид мотоциклда ўтирган ёш милиционерни кўрди, аммо Бўрнинг йўқлигидан юраги алланечук бўлиб кетди.

— Отим қани?

Милиционер «ҳозир» деди-да, киссасига қўл солиб, бир парча қоғозча олди ва чолга узатди.

— Агар гўшти керак бўлса, дўкондан сотиб олиб ейсиз...

Мотоцикл йўлга тушди, чол қалтираб кетди.

Отимни кушхонага элтиб берибди, деган фикр унинг миясига яшиндек урилди. Бўр бугун ё эрта гўшт бўлиб дўконга чиқса, ажабмас. Мўйсафид мотоцикл орқасидан чопмоқчи, унга етиб олиб, эгасини дўппосламақчи бўлди, токи бу унга унутилмас сабоқ бўлсин, токи одамлар қалбида дарду аламлар, қандай орзу-умидлар яшириниб ётганини билиб қўйсин. Аммо кўча муъолишида мотоцикл ғойиб бўлди.

Чол энди нима қилишини, қаерга боришини билмас эди. У йўл ўртасида серрайганича туриб қолди, кейин катта-катта қадам ташлаб юриб кетди. Кушхона олдида троллейбусдан тушди. Кушхона идорасини топиб, шошганича эшикни очди, рухсат ҳам сўрамай, тақиллатмай ҳам ичкарига кирди. Қалтироқ қўлларидагиғижимланган қоғозни бошлиқ столига улоқтирди.

— Отимни қайтариб беринг! — деди у жаҳл билан.

Бошлиқ қандайдир хаста ва ўйчан кўзлари билан унга тикилди.

— Тоғликларнинг одатига кўра, аввал салом...

— Садқайи салом кетинглар сенлар, — бақариб юборди чол.

Бошлиқнинг юзидаги таажжуб ва ҳайрат янада ошди.

— Отимни қайтариб беринг! — такрорлади чол. Бошлиқ хаста кўзларини мўйсафиддан узиб, қоғозга тикилди.

— Пушаймон бўлдингизми? — сўради бошлиқ.

— Ўзим олиб келиб топширсам, пушаймон бўлардим, — тутақиб деди чол. — Ташлаб қўйган отим йўқ! Ҳовлимга сиғади.

— Отингизни олиб келиб топширишга кимнинг ҳаққи бор экан?

— Мелисани-да...

— Бехудага олиб келиб топширмагандир?

— Шаҳарда, шахсий ҳовлиларда от асраш мумкин эмас эмиш, — хуноби ошиб деди чол.

– Қонунни ҳимоя қилиш унинг вазифаси.

Мўйсафид бутунлай ўзини йўқотди:

– Мен жангга бордим, азоб-уқубат чекдим, яраландим. – Қаҳру-ғазаб, дарду алам унинг бутун вужудини чунонам қамраб олган эдики, нима деяётганини, нима қилаётганини билмасди. Шу боис гапини тугатолмади. Унинг гапларини бошлиқ бошқача тушунди шекли, авзои ўзгарди.

– Мен ҳам жангда бўлганман, — деди у оҳиста. — Бутун оёқларим билан бориб, чўлоқ бўлиб қайтдим. Аммо, бирон марта миннат қилмадим. Биз у ерда ўз бурчимизни адо этдик, холос.

Чолнинг ғазаб ўтига худди бир челақ сув сепилгандек бўлди. У бўшашиб қолди, сочлари қордек оппоқ, ичига чўккан кўзлари ўйчан бошлиқни худди энди кўриб тургандай эди. Бу кўзларда ақл-фаросат бор эди. Йўқ, у асло миннат қилмоқчи эмасди, у бошқа гапни, тамоман бошқа гапни айтмоқчи эди. Лекин гапи тугамай қолди, бошлиқ эса бундан бошқача хулоса чиқарди.

– Мен ҳам ўз қарзимни адо этгани келдим, — деди анчадан кейин мулойимлик билан чол, — жангда ярадор бўлдим. Ана шу от жонимга оро кирди. Агар у бўлмаганида тирик ҳам қолмас эдим. Шунинг учун унинг олдида бир умр қарздорман. Киши яхшилиқни унутмаслиги керак. Одамийлик шуни тақозо қилади. Одамларга бу отнинг фойдаси жуда кўп теккан. Ахир, нега биз инсонлар хизматини эъзозлаймиз-у, ҳайвоннинг хизматини қадрламаймиз? Ахир унинг тили йўқки, қилган ишларидан лоф урса. Унинг тилсизлигидан фойдаланиш инсофдан эмас.

Чол бошқа ҳеч нарса дея олмади. Унинг қалбида ҳасрату надоматлар туғён уриб, гапиргани кўймаётганди. Кўзларига ёш тўлганидан бошлиқнинг янада маҳзунлашган кўзларини кўрмади. Бир неча дақиқадан кейин у бошлиқнинг сўзидан ўзига келди.

– Бизда бир қоида бор. Қабул қилиб олган нарсамизни қайтариб бермаймиз.

Чол бошини кўтарди, аммо шовқин кўтармади. Фақат кўзларидаги ғам янада ошганди.

– Аммо сиз учун иложини топамиз, — босиқ оҳангда деди бошлиқ. — Бу ҳам албатта қонунни бузиш йўли билан. Бошқа йўл йўқ. Бозорга бориб, биронта сигирми ё буқаи сотиб олинг. Отнинг вазнича бўлса, яна яхши. Биз молни олиб, отни қайтариб берамиз. Молнинг гўшти пулини эса биз берган квитанция билан банкдан оласиз. Зарар кўрмасиз, деб ўйлайман. Гап шундаки, бизнинг режамизда гўштнинг вазни ҳисобга олинади. Шунинг учун қабул қилиб олинган молни қайтариб бериш мумкин эмас.

Чол сувга тушган нондай бўшашиб, чиқди. У шу ҳолда кўп кўчалардан ўтди. Орқасидан эса ўсмирнинг оҳиста қадам ташлаб келаётганини билмас эди. Унинг ҳам боши қуйи солинган. Юрагига олов тушганди...

Чол билан ўсмир тун бўйи ўз ўринларида худди осмондаги юлдузлардек бедор эдилар. Уларнинг вужудини ташвишлар туғёни қамраб олганди.

XII

Ҳозир чолнинг кўз олдида Бўрнинг жонини азобга қўйиб бўлса-да, унинг ҳаётини сақлаб қолгани келди. Чол отининг ўша куни чеккан азобини худди ўзининг дардларидай ҳис қилар ва ҳозир кўрпада ётгандай эмас, балки Бўр билан бирга ўтмишни яна қайта бошдан

кечираётгандай эди.

Ўша куни Аҳмад бир партизан йигит билан ўрмоннинг қорли чек-касида соқчилик қилар эди. Отлар тинчсизланиб тепинарди. Атроф сув қуйгандай жим-жит. Худди товушлар ҳам музлаб қолгандек.

Анча вақтдан кейин аллақадан қандайдир овозлар қулоққа ча-лина бошлади, бир оздан кейин эса бу овозлар яна ҳам кучайиб, қулоқни қоматга келтирувчи шовқинга айланиб, яқинлаша бошлади. Аҳмад билан ўртоғи диққат билан қулоқ солишса-да, аммо бу нима-нинг овози эканлигини билолмасди. Бирданига ўртада тўп ўқи гум-бурлади. Қор билан тупроқ аралашиб кетди. Хуркиб нечта от эгаси билан бир томонга ағдарилди. Аҳмад танасининг бир неча жойидан қон шариллаб оқар эди. Отнинг танасида ҳам қон тўла чуқурчалар пайдо бўлди. Аҳмад отнинг ҳам, эгасининг ҳам қайтиб туролмасли-гини сезди.

Гумбур-гумбур овозлар ҳавони тўлдирдию, Аҳмад узоқдаги тепа-лик биқинидан сийрак туман ичида бирин-кетин ўрмалаб келаётган танкларни кўрди. Аввал кўзларига ишонмади. Кейин билса, аравалар юрадиган оғир йўлдан ўтиб, бирданига зарба бериш учун партизан-лар манзилига келаётган экан. Танкдан отилган бир ўқ Аҳмаднинг олдига келиб тушгач, у ўзига келди. У Бўрнинг юганини тортди. От-нинг бошини орқага бурди. Сағрига қамчи босди.

– Чу-ух! Жонивор, чуҳ!

У қандай бўлмасин, партизанлар олдига тезроқ етиб бориб, улар-ни бу хавфдан хабардор қилиш ниятида эди. Аммо Бўр худди чап оёғига оғир бир нарса боғлаб қўйилгандай чўлоқланиб чопарди. У бирданига йўл устидаги бутага қоқилиб, чўккалаб қолди, аммо шу заҳотиёқ ўрнидан туриб, яна чопиб кетди. Аҳмад энгашиб, хавотир-ланиб, Бўрнинг оёғига қаради. У чап тиззасининг пастидан жароҳат-ланган эди. Портлаш вақтида снаряд парчалари Бўрнинг оёғини те-шиб ўтганлигини кўрди.

Отнинг бошини сийрак дарахтлар ичига бурди, аммо танклар овози борган сари яқинлашиб келар, гўё шу пайтда улар Бўр икковини эзиб мажақлаб ўтадигандай эди.

Бир неча дақиқадан кейин Аҳмад танклар овозининг пасая бош-лаганини, аммо улар ҳамон уни таъқиб қилаётганини фаҳмлади. Танк-лар тезлиги энди пасайган эди.

Партизанлар маконига тобора яқин қолмоқда эди. Аҳмад агар шу тарзда кетаверса, танкларни тўғри партизанлар ертўласига етаклаб боришини, душман танкчиларининг мақсади ҳам унинг ортидан партизанлар манзилига бориш эканлигини тушунди.

Шошганича юганни ўннга бурди. Бўр бурилганича қалин дарахт-зорлар ичига кириб кетди. Кўп ўтмасдан Аҳмад танклар овозининг пасайганини, сўнгра яна баландлашганини, шундан кейин эса бир неча дарахтнинг қарсиллаб синганини эшитди. Танкларнинг зўр бе-риб йўл очиб, Бўрнинг кетидан келаётгани аниқ эди. Лекин Бўр секин чопишига қарамасдан йўллардаги кўплаб тўсиқлардан зўрға ўтиб келаётган танклардан борган сари узоқлашарди. Аҳмаднинг боши узра ўқлар визиллаб ўта бошлади.

Бир оздан кейин Бўр танклардан анча узоқлашиб кетди. Шу пайт тўсат-дан портлаш товуши эшитилди-ю, Аҳмаднинг қулоқлари чиппа битиб қолди. Ёнидаги тупроқлар, дарахтлар кўкка учди. Бўр бирдан нимагадир қоқилиб, бўйни зарб билан бир томонга қайрилди, йиқилишига сал қолди. Аҳмад Бўрнинг гардани тупроқ ва қорга беланганини кўрди.

Иккинчи марта портлаш юз берганида юган Аҳмаднинг қўлидан чиқиб кетди. Ўзи ҳам қарийб Бўрнинг остида қоларди. Баданининг у ер-бу ери худди қизиган темир босгандай қуя бошлади.

Ўқлар энди бирин-кетин портлар, аммо Бўрнинг чопишга қуввати етмасди. У фақатгина ўқлар ерга тушиб портлаганда сесканиб кўярди, холос.

Икки томонлама отишув бора-бора пасайди. Аҳмад энди қоматини тик тута олмас, аксинча, борган сари ҳам бўлиб борар эди. Ниҳоят, Аҳмаднинг кўкраги эгар қошига тушди. Пешонаси эса Бўрнинг паришон ёлларига тегди. Кўллари от гарданининг икки томонига осилиб қолди. У фақат Бўрнинг гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб, баъзан бошқа томонга юраётганини сезар эди, холос. Бўр йўлдан адашди, деб ўйлади у. Портлашлар даҳшатидан келган йўлини йўқотган бўлса, эҳтимол. Бунинг устига шамол туриб, қордаги изларини супуриб кетган.

Аҳмад оддан йиқилиб тушмаслик учунми ёки оғриқнинг зўриданми, Бўрнинг паришон ёлларидан маҳкам ушлаб олди. Бўр не-не азобларни бошидан кечирмади, қайси йўлларни босиб, қаерлардан ўтмади, қаерларга етмади, буни Аҳмад билмас эди. У фақатгина эртаси куни партизанлар ертўласида ўзига келди. Яқин орадаги портлашлар товушини эшитган партизанлар танклар ҳужумидан хабардор бўлиб, уларни қуюқ ўрмон ичида янчиб ташлаганларини ҳам кейин эшитди. Партизанлар душман танклари орқасидан келаётган фашист аскарларини ҳам ер билан яқсон қилган эдилар. Улар зафар қучиб ертўлаларига қайтаётганларида Ҳикмат партизанлар орасида Аҳмадни ва отлар ичида Бўрни кўрмай хавотирга тушибди. Танклар аввал Аҳмад билан унинг ҳамроҳини нобуд қилиб, сўнг ҳужум бошлаган, деб ўйлабди. Шунинг учун у ярадор бўлишига қарамай, Аҳмадни топмагунича тинчимаслигини айтиб излашга тушибди. Лекин кўп юрмасдан партизанлар томон судралиб келаётган Бўрни кўрибди. Ҳикмат Бўрга яқинлашиб, Аҳмаднинг жасадини қимирлатиб кўрибди-ю, додлаб юборибди. У, дўстини ўлган деб ўйлабди. Ниҳоят, Аҳмаднинг кўзларини хиёлгина очилганини кўриб, ўзига келибди-ю, Бўрнинг юганидан тортиб партизанлар манзилига жўнабди. Қарийб музлаб қолган Аҳмадни оддан тушириб олишлари биланоқ Бўр гандираклаб йиқилибди. Уни энди ўрнидан турмайди, деб ўйлашибди. Шунга қарамасдан, бир неча партизан уни судраб отхонага олиб бориб, ярасига дори қўйишибди.

Аҳмаднинг кўзлари ёшга тўлди. Агар у бетоб бўлиб ётмаганида туриб Бўрнинг олдига борар, унинг бўйнидан қучоқлаб, бошини кўксига қўйиб, пешонасидан тўйиб-тўйиб ўпар, йиғлаб миннатдорчилигини изҳор қилган бўлар эди. Ахир унинг Бўргинаси меҳрибон ва вафодор Бўргинаси, яраланганига қарамай, йўлни топиб партизанлар маконига олиб борибди-я!

Ўша кундан бошлаб Аҳмад худди Шарофату Ҳикмат сингари Бўрни ҳам ўз ҳаётининг узвий бир қисми, деб ҳисоблай бошлади ва токи тирик экан, Бўрдан бир умр ажралмасликка қасамёд қилди.

Улар шу кунгача бир-бирларидан ажрамаган эдилар, ёши ўтган қари чолнинг кеса от билан бирга юриши кўпларнинг кўнглига изтироб солар эди.

Аммо маҳалланинг ёш милиционер...

Чол кўрпа ичида бошқа ёнига ағдарилди, аридай ғужғон ўйнаган фикр-ўйлари кўз олдига қуйидаги кўнгилисиз манзарани келтирди: қушхона олдида яқин туманлардан келтирилган отлар билан бир қаторда қантарилган Бўр турибди. Ғамгин ва маъноли кўзлари маъюс. Гўё уни нималар кутаётганини сезгандай.

Мана, икки киши саройга кирди. Биттаси отни ечдию, иккинчиси Бўрдан нарироқда турган ёшгина отга яқинлашди, асов ҳуркиб ўзини четга олди. Ҳалиги киши бир зум ёш отга синчков, совуқ кўзлари билан тикилди-ю, деди:

– Менимча, бошлиқ тайинлаган от мана шу.

Бошқа отни аллақачон устундан ечиб олиб, чиқмоқчи бўлган шериги тўхтаб, ёш отга қаради.

– Мумкин, — деди у ҳам кўзларида ҳавас ўйнаб.

Дарҳақиқат, Бўрдан узоқроқда турган бу ёш отга кўрганнинг ҳаваси келар эди. Қордай оппоқ эди бу от, танаси мармардай, териси жилвадор, кўзлари оҳунинг кўзларидай ҳумор ва дилкаш боқар эди. У бир жойда тек тура олмас, тинмай депсинар эди. Гўё танасидан ҳаёт булоғи қайнаб-тошаётгандай. Шундай отни сўйишга олиб келганларига кишининг ишонгиси келмас эди.

– Бошлиғимиз отни жуда танийди-да, — деди от ёнида турган ҳалиги киши, — қайси отни тайинлаб қўйишни ҳам яхши билади. Аммо ёғоч оёқлари билан қошки бу отга мина олса. Бирорта тоғлик чавандозга катта пулга сотиб юборса керак. Ахир бу отга вазнига тенг олтин берса ҳам камлик қилади.

У ёш отни ечмай, Бўрнинг олдига келди. «Бунисининг мазаси йўқ. Сўядиган вақти аллақачон етган», — деди.

У Бўрни қозикдан ечди-да, саройдан олиб чиқди. Уни бошқа жойга, деворлари баланд, бетондан қилинган хонага судраб кирди.

Уйнинг бурчагида эса сўйилган отларнинг калла-почалари кўзга ташланар эди. Бўр бир зум уларга тикилди, умрининг сўнгги дақиқалари қолганини сезган бўлса, эҳтимол, кўзлари гўё «алвидо чол» деётгандай эди.

Чол бир сакраб кўрпа устига ўтирди. Бу ўзи ўйлаб тўқиган хаёллар исёни эканлигини унутди. Сўнг бу тасодиф ҳозир содир бўлмаса ҳам бирон соатдан кейин албатта рўй беришини кўнглидан ўтказди. Ахир кушхона бошлиғи қачонлардир гўшг бўлиб дўконга чиқиши лозим бўлган бегона отни бир неча кун тутиб туришга ҳаққи йўқ-да.

Чол ўрnidан туриб, тахмон олдига келди. У сандиқ устидаги кўрпаларни олиб, шолча устига ташлади. Сандиқни очиб, қоғозга ўралган бир нарсани олди. Бу унинг гўру-кафани учун йигиб юрган пули эди...

Шафқатсиз ўлим Шарофатни олиб кетмаганида, у ўлим ҳақида ўйламас эди. Шарофатнинг ўлими эса бу нарсаларни унинг эсига солди. Яна Шарофат ҳам сўнгги кунда узуқ-юлуқ, хаста овозда “киши қачон ўлишини билмайди. Олдиндан ғамини ейиш керак, кейин бошқалар қийналмасин”, деб таъкидлаган. Шарофат бу гапларни уларнинг фарзандлари ва келгусида ўлик-тирикларига эғалик қиладиган киши йўқлиги учун айтгандир. Шундан кейин мўйсафид нафақа пулидан оз-оздан сандиққа ташлаб қўядиган бўлганди.

Чол бир даста пулни белбоғига тугиб, белига боғлади, тўннини кийиб, уйдан чиқди. Оппоқ тонг туннинг қора пардасини кўтариб, борлиқни чароғон қилди. Чол дарвоза томонга юрди, уни очди-ю, остонада бир зум туриб қолди. Остона ортида ўсмирни кўриб, ҳайратга тушди. Ўсмир ғамгин ва хаста, қизарган кўзлари билан унга тикилиб турарди. Ота-онасининг кўзини шамғалат қилиб, бу ерга қочиб келган бўлса керак.

– Бобо, — ўсмир ғамгин оҳангда деди, — Бўрни қандай қилиб кутқарамиз?

Чолнинг қуруқшаган лаблари анчадан кейин қимирлади.

– Кутқарамиз. Ҳозир мен бозорга бориб, биронта мол сотиб оламан-да, шуни топшираман. Бўрни кутқариб оламиз.

Чол дарвозадан чиқди. Қадамлари илдам ва дадил эди. Орқасига қайтиб қарамади. Кўзлари ўсмир боланинг кўзига тушишидан кўрқарди, у кўп азобу машаққатлардан иборат бу узоқ йўлга ўсмирни олиб боришни истамасди.

Бекатга келди, автобусга чиқди. Ўсмирнинг автобус эшиги орқасида қолганини ҳам сезмади. Автобус йўлга тушди. Ўсмир уни ҳам бирга олиб боришини жуда-жуда истарди. У Бўр учун барча азобу укубатларга бардош беришга тайёр эди.

Автобус кўчадаги машиналар орасига кириб, кўздан йўқолди. Орадан бир неча соат ўтди.

Бу орада бекатга кўплаб машиналар келиб-кетди. Аммо биронтаси ҳам мўйсафидни ва у сотиб олган молини олиб келмади.

Бола ҳали ҳам бекатда турар эди. Чолнинг тезроқ келишини, тезроқ бориб кушхонадан меҳрибон Бўрни қутқариб қолишни истарди.

Ёш милиционер полковник кабинетига кириб честь берди.

— Ўртоқ полковник, менинг назоратим остида бўлган маҳаллада жамият тартиби бузилмади. Фақат ғайриқонуний тарзда асраб турилган от эгаси менинг олдиндан огоҳлантиришимга эътибор бермаганлиги ва от шаҳардан чиқарилмаганлиги учун гўшт комбинатига олиб бориб топширилди.

Полковник доимо қонун ҳимоячилари тарафдори эди. Уларнинг энг яхшиларига ташаккурномалар эълон қилар ва ҳатто унвон ҳам берар эди. Ҳозир ҳам эндигина сабза урган мўйловли ёш милиционер қонунни ҳимоя қилганлиги учун полковникдан илиқ гаплар эшитиш умидида эди.

Аммо у полковник савол назари билан қараб турганини сезди.

— Қайси от? — сўради полковник ҳайрон бўлиб.

— Эски уйда яшовчи мўйсафиднинг оти. — Полковник сергақланди, карахт бўлиб қолган милиционерга бир зум тикилиб қолди.

— Нега топширдинг?

— Қонун-қоидага асосан шаҳарда от асраш мумкин эмас.

Полковник ҳар куни ўнлаб катта-кичик масалаларни ҳал қилар, аммо жиддий қиёфаси кам ўзгарарди. Ҳозир эса унинг юзида бир зумда рўй берган ўзгариш ёш милиционерни ажаблантирди. Аввалига у бунинг сабабига тушуниб етмади.

— Дунёда қалб деган нарсанинг борлигини биласанми, ўзи?

Милиционер полковникнинг мақсадини тушунмади. Унинг нега ғазабланганини англолмади.

— Инсон қалбининг қонун-қоидасига риоя қилмаган кишидан халқ милиционери чиқмайди, — деди полковник. — Ахир мўйсафид ана шу оти билан жангга борди, шу оти билан бирга мену сени деб қон тўқди, азоб чекди. Биз эса унинг меҳнати эвазига отини сўйгани топширдик. Биласанми, мўйсафид бу отсиз яшай олмайди. Усиз чолга дунё тор, қоронғу. От унинг юрак тафти, овунчоғи. Биз, қонун ҳимоячилари, энди қайси юз билан унга қараймиз? Нега биз баъзан инсонлар қалбига кулоқ солмаймиз, уларни тушунмаймиз, орзуларига бефарқ қараймиз?

Полковникнинг авзойи бузуқлигининг сабабини ёш милиционер энди тушунди. Ёруғликдан кўзи бирдан қамашгандай, унинг онги ўзининг юзаки тушунчасидан хира тортди. Шу боисдан полковникнинг «қачон олиб бориб топширдинг», деб сўраётганини ҳам эшитмади. Полковник иккинчи марта такрорлаганда у ўзига келди ва шошганича «кеча» деди. Полковник телефон гўшагини олиб номерларни тез-тез тера бошлади. Ичидан тошиб келаётган ғазаб унга тинчлик бермаётгани яққол сезилиб турарди.

— Кушхонами? — сўради у шошиб. — Мен милиция бўлиמידанман. Кеча бизнинг бир одамимиз мўйсафиднинг отини олиб борибди...

Полковник гаплари нариги томондан бўлинди, чамаси у хомуш қолди. Қиёфаси ўзгарди-ю, боши қуйи солинди. Анчадан кейин унинг

кучсиз қўллари гўшакни аста жойига қўйди. Энди у шу топда мўйлов қўйган милиционерни ҳам унутгандай эди. Аммо бир неча дақиқадан кейин бошини бирдан кўтарди-да, шиддат билан ишора қилди:

— Ҳатто улар ҳам менга таъна қилишади, — кушхонани назарда тутгани кўриниб турар эди — улар, биз қонунчиларга нисбатан анча узоқни ўйлашади.

Полковник тобора қизишарди.

— Олиб бориб топширибсанми, энди қайтариб ҳам олиб келасан. Гап шу. Сенга жавоб. Бор, чолнинг отини олиб келмагунча кўзимга кўринма.

Еш милиционер полковник хонасидан калтак еган итдай бўлиб чиқди. Пешонасини, лабларини совуқ тер босган эди. Ахир у полковникдан буни кутмаган эди-да!

XIV

Чол туман марказига етиб келганида қуёш еру кўкни олов селига фарқ қилганди. Эрта тонгдан бошланадиган мол бозорида одам анча сийраклашиб қолган эди. Чол бозор четида эгалари тутиб турган моллар ичидан биттасини танлади. Вазнини ҳам кўзи билан чамалаб кўрди. Кейин молнинг эгасига, ўрта яшар, ориққина кишига яқинлашди:

— Қанча дейсиз?

— Олти юз.

Чол чўнтагида беш юзу эллик сўмлигини дилидан ўтказди.

— Беш юз бераман.

— Бўлмайди.

— Беш юзу йигирма.

— Беш юзу йигирмага харидор тўлиб ётибди.

— Беш юзу ўттиз.

Молнинг эгаси яна кўнмади.

— Беш юзу қирқ. Мўйсафид қолган сўмни машина кира қилиб тезроқ кушхонага етказишни ўйларди.

— Бўлмайди.

Чол жим қолди. Бир оздан кейин лаблари қимирлади.

— Беш юзу эллик.

Ниҳоят, мол эгаси рози бўлди. Бундан чол ҳам хурсанд бўлиб, шошганича белбоғини ечди-да, пулни санамасдан ҳам мол эгасига узатди. У таажжуб билан дам пулга, дам мўйсафидга тикиларди. Кейин пулни очиб санади. Роса беш юзу эллик сўм эди.

Бозор одатига кўра мол эгаси қўлидаги бир сиқим пулни буқанинг арқонини тутиб турган чолнинг кафтига босиб, қўлларини сиқди.

— Рози бўлинг.

— Сен ҳам рози бўл.

— Насиб қилсин.

— Сенга ҳам.

Чол молни бозордан олиб чиқди. Энди қуёш тиккага келиб, атроф-теваракни тандирдай қиздирар эди. Чол молни катта кўчага олиб чиқди-да, шаҳар томонга етаклаб кетди. Жонивор сира бу ерлардан узоққа чиқмаган бўлса керак, юришдан бўйин товлаб, чолни қийнар эди. Охири бўлмагандан кейин у орқага қараб ўтиб, арқонни унинг устига ташлади ва олдига солиб ҳайдаб кетмоқчи бўлди. Мол эса орқасига қайрилиб, қочишни мўлжаллади. Аммо мўйсафид хушёрлик қилиб, вақтида унинг арқонидан тутиб қолди. Чол яна олдинга ўтиб, уни судрай бошлади. Бироқ мол оёқларини ерга тираб, қаршилиқ кўрсатишга тушди. Чол қаттиқ ҳолдан тойди. Тўни ҳам оғирлик қила бошлади, ечиб қўлтифта тикди. Молни яна куч билан олдинга торта бошлади.

Катта йўлдан машиналар қарвони бирин-кетин ўтиб турарди. Мўйсафид баъзан машиналардан бирортасини тўхтатиб, буқани шаҳарга олиб бормоқчи ҳам бўлди. Пули йўқлиги рост, аммо пул бўлмаган тақдирда ҳам ҳарҳолда ҳайдовчига савоби тегади-ку. Ниҳоят, у журъат қилиб қўл кўтарди. Аммо шаҳарга кетаётган машиналар кўп бўлса-да, тўхтамасди. Мана, машиналардан биттаси йўл четига ўтиб тўхтади, ҳайдовчи кабинадан бошини чиқарди:

— Қаерга? — сўради у.

— Шаҳарга.

— Мол биланми? Қанча берасиз?

Мўйсафид ўйланиб қолди.

— Нега оғзингизга талқон солдингиз, гапиринг?

Чол ҳали ҳам жим эди.

— Пулга кўзингиз қиймаяпти-а? Нархини эшитмасдан рангингиз ўчиб кетди. Пулингизга ичингиз куяр экан, қўл кўтариб нима қиласиз, одамларни йўлдан қўйиб. Сигирингизни тортиб кетаверинг.

Машина силкиниб йўлга тушди.

Чол йўл четига бир зум туриб қолди. Энди унда қўл кўтариб машина тўхтатишга журъат қолмаганди. Ҳазабланган чол сигирнинг арқонини яна олдинга тортиди. Сигир ҳам истар-истамас аста-секин қадам ташлади. Дағал арқонни торта-торта чолнинг қўллари қавариб кетди. У терга ботган, томоғи қуруқшаб нафас олиши оғирлашарди. Нафасини ростлаш учун қоматини бир зум кўтарди.

Шу пайт шаҳар томондан келаётган машиналар қарвони ичида чолнинг кўзи таниш мотоциклга тушди. Ва лол бўлиб қолди. Мотоцикл рулида ёш милиционер, кажавасида эса ўсмир...

Милиционер ўсмирни мотоциклга миндириб, мени топиб беришга мажбур қилган бўлса-я, кўнглидан ўтказди чол. У яна чолнинг отини кутқариб қолишига тўсқинлик қилмоқчидир?

— Энди қўлидан ҳеч нарса келмайди, — деди ўзига-ўзи чол ва муштини тугди. Жангдан кейин у бирон марта муштини бунчалик қаттиқ тугганини эслай олмайди.

Ҳозир агар милиционер унинг йўлини тўсса, бир мушт тушириб, арқонни ўсмирга тутқазиб, молни шаҳарга олиб боришга тайёр эди. То милиционер ўзига келиб, унинг қаерга кетганини аниқлаб олгунча у сигирни кушхонага олиб бориб, Бўрни халос этади. Кейин Бўрни ундан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Мотоцикл яқинлашгани сайин чолнинг ҳайрати янада ошарди. Кажава ичидаги ўсмир ўрнидан туриб, қўлини силтаб, нимадир демоқчи бўлар, оғзи қулоғида эди.

...Чолнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, аммо ўсмир Бўрни кутқариб, уни арқонидан тугган, етаклаб, уйга бораётган эди. Ана милиционер мотоцикл билан олдинга ўтди, у мўйсафид ва Бўр учун йўл очиб борар эди. Шаҳарликлар эса қадамларини секинлатиб Бўрга, шаҳардаги сўнги аргумоққа ҳавас билан тикилиб қолишди.

Бўрнинг қайтиб келиши мўйсафид ҳовлиси ёнидаги болаларга катта қувонч бағишлади.

Ўсмир яна аввалгидай челақчани сувга тўлдириб, кафтига қанд бўлақларини қўйиб, Бўрга олиб келади. Ям-яшил майсазорда, унинг соясида чалқанча ётиб, ширин ҳаёллар суради. Дунё ташвишларидан, ғам-андуҳларидан беҳабар ширин уйқуга кетади. Ўсмирнинг мурғак ва маъсум қалбида орзу-умидлар кўп ва у бу орзу умидларнинг сўнишига асло ишонмайди.

